

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
“МАЪНАВИЯТ ВА  
МАЪРИФАТ”  
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

МАРАХ РУСЛИ. Ситти Нурбая. *Роман* ..... 3  
АНДРЕ БРИНК. Шамолдаги лаҳза. *Роман. Давоми* ..... 61

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

АДАМ МИЦКЕВИЧ. Эрк ёғдуси ..... 52  
ГУЛЧЕҲРА НУР. Иншооллоҳ, бу юрт ажиб юрт бўлар ..... 118

### 1999 — АЁЛЛАР ЙИЛИ

Н.В.ГОНЧАРЕНКО. Даҳо аёллар ..... 126

### ТУРКИЙ ДУНЁ БУЮКЛАРИ

ТУНЖЕР БОЙҚАРО. Заки Валидий Тўғон ..... 143

### ПУБЛИЦИСТИКА

ВАСИЛИЙ БЕЛОВ. Она-Ерга муҳаббат ..... 163

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

МАРИО ПЬЮЗО. Мафия сардори. *Роман. Давоми* ..... 183

*Июл '99*

Бош муҳаррир: **Озод Шарафиддинов**

Таҳрир ҳайъати: **Неъмат Аминов, Муҳаммадали Аҳмедов, Шароф Бошбеков, Жамолиддин Бўронов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Неъматулла Иброҳимов, Мурад Муҳаммад Дўст, Мирпўлат Мирзо (Бош муҳаррир муовини), Абдулла Орипов, Абдуҳамид Пардаев (масъул котиб), Ғайбулла Саломов, Жавлон Умарбеков, Шоир Усмонхўжаев, Рустам Шогуломов, Саидбек Ҳасанов.**

**Жаҳон адабиёти 7. 1999**

**ИНДЕКС 828,829**

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, № 172.

Таҳририят манзили:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир **Назира ЖўРАЕВА**

**Рассом М. КАРПУЗАС**

Техник муҳаррир **М. НИЗОМОВА**

**Мусаҳҳиҳ Т. ОРИПОВА**

Теришга берилди 10.05.1999 й. Босишга рухсат этилди 17.06.1999 й. Бичими 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Жами 3000 нусха. К-7159 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриётида  
компьютерда терилиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

© **Жаҳон адабиёти, 1999 й.**

Марах РУСЛИ

# Ситти Нурбая

Роман

## I. МАКТАБДОШЛАР

**В**ақт пешин бўлиб қолган. Тупроқдан кўтарилаётган иссиқ ҳовурдан чор-атроф жимир-жимир қилади. Маҳаллий голланд мактабининг рўпарасидаги шохлари тарвақайлаган кетапанг<sup>1</sup> соясида бир ўсмир билан қизча турибди. Йигитча ўн саккизлар атрофида Унинг эғнида кампирёқа оқ кўйлак, тиззасидан пастига тугма қадалган ихчам қора иштон. Резина боғичли шойи пайпоқ кийган оёғида қора ботинка. Бошига эса одатда голландияликлар киядиган сурранг похол шляпа кўндирган. Йигитча бир кўлида бир неча китоб ва жуғрофия атласи тутган, иккинчи кўлидаги узун чизғич билан эса болдирига тўхтовсиз урарди.

Олисроқдан назар солган киши уни мактабдан уйга қайтаётган голландиялик ўқувчи деб ўйларди. Бироқ яқинроқ келгач, йигитча европалик эмаслигини дарҳол англаши мумкин: у қорамағиз бўлиб, сочлари ва кўзлари тим қора.

<sup>1</sup> Кетапанг — йирик япроқли мевали дарахт.

**Абдуҳамид  
ПАРДАЕВ  
таржимаси**

Жаҳоншумул адиб Чингиз Айтматов каби бу асар муаллифи Марах Руслининг ҳам асил касби ветеринар врач. Қолаверса, 1889 йилда таваллуд топган Марах Русли шу илк йирик асари чоп этилганда эндигина ўттиздан ошганди. “Қайғули муҳаббат қиссаси” деган тагсарлавҳаси ҳам бор бу асар “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби муҳаббат дostonларига, шунингдек, “Ўтган кунлар” романига ўхшаб кетади. Шу жиҳатдан олганда, бу асарни тўла маънода роман-фожеа дея таърифлаш мумкин.

Асарда асилзода оиладан чиққан Самсулбахрининг кўшни қиз Нурбаяга фожиали муҳаббати тасвирланади. Романни ўқир экансиз, икки ёшнинг беғубор ва оташин муҳаббати қалбингизга туғён солади. Икки ёшнинг бахтсиз муҳаббати мисолида Индонезиядаги бутун бир тарихий давр қамраб олинади. Адиб голландларнинг Индонезиядаги мустамлакачилик сиёсатини, қолаверса, тараққиётга тушов бўлиб келаётган зарарли расм-русумларнинг шармандали моҳиятини фош этади. Асарни ўқиш давомида Индонезиянинг бетакрор манзаралари кўз ўнгингизда гавдаланар экан, адибнинг она-Ватанига чексиз муҳаббатини ҳам ҳис этасиз.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

Кенг манглайи остидаги қуюқ қошлари ҳам тим қора. Бурни думалоқдан келган, лаблари пиёзнинг пўстидай юпқа. Бўй-басти ҳам келишгангина — семиз деб ҳам бўлмайди, озгин деб ҳам. Беғубор ва осойишта авзоидан дангалчилиги, ҳақпараст ва қатъиятли эканини уқиб олиш мумкин; бундайлар кўзлаган ниятига етмай қўймайди. Ўзини тутишига, шунингдек, ўқиётган мактабига қараб мулоҳаза қиладиган бўлсак, унинг бадавлат хонадон фарзанди экани, бамаъни ва тарбия кўрган кибор жамиятданлиги манамен деб турарди.

Йигит билан ёнма-ён турган қизча эса ҳали ўн бешга ҳам тўлмаган. У ҳам голландияликлар каби дид билан кийинган. Тимқора сочлари шойи боғич билан танғилган бўлиб, бир жуфт оқ тасма унга ўзгача оро берган. Эгнида энгил батист қўйлак, оёқларида эса бир хил — қўнғир тусли пайпоқ ва туфли. Қизнинг чап қўлида тоштахта ва қалам, бўр ҳамда бошқа ашёлар солинган ихчам ғаладон, ўнг қўлида — кўкиш хошияли оч-сарик тусли шойи шамсия.

Қиз эмас, офатихоннинг ўзгинаси! Думалоқдан келган чеҳраси ёзнинг иссиғи таъсирида қаҳрабодай ялтирайди. Табассум қилганида юзининг икки чеккасида пайдо бўладиган кулгичлари уни яна ҳам истаралироқ қилиб юборар, чап юзидаги холи ясамалиги ҳам билинмай кетарди. Осойишта ва нозли нигоҳи эса ҳар қандай кишини бир қарашдаёқ оҳанрабодай сеҳрлаб оларди. Бурни тўғри ва бежирим, лаблари энди очилган гул япроқларидай майин, лаблари орасидан кўзга ташланувчи текис тишлари эса фил суягидан ясалгандай оппоқ. Ияги бир тутамгина, қулоқларидаги зирагининг йирик-йирик биллур кўзлари қуёшда товланган тонг шабнами янглиғ товланади. Қизнинг мағрур бўйинини безаган тилла маржон кўз олгудай жилваланади. Иягини хиёл кўтариб сув ичса, томоғи юпқалигидан ўтаётган сув кўрингудек. Қизнинг ёқимли ва оҳангдор овози ҳазин най навосини эсга солади. Шунинг учун бўлса керак, гапирганида ҳамсуҳбати беихтиёр кўнғилга энгил гусса ингандай ҳис этади ўзини. Кўкраги бўйик, бели хипчагина; қўлида ялтироқ дур билан безатилган, бир-бирига айқашган бир жуфт илон шаклидаги билақузук; чап қўлининг номсиз бармоғида йирик гавҳар кўзли узук ялтирайди. Қизнинг сарвдек қомати ва равон хироми беғубор чеҳрасини янада тароватлироқ ва латофатлироқ қилиб юборарди.

Қизнинг қиёфаси, рангининг тозаллиги ва таққан зеб-зийнатлари унинг бирон бадавлат ёки йирик амалдор индонезнинг қизи эканидан далолат беради. Унга кўзи тушган ҳар қандай одам беихтиёр маҳлиё бўлиб, юрагида илиқ бир туйғу пайдо бўларди. Ҳар қанча муҳим иш билан банд бўлмасин, унинг овози қулоғига чалинган одам беихтиёр унга томон бурилиб қарарди. Ва ҳар бир кимса, бу фариштасифат қиз пайти келиб баҳор чечагидай очилишини, ҳамма уни Паданг<sup>1</sup>нинг бебаҳо гули дея аташини, гул бўлганда ҳам хуш бўйи чоратрофни тутиб, ниначи-ю капалакларгача — ҳаммани ишқ дардига мубтало этишини хаёлидан ўтказиши шубҳасиз эди...

— Али пак<sup>2</sup> бугун нимагадир ҳаяллаб қолди-я. Бизни олиб кетиш ёдидан кўтарилмадимикан? — деди йигитча Ява кампунг<sup>3</sup>ига олиб борувчи йўлга қараб кўяркан.

— Ростдан ҳам соат бирга қолмай шу ерда бўларди, — жавоб берди қиз. — Ҳозир эса, — телефон станцияси соатига ишора қилиб, — қара — салкам бир ярим.

— Ишқилиб, ухлаб қолмаган бўлсин-да! Кеча отамдан циркка бориб отларни томоша қилсам майлими, деб ўтинаётганди. Агар шундан кечикаётган бўлса, отамга арз қилишимга тўғри келади, — деди йигитча аччиқланиб.

— Кераги йўқ, Сам. Қарияга раҳминг келсин, ахир у бир кун эмас, бир неча йиллардан буён отангнинг қўлида ишлаб келаяпти. Шунча йиллардан буён бирон марта танбех эшитганини йўқ. Унга ўхшаган беозор, итоатгўй бўлиб қолсагу, боз устига яна сўкиб-яниши, қандай аҳволга тушган бўлардик? Йўлда бирон кор-қол бўлмадимикан? Бечора қарияга раҳминг келаяпти. Кел, яхшиси, аста йўлга тушайлик, Али пак рўпарамиздан чиқиб қолса, ажаб эмас.

<sup>1</sup> Паданг — Марказий Суматранинг ғарбий соҳилидаги шаҳар ва бандагроҳ, воқеалар асосан шу ерда бўлади.

<sup>2</sup> Пак — ота, бува; катта ёшдагиларга шундай мурожаат қилинади.

<sup>3</sup> Кампунг — шаҳарча, қишлоқ.



Қизча гапларини тугатиб улгурмасдан шамсиясини ёйиб, дарвозага йўналди.

— Нима ҳам қилардик, — деди йигитча норози оҳангда афтини буриштирганча қизчага эргашар экан, — бироқ мен дарсдан толиқиб чиққанда, устигау-уштак, олов пуркаётган жазирамада ҳаллослаб яёв юргандан уйга бенди<sup>1</sup>да кетишни афзал кўрардим! Вой, юзинг иссиқнинг зўридан қип-қизариб кетибди.

— Ҳа, бугун иссиқ забтига олди, бироқ чидаса бўлади. Мана бу шамсияни кўрмайсанми, унинг сояси иккаламизга ҳам етади. Юзимнинг қизариб кетгани фақат иссиқдан эмас, дарслар толиқтириб юборди.

— Нега? Ё муаллим ранжитдими? — сўради йигитча унга синчковлик билан разм солиб.

— Ҳеч гап бўлгани йўқ, Сам, шунчаки ўзим... Ана, айтганимдай, Али пак келаяпти!

Ҳақиқатан ҳам орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, йўрға қўшилган извош уларнинг олдига келиб тўхтади. Отнинг йўл бўйи йўртиб келгани кўришиб турарди: сағриси тердан ялтирарди. Олдинги ўриндиқда қирқ бешларга борган, лекин, тетиккина бир киши ўтирарди. Унинг очиқ ва оддий чеҳрасидан оққўнгил одам эканини пайқаш қийин эмасди.

— Али пак, нега бунча ҳаялладинг? — извошга яқинлашаркан, ранжиганнамо сўради Сам. — Соат бир ярим бўлганидан хабаринг борми? Она товуқ ташлаб кетган жўжалардай дарахт остида сени роса ярим соат кутишимизга тўғри келди.

— Жаҳлингиз чиқмасин, хўжам, менда гуноҳ йўқ, — хотиржам жавоб берди Али пак. — Ҳар доимгидай ўн икки яримда отни қўшиб, энди йўлга тушмоқчи бўлиб тургандим. Бироқ жаноб пенгхулу<sup>2</sup> аввал Датук Мерингихни олиб келишини буюрди, у билан ниманидир келишиб олиши керак экан. Жаноб Датукни эса дўконидан тополмадим, уни қидириб уйига, Ранахга боришга мажбур бўлдим. Бир оз кечикканим шундан.

— Шундай дегин... Ҳа, майли, чиқ, Нур, чиқсанг-чи! Тезроқ уйга етиб олайлик энди, қорним таталаб кетаяпти.

Йигит билан қиз чаққонлик билан извошга чиқди, Али пак эса қамчи солиши билан от йўртиб кетди, гўё у ҳам ёш хўжайинни уйига, Ява кампунгига тезроқ элтиб қўйишга ошиқарди.

Улар ҳеч қанча юрмасидан Сам ёнидаги қизчага сўз қотди:

— Менга қара, Нур, нима бўлганини айтмадинг-а? Нега бунча қизариб кетдинг?

— Ҳа-я, Сам. Њонья<sup>3</sup> Стир соат милининг бир соат мобайнидаги ҳаракати-га доир масала топширганди. Уни ечиш учун роса уриндим, миям ачиб кетди. Хуллас, еча олмадим. Бундай масалаларни умуман ечолмайман.

— Қанақа масала экан? — сўради Сам.

— Мана, эшит. Соат ўн икки, соатнинг иккала мили бир жойда. Соат миллари қачон яна шу тарзда бир вақтни кўрсатади?

— Шунинг ўзи, холосми? Бундай масалаларни ечиш йўлини тушунтириб берган эдим-ку. Отда ва пиёда кетаётганнинг ҳаракатланиши тўғрисидаги масала эсингдами? Энг муҳими, бу — ўн икки рақамидан ўн икки рақамигача бўлган масофа эканини унутмаслигинг керак. Дейлик, соат айланасини тўғри чизик бўйлаб ётқиздинг. У қандай узунликда бўларди?

Нур ўйлашиб қолди.

— Тоштахтангни бир лаҳзага бериб тур, — илтимос қилди Сам ва бўр билан узун тўғри чизик тортди.

Нур шу заҳоти тилга кирди:

— Бу ерда олтмиш дақиқа.

— Тўғри, олтмиш дақиқа, ёки олтмиш метр, ё олтмиш пал<sup>4</sup>, лекин ҳозирча бунинг аҳамияти йўқ. Хуллас, ўн иккидан яна шу рақамгача бўлган олтмиш

<sup>1</sup> Бенди — извош.

<sup>2</sup> Пенгхулу — бу ерда: маъмурий шахс, шаҳар тумани бошлиғи.

<sup>3</sup> Њонья — хоним.

<sup>4</sup> Пал — узунлик ўлчами, тахминан 1500 м. га тенг.

дақиқалик масофани, ёки бир соатни П. ва М. манзиллари оралиғидаги олтиш километрлик масофа билан қиёслаш мумкин. Энди жавоб бер-чи, соат кўрсатадиган мил тез юрадимиз ёки дақиқани кўрсатадиган милми?

— Албатта, дақиқани кўрсатадигани тез юради-да, — иккиланмай жавоб берди Нур.

— Тўғри. Дақиқани кўрсатувчи мил деб отлиқ йўловчини олайлик, у П. манзилидан М.гача бўлган масофани отда босиб ўтади, соатни кўрсатувчи милни пиёда деб тасаввур қилайлик — у ҳам айна ўша вақтда П. манзилидан йўлга чиққан. Улар қандай тезлик билан йўл юрадилар ва бир соат ичида қанча масофани босиб ўтишади?

— Дақиқаларни кўрсатувчи мил — олтиш дақиқа демак, соат мили — беш дақиқа илгарилайди.

— Демак, бир соат мобайнида соат миллари орасидаги фарқ қанчани ташкил этаркан?

— Эллик беш дақиқани.

— Тўғри, агар улар бир вақтнинг ўзида айлана бошлашса...

— Тўғри, жуда ҳам тўғри, — деди қувнаб Нур. — Энди ҳаммасини тушуниб олдим.

— Айтганларимни ёдингдан чиқармасанг бўлгани, ўшанда соат билан боғлиқ ҳар қандай масалани кўзингни юмиб ечиб ташлайверасан.

— Тўғри айтасан. Раҳмат сенга, Сам! — Қиз миннатдорлик билдираркан, чор атрофга аланглаб, қўшиб қўйди: — Вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қолибман. Етиб келибмиз-ку.

Извош деворлари оқланган ва черепица томли голланд усулидаги ёғоч уй олдида тўхтади. Қизалоқ сакраб ерга тушиди-да, уйга йўналди.

— Шошма, Нур, — тўхтатди уни йигитча. — Сал бўлмаса ёдимдан кўтарилаёзибди: мактаб ҳовлисида ўйнаётганимизда Арифин ва Бахтиёр билан эртага тоққа чиқишни келишиб қўйгандик. Маза қилиб яйраб, мева-чеваларга ҳам тўйиб келардик-да. Якшанба, дам олиш куни бўлса. Биз билан бормайсанми?

— Албатта, бораман, — мамнунлик ила жавоб берди Нур. — Фақат отам рухсат берса бўлгани. Агар у боравер деса, кечкурун сенга айтаман.

— Келишдик. Агар отанг “хўп” деса, егулик бирон нарса олиш эсингдан чиқмасин, қанча кўп олсанг, шунча яхши. Бизлар келишиб олдик: Арифин мева шарбати, мен нон оладиган бўлдим. Агар кўндира олсам, Хендрикнинг милтиғини ола кетсам, ов ҳам қилишимиз мумкин, куш отиб олардик.

— Жуда соз бўларди-да! Сизлар билан тоққа боргани отам рухсат берсалар бўлди, нимаки керак бўлса, ҳамма-ҳаммасини олиб бораман.

— Ана, келишиб ҳам олдик! Ҳозирча хайр, Нур!

— Кўришгунча, Сам!

Қиз уйига кириб кетди, Али пакнинг извоши эса қўшни ҳовлига кириб борди. Сам уйлари олдида бўш извошни, айвонда эса меҳмон билан суҳбатлашаётган отасини кўрди.

Ҳикоямизни давом эттиришдан аввал, ҳозиргина танишган икки ёш ҳақида китобхонга батафсилроқ сўзлаб беришимиз керак, чунки китоб саҳифаларида улар билан тез-тез учрашимизга тўғри келади.

Самсулбахри, ёки қизнинг тили билан айтганда, оддийгина Сам Сутан Маҳмуд Шоҳнинг ўғли. Сутан Маҳмуд Шоҳ Падангга маҳаллий ҳокимият вакили бўлиб, олий мартабалилар ҳамда асилзодалар тоифасидан эди. Сам шаҳардаги голланд мактабининг еттинчи синфида ўқирди. Қобилиятли бўлгани учун ўқитувчиси Жакартадаги Ява тиббиёт билим юртига Самсулбахрини юборишни юқори маъмурлардан аввалданоқ илтимос қилган эди.

Бу ўспирин ўз тенглошларидан фақат қобилияти билангина ажралиб турмасди. Самсулбахри яхши тарбия кўрган бўлиб, хушмуомала, аввал пухта ўйлаб, кейин сўйлайдиганлар хилидан эди. Яна бир фазилати — софдил, очиққўнғил бўлиб, дили билан тили бир эди, шунинг учун ҳам унга ишонса бўларди. Гарчи Самсулбахри жисмонан жуда кучли бўлмаса-да, айниқса заифларни ҳимоя қилиш керак бўлиб қолганида, исталган одам билан тап тортмасдан беллашиб кетаве-

рарди. Қайси тоифага мансуб ҳариф билан олишаётганини ўйлаб ҳам ўтирмасди, зўравон ҳар қанча асилзода бўлмасин, адолатли қасос-жазодан қочиб қутулолмасди. Шу фазилати билан у тенгдошлари меҳрини қозонганди... Агар ҳеч қандай монелик бўлмаса, уч ойдан кейин Самсулбахри ўқишни давом этдириш учун Явага отланади.

У Нур дея атагани — Ситти Нурбая муҳтарам Сулаймоннинг қизи. Сулаймон паданглик бадавлат савдогар бўлиб, бир неча дўкони, катта боғи ҳамда олис ўлкалардан камёб мол келтирувчи талай кемалари бор эди. Ситти Нурбая чинакам бокира қиз сифатида ном чиқарганди: чунки одобли ва оқиллиги устига, ўта оқўнгиллиги ҳам унинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшганди.

Бадавлат ва бообрў савдогарнинг қизи бўлгани, яна қатор фазилатлари туфайли дўстлари ва дугоналари уни эъозлар, гоят илтифот билан муносабатда бўларди. Тўғри, унинг отаси ён қўшниси Сутан Маҳмуд Шоҳ каби асилзодалар авлодиданман дея мақтана олмасди, шунга қарамай пенгхулу билан савдогарни нафақат яқин дўст, балки туғишган ака-ука деб ўйлаш мумкин эди. Бирон кун йўққи, муҳтарам Сулаймон қўшнисиникига кирмаган бўлсин. Мабодо Сулаймон бирон-бир сабаб билан уникига кирмай қолса, дарҳол Сутан Маҳмуд Шоҳнинг ўзи уни йўқлар эди. Улардан бири бирон тансиқ таом қилгудек бўлса, албатта дўстини бирга баҳам кўришга таклиф этарди. Қайси бир ишни бошлашмасин, аввал иккаласи яхшилаб келишиб оларди. Хуллас, ўзаро маслаҳатсиз униси ҳам, буниси ҳам бир қадам қўймас эди.

Самсулбахри билан Нурбаяга ака-сингилдай қарашларининг боиси ҳам шунда. Уларнинг ҳар бири ота-онасининг ягона фарзанди экани ҳам ўзгаларда шундай фикр туғдирарди, болалиқдан то ҳикоямиз бошлангунга қадар Самсулбахри билан Нурбая бир-бирларидан бирон кун ҳам ажраганлари йўқ, бир товоқдан ош еб, бир ёстиққа бош қўйишарди.

Кўп ўтмай Самсулбахри киндик қони тўкилган хонадонни, ота-онаси ва энг яқин дўстини тарк этади, хўш, шундан сўнг бу икки ёшнинг кунлари қандай кечаркин? Бир оз сабр қилсангиз, азиз китобхон, бу қанчалар изтиробли айрилиқ бўлажagini билиб оласиз...

Шундай қилиб, уйига яқинлашаркан, Самсулбахри пешайвонда меҳмон билан суҳбатлашиб турган отасига кўзи тушди. Бу кимса ҳам пенгхулунинг дўстларидан бўлиб, улар тез-тез учрашиб туришарди. Юзидаги ажинлар ва қордай оппоқ бошига қараб, Сутан Маҳмуд Шоҳнинг меҳмони анча ёшга бориб қолган деб комил ишонч билан айтиш мумкин эди. Бироқ ёши ўтинқираб қолганига қарамасдан у ҳамон тетик кўринарди, чунки егани олдида, емагани кетида эди-да.

Исми шарифи Датук Мерингих бўлган отнинг қашқасидай таниқли мана шу паданглик савдогар беҳисоб бойлиги билан бошқа ўлкаларда ҳам машҳур эди. Ўша кезларда Падангдаги барча савдогарлар ҳамда малая бозиргонларидан бирортаси мол-дунёсининг кўплиги билан Датук Мерингихга бас келолмасди. Катта бозордаги деярли барча йирик дўконлар ҳамда бинолар унга қарар, Падангдаги сал кам ҳар қарич ер унинг тасарруфида эди. Унинг ихтиёридаги савваҳ<sup>1</sup>лар ва боғ-роғларнинг ҳажми юзлаб баҳу<sup>2</sup> келарди. Маҳаллий бандаргоҳга лангар ташловчи деярли ҳар бир кема унинг буйруғини мунтазирлик билан кутарди. Пайнан ва Терусандан келтириладиган ротан<sup>3</sup>, қатрон ва бошқа ўрмон маҳсулотлари унинг омборларига жой бўларди. Қуритилган норжил ёнғоғини Европага кема-кема жўнатарди. Омборларида эса турли мамлакатлардан харид қилинган хилма-хил моллар тўлиб-тошиб ётарди.

Бу одамни кимлар билмасди дейсиз? Унинг номини Сингапурдан Малаккигача етти ёшдан етмиш ёшгача биларди. Падангнинг озми-кўпми мол-дунёси бор ва таниқли аҳли, хоҳ европалик ё хитой бўлсин, хоҳ араб ё ҳинди бўлсин, Датук Мерингихнинг дўсти деб танилишни ўзи учун шараф ҳисобларди. Унинг ўзи ҳам одамлар билан, айниқса, номдор шахслар билан тез тил топишарди.

<sup>1</sup> Саваҳ — суғориладиган шолিপоя.

<sup>2</sup> Баҳу — ер майдони ўлчови, 7096 кв.м.га тенг.

<sup>3</sup> Ротан — лиананинг бир тури.

Унинг бундай қилиши замирида бирон яширин мақсад бормиди ёки ўзи бе-маъни одам бўлгани учун шундай йўл тутармиди? Буни ҳам тез орада билиб оламиз.

Бойлик борасида Датук Мерингих билан ҳеч ким беллаша олмасди-ю, бироқ асизодаликка келганда бу гапни айтиш қийин эди. Айтишларича, унинг ёшлиги қашшоқликда кечган. Беҳисоб мол-мулкни қандай қўлга киритганлигини ўздан бошқа ҳеч ким билмасди. Нима бўлганида ҳам, Датук Мерингих шундай фазилатга эга эдики, айнан мана шу фазилат унга жуда қўл келганди — у ўлгудай хасис ва очкўз эди. Керак бўлса бир сен<sup>1</sup> учун одам ўлдиришдан ҳам қайтмасди. Нарса олганда ҳамёнидан сариқ чақаларни истамайгина чиқарарди-да, ҳадеганда тўламай кафтида салмоқлаб тураверарди. Пулини тўлаб нима қиламан? Яхшиси тўламай қўяқолсам-чи?" — деб ўздан қайта-қайта сўрарди. У фақат битта масалада пулнинг юзига бориб ўтирмасди, аёллар борасида ниҳоятда ҳотамтой эди. Унинг неча марта уйланиб, неча марта ажрашганининг ҳисобига ҳеч ким етолмасди. Деярли ҳар бир кампунгда унинг болалари учрар эди. Биронта келишганроқ жувонга рўпара бўлдими, бас, менга тегсанг ҳам, тегмасанг ҳам тегасан, деб туриб олади, то муддаосига етмагунча пулни аямай совурарди. Унинг чекига ҳам Датук Мерингихнинг фақат пулларигина қизиқтирадиган аёллар тушарди, чунки бойвачча тушмагурда пулдан ташқари арзирли нарсанинг ўзи йўқ эди. Донғи кетган бой бўлгани билан афт-ангорига қараб бўлмасди — ёмон, хунук қариганди, эгнидаги кийимлари ҳам исқирт. Уйи ҳар доим ивирсиб ётарди. Қўполлиги устига тошбағир ҳам эди. Савдо ишларини устамонлик билан олиб боришини ҳисобга олмаганда, шундан бўлак бирон иш қўлидан келмасди. Нафсиламарини айтганда, сармойянинг кучи ҳам шунда-да! Бу сармойя дегани баландни паст, кучлини заиф қилиб, ҳар қандай муаммони бир лаҳзанинг ўзидаёқ хал этади-қўяди. Ёки аксинчамикин? Аслида ҳам пулдан кучлироқ нима бор ўзи? Бу дунёда ҳамма нарса сармойянинг, пулнинг атрофида айланиб-ўргилади.

— Наҳотки соат иккига яқинлашиб қолган бўлса! — хитоб қилди мактабдан қайтган ўглини кўрган Сутан Маҳмуд.

— Икки бўлиб қолибди, — деб уни маъқуллаган бўлди кўкрак чўнтагидан занжирли соатини оларкан Датук Мерингих.

— Демак, сиздан уч минг рупия қарз олишга умид боғласам бўлади, — деди суҳбатга яқун ясаркан Сутан Маҳмуд.

— Хотиржам бўлинг, уч минг рупияни олдим деб ҳисоблайверинг, — дея қатъий жавоб берди ҳамсуҳбати.

— Кафолатига нима беришим керак?

— Ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ. Мен жаноб пенгхулуга ишонаман, ахир бизлар бутун юз кўришиб турганимиз йўқ. Мабодо бошқа бирон кимса билан олдиберди қилганимда кафолат сифатида бирон нарсани гаровга талаб қилган бўлардим.

— Мен бунга рози эмасман, — қаршилиқ билдирди Сутан Маҳмуд. — Менга ишонч билдираётганингиздан мамнунман, бироқ буни қайсидир тарзда расмийлаштиришимиз керак. Қарзни узмай туриб ўлиб-нетиб қолсам, нима бўлади? Келинг, яхшиси мана бундай қилайлик. Мен қарз олганим ҳақида тилхат ёзиб бераман, уч минг рупия эвазига мана шу уйни томорқаси билан гаровга қўяман.

— Сиз шуни маъқул топсангиз, мен қарши эмасман, — жавоб берди савдогар. — Энди менга ижозат берсангиз, тушлик вақти ҳам бўлиб қолди.

— Қолсангиз, биргаликда тушлик қилардик.

— Ташаккур, насиб қилса, бошқа бирон гал бирга овқатланармиз, — гапни қисқа қилди Датук Мерингих ва ўрнидан кўзгалди.

Улар қўл бериб хайрлашди ва савдогар айвондан ҳовлига тушди. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас унинг извоши кўздан ғойиб бўлди.

Сутан Маҳмуд ёлғиз қолгач, елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тин олди. Сўнг ўзича гўлдираб, айвондан ичкарига ўтди:

<sup>1</sup> Сен — Индонезиядаги асосий пул бирлиги, рупиянинг юздан бири.

— Агар қарз бермаганида шопипояни сотишимга тўғри келарди. Омадим келгани рост бўлсин-да! Муҳтарам Сулаймондан қандай қарз сўрадим? Тезда қайтараман, деганимга ҳам қулоқ солмасди. Ана унда ҳолимга маймунлар йиғларди!

Шу пайт хонасидан чиқиб келаётган ўғлига кўзи тушди. Самсулбаҳри аллақачон кийимларини алмаштириб бўлганди: у энди эгнига оппоқ хитойи кўйлак ва йўл-йўл яп-янги шим кийиб олганди.

— Эртага тоққа борсам майлими? — сўради у.

— Ким билан бормоқчисан? — қизиқсинди отаси.

— Арифин, Бахтиёр, эҳтимол Нурбая ҳам борар, — жавоб берди Самсулбаҳри.

— Нурбая дейсанми? — ўйчанлик билан сўради Сутан Маҳмуд. — Майли, борақол, фақат Нурбаяни кўздан қочирма, яна бирон қор-қол бўлиб юрмасин! Бирон-бир аҳмоқгарчиликка ҳам йўл кўймассизлар деган умиддаман!

— Албатта, ота, — ваъда берди Самсулбаҳри.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, ота-бола дастурхон олдида анчадан буён уларга мунтазир ўтирган уй бекаси ёнидан жой олдилар.

## II. СУТАН МАҲМУД ВА УНИНГ ОПАСИ

Ҳикоя қилинган воқеалар рўй берган куннинг ўзидаёқ кечки пайт Сутан Маҳмуднинг извоши Аланг Лавас кампунгида жойлашган уйлардан бирининг ҳовлисига кириб келди.

Сутан Маҳмуд оппоқ кафтлари билан пальма ёғочидан ясалган ҳассасининг залворли дастасига суянганча керилиб ўтирарди. Пенгхулунинг бошига ихчам танғилган рўмол тожни эслатарди. Оппоқ шим кийган Пенгхулунинг эгнидаги қатор тугмали, енги заррин ҳошияли оқ кўйлаги зобитларнинг кителига ўхшаб кетарди. Кўйлаги остидан чиқиб турган нафис қора шойи саронги<sup>1</sup> нақ тиззасига тушарди. Оёғида эса сунъий чармдан тикилган локланган, ялтироқ туфли.

Сутан Маҳмуднинг рафторини тасвирлашга эса ҳожат йўқ, ота-бола бир олманинг икки палласидай бир-бирига ўхшар эди. Шаҳардаги пенгхулулар орасида — ўша кезларда Падангда улар ҳаммаси бўлиб саккиз нафар эди. — Сутан Маҳмуднинг обрўйи жуда баланд. Аслзодалардан экани, бунинг устига қад-қомати келишганлиги, бамаънилигию бағри кенглиги, одамларга ғамхўрлиги, иши ҳам ўй-ниятларидек доим холис ва ҳақлиги учун ҳамма уни ҳурмат қиларди.

Извош ҳовлига кириб тўхтади. Сутан Маҳмуд ундан шошилмайгина тушиб келди-да, зинадан кўтарила бошлади. Баланд, айна пайтда одми қилиб қурилган бу маҳобатли уйнинг соҳиби қўли бирмунча узунлигини пайқаш қийин эмасди. Уй атрофи қора рангли ёғоч девор билан ўралган кенг томорқанинг қоқ ўртасида савлат тўкиби турарди. Томорқада кўпдан-кўп мевали дарахтлар бўй чўзган; етилиб қолган меваларнинг хуш бўйи қийғос очилган гулларнинг атри билан омухта бўлиб кетган.

Уйга ярим ой шаклидаги равоқдан кириларди; иккита баланд қўш табақали эшик ташқаридан оқиш темир панжара билан қопланган. Бино анча илгари қурилган; унинг ўта баланд қилиб қурилгани ҳам, нақшинкор йўғон устунлар ҳам, эскириб кетган поллар ва деворлар ҳам, ёмғир ўтмаслиги учун қат-қат румбия<sup>2</sup> тўшалган черепицали том ҳам шундан далолат берарди. Уйнинг оппоқ ички деворларига вазирали даврасидаги турк султони акс эттирилган бир неча сурат осифлиқ. Уйнинг поли билан ер оралиғидаги очиқ жой унча баланд бўлмаган тахта тўсиқ билан қуршалган. Пешайвоннинг уч томонидан бежирим ўйма панжаралар тикланган. Шипга осилган кунгурадор шишали жез лампа мўъжазгина чигир билан пастлаб ё кўтариб қўйиларди. Лампанинг шундоқ тагида ўйма-кор ёғоч оёқли юмалоқ мрамар стол жой олган, атрофида эса тўртта ноёб ором-

<sup>1</sup> Саронг — эркаклар ҳам, аёллар ҳам киядиган юбкага ўхшаш миллий кийим.

<sup>2</sup> Румбия — қалин, пишиқ япроқли пальмага ўхшаш ўсимлик.

курси. Ўнг ва чапдан айвонга олиб чиқувчи пиллапоялар чорбурчак саҳнда туташарди.

Сутан Маҳмуд бу хонадонда тез-тез меҳмон бўлиб турарди. У ҳеч қаерда тўхтамай тўғри ичкари айвонга йўл олди. Бу ерда эшикка орқа ўтирганча пандан<sup>1</sup> бўйрада чоғроқ лампа ёруғида қатим тортиб ўтирган ўн беш ёшлардаги кизчага дуч келди.

— Онанг қани, Руқия? — қизга яқин келиб сўради Сутан Маҳмуд.

Руқия чўчиб ўтирилди. Тоғасини таниб, қўлидаги ишни шошиб бир четга қўйди-да, бўйрадан турди:

— Онам намоз ўқиётган эдилар, тоғажон.

Шундай деб Руқия намозини тугатмадимикан, деган хаёлда онасининг бўлма-си томон йўл олган ҳам эдики, Сутан Маҳмуд уни тўхтатди.

— Овора бўлма, кута тураман, — сўнг мўъжаз мрамар столча ёнига келиб ўтирди.

Шу топ қўшни хонадан овоз келди:

— Ким келди, Руқия?

— Пенгхулу тоғам келдилар, — жавоб берди қиз.

— Ҳозир бораман. Намозимни ўқиб бўлдим, кийимларимни алмаштираману чиқаман.

— Нима тикаяпсан, Руқия? — қизиқсинди Сутан Маҳмуд.

— Кўйлак тикаётгандим, — деди қиз игна-ипларини йиғиштираркан.

— Қани, кўрай-чи!

Руқия қўлидагини бажонидил кўрсатди.

— Яхши, жуда яхши, — мақтади Сутан Маҳмуд. — Бу кўйлакни кимга тикаяпсан?

Бу савол Руқияни шошириб қўйди.

— Кимга манзур бўлса, ўшанга, — оҳиста деди у.

— Кўпчиликка ёқиши ҳеч гап эмас. Мен, масалан, бундай кўйлакни жон деб кийган бўлардим, — ҳазил аралаш деди Сутан Маҳмуд.

— Сизга ёққан бўлса, олақолинг. Фақат сизга кичиклик қилади, дейман-да.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаб турувдим, Руқия. Бу кўйлакни менга ўхшаган қорни қаппайган қария эмас, балки ўзингга мос қадди-қомати келишган йигитча кийиши керак, — кулиб деди Сутан Маҳмуд.

Руқия қизариб, бошини қуйи солди. Шу топ қўшни хона эшиги очилиб, эгнига узун кебайя<sup>2</sup> ва қалин қора юбка кийган қирқ беш ёшлар атрофидаги аёл кириб келди. Хиёл хипчалигини айтмаганда, аёл Сутан Маҳмудга жуда ўхшар эди. Бироқ феъл-атвори тубдан фарқ қилар, кўполлиги ва ҳасадгўйлиги шундоқ кўриниб турарди.

Стол ёнидаги меҳмонни кўриши билан аёл гина қила кетди:

— Пенгхулуни қандай шамоллар учириб келибди? Сени уйимда кўриб, бошим осмонга етди. Охирги марта келганингга қанча вақт бўлди ахир. Бизни бутунлай унутиб юбординг, деган эдим.

— Йўғ-э, опажон! — шошиб ўзини оқлай кетди Сутан Маҳмуд. — Биз ҳокимият вакилларининг боши ташвишдан чиқмаслигини биласиз-ку. Ишларнинг охири кўринмайди? Меҳнат интизомига риоя қилинишини кузат, йўлларни текшир, назорат қил, полиция ишлари билан шуғуллан, хуллас, хизматчилик шунақа бўларкан-да.

— Ҳа, албатта. Бироқ, шундай бўлса ҳам... Руқия, тоғанга қаҳва қайнат, қизим. Бирон-бир ширинлик ҳам олиб келсанг бўларди.

— Ҳўп, ойижон.

— Кераги йўқ, Руқия, — деди Сутан Маҳмуд. — Мени деб овора бўлманглар, ҳозиргина уйда ичган эдим.

— Овораси бор эканми? — деди аёл астойдил хафа бўлиб. — Бизнинг ноз-неъматларимиз ёқмай қолдимиз? Ё бирон нарсадан андиша қилиб, менга ишонмай қўйдингми?

<sup>1</sup> Пандан — япроқларидан турли матолар тўқиладиган тропик ўсимлик.

<sup>2</sup> Кебайя — бу ўринда, тиззага тушиб турадиган ёпинчиқ.

— Нима учун бундай гинахонлик қилаётганингни тушуна олмаёпман. Наҳотки, шундай гумонлар туғдирадиган бирон-бир иш қилган бўлсам? Туғишган опамдан бўлак кимга ҳам ишонардим! — Сутан Маҳмуд бу гапларни вазминлик билан айтди-ю, бироқ ҳечрасидаги табассум йўқолди.

— Бор, Руқия, — тақрорлади аёл, — айтганимдай қил. Қаҳва жуда ўткир бўлиб кетмасин яна!

Қиз тез чиқиб кетди.

Иккаласи ёлғиз қолгач, Рубия путри<sup>1</sup> (Маҳмуднинг опасини шундай аташарди) деди:

— Гапларимдан хафа бўлиб юрма, лекин бизни эсингдан чиқариб қўйганинг ҳам рост. Илгари кунда-кунора келиб, боримизни баҳам кўрардинг, ётиб ҳам қолаверардинг. Нима керак бўлса, сўрардинг, мен ҳам боримни аямасдим. Уйимиз ўз уйингдай бўлиб қолганди. Энди-чи? Тунаб қолиш у ёқда турсин, бирров келиб-кетмайсан ҳам. Ҳафтада бир марта бўлса ҳам кошки. У-бу нарса егин деса худди бир нимадан чўчигандай ҳеч нарсага қўл урмайсан, гўё бу уйдагилар сенга душман. Бу ер бир сенингмас, балки менинг ҳам, ота-оналаримизнинг ҳам қадрдон гўшаси эканини наҳотки унутган бўлсанг? Ота-онамиз мана шу маконда саксон йилдан ортиқ умр кўриб, шу ерда оламдан ўтишди. Нега буларни унутганингга ҳеч ақлим етмайди. — У сўнгги гапларни айтаётганда овози титраб, ёноғидан думалаган ёшларини артиб қўйди.

Сутан Маҳмуд опасининг кўзларида ёш кўриб, ўзини босди ва яна юмшоқлик билан деди:

— Хафа бўлишингизга ҳожат йўқ, опа, сен ўйлаганчалик тошбағир эмасман. Лекин жаноб комендант<sup>2</sup> янги одам, ўта қаттиққўл, айтганини айтгандай қилмагунингча қўймайди. Шунинг учун жонимизни жабборга беришга тўғри келаяпти: ахир ким ҳам ёмон кўринишни истайди? Ўзингга ҳам маълум, барча аждодларимиз Компанияга<sup>3</sup> сидқидилдан хизмат қилишган, улар ҳақида ҳеч ким бир оғиз ноҳўя гап айтмаган, аксинча, ҳамиша мақтаб келишган.

— Менимча, — хотиржамлик билан деди Руқия, — пангхулу бўлмасанг-да, барибир бизни ҳам, бу уйни ҳам унутган бўлардинг. Уйландингу айнидинг, нуқул хотининг, ўғлинг, рўзгорингнинг кам-кўсти ҳақида ўйлаганинг-ўйлаган.

— Бўлмаса нимани ўйлашим керак? — ажабланди Сутан Маҳмуд. — Оиламинг кам-кўстини мен ўйламасам, ким ўйлайди?

— Ана, айтмадимми! Бутунлай ўзгаргансан, боз устига ўз юртингнинг расм-русумларидан ҳам қўл силқийдиган бўлиб қолгансан. Хотин — бошқа масала, сенинг хондонингда яшайди, бироқ ўғлинг-чи? Ахир унинг тоғаси, хотинингнинг акаси бор-ку? Падангдаги таомилга биноан, жиянини тоғаси тарбиялаши керакми? — нолигандек деди Рубия. — Ё ота-боболаримизнинг урф-одатларини ростдан ҳам унутиб юбордингми?

— Нега унутар эканман, ҳамма гап шундаки, Мархум шундоғам жуда оз маош олади, устига-устак, ўзининг ташвишлари ўзига етиб ортади. Ночорлигини била туриб, Саҳсуни ҳам унга юклаш уят, ахир.

— Ўз жиянингни бутунлай унутиб қўйганинг сен учун уят эмас-а, ваҳоланки жиянинг учун жавобгарлик сенинг зиммангда.

— Нега ўз ҳолига ташлаб қўярканман?

— Буни яна қандай аташ мумкин! Ахир сени ҳафталаб кўрмаса, уни ташвишини қиладиган одамнинг ўзи йўқ. Кийим-кечаги борми-йўқми, қорни очмитўқми, соғми-касалми — ишинг йўқ. Ўғлинг голланд мактабига бораяпти, унга нимаки керак бўлса оғзидан чиққан заҳоти муҳайё қиласан. Еб-ичиш, кийим-кечак ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди, ҳаммаси тўлиб-тошиб ётибди. Қаёққа бораман деса, извош хизматига тайёр. Боз устига ўқишини давом эттириши учун Жакартага юбормоқчисан. У ердан Голландияга юборишинг ҳам ҳеч гап эмас, чунки ўғлинг учун Жакарта нима бўпти. Мабодо рожалар тайёрлайдиган мак-

<sup>1</sup> Путри — бу ерда: аёлларнинг асилзодалигини билдирувчи ўзига хос унвон.

<sup>2</sup> Мустамлакачи маъмурият амалдори, голланд нонби назарда тутилаяпти.

<sup>3</sup> Гап Голландиянинг мустамлакачи компанияси ҳақида бораётир.

таб бўлганида, ўглингни ўша мактабга ҳам берган бўлардинг. Ахир ўглиннинг эл қатори одам бўлишига йўл қўярмидинг сен? Йўқ, у мўътабар зот бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси учун пул, фақат пул керак, шундай эмасми? Шу боис ўелинг учун ернинг остидан бўлса ҳам пул топасан, менинг қизим учун эса — йўқ!

— Руқия мактабда ўқимаётгани учун мен эмас, ўзингиз айбдорсиз, — қовоғини уйиб жавоб берди Сутан Маҳмуд. — Сизга неча марта айтдим, мактабга юборинг деб, бироқ хоҳламадингиз-ку. Сизнингча, қиз болага ёзиш-чишининг, ўқишнинг ҳожати йўқ. Яна уялмасдан мени айблаётгирсиз. Самсу ҳақида гапирадиган бўлсам, у бирон-бир ғаразли мақсад йўлида билим олсин деётганим йўқ, аксинча, ишончим комил — ҳар бир ота ўз фарзандининг бахти-саодати учун қайғуриши даркор.

— Бу ҳақда сен эмас, балки тоғаси ўйлаши керак, — яна эътироз билдирди Рубия. — Хурсанд бўлаверишинг мумкин, ўғил жиянинг йўқ, қиз жиянинг ўқиб-ўрганиши учун ортиқча сарф-харажат шарт эмас. Лекин ўғил бўлган тақдирда ҳам мактабга юбориш-юбормасликни ўйлаб кўрган бўлардим. Агар одамнинг қобилияти бўлмаса, ҳар қанча ўқиб-ўрганмасин, боши қашшоқликдан чиқмайди. Менинг қизим эса бадавлат хонадондан, бир тўғрам нон деб заҳмат чекишининг ҳожати йўқ. Саводсиз, содда-гўл бўлса нима қипти, биз билан қуда-андачилик қиладиган бадавлат, муносиб куёв, барибир, топилади. Ўғлинг ҳақида эса бундай деб бўлмайди, чунки унинг онаси сонда бор-санокда йўқ, пастлар табақасидан.

Рубия кескин ва қўпол гапира бошлади. Навбатдаги айбловларни қалаштириб ташлаш учун керакли сўзларни ахтаргандек бир неча дақиқа жим қолгач, кўшимча қилди:

— Уни нега хотинликка олганингни ҳалигача тушуна олмайман. Нимаси сенга ёққан-а? Асилзодалар тоифасидан бўлмагач, хотиннинг чиройига нон ботириб ейсанми? Ана, голланд аскарлари орасида ҳам келишганлари истаганча топилади, бироқ уларга ҳеч ким турмушга чиқмайди!

— Назаримда, сиз учун мўътабарликдан бошқаси бир пул, — деди аччиғи чиққанини яширмасдан Сутан Маҳмуд. — Қиз олижаноб, ҳурмат-эътиборли оиладан бўлса бас, кўзни чирт юмиб уйланавериш мумкин. Мен бутунлай бошқача фикрдаман. Мен тўғри келган қизга уйланишим мумкин, фақат уни яхши кўрсам, бас. Қайси тоифадан экани, чиройлими-йўқми, бойми-камбағалми, фарқи йўқ.

— Шунинг учун айтаяпман-да, кейинги пайтларда сени таниб бўлмай қолди деб, — бошини сарак-сарак қилди Рубия. — Эрта-индин динингдан ҳам воз кечиб, насроний бўлиб оласан.

Бу гал Сутан Маҳмуд индамади, елкасини қисганча тескари ўтирилиб олди.

— Хотининг қандай бошингни айлантирди экан, билмадим, — ҳамон жиғибийрон бўларди Рубия. — Гўё қўл-оёғингга тушов солгандай ёнидан бир қадам ҳам жилмайсан-а. Падангдаги ҳар бир пенгхулунинг икки, уч, ҳатто тўрттадан хотини бор, фақат сен шу хотинингдан бошқани кўрмайсан. Ахир сендай обрўли, мансабдор одамнинг кам деганда икки ё уч хотини бўлиши керак. Асилзода деганининг қатор-қатор хотинлари кўша-кўша ўғил-қизлар туғиб берганининг нимаси ёмон? Бутун умр битта хотин билан турмуш кечириш сен учун уят! Ҳатто амал нима экани тушига кирмаган оддий бандалар ҳам тўрт марта-лаб уйланадилар. Нега сен бундай қилмайсан?

Сутан Маҳмуднинг юзи ғазабдан бўғриқиб кетди.

— Одамлар эмас, ҳайвонлар шундай қиладилар, — чўрт кесди у. — Модомики, хотин киши икки ёки уч эр қилиши мумкин эмас экан, демак, эрнинг ҳам битта хотини бўлиши даркор.

— Гапини қаранглар-а! Шундай гапларни айтгани уялмайсанми? Ўрнингда бошқа бир хотинли одам бўлганида, аллақачон уятдан ерга кириб кетган бўларди. Уй-фикринг ҳам аввалгидай эмас деб тўғри айтган эканман! Наҳотки ким эканингни, қайси тоифадансан-у, қандай амалда эканингни унутиб қўйган бўлсанг? Менинг укам, муҳтарам пенгхулу Падангдаги нуфузли ва олийжаноб аёлларни хотинликка ололмаслигини ўйласан, уятдан ўзимни қўйгани жой



тополмайман! Нима, шундай қилсанг, бирон жойинг камайиб қоладими? Агар бундан буён ҳам фақат маош ҳисобига кун кўраман десанг, пулдан ҳозиргидек қийналиб юраверасан. Укангдан ибрат олсанг бўлмайдими? Маош-паош нима-лигини билмайди, бироқ доим ҳамёни тўла пул. Шу пайтгача бирон марта бизникига куруқ келмаган... Менинг бечора қизгинам-а! — Рубия алам билан хўрсинаркан яна кўзларида ёш қалқди. — Пешонанг бунчалар ҳам шўр бўлма-са! Туғишган тоғанг сени ўйлашни ҳам истамайди, шу пайтгача ҳатто қалли-финг ҳам йўқ. Ўн икки-ўн уч ёшларида, кўпи билан ўн тўртда ҳамма қизлар турмушга чиқиб бўладилар, менинг қизим эса ҳадемай қариб қолади. Ҳануз бахти очилгани йўқ. Раҳматли отаси тирик бўлганида жонини қурбон қилиб бўлса ҳам турмушга чиқариб юборган бўларди. Мен-чи, мен, қайси гуноҳларим учун бошимда шунча ғам? Бошқа хотинлар ғам нималигини билмайди, менинг кўрган куним кўрсин. Укам бор, устига-устак, кимсан пенгхулу бўлса-ю, унинг учун бегонадан фарқим бўлмаса. Мени бутунлай унутиб юборди, на пулдан, на кийим-кечакдан қарашай демайди-я. Хўш, ўзинг айт-чи, Маҳмуд, сендан бошқа яна кимдан ёрдам сўрашим керак?

Рубия аччиқ-аччиқ йиғлади. Сутан Маҳмуд ноҳақ таъналари учун опасидан ранжишни ўзи учун эп кўрмади — унинг кўзларидаги ёшни кўриб унга раҳми келди.

— Йиғлашни бас қилинг, опажон, — дея уни юпата бошлади. — Мен Руқия тўғрисида маслаҳатлашгани келганман, ахир.

— Куруқ гапдан нима фойда! Баттар хафалигим ортади, холос. Пулинг бўлмагандан кейин ёрдам ҳам беролмайсан-ку. Нима ҳам қилардим, Руқия шу аҳволда қари қиз бўлиб қолаверади, шекилли. Битта менга эмас, одамлар: “Ўз жиянига куёв тополмайдиган қанақа пенгхулу экан?” — деб сенга ҳам таъна қилишлари аниқ.

— Бунга қанча пул керак бўлади? — опасининг гапини бўлди Сутан Маҳмуд.

— Неча марта айтишим керак сенга — бошида уч юз рупия етади, — жавоб берди Рубия.

— Камроқ бўлса-чи? Масалан, икки юз ёки икки юз эллик?

— Бир қаланғи-қасанғи балиқчига турмушга чиқаётган бўлганида сариқ чақага ҳам ҳожат бўлмасди. Ўзингдан қолар гап йўқ, менинг қизим бундай яланг-оёққа тегмайди. Биз ортимизда қоладиган авлоднинг асилзодалиги тўғрисида ҳам қайғуришимиз керак.

— Жуда яхши. Унга яна нима керак? — сўради Сутан Маҳмуд.

— Боғичли тилла соат, бриллиант кўзли узук, никоҳ кийимлари, яван батти-сидан бир нечта саронг ҳамда отли извош, — санаб ташлади Рубия.

— Ё худойим! Буларнинг ҳаммасини қаердан оламан?

— Айтмаганмидим сенга, қизимнинг тилагини бажаролмас экансан, гап-риб нима қиласан деб! Нега ярамни тирнайсан? Бусиз ҳам юрагим қон бўлиб ётибди-ку...

— Нима ҳам дердим, сиз айтганча бўлақолсин, — оғир тин олди Сутан Маҳмуд.— Ҳар ҳолда извош топиш унча қийин эмас, мабодо топилмаса ўзимникини бера қоламан.

— Ростданми? — қичқириб юборди Рубия ва кўзларида мамнунлик учкунла-ри чақнади.

— Рост, — гапни қисқа қилди Сутан Маҳмуд.

— Пулни қаёқдан оласан? — қизиқсинди опаси.

— Датук Мерингхидан.

— Қанча олмоқчисан?

— Уч минг рупия.

— Ростдан ҳам шунча оладиган бўлсанг, ҳаммасига етиб қолар. Бироқ, ўзингдан қолар гап йўқ, кўпроқ ҳам сарфлаш мумкин. Руқия куёвини муносиб қарши олиши керак. Хобгоҳ учун парда уч қаватли шойидан бўлиши керак, ёстиқ-лар ҳам зар популки шойидан бўлади. Меҳмонлар келади, етти кунлик тўй, никоҳ дегандай, келин-куёв учун тахтиравон, буларсиз илож йўқ, ҳамма-ҳам-маси учун пул керак.

Патнисда иккита қулоқли пиёлада қаҳва ва печенье кўтариб Руқия кириб келди. У келтирган нарсаларни меҳмоннинг олдидаги столчага қўйди-ю чиқиб кетди. Афтидан, онаси билан тоғасининг суҳбатига халақит бермаслиги кераклигини англаганди. Буни англаш ҳам қийин эмасди, хонага кириши билан иккаласи ҳам жим бўлиб қолди, қолаверса, Руқия ўз исмини ҳам эшитганди. “Турмушга чиқишим ҳақида гап бораётган кўринади”, — қизнинг хаёлидан шундай фикр ўтаркан, юраги орзиқиб кетди. Лекин ўша заҳотиёқ бундай фикрларни хаёлидан чиқариб ташлаш учун кўнглидан ўтказди: “Қиз боланинг бундай нарсаларни ўйлаши яхши эмас”.

— Буларнинг ҳаммасини қачон қилмоқчисан? — Руқия хонасига чиқиб кетганидан кейин қаҳва ҳўпларкан, сўради Сутан Маҳмуд.

— Тўй тезроқ бўлса деймиз, — жавоб берди онаси. — Бироқ бу борада шошмаслик кераклиги ўзинга ҳам аён. Менимча, уч ойда ҳаммасини рисоладагидай ҳозирлаб улгурамиз. Руқиянинг келинлик сарполари йўқ, куёв томонидан келадигани эса етмайди. Хобхона учун ҳам ҳеч вақо тайёрлаганим йўқ, нознеъматларни ҳам мўлроқ ҳозирлаш лозим, қариндош-уруғлар, таниш-билишларимизнинг биронтаси эздан чиқиб қолмаслиги керак.

— Олисада яшаётганларга хат юборишим мумкин, — таклиф қилди Сутан Маҳмуд, — бошқаларга Ҳамзаҳ хабар қила қолсин.

Пенгҳулу қаҳвасини ичиб бўлмаган ҳам эдики, олисан гаров ноғоранинг хавотирли зарби эшитилди: бу шаҳарда “амок” — қутурган одам пайдо бўлганини билдирарди. Сутан Маҳмуд ҳушёр тортиб, сергақланди. Ноғора борган сайин қучлироқ янграр, қаердадир яқин орада жойлашган қоровулхонадаги ноғора овозлари ҳам биринчисига жўр бўлиб кетганди.

— Амок, — деб қўйди Сутан Маҳмуд. У бир қалқиди-да, эшик томон юрди.

— Тўғри, — тасдиқлади Руқия кўрққанидан титроқ овозда, — лекин сен у ерга бора кўрма.

— Бормасам бўлмайди, — деди пенгҳулу. — Эҳтимол, бу менга қарашли кампунгдадир.

Шу пайт Руқия хонасидан чиқди. Унинг ранги қув оқариб кетганди. Тўғри келиб, тоғасининг қўлига ёпишди.

— Кетманг, тоғасинг, кетманг. Кўрқиб кетаяпман, бехосдан бу кимса бизни кига бостириб қирса-я!

— Йўқ, бу, чамаси, Ява ёки Оло кампунгида бўлаётир, — жавоб берди Сутан Маҳмуд жиянини тинчлантираркан.

— Барибир кетма! — қатъий талаб қилди Рубия. — Уйимизда эркакнинг ўзи йўқ: Ласа бетоб, Ҳамзаҳ эса қаёққадир кетди.

Сутан Маҳмуд нима қилишини билмай иккиланганча туриб қолди: кетсинми ёки онаси билан жиянини қўриқлаш учун шу ерда қолсинми?

— Ҳамзаҳ қаёққа кетди экан? — бир оз сукут сақлаб, сўради у.

— Қаёқдан билай, — елкасини қисди Рубия. — Бирон қор-қол рўй бермадимикан ишқилиб?

Шошилинч қадам товушлари эшитилди: кимдир зинапоядан тез кўтариларди. Она билан қиз кўрқиб кетганидан пенгҳулунинг ортига, бурчакка биқиниб олдилар.

— Кетаётган ким? — шивирлади Рубия.

— Али бўлса керак, — жавоб берди Сутан Маҳмуд. — Нима бўлганини сўзлаб бермоқчи, шекилли... Али, сенмисан? — баланд овоз билан сўради у.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Орадан бирон дақиқа ҳам ўтмай айвонда ёш йигитча пайдо бўлди. У Сутан Маҳмудга қуйиб қўйгандек ўхшарди, фақат хийла навқирон эди. Унинг эгнида каштали оқ қўйлак, антиқа бичимли кайн<sup>1</sup>, оёғида қора туфли бўлиб, бошига қора шойи кепкани қия қўндириб олганди. Лаблари ҳозиргина сирих<sup>2</sup> чайнагандек қип-қизил эди. Кўкрак чўнтагидан соатнинг тилла занжири тушиб ту-

<sup>1</sup> Кайн — Эркаклар ва аёлларнинг юбкага ўхшаган кийими, саронгадан фарқи ўлароқ, кайннинг этаги тикилмайди.

<sup>2</sup> Сирих — бетелнинг чайналадиган япроғи.

рар, кўйлақларининг тугмалари ҳам тилладай ярақлар, номсиз бармоғини эса бриллиант кўзли узук безаб турарди. Афти ангорининг хотиржамлиги, хипча қадди-қомати, қиёфасининг беғуборлиги ва йигитчаниннг вазмин хатти-ҳаракатлари ўзига тўқ таниқли хонадонда вояга етганидан ҳамда ҳеч қачон қийинчилик кўрмагани, машаққат чекмаганидан далолат бериб турарди. Шу боис нафсини қондириш ва таралла-бедоддан бошқа нарсани билмасди. Кеча нима бўлди-ю, эртага нима кутаётир, деган савол эса хаёлининг кўчасига ҳам йўла-мас эди.

Мабодо Ҳамзаҳнинг ҳамёнида яхлит юз рупия пайдо бўлиб қолса, кўз очиб-юмгунча харж қилиб юборарди, пулни шамолга совураб ёки қартага ютқазарди-қўярди, — бунинг учун унга бир куннинг ўзи етарли эди. Ҳамёни бўшиб қолганда эса, у қўлига илинган нарсани пуллар ёки гаровга қўярди. Шунинг учун ҳам гоҳ ундай, гоҳ бундай кун кўрарди: баъзан ёнида пул бўлса, баъзан сариқ чақага зор бўлиб қолар эди. Бироқ яшашнинг ҳадисини олгани учун егани олдида, емагани кетида бўлган бадавлат кимсадек таассурот уйғотарди.

— Ҳамзаҳ! — қичқирди Сутан Маҳмуд. — Келганиннг яхши бўлди-да. Сенсиз, худо билади, нима қилган бўлардим. Қаердан келяпсан?

— Шаҳар майдонида эдим, уйга қайтишда қоровулхона ёнидан ўтаётсам, бирдан ноғора янграб қолди-ку. Шундан кейин бу ёққа қараб чопдим.

— Амок. Кўрдингми? Қаерда экан у?

— Билмадим. Қоровуллар ҳам билишмайди, — жавоб берди Ҳамзаҳ.

— Бўпти. Сен шу ерда қол, мен бориб нима бўлганини текширишим керак.

— Йўқ, борма, Маҳмуд, — суҳбатга аралашди Рубия. — Бир-бирларининг гўштини емайди, сенга нима!

— Йўқ, бундай қилолмайман, — қатъий жавоб берди пенгҳулу. — Ҳокимият вакили нималар бўлаётганини билиши керак. Бунинг устига бу мениннг кампунгим.

— Демак, хизмат вазифанг бошингдан ҳам қимматлироқ экан-да? — бўш келмасди опаси.

— Шундай, агар амок сенга қарашли кампунгда пайдо бўлса-ю, ўз хизмат жойингда бўлмасанг, бу яхшиликка олиб келмайди, — уни қувватлади Ҳамзаҳ.

Укасини уйда тутиб қололмаслигига кўзи етган Рубия деди:

— Майли, борақол, фақат эҳтиёт бўл. Катта амал доим топилади, лекин одамнинг жони битта. Отамизнинг ханжарини ола кет, бало-қазодан асрайди.

— Бўпти, — рози бўлди Сутан Маҳмуд. — Қаерда у?

— Ҳозир олиб келаман, — Рубия ўз хонасига чиқиб кетди.

У тез лахтакка ўралган кўҳна, ихчам ханжарни олиб келди-да, акасига узатди.

— Сен эса Ҳамзаҳ, барча эшикларни беркитиб, ҳеч қаерга жилмасдан, уйни кўриқла!

Шу сўзларни айтиб Сутан Маҳмуд ҳовлига тушди ва кутиб турган извошга ўтириб, жўнаб кетди.

### III. ПАДАНГ ТОҒЛАРИДА

Кейинги кун Самсулбаҳри саҳар уйғонди, девордаги йирик соат эндигина бешга занг урганди. У соатнинг жарангдор зарбларига кулоқ тутаркан, бошини ёстиқдан кўтариб, деворга тикилиб қолди: тирқишлардан кўтарилаётган қуёш нурлари тушмаётганмикан? У тонг отиб кетмадимикан, дея чўчиётганди. Бироқ ҳар қанча алангласин, кўзига чироқнинг заиф нуридан бўлак нарса тушмади. Кейин ташқаридан одамлар шовқини эшитилмаётганмикан, деган хаёлда кулоғини динг қилди. Чор-атроф сув қуйгандай жим-жит: ҳамма ширин тонг уйқуси оғушида эди. Фақат олис-олислардан хўрозларнинг басма-бас қичқирини кулоққа чалинар, уларнинг қичқирини янги кун билан бир-бирларини қутлаётган одамларнинг қувончли хитобларига ўхшаб кетарди. Сўнг шарқдан, Паданг вокзали томондан паровоз чинқирди: бу шаҳардан жўнаб кетаётганлар учун йўлга отланиш фурсати етганини билдирарди. Фарб томондан соҳилга келиб урилган тўлқинларнинг бўғиқ шовқини кундузи ёмғир ёғишидан дарак берув-

чи тонгги момақалди роқни ёдга соларди. Самсулбахрининг юраги увишти, — ишқилиб, тоққа чиқиш режаси барбод бўлмасин-да! Яқингина жойлашган масжид минорасидан бомдод намозига чорлаб, азон янгради.

Демак, ҳали жуда эрта экан. Самсулбахри яна ётди ва ҳузурланиб узанди: тонг отгунча бир оз мизғиб олганга нима етсин. Бироқ кўз юмгиси келмасди. Самсу ётган жойида тоқатсизлана бошлади. У хаёлан аллақачон отланиб бўлган ва мароқли саёҳатнинг ҳаяжонли таассуротларини бошдан кечираётганди. У гўё тўшакнинг миҳи бордай бир неча бор у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Ниҳоят, тек ёта олмаслигига кўзи етгач, ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб келиб, отасини уйғотиб юбормаслик учун эшикни оҳиста очди.

Кўёш ҳали чиқмаганди, бироқ чор-атроф ғарбий уфққа оғиб қолган ойнанинг сўнгги зиёсига чулганган эди. Самони сон-саноқсиз юлдузлар қоплаган: улар бепоён майсазорда товланаётган шабнамларга ўхшарди. Бироқ шарқ томондаги юлдузлар ёришаётган тонг шафағида эриб, заифлашиб қолганди. Салгина нарида қад ростлаган дарахт шохлари орасидан шиддат билан учиб чиққан қуш ерга қўнаркан, вақтида бекинишга улгурмаган чувалчанг ва капалак қуртларини овлашга киришди. Унинг кетидан бир гала қушлар ҳам инларини тарк этишди. Айримлари насибасини қидириб турли томонларга қанот қоқишди; бошқалари тонг шабнами қоплаган шохлар бўйлаб сакрай бошлади; бошқа бирлари эса жамики жонзотларга ҳаёт бахш этувчи қуёшнинг илк нурларига ҳамду сано айтгандек қўнғироқдай овоз билан хониш қила кетди. Айрим қушлар тумшуқларида полопонлари учун қаерлардандир топган егуликлари билан тезда қайтиб келди-ю, инларидан чуғурлашган, читиллаган овозлар янгради; баъзи қушлар эса шохларда осойишта қўниб олганча, қанотларига тумшуқ уриб, ўзларига оро берарди. Кутилмаганда кескин шовқин солиб қўршапалаклар шиддат билан учиб ўтди; уларнинг йитиб бораётган қоронғулик кетидан жон талвасасида талпиниши беҳосдан яна бошқа бир кунга рўпара бўлишдан қўрқиб кетган одамларга ўхшаб кетарди. Бекиниб олган жойидан курк товук чиқди, унинг кетидан митти жўжалар пайдо бўлди-ю она товукни ташвишга солиб қўйдилар: курк товук тонг олди ғира-ширада адашиб қолмасликлари учун жўжаларини чорлаб, атрофига тўплай бошлади. Товуқларга эргашиб ҳовлида хўроз одимлай бошлади: кейин беҳосдан тўхтади-да, тожини силкиб, ғолибона қичқирди, — шу туришда у лашкарларини жангоҳга даъват этаётган лашкарбошига ўхшарди. Катта йўлда дастлабки йўловчилар кўринди. Улар, кетидан кимдир қувиб келаётгандай, шошилар эдилар. Бир жуфт ҳўкиз юкли аравани оҳиста тортиб борар, бўйинларидаги қўнғироқчаларнинг жаранги тонг отганини овоза қилаётгандек эди. Ҳақиқатан ҳам дастлаб осмоннинг шарқий бўлаги очқизғиш тусга кирди, аста-секин бутун само ёриша бошлади...

Самсу кекса аравакаш яшайдиган чоғроқ уйча томон юрди ва эшикни қоқди.

— Али пак, тур! Кун ёришиб кетди.

Шу топ эшик очилди-да, ортидан қариянинг боши кўринди. У яхшироқ кўриш учун шоша-пиша кўзларини уқаларди.

— Соат неча бўлди, хўжайин? — сўради Али пак.

— Беш ярим бўлиб қолди.

Али пак уйчадан чиқиб, сайисхона томон одимлади; у отхонани, эгар-жубдуклар ва извошни тозалаши керак эди. Самсу эса ювингани қудуқ томон кетди. Ортига қайтиб, отасини кўрди. Сутан Маҳмуд орқа айвондаги оромкурсида ўтирарди.

— Бугун каллаи саҳарлаб туриб олибсанми? — Ҳайрон бўлди отаси.

— Эрта йўлга чиқишимиз керак, бўлмаса жазирамага қоламыз, — жавоб берди ўғли.

— Тоққа кетаяпсанми?

— Ҳа.

— Нурбая ҳам борадимми?

— Кеча кечқурун бораман деганди.

— Унга кўз-қулоқ бўлиш эсингдан чиқмасин яна.

— Ҳаммаси жойида бўлади, ота.

— Бу бошқа гап, — Сутан Маҳмуд оромкурсидан сакраб туриб, ҳовлига тушди.

... Тахминан олтидан чорак ўтганида извош йўлга тушди. Қариянинг ортида Самсулбахри билан Нурбая жойлашганди. Муара кампунгига олиб борувчи йўлга чиқиб олишгач, Али пак ортига ўтирилмасдан сўради:

— Тўғри Муарага ҳайдайверайми, хўжайин?

— Йўқ, аввал Арифинни олиш учун Себелаҳга кириб ўтамиз.

Али пак отнинг бошини ўша ёққа бурди.

— Биласанми, Сам, сал бўлмаса ухлаб қолаёзибман, — деди қиз. — Кечқурун ногоралар зарбини эшитганимда, шунчалик қўрқиб кетдимки, кўзларимни қаттиқ юмиб, ухлабман-қолибман.

— Мен ҳам қўрқдим, — тан олди Самсу. — Отамнинг қайтишини кутиб иккигача ухламадим. Лекин шунда ҳам бешдаёқ туриб олгандим.

— Ўша одамни тутишибдими? — Сўради Нурбая.

— Хабарим йўқ. Умуман, тўс-тўполон узоқ давом этди, тўрт томондан ноғора садолари эшитилиб турди.

Гап билан бўлиб қанча масофа ўтилгани ҳам сезилмади ва извош Себелаҳ кампунгидаги ҳакам Сутан Памунчакнинг уйи олдида тўхтади. Уларни бу ерда кўринишидан Самсуга тенгдош икки йигит кутиб турарди.

— Қаранг-а, Нурбая ҳам биз билан биргами? — ажабланиб ҳайқирди улардан бири. — Чакки эмас! Қанча кўп бўлсак, сафаримиз шунча мароқли бўлади.

— Сенга ёқмайроқ турибди, шекилли, Тиар<sup>1</sup>, — истехзоли жилмайди Нурбая. — Балки, бундай сафарларга қизларни олиб чиқиш ноқулай деб ўйлаётгандирсан?

— Нега энди, олиб чиқаверса бўлади, — ранжиганнамо деди йигит. — Аксинча, бизга ҳамроҳ эканингдан жуда мамнунман.

— Унинг гапларига қулоқ солма, у алдаяпти, — гапга аралашди дўстининг гашига тегиб Арифин. — Овқатимиз етмай қолади, деб ваҳимага тушяпти у.

— Бўлди, бўлди, — деди Бахтиарнинг қовоғини солиб, хафа бўла бошлаганини кўрган қиз мурасозлик билан жилмайганча. — Менинг борганимдан хурсандлигингни исботлаш учун энг баланд чўққига кўтарилсан, хўпми?

— Шошмай турсанг, дарахт шоҳларида маймундан ҳам чаққонроқ сакрашимни кўрасан, — мақтанди Бахтиар.

— Тўғри, агар бирон егулик учун дарахтга чиқиш керак бўлиб қолса, унга ҳеч қандай маймун ета олмайди, — яна бир марта узиб олди Арифин.

Йўлга тушиш фурсати етганди. Иккала йигитча ҳам извошга чиқиб олди ва Самсу Али пакка извошни Муара томон ҳайдашни буюрди.

Биз ҳозиргина танишган йигитчалар ким дейсизми? Арифин Сутан Памунчак — полиция ҳакамининг хонадонига вояга етган, Бахтиар эса маҳаллий аҳолига мўлжалланган мактаблардан биридаги синф раҳбарининг ўғли эди. Самсулбахрининг яқин дўстлари бўлган бу йигитлар ҳам уч ойдан кейин ўқишни тугатиш учун Жакартага бирга жўнаш тадоригида эдилар...

— Сал бўлмаса кечикаёзибман-а, — деди Арифин Самсунинг ёнига жойлашаркан.

— Барибир, — сени кутиб турардик, ахир гап битта бўлади-да, — жавоб берди у.

— Нима бўлди ўзи сенга? — қизиқди Нурбая.

— Жуда уйқучиман, — жавоб берди Арифин. — Кеча эса кеч ётдим, устига-устак, ҳадеганда ухлай олмадим.

— Нимага? — сўради Самсу. — Меҳмондорчилик куюқ бўлиб кетганмиди?

— Меҳмондорчилик бўлганда ҳам қанақаси. Нақд ўн иккигача давом этса-я, — у кафти билан оғзини беркитиб эснади.

— Наҳотки, таклифномамни олмаган бўлсанг? — ҳайрон бўлди Арифин. — Ишонгим келмаяпти!

— Ҳеч қанақа таклифнома олганим йўқ.

— Демак, сенга етиб бормапти-да.

<sup>1</sup> Тиар — Бахтиарнинг қисқартирилган шакли.

— Бўлиши мумкин, — заҳархандалик билан деди Бахтиар. — Таклифнома бу сафар қоровулхоналар орқали, ноғора садолари билан юборилган бўлса керак-да.

— Ноғора садолари билан? — ҳайрон бўлиб қайта сўради Нурбая. — Бу меҳмон чақирिशнинг янги усули-ку?

Самсу жилмайганча Арифиннинг ваддирашига жим қулоқ солар, Нурбая эса уни майна қилишаётганини тушуниб етмаётганди.

— Кеча ноғоралар овозини наҳотки эшитмаган бўлсанг? — сўради Арифин.

— Нега эшитмас эканман, эшитдим, фақат бу амок учун бўлса керак, деб ўйлабман, — жавоб берди қиз.

— Ҳамма гап шунда-да! — тушунтира бошлади Арифин. — Нимадир содир бўлганида ҳаммиша бизникида жуда кўп одам йиғилади. Қутурганлар ҳам, улардан азият чекканлар ҳам, қўриқловчилару гувоҳлар, кампунгларнинг оқсоқолларию шунчаки томошаталялар, — уларнинг ҳаммаси бизга бўлган иззат-хурматларини кўрсатишга ошиқадилар.

— Э, шундай демайсанми! Мен аҳмоқ, рост гапираяпсан дебман-а, — деди ранжиб Нурбая, ўзини ўта ноқулай сезаркан.

— Меҳмондорчилик бўлиб меҳмондорчилик эмас-у, лекин меҳмонлар ва шовқин-сурон етарли бўлди-да, — хоҳолаб деди Арифин.

— Мен эсам сенинг бунақа сафсатабоз ва ёлгончилигингни билмабман! Сенга бировни майна қилиш бўлса. — Энди Нурбая ҳам кула бошлаганди.

— Ҳа-я, Арифин, — сўради Самсу, — умуман кимни, қаерда тутиб олишибди?

— Кимлигини билмадим-у, турқи-тароватига қараганда ўтакетган безорининг ўзгинаси.

— Уни кўрдингми? — ошнасига ҳавас билан ўтирилди Бахтиар.

— Албатта, кўрдим-да, аввал уни бизникига олиб келишди, кейин эса қамоққа олиб кетишди.

— Булар қандай рўй бергани ва у нималар қилгани ҳақида гапириб берсангчи? Қизиқ, ахир!

— Мендан шуларни илтимос қилаётган экансиз, демак, жуда-жуда эшитгиларинг келаяпти-а? Қаранглар, Муарага етиб қолибмиз! Қиттак сабр қилишингларга тўғри келади. Тоққа чиқа туриб чарчаганимизда, далда бўлиши учун ҳаммасини оқизмай-томизмай гапириб берганим бўлсин.

— Жуда ярамасан-да, Арифин, — аламини олиб кесатди Бахтиёр. — Кеча кечқурун бизларни чақирмаганинг камдай, ҳозир ҳам ҳеч нарсани гапиргинг келмаяпти. Харидорлар кўпайганини кўрган заҳоти молининг нархини ошириб юборадиган чайқовчининг ўзисан-а.

— Сен барибир кўрқиб келмасдинг, — Бахтиарнинг оғзига урди Арифин, — шунинг учун сени чақирмадим. Қон ҳиди анқирётган жойга эмас, ширик-шакар егуликлар улашилаётган жойга югуришингни биламан-да.

Бахтиар яна қовоқ-тумшуғини осилтириб олди.

— Арифин сендан шифокор эмас, аслида яхшигина савдогар чиқарди, — дўстининг ёнини олди Самсу. Шундай дейишга деди-ю, тилини тиймаганидан пушаймон бўлди; оловга ёғ сепаётганидан Нурбая хафа бўлиши мумкин. Самсу қизга зимдан қараб қўйди, у гўё йигитларнинг ўзаро баҳсларига қулоқ ҳам солмаётгандек эди, унинг диққат-эътиборини Арау дарёси қуйилишидаги турнақатор балиқчиларнинг қайиқлари жалб этганди.

Улар мўлжаллаган жойга етиб қолишди. Арау дарёси мана шу жойда кенг ўзан бўлиб ёйилганча денгизга қуйиларди. Соҳилда Муара кампунгининг соқчилик уйчаси қаққайган. Ёнида солчилар отларни чўмилтиришарди. Сал нарида Терусанга қатновчи чоғроқ кемалар бандаргоҳи. Бандаргоҳда балиқчиларнинг бир неча қайиқлари чайқаларди: улар тунги овдан эндигина қайтиб келишганди. Шу ерда, соҳилнинг ўзида кичкина уйча бўлиб, унда балиқчилар балиқ сотар эдилар. Дарё ортида юксалган Паданг тоғлари гўё денгиз қаъридан чиқиб турган аждаҳо бошига ўхшаб кетарди. Тоғнинг нисбатан пастроқ бўлаги аждарнинг бўйинини эслатади, — одамлар мана шу жойдан чўққига чиқишади.

Тоғ жануб томон юксалиб борарди, шарқ томонда эса унинг пойини Арау сувлари юварди.

Бандаргоҳ яқинида дарё соҳилига кирадиган ёки Писанг оролидаги кўрфазда қолувчи кемалардан бож йиғадиган идора жойлашганди; бу орол азалдан Падангнинг ўзига хос бандаргоҳи ҳисобланиб келган бўлса, эндиликда Талуқбаюр шундай хизматни ўтарди. Идоранинг олдида дарё қирғоғидаги тош девор бўйлаб каттаю-кичик кемалар тизилганди. Тош девор билан ёнма-ён қилиб темир йўл ва кенг кўча ҳам ётқизилган бўлиб, денгиз орқали келтирилган юклар айна шу йўллардан шаҳарга олиб кетиларди. Шимол томондан кўпдан-кўп омборлар ва дўконлар сафи катта йўлга туташиб кетган бўлиб, Хитой кампунги ва Катта Бозоргача чўзилиб борарди.

Бу, шубҳасиз, бутун Падангдаги ниҳоятда гўзал туман саналарди. Шу боис куёш уфқ ортига бекиниб, кеч киргач, ҳаво мусаффо ва жуда ҳам тоза бўлган кезларда ҳордиқ чиқариш ва сайр этишни истовчилар айна шу ерга келишарди. Соҳилдан қараганда пастликда жойлашганларнинг ҳаммаси шунчалик жозибадор кўринардик, ҳар қандай одамни маҳлиё қилиб қўярди. Қолаверса, бу ерда шаҳардан фарқли ўлароқ, ўта осудалик ҳукм сурарди.

Албатта, йирик байрам-шодиёналар, масалан, рамазони шариф уланиб кетувчи ҳайит кунлари бундан истисно эди; айна ўшандай кунларда бу жойларда ҳатто нина ташласанг ерга тушмасди. Байрам кунлари Муаранинг барча кўчаларида извошлар тирбанд бўлиб кетади; соябонларини орта ташлаб, улар пойга ўйнайдилар. Паданг ёшларининг энг яхши кўрган дилхушликларидан бири ҳам шу эди.

Келинг, бу жойларнинг таърифини келтиришда давом этайлик. Агар катта йўлдан шимол томон бораверсангиз, охир-оқибат Падангнинг денгиз соҳилидан чиқиб қоласиз. Соҳил бўйлаб тахминан бир ярим километр масофада тор йўлаклар кесиб ўтган гуллар хиёбони ястаниб ётибди. Баҳайбат кетапанглар бағрига ўриндиқлар қўйилган — узоқ йўлдан хориб келганда уларда хордиқ чиқаришнинг гашти бўлакча бўлади. Хиёбон ўртасида унча баланд бўлмаган доира шаклидаги бежирим шийпонча бўлиб, мўъжаз қасрни ёдга соларди. Падангда яшовчи европаликлар айна шу хиёбонга тез-тез келиб туришларига ажабланмаса бўлади. Айниқса бу ернинг куёш ботаётган кездеги ажойиб манзараси кўз ва кўнгилни баравар яйратиб юборарди.

Бу жойларда бўлмаган китобхон беқиёс хиёбонни айна шу кечки пайтдаги тароватини бир тасаввур қилиб кўрсин. Қалин шохлар орасидан хиёбоннинг қоқ ўртасидаги қияликка ўрнатилган ўриндиқлардан бирига жойлашган йиғитча кўринади. Унинг нигоҳи фарб томонга, сатҳи шишадай ялтираган кенг қўлга қадалган; ё каттагина тепалик пойида тўлқинлар жўш уради, сув тўзони соҳил бўйидаги гулларгача бемалол етиб борарди. Нарироқда, қўлнинг ўртасида ихотасимон оролчалар тизмаси кўзга ташланарди. Ана шу оролчалар ортида эса куёшнинг заррин доираси лаҳча баркашдай ялтиради. Унинг алвон нурлари қўл мавжларида, хиёбон дарахлари ва гулларида жилва қилади.

Куёшнинг зарҳал баркаши гаройиб афсунгар домига тортаётгандек ниҳоятда оҳисталик билан истамайгина қўл бағрига сингиб боради. Ва ниҳоят, уфқда унинг сўнгги шуълалари жимжима қиларкан, осмоннинг бир чеккасини ялаб ўтгандай бўлади. Бамисоли сув қаъридан қалқиб чиққан гаройиб манзаралар намоеън бўлади: гоҳ ким биландир жон-жаҳди ила олишаётган аждар бўлиб туюлса, гоҳ сакраётган айғирга ўхшаб кетади, гоҳ эса елканли кема ёки кўчиб юрувчи оролни эсга солади.

Кимнингки юрагини ғам-алам, гусса чулғаса, кечки пайт соҳил бўйига келмагани маъкул: шу қўл билан осмон ўртасидаги масофа қанчалар йироқ бўлса, уни ҳам гуссали ўй-фикрлар ва хотиралар шунчалик олисларга етаклаб кетади. Лекин ой баркаши балқиб, чор-атроф унинг осуда зиёсига бурканган кезларда севишган қалблар учун бундан муносиб жойни топиб бўлмайди.

Бир ачинарли жойи шундаки, хиёбоннинг жанубий чаккасидан қамоқхона, шимолий бурчагида эса ҳоким бинноси жойлашган; бундай жойлар, айниқса маҳбусликни бошдан кечирганларни даҳшатга солади, ахир уларнинг орасида ноҳақ қамалганлар ҳам борлиги эҳтимолдан ҳоли эмас-да...

Маъзур тутгайсиз, азиз китобхон, Али пакнинг извошида қолдирилган дўстларимиз қошига қайтиш фурсати келди, хиёбонда ҳаддан ташқари узоқ қолади-ган бўлсак, уларни йўқотиб қўйишимиз аниқ.

— ... Ҳеч ҳам ундай эмас-да, — Самсунинг таънасига эътироз билдирди Арифин. — Сизларга мана шундай жиддий воқеани ҳикоя қилиб бериш ниятим йўқ экан, бу борада асосли сабабларим бор, ахир. Биринчидан, жуда мулоҳазакор бўлишингиз керак, дарвоқе бу ҳар қандай одам учун фазилат саналади. Вазмин ва босиқ инсонлар камдан-кам хато қиладилар. Лоақал мушукли жу-вон ва тилла тухум қилган товуқ ҳақидаги эртакни эсга олинглар.

— Бу яна қанақа эртак? — сўради Нурбая.

— Наҳотки эшитмаган бўлсанг, Нур? Мен сенга айтиб бераман, — ваъда берди Самсу.

— Иккинчидан... — Арифин даъволарини давом эттирмоқчи бўлган эди, Бахтиар унинг гапини бўлди:

— Қаранглар-а, етиб келибмиз!

Извош омборлардан бири рўпарасида тўхтади.

— Қани, тушаверинглар, — буюрди Самсу.

Егуликлар солинган халталарини қўлда тутганча нариги соҳилга элтиб қўювчи қайиқ ахтариш учун дарё соҳили томон равона бўлишди.

— Қачон қайтасиз? — уларнинг ортидан қичқирди Али пак.

— Ҳа, эсим курсин, — ўтирилди Самсу, — ўн иккига шу ерга келсанг бўлди.

— Хўп бўлади, — жавоб берди Али пак ва отнинг бошини буриб, қайтиб кетди.

Ёшлар дарёга яқинлашиши билан бир неча қайиқлар соҳил томон сузди.

— Бу ёққа!

— Қайиқларнинг энг яхшиси бу, бир зумда элтиб қўяди!

— “Одам бошига атиги бир чақадан берсангиз кифоя!” — дея қайиқчилар чорлай бошладилар.

— Яхшиси, анави каттароғига ўтира қолайлик, — таклиф қилди Нурбая, — ҳар ҳолда текис сузади-да.

— Тўғри, — унинг фикрига қўшилди Самсу.

Орадан бирон дақиқа ҳам ўтмасдан уларга манзур қайиқнинг тумшуғи қумлоқ соҳилга келиб урилди. Ёшлар бирин-кетин чиқиб олишгач, қайиқ қарши соҳил томон сузиб кетди.

— Шундай қилиб, иккинчидан, — Арифин ҳе йўқ-бе йўқ яна ўз даъволарини тиқиштира бошлади, — кўнглимиз ниманидир тусиб турса-ю, нафсимизни тезда қондирадиган бўлсак, саломатлигимизга путур етади. Учунчидан эса, осонгина қўлга кирган нарса кўпинча татимайди, чунки бундай нарсалар тез кўнгилга уради. Мана, дейлик, Бахтиар барча ширинликларни ҳаддан зиёд яхши кўради. Буни мисол тариқасида қелтираяпман, шунинг учун, Бахтиар, хафа бўлиб юрма тагин, — ясама жиддийлик билан дерди Арифин кулгидан ўзини аранг тийиб.

— Хафа бўлишни хаёлимга ҳам келтираётганим йўқ, — соддалик билан жавоб берди Бахтиар. — Мен ростдан ҳам ширинликларни ҳуш кўраман.

— Шунинг учун ҳам сени мисол қилиб келтираяпман-да, — шартакилик билан давом этди Арифин. — Тасаввур қилайлик: сен йил давомида ҳеч қандай ширинликни ҳатто оғзингга ҳам олмайсан.

— Аслида жонимни сотиб бўлса ҳам ширинлик харид қиламан, — ҳазиллашмоқчи бўлди Бахтиар.

— Жонсиз қолсанг, қандай қилиб ейсан, — масхараомуз кулди Арифин, қайиқдагиларнинг барчаси, ҳатто Бахтиар ҳам кулиб юборди.

— Ундай демоқчи эмас эдим, — деди у кула туриб.

— Бир йил ўтгач, — давом этди ҳовлиқиб Арифин, — айна шу кимсани ньонья Янсеннинг дўконига олиб келишади-да: “Кўнглинг тусаганича еявер!” — деб айтишади.

— Албатта, бундай таклифни такрорлашларини кутиб ўтирмаган бўлардим.

Бахтиар шундай дея қичқираркан, бундай имкониятни ўйлаганининг ўзи-даёқ оғзининг суви қочганини пайқади.



— Зудлик билан торт борми, бошқа ширинликлар борми — ҳамма-ҳаммасини бирин-кетин паққос тушира бошлайман.

— Жуда ҳам кўп ейсанми?

— Бўкиб қолгунимча.

— Ана керак бўлса! Очкўзлигиндан ё бетоб бўлиб қоласан, ёки ширинликлар шу даражада меъдангга урадики, иккинчи марта ҳатто эсга ҳам олмайсан.

— Гапинг тўғри, — тасдиқлади Самсу.

— Меъдангга тегади, дейсанми? Келиб-келиб мен қайт бўламанми? Ўлсам ўламанки, ширинликлардан қайт бўлмайман, — қатъий деди Бахтиар.

— Демак, ўлсанг ҳам ҳеч нарса ўзгармайди, — унинг гашига тегди Арифин. — Ҳеч нарсага тушуна олмаяпман.

— Менга қара, Бахтиар, — “ҳа, очофат-а”, дегандай бошини сарак-сарак қиларкан, суҳбатга аралашди Нурбая, — яхшиси, ньонья Яньсен сингари ширинликлар билан савдо қила қолгин. Ҳамиша еганинг олдинда, емаганинг кетинда бўлади.

— Бир ҳафта ҳам ўтмасдан хонавайрон бўламан-да, — хўрсинди Бахтиар, — чунки харидорларнинг ҳаммасини қувиб юбориб, барча ширинликларни еб тутатаман. Бошқаларга ҳатто ушоғини ҳам қолдирмайман!

Ҳамма кулиб юборди.

— Хуллас, тўртинчидан, — яна ўзиникини маъқуллашга киришди Арифин, — бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Мабодо бир неча кун ташналик азобидан ёниб турган одамга ёки отга бирданига жуда кўп сув берилса, ўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ва бешинчидан, энг муҳимини сал бўлмаса унутаёзбман, — агар ҳозир сабр қилсангиз, тоққа чиқишда тез толиқиб қолмайсиз; ахир бутун фикри-зикрингиз ўша воқеаларда бўлади-да.

— Ва олтинчидан, — унинг гапини бўлди Бахтиар, — биз аллақачон соҳилга етиб келдик ва бунинг ҳақини тўлаб қўйишимиз керак.

Шу сўзларни айта туриб, чўнтагидан тўрт сен олди-да, қайиқчига узатиб, қумлоқ соҳилга сакради.

— Анави дўконда шакарқамиш бор экан, сотиб олмаймизми? — таклиф қилди Самсу. — Йўлда чанқаб қолишимиз мумкин.

— Мен икки шиша мева шарбатидан олганман, — эслатди Бахтиар.

— Яхши, етса хўп-хўп, бироқ етмай қолиши мумкин-да, — эътироз билдирди Самсу. — Агар етмаса, сувни қаердан топамиз.

Унинг маслаҳатига амал қиладиган бўлишди. Оғайнилар шакар қамишдан етарлича олганларидан сўнг тепаликка қараб юра бошладилар.

Уч юз метрдан бандроқ Паданг тоғи шаҳар жанубидаги унча баланд бўлмаган тоғ тизмаларига туташарди. Унинг пойидаги денгиз қиргоғи аксарият тик қоялардан иборат бўлиб, деярли кимсасиз эди. Тоғ тизмаларининг ўзи эса Суматранинг ғарбий соҳилларидан бошланиб, оролнинг ўртасидан кесиб ўтар, у ёғи жануби-шарқий йўналишда давом этарди.

Голландияликлар Паданг тоғини “Апенберг”, яъни “маймунлар тоғи” деб атарди, — ҳақиқатдан ҳам тоғда антиқа ёввойи маймунлар бўлиб, бу ерга келувчиларнинг ҳаммаси учун эрмак эди. Бир шода бананни кўрсатиб қўйсангиз, бас, ўнлаб маймун югурганча егуликларга ташланар, бир-бирининг устига чиқиб кетарди. Сал йирикроқлари баъзан банан ёки бошқа бирон нарса беришларини ҳам кутмай тўғридан-тўғри қўлдан олаверарди. Маймунларнинг бу соддалигидан қатъи назар, ҳеч ким уларга қўл кўтаришни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди, чунки Паданг аҳолисининг азалий эътиқодига биноан, улар муқаддас жонивор ҳисобланади. Айтишларича, ҳатто маймунни ўлдиришга қасд қилган одамнинг ўзи ҳам, шубҳасиз, ҳалок бўлармиш, кимки маймунни тутиб олиб кетмоқчи бўлса, уйига олиб борадиган йўлни икки дунёда ҳам топа олмасмиш. Айримлар бу жониворлар аллақайси замонларда инсондан пайдо бўлганига ишонадилар ҳам, гўё қачонлардир ўша одам Паданг тоғига дафн этилгану, кейинчалик маймун бўлиб қайта тирилган.

Тоғ ён бағирларида, ҳақиқатдан ҳам сон-саноксиз қабрларга дуч келасиз, қоялардан биридаги кенг ғорда эса ўзига хос хилхона ҳам бор; айти шу ерда одамлар тантанали қасамёд қиладилар. Ҳар рамазон бошланишида, бошқа бай-

рамларда ҳам Паданг ёнбағирлари гавжум бўлади: кўплаб эркаклар ва аёллар ота-оналари, яқин қариндошларининг қабрларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳига тиловат қилиш учун келадилар.

Аслида бу тоғлар фақат азадорлар макони эмас. Тоғ чўққисидан ажойиб табиат манзараси кўзга ташланадики, шаҳарликларнинг кўпчилиги дам олиш онларини шу ерда ўтказишга ошиқадилар. Ён бағир бўйлаб ўйилган зиналардан иборат йўлак чўққи томон ўрлаб кетганлиги учун ёмғирли кезларда ҳам тоққа чиқиш қийинчилик туғдирмайди. Энг баланд чўққидаги узун хомага туғ илинган. Ҳар якшанбада байроқ кўтарилади ва шамолда мағрур ҳилпирай бошлайди. Шу ернинг ўзида гумбазсимон шийпонча бўлиб, ундаги стол атрофида ўтириб бамайлихотир хордиқ чиқариш мумкин. Чўққига кўтарилиш чоғида толиққан йўловчилар нафасларини ростлаб олишлари учун беланчаклар ўрнатилган; оромбахш шаббода эса ҳатто энг яхши елпиғичга ҳам ҳожат қолдирмайди. Дарё ортидаги қамоқхона махбуслари чор-атроф тозаллиги учун жавоб берадилар. Ҳар якшанба турли-туман егулик ва ичимликлар кўтариб олган шаҳарликлар оломони, хуллас, табиат манзараларидан баҳраманд бўлиб, оромбахш муздай тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмоқчи бўлганлар барчаси шу ерда ҳозир нозир.

Қадрдонларимиз чўққи йўлининг ярмига етганда навбатдаги тикроқ қиялик олдида нафас ростлагани тўхташди. Нурбая ўлтириб хордиқ олгани йирикроқ тош қидира бошлади.

— Бизларни чўққига олиб чиқиб қўядиган мослама ўйлаб топишганда, зўр бўларди-да! — деди у.

— Ҳали йўлнинг ярмига ҳам етмасимиздан чарчаб қолдинг-а, — минғирлади Арифин қўйлагининг тугмаларини ечиб. У иссиқдан бўғриқиб кетганди.

— Сенга ўхшаган бесўнақай ва бақувват бўлганимда эди, — жавоб берди қиз, — мен ҳам миқ этмаган бўлардим.

— Дарвоқе, — деди Арифин, — кеча кечкурун нима сабабдан уйимизда шовқин-сурон кўтарилгани ҳақида гапириб бериш учун бундан қулай фурсат бўлмаса керак. Қарасам, шунчалик чарчабсизларки, сал бўлмаса йиқилиб тушай деябсизлар.

— Ҳа, ҳа, — маъқуллади уни Бахтиар, — бошлайқол ҳикоянгни!

— Майли, фақат диққат билан эшитинглар. Қисқаси, ноғора садолари янграганида ота-онам билан орқа айвонда эндигина кечки овқат тадоригини кўраётгандик. Ростини айтганда, жуда қўрқиб кетдик, чунки овозлар уйимизнинг ёнгинасидаги қоровулхонадан келаётганди-да. Отам стулдан сакраб турди-да, хизматкорга қичқирди: “Сабан, извош, тез бўл!” — Сўнг кийингани хонасига чиқиб кетди. бир оз вақт ўтар-ўтмас хонасидан югуриб чиқди-да, йўл-йўлақай қўйлагининг тугмасини қадай туриб, яна қичқирди: “Тайёрми, Сабан?” “Ҳаммаси тайёр!” — дея жавоб берди Сабан. Шунда отам бизга: “Уйга кириб, эшикни беркитинглар!” — деди-да, зинадон шошиб паства тушиб кетди. Онам шунчалар қўрқиб кетгандики, отамнинг ортидан: “Эҳтиёт бўлинг!” — дейишга аранг улгурди. “Хавотир олма”, — деб отам уни тинчлантираркан, извошга чиқди. Биз хизматкор аёл билан учаламиз қолдик. Ноғора садолари эса тобора баландроқ янгради, бизлар қўрқувдан яна ҳам кўпроқ титрардик! Онам дераза ва эшикларни ёпишни буюрди, сўнг мени хонасига бошлади. Биз ҳатто кечки овқатни емаганимизни ҳам эсдан чиқариб қўйдик, қорнимиз очлиги билинмаётганди ҳам.

— Тушунарли, — Арифиннинг ҳикоясини бўлди Самсу, — бизникида ҳам шундай воқеа рўй берди: уйда мен ва онам чўри билан биргаликда қолдик: отам бешдаёқ қаёққадир жўнаворганди. Бирон қароқчи бостириб кирса, нима ҳам қила олардик? Яхшиямки, Нурбаянинг отаси кириб: “Ҳеч нарсадан қўрқишнинг ҳожати йўқ, бу шовқин-суроннинг ҳаммаси жуда узоқда бўлаётир”, — деди. Кейин бирон воқеа рўй берса, қайтиб келишини айтди.

— Мен ҳаммадан ҳам отамдан хавотирландим, — давом этди Арифин. — Чунки бундай ишда хизмат қиладиганларнинг ҳаммиша дўстидан душмани кўп бўлади. Мен кўнглимдаги ваҳимани унақасига ҳам, бунақасига ҳам қувиб юборишга уриниб, онам билан бўлар-бўлмас нарсалар ҳақида валақладим, қандай-

дир китобни ўқидим ҳам, бироқ ҳеч бири ёрдам бермади. Миямда қандайдир даҳшатли ўй-фикрлар гужгон ўйнарди. Айниқса кўққисдан кўчадан ваҳимали дод-войлар эшитилса, жуда ёмон бўларкан. Ногора садолари эса гоҳ пасаяр, гоҳ яна тўрт томонни ларзага соларди. Назаримда қутурган одам кимгадир ҳужум қилаётгандай, чавақлаб ташлаётгандай туюлади. Роса икки соат жонимизни ҳовучлаб, бекиниб ўтирдик, фақат ўн бирдан кейингина кўчадаги шовқинлар тингандай бўлди. Ана шундан кейингина ўзимга келдим ва қутурган одамни тутишган бўлса керак, деб ўйладим. Отамдан эса ҳамон дом-дарак йўқ эди. Уйку элитиб, ўтирган жойимда мудрай бошлабман ва кўзим илинганини пайқабман ҳам. Онам бўлса, отамдан хавотир олганиданми, бедор ўтираверибди.

— Ростдан ҳам, полициячилар билан ҳакамларнинг иши ўта хатарли, — деди Самсу, — уларнинг дўстидан душмани кўп бўлади.

— Одамларнинг кўнглига қараб иш қилинса, бунга йўл қўймаслик мумкин, — қайд этди Бахтиар.

— Албатта, қаттиққўл ва шафқатсизликларига қараганда юмшоқтабиат полициячиларга яхшироқ муомалада бўладилар. Бироқ барибир уларнинг ҳаммасини ёмон кўришади. Фанимлари бўлмаслиги учун улар жиноятчиларни жазоламасдан озодликда қолдиришлари, билган ишингни қилавер деб ўз ҳолига ташлаб қўйишлари керак. Нега деганда, қандай жиноят қилмасин, ҳеч кимнинг қамоққа тушгиси келмайди. Қонун йўли билан йўл тутиб, қилмишларига яраша жазо берилса, кўнгилларида адоват пайдо бўлади-да, қасос олиш учун пайт пойлашади. Айниқса, судланувчи асидзода ёки бадавлат бўлиб, ҳакам — оддий фуқародан чиққан бўлса, у ёғини қўяверасиз.

— Полициячи жиноятчини ўз ҳолига ташлаб қўйса, — эътироз билдирди Арифин, — унда полициячи ҳам эмас, ҳокимият вакили ҳам эмас, балки қасамига хиёнат қилувчи, ҳукуматини алдовчи, қўлини совуқ сувга урмай маош оладиган, деярли ўғридан бошқа ҳеч ким бўлмай қолади. Юқоридагилар бундан хабар топган заҳотиёқ уни ишдан ҳайдаб юборишади. Қолаверса, одамлар кўнглига келганини қилаверсин; деб йўлни катта очиб қўйиш керакми? Ахир икки хил истак-хоҳиши бўлган икки одамнинг баравар кўнглини топиб бўлмайди-ку. Мисол учун, улардан бири даҳрий, дейлик янги масжид уйининг яқинида қурилишини асло истамайди; гала-говурдан бошим чиқмай қолади, деб туриб олади. Қўшниси эса, аксинча, азбаройи ҳудожўй бўлганидан иборат қилиши осонроқ бўлишини кўзлаб, масжид иложи борича яқин бўлса, дейди. Қани, шу аҳволда ҳар иккаласига маъқул келадиган тарзда иш тутиб кўр-чи?

— Ростдан ҳам бундай тарзда ҳеч нарса қилиб бўлмайди, — Арифиннинг фикрига қўшилди Самсу. — Бу “Тақдир томонидан юборилган неъмат: есанг — отанг, емасанг — онанг ўлади”, — деган мақолнинг худди ўзгинаси экан. Қайси бирини танлашни ҳам билмайсан?

— Мен, чамамда, емай қўя қолган бўлардим, — орага суқилди Бахтиар.

— Онангдан ҳам отангни яхши кўраркансан-да, — деди Нурбая.

— Мутлақо, Нур, — жавоб берди Бахтиар. — Яхши кўриш ҳақида гапирадиган бўлсам, албатта, онамни кўпроқ яхши кўраман, чунки у ҳамиша ширинликлар билан сийлайди, отам бўлса — калтаклар билан. Бироқ отам дунёдан ўтгудай бўлса, онам тирикчилик учун керакли маблағни отам сингари топа олмайди. Тўғри, у турмушга чиқиши мумкин, бироқ ўғай ота ўз отангдай бўлармиди. Унда нима қиламан? Эҳтимол, ўқишнинг баҳридан кечишга ҳам тўғри келар.

— Агар онанг вафот этиб, отанг бошқасига уйланса нима бўлади? — қизиқсинди Нурбая.

— Ҳеч нарса бўлмайди. Ахир отам бор-ку, — ҳамиша мадад бўлади.

— Ҳа-ҳа, агар ўғай онанг сенга меҳр қўя олса. Бироқ тасаввур қилиб кўргин-а, у сени ҳаддан ташқари ёмон кўради, ахир аксарият шундай бўлади-да. У отангни сенга қарши гижгижлаб, қайрай бошлайди ва охир-оқибат у ҳам сенга етимчадек муносабатда бўла бошлайди. Онанг йўқ, отанг эса бегонадан баттар. Лекин онанг ҳаёт бўлса, ҳаммаси бошқача бўлади. Майли, у сени отангдай таъминлай олмасин, майли, иккинчи марта турмуш курсин, барибир у сени ардоқлайверади. Ҳеч бир зот онани фарзандига қарши қўя олмайди. “Ота-

нинг болага меҳри бор-йўғи даста, онаники — гулдаста” деб бежиз айтишмайди ахир.

— Ҳақиқатан ҳам гапинг тўғри, Нур, — ўйчан деди Бахтиар, гўё булар барчаси қандай бўлишини тасаввур қилаётгандай. — Яхшиси, бундай шум тақдирдан худонинг ўзи асрасин, то ишга кириб, ўзимни эглаб олмагунимча, отам ҳам, онам ҳам ҳаёт бўлсинлар.

— Давлат хизматига ишга жойлашадиганлар, — деди Бахтиар нохуш фикрлардан қутулиш учун аввалги мавзуга қайтиб, — бамисоли машинадай равон ишлаши керак. Мажбурий ишларнинг ҳаммасини қатъий ва аниқ адо этиши даркор. Бундай ўйлаб ўтирилмайди, ҳар қандай раҳмдиллик эсдан чиқарилади, хушомадларга, пораларга учиш йўқ, яна кўпдан-кўп мажбуриятлар...

— Бироқ ҳаётда шундай фазилатли одамлар бормикан ўзи? — савол ташлади Арифин.

— Аранг юзтадан битта чиқиб қолар, — жавоб берди Самсу. — Бу ўта оғир савдо.

— Нима учун жуда кўплар полицияда хизмат қилишни хоҳлайди? — яна савол ташлади Арифин. — Ҳатто бошда ҳеч қандай маош тўламайдиган ишларга ҳам розилик билдираверишади, ҳолбуки улар хизматга бинойидек уст-бошда келишлари керак. Фақат орадан бир неча йил ўтгандан кейингина эллик рупиядан маош бера бошлашади. Ишбошқарувчиликка тайинлашгунча яна бир неча йил ўтиб кетади. То полициячилар бошлиғи ёки ёрдамчиси бўлгунга қадар қариб тамом бўлишади. Нима учун бундай қилишларини ҳеч тушуна олмайман.

— Чунки дунёда ҳар хил одамлар бор. Айримлар қора қозонини қайнатиш учунгина полицияга ишга киради, уларнинг бундан бўлак муддаолари йўқ. Бунга чидаса бўлади. Бироқ амал кетидан қувадиганлар ҳам бор. Улар ҳукумат хизматчиси бўлиб, юқори лавозимга чиқиб олсалар бас, ҳамма уларни ҳурмат қилиши ва қаршисида дағ-дағ титраши керак. Айниқса ўз юртдошларимни хоҳлаган кўйга сола оламан, деган ҳаёлга ҳам боришади. Ишончим комилки, бундай нусхаларни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Кимки эл-юрт иззат-ҳурматини чинакамига қозонган бўлса, бундай қинғир йўллар билан шон-шухрат топишига, жон олиб жон беришига, нима қилиб бўлса ҳам йирикроқ амалдор бўлиб олиш учун бор топганини совуришига ҳожат йўқ. Бундай ҳолда уни инсон сифатида эмас, балки бор-йўғи мансаби ва лавозими учунгина ҳурмат қилишади, холос. Шу сабаб, ўзингиздан қолар гап йўқ, токи одам бирон лавозим эгаси экан, уни эъзозлашади, ҳурмат қилишади, бироқ амалдан тушган заҳоти ҳеч ким уни бир чақага олмай кўяди. Албатта, раҳбарларни чин юракдан, самимий ҳурмат қилиб, одамгарчилиги учун эъзозлашса, нур устига аъло нур бўлур эди. Ваҳоланки, айрим кимсалар ўта тубан мақсадлар билан хизматга кирадилар, қандай қилиб бўлмасин кўтарилишга интиладилар, чунки ҳокимият нақадар катта қудратга эга эканини биладилар-да. Улар турли йўллар билан ниятларига осонгина ва тез эришадилар. Бироқ калтабин, жирканч кимсаларгина шундай тубанликка борадилар. Улар ҳокимият тизгини аслида халқнинг қўлида эканлигини тушунмайдилар, барча мансабу мартабалар эса ҳеч қандай лавозим ё мўмай даромадга эга бўлмаган оддий одам мартабасидан ҳам куйироқ бўлади. Чунки оддий одам эмин-эркин яшайди, кўнгли тусаганини қилади, тобе бўлмагани учун раҳбарият кўрсатмалари унга бир пул. Борди-ю, оддий одам хатога йўл қўйса, қандайдир амалдор олдида эмас, балки қонун олдида жавоб беради; амалдор эса олаётган маоши учун ўз хўжайинларининг буйруқларинигина адо этади, холос. Ҳеч қандай гуноҳи йўқларни жазолай олмайдилар, албатта, қалбакилик ва сохталик қилишлари бундан истисно. Яхшиямки, амалдорларнинг ҳаммаси ҳам шундай эмас, уларнинг кўпчилиги ўз бурчини сидқилидан адо этади. Ахир улар ҳокимият вакиллари сифатида аслида жуда кўп хайрли ишларни қилишлари мумкин.

— Мен, масалан, обрў-эътиборнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам, амалнинг ҳам кетидан қувмаган бўлардим, — қўққисдан деди Бахтиар. — Топадиган пулим тирикчилигимга етса бўлди, қанақа иш бўлишининг фарқи йўқ. Ҳаммоллик қилишга ҳам тайёрман, фақат ҳақини яхши тўлашсин.

— Ширинлик харид қилиш учун доим ёнингда пул бўлиши учун-да, тўғри-ми? Мечкай ширахўр деб лақаб қўйишлари билан ишинг йўқ, — майна қилди Арифин.

— Қизиқ, биз фаровон турмуш кечириш учун яшамаяпмизми? — эътироз билдирди униси. — Балки сен, умрбод қўл учида яшаш учун ўқийтган бўлсанг керак?

— Йўқ, албатта, — мурасозлик билан деди Самсу можаро чиқишининг олдини олишга ҳаракат қилиб. — Бироқ, Арифин, менга қара, кечаги воқеани охиригача айтиб бермадинг-ку. Кейин нима бўлди?

— Келинлар, яхшиси, йўлимизни давом эттирайлик. Бўлмаса чўққига икки дунёда ҳам ета олмаймиз. Йўл-йўлакай ҳаммасини айтиб бераман.

Ёшлар яна йўлга тушишди. Навбатдаги йўлак бошланганида Арифин яна ҳикоя қила кетди:

— Энди кўзим илинган экан, кимдир ёнгинамда: “Бас қил сайрашни, овозингни ўчир! Йўқса, бошинга бир тушираман, қайтиб ўрнингдан турмайсанг!” дея дўқ қилганини эшитгандай бўлдим. Қўрқувдан қалтираб кетдим: бу ўша жиннининг овози, уйимизга бостириб кириб, чўримизни тутиб олган-да, бизларни осонгина тинчитиш мақсадида овозингни чиқарма дея унга дўқ ураяпти, деб ўйладим. Ташқаридан қадам товушлари эшитилганда, бунга яна ҳам қаттиқроқ ишондим; кимдир зинапоядан кўтарилди, кейин эшикни қаттиқ-қаттиқ урди ва “очинглар!” — деб бақирди. Қўрқиб кетганимдан нима қилишимни билмайман. Ўрнимдан туриб, ўзимни ва онамни ҳимоя қилиш учун бирон яроғ топмоқчи бўламану, улдасидан чиқа олмайман. Оёқларим бирдан зилдай оғир бўлиб қолди, гўё полга михлаб ташланган. Ёрдам беринглар, дея қичқирмоқчи бўламану овозим чиқмайди-да! Кимдир бўйнимга чанг солиб бўғаётгандай. Яхшиямки онам “Ким у?” деди зўрға. “Менман”, — деган жавоб эшитилди эшик ортидан. Гарчи отамнинг овозига жуда ўхшаса ҳам онам барибир иккиланиб, ҳар эҳтимолга қарши яна бир марта сўради: “Кимсиз?” — “Жаноб хўжайин келдилар”, — бу аниқ Саваннинг товуши эди. Фақат шундан кейингина эшик ортида отам турганига амин бўлдим. Онам эшикни оч дея имо қилди, мен стулдан аранг кўзгалдим, эшикка яқин бордим-да, зулфинни тортдим, бироқ уни ҳадеганда қўйиб юбормадим; алдашаётган бўлса, қурол ўрнида керак бўлади деб ўйладим қўрқув ҳамон мени тарк этмаганди. Қарасам, эшикдан ростдан ҳам отам кириб келяпти. Менга қаради-да: “И-я, ҳали ҳам ухламадингми?” — деди. — “Йўқ, дейман, шунчалар қўрқдимки, ҳатто уйқум қочиб кетди”. — “Буни қара-я, демак, улуғ саркарда бўларкансан”, — ҳазиллашди отам ва хонасидаги чироқни ёқишни буюрди. Хуллас, овқатланиб олганидан кейин шу ишни тергов қилишга киришди. Шунда қўлга олинган одамни кўрдим.

— Кўриниши қанақа экан? — қизиқсиниб сўради Нурбая.

— Ҳамма қатори. Битта бурун, иккита кўзи бор, — ҳазиллашди Арифин.

— Буни эмас, бошқа нарсани сўраяпман! Кимга ўхшар экан? Жиноятчигами ёки овсар одамгами? Кексами, ёшми? Маҳаллий одамларданми, четданми?

— Менимча, ёш бўлса ҳам ашаддий каллакесар. Қўллари боғланган, йиртиқ кўйлаги қип-қизил қон. Оқариб кетган юзи лип-лип учаётир, кўзлари косасидан чиқиб кетгудай ўйнаб турибди! — деди Арифин ваҳимали хотирадан овози титраб.

— Бундай жиноятчини кўрганимда борми, қанчалар кўриққан бўлардим, — Нурбая титраб кетди, сочи ҳам бутун танаси билан бирга тебранди.

— Яқинига йўлагани менинг ўзим ҳам чўчидим. Бирдан қўлидаги арқонни узиб юборса нима бўлади деб ўйладим.

— Шошилмасанг-чи, — масхараомуз гапини бўлди Бахтиар, — унинг пичоғи йўқ-ку, ахир, нима билан ҳам даф қиларди сизларга?

— Сен ширинликларни тинчитгандай, қўллари ва тишлари билан, — кулиб деди Арифин яна оғайнисининг гашига тегиб.

— Яхшиси, қаерлик эканини айт, — деди Нурбая навбатдаги жанжалнинг олдини олиб. — Ўзи ҳаммаси нимадан бошланган, бундай бебошликка қандай дучор бўлган экан?

— Менимча, Савахан кампунгидан бўлса керак, — жавоб берди Арифин хўмрайиб олган Бахтиарга эътибор бермасдан. — Мушглашув эса ошиқ ўйнаётганлариди чиқибди. Кетма-кет ютқазаверганидан эсини йўқотиб қўйган экан.

— Анча одамнинг ҳаётига зомин бўптими? — сўради Самсу.

— Икки кишининг. Биттасини нақ кўксига пичоқ санчиб тинчитибди, иккинчисининг эса бошини жиддий жароҳатлабди, кейин уни шифохонага олиб кетишибди.

— Фалокатни қаранглар-а! — хитоб қилди Нурбая.

— Нега уни ҳадеганда ушлай олишмабди? — сўради Самсу.

— Бекинмоқчи бўлган экан. Топганларидан кейин таслим бўл дейишса таслим бўлмабди. Бироқ жуда кўп одам кетидан қувгани учунгина қўлга олишибди. Хуллас, отам ҳаммасини аниқлаганидан кейин бу телбани қамоққа жўнатди.

— Унга қанча беришаркин? — сўради Нурбая.

— Менимча, йўқ деганда ўн йил беришади, — жавоб берди Арифин.

— Яшшаво-ор! — бирданига бор овоз билан қичқириб юборди Бахтиар. — Етиб келдик!

Ҳақиқатдан ҳам ёшлар гап билан бўлиб, Паданг тоғининг чўққисига қандай чиққанларини ҳам сезмай қолишди. Сал нарида узун ходага илинган туғ ҳил-пирар, ёнгинасида эса гумбазсимон шийпонча кўзга ташланарди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қаҳрамонларимиз у ерга ҳам етиб боришди.

— Ниҳоят, етиб келдик-а! — енгил тин олиб деди Нурбая, ҳолсизланиб ўриндиққа чўқаркан.

— Сабрли бўлинглар, Оллоҳга иймон келтиринг ва итоатли бўлинг, ўшанда ҳаммангиз муроду мақсадингизга етгайсиз, — оҳиста, тантанавор деди Бахтиар ваъзхон муллага тақлид қилиб.

— Мўминларнинг чеккан заҳматлари-чи? — истеҳзо билан унга эътироз билдирди Арифин. — Мабодо, тақсирим, айтиб бермайдиларми, аввалига талайгина масофани машаққат ила босиб ўтмаганингизда бу ерга қандай келган бўлардингиз? Муҳтарам тақсиримиз ўзи билмагани ҳолда бошқаларга Куръони каримни ўргата оладиларми? Ва ниҳоят, ноз-неъматлар билан эмас, аксинча сабр-тоқат, Оллоҳга эътиқод ва итоат билан шиширилган қоринни дўмбирадай чалиб бўлармикан?

— Сен билан мутлақо гаплашиш мумкин эмас, — ғазабланиб жавоб берди Бахтиар. — Яхшиси бир айланиб келақолай. — У уйчадан чиқди-да, аргимчоқлар томон одимлади.

— Жуда тўғри кетаяпсан-да, — деди изма-из чиққан Арифин, — ана шу аргимчоқлар билан бирга сафсата сотасан. Ахир улар сенга қарши лом-мим деёлмайди, тўйганингча гапирасан: якка ўзинг кўнглингга нима келса, гапираверасан, ҳалиги бор-у, ҳм-м... — у гапини тугатмасдан қарама-қарши томон жўнаб қолди.

Айни чоғда Самсулбахри чор-атрофдаги манзарани ўйчан кузатарди. Даст-аввал шарққа назар ташлади. Кейин оҳиста бошини ўгириб, шимол ва ғарб томон узанган кенгликларга диққат билан қарай бошлади. Ҳозир дўстларини тамом унутган эди. У хаёлан мана шу юксак тоғ тизмаларидан ҳам, тубсиз денгизлар-у уммонлардан ҳам нарида, олис-олисларда эди. Қандайдир ғойибона овоз қулоқларига шивирларди: “Самсулбахри, тўрт томонга диққат билан разм сол, нимаики кўраётган бўлсанг, ҳаммасини ёдда сақла. Бу — қадрдон масканинг, бу — она-Ватанинг. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан, буларнинг барчаси билан хайрлашишингга тўғри келади, бир ёки икки кунга эмас, ойлаб, ҳатто йиллаб бегона юртларда яшашинг керак бўлади. Ким билсин, балки она ватанингга ҳеч қачон қайтиб келмассан, ахир ҳар бир жонзотнинг тақдири Оллоҳнинг ихтиёрида, — бизларнинг руҳларимиз ҳам бамисоли ипга илингандай турди, у шунчалар ингичка ва заифки, баъзида енгилгина шабададан ҳам пирт этиб узилади-кетилади”.

Чамаси, бундай мулоҳазалар табиат манзараларининг гўзаллигига маҳлиё бўлиши натижасида йигитни чўлғаб олган ҳаяжон ва ҳайрат ила уйғунлашиб кетганидан чехрасида гоҳ шоду хуррамлик жилва қилса, гоҳ осуда ғусса зуҳур этарди.

Чиндан ҳам Паданг тоғлари тепасидан пастдаги манзара ғоят ғаройиб эди: куруқлик билан дарё оралигидаги чегара яққол кўзга ташланарди, у тоғ тизмаларининг шундоққина пойидан шимол томон оппоқ илонизи чизиқ бўйлаб чўзилиб кетганди. Соҳил ўткир тумшуғи билан денгиз ичига ёриб кирган жойларда ғоят хушманзара кўрфазлар ҳосил бўлганди.

Оппоқ кўпикли тўлқинлар кетма-кет келиб уриладиган соҳилда эса қирғоқ бўйи тебранар, чайқалар, тўсатдан жон киргандек бўларди. Мана шу жойдан анча олислаб кетган балиқчилар эса тўп-тўп чумолиларга ўхшаб кўзга чалинардди. Куруқлик ва денгизнинг ягона-яхлит бу манзараси бағоят диққати шоён эди, нега деганда бутун дунё ўзининг ранг-туси, шакл-шамойили ва бошқа хоссалари билан тубдан фарқланувчи хоку обдангина иборат эмасми?

Ғарб ва шимол томонда бепоён денгиз ястанган, унинг ложувард саҳни кўзгудай чарақлайди; гоҳ у, гоҳ бу ерда бир-бирининг пинжиги тиқилиб олгандай оролчалар тизмаси чўзилиб кетган бўлиб, улар мовий осмон остида емрилган деворнинг қиррадор қолдиқларини эсга соларди. Ершуносларнинг айтишича, олис ўтмишда, бир замонлар Суматра билан туташувчи бу ерда яхлит ороллар тизмаси бўлган, бироқ кейинчалик аксарияти денгиз тубига чўкиб, бир бутун занжирда узилишлар ҳосил бўлган.

Шарқда эса ям-яшил яйловлар ястаниб ётар; норжил дарахтлари ва қалин ўрмонлар билан қопланган воҳа баайни улкан хиёбоннинг ўзгинаси эди. Айрим жойлардагина шамолнинг нафаси ва қуёшнинг тафтига ташна чемар ва кепатанглар қуюқ норжилзор бағридан юксалиб турарди. Ўнгда ҳам, сўлда ҳам уларнинг оқ ёки қизил томлари кўзга чалинади. Ям-яшил ўрмонзорнинг камдан-кам учрайдиган очиқ жойларидан улар мунгайибгина кўриниб туради. Фақат Паданг тоғ этақларига туташ жойдагина маҳаллий аҳолининг уйлари зичлашиб, Арау дарёси бўйлаб тизилиб кетган.

Яна ҳам шарқроқда бу бепоён хиёбон Суматра соҳилларига туташ тепалар билан қуршаб олинган ва улар шимоли ғарбдан жануби шарқ йўналишида Суматранинг қоқ ўртасидан кесиб ўтувчи Барисан тизмаларининг бир қисми эди. Шимол ва шимоли-шарқда юксалган виқорли тоғлар гўё хиёбон атрофини ўраб олган тепаликларнинг энг юксагидай кўзга ташланарди. Ана шу чўққилар оралигида, қаердадир туман билан қопланган йироқ-йироқларда, осмон бўйлаб сузаётган булутилardan ҳам нарироқда Падангпанжанг ёнидаги Мерапи вулқонининг белгиларини илғаса бўларди, ахён-ахёнда, айниқса ҳаво ниҳоятда тоза ва мусаффо кезларда вулқон узра ўрлаётган тутунни яққол кўриш мумкин.

Агар шарқда ҳосилдор воҳаларнинг барча жонзотлари тўкин ҳаёт нашаъсини суришлари учун барча имкониятларга эга бўлсалар, аксинча, ғарбда ястаниб ётган денгиздан нуқул хатар ва ажалдан бўлак ҳеч вақо кутиш мумкин эмасди.

Самсулбаҳри буларнинг барчасини хаёлдан ўтказар экан, қаттиқ уйқудан уйғонгандай сесканиб кетди, — кимдир елкасига қўлини қўйди. Кетидан Нурбаянинг овозини эшитди:

— Нималарга бунча маҳлиё бўлиб қолдинг, Сам?

— Шунчаки ўзим, — жавоб берди Самсу, — бу жойлар жуда ҳам хушманзара экан. Ҳов анави норжил дарахтларига бир қарагин-а! Жуда ҳам қалин, охири йўқдай. Ана, шарққа олис-олислардаги ям-яшил тепаликларга қара, улар бу ердан аранг кўриняпти. Денгиз соҳили-чи? Париаман, Тику ва Аир Бангис бўйлаб соҳилнинг пичоқ билан кесилгандай тўппа-тўғрилигини қарасанг-чи?

— Бу жойлар ҳақиқатан ҳам чиройли экан, — деди қиз. — Лекин денгизга қараб чалғиб кетаяпман. Икки Оққуш кўли қаерда-ю, Пандан қаерда?

— Ҳов анави нарироқдагиси Пандан, бизларга яқинроғи эса Икки Оққуш кўли, — тушунтирди Самсу уларнинг рўпарасида битта чизиқ бўйлаб жойлашган оролларга ишора қиларкан.

— Бундан чиқдики, — қўшимча қилди Нурбая, — пантунда жуда тўғри айтилган экан-да:

Йироқларда Пандан ороли,  
Икки Оққуш етолмас унга.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

— Албатта, тўғри айтилган, — деди Самсу. — Давоми қандай эди?..

— Бу қўшиқни билмаслигинг мумкин эмас, ўзингни билмаганга солаяпсан, — ишонқирамай деди қиз. — “Балиқчи қайиқда тошбақа ётур, соҳилда ётгандай бамайлихотир”, — деган мақолга ўхшаш.

— Ҳа-я, бу эски қўшиқ, — тушунтирди йигит, — ҳозир ҳам куйланади:

Йироқларда Пандан ороли,  
Икки Оққуш етолмас унга.  
Забун гўрда марҳумнинг ҳоли,  
Эзгу иши яшар мангута.

— Бироқ, — давом этди Самсу, — ёшлар уни ўзгартириб мана бундай куйлашяпти:

Зулмат ичра Пандан ороли,  
Икки Оққуш етолмас унга.  
Гар қабрда забундир ҳолим,  
Унутмасман сени мангута!

— Бундай айтилиши ҳам чакки эмас, — қўшиб қўйди қиз, — ҳамма гап пантунни ким ижро этишида.

Нурбая гарчи ҳеч нарса демаган бўлса-да, бу мисралар беихтиёр кўнглидаги пинҳона кечинмаларни қалқиб чиқишга мажбур этди; лекин бу фикрларни ҳаёлига яқинлаштирмади, ўтрилиб нигоҳини денгиздан қуруқликка оларкан, сўради:

— Анави баланд тоғнинг номи қандай эди?

— Менимча, бу — Мерапи, — жавоб берди Самсу.

— Падангпанжанг яқинидаги Мерапи вулқоними?

— Ҳа-да, у Букиттинги билан Падангпанжанг оралигида. Шу шаҳар тилга олинган пантунни биласанми?

— Йўқ, билмайман, — деди Нурбая, қалби эса бирданига тез-тез ура бошлади.

Ва Самсу шеър ўқиди:

Падангпанжанг — юксак, девқомат,  
Ўраб олган тоғлар сервиқор.  
Ишқим учун кўп сўз наҳожат:  
Биргина сўз — дилда ўқ ёқар.

Нурбая бу изҳори дилни тингларкан, қип-қизариб кетди ва кўнглидагини ошкор қилиб қўйишидан чўчиб, нигоҳини ерга олди. Мабодо Бахтиарнинг ёрдамга чорловчи овози янграмаганда Нурбаянинг чеҳрасини бутунлай ўзгартириб юборган эзгу сир, шубҳасиз ошкор бўларди.

Самсу оғайнисининг жон-жаҳди билан бақирганини эшитган заҳоти оёғини қўлга олиб, унинг овози келаётган томон югурди, — Бахтиар бирон-бир балога гирифтор бўлдимикан, деган хавотир кўнглини чулғаб олганди. Бориб қараса, бир неча йирик маймун Бахтиарга ҳамла қилиб, маҳкам тутиб турган бананлар шодасини тортиб олмоқчи бўлаётибди.

Самсу нарироқда ётган калтакни олиб, дўстининг қаватига кирди-да, маймунларни ура кетди. Бироқ жуда кўп бўлгани учун ҳаммасини ҳайдашнинг имкони бўлмади. Шунда Самсу Бахтиарнинг қўлидан бананларни олди-да, маймунлар олдига ташлаб, уларнинг чангалидан дўстини қутқариб, ўзи билан бирга олиб кетди. Иккаласи ҳам шийпонча томон ошиқди, хиёл олдин шу шийпончада дам олишганди. Ярим йўлда уларга Нурбая учради — у ҳам ёрдамга ошиқаётган эди. Орадан бирон дақиқа ҳам ўтмай қўлида қандайдир тугун билан чангалзор орасидан Арифин чиқиб келди. Уларга рўпара бўлар-бўлмас, қаттиқ югурганидан ҳаллослаб сўради:



— Ким қичқирди? Нима гап?

Самсу маймунлар чангалидан Бахтиар қандай қутулиб чиққанини сўзлаб берганида Арифин ўзини тута олмай қорнини чангаллаганича, қотиб-қотиб кулди. Анчагина жойдан югуриб келгани учун ҳолдан тойган азбаройи кулгидан чарчагани ҳам эсдан чиқиб кетди. Бироқ бу гал Бахтиар майна қилишларига парво ҳам қилмади, чунки уни ҳамон қўрқув тарк этмаганди.

— Мен бўлса бизнинг жасур лашкарбошимиз маймунлар билан олиша олмайди, фақат егуликларга қирон келтиради, деб ўйлаб юрган эканман, — кулгидан ўзини тия олмай деди Арифин. — Бундан чиқди, банан пўчоғидан ясалган нишон кўксини безайдиган мартабага лойиқ хизмат қилибди-да.

Самсу билан Нурбаянинг ҳаяжони ҳамон босилмаганди, қўрқиб кетган бечора Бахтиарга ҳам раҳмлари келар, бироқ Арифинга қўшилиб кулишарди. Ниҳоят Самсу ўзини босиб олиб, маймунлар қуршовида қолган оғайнисидан буларнинг бари қандай рўй берганини сўради. Маълум бўлишича, Бахтиар сайрга отланаркан, маймунлар учраса ташлайман деган ўй билан атайлаб банан олиб олган экан. Лекин маймунлар кутганидан ҳам кўпроқ йиғилиб, даф қила бошлагач, Бахтиар уни ҳам тилка-пора қилиб ташлашларидан қўрқиб, дўстларини ёрдамга чақира бошлаган: маймунлар тишларини қайраб, ваҳимали шовқин кўтарибди-да.

— Булар бари очкўзлигинг оқибати, — деди Арифин, — бананларни қизгангансан! Бананларни емоқчи бўлгансан, атрофингда ўтириб олган маймунларнинг ҳавасини келтирмоқчи бўлгансан. Чала-ярим еганларингни “ҳадя” қилмоқчи бўлгандирсан ҳам, маймунлар сарқитингни бошига урадимиз? Дарвоқе, сендан сарқит ҳам чиқмайди — пўчоғигача пок-покиза туширасан. Оч-наҳор маймун бечоралар тоқати тоқ бўлиб бананларни сен билан бирга баҳам қўрмоқчи бўлишган. Аслида уларни олдинга чақириб, “Менинг жажжи укажонларим, ҳаммангизни жонимдан ортиқ кўраман, олинглар, ош бўлсин”, — дейишинг керак эди.

Бу гапларнинг ҳаммасини Арифин ниҳоятда жиддийлик билан гапирди, лекин ҳеч кимдан садо чиқмади. Самсу билан Нурбая қаёққадир бошқа томонга ўгирилиб олишганди, — аслида кулгудан ўзларини зўрға тийиб туришарди. Бахтиар ҳамон сукут сақларди, шу боис Арифин яна унинг гашига тега бошлади:

— Фақат битта нарсани тушуна олмаяпман. Нима учун бананларингни апил-тапил тушуриб қўя қолмадинг-а? Ўшанда маймунлар сендан ҳеч умидвор бўлмасди. Ёки маймунлардан уялдингми? Ахир одамлардан очкўзлигингни яшириб ўтирмайсан-ку.

— Омадим борлиги шундаки, бананларни еб улгурмаган эканман, — жавоб берди Бахтиар ҳамон ўзига кела олмасдан. — Бўлмаса маймунлар мени тилка-пора қилиб, бананларни қорнимдан олиб еган бўлардилар.

— Шу пайтгача балойи нафсингга урганларинг бу билан ҳеч ҳам камайиб қолмас, — давом этди Арифин оғайнисининг ҳалигача жаҳли чиқмаётганини кўриб. — Балки, очкўзлик касалидан фориг бўлармидинг? Хуллас, бекорга қўрқоқлик қилибсан, Бахтиар! Маймунлар даф қилганда ёнингда мен бўлганимда борми, ёрдам беришни хаёлимга ҳам келтирмаган бўлардим. Йўқ, сени ёқтирмаганимдан эмас, шунчаки, шундай ғаройиб томоша тезда тутаб қолгани алам қилган бўларди.

— Шундан бошқа нима ҳам кутиш мумкин сендан, — тилга кирди Бахтиар. — Бошқаларни майна қилишни биласан. Лекин менинг ўрнимда бўлганимда борми, қўрққанингдан додлаб юборган бўлардинг. Боягина ўзинг айтинг-ку, кеча кечкурун эшик ортидан отангинг овозини эшитиб, қўрқувдан қотиб қолибман деб.

— Нега дод соларканман, — ишшайиб жавоб берди Арифин, — мен маймунларга таъзим қилардим-да, улардан раҳм-шавқат сўрардим. Таслим бўлганимни билдириб, оқ байроқ кўтарардим, голибдан марҳамат кутиб тураверардим: менга раҳм қилиб, тегишмасди. Рожадан асирга айлансам ҳам майли, бу муҳим эмас, фақат маймунларга ем бўлмасам бўлгани.

— Бас қилинглр! — тортишувга барҳам бериш учун Самсу гапга аралашди. Юринглр, яхшиси, бирон нарса еб олайлик, ўлгудай очман. — Шундай дея у дўстларини эргаштириб кетди.

Улар шийпончага қайтиб келганларида Арифин деди:

— Бахтиар маймунлар билан қандай олишганини кўрмаганим эвазига овқатни қандай тинчитишини кўрсатиб берсин. Мана, қара, мен бутун бир тизим жамбу олиб келганман. Уларнинг қанчасини ўткир тишларинг билан даф қила оласан? — У жилмайиб тугунни ечди-да, ундаги нарсаларни Бахтиарга кўрсатди.

— Буларни шу ҳолича еб бўлмайди! — огоҳлантирди Нурбая. — Келинглр, шакар, қалампир ва туз аралаштирай, ўшанда мазаси бутунлай бошқача бўлади.

— Бахтиарнинг тошни ҳам ҳазм қилиши бор экан, унга жин ҳам урмайди, — деди Арифин дўстини майна қилишдан эринмай. — Унинг ошқозони бамисоли тегирмон, ҳеч нарсани писанд қилмайди.

Бахтиар озини тўлатиб нон чайнаётганидан ҳеч нима деб жавоб қайтармади. у тамадди қилиб олгач, кўпдан буён қушларни овлаш ниятида эканини, шу мақсадда Самсуннинг қўлидаги қуролни ола келганини айтди. Лекин Самсу Бахтиарни ёлғиз юборгиси келмай, Арифиндан бирга боришни илтимос қилди. Энди Самсу билан Нурбая шийпончада ёлғиз қолишган: қиз жамбу мевасидан егулик ҳозирлашга киришди, Самсу эса унга кўз-қулоқ бўлишни бурчи деб биларди.

Нурбая мевани кўзага солди, устидан шакар, қалампир ва туз сепди, сўнг қопқоғини ёпиб, яхши аралашсин учун кўзани силкита бошлади. Бир оздан сўнг қўллари толгач, кўзани Самсу олди. То серсув меваларга зирavorлар сингунга қадар кўзани бири олиб, бири қўйиб астойдил силкитишди. Шундан кейингина Нурбая улардан бирин татиб кўрди.

— Бўлар, Сам, — деди у. — Жамбу мевалари жуда юмшаб кетса, мазасини йўқотади. Ўзинг ҳам ол.

— Гапинг тўғри, — Нурбаянинг фикрига қўшилди у жамбудан татиб кўраркан. — Лекин емай тура қолайлик, Бахтиар билан Арифни ҳам келсин.

— Албатта, қутамиз, бўлмаса Бахтиар тўймай қолади-да, менга атайлаб жуда оз қолдиришибди, деган хаёлга боради, — кулиб деди Нурбая.

Бир оз сукутдан кейин Нурбая яна тилга кирди:

— Эсим курсин, сен бир аёл ва унинг мушуги ҳамда тилла тухум туққан товуқ тўғрисидаги эртакни айтиб беришни ваъда қилгандинг. Айтиб берасанми?

— Наҳотки бу эртакни ҳеч эшитмаган бўлсанг?

— Йўқ, Сам, ростдан ҳам эшитмаганман.

— Бу иккита қисқа эртак. Етти ўлчаб, бир кес, деган мақолни билсанг керак. Бирон гапни айтишдан, бирон ишни бошлашдан аввал ҳаммасини яхшилаб ўйлаб, тарозуга солиб кўриш керак. Оғиз очишдан аввал, ноҳўя гапириб қўймасмиканман, дея ўйлаб кўр. Аксинча, кейин аттанг қилганинг билан фойдаси йўқ. Ахир “бошни олганларидан кейин соч ҳақида қайгурмайдилар”, — деб бежиз айтишмаганда. Хато учун ўзингни бир умр кечиролмай юрасан. Қисқаси, эшит, дастлабки эртак мана бундай. Бир жувоннинг эмизикли боласи ва жуда яхши кўрадиган мушуги бор экан. Кунларнинг бирида, қаергадир борадиган бўлиб, гўдагини тўшақда қолдириб, мушугига қараб тургин, дея тайинлабди. Қайтиб келса, мушуги оғзи-бурни қон, остонада ўтирганмиш. Қўрқиб кетган жувон, юраги така-пука бўлиб томон югурибди. Не кўз билан кўрадики, боласи ўлиб ётибди, аъзойи бадани қон. Жувоннинг хаёлига боламни албатта, мушук ғажиб ташлаган деган фикр келибди ва бутун аламини мушугидан олибди. Узоқ мулоҳаза қилиб ўтирмай, мушукни ура-ура ўлдирибди. Сўнг болани ётган жойидан кўтариб қараса, остида захарли илон ётганмиш. Илон ҳам ўлиб бўлган, уни мушук ғажиб ташлаган экан. Бекасининг чақалоғини ҳимоя қилиш учун мушук илондан ҳам қўрқмабди. Илонни бир ёқли қилиб, гўё рўй берган бахтсизликни маълум қилмоқчи бўлгандек жувонни кутиб остонага ўтириб олган экан. Жувон ўз ишидан қанчалар афсус-надомат чекканлигини тасвирлаш

қийин. Чунки у нафақат чақалоғидан, балки садоқатли мушугидан ҳам айрилиб қолганди.

— Ҳа, бу хато унга жуда қиммат тушибди, бундай кулфатдан бир умр ўзингга кела олмайсан ҳам, ўзингни кечира олмайсан ҳам, — ўйчанлик ва алам билан деди Нурбая.

— Тилла тухум қилган товуқ ҳақидаги эртақда эса, — давом этди Самсу, — хасис ва очкўзлар масхара қилинади. Бир даҳқоннинг бир неча товуғи бор экан. Кунларнинг бирида товуқларидан битгаси тилла тухум қилибди. Деҳқон бундан қанчалар боши осмонга етганини тасаввур қила оласанми? У ўта очкўз экан, шунинг учун тезда бойиб кетиш муддаоси билан айнаи ўша товуқни сўйиб қўйибди — қорни тўла тилла тухум, деб ўйлаган-да. Бироқ нимани кўрибди, де: Оддийгина товуқ курсоғи, холос. Тилла тухумлардан ном-нишон ҳам йўқмиш. Агар деҳқон бир оз сабр қилганда, товуқ эртасига яна бир тилла тухум қилармиди. Афсуски, антиқа товуғидан маҳрум бўлган, ҳамма умидлари чиппакка чиққанди.

— Очкўзлиги учун одамларни мана шундай жазолаш керак, — деди Нурбая. — Товуғини сўймаганида, эҳтимол, ҳар кунни биттадан тилла тухум олган бўларди.

— Эҳтимол. Лекин, менга қара, Нур, анчадан буён шу ердамизу, ҳамон жойимиздан жилганимиз йўқ. Арғимчоқ учмаймизми?

— Жоним билан, — рози бўлди қиз, — фақат сен ўзинг учирсанг.

— Албатта, ўзим учираман-да, ахир Бахтиар билан Арифин йўқ-ку.

Жонингга текканича учирганим бўлсин, — деди Самсу ва икковлон арғимчоқлар майдончаси томон йўл олдилар.

Арғимчоқ ўриндиғи эшилган симлар билан иккита баланд ва бақувват устунга маҳкамланганди.

— Тагин жудаям қаттиқ учириб юборма, — ўтинди Нурбая ўриндиққа жойлашаркан.

— Сен қандай десанг шундай, — жавоб берди Самсу.

Бир неча дақиқа учгач, қиз қичқариб юборди:

— Вой, қарагин, денгизда кема! Юқоридан менга яхши кўринаяпти.

Самсу тез арғимчоқни тўхтатди, Нурбая сакраб ерга тушди ва кемани бемалол кўриш учун тепароққа кўтарилишди.

Олиса ростдан ҳам кема кўринарди. У, афтидан, Телукбаюр бандаргоҳидан чиққан ва ортидан қоп-қора тугун қолдириб оҳиста шимол сари сузиб борарди.

— Қаёққа сузаяпти у, Сам? — сўради Нурбая.

— Аче ва Сабанга кетаяпти, йўл-йўлакай Сиболгуга ҳам кириб чиқса керак, — жавоб берди Самсу.

— Кейин-чи?

— Кейин, яна шу ерга қайтиб келади-да, Жакартага йўл олади. Шу тариқа йўловчиларни ва юкларни жанубдан шимолга ташиб, қатнайверади.

— Эҳтимол, сен ҳам шу кемада Жакартага кетарсан, — деди Нурбая.

Нурбая дўстининг авзойидаги бундай ўзгаришдан ажабланиб сўради;

— Нега жим бўлиб қолдинг, Сам? Ўзингни ёмон сезаяпсанми?

— Йўқ, Нур. Бу шунчаки, Жакартани эслатганинг учун, ахир уч ойдан кейин шу шаҳарга жўнаб кетишим керак.

— Менимча, бундан хурсанд бўлишинг керак: Жакартага борасан, ахир!

— Албатта, Нур, албатта! Ахир юртимизнинг энг кўҳна, йирик ва гўзал шаҳрини кўраман. У ерда яхшигина илм олиб, зиёли бўламан. Буларнинг бари яхши-я, бироқ Падангдан жўнаб кетиш, қадрдон диёринг, ўз кампунгинг, ўз уйингни тарк этиш жуда оғир. Ота-онам, қариндош-уруғларим, дўстларимнинг ҳаммаси шу ерда қоладилар-да, Жакартада эса кимларга рўбарў бўламан, билмайман. Бу ерда ота-онамнинг бағридаман, у ёқда ёлғиз яшашимга тўғри келади.

— Тушунаман, Сам. Нимасини айтасан, ота-она, дўстлар, синфдошлардан ажраш осон эмас. Лекин барибир, янги жойда айрилиқ ва ёлғизлик изтиробни менимча тез ўтиб кетса керак. Бошланиши доим қийин бўлади. Бироқ Жа-

картага етиб олсанг бўлгани, ҳаммаси эсингдан чиқади-кетеди. Ахир у ерда шунча кўп яхши нарсаларга дуч келасанки! Балки, ҳатто кимлардир ота-онанг йўлигини ҳам билдирмас, янги таниш-билишлар орттирасан, қисқаси, бизни тезда эсдан ҳам чиқариб юборасан, — деди Нурбая йигитга жилмайганча боқиб. — Борди-ю, қаттиқ соғинсанг, ўзингни мана бундай ўйлашга мажбур қил: “Жакартага вақтинча билим олиш учунгина келганман, бу билим келгусида яхшироқ лавозимни эгаллашим ва мўмай маош олишим учун керак бўлади; шу боис бошқа нарсани ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаслигим керак. Мақсадимга эришганимдан кейин эса албатта, ўз юртимга қайтиб бораман ва қадрдонларим билан яна топишаман”. Сен манави шеърни эшитганмисан?

Даштда чашма тополсанг агар,  
Ташналигу иссиқдан не ғам.  
Токи ҳаёт бўлсак, муқаррар,  
Топишгаймиз сен билан, эркам.

— Тоғ-тоғ билан учрашмайди, бироқ қалбида ҳаёт зиёси сўнмас экан, одамлар, шубҳасиз, бир-бирларини қидирадилар, топадилар. Айтишади-ку, балиқ сувда, туз тупроқда бўлгани билан иккаласи товада учрашади деб, — кулимсираганча хулоса ясади Нурбая; унга Самсу жұрттага шундай қилаётгандек туюлмоқда эди.

— Балки сен мени муғомбирлик қилапти, деб ўйлаётгандирсан? — деди йигит унинг хаёлидан кечаётганларни уқиб олгандек. — Йўқ, Нур, тўғриси, юрагим ғаш, шу... шу... мен учун... ажраш жуда оғир кечади.

У тилининг учида турган, тақдирдан ташвишланаётган исми айтишга журъат қила олмади.

— Кимдан ажраш, Сам? — сўради қиз. — Қалбингни ром этган ким экан?

— Бу сенсан, Нур, — қўққисдан деди Самсу.

— Мен? — қизнинг овозидан ҳайратланиш сезилди.

— Ҳа, — қисқа қилди Самсу.

Кип-қизариб кетган Нурбая нима қилишини билмай бошини қуйи солди.

— Мен ҳақимда ёмон фикрга борма, Нур. Сендан ажраш нима учун оғир кечишини, нимадан хавотир олаётганимни айтиб бераман. Бир неча кундирки, қандайдир қайғули фикрлар менга тинчлик бермаяпти.

— Бундай фикрлар қаёқдан пайдо бўла қолди? — сўради Нурбая чехрасида кўзгудагидай яққол акс этган кечинмаларни ясама табассум ила беркитишга уринаркан.

— Ўзинг ўйла, хавотирланмай бўларканми, — деди Самсу. — Ўтган ҳафтада тушимда мана шу тоққа чиқаётганмишман. Чўққига чиқишим биланоқ катта шаҳарда пайдо бўлиб қолибман. Билдимки, бу — Жакарта. Шаҳарнинг қоқ марказидаги баланд жойда минора. Бир қария яқин келиб: “Ҳой, Самсу, мақсадинга етмоқчи бўлсанг, анави минорага чиқ”, — дермиш. Мен минорага чиқишга шайланаётганимда бехосдан сенга кўзим тушди. Ортимдан изма-из ёлғиз келаётган эдинг. Минорага бирга чиқиш учун сени кута бошладим. Бироқ шу пайт Датук Мерингих пайдо бўлди-да, сени йиқитиб, елкасига олди-ю, қочди-кетди. Жон-жаҳдим билан ортидан югуриб етиб олдим-да, чангалидан сени тортиб олишга ҳаракат қилдим. Икки ўртада олишув бошланди. У мендан устун келди ва мени шу тоғ пойига улоқтирди. Сен эса унга қаршилиқ кўрсата бошладинг, кейин ортимдан сени ҳам улоқтирди. Иккимиз ҳам тоғ ён бағридан юмалаб-юмалаб, қандайдир жарга кулиб тушдик. Ҳар қанча уринсак ҳам жарликдан чиқа олмадик... Чўчиб уйғонсам, тердан жиққа ҳўл бўлиб кетибман, ўша кеча ортиқ ухлай олмадим. Ўшандан буён шу ваҳимали туш ҳеч хаёлимдан чиқмайди.

— Балки, ўйчан бўлиб қолганинг сабаби шундандир? — деди Нурбая. — Лекин тушларга ҳар доим ҳам ишонавермаслик керак, туш барибир туш-да. Ҳар доим ҳам туш ўнгидан келавермайди, кўпчилиги бир чақага қиммат бўлади. Яна ҳам хотиржамроқ бўлишимиз учун эса, кел, бирга ибодат қилиб, Қодир

эгамдан ҳамиша ва ҳамма жойда ёр бўлишини, паноҳида асрашини илтижо қиламиз, — қўшимча қилди у дўстининг кўнглини кўтариш мақсадида.

Барибир Самсу енгил тортмади, чунки у жуда ғалати туш кўрган ва тафсилотлари хотирасига муҳрланиб қолганди.

Бахтиар билан Арифин овдан қайтиб келишди. Уларнинг рафторидан кимдир ортларидан қувлагану иккаласи ҳам оёғини қўлга олганча югуриб келгани шундоқ кўриниб турарди.

— Тинчликми? — сўради Нурбая.

— Тиш-шш, жим! Шовқин қилманглар! — секингина деди Бахтиар қуролини беркитишга жой қидираркан.

— Бахтиар бировни отиб қўйди, — шивирлади Арифин.

— Бировни отиб қўйди? — чўчиб қайта сўради Самсу.

— Ҳа, — тасдиқлади Арифин. — Кейин гапириб бераман, ҳозир эса тез бу ердан жуфтакни ростлашимиз керак.

— Егуликни нима қиламиз? — саросимага тушиб деди Нурбая.

— Тез-тез еймиз-да, уйга жўнаймиз.

Бу орада Бахтиар қуролни буталар орасига беркитди-да, оғайниларига қўшилди. Гарчи Бахтиар жуда очикқан бўлса ҳам шу даражада кўрқиб кетгандики, овқат томоғидан зўрға ўтаётганди. Рангида ранг қолмаган, қўллари дағ-дағ қалтирайди. Бир амаллаб нафси ором олгач, ташқаридан билинмаслиги учун қуролни банан дарахтининг пўстлоғи билан ўради. Шундан сўнг тўрттала ўртоқ шошилинич орқага қайтдилар.

Тоғдан тушганларидан кейин нафас ростлагани йўл бўйидаги дўкончада тўхташди. Бир неча дақиқа аввал улар қияликдан энаётган икки аскарни кўришган. Улардан бири чап бўксасини ушлаганча оқсоқланиб келаётганди.

Бахтиар билан Арифин аскарларга кўзи тушиши билан ўзларини дўкон ичкарасига олишди. Орадан бир дақиқа ўтиб, аскарлар ҳам дўкон олдига етиб келишди-да, дам олгани тўхташди. Оқсамаётгани шеригидан сўради:

— Оёғинг қалай, ҳали ҳам оғрияптими? Балки, бир оз ўтирармиз?

— Йўқ, ҳожати йўқ, — деди яралангани. — Кетаверганимиз маъқул, бўлмаса казармага улгуролмай қоламиз.

— Сенга ким ўқ узди экан, нима дейсан? — қизиқди шериги.

— Ким бўларди, болакайлар-да. Улардан бошқа ким ҳам ўқ узарди? Қўлимга тушса борми, калласини сапчадай узардим, — алам билан деди яралангани.

Сўнг иккала аскар қайиққа ўтириб, нариги соҳил томон сузиб кетди.

Улар Араунинг нариги соҳилига етгандан кейингина Бахтиар билан Арифин ичкаридан чиқиб келишди.

— Мен отиб қўйган худди шунинг ўзи, — тушунтирди Бахтиар.

— Қизик, қандай қилиб бу иш рўй берди-а? Бир бошдан гапир-чи? — ўтинди Нурбая. Қўрққанидан унинг ранги қув оқариб кетганди.

— Бутادا бир қушча кўниб турган экан, шунини отмоқчи бўлгандим, бу аскарни кўрганим ҳам йўқ, дарахтнинг орқасида турган экан-да. Хуллас, отдим. Бирдан кимдир: “Вой дод! Ёрдам беринглар!” деб қичқира бошлади. Шундагина одам отиб қўйганимни англаб қочиб қолдим.

— Йўқ, биласанми, Бахтиар, сенга нимадир бўлган кўринади, — таъна билан бош силкир экан деди Нурбая. — Маймунларнинг сенга хужум қилгани камдай, яна бировни отиб қўйибсан. Агар аскар сени тутиб олганида нима бўларди?

— Ахир атайлаб қилганим йўқ-ку, Нур. Оёғини шох деб ўйлабман, ўзи эса дарахт ортида кўринмай турган экан. У ерда одам тургани кимнинг хаёлига келибди, дейсан! Лекин, Нур, ўқ унинг қаерига тегибди, ахир сен уни яқиндан кўрдинг-ку.

— Орқадан чап бўксасига тегибди, — жавоб берди Нурбая. — Кийими шундоқ қон, оғриётган бўлса керакки, бўксасини қўли билан ушлаб олибди.

— Йўлга тушиш керак, — эслатди Самсу. — Ун икки ярим бўлиб қолди, Али пак кутаётган бўлса керак, қорнимиз ҳам очди.

Бир стакандан мева шарбати ичиб олишгач, тўрт ўртоқ дарёнинг бу соҳилига ўтди. Хаш-паш дегунча улар уйларида ўтиришарди.

#### IV. ПУТРИ РУБИЯ ВА УКАСИ ҲАМЗАҲ

Ўша якшанба оқшомида Самсу дўстлари билан Паданг тоғларида сайрда бўлганида, путри Рубия уйининг орқа айвонида қатим тортиш билан банд эди. У похол бўйрада ўлтирар, ёнидан жой олган кенжа укаси Ҳамзаҳ эса румбия баргларида чекимлик ҳозирларди.

— Аканг Маҳмуд ҳақида қандай фикрдасан, Ҳамзаҳ? — сўради Рубия тикишни давом эттира туриб.

— Менимча, кейинги пайтларда жуда ўзгариб кетди, — деди у опасига қараб кўяркан.

— Менимча ҳам шундай. Вақт ўтгани сайин, камроқ келадиган бўлиб қолди, мендан ҳам, Руқиядан ҳам, хуллас, барча қариндош-уруғлардан ҳам кун сайин совиб бораёпти. Бу хонадондан гўё илон чиққандай. Айтишча, ишлари кўпмиш, ишда нохушлик чиқишини истамасмиш. Наҳотки, шу тўғри бўлса?

— Э, бўлмаган гап! — деди Сутан Ҳамзаҳ. — Ахир у бутун Падангда ягона пенгхулу эмас-ку, ё шундай юқори амалда ундан бўлак одам йўқми? Нега бошқа пенгхулулар унга ўхшаган эмас?

— Мен ҳам тез-тез шуни ўйлайман. Албатта, юқори лавозимга эга бўлган яхши, номига доғ туширмаслик учун эҳтиёт бўлган маъқул. Бироқ фақат шунинг учунгина ўз расм-русумлари, одатларидан юз ўгириб бўлмайди-ку. Ўзинг ўйлаб кўргин! Мен опасиман. Руқия эса жияни, демак, иккаламизга ғамхўрлик қилиши керак. Аслида эса бизга қарагиси ҳам келмайди, пулдан ёрдам қилар деб эса хаёлингга ҳам келтира кўрма. Фикри-зикри хотини билан ўғлида. Бу ерда куппа-кундуз кўни ёки тунда бирон-бир бахтсизлик — худонинг ўзи асра-син, айтган жойда бало йўқ, — содир бўлса, холимиз нима кечади? Ёлғизликда ўлиб кетавераман, шекилли, — алам билан деди путри Рубия.

— Ўғлини эса Маҳмуд Жакартага, Ява мактабида шифокорликка ўқитиш учун юбормоқчи бўлаяпти. Хуллас, керак бўлмаган жойда ҳаммасини қиляпти, керак бўлган жойда эса қўлини совуқ сувга ургиси ҳам йўқ. Ғамхўрлик қиладиган тоғаси бўлмаганида-ку бошқа гап: инсоф юзасидан ҳам ўғлига кўмак-лашса бўларди. Бироқ биринчи галда бурчингни ўйлашинг, уни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигинг керак.

— Самсу Жакартага кетаяптими? — ҳайрон бўлиб сўради Ҳамзаҳ.

— Уч ойдан кейин. У ердан эса яна қаергадир, эҳтимол Голландияга йўл олар. Маҳмуд ўғлини қандай одам қилмоқчи, ҳеч тушуна олмайман.

— Генерал қилмоқчидир, — масхараомуз кулди укаси.

— Бироқ буларнинг ҳаммаси чиқим билан бўлади, шундай эмасми? Шу сабаб Маҳмуддан пул сўрасан, сариқ чақа ҳам ортиқча пулим йўқ деб ҳар гал рад этади. Шунча катта маошни нима қилаётган экан-а? Шундоқ ҳам равшан, ҳаммасини тийин-тийинигача хотини билан ўғлига сарфляпти. Ўғлига бунчалик ғамхўрлик қилишининг нима ҳожати бор экан? Голланд мактабида ўқиётганининг ўзи етмасмиди? Ана, қанчадан-қанча одамлар голланд тилини билмасалар ҳам туппа-тузук лавозимларда хизмат қилиб юрибди. Мана, отамиз, унинг қанақа қобилияти бор эди-я? У аранг ёза оларди, шунга қарамай юқори лавозимларга кўтарилди. Ҳозир Падангдаги пенгхулуларнинг қайси бири голландча билади? Битгаси ҳам билмайди. Ҳаммаси пешонанинг! Агар пешонанг ярқираган бўлса, олиий маълумотсиз ҳам ниятингга етаверасан. Пешонанг шўр бўлса-чи, миянгдан товонинггача ақл бўлса ҳам ахлат ўрада қолиб кетаверасан.

— Менимча, Самсунинг қисмати аччиқ бўлади, — қайд этди Сутан Ҳамзаҳ тамаки тутунини бурқситиб. — Маҳмуднинг ҳамма уринишлари беҳуда кетади, мана кўрасан!

— Нега бундай деяпсан? — сўради путри Рубия.

— Бунинг бир нишонаси бор. У душманимизга айланиб, қонга ботиб ўлади, — жавоб берди суҳбатдоши.

Укасининг жавоби ўйлантириб қўйган Рубия ниҳоят давом этди:

— Менга қолса, голланд мактабини тугатгани ҳам етиб ортади. Мактабни тугатгандан кейин хизматга киритиб кўярдим, мирза бўладими ёки бошқа бирон ишда ишлайдими, дастлабки кезларда маошсиз ишласа ҳам, бирон-бир

юқори амал бўлмаса ҳам майлига эди, — тақдирида бўлса, ҳаммаси вақти-соати билан бўлаверади. “Кулфатдан қочолмайсан, бахтни ҳам тугтолмайсан”, — деб бежиз айтмайдилар ахир. Ўғилни вояга етказибсан — бўлди-да. Бироқ Маҳмуд учун бунинг ўзи камлик қилади. Энди у бор меросимизни ҳам Самсуга сарфламоқчи.

— Бизнинг меросимизними? — Сутан Ҳамзаҳ илкис бош кўтарди. — Меросни талон-тарож қилишини кўриб кўярман. Кўлини текказиб кўрсин-чи. Кичкина одам бўлганим билан, ҳар ҳолда Маҳмуддан кўрқадиган анойи эмасман.

— Ҳаммасидан кўпроқ шу мени ташвишлантираяпти, Ҳамзаҳ. Эрта-ю кеч шу ҳақда ўйлайман, кечалари уйқум қочиб кетади. У ростдан ҳам шундай ишга қўл урса-я, дея ваҳимага тушаман. Мабодо шундай қилса, жанжал бошланиб, ака-ука бир-бирининг жонига қасд қилади. Биздай асилзодаларга шу иш ярашадими? Турган-битгани шармандалик-ку! — хўрсинди путри Рубия.

— Агар бу тақдирга ёзилган бўлса, нима ҳам қила олардик. Ҳечқиси йўқ, опа, сиз ҳеч нарсадан кўрқманг! Сизни хафа қилдириб қўймаймиз, — қатъий деди Ҳамзаҳ. — Ҳамиша пули йўқлиги қийналаётганидан шикоят қилишига эса ажабланишнинг ҳожати йўқ. Эсини еб қўйган аҳмоқ-да! Шу сабаб қилиши керак бўлмаган ишни қилаётир, ўглининг миясига эса бўлар-бўлмас илмларни тиқиштираётир. Тентақнинг кўли тек турмайди, деб бекорга айтмайдилар-да. Бизнинг давримизда ким ҳам шундай қилади? Қилаётган ишлари учун ҳали алқайдилар ҳам деб хомтаъма бўлаётгандир! Орқаворотдан одамлар майна қилаётганларини, ҳақоратлаётганларини хаёлига ҳам келтирмайди. Кўп хотинли бўлишни нима учун хоҳламайди, барча таклифлардан бош тортади? Нима, бирон жойи камайиб қолармиди? Ҳар гал куёв сифатида икки юз — уч юз рупия оларди, маошни сарфлашга ҳожат ҳам қолмасди. Пулинг соб бўлдим, яна уйлан. Қатор-қатор хотинли, бола-чақали бўлишнинг нимаси ёмон? Ҳеч қандай ташвиш ҳам йўқ. Бизнинг даражамиздаги эркақлар болам-чақам деб қайғуришига ҳожат йўқ, бунинг учун бошқалар бор. Обрў-этиборинг, оқсуяклигиндан фойдаланмас экансан, улардан не наф? Мана, мен. Ишламасам ҳам еганим олдимда, емаганим кетимда, ҳамёним ҳам қуруқ эмас. Хотинимникига бораман, — сархил таомлар дейсизми, топ-тоза кийим-бошлар дейсизми, бари тайёр. Кўнгил ёзмоқчимисан, мана сенга пул, тамаки, хуллас, нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё. Кечкурун кўнглим сайр қилишни тусиб қолса, — қайнотамнинг извоши хизматимга шай. Ҳеч нарсани таъқиқлаб қўйишмаган, кўнглингга келганини қилаверасан. Бундан ортиқ яна нима керак? Бундай расм-русумлар фақат уччига чиққан аҳмоқларгагина ёқмайди.

— Жуда тўғри айтдинг, укажон, налимизнинг қадр-қиммати йўлида фақат сен қайғураяпсан, ота-боболаримизнинг одатлари ва расм-русумларига ҳаммаша риоя қилиб келаётирсан, асилзодалар уруғидан эканимизни қадрлай биласан, опанг билан жиянинг олдидаги барча мажбуриятларингни адо этаётирсан, — мақтади укасини путри Рубия.

— Менда қандай ташвиш бўлиши мумкин? — яна тилга кирди Сутан Ҳамзаҳ. — Ўнлаб хотинлариму юзлаб бола-чақам бўлмайдами, ҳамёнимдан уларга сариқ чақа ҳам сарфламас эдим, чунки ҳар бир хотиннинг ота-онаси ва ака-укалари бор. Болаларим ҳақида қайғуришимга ҳам ҳеч бир зарурат йўқ. Мабодо қайнотам мени пул билан таъминлай олмаса ёки таъминлашни хоҳламаса, унинг қизидан ажрайману бадавлат оиладан бошқа хотин топиб оламан. Ўзимга тегишли икки ёки уч юз рупияни олдимми, яна ҳамёним тўлади-қўяди. Акам Маҳмуд-чи?! У пул топишни мутлақо билмайди, сарфлашга келганда эса шамолга совуради. Нима учун асилзода эканимиздан фойдаланиб қолмаслигимиз керак? Бироқ унга бундай имтиёзнинг ҳеч бир кераги йўқ! Ҳозир битта хотини якка-ю ягона арзанда ўғли бор, ўшанда ҳам бири икки бўлай демайди. Менга ўхшаб бир неча хотини-ю қатор-қатор бола-чақаси бўлаганида ҳоли не кечарди? Катта кўчанинг бир чаккасида хор-зорликда ўлиб кетарди-да. Мана мен, ундан ёш бўлишимга қарамай ўн марта уйландим, улардан ўн саккизта болам бор. Шундай бўлса ҳам қийинчилик нима эканини билмайман, ёнимда ҳаммаша етарлича пулим бор, гоҳ ундан, гоҳ бундан қарз сўрашимга ҳеч ҳожат йўқ.

Энг муҳими, бола-чақамиз қанча кўп бўлса, шунча яхши, ёшлар вояга етаяпти, демак, Падангда оқсуяклар ортиб бораёпти. Ҳатто Қуръони Каримда ҳам тўртта-гача хотин олишимиз мумкинлиги айтилади. Чинакам мўмин-мусулмон экансан, нега бу насихатга амал қилмайсан? Билимли бўлгани учун ҳам Маҳмудни ақлли дейдилару, бироқ бу ақлу заковат унга фақат зиён келтираяпти. Бундан кўра менга ўхшаб нодон бўлган, бироқ яхши яшаган ва болаларнинг ҳам ҳаёти-ни барбод этмаган афзал. Уғлини у мактабдан бу мактабга юбораётир, ўтга ҳам, сувга ҳам ураётир, охир-оқибат бундан нима чиқади? Минг чрангани билан рожа бўлолмайди. Хўш, хизматнинг нимаси яхши? Бор ана, жуда катта амалдор бўла қолгин, барибир кимгадир итоат қилишга мажбурсан, демак, хоҳлаганингни қилишинг мумкин эмас. Юқоридан нимани буюришса, бажаришинг шарт. Кунми, тунми, соғмисан, носоғмисан, барибир ишлашинг ва яна ишлашинг керак, бўйин товлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бўйин товлаб ёки рад этиб кўр-чи, — дарҳол ковушингни тўғрилаб қўядилар, ёки номингни булғаб ташлайдилар. Бироқ мен-чи, мен? Осмондаги қушдай озод, бирон-бир кимса бирон нарсани таъқиқламайди ҳам, буюрмайди ҳам, қандай хоҳласам шундай яшайман: ўзим хон, кўланкам майдон! Тўйгунимча ухлайман, хоҳлаганимча сайрайман, гап сотаман, кун бўйи ялло қилиб юраман, — ҳеч ким чурқ этмайди. Хўш, ким яхши яшаяпти, билимдон ва юқори мартабали амалдорми ёки саводсиз ва ҳеч қандай амали йўқ одамми? Мисол қидириб узоққа боришинг ҳожати йўқ, Маҳмуд билан мени таққослашнинг ўзи кифоя. Самсу бўлса, албатта, имкон бўлган ҳамма жойда, ўта олий фанларни ўқиб-ўрганишга мажбур, аксинча икки дунёда ҳам одам бўлолмайди. Самсуга ўхшаган кимсалар, қашшоқ бўлгудек бўлса, бутун умри меҳнатнинг тагида ўтиши керак, чунки улар паст тоифадан чиққан. Ҳа-я, Самсу одам бўладими-йўқми, бизга нима қизиги бор! Биз бунинг учун жавобгар эмасмиз. Ана, унинг тоғалари қизарсин. Тоғаси нима учун жияни учун қайгурмайди, дея ўйлайман-у ўйимга ета олмайман. Нима бўлганида ҳам ҳамма айб Маҳмуд акамда, ўғлининг аҳволи учун айбдор Маҳмуд акамнинг ўзи. Ким уни зоти паст аёлга уйланишга мажбур этибди? Наҳотки Падангда олижаноб, асилзода келинларнинг уруғига ўт тушган бўлса? Модомики зодагонлардан эмас экан, хотиннинг чиройидан нима фойда? Маҳмуд бошқа хотин олганида эди, ўғли ҳам ўзига ўхшаб оқсуяк бўларди, энди эса у билан ҳеч ким ҳисоблашиб ўтирмайди!

— Мени ҳам худди шу нарса ажаблантиради-да, — гапни илиб кетди путри Рубия. — Мен бу ҳақда хотиржам ўйлай олмайман. У расм-русумларимизни бутунлай унутиб қўйди, уларга амал қилишни ҳам хоҳламайди! Шундай укам борлигидан ор қиламан. Одамлар нимани ҳам биларди? Афтидан, Маҳмуднинг қандайдир нуқсони бўлса керакки, эркак сифатида ҳеч нарсага ярамайди, деб ўйлашса керак. У билан шу хусусда гаплашганимда: “Одамлар эмас, ҳайвонлар шундай қиладилар”, — деб жавоб берди. Куласанми, куясанми?! Бу гапларни айнан менга айтишга қандай тили борди экан-а!

— Ростдан ҳам шундай дедими? — газабдан Сутан Ҳамзаҳнинг афти бўғриқиб кетди.

— Ҳа-да, — жавоб берди путри Рубия.

— Бундан чиқадики, Падангдаги ҳақиқий эркакларнинг ҳаммаси ҳайвон эканда! Чунки ҳаммасининг бир нечтадан хотини бор, фақат Маҳмудда битта! Шундай гапларни айтган экан, ростдан ҳам мияси айнаб қолибди! Ишқилиб, бирон нарса ичиб, эси оғиб қолмадимикан? — деди бошини лиқиллатиб Сутан Ҳамзаҳ.

— Мен ҳам шундай ўйлайман, — деди путри Рубия. — Бу борада қандайдир нохушлик борлигини кўнглим сезиб турибди.

— Бизларга нима учун нафрат билан қарашини энди англаяпман. Менинг ишларимга ҳам тумшугини тикка бошлади, ишлагин, деб қистаяпти.

— Қанақа иш қилишинг керакмиш?

— Айтишича, олижаноб хонадоннинг фарзанди кун бўйи ошиқ ўйнаши ва хўроз уриштириши яхши эмас экан. Гўё рожалар ва бадавлат савдогарларнинг болалари бундай ҳунарларни қилмаётгандай. Меҳнат қилиш, фақат маош ҳисобига кун кечириниш, ўзгаларга тобе бўлиш — на мол-мулки, на оқсуяклиги билан



ажралиб турмайдиганларнинг қисмати, — аксинча, улар очликдан тарашадай қотиб қолади. Бироқ менга бунинг нима кераги бор?

— Тўғри, жуда тўғри, — қўшилди путри Рубия. — Сенга ўхшаганларнинг ишлаши ҳеч ҳам керак эмас. Уйна, кул, кўнглинг нимани тусаса, вақтни шундай ўтказ — мана сенинг қиладиган ишинг! Кел, энди Маҳмуд хусусида маслаҳатлашиб олайлик. Агар у ҳам ота-боболаримизнинг расм-русумларига амал қила бошласа, жуда яхши бўларди-да! Маҳмуд ўзини номуносиб тутишидан қатъий назар, туғишганимиз, бундан кўз юмиб бўлмайди. Бирон балога гирифтор бўлса, ҳаммамизнинг шаънимизга доғ тушади. Оқибатда, сен билан биз ҳам иснодга қоламиз. Мабодо Маҳмудни ростдан ҳам бирон-бир йўл билан онгини заҳарлаган бўлсалар, уни даволаш йўлини ўйлашимиз керак, бу бизнинг бурчимиз. Агар бирон бахтсизлик рўй берса, албатта, бундай бўлишини хоҳламаймиз, ўлиб-нетиб қолса ёки оғир касалликка чалинса, — у ҳолда нафақат хотини, балки биз ҳам азобда қоламиз. Хўш, бунга нима дейсан?

— Энг яхши йўли, бир йўла ҳам домла, ҳам фолбин топишимиз керак, — жавоб берди Сутан Ҳамзаҳ.

— Шундай одамни билмайсанми?

— Биламан, яқин ўртада яшайди, лақаби — Жуара Липтау. Балки ҳозир уйдадир? Абуга айт, бориб келсин. Агар тополса — бошлаб кела қолади, иш тезлашади-да.

— Абу! — чақирди Сутан Ҳамзаҳ.

Айвонда хизматкор пайдо бўлди. Сутан Ҳамзаҳ гўё у билан суҳбатини кимдир эшитишидан ҳавфсирогандек шипшиди:

— Кулоқ сол, Абу, ҳозироқ фолбин Жуара Линтаунинг олдига зинғилла. Агар уйда бўлса илтимос қилиб, бошлаб кел: у билан гаплашадиган гапларимиз бор. Лекин эсингдан чиқмасин: агар ҳузурида бирон кимса бўлса, чиқиб кетмагунча оғиз оча кўрма. Уни чақирганимизни ҳеч ким билмаслиги керак.

— Жуда яхши, жаноб, — дея жавоб берди-да, Абу чиқиб кетди.

— У келгач, — шивирлади путри Рубия, — биринчи галда бирон-бир кимса пенгхулунинг бош-кўзини айлантириб, бахтини боғлаб қўймадимикан, шуни библиб беришини сўра. Агар бу фолда тўғри чиқса, қайтариқ қилади. Кейин эса шундай қилсинки, Маҳмуд хотинидан бутунлай кўнгли қолиб, ҳатто қайрилиб қарамасин.

— Жуда тўғри, — маъқуллади Сутан Ҳамзаҳ. — Бу хотиндан унга нима фойда, нимаси яхши экан ўшанинг? Битта чиройи демасанг. На мол-мулк бор унда, на насл-насаби тайинли. Шахсан мен бундай хотинларга ҳаром тукимни ҳам раво кўрмайман. Маҳмуд акамни иссиқ-совуқ қилиб, бутунлай ўзига оғдириб олгани аниқ. Аксинча, унга ипсиз боғланиб қолгани камдай ўғлини ҳам еру кўкка ишонмай юрмаган бўларди! Айни ўша жодугар акамни оиламизга, албатта, қарши қилиб қўйган, шу сабабдан ҳаммамизни кўргани кўзи йўқ. Маҳмуд акам бошқа хотин олиб, ташлаб кетишидан кўрқадим. Бу ифлос чиндан ҳам жодугарнинг ўзгинаси! Эрини ўзига иситиб олгани камдай, миясини ҳам айнитиб қўйган! — Бошини газаб билан чайқаб сўради: — Руқия хусусида у билан гаплашдингми?

— Гаплашдим.

— Нима деди?

— Ҳаммасига розиман, деди.

— Қанча пул бермоқчи?

— Уч минг рупия ваъда қилди.

— Ундай бўлса, сарф-харажатлар кўпайиб кетмаса, етиб қолиши керак. Филлар ҳақида ташвишланмай қўя қол, буни зиммамга оламан... Бироқ шунча пулни қаердан олар экан? Умумий меросимизни сотмоқчи ёки гаровга қўймоқчи эмасми?

— Йўқ, — жавоб берди путри Рубия. — У фақат ўз уйи ва Ява кампунгидаги томорқасини Датук Мерингхга гаровга берибди.

— Ростдан ҳам шундай бўлса, Маҳмуднинг ошиғи олчи экан. Ахир бу икки дунёда ҳам Руқияга тегмайди, чунки, эшитишимга қараганда, уй Маҳмуднинг хотинини номида экан. Мана кўрдингми, шундай қилгани яхшими, ахир? Ме-

рос харид қилган-да, хотинининг номига ўтказган-қўйган, нима қилиб бўлса ҳам жиянига ҳеч вақо тегмаслигининг чорасини кўрган-да! Бор, ана шундай ҳам бўлақолсин. Барибир, эртами-кечми ўлса, хотинидан уйни ҳам, томорқани ҳам тортиб олса бўлар. Ахир буларнинг ҳаммаси Маҳмуднинг мулки экани, пешона тери эвазига орттиргани барчага маълум.

Гап билан бўлиб Абунинг қайтиб келганини пайқамай ҳам қолишди; у фолбинни бошлаб келганди. Сутан Ҳамзаҳ ва путри Рубия меҳмонни ичкарига таклиф қилишди; Сутан Ҳамзаҳ эшикни ёпди-да, фолбиннинг ёнига чўкиб, тамакидан узатганидан кейингина гап бошлади.

— Жуда жиддий илтимосим борлиги учун ҳам муҳтарам Жуарани бошлаб келишларини илтимос қилгандим, — деди у. — Лекин дилимдагини айтишдан аввал жаноб Жуарадан бу сирни ҳеч қаерда ошкор этмаслигини ўтинмоқчиман.

— Албатта, албатта, жаноб хотиржам бўлаверсинлар, — жавоб берди фолбин. — Чамаси, тақсирим муҳтарам пенгхулу масаласида безовта бўлаяптилар.

— Айни шуни назарда тутган эдим-да, устига-устак, гап менинг акам пенгхулуга тегишли.

— Қандай гап экан? — сўради Жуара Линтау.

— Ҳозир тушунтириб бераман. Акамнинг галати юриш-туриши муҳтарам Жуарани ҳам ҳайрон қолдирмаяптимикиан? Ахир у бошқа пенгхулуларга мутлақо ўхшамайди. Ҳаммасидан ҳам ҳайрон қоладиган жиҳати, барча фойдали таклифлардан бош тортади, яна бир марта уйланишни истамаётир, жияни ва опасига эса ҳеч қандай эътибор бермаётир.

— Ҳақиқатдан ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам бунинчадан буён кузатиб юрибмиз, — жавоб берди фолбин. — Бошқа пенгхулуларнинг тўрттадан хотини бўлгани ҳолда муҳтарам Маҳмудники атиги битта. Бу мана шундай обрў-эътиборли одам учун яхши ҳам эмас, ярашмайди ҳам.

Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, беғоналар шундай фикрда экан, унинг жияни, туғишган опаси-ю укаси ҳам бу борада ташвишланишлари табиий. Фақат у ўзини мусичадан увол қилиб кўрсатаяпти. Шунинг учун ҳам акамнинг бирон ичи қора иссиқ-совуқ қилиб қўймадимикан, деган хавотирга тушаяпман. Балки, айни шу сабаб у таниб бўлмайдиган бўлиб қолгандир: юриш-туриши ҳам, фикр-мулоҳазалари ҳам бутунлай бошқача. Уни ростдан ҳам иссиқ-совуқ қилган бўлсалар, бунинча шундайлигича қолдириб бўлмайди.

— Унга, албатта, ёрдам бериш керак, — деди фолбин.

— Ишончим комилки, жаноб Жуара ҳаммасини яна аввалги ҳолига келтириб қўяди.

— Яхши. Бунинг учун менга исириқдон, кеменьян<sup>1</sup>, бир челақ тиниқ сув ва сариқ сирихнинг етти япроғи керак бўлади.

— Ҳаммасини тез ҳозирлайман, — деди шу пайтгача нафасини ичига ютиб ўтирган путри Рубия. У хонадан чиқди-да, орадан кўп ўтмай фолбин талаб қилган нарсалар билан қайтиб кирди.

Жуара Линтау сақични дарров тутатади-да, дуолар ўқиди. Кейин уч марта сирих билан сув селди, шундан сўнг қандайдир дуоларни тўхтовсиз ўқиркан, еттита япроқнинг ҳаммасини челақка ташлади. Сўнг барча япроқларни олди-да, бирма-бир синчиклаб кўздан кечира бошлади.

— Ёш жанобнинг тахминлари тўғри чиқди, жуда ҳам тўғри чиқди, — бидирлай кетди фолбин. — Муҳтарам пенгхулуга хуфиёна дам солинган, шунинг учун ҳам ўзгариб кетган. Жуда нафаси ўткир домла дам солган экан, шунинг учун муҳтарам пенгхулу ўзи истагандек иш тута олмайди, балки ким уни домлага ўқиттирган бўлса, ўшанинг чизган чизигидан чиқа олмайди.

— Нима деган эдим? Ана, билган эканман, — деди путри Рубия ва фолбинга юзланди: — бироқ пенгхулунинг бош-кўзини айланттириб қўйган ким экан-а?

— Бунинча қилган одам, — жавоб берди Жуара Линтау, — Сутан Маҳмуддан узоқ эмас. Ҳамма аломатлар, у Маҳмуд билан битта уйда яшаши ва унга жуда яқинлигини кўрсатиб турибди.

<sup>1</sup> Кеменьян — ўткир ҳидли сақич, азалий ақидага кўра, унинг тутуни сеҳрли ва шифобахш хусусиятларга эга.

- Аёлми, эркакми?
- Хотин киши, — деди фолбин.
- Бўлди, бу унинг хотини. Уйида бошқа хотин зоти бўлмагач, бошқа ким ҳам бўларди, — деди путри Рубия.
- Мен ҳам шундай фикрдаман, — деди ука.
- Энди нима қилдик-а, унга қилинган амалларни қандай олиб ташласак экан, — сўради путри Рубия.
- Муҳтарам пенгхулуни сеҳр-жоду ва доривор гиёҳлар билан даволаш керак; бошқа йўл йўқ, — жавоб берди Жуара Линтау.
- Яхши, фақат уни хотинидан тамомила совутиш керак, бўлмаса ундан ажралмайди. Бундай хотиннинг жазоси фақат шу, — қўшиб қўйди путри Рубия.
- Менга ишонаверинглар, — тинчлантирди уни фолбин, — қўлимдан келганининг ҳаммасини қиламан. Биттагина илтимосим — бу уйда жаноб пенгхулунинг эски қўйлаги ёки кайнаси топилмайдими?
- Менимча, унинг нимасидир бор. Мен ҳозир қараб кўрай, — путри Рубия шундай дея чиқиб кетди ва тез орада Сутан Маҳмуднинг кайнаси билан қайтди.
- Мана, марҳамат! Бу кайнани қолдирганига анча бўлди, эсидан чиқиб кетган бўлса ҳам кераг-ов.
- Узим билан ола кетсам майлими, — сўради Жуара Линтау. — Менга керак бўлади.
- Бемалол олаверинг.

## V. САМСУЛБАҲРИ ЖАКАРТАГА ЙЎЛ ОЛДИ

— Али пак! Чироқларни ёқиш пайти келди, қоронғи тушиб бўлди, — деди башанг кийиниб олган Самсу.

Жакартага жўнаб кетиши арафасида сўнгги оқшомни у Ява кампунггидаги уйда ота-онаси ва дўстлари даврасида ўтказаётганди.

— Ҳозир, жаноб! — жавоб берди Али пак ва гугурт олиб келгани кетди.

— Аматами ҳам чақир, келиб сенга кўмаклашсин.

Бир неча дақиқадан сўнг Али пак хизматкор Амата билан қайтиб, биргаликда айвондаги чироқларни ёқа бошладилар.

— Уйдаги барча чироқларни ёқиш керак, — деди Самсу. — Сен эса, Аमत, мана бу гулдонларни гуллари билан пастга олиб туш. Кейин стол ва стулларни бир томонга суриб қўясан — ўйнагани кенгроқ жой очилади.

Хизматкорлар ёш жанобнинг буйруқларини бажаришга киришдилар. Пешайвонда ҳамма нарса ҳозирлаб қўйилгач, Самсу хизматкорларни кенг ичкари хонага бошлади, иккита узун столни жипслаштириб ўртага суришди, атрофига эса стуллар териб чиқишни буюрди. Столлар устига каштали оппоқ дастурхонлар ёзилди.

Хонага Нурбая кириб келганида иш қизиб кетганди. У ўзининг энг яхши, энг чиройли қўйлагини кийган, қўлида анвойи гуллардан йирик гулдаста ушлаб олганди.

— Ҳаммаси тайёр бўлдими, Сам? — сўради Нурбая.

Унинг овозини эшитиб Самсу кескин ўгирилди ва унга тикилиб қаради. Ҳозиргина яйраб турган қувноқ чехраси бирданига хомуш бўлди-қолди. Мабо-до Нурбая тезда гапга оғиз жуфтламаганида кўзларидан ёш чиқиб кетган бўлармиди?

— Сенга нима бўлди? Тобинг йўқми? — сўради у.

Самсу сесканиб кетди. Фақат шундан кейингина хушёр тортиб, ўзини қўлга оларкан, жилмайиб жавоб берди:

— Шунчалар очилиб кетибсанки, сенга қараб туриб, айтадиган гапларимни ҳам йўқотиб қўйдим.

— Бекорга бундай чиройли кийинганим йўқ, — қиз ҳам унга кулиб жавоб берди. — Ахир эртага кечқурун мени қайта кўрмайсан.

Бироқ бу жавоб Самсуга нафақат тасалли берди, балки яна ҳам ғамгинроқ қилиб қўйди.

— Бу гапинг тўғри, — қисқа қилиб жавоб берди у ва бошини алам билан қуйи солди.

Нурбая дўстининг яқинига келиб, елкасига қўлини қўйди.

— Қўйсанг-чи, Сам, кераги йўқ, — эркалаб деди у. — Бу оқшом ўйнаб-кулишимиз керак. Агар уйнинг эгаси бўла туриб, ўзинг шундай кайфиятда бўлсанг, биз меҳмонлар нима қилишимиз керак?

— Гапинг тўғри, Нур, тушунаман. Лекин нима ҳам қила олардим! Кечадан буён қандай юриб-турганимни ўзим ҳам билмайман. Ўзимни босиб олишга ҳар қанча уринсам ҳам ҳеч қандай натижа бўлмапти. Жўнаб кетишим яқинлашган сайин юрагим узилиб кетай деяпти. Ҳозир нималарни ҳис этаётганимни кейинчалик вақт-соати билан айтиб бераман.

Хонада кўққисдан Бахтиар пайдо бўлди. У похол шляпасини бошидан олди-да, таъзим бажо келтираркан, боши нақ тиззаларига тегиб кетай деди ва қичқирди:

— Ҳаммаларингизни қутлайман, хонимлар ва жаноблар!

— Бу ерда қанча хонимлару қанча жаноблар бор экан, Бахтиар? — кулди Нурбая.

— Юз битта хонимчалар ва юз битта жаноб, — жавоб берди у “битта” сўзига алоҳида урғу бериб.

— Ҳали вақт жуда эрта-ю, аллақачон етиб келибди! Мана бунини одамгарчилик деса бўлади. Одам деган шундай бўлиши керак, — ҳазиллашди Самсу.

— Мен, муҳтарам ҳазратим, мана шу оқшомга таклиф этилган беҳисоб меҳмонларни муносиб кутиб олиш учун ҳамма нарса етарлича ҳозирланган-ҳозирланмаганим, шуни билиш мақсадида атайлаб барвақт келдим, — деди Бахтиар тантана ва такаллуф билан яна бир бор таъзим қиларкан.

— Бўлмаган гап! — деди овозининг борича Бахтиарнинг ортидан кутилмаганда пайдо бўлган Арифин. — Жаноб Бахтиар ширинликлар етарлимикан, деб шунчаки назар солмоқчи, холос. Мабодо, камроқ бўлса, дарҳол қайтади-кетасди, чунки оч қолмоқчи эмас. Ҳозиргина извошда кела туриб шундай қиламан, деб унинг ўзи айтди.

— Ўзгаларнинг сирини мутлақо яшира олмас экансан, сенга яна ишониб юрибман-а, — деди Бахтиар бир йўла хижолат тортиб ва ғазабланиб. Сиримни ҳеч кимга айтма деб илтимос қилмаганимда ҳам алам қилмас эди. Сен бўлса ошкор қилиб ўтирибсан, яна кимларга дегин, илк дуч келганларга. Ишончим комил, бу ҳам камдай, бутун дунёга ёйиб юборасан ҳам. Сен айниқса нона<sup>1</sup> Нурбая олдида обрўйимни бир пул қилдинг. У ҳам мени чиндан-да фақат ширинликлар дардида келган деб ўйлаши мумкин.

— Ўзингни бос, Бахтиар, ҳадеб обидийда қилаверма, — деди Нурбая. — Уялишингнинг ҳеч хожати йўқ, сирингнинг ҳеч қандай сирлиги қолмаган, ҳаммаси аллақачоноқ менга маълум. Мабодо бу уйда ҳозирланган ноз-неъматлар йўқ деганда ўн нафар Бахтиарга ҳам етиб-ортиб қолишига ишонмасанг, кетимдан юриб, бунга ўзинг ишонч ҳосил қилишинг мумкин. Бироқ аввало, нафсингни тийиб, элбурундан бирон нарсага қўл ҳам теккизмайман деб қасам ичишинг керак. — Нурбая шуларни айтиб туриб Бахтиарни дастурхон тузалган хонага бошлаш учун унга яқинлашди.

— Бахтиар бир дақиқа гарданини қашиб ўйлаган бўлди. “Ростдан ҳам ўзим ейдиган ноз-неъматларни жуда-жуда кўргим келаяпти-да. Бироқ қўлимни тийиб тура олармиканман?” Лекин: “Албатта, чидайман”, — дегани билан бундай синовга бардош бера олмаслигини юзидаги ифода фош этиб турарди. Кейин у яна шляпасини бошидан олди, қақдини гоз тутиб, чуқур нафас олди-да, қўлларини кўтарганча деди: — Мен бағоят хуш кўрадиган барча ширинликлар, айниқса тортлар, бисквитлар, шакар сепилган мевалар ва ҳоказо ва ҳоказолар номидан шу ерда, уч гувознинг ҳозирлигида тантанали ваъда бериб айтаманки, уларга қўлимни ҳам теккизмайман. Мабодо бу қасамни бузсам, у ҳолда менинг қорним ва етти пуштимгача барча авлодларимнинг қоринлари қанду асал ширинликлар билан абадулабад лиқ тўла бўлсин.

<sup>1</sup> Нона — эрсиз аёлга, қизларга эҳтиром билан қилинадиган мурожаат.

— Жуда соз, — кулиб деди Нурбая. — Сен ростдан ҳам даҳшатли қасам ичиб юбординг. Тўғри, улар сенинг қорнингга ҳеч қандай хавф-хатар солаётгани йўқ, асли шундай бўлиши ҳам керак, кетдик. — Шундай дея Бахтиарнинг қўлидан тутди.

— Ишонма унга, — қичқирди Арифин. — Кўзларидан сезиб турибман, вадасининг устидан чиқмайди. Ягона йўли — қўлларини орқасига қилиб боғлаш.

— Жуда ҳаддингдан ошиб кетдинг-да, — сохта ўшшайиб деди Бахтиар. — Шу қадар даҳшатли қасамни бузишга журъатим етармиди! Ундай қилсам ўзим хуш кўрадиган барча ширинликлар олдида гуноҳкор бўлиб қоламан-а.

— Биз барибир сенга ишонмаймиз, — такрорлади Арифин ва дастрўмолча билан Бахтиарнинг қўлини боғлади.

— Али пак, — илтимос қилди Нурбая Бахтиарни хонадан етаклаб чиқаркан; — мен олиб келган гулларни тушлик столидаги гулдонга солиб қўй.

— Хўп бўлади, Ситти.

Нурбая Бахтиарни уйнинг орқа томондаги бўлагига олиб ўтди. Бу ерда бир неча столга мазали таомлар, ширинликлар, ичимликлар қўйилганди.

— Буларнинг ҳаммасини нъонь Янсен дўконига буюртма қилиб, сотиб олдим. Қалай, сенга етадим-йўқми? — сўради Нурбая.

Бу даражада хилма-хил таомларни кўрган Бахтиарнинг кўзлари ўйнаб кетди. У бундай ширинликларнинг ҳаммасидан тотиб кўриш истагини енга олмаслигини ҳис этди. Қўллари боғланган бўлмаганида ҳозиргина ичган қасами билан ҳисоблашиб ўтирмай, ширинликларга ташланган бўларди. Бироқ аранг бармоқларини қимирлатарди, холос — Арифин шунчалик танғиб ташлаганди. Ақалли кўзларини қувонтириш учун бир столдан иккинчисига ўтар экан, оғзи тинмасди:

— Вой-бўй, чиройлилигини қаранглар-а! Қизик, мазаси қанақа экан? Мана буниси яни ҳам яхшироқ, ҳидининг ўзиёқ иштахани очиб юбораяпти! — ва у егуликнинг хушбўй ҳидини тўйиб симирди.

Ниҳоят, сабр-тоқати тугаб, тортнинг каттагина бўлагини тишлаб узиб олди. Тортнинг юзаси қаймоқ билан қопланган эмасми, лаблари ва бурнига ҳам қаймоқ юқиб қолди.

— Нима қилаяпсан, эсингни еб қўйдингми? — Нурбая ширахўрни столдан нарига судрай бошлади, бироқ қаймоқ юққан афтига кўзи тушди-ю, шу қадар қаттиқ қаҳ-қаҳ урдик, қулоғини динг қилиб турган Самсу билан Арифин дарҳол етиб келди.

Бахтиарнинг юзи нима учун ниқоб кийганга ўхшаб қолганини уларга тушунтириб берди. Улар ҳам кулгидан ўзларини тия олмадилар, Арифин ҳатто қорнини чангаллаб куларди — Бахтиар фирт масхарабознинг ўзгинаси бўлиб қолганди. Фақат гуноҳқоргина оғзига сув солиб олгандай сукут сақлар, гўё уятдан хижолат тортар ва ҳатто бемаънилик қилганидан афсусланарди ҳам. Бироқ узиб олган торт бўлагини ҳамон чайнар эди.

Бахтиарнинг устидан беармон кулган Арифин деди:

— У ўта оғир жиноят қилди: биринчидан, қасамини бузди, иккинчидан, ўта ашаддий ўғрилар ҳам фақат қўллари билан ўғирлик қилганлари ҳолда бу оғзи ёрдамида талончилик қилди. Бахтиарнинг бу усули бошқа жиноятчилар учун хатарли ва юқумли намуна вазифасини ўташи мумкинлигини эътиборга олган ҳолда содир этган жиноятининг оғирлигига тўла-тўқис муносиб жазога тортилиши даркор. Шундай қилиб, уччаламиз унинг ҳакамларимиз. Қандай ҳукм чиқарилади?

— Мен қилмишига лойиқ жазони таклиф этаман, — деди Нурбая. — Унга ширинлик тановул қилиш учун рухсат берилмасин, чунки у ўз тегишини еб бўлди.

— Мен қаршиман, — эътироз билдирди Самсу. — Бу унинг учун ўта шафқатсиз жазо бўларди: ҳамма еганича еб, Бахтиарга бир тишлам ҳам бермаётганларини кўрса, қутуриб кетади.

— Кимки тартиб-интизомни бузишга журъат этган экан, ҳукмга итоатгўйлик билан чидаб бериши керак, аксинча унинг оёқ-қўлини боғлаб ташлайдилар, — баён этди Арифин. — Умуман, мана бундай қилсак яна ҳам яхшироқ бўларди-да... Йўқ, ҳозир ҳеч нарса демайман, ҳозирча сир бўла қолсин. Оғзина

сабр қилсангиз, ўз кўзингиз билан кўрасиз. Сен жазони ўташга тайёрмисан? — мурожаат қилди у Бахтиарга.

— Тайёрман, фақат кейин сизлар билан стол атрофида ўтирсам бас, — Бахтиар маъюсгина жавоб бераркан, лабидаги қалин тотли қаймоқни астойдил ялар эди.

— Бўпти, у ҳолда бир оз сабр қил! — деди Арифин.

Олд айвондан овозлар эшитилди, Самсу билан Нурбаянинг голланд мактабида бирга ўқиган дўстлари ва дугоналари келишганди. Ёш хўжайин ва Нурбая меҳмонларни қарши олдилар-да, жой-жойларига ўтказиб, гапга солдилар. Айвон шу заҳотиёқ қувноқ ғала-ғовурга тўлди. Шу пайт келиб қолган созандалар ёшларга мос куй ижро эта бошладилар.

Айни шу паллада кўллари боғланган Бахтиарни эргаштириб, Арифин айвонга кириб келди. Аввалига ҳамма қотиб қолди, бу қандай томоша эканини меҳмонларнинг ҳеч бири тушуна олмасди. Лекин кўллари боғлиқ ҳолда тортиб каттагина бўлагини паққос тушириб олган оғайнисининг қилмишини айтиб берганида гурра кулги кўтарилди. Арифин фақат шундан кейингина Бахтиарнинг кўлларини бўшатди. Бироқ у кўлларини бўшатиб олгани заҳоти юзидаги куриб қолган қаймоқ қолдиқларини сидириб олди-да, Арифиннинг афтига қараб отди ва унинг орқа томонидаги бўлма томон қочди. Бу ҳам гурра кулгига сабаб бўлди. Арифин юзини ювиш ва ўзини тартибга келтириш учун Бахтиарнинг ортидан зинғиллаб югуриб кетди.

Ёшларни рақсга чорлаб мусиқа янгради. Йигитлар қизларни таклиф қилиб, гир айланиб рақс туша бошладилар. Ҳар томондан қизгин сўхбатлашув, ҳазил-ҳузул ва қаҳқаҳа эшитиларди. Ёшлар диддан яйрардилар. Нурбая аввалига Самсу билан, кейин эса Арифин ва Бахтиар билан рақс тушди. Икки оғайни ҳатто рақс чоғида ҳам валдирашларини бас қилмадилар. Хонадаги шовқин-сурон кулоқни қоматга келтирарди.

Айни замонда меҳмонларга егулик, ширикликлар, қаҳва, чой, шоколад, мева шарбатлари тортила бошлади. Бахтиар гўё ноз-неъматлар ва ичимликларни ташишда хизматкорларга кўмаклашаётгандек типирчилаб қолди, аслида ширинликларни чўнтакларига устма-уст тиқиш билан машғул бўлди. У бу ишга шунчалар берилиб кетгандики. Арифин “Мен — ширинликларни ямламай ютаман” сўзлари ёзилган варақни сездирмай елкасига қистириб қўйди. Меҳмонлар яна Бахтиарнинг устидан қотиб-қотиб кула бошладилар, у эса нима учун бунчалар кулаётганликларини асти тушуна олмасди.

Ниҳоят, гап нимада эканини билгач, қандай бўлмасин, оғайнисидан қасдини олишга қарор қилди. Шу муддао билан орқа айвонга чиқиб кетди-да, бир неча аччиқ қалампир сўради, — Арифиннинг аччиққа тоби йўқлигини Бахтиар биларди. Кейин қатлама пирожнийнинг орасига яширинча қалампир сепди-да, ликопчада Арифинга олиб келди.

— Жаноблари мана бу егуликдан татиб кўришни хоҳламайдиларми? — деди у илтифот билан.

Яқинроқдагиларнинг ҳаммаси ўзларини кулгидан тия олмадилар. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Арифин пирожнийни оғзига солди ва бирдан қичқириб юборди. Оғзидан пирожнийнинг қолган-қутганлари дастурхонга тушди, кўзларидан эса дув ёш тўкилди. Аччиқ қалампирдан лов-лов ёнаётган оғзига малҳам бўларми-кан деган умидда дабдурустдан совуқ сув беришларини ҳам илтимос қила олмади.

Аввалига меҳмонлар Арифинга нима бўлганлигини англай олмасдан саросимада ўринларидан туриб кетдилар. Бахтиар қандай ҳазил қилганини айтиб бергач, яна гурра кулги кўтарилди.

Кечки тўққизда меҳмонларни дастурхонга таклиф қилдилар. Суюк ош билан май тортилди. Самсунинг дўстларидан бири қисқача қадаҳ сўзи айтди. Аввало Самсу, Арифин ва Бахтиарни Паданг мактабини намунали тугатганликлари билан қутлади ва Явада ўқишни яна ҳам яхшироқ давом эттиришларини тилади. Сизлар Жакартада ҳам фанларни яхши ўзлаштириб, старлича билим олиб, кейинчалик муносиб лавозимларнинг соҳиби бўласизлар, деган умиддаман ва бунга қатъий ишонаман, деди. Ўшанда ҳаётингиз маъно ва мазмун касб

этажак. Уч ўртоқ ўқиш йилларида синфдош дўстлари билан яхши муомалада бўлдилар, бирон марта ҳам жанжал ё келишмовчилик рўй бермади. Шу боис, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, улар Жакартада ҳам ўзлари сингари бамаъни танишлар, дўстлар орттирадилар ҳамда уларнинг атрофида Падангдаги каби кадрдонлар доираси вужудга келади. Мактабдош дўстларини эсдан чиқармасликлари учун эса ўқувчилар ўқитувчилар билан биргаликда тушган фотосуратни эсдалик тариқасида қабул қилгайлар.

Зиёфат ниҳоясида меҳмонлар Жакартага отланаётганларга оқ йўл, сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тиладилар.

— Кадрдон Падангга тезроқ қайтиб келинглр, сизларнинг ҳам, бизларнинг ҳам орзу-умидларимиз рўёбга чиқаверсин.

Шу жойга келганда меҳмонлар ҳайқирдилар ва тантанавор мусиқа садолари уларнинг ҳайқириғига уланиб кетди.

Табрик ва истақларга Самсу қисқача жавоб нутқи сўзлади:

— Шу оқшомга келган дўстларимизнинг ҳаммасига каттадан-катта раҳмат. Ўзимиз учун қадрли бу суратларни кўз қорачиғидай асрашга ваъда берамиз, бу сурат Падангда қолаётган дўстларимизни, хушчақчақ ва нохуш кезларда ёнмаён бўлган оғайниларимизни ҳамisha эслатиб туради. Сизлар ҳам мактабни муваффақиятли тугатиб, яна ҳам теранроқ билим олиш учун ўқишни давом эттиришларингизни тилаймиз. Жакартага етиб боргач, сизларга ҳам эсдалик совғаларини йўллаганимиз бўлсин. Соғ-саломат бўлгайсиз, азиз дўстлар!

Яна уч карра янграган мусиқа садолари уланиб кетди. Ҳамма ёппасига овқатланишга киришди. Кетма-кет турли таомлар тортиларди. Суюқ ошдан кейин картошка димлама, салат, ширинликлар ва хазми таом учун мева ҳамда қаҳва тортилди. Меҳмонларнинг вақтини чоғ қилиш учун Арифин Бахтиар бири олиб, бири қўйиб гапирмаган нарсасининг ўзи қолмади. Гоҳ у ер, гоҳ бу ердан дам-бадам йўтал эшитиларди: кулгининг зўридан овқат нафас йўлига ҳам кетиб қолаётганди. Овқатланиб бўлганларидан сўнг ойнанинг кумуш нурларига чулганган ҳовлига тушдилар — юксак-юксакда тўлин ой нур сочарди. То саҳаргача ўйнадилар, рақсга тушдилар, қувнадилар, фақат тонг ёришгандагина уй-уйларига тарқала бошладилар. Меҳмонлар кетиш олдидан сафарга чоғланаётганларга яна бир бор оқ йўл тиладилар, жўнаб кетаётганлар ҳам ўз навбатида дўстларига яхши қолгайсизлар, деб жавоб беришди.

Нурбая ҳам кетиш тарадудини кўра бошлади.

— Кузатиб кўяман, — таклиф қилди Самсу, — тун яримдан оққанда қиз боланинг ёлғиз юриши яхши эмас.

Нурбая бажонидил рози бўлди, икковлон бамайлихотир унинг уйи томон одимлаб кетишди. Ой чор-атрофни сутдай ёритиб турганидан сира тунга ўхшамасди. Юксак-юксакларда юлдузлар милтилар; улар ноёб улкан тожнинг қимматбаҳо безакларига ўхшаб кетарди. Фарбдан шарққа булутлар карвони эниб борарди.

— Ойнинг ёрқинлигини қара-я! — деди Самсу. — Бу мени яна ҳам ғамгинроқ ва маъюсроқ қилаёттир. Кўнглим шунчалар ғашки, ҳайронман, қандай жўнаб кетарканман. Янги шаҳарда бир-бирдан қизиқ нарсаларни кўраман; ўқишни давом эттириб, чуқур билим оламан, дея ўзимга таскин беришга уринаман. Бироқ кечадан буён булар ҳам тасалли бўлолмапти. Жўнаб кетиш онлари яқинлашгани сайин аҳволим танглашиб, юрагим ёрилиб кетай деяпти.

— Нега бунча ҳаяжонланасан? Ҳаммаси тайёр бўлса, кемага ўтирасизлару жўнаб кетаверасизлар. Етиб боришинг билан эса ўқишни бошлаб юборасизлар. Ўқишни тугатганингдан кейин яхши иш билан, мўмайгина моаш билан таъминланасан. Бизлар олисдан ютуқларингни кузатиб, қувонамиз, сен билан фахрланамиз. Ота-она, дўстлардан ажралишнинг оғирлигини, Самсу, мен ҳам тушунаман, бироқ бу ҳам ўтиб кетади. Менимча, янги жойга тез мослашиб, кўникиб кетасан. Ушанда ҳозирги ғамгинлигингдан ном-нишон ҳам қолмайди. “Ҳатто ҳаёсизликка ҳам кўникиш мумкин”, — деган мақолни биласан-ку, ахир. Ҳамиша битта нарсани ўйлайвермасдан қатъиятли ва мардона бўл.

— Буларнинг ҳаммаси тўғри, — жавоб берди Самсу, — бироқ бир нарса кеча-ю кундуз тинчлик бермаяпти.

— Нима экан у? — сўради Нурбая йигитнинг кўзига тик қараб. — Эҳтимол бу ерда кимгадир ёки нимагадир шу қадар боғланиб қолгандирсанки, қолдиргани ҳеч кўзинг қиймаётгандир?

— Йўқ, ундай эмас, Нур. Эсингдами, тоққа сайрга чиққанимизда, қандай туш кўрганимни айтиб бергандим. Ўша туш ўшандан буён мени қийнапти. Бир кеча ҳатто ухлай олмадим. Баъзан шундай туюладики, қандайдир даҳшатли йиртқич ортимиздан писиб келиб, ташланиш учун пайт пойлаётгандай. Иккаламиз ажралсак, тамом, ҳалокат муқаррардай. Мана шу нарса муттасил бағримни ўртаб, ҳавотирга солади. Агар Жакартага бораман дея отамга ваъда қилмаганимда сени хавф-хатардан асраш учун албатта, қолган бўлардим.

Улар шу йўсин суҳбатлашиб Нурбаяларнинг ҳовлисига кириб бордилар-да баҳайбат дарахт пойидаги ўриндиққа чўкдилар.

— Мен сенга айтдим-ку, ахир, — деди Нурбая, — ўша тушга ишонмагин деб. Хўш, ўзинг айт-чи, бўлмаса, бизга нима хавф солаяпти? Бирон-бир гуноҳимиз бўлмаса, бирон-бир кимсага ёмонлик қилган бўлмасак. Бироқ қисматимиз шундай бўлса, кўлимиздан нима ҳам келарди? Ҳаммаси худо хоҳлагандай бўлади. Ёқадими, ёқмайдами, тақдиримиз шундай бўлгач, уни ўзгартира олмаймиз. Бошқалар ҳам ўзгартира олмайди. Сен, яхшиси, ўзингни ўйла, эҳтиётроқ бўлиб юр, кел, яхшиси, барча кулфат ва бахтсизликлардан асрашни Яратганнинг ўзидан ёлвориб сўрайлик. Ахир сен мана шундай қайғули фикрлар билан ўзингни қийнайверсанг, фанларни ҳам ўзлаштира олмайсан. Наҳотки бунга йўл қўйиб бўлса! Фарзанди шифокор, обрўли инсон бўлиб етишганини кўрган ота-онанг қанчалар фахрланишини ўйласанг-чи! Мен ҳам сен билан фахрланаман. Борди-ю, бошқа шаҳарда яшашни истамасанг, мана шу ерда, Падангда иш топиб беришларини илтимос қил, ўшанда ўзинг учун қадрли, яқин одамлар билан ҳамиша бирга бўласан.

— Мени тушунишинг қийин, Нур. Эҳтимол, сенга ҳаммаси осон кўринаётгандир. Кўнглимда тўлиб-тошаётган туйғулар сенга бегона, шунинг учун ҳам бу ҳақда мендек ўйлай олмайсан.

— Қанақа туйғулар, — сўради қиз Самсуга тикилиб.

— Нурбая, эртага Паданг билан хайрлашиб, узоқ муддат йироқларга йўл оламан, қайтиб келиш-келмаслигим эса даргумон. Назаримда, юрагимни сенга очиш вақти етиб келган кўринади. Нур, сени жонимдан ортиқ яхши кўраман. Бу муҳаббатни кўпдан қалбимда ардоқлаб юрибман, фақат ҳозир айтишга қарор қилдим, — айни шу паллада, жўнаб кетишимдан олдин. Эҳтимол, қадрдон шаҳримга ҳеч қачон қайтиб келмасман, сен билан ортиқ ҳеч қачон учрашмасмиз. Яхши кўришимни айтолмадим, дея кейинчалик армон қилмайин деяман. Мабодо севгимни сенга изҳор қилмасам, барибир бағримга зирапчадай азоб берган бўларди. Тўғри, аввалига бу акаларча меҳрибонлик эди, лекин чинакам муҳаббатга қай йўсин айланганини пайқамай ҳам қолдим. Эҳтимол, бу яхши эмасдир, бироқ нима ҳам қила олардим! Ахир узоқ йиллар биргаликда вояга етдик. Битта лагандан луқма еб, туғишган ака-сингилдан ҳам яқин эдик. Шу боис сенга беҳад боғланиб қолганимнинг ажабланарли жойи йўқ. Шу пайтгача бирон марта ҳам бир-биримиздан ажралмадик. Ниҳоят сени ёлғиз қолдириб, жўнаб кетиш фурсати ҳам етиб келди, ҳатто қайтиб келаманми-йўқми, билмайман. Шундан кейин ҳам юрагим қон бўлмасинми? Сени ёлғиз қолдириб кетиш менга осонми? Эсингдами, бир шеърда нима дейилгани:

Ой қумушранг зиёсин сочар,  
Дов-дарахтлар сояси мискин.  
Жоним, бизлар айро тушсак гар,  
Йилдай узун туюлгай ҳар кун.

— Одамнинг тақдири ўз қўлида эмас. Эҳтимол мана шунинг учун ҳам жуда-жуда билишни хоҳлардимки, Нур, сен ҳам мени севасанми-йўқми, жуда-жуда билишни хоҳлар эдим? — деди Самсу қизнинг қўлини ўз қўлига қўйиб.



Бу изҳори дилни эшитган Нурбаянинг нафаси ичига тушиб кетди, бошини солинтирди ва кўнглидагини очиқ айтишга ийманаётгандай Самсунинг саволига жавобан лом-мим дея олмади. Самсу яқинроқ сурилди-да, лабларини қулоғига теккудек яқин келтириб, шивирлади:

— Шифокор бўлганимда менга турмушга чиқасанми?

— Ҳа, — Нурбая ҳам оҳиста, деярли шивирлаб жавоб бераркан, икроридан ўзи ҳам кўрқиб кетди.

Самсу кутилмаганда қизнинг қўлларига олов лабларини босди.

Нурбая унга монелик кўрсатмасди.

— Сен ҳам мени яхши кўришингга, ниҳоят ишондим, — деди Самсу. — Эшитгин-а, сенга яна битта шеър айтиб бераман:

Юрак ишқсиз этилмас инъом,  
Сўзана ҳам ипдан тўқилур.  
Бешикданоқ мен сенга ғулом,  
Битта юлдуз сочар бизга нур.

— Ҳақиқатдан ҳам шундай, — яйраб деди Нурбая ва ўз навбатида қуйидаги тўртликни ўқиди:

Медандан йўл олгайдир кема,  
Бинтуханга — жанубга томон.  
Яралганмиз, ортиқ сўз дема,  
Бир-биримиз учун бегумон.

Самсу унга жавобан деди:

Чинлик борки, то абад дастхат,  
Тоғу тошда қолдиргай ҳамон.  
Бир жуфтмиз-у ягона қисмат,  
Гўё бизлар бир тану бир жон.

— Сендан айрила туриб изтиробга тушмаслигимнинг ҳеч қандай имкони йўқ эканини энди тушунгандирсан, Нур? Мабодо ростдан ҳам бошингга кулфат тушса, қандай чидай оламан? Унда ҳолим не кечишини айтишим қийин. Сен билан ёнма-ён яқингинангда бўлганимда-ку ўйланиб ҳам ўтирмасдим. Бир бошга бир ўлим, бироқ фақат сен билан биргаликда, гўё шеърда айтилганидек:

Бир омборда гурунч сақланар,  
Норжил бўлгай бошқа қай бирда.  
Гўримизга фишлар қаланар,  
Бизлар ҳалок бўлгаймиз бирга.

— Ҳа, фақат биргаликда, — такрорлади Нурбая. — Энди эса менга қулоқ тут:

Тузоқдайин қумлоқ бағрида —  
Икки қушча — қисмати аён.  
Севгилари оташин жуда,  
Писанд эмас ўлим ҳеч қачон.

Даштда чашма тополсанг агар,  
Ташналигу иссиқдан не ғам.  
Токи ҳаёт бўлсак муқаррар,  
Топишгаймиз сен ила, эркам.

Бошламагил дала, ўрмонга,  
Зангоргуллар — пойимизда — боқ.  
Ўрин йўқ ҳеч, жоним гумонга,  
Сеникиман, сеники ҳар чоқ.

Кинанти<sup>1</sup>нинг аҳли ўт ёқар,  
Чангалзордан ўрлар аланга.  
Ишқинг қуши гар қанот қоқар,  
Парвоз этгай баланд, баландга.

— Сингилжоним, Нурбая, ўқиганларинг ниҳоятда тўғри! Мен сени қайта-қайта, ниҳоясиз равишда эшитгим келаверади. Бу тунни то тонггача биргаликда ўтказишимиз мумкин. Ахир эртага мен бу ерда бўлмайман, — Самсу севгилсининг майин қўлчасини қайта-қайта ўпди.

Яшнар эди анбаҳ навниҳол,  
Болта тушди бағрига такрор.  
Кошки бу тун топмаса завол,  
Кошки ёлғиз қолмасам зинҳор.

Нурбая шу заҳотиёқ жавоб қайтарди:

Оғир бўлсин, бўлса-да олис,  
Ҳар йўлнинг-да ниҳояси бор.  
Севгимизга ой гувоҳ холис.  
Йўқ, йўқ ҳижрон мангу эмас, ёр.

Ким жасур ҳам мард экан, билинг,  
Бой оролдан қайтмагай қуруқ.  
Таъзим айлар сенга жон синглинг,  
Қайта қолгил, кутарман, интиқ.

Севишганлар бир оз сукут сақладилар, сўнг Самсу тилга кирди:

Ява ёқдан кемалар қайтар,  
Индерагир узра бесанок.  
Гарчи эрта тил видо айтар,  
Дилим бунда қолгайдир бироқ.

Нурбая унга жавобан деди:

Дўмбиралар янграр, тут қулоқ,  
Рақслар ҳам қўшиқ жаранги.  
Сен қанчалар кетсанг-да, йироқ,  
Ёдинг дилда сақларман мангу.

Чўнг зарбадан титради Бантан,  
Чўкиб кетди бутун бир орол.  
Енголмагай ишқимиз вулқон,  
Топмагай у ҳеч қачон завол.

<sup>1</sup> Кинанти — қабиланинг номи.

Ва яна Самсу жавоб қайтарди:

Оқаргайдир жума тонгги ҳам,  
Ва эгнига эҳром боғлагай.  
Бор бу олам топса-да барҳам,  
Юрагимга титроқ солмагай.

Майли, қарга оқарсин оппоқ,  
Фил суяги кетгай қорайиб.  
Ишқ оташи сўнмагай мутлоқ,  
Қолсам-да гар дарддан мункайиб.

Тун сукунати ичра қоровулхонада қўнғироқ янграб, тунги бир бўлганидан огоҳ этди. Йигит билан қиз сархушлиқдан ўзларига келгандай бўлдилар.

— Сам, — деди Нурбая, — жуда кеч бўлиб қолди, уйимдагилар хавотир олмасалар эди. Уй-уйимизга қайта қолайлик, эртага яна бир марта учрашамиз. Қолаверса йўлга керакли нарсаларни яна бир кўздан кечиришинг, ҳеч нарсани унутмаслигинг керак. Энди бориб ётақол, бўлмаса толиқиб қоласан-да, саҳар тура олмайсан.

— Нималар деяпсан, Нур? То сен билан бирга эканман, чарчамайман ҳам, уйқум ҳам келмайди. Тонгга қадар шундай ўтиришга тайёрман, бўлак ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ. Қўнғимдан кечаётганларни таърифлашга ожизман, қанчалар бахтиёр ва масрурлигим бир худога аён. Сен билан мана шундай учрашишни кўздан орзу қилардим, мана, ниҳоят, амалга ошди ҳам. Худди ҳазилнамо шеърда айтилганидек:

Кун ҳам чиқди ва бўлди туш ҳам,  
Очдан улар қантарилган мол.  
Узоқ сени ахтардим, эркам,  
Бироқ энди ёр бўлди иқбол.

— Тўғри, бу бахтли онларимнинг умри қисқалигини биламан. Бироқ бунинг қўрқадиган жойи йўқ, чунки жуда-жуда бахтлиман, биламанки, сен ҳам мени севасан. Энди бегона ўлкаларга бамайлихотир жўнайвераман! — хитоб қилди Самсу қизни бағрига босиб. — Бу оқшом бир умр ёдимдан чиқмайди, бутун ҳаётимнинг энг масрур кечаси! Ахир мен ўнгимда ҳам, тушимда ҳам ўйлаган севгимни, қайлигимни топиб олдим. То тирик эканман, бу оқшом ёдимдан чиқмагай, бу оқшом қанчалар эзгу-умидлар бахш этганини билсанг эди! Ана менинг гувоҳларим, Нур, — давом этди у ой ва олис юлдузларга ишора қиларкан, — улар ҳам эшитиб қўйсинлар, сендан бўлак ҳеч кимни ҳеч қачон, ҳеч қачон севмайман. Фақат сен бир умрли ягона умрдошим бўласан. Сен менинг эзгу умидимсан, сен қалбимга қуёвонч ва хотиржамлик бахш этдинг. — У шуларни айтар экан, Нурбайдан қайноқ бўса олди.

— Мен ҳам, Сам, мен ҳам сенга ваъда бераман, — жавоб берди қиз, — Яратганинг ўзи гувоҳ бўлақолсин. Сендан ўзга биронта ҳам эркакни севганим бўлсин. Умримнинг охиригача ёлғиз ўзинг турмуш ўртоғим бўлиб қоласан.

— Энди борақол, — деди Самсу, — бўлмаса сиримизни одамлар билиб қоладилар.

У ўрнидан туриб, Нурбаянинг қўлидан тутди-да, эшигининг олдигача кузатиб қўйди. Улар шу ернинг ўзида энг яқин одамлар сингари хайрлашдилар, Нурбая ичкарига кириб кетди, Самсу уйи томон йўл олди.

\* \* \*

Паданг шахридан жануброқда бандаргоҳ бўлиб, маҳаллий аҳоли унга Телукбаюр<sup>1</sup> деб ном берган. Бу бандаргоҳни нафақат мамлакатда, балки бошқа ўлкаларда ҳам яхши билишади; бандаргоҳ Ява оролидан Ҳиндистон ва Саудия Арабистони орқали Европа мамлакатлари томон ўтувчи денгиз йўлида жойлашгани учун Европага қатнаётган барча йирик кемалар аввал шу бандаргоҳга кириб ўтади; қолаверса, кемаларга Ўмбилиндан келтирилувчи кўмирни яна ҳам кўпроқ ғамлаб олиш мумкин. Боз устига бу жой табиий қулайлиги билан бандаргоҳ учун ниҳоятда мос. Фарбдан шарққа узанган кўрфаз қўққисдан шимолга кескин бурилиб кетади ва гўё кўрфазни денгиз томондан узайиб кетган бурун билан тўсиб туради, унинг ортида эса яна қумлоқ орол ҳам бўй кўрсатиб турарди. Шу боис бандаргоҳ Фарбдан шамол эсганида қутуриб кетадиган денгиз тўлқинларидан жуда яхши муҳофазаланган. Кўрфаз осойишта бўлгани учун бу ерда лангар ташлайдиган кемаларга ҳеч нарса хавф солмайди. Ниҳоят, кўрфаз уччала — шимол, шарқ, жануб томондан ҳам тоғлар қуршовида бўлгани учун қирғоқлар жуда тик эди. Шу боис кўрфаз жуда теран бўлиб, ҳатто ўта йирик кемалар ҳам бандаргоҳларга жипс кела оларди.

Шимолий ва ғарбий қирғоқларда бандаргоҳлар ортида омборлар бир-бирига уланиб кетган. Уларнинг ёнгинасида бандаргоҳни Паданг билан туташтирувчи темир йўл станцияси жойлашган, мана шу ернинг ўзида кенг шоҳқўча ҳам бошланади. Станциядан унча олис бўлмаган жойдаги баландликда кўмир омбори жойлашган; омбордан денгиз томон осма кўприк тортилган. Ёнилғи талаб кемалар бевосита осма кўприк тагида лангар ташлайдилар ва кўмир тўғридан-тўғри кемаларнинг юкхоналарига бориб тушаверади. Буларнинг ҳаммаси Телукбаюр бандаргоҳига одамларнинг меҳрини яна ҳам оширарди.

Самсу мактабдош дўстлари учун берган хайрлашув зиёфатидан кейинги кун бир неча кемалар Телукбаюрдан жўнаб кетиш учун тайёрлана бошлади. Уларнинг айримлари жанубга, бошқа бирлари шимолга, яна бошқалари эса Бомбей, Калькутта ва Миср орқали Европага йўл олишни мўлжалларди. Хитой ва Япония кемалари Пинанг ороли ва Сингапур орқали ўз юртларига йўл олишлари керак, улар билан ёнма-ён эса инглиз ва олмонларнинг кемалари жой олган, уларни мачталарида ҳилпираётган байроқларига қараб осонгина фарқлаш мумкин. Бу жойдаги кемалардан биттаси Жакартага жўнайди, унинг йўловчилари орасидан дўстлари Бахтиар ва Арифин билан Самсу ҳам жой олади.

Бу кеманинг лангари кундуз соат ўн иккидаёқ кўтарилган, ҳозир эса ўн бўлиб қолганди, анчайин серқатнов, атрофида шовқин-сурон ҳукм суради. Айни замонда юк туширилар ва ортилар, яна кўмир ҳам ғамланар, ўнлаб одамлар эса соҳилда ниманидир унутиб қолдиргандай осма кўприкдан у ёқдан бу ёққа бетўхтов елиб-югурардилар.

Денгизчиларнинг ҳар бири ўз юмуши билан банд, боцманлар эса кўрсатмалар беришаркан, бесаранжом типирчилашарди. Кема саҳнидаги йўловчилар қулайроқ жой қидириб, юклари билан бамайлихотир жойлашишар, биринчи ва иккинчи тоифа жойларда кетаётганлар эса салондаги столлар атрофида хотиржам суҳбатлашар ёки борт олдида туриб олиб, жўнаб кетиш арафасидаги югур-югурни кузатишарди. Хилма-хил ширинликлар ва мева-чеваларни қўлларидан кўтариб олганча савдо қилаётганларнинг баланд овозлари эшитиларди. Шу кемада жўнаб кетаётганлар ёки яқинлари ва танишларини кузатаётган маҳаллий кишилар ҳамда ажнабийлар соҳилда тўлиб кетганди.

Омборхона девори ёнида қандайдир кампир, чамаси, олис сафарга отланган ўғлига сўнгги насихат ўғитларини уқтирарди. Йирик харсангга чўққайиб олган, қария эса қайсидир бегона ўлкаларга толе ахтариб кетаётган таниши билан

<sup>1</sup> Телук (индонезча) — кўрфаз; баюр — кўрфаз соҳилларида ўсувчи дарахт, уларнинг узунлиги 30 м. гача етади, уй-жой қуриш ва кема ясашда ишлатилади.

гурунглашарди. Бу ерда бекорчихўжалар ҳам истаганча топиларди: улар гумаш-таларига мабодо сайру саёҳат қилиб келмоқчи эмасмисан, дея ҳазил-хузул қилишарди.

Соҳилда тало-тўп аҳоли орасида қадрдонимиз Самсулбаҳри кўзга чалинмасди. У аллақачондан буён кузатишга чиққан ота-онаси, қариндошлари ва дўстлари билан иккинчи тоифа каютасида ўлтирарди.

— Ҳеч нарсани унутмадингми, Сам, — сўради Сутан Маҳмуд.

— Йўқ, ота.

— Юкларингнинг ҳаммаси шу ердами?

— Ҳаммаси.

— Пуллар-чи? Уларни жомадонга жойладингми?

— Йўқ, пуллар ҳамёнимда.

— Ёдингда тут, Сам, бегона жойларга йўл олаяпсан, — деди онаси Ситти Марьям. — Қадамингни билиб бос: “Сувнинг саёзини кўзла, гапнинг озини сўзла” деган мақол эсингдан чиқмасин. У ёқдаги расм-русумларни бизларнинг одатларимиз билан солиштириб ўтирмагин. Ёши улуғларни хурматлаб, айтганларидан чиқма, бизлардан олисда ёлғиз яшашингни ҳам эсдан чиқарма. Мабодо бирон қор-қол рўй бергудай бўлса, дарҳол отангга мактуб йўлла! — Ва у чаккаларидан юмалаётган кўз ёшларини арта бошлади.

— Яхши ўқигин, — қўшимча қилди отаси, — вақтингни бўлмағур нарсаларга кетказмасдан, ҳамма ишни ўз вақтида қил. Ёмонларга ёндошма, ҳар ойда юборадиган пулларимни эҳтиётлаб сарфла.

Нурбая ўриндиққа суянганча Самсунинг ёнида турарди. Гарчи суҳбатда қатнашмаётган бўлса-да, бутун фикри-зикри билан севгани ила бир тану бир жон бўлиб кетган, ундан нигоҳини узмасди. Айни шу лаҳзаларда қиз айрилиқни айниқса теран ҳис этаётганди. Иккаласини бир-бирдан жудо қилувчи денгиз соҳилига қадам қўйганга қадар Нурбая айрилиққа осонгина бардош бераман, деб ўйлаганди. Бироқ севган йигитини олис-олисларга олиб кетишга ҳозир у нозир кемага кўзи тушди-ю, юраги орзиқиб кетди. Ҳеч қанча вақт ўтмасидан Самсунинг чеҳрасига термилиб, кўзларининг ёлқинидан завқлана олмайди. Афсуски, бу нафақат бир неча кун ёки бир неча ҳафта, балки ойлаб, йиллаб давом этадиган жудолик бўлади. Шуларни ўйларкан, қизнинг юраги увишиб, тўхтаб қолаёзди. Улар яна неча йиллардан кейин учрашагини ҳеч ким билмайди ҳам, айтиб ҳам беролмайди. Самсунинг ёмон туши ҳақидаги ҳикоясини эслаб, Нурбая баттар хавотирга тушиб, дили бир тутам бўлди. Айни шу боис Нурбая мактабдош дўстига, чинакамига севиб қолган қадрдонига тикилиб тўймасди.

Қариндош-уруғлари Самсуга денгизда кўнгли беҳузур бўлганида асқотади, деган ният билан бир сават мева — анбаҳ, лимон, ананас беришди ва ой бориб, омон қайтгин, деб тилак билдиришди.

— Ҳаммаларингизга каттадан-катта раҳмат, — миннатдорчилик билдирди Самсу ҳадяни оларкан. — Ҳаммаларингизни худо ўз паноҳида асрасин.

У отаси, онаси ва бошқалар билан бир-бир хайрлашди; ниҳоят каютада Нурбая билан ёлғиз қолдилар. Самсу қизнинг иккала кўлидан тутди ва уларга ғамгин нигоҳини қадади. Кўз ёшлари юмалади, бироқ уларни пайқамасди. Бирон оғиз сўз айтишга қурби келмай, шу алфозда узоқ туриб қолди, — юрагини нимадир сиқувга олар, аксига, қотиб қолгандай, тили ҳам калимага келмасди. Ниҳоят, дудуқланиб, ҳаяжондан титроқ овозда деди:

— Нурбая! Ўзингни авайла!.. Бирон нарса рўй берса, менга ёзиб юбор. Пул билан ёрдам бера олмаганимда ҳам маслаҳатларим кунингга яраб қолар. Баъзан маслаҳат ҳам наф келтиради. Ота-онамни ўз ота-онангдай кўриб, тез-тез хабар олиб тур. Бирон қийинчилик туғилса, тортинмай ёрдам сўрайвер, ахир улар сени мендан кам кўришмайди. Мабодо бизнинг уйимизда бирон-бир кўнгилисизлик рўй берса, дарҳол менга хабар қил. Айниқса, онамдан хавотирланаяпман, жўнаб кетаётганимдан астойдил изтиробга тушаяпти. Сендан ўтиниб сўрайман, Нур, кеча оқшом бир-биримизга берган ваъдамизни унутма. Руҳан,

қалбан бир-биримиз билан аллақачон пайваста бўлиб кетганмиз, сен менга хотин бўлишни, мен эса сенга эр бўлишни ваъда қилдим, фақат бунга расмий тус бериш қолди, холос. Тез-тез хат ёзиб тур, мактубларингни бу ердан борадиган ҳар бир кемадан орзиқиб кутаман. Кўнглим хотиржам бўлиши учун ҳамма-ҳаммаси ҳақида батафсил ёзгин. Жакартага етиб борганимдан кейин бирон-бир совға харид қиламан-да, сенга юбораман. Ҳозир эса мана бу тақинчоқни олиб қўй, бошқа нима ҳам ҳадя қила олардим. Тақинчоққа жажжигина суратим жойланганини кўраяпсанми? Мени севсанг, суратимга қараб, мени эслаб тургин.

Нурбая Самсунинг кўлидан тақинчоқни олди-да, лабларига босаркан, кўзларидан ёш қуйилди.

— Қандай миннатдорчилик билдиришга ҳам ҳайронман, Сам, — деди Нурбая. — Бу тақинчоқни ўла-ўлгунимча сақлайман. Сенга ҳадя қиладиган бирон-бир нарсам йўқ. Ҳа, дарвоқе, мана бу узугимни олақол, ҳамиша сен билан бирга бўлсин! — Нурбая бриллиант узугини узатаркан, деди: — Мени эсланингда узукка қарагин-да, уни вужудимнинг бир бўлаги деб тасаввур эт. Совгамни кўз қорачиғидай асра, чунки у мен учун иккимизни умрбод боғловчи ягона ришта. Жўнаб кетишинг билан суратга тушаман-да, сенга юбораман. Чин юракдан оқ йўл тилайман! Ҳамма жойда ва ҳар доим Худо паноҳида асрасин, нимаики ниятинг бўлса, ҳаммасига эришиб, уйингга эсон-омон қайтиш насиб этсин. Сени шунчаки Самсу деб эмас, доктор Самсу деб қақирадиган кунлар тезроқ келишини худодан илтижо қилиб сўрайман. Жуда эҳтиёт бўл, ота-онанг, дўстларингдан йироқда яшаб, ҳаммасини ўзинг ҳал қилишингга тўғри келади. Хушёр бўл, яна қандайдир бемаъни ишларга берилиб кетма, ахир Жакарта катта шаҳар, катта шаҳарларда эса бунақа ишлар кўп бўлади.

Кема хизматчилари ва йўловчиларга жўнаб кетиш учун ҳаммаси тайёр бўлиши даркорлигини эслатиб, дастлабки гудок янгради. Самсу билан Нурбая каютадан чиқиб, осма кўприқдан соҳилга тушишди. Самсу соҳилда кузатувчилар билан яна бир марта хайрлашди.

Ҳамманинг кўзида ёш гилтиларди, — Самсуни бамаънилиги ва бағри кенглиги, оқкўнги ва ҳақгўйлиги учун деярли барча бирдек ёқтирарди. Унинг ўзи ҳам ҳар қанча уринмасин, кўз ёшларини тия олмасди. Самсу отасининг кўлини ўпди, онасини қаттиқ бағрига босиб, юзларидан ўпди.

Кейин эса Нурбаянинг қошига келди ва кўлларидан тутаркан, ҳеч қўйиб юборгиси келмасди. Қалби ҳаяжондан тугёнга келди, шунинг учун тили аранг айланди:

— Хайр, Нур!.. Худо бизга тез орада қайта кўришишни насиб этсин! — сўнг кескин бурилди-да, палуба томон югурди.

Нурбая унинг ортидан қичқирди:

— Оқ йўл!.. Жакартага яхши етиб ол!

Самсу палубада борт тўсиғига суянганича иягига кўлларини тираб хаёлга чўмди. Иккинчи гудок янграб улгурмасдан учинчиси ҳам чалинди. Соҳилга боғланган арқонлар олинди, лангар кўтарилди.

Қудратли муҳаррик ҳаракатга келиб, кема кўзгалди; аввалига секин-аста, кейин эса тобора соҳилдан йироқлашиб, тезроқ суза кетди. Кема борти олдида тўдалашиб олган йўловчилар соҳилда қолаётганлар билан хайрлашиб, дастрў-молчаларини силкидилар. Кузатувчилар тўдаси узра ҳам кўпдан-кўп рўмолчалар силкинди. Улар жўнаб кетаётганларга оқ йўл тилагандай, шамолда майин ҳилпирарди. Кимнингдир “Унутма!” — деган хитоби янграркан, кетидан “Тезроқ қайтгин!” деган илтижоси эшитилди. Кема палубасидан эса “Албатта!” деган жавоб янгради.

Самсу мовий шойи дастрўмолчасинн силкир экан, Нурбайдан нигоҳини узмас, у ҳам шундай жавоб қайтарарди: қизнинг боши узра ҳилпирётган қизил рўполчани Самсу яққол кўриб турарди.

Кема соҳилдан йироқлашган сайин унинг тезлиги ортиб борарди. Ниҳоят, соҳилдагилар кўздан йўқолди. Самсу каютасига кириб, тўшакка чўзилди, устига кўрпани тортиб, ухлашга уринди. Палубада қиладиган иш қолмаган, кадр-

дон соҳил йироқларда қолиб кетганди. У бағрини эзаётган изтиробни камайитириш учун кўксини болишга босди: боши айланар; мастона кўзи олдида ҳамма нарса чир айланарди.

Нурбая яхши кўрган йигитининг чеҳрасини кўздан йўқотганидан кейин, йироқлашиб бораётган кемадан нигоҳини узмай, причаллар бўйлаб оҳиста одимлай бошлади. У юргани сайин ён-атрофи сукунатга чўмиб борарди. Бандаргоҳда ишлаётганларнинг бақир-чақирлари, юкларни кўтариб тушираётган чиғирларнинг гичирлаб чийиллаши, шовқин-суронлар — биронтаси ортиқ қулоғига кирмасди. Кузатувчилар тарқала бошлашди. Улар бандаргоҳдан чиқиш дарвозаси томон йўл олар эканлар, вужудлари Нурбаяга жуда ҳам митти бўлиб кўринди. Қиз сўнгги причалга етиб боргач, катта харсангга чўқди-да, бошини қўлларига суяган кўйи севган йигитини олиб кетаётган кемага тикилиб қолди.

Бу палла кема кўрфаздан чиқиш жойига етиб олганди, шу боис, ортда қолаётган Телукбаюр бандаргоҳи шарафига кемада замбаракдан ўқ узилди. Ғарбга йўл олган кема очик денгизга чиққанини ва бундан буён Самсуни кўра олмаслигини фақат шундан кейингина англаб етди. Энди усиз қандай яшайди? Дўстлар даврасида ва сайру саёҳатларда ким ёнида бўлади? Мактабда Самсунинг ўрнини ким боса олади, бундан буён мактабдан уйига ким билан қайтиб келади? Бирон маслаҳат ёки ёрдам зарур бўлганида кимга мурожаат қилади? Ҳар қандай сир-асрорни айтиш, исталган мушкул ишда ёрдам беражанини билган ҳолда ҳамма нарсани тортинмай илтимос қилиш мумкин бўлган мана шундай қадрдон яна топилармикан?

Мана шундай ғамгин мулоҳазалар ёлғиз қолган Нурбаянинг бағрини ўртар, нигоҳи эса ҳамон йироқларда элас-элас кўзга чалинаётган кемага қадалганди.

Яна ҳеч қанча фурсат ўтмасдан кема Сикабау тоғи ортида кўздан йўқолди. Фақат унинг мўриларида чиққан тутунгина денгиз сатҳи узра ҳамон ястаниб ётарди. Айни шу лаҳзаларда Нурбаянинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, қулоқлари эса ҳеч нарсани эшитмас, ҳавода муаллақ туриб қолгандай эди. У эҳсушини бутунлай йўқотиб қўйди, мабодо ёнида отаси пайдо бўлиб қолмаганида ҳушсиз юзтубан йиқилган бўларди. Бахтига, отаси вақтида ёрдамга келиб, қизини оёққа турғазди. Нурбая отасининг қўлларига суянган кўйи аста-секин уйлари томон йўл олишди.

*Давоми бор*



Адам МИЦКЕВИЧ

## Эрк ёғдуси

### ЁШЛИККА ҚАСИДА

**Р**уҳсиз ва юраксиз! Қоқсуяк тўда!  
О... ёшлик, қанот бер менга, учаман,  
Жонли хаёл тушларим омон,  
Ҳайрат мўъжизалар кашф этган замон  
Нурлар қароргоҳи томон учаман,  
Жаннатларни бориб қучаман.  
Ҳаётбахш бир зиё таратиб,  
Гуллаш ва гуркирашлар илмин яратиб,  
Гуруҳлардан ясайман гулшан.

Кексаликнинг аҳволи маълум,  
Оғирлашиб йиллар юкидан, майли,  
Қадди-бастин кўтарар зўрға,  
Нурдан кўра, яқинроқ гўрға.

Шукур  
ҚУРБОН  
таржималари

Адам Мицкевич (1799-1855) пешонасига ватанпарвар шоир сифатида мамлақати ҳамда мангулик тарихидан муносиб ўрин олиш битилган экан. Унинг юксак ижоди ҳамда ҳаётини адабиётшунос олимлар жаҳон шеъриятининг ёрқин юлдузлари бўлмиш — А.С.Пушкин ҳамда Т.Г.Шевченколарга қиёслайдилар. Демак, славян адабиёти дунёси шон-шуҳратининг учдан бир қисми шу кишига тегишли. Шоирнинг ҳис-туйғусига жуда бой сонетлари, халқ афсона ва ривоятларига асосланган, жонли ва қизгин балладалари, гоҳ сокин, гоҳ жўшқин, шу билан бирга, ўқувчини мушоҳадага чорлайдиган шеър ва достонлари, “Пан Тадеуш”дай улкан эпопеяси ўзининг ҳаётийлиги ва самимийлиги, ғайбнинг муҳридан баҳрамандлиги билан ўқувчини ўзига жалб этади.

Халқимиз бу шоир ижодини, жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари қаторида, рус тили орқали Пушкин, Лермонтов, Бальмонт, Фет ва бошқаларнинг таржимасида ўқиган. Рус ва поляк тиллари бир оиллага мансуб бўлгани учун, асл нусхадан улар деярли узоқлашилмаган. Умуман, Мицкевичнинг рус шоирлари билан ижодий алоқаси тўғрисида жуда кўп ёзилган. Ҳатто сал бўлмаса, унинг шоир сифатида камол топишига рус адабиётининг вакиллари сабабчидай кўрсатилади. Аслида эса,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Байтулаҳзан чангларин қоқиб,  
 Сен-чи, ёшлик, учасан шоён!  
 Бор дунёни қамрар нигоҳинг,  
 Кўринади кафтдек тўрт томон.  
 Боқ тубанга. Бир тун юксалган — соқов,  
 Кўмиб бадбўй оқими  
 Бутун борлиқни...  
 Боқ тубанга, жирканч, хув, қўлтиқ узра  
 Аллақандай ваҳший мавжудот сузар.  
 Бирон-бир шериги, дўсти йўқ унинг.  
 Кема, рул, ҳайдовчи — барчаси ўзи.  
 Қилар майда жониворлар зотини у ов.  
 Ана, сузар сув юзида, ана! Шўнғир бот,  
 На тўлқинга ем бўлар у, на топар мамот.  
 Ана! Тегиб бир қояга бўлди чилпарчин,  
 Бир қавм — худбин.  
 Қандай келди, қандай кетди — билмади очун!..

О, ёшлик! Бу оби ҳаёт — лаззатли —  
 Барҳам кўрилса гар бошқалар ила,  
 Куйил, сархушлигинг тутсин ҳаётни,  
 Сепил қалбга — эриган тилла!

Ёш дўстларим, оёққа қалқинг!  
 Мақсадимиз — бахти умумнинг.  
 Бирлашсак — кучлимиз, жўшқин ва оқил,  
 Ёш дўстларим, қалқинг оёққа!

Ким ёш чоғи улуг жангларда  
 Ҳалок бўлар ўша — бахтиёр!  
 Йўл очар у бошқа жонларга,  
 Мангуликда унинг ҳаққи бор!

воқеа бутунлай бошқача бўлган. Шоир, нафақат ўз ватанида, балки кўшни мамлакатларда ҳам шуҳрат қозониб улгурган бир пайтда, у яширин ёшлар ташкилотидида қатнашганлиги учун чоризм пешволари томонидан Россиянинг губернияларидан бирига сургун қилинган ва рус шоирлари ва декабристлари билан дўстлашган. Бунгача эса, Россия ва Пруссия қўшинлари Польшани босиб олганди. Бу ҳол, албатта, ватанпарвар Мицкевични бефарқ қолдирмади. У ўз асарларида ватан мустақиллиги гоёсини тараннум этишдан ташқари, ана шу муқаддас жангларда иштирок ҳам этди. Бу гап-сўзлар кейинчалик Пушкиннинг “Россияга тўхмат қилувчиларга” деб номланган шеърида ўз аксини топди.

Шоир ижодининг яна бир қимматли томони шундаки, у ўз асарларида бизнинг халқимизга хос ибод, ҳаё, одамгарчилик, меҳроқибат ва муҳаббат туйғуларини тараннум этади. Улардан шарқона руҳ уфуриб туради.

Мицкевич асарлари ўзбек тилида жуда кам кўринган. Марҳум Шуҳрат домла бир туркум шеърларини “Шарқ юлдузи” журналининг 1973 йилнинг декабр сонидида эълон қилдирган, шоир Муҳаммад Али ватанпарварлик мавзусида ёзилган “Свитезь” номли балладасини ўзбекчалаштириб, ўз тўпламларидан бирида нашр қилдирган.

Таржимон

Ёш дўстларим, қалқингиз илдам!  
 Оғир йўллар кутмоқда бизни.  
 Жавоб қилинг! Кучга куч билан  
 Ожизликни ёшлик энгади ўзи!

Ёшлигида аждар ўлдирган,  
 Кентаврни жиловлар, ўсиб,  
 Жаҳаннамдан учиб ўтар шан,  
 Беҳишт аро кўради ўзин.

Қўл етмаган жойларга интил,  
 Ақл етмас ишларга қўл ур.  
 Бургутларнинг юмушини қил,  
 Чақмоқларни қанотинг-ла ўр.  
 Кир курашга! Бутун дунёни  
 Кучоқлайлик, бериб қўлга-қўл,  
 Жипсликни ўтида ёниб,  
 Яркирасин юрак ва ақл!

Эй, Ер! Силжи таянч нуқтангдан,  
 Янги йўлга соламиз сени.  
 Қутқарамиз кўҳна чанг-чунгдан,  
 Қайтарамиз кўм-кўк фаслингни.

Эсла, ибтидодан олдин бўшлиқлар аро  
 Кечган эди асов-ғалаён танҳо,  
 “Бир бўл, амри етишган ҳеч бир нарсага,  
 Ҳеч бир нарса бир онда бўлган ҳар нарса”,  
 Яратилган қонунлари табиатнинг ҳам.  
 Куюнлар қуйлаган, юрган сувлар,  
 Тўлдирган осмонни рангин ёғдулар.

Шундай! Ҳозирда ҳам, чор атрофда тун,  
 Инсоният турфа савдолар-ла банд.  
 Муҳаббат қайтадан тирилсин учун  
 Кўтармоқ шарт руҳни тупроқдан баланд,  
 Қовуштирмоқ лозим уни сўнгра ёшликка!  
 Дўстлик эса, ўсар чирмашиб  
 Бирдамликка ва яхшиликка!

Синдирмоқда музларни баҳор сувлари,  
 Тунги ёғду курашар зулматлар ила.  
 Салом, эркнинг эртанги ёлқин ва ёғдулари,  
 Ҳалоскорлик қуёши — изларингиздан келар.

## АСКАРБОШИ

Ярим тунда аскарбоши  
 Ҳовлисига кирар шошиб,  
 Ечинмай ҳам, мисли ўғри,  
 Хобхонага юрар тўғри.  
 Ва пардани суриб шартга,  
 Назар ташлар каравотга.  
 Каравот бўш, бўлар хомуш.  
 Ёш хотини қаерда, хўш?

Тундан қора чақнаб кўзи,  
 Буришади қарри юзи  
 Ва мошбиринч мўйлабини  
 Бурай бошлар. Ғазабини  
 Ичга юта олмас сира  
 Ва ногаҳон енг шимарар.  
 Чиқар ташга, учиб ўқдай.  
 “Қайдасанлар? — ҳайқирар, — Ҳай!

Сурбет қавм! Нега эшик  
 Ланг очилган? Кимнинг иши?!  
 Опчиқиб ит боғланмаган!  
 Сенларни мен!.. Юр мен билан!  
 Қоп ол, арқон... милтиқни ол!..  
 Бу хотинни мен... бўла қол!..

Мисли назоратчи қисм,  
 Юриб девор остидан жим,  
 Аскарбоши ва хизматкор  
 Киран боққа эҳтиёткор.  
 Ва дарахтлар орасидан  
 Хотинини кўради Пан.  
 Фавворанинг ёнидаги  
 Ўриндиқда, оқ кўйлаги —  
 Қордай ёниб у ўлтирар.  
 Қошида бир йигит турар.

Соч-ла тўсиб чарос кўзин,  
 Ёқаси-ла ёпиб кўксин,  
 Қўллари-ла аёл ғамгин  
 Итаради номаҳрамни.  
 Йигит эса, куйиб-пишар,  
 Қаршисида чўкка тушар:

“Тушунарли, демак, тамом  
 Муҳаббат ҳам, орзулар ҳам.  
 Демак, барча кучишларинг,  
 Қўл бериб, жим чўчишларинг  
 Аскарбоши сотиб олган,  
 Мен баридан қуруқ қолган!

Нега йиглаб, изладим мен.  
 Йўлларингда бўзладим мен,  
 Ўзни мендан олиб қочдинг,  
 Ёт кимсага қучоқ очдинг.  
 Ўз ёрингни ёт қилдингми?  
 Пул-бойликка сотилдингми?

Демакки, — Пан-бадқовоқ  
 Шундай майин сочларга, оҳ,  
 Теккизади муз қўлларин.  
 Шу, айт, инсофдан бўларми?  
 Менга рухсат этилмаган.  
 Лаззатни ҳам туярми Пан?

Зор бўлиб мен бир сўзингга,  
 Боқай дея шу кўзингга,  
 От чоптириб тун кўйнида,

Келдим-ку сенинг кўйингда.  
 Орзу билан хўшлашайин,  
 Қайғу билан хушлашайин.  
 Мен бахт тилаш учун сенга,  
 Келдим сўнгги бора бунга!..”

Жувон йиғлар ва урар оҳ,  
 Йигит, энди кўксида доғ,  
 Ёш-ла ювиб кўзларини  
 Шивирлар дил сўзларини —  
 Бир дуодай, йўқ, аврашдай,  
 Бир садодай, йўқ, сайрашдай.  
 Таъсир қилар жувонга бу,  
 Тинглаб ёрнинг оху зорин,  
 Уни забтга олар туйғу  
 Ва йигитнинг оғушига  
 Ўхшаб бир ўқ етар қушга,  
 Йиқилади ҳолсиз, ҳорғин.

Аскарбоши ва хизматкор  
 Бу орада эҳтиёткор  
 Унсизгина шайландилар,  
 Милтиққа ўқ жойладилар.

Ва хизматкор деди аста:  
 “Хўжайинжон, шу... бехосдан  
 Йиғлабманми... ёки... шамол...  
 Милтиқдори намланди сал.  
 Отолмайман... титрар қўлим,  
 Бузилиб ҳам кетди кўнглим...”

“Нима-нима?!.. Саннама, бас,  
 Йиғлаганмиш бу эси паст!  
 Сен жувонни ўлдир отиб!..  
 Мен... йигитни!.. Сен тур кутиб...”

Кутмоқ учун куч қолмади  
 Ва хизматкор кутолмади.  
 Амал қилмай у йўриққа,  
 Бўйсунмади бу буйруққа.  
 Ваҳм кўзгаб сўлу соғда  
 Ва янгради бир ўқ боғда.  
 Йигитгамас, жувонгамас, йўқ,  
 Текканди Пан миясига ўқ.

## ШУБҲА

Кўрмасам, кўз ёши қилмайман,  
 Ва озмайман, кўрсам, ақдан.  
 Недир кутиб, недир тилайман,  
 Узоқроқ вақт чиқмасанг йўлдан.  
 Сўроқларим жавобсиз, илло,  
 Дўстликми бу? Муҳаббатми ё?

Кўздан йитсанг, гўзал сиймонгни  
 Хаёлимда тиклашим қийин.  
 Лек туяман юрак ва онгнинг

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қатларида ўрнинг бор тайин.  
Сўроқларим жавобсиз, илло,  
Дўстликми бу? Муҳаббатми ё?

Қайғурдим мен, қаршингда бироқ  
Бўзламоқни истамам асло.  
Йўл юраман ўйламай мутлоқ,  
Остонанда бўламан пайдо,  
Сўраб қалбни айлайман адо,  
Дўстликми бу? Муҳаббатми ё?

Тинчингни деб кирардим жангга,  
Омонлигинг учун ўлардим,  
На қалб, на мен яраймиз бунга,  
Дейман ортиб кўнгилда дардим.  
Сўроқларим жавобсиз, илло,  
Дўстликми бу? Муҳаббатми ё?

Кўлларимга кўлинг теккан дам,  
Жон-жаҳоним босди ҳаяжон.  
Бу уйқудан уйғонмасдим ҳам  
Урмаганда юрак беомон.  
Қалб сўроғим жавобсиз, илло,  
Дўстликми бу? Муҳаббатми ё?

Тўқирканман бу кўшиқни, бас,  
Бир янгилик этмайман ваъда.  
Туйғуларим жўшди бир нафас,  
Хайрихоҳлар тўла дунёда.  
Жавоб топмас шоир ҳам, илло,  
Дўстликми бу? Муҳаббатми ё?

### ...ГА

Боқма илон назарли кўзларимга, кўрқ, ҳайиқ,  
Унда бегуноҳлигинг ажали ин қурмишдир.  
Ҳаётдан безмай, десанг, қоч ундан — яхши ишдир, —  
Заҳарли нафаси-ла, вақт бор, ёққанича йўқ.

Ёлғизлик, бу — мен учун шодлик экилган кўриқ.  
Болалиқдан ҳақиқат сўзи қалбимга эшир.  
Наҳот, қисмат — бахтингни қайғумга банд этишдир,  
Дўзахий азобларни айлашдир сенга тортиқ?!

Йўқ, алдам-қалдам билан топилган бойлик — ҳаром,  
Сен қизлик остонаси тубида кўкарган жон,  
Менинг ҳислар ўтидан ҳазон бўлганим қачон!

Мени қабр кутмоқда, сени-чи, гўзал айём...  
Шоҳлаган дарахтларни, сен — эй гул, чирма шоён,  
Қабр устунларини қучай мен — тиканак ҳам.

\* \* \*

Ёслайсанми, Лаура, ўша тотли йилларни,  
Турмуш ташвишларидан буткул йироқ-йироқда,  
Кунларни санамасдан яшар эдик у чоқда,  
Бахт ва озодлик буткул забт этганди дилларни.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Эслайсанми, хув, боғни, хув, қуббадор гулларни?  
Биллурий сув тинчлиги, дарё бўйи — қирғоқда  
Гулмоҳ босган ғор, тунги бир ажиб оромгоҳда  
Табиат шивирлари қучганди кўнгилларни.

Ой-чи? Оқ сийналарга сочарди ёлқинини,  
Ёритарди ва тилла сочларинг тўлқинини  
Ва сен илоҳийлик-ла жазб этардинг мафтункор.

Йўқ эди ҳайратларга шундай чоқлар ниҳоя,  
Лаблар учрашиб, қалблар завққа тўярди ғоят  
Ва эш эди нафасга — нафас, иқрорга — иқрор.

## ПОЛЯК ТУТҚУНИНИНГ ҚЎШИҒИ

Қай азобга этилмай маҳкум,  
Ҳатто Сибир қилсин, куламан.  
Бежизмас бу, садоқат-ла, жим,  
Подшоҳ учун хизмат қиламан.

Металл қуйиб, ишлатиб босқон,  
Қиш — совуқда, тунда — зулматда,  
Болға уриб, тинсиз қийнаб жон,  
Подшоҳ учун ясайман болта.

Татар қизин хотин қиламан,  
Дейман: “Балки келар шундай кун,  
Оҳ-зор каби пишиқ, тобланган  
Ўғлон туғар у подшоҳ учун”.

Мустамлака юртларга бориб,  
Сотиб олгум томорқа — мўъжаз,  
Унга зиғир сепаман ҳар йил,  
Ҳамда каноп сепаман бир оз.

Олинади канопдан иплар,  
Нур таратар у иплар ёниб.  
Омад келар балки, ким билар,  
Сийларман ҳам шарф-ла подшони.

## КЎНГЛИМ МЕНИНГ

Шоирона сўз айтиб, тикиб кўзга-кўз,  
Қаршингизда тош қотиб турганим чоқда,  
Кўнглим қон қақшар, буни билмайсиз, афсус,  
Узоқда у, эҳ, жуда-жуда узоқда.

Орзуим мамлакати бордир, у билан  
Кўнглим менинг боғланган абадул-абад.  
Бу ерлардан минг чандон гўзал, исталган  
Ва яқинроқ, қонимиз бир эрур, албат.

Кетаман мен бош олиб ўша ёқларга,  
Кечиб иш, ташвиш, қувонч — бари-баридан.  
Мириқаман ёнбошлаб кўк қиёқларга,  
Капалагу қуш қувиб яйрайман ҳар дам.

Ва кўраман кўнглимни — унда, ёз бўлиб,  
 Ўтар кўркин кўз-кўзлаб, у, бизнинг боғдан.  
 Ва буғдойзор мавжига ётар кўмилиб,  
 Ва тонги шафақ бўлиб, мўралар тоғдан.

\* \* \*

Онт ичаман, қулман-у қуллимдан мамнунман.  
 Барча ўйим сен ҳақда, ҳеч бири малол келмас,  
 Бор ҳисларим сен учун ва лекин қалб қийналмас,  
 Кўзларингга қарайман — нигоҳим ҳоли мунгдан.

Ки бахт изладим фоний ҳузурбахш қанча кундан,  
 Алдандим ўйинига хаёлларнинг басма-бас.  
 Чиройларга учдим хўп, аврашлар этди сармаст...  
 Лаънатладим қисматни, охир, айбдор деб бунда.

Ғайритабий ишқни бошдан кечирдим гўё,  
 Ёндим-куйдим, оҳ чекдим, кўз ёш тўқдим шашқатор.  
 Бугун эса барчаси ўтди, бамисли рўё.

Толе бўлиб куйчининг оламига кирдинг, ёр,  
 Бердинг менга шундай ишқни, ҳам сенга қодир Худо!  
 Ҳамда — менга яратганни танитган зотга тақрор!

## УЙҚУДАГИ ЗОТ

Бизни бир кун бир-бировдан, майли, қисмат  
 Айлар жудо... Ва лекин сен севсанг агар,  
 Видолашув олди менга айла шафқат,  
 Очма оғиз айролиқдан, бўл гунгу кар.

Мунглиғ куннинг сўнги дами эркалашу  
 Илтифотнинг эпкинлари ичра ўтсин...  
 Туяркансан айролиқнинг қадам товшин,  
 Менга сенинг шу қўлларинг заҳар тутсин...

Ва лабларим лабларингга босай, кўзга  
 Шундай қилсак кўринарми, ахир, ўлим.  
 Узун тунлар зулматида ухлаш мазза,  
 Қучиб сени, қароғингга термилиб жим.

Ўтар кунлар, йиллар — қоқиб қанотини,  
 Бўлмайди ҳеч тобутимни тарк этмасам...  
 Хотирлайсан уйқудаги азиз зотни;  
 Уйғотгали мени кўкдан тушасан ҳам.

## БОҒЧАСАРОЙ

Жоҳил Гарой яшаган маҳобатли уй бўм-бўш.  
 Тож-тахт шон-шуҳрати, ишқ гўшаси — ҳовлилар —  
 Қисматидан барчасин супурди кечмиш йиллар  
 Энди унда илону чигирткалар ин қурмиш.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

59

38

Ойнаванд равоқ-ла кўшк сари бостириб кириб,  
 Гумбазларга чирмашиб, чирмовуқлар эгаллар. —  
 Инсон қўли ижодин табиат ҳаққи билар.  
 Валтасар узугидан муҳрдай гўё: “Чири!”

Фақат тинмас фаввора, гўзал давр шоҳиди,  
 Ҳарамхона фаввораси — қайғули ва қаровсиз.  
 У жим ёш тўкиб йиғлар, ҳасратин йўқ худуди.

О! Шухрат! Ҳукмронлик! Ишқ! Салтанат — аёвсиз!  
 Сизга маҳкум асрлар, менга дамлар маъдуди,  
 Аммо умрим узаяр, сиз-чи, барбод ва беиз.

## БҶРОН

Елканлар титилган, бўрон гувлар, зулумот...  
 Мачталар “қарс-курс”и; рул синган, ногоҳ бўғиқ  
 Хириллар насослар; арқон, у ҳам қўлда йўқ,  
 Шафақ қонга ботган, ана! Қолмаган нажот.

Пўртана бонг чалар ғолиб! Ёмғир ва қайноқ —  
 Кўпириб гирдободлар аро шундоқ пайдар-пай,  
 Душманлар қалъаси сари юрган кўшиндай  
 Кемамизни ажал қувар, қаерда паноҳ?

Ўзни ҳар ён уриб, телба, беҳуш, беқарор  
 Видолашар дўстлар жимжит. Бир онаизор  
 Калима қайтарар, гўдагин қучиб, фақир.  
 Кемада бепарво биргина одам фақат.  
 Ўйлар у: кимгаки насиб этмиш ибодат,  
 Ҳиссизлик ё дўстни қучмоқ — ўша некбахтдир!



www.ziyouz.com

www.ziyouz.com



Андре БРИНК

## Шамолдаги лаҳза

Роман

...**А**дам қайсарлик қилаётган ҳўкизларни мўъжазгина молхонага ҳайдаб, тўқилган қайишлар билан уларни дарахтларга боғлади. Сўнг молхонага кирадиган йўлга шох-шаббалар ташлаб беркитди.

Ёмон томони, шерлар дарё тарафлардан ўлжа топа олмаганга ўхшаяпти. Саҳифалари очиб қўйилган кундалик ҳамон аёлнинг тиззасида эди.

— Нега сен бугун ҳўкизлар билан бу қадар ўраллашиб қолдинг, — деди аёл. Адам чўккалаб гулхан ёқишни бошлаганда.

— Шунчаки. — Адам аёлнинг ҳаяжондан ўзгариб кетган юзларига тикилди. — Сиз хавотир олманг.

— Нимадир содир бўлган, мен биламан. Нега мenden яширасан?

— Сиздан ҳеч нарсани яшираётганим йўқ.

Адам аёлнинг лаблари, юзлари, даҳанининг қимирлаб қўйишидан жуда саросимада эканлигини сизди. Ўзига тикилган кўзларида эса аввалги мағрурлик эмас, қандайдир илтижо ва изтироб зуҳур этиб тургандай. Бутун сафар давомида бирор марта қўрқанини, гумонсираганини кўрмаган эди. Бунга жуда катта жасорат керак. Аёлнинг елкасига қўл қўйиб: “Қўрқманг, ҳаммаси жойида бўлади. Мен сиздан нафратланганим учун эмас, асло, сизни аяганим, ортиқча ҳаяжонга берилишингизни истамаганим учун ҳақиқатни яшириб турибман. Тинчгина ором олинг, мен тун бўйи сизни кўриқлаб чиқаман. Эртага яна йўлга тушамиз, денгиз яқинлашиб қолаяпти, ўша ерда дам оласиз”, — дегиси келди.

Лекин у аёлга қўл теккизишга журъат этолмади. Ниҳоят сўрашга аҳд қилганда овози жудаям қуруқ ва ғазабнок эшитилди:

— У ерга нималарни ёздингиз?

— Шунчаки. Арзили ҳеч гап йўқ, — деди ётсираш билан.

Адам бу жавобдан сўнг ҳужумга ўтди.

— Атрофимизда шерлар изғиб юрибди. Дунёни сув босса ҳам тўпифингизга чиқмайди, қаёқдаги бемаъни нарсаларни тўқиб ўтирибсиз.

— Нега аввалроқ айтмадинг? — сўради ранги оқариб аёл.

— Айтганимда улар ҳақида ҳам ёзардингиз-а?

Аёл гуноҳкорона ерга қаради, кундаликни ёпмоқчи бўлди, лекин у бир лаҳзалик ғазаб алангасида чарм муқовали дафтарни юлқиб олди.

— Бу ерда нималарни ёздингиз? Билишни истайман!

Дафтар саҳифаларидаги тушуниб бўлмас сўз ва ҳарфлар унинг кўз ўнгидан чумолилар каби имиллаб ўтаётгандай бўлди. Улар дафтарни таллашиб-тортқиллашди. Ҳар бири уни ўзига тортарди. Ниҳоят, Адам қўйиб юборди. Аёл дафтарни қаттиқ ёпиб, тиззаси устига босиб олди. Худди боласини бировдан ҳимоя қилаётгандай дафтарни кучоқлаб олди.

Давоми. Боши ўтган сонда.

— Мен содир бўлаётган ҳамма ҳодисаларни ёзиб боришим, сўнг Капстадга етказишим керак.

— Нега? Агар ёзиб бормасангиз эсингиздан чиқиб қоладими? — Аёлнинг жавоблари Адамга камлик қилар, ундан кўпроқ нарсани билишни, унинг ҳозиргина очиқ турган дафтардай бутун борлиги билан намоён бўлишини истарди. Лекин аёл ҳамон сергак, тизгинни ўз қўлида ушлаб турарди, сир бой бергиси келмасди.

— Ҳаммасини эслаб қолиб бўлмайди.

— Ниманики унутган бўлсанг, демак уни эслашнинг ҳожати йўқдир-да.

— Нималарни ёзаётганимни ҳақиқатан ҳам жудаям билишни истайсанми? — тўсатдан истеҳзо билан сўради Элизабет. — Ахир сен нима қилаётганимни тушунмайсан-ку. Эҳтимол, бу нарса сенга жудаям алам қилар. — Энди роллар алмашиб, аёл ҳужумга ўтди. — Мана, мен нима хоҳласам шуни ёзиб юрибман, сен эса бунинг бирор сўзини ҳам тушунмайсан.

— Сиз нимани тушунардингиз? — Адамнинг газаби қайнаб кетди. — Эрингизга ёпишиб қолгандай унинг кетидан судралардингиз. Нимани йўқотдингиз-у, нимани топдингиз? Ҳеч нарсани!

— Ўзинг нима топдинг? Сен бу заминда мендан кўра кўпроқ вақтдан бери кезиб юрибсан-ку, — аёл тезда зарба бермоқчи бўлди.

— Бу менинг ишим.

— Сен Капстаддан нега қочиб кетдинг?

— Сиз битта саволни тўхтовсиз бераверасиз.

— Чунки мен билишни истайман.

— Ахир сизларга гапнинг ростини айтиб бўладими?

— Нега сен менга ишонмайсан? — алам билан сўради Элизабет.

— Мен сизга ишонишим керакми? — Адам кулди. — Гапни бунча айлантисиз? Эҳтимол, ҳали менга қараб ибодат қилишни ҳам бошларсиз?

— Ибодат қилишни аллақачон ташлаб юборганман. — Элизабет гердайиб унинг кўзларига тикилди.

— Мен ўз хўжайинимни ёмон кўрардим, — бехосдан сўз қотди Адам. — Шунинг учун қочиб кетдим.

— Нима учун уни ёмон кўрардинг?

— Менга хўжайинлик қилгани учун. — Бир нафас у газабини унутиб ҳимояланишни бас қилди. Ҳаммаёқни қоплаган қоронгилик самимий бўлишга ундадими ёхуд шерларнинг яқинлашиб қолганию бу хавфни сезаётган хўкизларнинг арқонини узғудай безовталанишларими — ўзи ҳам билмай қолди.

— Ўша куни, — ўрнидан туриб аёлга тик қараганча гапини бошлади Адам, — мени ўзига оқсоқол қилиб тайинлаб, хўжалик юритишни топширганда: “Бу юрт, бу тупроқ — сенинг қисматинг. Малагаслар кучи, яванликлар ақли, готтентотлар сабр-қаноатлари билан шуҳрат қозонганлар. Шу боисдан кўп ҳам питиллайверма, сенинг қисматинг шу ерда, тушундингми?” — деди.

— Нимага хафа бўлдинг? — сўради аёл. — Бу ер менинг ҳам қисматим. Голланд эркак билан француз-гугенот аёли Капстадга қочиб кетишганди, уларнинг болалари, набиралари, эваралари шу ерда умрларини ўтказишди...

— Ер-ку ҳаммамиз учун бир, аммо бу ердаги қисматимиз ҳар хил, — деди алам билан. — Сизнинг қисматингиз буйруқ бериш, хўжайинлик қилиш, менинг қисматим эса куллик. Бор-йўқ тафовут шугина, холос.

— Шунинг учун қочдингми?

Адам унинг гапини гўё эшитмагандай гулханга ўтин ташлади ва шерлар ҳозир қаерда бўлиши мумкинлигини чамалаб кўришга ҳаракат қилди.

— Хўш, энди сен бахтлиманми? — талабчанлик билан сўради. — Ахир сен озодсан-ку.

У хахолаб кулиб юборди. Кулгиси шу қадар кескин ва хирқираб чикдики, ҳатто хўкизлар ҳам чўчиб, бу томонга қараб пишқириб юборишди.

— Мен чўлу биёбонларда танҳо дарбадар кезиш учун озодликни қўмсаганмидим? Бунга нима дейсиз?

— Яна эллик йиллардан кейин бу биёбонларга маданият кириб келади.

— Маданият? Бунга маданиятнинг нима алоқаси бор?

— Нега алоқаси бўлмасин? Мен сенга тушунмаяпман, — паришонхотир гапирди аёл.

Адамнинг хаёлига тўсатдан учрашганларининг биринчи кечасида аёлнинг соябонли аравадаги сояси келди. Ўша хотираларини дарҳол хаёлидан чиқаришга уринди, зеро бу хотиралар унда оғир, азобли эҳтирос туйғусини уйғотиб юборди.

— Сиз қаердан ҳам тушунардингиз? — алам билан гапирди Адам. — Сиз оқ танлисиз. Мен эса бор-йўғи сиз ўйлаганингиздай қулман. Мен иш ҳайвониман, ишлашим керак. Ҳа, мен аҳмоқ нимани орзу қилган бўлсам, ўшанга тишим синди. Кулларга фикр юритиш мумкин эмас, фикр қилишга фақат сиз, оқ танли жаноблар ҳақлидирсизлар. Мен эса ўз ўрнимни билишни истайман. Йигирма беш йил мен сабр-қаноат қилдим ва миқ этмадим, сўнгра сабр косам тўлди. Мана, беш йил мобайнида нима ўйласам ўшани қилаяпман, худо қаргаган бу овлоқ ерларда кезиб, фақат ўйлаяпман. Менинг фикрларим дафтарларга ёзилмаган, улар бу ерда, калламда жойлашган. Уларни нима қилай, мен, ахир?

— Сен телбасан! — шивирлади у ҳаяжонланиб ва қарийб раҳми келиб.

— Майли, мен телба бўлай, фақат менга фикрлашга имконият беринг! — Адам қичқириб юбормаслик учун базўр ўзини босиб турарди. — Ҳаммангиз мени камситишга, мени кул деб исботлашга ҳаракат қиласиз. Ўйламаганим, ўйлашни билмаганим сизларга яхши. Лекин хомтама бўлманглар, бундан ҳеч нарса чиқара олмайсиз. Адамнинг тутоқиши бир оз босилгач, орага чўккан сокинлик вақтида Элизабет зўрга:

— Адам, бу адолатдан эмас, — дея пичирлай олди, холос.

Адам илдамлик билан ўрнидан турди ва яна гулхан учун ўтин майдалай бошлади. У гўё ўзида фақат куч, суяк ва мускуллар, ҳайвоний қудрат қолганини кўрсатмоқчидай эди. Бошқа ҳаммаси — телбалик. Нега энди буларни сўзлаб беришга мажбур қилдинг мени? Мени тинч қўй, кетай, мен озодман? Озод бўлиб қолишни истайман!

У руҳи тушган бир қиёфада аёлга бир қараб қўйди. Аёл эса ҳамон гулхан олдида ўтирганча кўзларини катта-катта очиб унга тикиларди.

Юзингни ўгир, нарёққа қара! Кўрмаяпсанми ахир, мен яланғочман.

Агар бу гаплар кундуз кунни, кеча ёхуд эртага рўй берганда у муқаррар равишда шамоллаб келгани ўрнидан туриб кетар, ястаниб ётган бутун борлиқдан ўзига таскин ва ором қилдирган бўларди. Лекин ҳозир ҳаммаёқни зулумот қоплаган, шу зулумот бағрида қаердадир шерлар пусиб ётишибди. Тепада Сомон йўли юлдузлар туркуми, Кхусети туркумининг олти юлдузи милтиллайди. Гулхан алангаси жимиллайди. Тор бошпанадаги ҳамма нарса таниш. Бу ердан чиқиб бўлмайди, ҳар ерда ҳозир нозир йиртқичлар ниҳоятда хавфли. Шу жойда жон сақлашдан ўзга илож йўқ.

Яна шернинг ўкириги эшитилди, бу сафар овоз жуда яқиндан келаётганди. Адам ҳўкизлар олдида бориб, арқонларини текшириб кўрди. Шунда тўсатдан ҳалиги ўкириш даҳшатли тус олди. Ер ларзага келгандай бўлди, кўрқиб кетган ҳўкизлар ер-кўкни титратиб орқа оёқларида туришди. Аёлнинг “Адам!” деган чинқиригини эшитиб унга томон югурди ва шу онда шох-шаббали тўсиқнинг қарсиллаб сингани ва йиқилгани эшитилди. Ранги оқариб кетган бўлса-да, ҳушини бир дақиқа ҳам йўқотмаган аёл Адамга милтиқни тутди. Шу онда қора ёлли шер тўсиқ устидан ичкарига сакради.

Адам деярли мўлжаллаб ўтирмай таваккалига тепкини босди. “Тез ўқланг!” — қичқирди у қуролни аёлга узатиб.

Баҳайбат гавда уни ерга ағдарди. “Шер!” лип этиб хаёлидан ўтди унинг. Лекин бу шер эмас, ҳўкиз эди. Иккала ҳўкиз арқонни узиб, молхона ичида югурар, улардан бирининг ёлига шер ёпишиб олганди. Тўсиқ қарсиллаб ағдарилди — ҳўкизлар шерлар билан қоронғилик қаърига кириб кетди. Тобора узоқлашаётган тўёқларнинг овози эшитиларди.

Адам ўқланган қуролни олиб улар кетидан интилди. Фақат вайрон бўлган четан девор олдига — ғира-шира ёруғлик тушиб турган жойга боргандагина Элизабет ёнгинасида қўлини маҳкам ушлаб турганини сезди.

— Ақлдан оздингми? — бақирди у. — Борма у ёққа!

Адам уни итариб ташлаб чопиб кетди. Лекин бир неча қадам қўйгач, бу иши фойдасизлигини тушуниб етди. У яна шовқин-сурон келаётган томонга қараб отди. Қоронғиликда юракни орзиқтирувчи бўкириш, чинқириқ эшитилди, бир оздан сўнг ҳаммаёқ тинчиб қолди.

У топталган лагерларига бошини ҳам қилиб қайтиб келди.

Аёл унга қараб қўйди, лекин на у, на бу бир-бирига сўз қотди. Четан деворни тузатишаётганда ҳам миқ этишмади, сўнг гулхан олдига келишди. Адам ҳамон оғир нафас оларди. У гулханга ўтин ташлади. Тепага гулхандан чиқаётган учкунлар сачрарди. Гулхан ёруғида уларнинг юзларида аллақандай соялар ўйнардди.

Гулхан атрофга иссиқлик таратади, лекин аёлнинг тишлари бир-бирига тегмасди.

— Сизга нима бўлди? — сўради Адам.

— Ҳеч нарса. — Аёлнинг ўпкаси тўлиб келар, аммо ўзини тутишга интиларди, лекин барибир бўлмади. Бирор дақиқа ўтгач, тишини тишига қўйиб, кўз ёшларини артди. — Мени маъзур тут. Нима бўлганини ҳам билмай қолдим.

— Чамаси, сиз қўрқмадингиз, шекилли? — шошиб сўради Адам.

— Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Ўлиб кетишимизга бир баҳя қолганини мен фақатгина энди англаб етдим...

— Ётиб ухланг. Чарчадингиз. Мен чой қўйиб бераман.

— Ухлай олармидим!

— Ҳаракат қилинг.

— Агар қайтиб келса-чи?

— Йўқ, улар бугун қайтиб келмайди, — тинчлантирарди уни Адам. — Қайтиб келишларининг маънисини йўқ.

— Энди нима қиламиз? Иқкала ҳўкизни ҳам ёриб ташладимикин, нима деб ўйлайсан?

— Эҳтимол.

— Энди бу ёғига қандай кетамиз?

— Буни эртага ўйлаймиз.

Аёл анча вақтгача ухлай олмади, сўнгра тинка-мадори қуриб, ниҳоят, уйқу элитди, лекин уйқусида ўқтин-ўқтин чўчиб тушар, нималарнидир гапирар, нола қиларди. Адам гулхан олдига ўтириб олганча унга шох-шабба ташлар, аёлга қараб қўяр, тун бағрига қулоқ тутарди. Лекин яқин атрофдаги қоронғиликда йиртқичлар ўз ўлжаларини тушираётганликларини билиб турган бўлса-да, чор атроф жимжит эди. Фақат тонг юлдузи кўринмай қолгандан кейингина терига ўралиб ётди.

Куюш эндигина илк нурларини сочаётган паллада, шунда ҳам Элизабетдан анча олдин уйғонди. Кўл тагида милтиллаб, ўчай-ўчай деб турган гулханга шох-шабба ташлаб, олов устига човгумни қўйди-да, милтиқни олиб чиқиб кетди. Дарё бўйига тушиб, кийимларини — бурма ҳошияли, йиртилиб, кирлаб кетган кўйлаги ва увадаси чиқиб кетган иштонини ечиб сувга шўнғиди. Совуқ сув ундаги ланжликни кетказиб, сергаклантирди. У ҳўл баданига чаққонлик билан кийимларини кийиб қайрағоч, олхўрисимон бута, ёввойи олчалар оралаб, кеча ҳўкизлар чопиб кетган томонга кетди. Адам шерлар гарчи тўқ бўлса-да, барибир шу атрофдалигини эътиборга олиб, ғоят эҳтиёткорлик билан қидирувни бошлади. Ўзлари турган жойдан салгина нарироққа боргач, дастлабки калхатларга кўзи тушди. Атрофни кузатиш учун дарахтга чиқди. Ялангликдаги ўтлоқзорда ҳўкиз оёғини осмонга қилиб жуда бесунақай ётарди. Иккита шербачча ҳўкизнинг қолган-қутган жойларини ириллаганларича тозаларди. Сал нарироқда баҳайбат шер мудрар, аҳён-аҳёнда баданига қўнган пашшаларни ҳайдаш учун улкан ёлларини силкитиб қўярди. Иккинчи ҳўкиздан дому дарак йўқ эди.

Адам энди бирор из топиш умидида атрофга разм солди: ҳўкизнинг думалоқ гўнги, синган шох-шабба, топталган ўт-ўлан ёхуд тўёқ изини қидирди... Ниҳоят, у қидирган нарсасини топди ҳам, бироқ у қадар севинмади. Ким билади дейсиз, ҳўкиз узоқ-узоқларга қочиб кетгандир, топишнинг сира иложи йўқдир. У топган изидан сабр-тоқат билан юришда давом этар, аммо умиди рўёбга чиқишига ўзи ҳам у қадар ишонмасди. Йўлда учраган гўштдор мазали барг, тугунак илдизи, мевалардан узиб ер, йилнинг бу фасли айни пишиқчилик пайти эди. Лекин ҳар сафар бу мевалардан тотиб кўриш учун бирор дақиқага тўхтаганда кеча, Элизабет билан ўргаларида бўлиб ўтган гапдан уялиб кетарди. Очқ, ёп-ёруғ кунда кеча кечқурун аёлга айтган гапларидан қўрқиб кетди. Унга нима бўлди ўзи, не сабабдан сирларини очиб қўйди? Эҳтимол, барчасига ҳаммаёқнинг зим-зиёлигию шерларнинг яқинлиги сабаб бўлгандир, мени кўпинча камситишию ўша дамдаги унинг чорасизлиги, унга ёрдам бериш, тинчлантириш, ҳимоя қилиш истаги мени шундай қилишга ундагандир. Лекин бундай бир лаҳзалик истакка берилиш хавфли, хато, бунга иккинчи маротаба йўл қўйиб бўлмайди. У икки тепалик орасидаги жарликка тушди, шунда тўсатдан жарликнинг нариги бошидаги сийрак дарахтзор яқинида ўтлаб юрган ҳўкизга кўзи тушди. Унинг бўйнини ҳамон чарм арқон сиқиб турарди. Жонивор Адамни сезиб бошини кўтарди.

Адам ҳўкизга оҳиста, эркаловчи оҳангда сўз қотиб, унга томон аста-секин яқинлаша бошлади. Жонивор сергакланиб ўшқирди.

— Сенга нима бўлди, тентаккинам, қўрқма, — тинчлантирарди уни Адам. — Мен ахир сени қидириб келдим-ку, ҳозир қайтиб кетамиз.

Ҳўкиз тўсатдан қайрилли-да, шаталоқ отиб қочиб қолди. Лекин юз метрлар чамаси чопиб бориб тўхтади ва баланд ўркачи оша орқага қаради. Унинг ёнларида қон қотиб қолганди.

— Келақол бу ёққа, — эркалаб чақирди Адам. — Ақллим...

Ҳўкиз бунга жавобан ҳасратли мўраб қўйди. Бу сафар Адамнинг яқинлашиши ва силашига қаршилиқ қилмади. Қават-қават бўлиб осилиб турган териси асабий титрарди. Худого шукрки, жиддий жароҳати йўқ эди. Ёнларида шер тирноқлари ва тикан излари. Лекин улар чуқур эмасди.

— Кетдик, — буюрди Адам ва узилган қайишнинг бир учини ушлаб, бўйинбоғни бир оз бўшатди.

Улар қароргоҳга туш бўлганда қайтиб келишди. Элизабет ўрнидан шаҳд туриб (тиззасидаги дафтари ҳам тушиб кетди) уларнинг истиқболига чопиб чиқди.

— Жуда узоқ қидирдингми?

— Унчалик эмас.

— У ярадорми?

— Арзимайдиган яраси бор. Тирналган, холос.

— Жуда чарчагандирсан? — меҳрибонлик билан гапирди у. — Тушлик тайёрлагандим, еб оласанми?

— Раҳмат, — Адам аёлга қараб қўйди. Бугун унинг юзига бир оз қизиллик югурганди. У аёлдан кўзини олди. — Йўлга отланиш керак, — қатъий деди у.

— Нега?

— Шерлар ҳўкизнинг қолган-қутганини еб турганда иложи борича узоқроққа етиб олмоқ керак.

— Биз энди олдингидан ҳам секинроқ юрамиз, — вазмин гапирди аёл.

— Йўқ, нега? Сиз бу ҳўкизга миниб оласиз, ортиқча нарсаларни ташлаб юборамиз.

— Ортиқча нарсамиз қолдими ўзи? — эътироз билдирди аёл. — Шундоқ ҳам қарийб ҳеч нарса олганимиз йўқ-ку.

— Нима қиламиз бўлмаса? — жаҳли чиқиб сўради у.

— Ҳамма нарсамизни аввалгидек ҳўкизга ортамыз-да, мен пиёда кетаман.

— Юролмайсиз, чарчаб қоласиз.

— Юра оламан, соппа-соғман.

У синовчан ва қандайдир кек билан аёлга қаради.

— Ахир бу ёғига яқин қолди шекилли, тўғрими? — сўради аёл.

— Агар тўғри кесиб чиқадиган бўлсак, яқин. — Адам унга тик қаради. — Лекин тик йўлдан мен юрмайман, менинг денгизим нарироқда.

— Денгизга тик йўлдан чиқиб, сўнг қирғоқ бўйлаб юрилса бўлмайдими?

— Унда дарёларнинг қуйилиш жойини кечиш, қум уюмларини, тик қояларни ошиб ўтиш лозим бўлади, бунга икки-уч ой кетади.

— Кетса нима қилибди. Энг муҳими, денгизга етиб олсак бас, тўғримасми?

— Йўқ. Биз менга керак томонга борамиз.

— Ахир...

— Мен айтгандай бўлади, — деди у босиқ ва қатъий қилиб.

Энг муҳими, асосий сабаб шу, — ўйлади Адам. Гап уларнинг йўлини тўсадиган дарёлар, қум уюмлари, қоялар устида эмас, шунчаки у аёл устидан ғалаба қозониши, уни ўз иродасига бўйсундириши, измида сақлаш устида кетаётганиди.

Аёл ҳам буни сезиб турганини Адам унинг кўзларидан сезаётганиди. Адам аёлнинг жунбушга келишини, ғазаби кўзгабини пойлайди. Лекин аёл миқ этмади. Бу унинг енгилганлиги, таслим бўлганлигининг аломати эмас — мана у, бошини баланд кўтарди, қадини ғоз тутди. Унинг жим туриши очиқ жангга отланганидан кўра хавфлироқ.

Мен енгдим, деб ўйлади Адам. Биз ҳозир мен танлаган йўлдан юрамиз, менинг денгизим томон йўлга тушамиз. Менинг иродам ғолиб келди. Лекин мен муқаррар рўй бериши лозим бўлган нарсани орқага сурдим, холос. Бу эртами, кечми, барибир рўй беради.

Аёл дарё бўйидаги харсанг тошда ўтириб, оёқларини сувга тикиб ликиллатиб ўйнади, ёнгинасида Капстадан олиб келган туфлиси обдон кийишга ярамай қолганидан кейин Адам тикиб берган бошмоқлари турарди. Сал пастроқда Адам ҳўкизни суғорар, тепароқда эса юклари турарди. Сўнгги кунларда уларнинг йўлида жуда кўп дарё ва ариқлар учради. Нариги томонга ўтиб олиш учун улар дарёнинг саёз ерларини қидиришларига ёхуд чангалзорлардан шунчаки сувга тушадиган йўлни топишларига соатлаб вақтлари кетарди. Бу дарё олдингиларига қараганда каттароқ ва тезоқарроқ эди. Сув ичаётган ҳўкизнинг тумшугидан сув икки томонга бўлиниб кетар, дарахтларнинг акси липиллаб кўринади. Сал нарироқдаги дарё кўлтиги ёнида ёввойи ўрдакларнинг галаси оҳиста сузиб юришар, нариги қирғоқ сув итқитиб юборган шох-шаббалар орасида лайлаксимон узун оёқли қушлар дайдишар, қиёқ ўтлар ўсиб ётган ўнқир-чўнқирликларда лайлақлар узун оёқларини ташлаб юришарди. Улар ҳўкиз билан бу ерга келишганда қушлар қарийб парво қилишмади.

— Ўйлаб қаранг-а, — тўсатдан ҳаяжонланиб гап бошлади аёл, — эҳтимол, менгача бу ерга инсон қадами етмагандир. — Ва у завқланиб кулди. Мен тарихга янги саҳифа қўшдим.

— Айтгандай, мен ҳам шу ердан, — деди Адам ғазабдан ёниб. — Бизгача бу ерларда жуда кўп готтентотлар юришган.

— Биламан, нима демоқчилигингизни биламан. — У жон-жаҳд ила ҳўкизнинг ҳўл сағрисини бир боғлам ўт билан артди. Ҳаммаси рисоладагидай жой-жойида кетаётганиди, яна ҳаммаси барбод бўлди. Аёл ачиниб муштум қилган кўлини пешонасига қўйди. Нега ҳар сафар шундай тугайди, ахир? Нега энди ҳар сафар айтиш лозим бўлмаган сўзларни гапирди? Эҳтимол, Адамнинг ўзи айбдордир бунда. Балки у арзир-арзимас нарсага сўз ва ҳаракатга ёпишиб олиб атайин тирноқ остидан кир қидираётгандир. Бу душманлик силлани қуритади, охири кўринмайдиган йўлдек кундан-кунга одамга азоб беради.

— Сизнингча фақат сизгина тарихни белгилайсиз ва тарих учун ҳар бир аксиришингиз ҳам муҳим, — заҳар сочиб гапирди у. — Капстадан ташқарида рўй берган бирор нарсанинг тарих учун алоқаси йўқ, шундайми?

— Лекин бу мамлакатга маданиятни Капстад олиб киради, ахир, — эътироз билдирди аёл.

— Тарих маданиятдан бошланадими? Наҳотки, сиз учун Капстад ўз черковлари, мактаблари, дорлари билангина мавжуд бўлса? Маданиятнингизнинг мо-

ҳияти нимада ўзи? Эҳтимол, у фақат ёмонлик олиб келса-чи. Буни қаердан биласиз?

— Мен бутунлай бошқа нарса хусусида гапирдим.

— Нега бошқа нарса бўларкан? Йўқ, аини шу ҳақда гапирдингиз. Бўлмаса менгача бу ерларга инсон зоти қадам қўймаган демасдингиз. Назарингизда тарих билан фақат сизлар, Капстадда истиқомат қилувчи оқ танлилар қизиқасизлар ва мамлакатнинг бойлигини ошириш, ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳисса қўшасизлар, холос. Тарих учун эса ҳаммаси муҳим. Капстадда рўй бераётган нарсалар ҳам, бу ерларда сизсиз рўй бераётган ҳодисалар ҳам. Бундай фикрлар хаёлингизга ҳам келмагандир? Тарих учун ҳайвонларнинг уясига кўмилган ҳар бир готтентот ҳам аҳамиятли. Чунки у кексалиги ва касаллиги туфайли карвон билан бирга юролмаган. Унинг учун бу дарёни кечиб ўтган ҳар йўловчи — гарчи биз унинг исми шарифини ҳеч қачон билолмасак ҳам, қадрли.

Элизабет шахд билан ўрнидан турди.

— Сенга нима бўлган ўзи, — деди у. — Ичингга бирор ажина кириб олганми? Мен нима десам сен, албатта, тескарисига ўгириб кўрасан.

— Ҳа. Чунки сиз нимани гапирсангиз ҳам Капстад номидан гапирасиз. Каллангизга нима қуйиб қўйишган бўлса, ўшани қайтараверасиз, ўзингиз эса бундай ўйлашга қодир эмассиз. Бу бемаза гапларни эшитавериш эса жонимга тегди.

— Бўлмаса нега бир ўзинг кетавермайсан? — дарғазаб гапирди аёл. — Сен ўзинг мени денгизга олиб бормоқчи бўлдинг, мен буни сендан сўраганим йўқ.

— Мен сизни шу ерда ташлаб кетсам нима қила оласиз?

— Ишинг бўлмасин. Ўлмайман. Агар ўлиб-нетиб кетадиган бўлсам ҳам сенга нима? Мен билан юрасан деб сени мажбур қилаётганим йўқ. Агар мен сенга даҳмаза бўладиган бўлсам, худо хайрингни бергур, мени ташлаб ўзинг кетавер. Агар бирга қоладиган бўлсанг, марҳамат қилиб ҳурматимни бажо келтир.

— Ҳўп, хоним, эшитаман, — киноя билан кўлди у.

Аёл ўрнидан турди-да, ғазабни босиб, юклари турган томонга кетди.

... Ахир мен сен билан жанг қилмоқчимасман, баҳс бойлашни ҳам истамайман, буни ўзинг ҳам кўрмайсанми? Мен шундай танҳоманки фақат аҳён-аҳён-да сен билан сўз қотишни истайман. Нега ахир ўзингдаги аввалги барча аламларингни менга сочмоқчи бўласан? Мен бунга сазовормасман-ку, ахир. Бировларнинг айбини бўйнимга қўйишларини эса истамайман...

Ҳўкизни етаклаганча Адам унинг орқасидан кетди.

Нега ҳамма вақт гап қайтариб жунбишга келишга мажбур қиласан мени? Чунки сен мени камситмоқчи бўласан. Шунча йил мобайнида менга ҳеч ким керакмасди... Ҳар ҳолда мен шундай фикрда эдим. Ҳозир эса сен ҳар бир қадамнингда мен Капстад ҳукронлигидан ҳамон қутула олмаганимга ишонишга мени мажбур қилиясан, менинг барча ҳаракатларимда ғазаб ва исён гупириб турганини эслатайсан. Мен ўзимдаги ғазаб ва нафратдан фориг бўлганман деб ўйлагандим, лекин ўзимни-ўзим алдаган эканман. Буни англаш, тан олиш жуда оғир. Лекин сен менинг азоб-укубатларим ҳақида нимани билардинг? Мен одамлардан ўз ихтиёрим билан чекиндимми? Ҳамма гап шунда-да.

Адам аёл билан кўнглида баҳсни давом эттириб, ҳўкизни майсазордаги дарахтга боғлаб қўйди. Аёл шу пайтда ўз ўрнини тузатаётган эди. Сўнгра Адам гулхан учун ўтин териб келишга кетди, аёл эса дарёга тушиб кўнглини ёзмоқчи, чўмилмоқчи бўлди. Ўтин териб қайтаётганда аёл яна ўз кундаликлари билан машғул эканлигини кўрди.

Бир неча дақиқа аёлни кузатиб турди. Аёл албатта унинг кузатаётганини сезади, лекин ўзини билмаганга олади. Ниҳоят у аёлдан кўзини олиб четан девор қуришга тушди. Ишини тугатиб, ўгирилиб дарё бўйига кетди.

Аёл бошини кўтариб, дарахтлар орқасига беркинаётганига кўзи тушди, сўнг яна кундаликларини ёзмоқчи бўлди, лекин фикрларини бир жойга жамлай олмади. У ҳафсаласи пир бўлиб дафтарни ёпди ва бир чеккага қўйди. Қўйлагини қўлига олиб сўкилган жойларини тика бошлади, аммо нина-ипни ҳам ташлаб, ўрнидан турди ва мақсадсиз у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сўнг хаёлига гулхан

ёқиш зарурлиги тўғрисидаги фикр келди. Олов олдига ўтириб олганча узун таёқ билан қандайдир ҳорғинлик ва безовталиқ билан ғўлаларни тита бошлади.

Нега бунчалиқ ҳаяллаб қолдийкин? Наҳотки, ҳалиги гапи учун қасдма-қасдликка ёлғиз ўзи кетиб қолган бўлса? Ҳа, нима бўлса бўлар. Усиз ҳам бало урмайди. То денгизга чиқмагунча дарё оқими бўйлаб кетаверади. Унинг учун ҳозир энг муҳими шу. Лекин тўсатдан калтакни ташлаб сапчиб ўрнидан турди. Фақат тўсиқдан ташқарига чиққанидан кейингина миясига: “Уни қидираётганимни кўрса роса тантана қилади-да!” деган фикр келди. У жойига қайтиб келиб, ўз нарсаларини у ёқдан-бу ёққа ола бошлади. Лекин яна бир неча дақиқадан кейин бир қарорга келди-да, энди ҳеч бир иккиланмай шахдам юриб дарё томон йўл олади. У нима деб ўйласа ўйлайверсин, қоронғи тушай деб қолди, кечки ишларни бажариб олиши керак.

Бутазор тутагандан кейин аёл бирданига ўзи аввал ўтирган ясси тош устидаги унинг кўйлагига кўзи тушди. Кўйлақ эмас, масхарабознинг жандаси эди. Унинг ўзи ҳам ким ахир, бир бечора масхарабоз эмасми? Энди у қайтиб кетса ҳам бўларди, лекин у бу истагини енгиб дарёга тушди, сўнг харсанг устига чиқиб олди. Сал пастроқдаги узун қўлтиқда у Адамни кўриб қолди. Адам кўрфазнинг энг нарёғидаги тошлар ёнида гоҳ сувга калла ташлар, гоҳ сузарди.

— Адам!

У ҳўл сочини силкитиб аёлга қаради.

— Нима бўлди?

— Бунча узоқ қолиб кетдинг? Мен... — Аёл жим бўлиб қолди.

— Ҳозир бораман.

Адам аёл томонга қулочкашлаб сузиб кела бошлади, унинг елкаларидаги сув томчилари эса ялтиларди. Нариги қирғоқда ҳамон лайлақлар изғир, ботаётган кўёш нурлари остида улар қизғиш-сарғимтир кўринарди. Тобора қоронғилашиб бораётган ўрмонда қушлар чийилларди.

Адам саёзроқ — кўкрагидан келадиган жойгача сузиб келди-да, тик туриб олди. У тобора қирғоққа яқинлашиб келаверди. Сув пастга тушиб, белигача келди... У бир дақиқа тўхтаб саросимада аёлга қаради. Аёл эса аввалига қочиб кетмоқчи бўлди. Шунда тўсатдан Элизабет ҳозир қочиши мумкинмаслигини, бунини ўзи ҳам истамаслигини тушунди. Аёл бошини баланд кўтариб, ўзининг устунлигини тасдиқламоқчи бўлаётгандай, жойида Адамга тикилганча тураверди.

Адам янада яқинроқ келди. Унинг кўзи қисилган, лабларида сирли табассум зоҳир эди. Унинг тослари ҳам кўринди. Адам озғин, дағал, аммо пайдор, ҳаракатлари гоят чаққон, терисининг остидаги силлиқ, таранг мускуллари ўйнаб турарди. Худди ўспиринларнинг баданидай барра. Бўлди, энди у кетиши керак. Лекин у ҳамон жойида қимирламай турарди. Қорнининг пастлари ҳам кўринди. Аёлнинг нафас олиши ўзгарди, лекин ҳамон ўжарлик билан йигитдан кўзини узмаётганди. Ҳозир сени қандай бўлсанг, ўша ҳолингга кўраман. Сен ҳар дақиқада мени камситасан, устимдан куласан, ҳақоратлайсан. Ва мен сенинг бечораҳол, қип-яланғоч ҳолатингни кўрмоқчиман. Қани кўрамиз, журъатинг етадими йўқми?.. У жудаям яқинга келди. Сув йигитнинг тиззаларини, гўштдор болдирларини ўйнади... Йигит аёл уни кутиб турган харсангга сакради. Аёл эса ҳалигача тескари қарашга ҳам, лоақал қўллари билан юзини беркитишга ҳам ҳаракат қилмасди.

Йигит эгилиб кийимини олди ва қирғоққа қараб кетди. Аёл унинг орқасидан қараб, биринчи маротаба елкаси, тос ва ёнларидаги қизғиш-қорамтир, даҳшатли чандиқ изларини кўрди.

Аёлнинг оғзи очилиб, ҳайрон бўлиб қолди.

— Ваҳший! — гудраниб кўйди у.

Адам ўгирилиб қаради. Наҳотки жавоб беришга журъат этса? Аёл яланғоч эркакка қараб турганига бирдан уялиб кетди, нигоҳини унинг кўзидан олиб, оёқларига қадади. Йигит кўйлагини кўтарганча индамай нари кетди. Кўринишидан у кийинишга ҳаракат қилмаётганди, ниҳоят лагерни ўраб турган дарахтлар панасида ғойиб бўлди.



— Кулга ҳеч қачон ишонма, қизим, — деган эди отаси. — У билан ўз боланг-дай муомала қилишинг мумкин, тарбиялашинг мумкин, маданиятли одам бўлди деб ўйлашинг, менга итдай содиқ деб ишонишинг ҳам мумкин. Лекин у барибир бир кунмас-бир кун сенга ўткир тирноғини кўрсатиб, чанг солмоқчи бўлади. Ана ўшанда сен кул бор-йўғи йиртқич ҳайвон эканлигига имон келтирасан.

Аёл харсанг устида чўккалаб, титраб-қақшаб ўтираркан, сувга майда тошчаларни отарди, уларнинг дарёда чўкишини томоша қиларди. Худойим-ей, нима бўлаяпти ўзи? У жуда кўп маротаба яланғоч қулларни кўргану, лекин негадир уларнинг яланғочлигини ҳис этмаган. Назарида улар Кампаниянинг ҳайвонот боғидаги маҳлуқлардай туюлганди унга. Ёки Адам қул эмасми? Йўқ, одатдаги қуллардан у ҳам. Буни шу бугун, унинг орқаларидаги жуда хунук чандиқларни кўрганда тўла англаб етди. Нега бўлмаса оёғида мадор қолмай қалтираяпти? Нега бўлмаса унинг яланғоч гавдаси, кўкраклари, тослари, оёқлари, қорни кўз ўнгида яққол гавдаланяпти? Нега энди унинг яланғочлигига бунчалик эътибор берди? Ахир у ваҳший-ку! Бекорга шундай деб атамади-ку! Энди бундан кейин ундан кўрқмайди.

Аёл, ниҳоят, сал ўзига келиб лагерга кирганда қарийб қоронғу тушганди. Бугун лагер ҳам, гулхан ҳам, унинг мурасага келтириб бўлмайдиган такаббурона кўзлари ҳам аёлда қандайдир кўрқув ҳисларини уйғотаётганди.

Лагерга кираверишда Адам унинг увадаси чиқиб кетган иштони ва кўйлагига кўзи тушди. Улар четан деворга осиб қўйилганди. Аёл бир дақиқа саросимада қолди, қочмоқчи бўлди. Лекин қаерга, қаёққа қоча олади? Ва нима учун қочади? Қалбини шу вақтгача ўзига бегона бўлган ҳайратомуз итоаткорлик қоплади. Ҳа, ҳақиқатан ҳозир улар саҳрода туришибди, йигит эса, шубҳасиз, ёввойи; ундан бошқа нарсани кутиб бўладими? Улар бирга келишаётган вақтдан бери, айниқса готтентотлар ҳузурида яшашган пайтдан бери аёл Адам ҳам худди ўзига ўхшаган одам деб ишонган эди. Унинг айна шу маданийлиги аёлнинг қонини қайнатаётганди. Лекин ҳозир ҳаммаси аён бўлди, уларнинг роллари аниқлашди, ижро этиш қолди, холос. Агар Адам энди аёлни зўрлашга уриниб кўргудек бўлса, унинг ёшида бундай хавфнинг табиийлиги ҳақидаги фикрга кўникиши лозим. Аёлни ҳайрон қолдирган ва ҳатто ташвишга солган нарса Адам не сабабдан шу пайтгача унга қарши куч ишлатмаётганлигида эди. Эркакка бу нарса осонгина эди, сирасини айтганда аёл ҳам ўзини бўғиб турган ташвишдан қутуларди. Қисматда шундай ёзилган бўлгач, баданга қилинган тазйиқни кўтариш кетма-кет келадиган шубҳа, ишончсизлик, хавфдан кўра осонроқ-ку.

Аёл ўзини қўлга олиб, тўсиқнинг ичкарисига ўтди ва кираверишга шохшаббалар ташлаб қўйди. Адамга кўз қирини ташлади — ҳа, у қип-яланғоч ҳолатда гулхан олдида ўтирарди. Элизабет тугунларининг олдига келиб, ундаги кундаликларини намойишкорона олди, охири саҳифани очиб ёзишга тутинди. Аёлнинг ёзаётган қўли қалтирар, бу титроқни босишга кучи етмас, нима ёзаётганини ўзи ҳам билмас эди.

Лекин Адамнинг бўзрайиб туриши худди кўзга тушган хасдай тобора аёлнинг газабини кўзгар, гашини келтирарди. Аёл бошини кўтариб аста Адамга қаради, у эса аёлга тик боқди. Аёл безовталаниб хўрсинди, ёзишда давом этди, хотирасида сақланган Амстердам иморатларининг кўринишларини, тасодифан эсига келиб қолган ўсимлик ва ҳайвонларнинг номларини дафтарга қайд этди. Ниҳоят, аёлнинг газаби қайнади: нима учун у ўзини бунчалик йўқотиб қўйди? Ахир бу аҳмоқлик-ку.

Аёл яна бошини кўтарди ва қуруққина қилиб буюрди:

— Агар овқат тайёр бўлса, олиб келишинг мумкин.

— Овқат сизга мунтазир.

— Олиб кел бўлмаса.

Аёл тиззасида турган дафтарини атайин ёпмай унга қаради. Лекин Адам миқ этмай ўтирарди. Агар ҳозир буйруққа бўйсунмаса, улар ўртасидаги сукунатнинг ҳосиласи ўлароқ, пайдо бўлган кўзғолон, очиқ уруш дегани бўлади. Орадан ўтган дақиқалар жуда узоқ туюлди.

Шунда Адам тўсатдан шиддат билан ўрнидан турди. Аёл ҳатто чўчиб тушди. Йигит бориб овқат олиб келди: бу сутсимон ширали илдиэлардан тайёрланган жаркоп эди. Адам кеча уни қазиб олган ва бўлақларга бўлиб кечаси билан сувга бўктириб қўйган эди. Ҳозир ундан гўштнинг мазаси келарди.

Адам аёлга тикилганча рўбарўсида турар, бирор сўз айтишга мажбур қилмоқчидай, шуни кутаётгандай бир алпозда эди. Лекин аёл таслим бўлишни истамасди. Элизабет ўз устидан хукмронлик қилишга йўл қўймайди! Аёл ундан ликобчани олиб, яқиндан уни қип-яланғоч ҳолатда кўрмаслик учун тескари ўгирилди.

Адам гулхан ёнига кетди. Аёл овқатини еркан, йигит ундан бир нафас ҳам кўзини узмаётганини сезиб турарди. Энди бас. Сукут сақлаш мусобақаси етар, — қарор қилди аёл. Сукут сақлаш бор-йўғи найранг эди, холос. Очиқ жангга киришса кириша қолсин, ўзини қўрқитиш осон эмаслигини кўрсатиб қўяди ҳали.

— Ликобчани ол, — буюрди у.

У дик этиб ўрнидан турди, буйруқни адо этди, аммо унинг вазоҳатидан ҳақоратомуз нафрати сезиларди. Кишининг гашини келтирадиган даражада таҳдидли қараб турарди.

— Нега қўйлагингни кийиб олмадинг? — сўради у.

Айни шу саволни кутаётганди у.

— Мен ахир ёввойиман-ку. Ёввойилар кийим киймайди.

— Ёш болага ўхшайсан-а!

— Ёввойилар ҳам болалар-да. Шундай эмасми?

Элизабет Адамга пастдан қарамаслик учун ўрнидан турди.

— Адам, сен аҳмоқона ўйин бошладинг? Бу менга ҳечам ёқмаяпти, — деди у. — Агар жуда хоҳласанг мени зўрлашинг мумкин. Эҳтимол, сен шу йўл билан устимдан ғолиб келмоқчидирсан? Ундай бўлса, марҳамат қилиб очикчасига ўйин қил, бурчак-бурчакка биқинма. Қоронғи тушишини ҳам пойлаб ўтирма.

— Сизни исташим ҳақидаги гапни қаердан топдингиз? — худди қора илон чаққандай заҳарханда билан унга қаради. — Агар шуни истаганимда, аллақачон мақсадимга эришган бўлардим.

— Ишонмайман! — Аёлнинг овози қалтираб чиқди, лекин у ўзини қўлга олди. — Билишимча, сен мендан қўрқасан.

Адам тўсатдан ликобчани улар орасидаги тошга отиб юборди. Ликобча чилчил бўлди. Аёл энди нима бўлишини кутарди. Йигит эса қимир этмади.

— Мен эмас, сиз қўрқасиз, — деди у.

— Ҳа, — вазминлик билан жавоб берди аёл, — мен ҳақиқатан ҳам қўрқаман. Лекин мен нимадан қўрқишимни биламан, ахир. Сен ҳам қўрқасан, лекин нимадан қўрқишингни ўзинг билмайсан. Бундай қўрқув билан яшаш янада қийинроқ, тўғри эмасми? Шунинг учун бутун аламингни мендан олмоқчи бўласан. “Ҳақиқатан ҳар иккаламизни ҳам тобора бир-биримизга яқинлаштираётган шу масофадан қўрқамиз,” ўйлади аёл. Шерлар ҳужум қилган кечасидагидек улар бир-бирларининг рўбарўларида туришар, нима қилишлари лозимлигини ўйлаётгандай ҳолатда эдилар. Ҳозирги ҳар сўз, кичкинагина ҳаракат улар тақдирини ҳал қиладигандай. Улар бир-бирларига тикилишар, кўзларида эса ғазаб, алам, саросима, ташналик барқ урарди. Менга қўрқинчли, сенга ҳам шундай, тун узоқ, поёнсиздай. Бу энг муҳими. Агар мен сенга қўл узатишга журъат қилсам, мени тўғри тушунасанми ёки йўқми?

Адам биринчи бўлиб истар-истамас кўзини олди, эҳтимол, алаmidан шундай қилгандир. Чамаси бу сафар аёл ғолиб келганди. Лекин бундай ғолиблик мижарони бартараф этмайди, ҳақ эканлигини исботламайди, ҳеч кимга қувонч олиб келолмайди, қайтага ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборади. Аёл ўзи истамаган ҳолда савол берди:

— Нега орқанг бунақа чандиқ?

— Оқ танли жаноблар қамчи билан савалашган. — Аёлга тескари ўгирилган ҳолда жаҳлини босиб жавоб берди: — Нима бўпти? Бунақасини кўрмаганмисиз? Қулни қамчилашган, холос. Уларни ҳар кун қамчилашади-ку.

— Шу туфайли қочиб кетганмисан?

- Шу туфайлими, шу туфайлимасми, сизга нима дахли бор?
- Жуда дахли бор-да. Сен олдин ўз ихтиёрим билан қочиб кетганман деган эдинг.
- Ҳеч қачон сизга бундай деганим йўқ. Ўзингиз шундай ўйлагандирсиз.
- Сен мени ишонтиролмадинг. Шундай деб ўйлашимни ўзинг хоҳлаяпсан. Ҳақиқатни билиб қолишимни истамайсан ўзинг. Сени қамчилашгани учун қочиб кетгансан.
- Мана энди сиз ҳақиқатни билиб олдингиз. Хўш, энди хурсандмисиз? Энди томоғингдан гиппа олдим деб ўйлайсизми?
- Томоғингдан гиппа олишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.
- Адам чаққонлик билан унга ўтирилди.
- Нега бўлмаса тўхтовчиз ўсмоқчилайверасиз?
- Адам, нима учун сени қамчи билан уришган?
- Мен хўжайинга қарши бош кўтарганим учун, — қатъий гапирди у.
- Шунчаки, бекордан-бекорга унга қўл кўтармагандирсан, сабаби бўлгандир?
- Бўлганми, бўлмаганми, бунинг ҳеч кимга дахли йўқ.
- Яна қўрқаяпсанми? — киноя билан сўради аёл. — Менинг олдимда кийимларингни ечиб ташлашга уялмадинг-ку, нега энди уяляпсан?
- Уяляпман? — ғазабдан қалтираб деди Адам. — Сиз уялишингиз керак! Тўхтовсиз саволлар бериб мени қийнайсиз. Бундан қамчи аъло эмасми? Сиз, аёллар, шу қадар бераҳмсизки! Эркаклар бир савалайди-да, нари кетади, сизлар эса ярани очиб, ичига туз сепасиз.
- Агар мен ҳақиқатан ҳам сени азоблаётган бўлсам, ҳеч нарсани гапирмаслигинг мумкин.
- Яна ўша девор қарс этиб бошимга тегди. Ҳар сафар шу деворга дуч келяпман. Аёл қайрилиб нарироққа кетмоқчи бўлди.
- Майли, — деди бўғиқ товушда, — билишни жуда хоҳласангиз гапириб бера қолай. Бу эътирофни мендан тортиб олганлигингиз учун ҳам фахрлансангиз бўлади.
- Аёл унга томон ўтирилди, қўлини норози силкитди. Адамнинг жаҳли чиқиб кетди.
- Сиз ахир ҳақиқатни билмоқчи эдингиз, шекилли, — қатъий гапирди у. — Марҳамат қилиб эшитинг, жаноби олиялари. Ҳар бир инсоннинг ҳаётида эрта-ми-кечми “бас, энди етар” дейиш лозим бўлган дақиқалар бўлади. Мен шундай дақиқада хўжайинга қўл кўтардим. Мен унинг оқсоқоли, бошқарувчиси эдим, бутун хўжалиги ва ишларини юритишим лозим эди. Мен ҳатто унинг буйруғи билан бошқа қуларни жазолардим. Хўжайиннинг юраги хаста эди, ўзи одамларни жазолай олмасди, чарчаб қоларди. Шу туфайли жазо чоралари кўриляётганда кузатиб турарди. Мен эса ўз биродарларимни қамчилашим керак эди. Бунга осон деб ўйлайсизми? Мен ахир қул эдим, хўжайиннинг гапини қайтара олармидим? — У бир нафас жим қолди-да, нафасини ростлади. — Сўнгра бувим ўлиб қолди. Унга ўтин келтириб беришимга йўл қўйишмагани учун совуқдан тарашадай қотиб ўлди. Ойим уни кўймоқчи бўлди, лекин хўжайин бунга йўл қўймади, ўша куни ток наваларини хомтоқ қилишни буюрди. Шунда онам рухсат сўраб ўтирмай бувимни кўмиб келди. Эртасига қўрғонга қайтиб ҳеч нарса бўлмагандай ток наваларини кесишга тутинди.
- Адам тун қаърига тикилди.
- Кейин нима бўлди? — сўзлагувчи жим тургани учун сўради аёл.
- Хўжайин ойимни нариги ҳовлига олиб бориб устунга боғлаб қўйишни буюрди. Қўлимга қамчи тутқазиб, савалашга амр этди.
- Бўлмаган гап, сен яна бошимни қотиряпсан!
- Афсуслар бўлсинки, жаноби олиялари, айни ҳақ гапни гапиряпман... — Адамнинг кўзларида алам учқунлари чақнади, аёл беихтиёр нарироққа сурилиб, ағрайиб қараб қолди. — Мен хўжайиндан бу қарорни бекор қилишни илтижо қилдим. У мени эшитишни ҳам истамасди. Мен барибир ялиниб-ёлворавердим. Шунда у ердан ёғоч олиб (Мен шу ерда стол ясаётган эдим. Унинг

қўлига столнинг оёғи тушиб қолибди) бошимга урди. Мен унинг қўлидаги ёғочни тортиб олиб ерга қулаб, ўзидан кетгунича савалайвердим.

— Кейин нима бўлди?

— Ҳеч нарса.

— Сен жазолашларидан кўрқиб, қочиб қутулдинг?

— Нима қилишим керак эди? Сиз менга чўлу биёбон ёққани учун қочиб кетди деб ўйлайсизми? Бошқа иложи қолмаган эди. Саҳрода яшашга ўргандим, хавф-хатарни ҳайвонлардай дарҳол сезаман. Лекин мен ҳайвон эмасман. Мен инсонман. Инсонлар билан яшашни хоҳлайман. Қачонлардир мен уларнинг ёнларига қайтаман. Лекин қайтганда ҳам айб қилиб қўйган итдай бўйнимни эгиб эмас, балки қақдимни фоз тутиб, ҳеч нарсдан уялмай-нетмай қайтаман.

Аёл бошини эгди.

— Бу мумкинмикин? — сўради у.

— Ҳа, мумкин. Лекин бунинг учун мен сизни Капстадга элтиб қўйишим керак. Шунчаки, денгиз бўйига эмас, шаҳарга, сиз яшайдиган уйга элтиб қўймогим керак. Сиз эса уларга ҳаммасини тушунтирасиз. Агар сиз уларга менинг ҳаётимни сақлаб қолди, шу ергача олиб келди, десангиз, менга озодлик беришларини талаб қилсангиз, кўнишади. Сиз менинг озодлигимни сотиб олишингиз мумкин. Буни бошқа ҳеч кимдан кутолмайман. Мен сизнинг измингиздаман.

Аёл лол қолди, азбаройи ҳайрон бўлганидан ҳатто унга қарашга мажоли етмасди.

— Энди тушундингизми? — сўради у янгидан жўш ураётган ғазаб билан. — Ҳеч нарсдан кўрқмасангиз бўлади, мен сизни зўрламайман. Ахир мен сизга ёмонлик қилиб ўз оёғимга болта ураманми?

— Бундан чиқди, менинг хавфсизлигим эвазига сенга озодлик. Шундай олди-сотдини таклиф қилаяпсанми? — ҳайрон бўлиб сўради Элизабет.

— Буни олди-сотди деб атаяпсизми?

— Ҳўш, сен қандай атаган бўлардинг?

— Ахир гап уни қандай аташдами? — ҳорғин гапирди у. Чамаси шунча вақтдан бери биринчи маротаба яланғочлигидан ўзини ноқулай сезди. У қамчи излари билан гуллаб ётган орқасини ўгириб, гулхан олдига чиқиб кетди. Оловга ўтин ташлади, сўнг терисига ўраниб нарироқдаги ярим қоронғиликда чўзилди.

Элизабет яна ўтириб олди ва унга тикилди. Бу сафар унинг кўзига шаклини англаб бўлмайдиган шарпа кўринди, холос. Номаълум дунё чегарасида яшаш ва буни кашф этиш мумкин дейиш ғоят хатарли экан... Номаълум дунёни кашф этиш? Наҳотки, бу мумкин бўлса? Ким жасурроқ бўлса бунга журъат эта олади. Номаълум дунёда яшаб бўларканми? Ўз уйини йўқотган шиллик қурт узоқ яшай оладими? Не учун кўрқув уйғотадиган қоронғиликка олов орқали интилиш керак? Ана шу кўрқув туйғуси ҳайдаса керак-да!..

Адам аёл қачон ухлагани ётганини сезмай қолди. Тонг олдидан уйғонганда қоронғиликда бўғиқ нола, хўрсиниқ эшитилди... Ҳайрон бўлиб ўрнидан турди ва аёлга яқинроқ эгилди, сеҳрлангандай аёлнинг қимирлаб турган қўлларига тикилди. Унда аёлга яқинлашиш истаги уйғона бошлади.

— Сенга нима керак? — бўғиқ овоз билан пичирлади аёл ва чойшабни устига тортди. — Сенга нима керак? Кет!

Лекин у кетолмасди, ўрнидан қимирлай олмасди. Эй аёл зоти, сен шундай, бир сирли ўлкасанки, сенда йўқолиб қолиш ҳеч гап эмас.

Аёл чойшабига ўралиб ўтириб олди. Милтиллаб турган чўғлар деярли ёруғлик бермасди. Қоронғиликда у фақат йигитнинг озғин гавдаси, елкаси, ичига ботган қорни, қора илоннинг бошига ўхшаш нарсаларни ажратди, холос.

— Раҳм қил менга. Очлик ва кўрқув мени адойи тамом қилди, фақат тинчликни истайман. Мен энди бундан ортиқ жабру жафоларга дош беролмайман, ёлғизликни кўтара олмайман...

... Бир лаҳзалик туйғуга эрк бериш, дарёга ўзини ташлагандай аёлга салгина эгилиш, тегишнинг ўзи кифоя. Лекин бу лаҳза ҳаётингни, келажагингни ағдар-

тўнгар қилиб юбориши мумкин. Биргина ноўрин ҳаракат ҳамма нарсага барҳам бериши, хароб қилиши эҳтимолдан холи эмас.

Адам яна ўрнидан турди, томоғидан қандайдир, нолага ўхшаш садо чиқариб қоронғилик қаърига, терилар ётган ҳалиги ўрнига кетди.

— Эй, худойим, сабр-бардош бер менга. Охириги куролимни тортиб олма. Озодликка чиқишимнинг шу илинжигина қолган, холос.

Энди Адамнинг қулоғига ҳеч нарса эшитилмасди. Аёлнинг нафас олиши ҳам қулоққа чалинмасди. Аёл ухлаб қолдими ёки кўзларини катта очиб тун қаърига тикилганча бедор ётибдимикин? Лекин у аёл ётган томонга қайрилиб қарамасди. У бир уюм ўтин устига ўтирди, тиззасига юк ўраладиган терини ташлаб, ҳафсала билан ўзига фартуқ ва белбоғ тика бошлади.

Кейинроқ улар иккинчи ҳўкизни ҳам йўқотишди. Бу ўлканинг шарқида тез-тез қутуриб турадиган момақалдиروқдан кейин рўй берди. Бундай ҳодисалар кўринишидан оромбахш ва майин табиатли ўлканинг нақадар хатарли эканлигини исботлаб турарди.

Улар денгиз соҳилига етиб келишларига уч-тўрт кунлик йўл қолганди. Момақалдироқ аста-секин етилиб келаётган эди. Ҳаво рутубатли ва ниҳоятда иссиқ эди. Тиқ этган шамол эмас, бирор парча булут кўринмас, чидаб бўлмайдиган даражадаги иссиқдан ўзингни қаерга қўйишни билмайсан. Кийимлар ҳўл бўлиб баданга ёпишади, иссиқ силлани қуритади, баданга ҳаво ўтмайди.

Улар қуюқ ўрмон ёқалаб, птероксилон, олхўрисимон бута ўсимлиги, бафия, акас, атлассимон дарахтлар орасидан ўтиб ялангликка чиқишди.

Уларнинг истиқболида узун нишаб қиямалик ястанди. Бу қиямаликда ёввойи зайтун ва шафран, қора арча, ёввойи шафтоли, чайир, темеда, кўп тарқалган суглама ўсиб ётарди. Тўсатдан қувончлари ичларига сиғмай қичқариб юборишди — пастликда улар шу вақтгача дуч келмаган кенг ва серсув дарё ялтиллари.

Аёл ўз кундаликларида бу жойларни айнаи шундай тасвирлайди. Ўша жойларда қандай воқеалар рўй берганини тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Адам бирор жойдан тимсоҳ чиқиб қолмасин деб пойлаб турди, Элизабет эса қирғоққа ётганча ичаверди, ичаверди, ёнай деб қизиб кетган юзига ҳовучлаб-ҳовучлаб сув сепди. Улар бир неча кундан бери сув топиша олмас, ташналикни Адам йиғиб келган ёввойи анжир, сувли тугунак, тарвузлар билан қондиришаётганди. Ниҳоят, олдиларидан мана бу мўъжиза — кенг, тезоқар дарё чиқиб қолди.

Элизабет обдон чанқоғини қондиргач, дарёнинг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлди, лекин Адам бунга йўл қўймади, бу хавfli эканлигини тушунтирди. Оқим бўйлаб тепага қараб юрилса, беш соатлардан кейин кечув келишини ёхуд сол ясаб юкларни ўтказиш лозим бўлишини айтди. Бундай жазирамада эса юриш маъносиз. Аёл унинг гапларига кўниб, Адам сол яшаш мақсадида топган ёғочларни боғлаш учун пишиқ новдалар йиға бошлади. Кечкурун қоронғи тушгунча дарёдан ўтиш учун ҳамма нарса шай бўлди. Лекин ўзлари обдон чарчаб, оёқларида зўрға туришарди.

— Хўш, йўлга тушамизми?

— Яхшиси, эрталабгача кутган маъкул. Дарёдан ўтишимизга бир соатча вақт кетади, бу орада қоронғи тушади, тунаш учун ўзимизга қулайроқ бошпана қуриб олишга улгурмаймиз. Қурганда ҳам дурустроқ бошпана қуришимиз керак: қаттиқ жала бўладиганга ўхшайди.

Аёлнинг қаршилиқ кўрсатишга ҳоли йўқ эди, шунинг учун зўрға рози бўлди. Унинг назарида Адам атайин вақтни чўзаётгандай, қўрқув ва азоблардан ниҳоят қутулиб, тинчлик, хотиржамлик топадиган, аллақачон эзгу мақсадига айланган денгизга чиқишини орқага ташлаётгандай туюлди.

Адам унинг норози бўлаётганини сезди ва таскин бермоқчидай гап қотди:

— Жаладан кейин ҳаво юришиб кетиши керак.

— Қаердан биласан буни?

— Одатда ҳамма вақт шундай бўлади.

Бу кузатиш учун Эрик Алексис Ларсон жуда миннатдор бўлган бўлар эди...

Элизабет қабул қилинган тартибга кўра тунги кўналгани ихоталаш учун Адам шох-шаббалар ташиб келаётганини кўрди. Баъзан у тўхтаб, кафти билан юзидаги терни артар, ўйдим-чуқур орқасидан ялтиллаб турган қора ирмоқча пастга оқиб тушарди. Орқадаги чандиқларини кўрганда аёл титраб кетар, газаби кўзир, шу билан бирга ундан кўз узолмасди. Сен ҳам чарчадинг, ўйларди аёл. Фақат менгагина қийин эмас. Лекин сен ҳасрат қилмайсан, қўлинг қўлингга тегмай ишлайсан. Нега? Наҳотки мен учун бўлса? Агар бир ўзинг бўлганингда бу қадар чираниб ишламасдинг. Қизиқ, шунча йил мобайнида, то сен менинг аравам олдига келгунинггача, чўлу биёбонларда санқиб тунни қандай ўтказардинг? Сен ҳақингда мен жуда кам нарса биларканман.

Тўсатдан шамол турди. Дим ҳаводан кейин юзга тоза ҳаво, салқинлик урилди, нафас олиш енгиллашди, иссиқдан терига ёпишиб қолган сочлар қуриди, сўнг дарахтларнинг баргларига жон кириб шитирлай бошлади, ёввойи анжир дарахтлари ҳам саросимада ҳасратга тушди, дарахтларнинг танаси фирчиллаб, чангалзор ғалати овоз чиқариб увиллашга тушди. Бутоқлар у ёқдан-бу ёққа бориб келар, нола қиларди. Сўнг қандайдир ғайритабиий маҳобатли қўл дарёга тушиладиган ўтзорни бир лаҳзада мижмалоқ қилиб ташлади. Осмон тундлашиб борарди. Куёшнинг сўнгги нурлари дарё ортидаги тепалик чўққисини салгина ёритиб турарди. Узоқ-узоқлардан момақалдиरोқнинг бўғиқ гумбурлагани эшитилди. Ҳар гумбурлагани сари момақалдироқнинг тобора яқинлашиб келаётгани сезиларди. Мана, тепаликлар устида осмонни қоқ бўлиб юборгудек бўлиб яна момақалдироқ гумбурлади.

Шамол авж олди, у чўққиларда гувиллайди, қафасдан қутулган йиртқичдай ўрмон бўйлаб югуради. Ҳўкиз кўрқув ичида арқонини таранг тортиб, дарахт атрофида чопади, кўзи қинидан чиққудай бўлади.

— Келинг, овқатланиб олайлик, ҳозир қоронғи тушади, — таклиф этди Адам.

Кеча кечқурунги овқатдан озгина асал қолганди. Адам жиндай лўвия топиб келиб қовурди, Капстаддан ўзлари билан олиб юрган чойдан дамлади. Лекин бундай шамолда овқат еб ҳам бўлмас экан. Бу шамол эмас, бўрон эди, даҳшатли кутириб, дарё бўйлаб югуради, улкан дарахтларни ергача эгади, шохларни синдиради, уларни отиб орқасидан қувлайди. Ўзини йўқотиб қўйган ҳўкиз бўкиради, арқонни узмоқчи бўлади. Адам ўқтин-ўқтин унинг ёнига бориб елкасини силайди, тинчлантирмоқчи бўлади.

Бундай момақалдироқ Ларсон лагерга қайтиб келмаган тунда ҳам бўлган эди, ўйлади Элизабет. Йўқ, ҳозиргиси ундан даҳшатлироқ. Ўшанда кун бўйи унинг қайтишини кутиб, титроқдан титраб-қақшаб ётиши билан қаттиқ ухлаб қолган, фақат тонг отгандагина уйғонган эди. Ўша тунда момақалдироқ унинг учун содиқ қоровул бўлган, барча йиртқичларни ҳайдаб юборган эди. Яна бир ҳолат борки, ўшанда у аравада ухлаган, араванинг ёнлари ва тепаси канопадан тўқилган қалин мато билан маҳкам боғланганди. Бугун эса улар билан момақалдироқ ўртасида ҳеч нарса йўқ, атроф фақат ўрмон, фақат дарахтлар.

Лекин тез орада дарахтлар айни уларнинг энг хавfli душмани эканлиги маълум бўлиб қолди. Улар буни бир пайтнинг ўзида, ер ларзага келиб, устларига шовуллаб дарахт ағдарилганда тушунишди.

— Илдизи билан қулаб тушибди.

Яна гумбурлашу қарсиллаш. Ер бўйлаб гувиллаган овоз югурди, бўрон қоронғиликда бирин-кетин баҳайбат дарахтларни ағдарар, ер қаърига кириб кетган мустаҳкам илдизларни ҳам кўпориб ташларди. Бўрон эса кучайгандан кучаярди. Осмонда тўхтовсиз чақмоқ чақар, тоғлар ағдарилиб тушаётгандай даҳшатли қарсилларди. Бу қора туннинг қайсидир дақиқасида уларнинг хилватгоҳларига кираверишдаги тўсиқнинг шундоққина олдидаги ҳайбатли дарахтни яшин урди. Улар ҳатто қутураётган бўроннинг ҳам овозини ютиб юборган, қулоқни кар қиладиган даҳшатли зарбани эшитиб, секингина бошларини кўтарганларида алангадан ярақлаб кетган осмонни кўрдилар. Қарийб шу дақиқада улкан дарахт йўлида учраган ҳамма нарсани вайрон қилиб, уларнинг лагери устига ағдарилиб тушди-да, бамисоли машғаладай лов этиб ёниб кетди. Шамол ёнаётган

шоҳ-шаббаларни ўрмонга учириб юборди. Элизабет зарбани эшитиб дик этиб ўрнидан турди-да, қўрққанидан Адамга ёпишиб олди.

— Бу ердан тезроқ кетишимиз керак, — энтикиб гапирди Адам ва аёлнинг эсини жойига келтириш учун елкасидан ушлаб силкитиб қўйди. — Менга тез ёрдам беринг.

— Ҳўп, ҳўп. Мен нима қилай? Қаерга борамиз?

— Ўрмоннинг очикроқ жойига. Бу ёққа юринг, менинг орқамдан. Ҳўкизни ушлаб туринг, юкларни ортаман!

— У мени йиқитиб кетади!

— Қўрқаётганингизни унга билдирманг. У билан гаплашинг. Тезроқ, бир дақиқаниям йўқотиш мумкин эмас.

Элизабет титраб-қақшаб ҳўкизни тинчлантиришга уринди, тумшугини силади, Адам бўлса шу дақиқада унинг устига қақир-қукурларини ортди.

— Бўлди, кетдик.

Адам ҳўкизни тортади, аёл гандираклаб унинг орқасидан эргашади, ёнаётган дарахтдан, ўрмондан қочишади. Лекин улар ўрмон яланглигига чиқишгандан шамол тўсатдан уларга ёпирилади.

— Бу ёққа! — қичқирди Адам ёввойи зайтун ва сутлама сингари паст дарахтлар ўсиб ётган дарахтзорни кўрсатиб. Бу ерда катта дарахтларнинг босиб қолиш хавфи йўқ эди.

Улар баданларини шоҳ-шаббалар тирнаб ташлаётганини ҳам сезмай, қалин бутазор оралаб мўлжалланган манзилга шошилишарди.

Бирдан ёмғир қуя бошлади. Шамол ўзининг олий нуқтасига қўтарилган, осмон жаҳаннам сингари ловуллаб турган бир паллада ёмғир челақлаб қуя бошлади-ю, шамол ҳам бирданига тинди-қўйди. Кейинги кунлардаги одамни қарахт қилиб юборган жазирамадан сўнг бирданига тушган совуқ худди устиларига муз чойшаб ёпгандай бўлди. Буталар тагидан бир амаллаб жой топиб, ҳўкизнинг биқинига суқилиб олишди. Адам юк ўрайдиган терилардан бирини ёзиб, устларига ташлаб олишди. Юкларни эса гавдалари билан ёмғирдан тўсишга ҳаракат қилишарди. Элизабет қўрққанидан Адамнинг пинжига тобора яқинроқ суқилар, ўзидаги салгина ҳароратни у билан баҳам кўраётгандай бўларди.

Лекин шамол аҳён-аҳёнда кучга кирар, дарахтларни қулатар, илдизларни қўпориб ташларди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда бирданига лов этиб олов ёнар, булутлар орасидаги яшинлар ҳали-вери жаҳлдан тушадиганга ўхшамасди. Яна жала қуйиб, уларни ерга қапиштириб қўйди.

— Наҳотки, ёмғир ҳеч тўхтамаса? — Аёлнинг тишлари такирлар, буни тўхташга ожизлик қиларди.

Кетма-кет гумбураётган момақалдиروқнинг шахти шундай баланд эдики, Элизабет пировардида ҳатто қўрқмай қўйди, мадори қуриган, руҳий тушкунликка тушган ҳолатда ҳеч нарса хаёлига келмай Адамга ёпишарди. Адам бир қўли билан аёлнинг елкаси оша кучоқлаб, бошқа қўли билан эса деярли фойдаси тегмаётган устиларидagi терини ушлаб ўтирарди.

— Тўхтайди, тезда тўхтайди, — дерди у. — Сал ҳўл бўлсак зарари йўқ.

Момақалдироқ фақат эрталабга яқинлашгандагина шахтидан қайта бошлади. Ёмғирли туннинг чоки сўкилиб, ғира-шира тонг бўзара бошлагани сезилди. Ёмғир ҳамон ёғаётган бўлса-да, анча сусайганди. Элизабет ҳамон Адамнинг ёнида эзилган, эсанкираган бир алфозда гужанак бўлиб ўтирарди. Момақалдироқнинг гумбурашлари деярли тинчигач, ҳорғинлик ўз ишини қилди, уйқу зўрлик қилиб, аёл ухлаб қолди. Лекин тез орада совуқдан жунжикиб уйғонади. Қаердалигини, қандай ҳодисалар рўй берганини аввалига эслай олмайди. Даст-аввал Адамга кўзи тушди. У Элизабетнинг елкасига бошини қўйганича ухлаб ётарди. Беихтиёр йигитнинг юзига қаради, уйқусида чўчиб кетаётганини сизди. Нима бу? Улар бутун кечани бир-бирларининг пинжига суқилишиб ўтказишдими? Ҳозир, уйқусида унинг юзи беғубор — такаббурлик ҳам, ғазаб ҳам йўқ, фақат ҳорғинлик, ётсираш ва осойишталик бор, холос. Аёлнинг бадани совуқдан қотиб, оёқлари увишиб қолганди. Лекин Адам шу ондаёқ кўзини очиб унга қаради.

— Ухла, ухлайвер, — деди у ва ўз овозини танимади. — Сен чарчадинг.

— Йўқ, совқотиб қоламиз, ҳаракат қилиш керак.

Улар буталар тагидан зўр машаққат билан, ҳар бир тикан, ҳар бир шохнинг тегиб кетишидан озорланиб зўрға чиқишди. Аёл Адамнинг қон талашиб турган, янги тирналган қоп-қора баданларига қаради. Унга бу одамни илгари ҳеч қачон кўрмагандай туюларди.

Уларнинг чор-атрофларида синган буталар, илдиизи билан қўпорилиб тушган дарахтлар, илдиэларнинг лойга айланиб кетган ўрнилари. Адам аёлга орқа ўгирилиб атрофни кузатарди.

... Кечаси менинг хўрсинишимни эшитган кунингдан эйтиборан мен сен учун фақат аёлга айландим. Бизнинг танамиз ўзимизга халақит бермоқда. Лекин бошқачасига қандай қилиб бир-биримизни толамиз, билиб оламиз? Биз ўз танамиздан уяламиз, танамиз бўлса биздан уялмайди. Момақалди роқ маҳалида баданларимиз табиий равишда бамисоли сув остида қолган дарахтлардай бир-бирига чирмашиб кетди.

... Менга бир қараб қўй. Сўзнинг кераги йўқ, шунчаки бир қара, қандай ҳодиса рўй берганини билиб қўй ва буни инкор этма. Менга ишонавер ва шу ишонишингни менга ҳам ошкор қил. Сенинг ишончинг менга қанчалик зарурлигини кўрмаяпсанми ахир? Агар менга ишонмайдиган бўлсанг, демак, билгинки, бу тун бекорга ўтибди. Демак, биз момақалди роқдан кўрқиб, ҳайвонларга ўхшаб бир жойга гуж бўлиб олибмиз — сен, мен ва хўкизимиз. Йўқ, йўқ, ундай эмас. Бу кечанинг маъноси ва аҳамияти ўзгача. Мен аминманки, ёмғир ерга қандай кирса, бу кеча ҳам бизнинг қалбимизга шундай кириб қолди. Шунитан ол, мен энди сендан ҳеч нарсани сўраб-суриштирмайман. Шунитан ол, бўлмаса мени инкор этган, ўчириб ташлаган бўласан...

— Хўкизга қараб туринг, — деди унга Адам. — Мен гулхан ёқишга уриниб кўраман.

— Куруқ ўтинни қаердан оласан ҳозир?

— Эҳтимол, чангалзордаги буталар у қадар ҳўл эмасдир? Қора арча топсам кўнгилдаги иш бўларди. У ёнувчан бўлади. — Адам орқасига қарамай аста-секин нари кетди. Элизабет ёлғиз қолди. У бўғчадан тоза қўйлагини чиқарди, бу ҳам ҳўл эди. Эғнидаги қўйлагини сиқса сув тушарди. Худога шукрки, терига ўралган кундаликлар куруқ эди.

Бир соатлар чамаси ўтгандан кейин ўрмоннинг ичкарасидан осмонга тутун устуни кўтарила бошлади, бир оз вақтдан кейин Адам кириб келди. Улар хўкизни чоптиришиб, ўзлари ҳам бир оз исиниб олишди. Аёлнинг кўзи кичкинагина гулханга тушди, энди исиниб оламан деб юраги орзиқди. Элизабет қўлларини гулхан тафтига чўзиб исинди, у эса бу вақтда сув қайнатиб, жаладан шалаббо бўлган бир неча бўлак қуритилган гўштни қовурарди.

— Биз қулайроқ жой топиб, ҳавонинг юришиб кетишини кутмоғимиз керак, — деди у бир оздан сўнг.

Кечалари бир-бирларининг пинжига кириб, кундуз кунлари, ёруғда аввалгидай бир-бирига бегонадай муносабатда бўлиш. Қачонгача алдаб кун кечирш мумкин ахир? Бир-бирининг ажралмас қисми бўлиб қолишнинг ўз ҳақиқати бор, уни алдаб бўлмайди.

— Йўқ, мен бу ердан кетишни хоҳлайман, — жўшқин жавоб берди аёл.

— Олдинга юришми? Сиз бунинг биз учун қанчалик хатарли эканини билмайсиз, — кескин жавоб берди у. — Биз шу ерда қоламиз.

— Лекин мен талаб қиламан...

— Қандай ҳуқуқингиз бор мендан бирор нарсани талаб қилишга? — ёниб кетди Адам. — Сиз бу ўлкани билмайсиз, мен эса биламан.

— Илтимос, — илтижо қилди аёл. — Мен бу ерда қололмайман. Ҳаракат қилиб кўрайлик, илтимос сендан.

— Ким сизни қувяпти бу ердан?

— Ким мени қувяпти? Сен.

— Биз тезроқ денгизга чиқиб олишимиз керак.

— Ахир ясаган солимизни дарё оқизиб кетди-ку.



Ҳа, албатта, уларнинг соли ғойиб бўлганди. Улар қирғоққа яқинлашишганда дарё тўлиб оқаётганини, соҳил бўйидаги буталар сув остида қолганини кўришди. Солдан ному нишон кўринмасди.

— Бошқасини яшашга тўғри келади, — деди Адам.

— Наҳотки, солсиз ишимиз битмаса? — ўжарлик билан эътироз билдирди аёл. — Ҳўкизимиз жуда кучли, ҳатто устидаги юки билан дарёни кечиб ўта олади. Ҳўл бўлиши мумкин бўлган нарсаларни эса бўғчадан бу ёққа оламыз.

— Бу сизнинг кундаликларингиз шекилли?

— Ҳа, менинг кундаликларим. — Аёл унинг юзига тик қараб қўйди. — Уларни ўзим олиб ўтаман. Сен ўқ ва порохларни олиб ўтасан. Озиқ-овқатнинг бир қисмини ҳам. Бошқалари ҳўл бўлган тақдирда ҳам зарари йўқ.

— Сиз бу дарёни билмайсиз.

— Ҳечқиси йўқ, ҳўкизимиз жудаям кучли.

— Сиз билан биз-чи?

— Сузиб ўтамыз.

Адам мийиғида кулиб қўйди.

— Денгизгачами?

— Биз вақтни бекорга ўтказаяпмиз, — тоқатсизланиб гапирди аёл. — Ҳўкизни бу ёққа ҳайдаб кел.

— Сиз бошингизни сиртмоққа тутяпсиз!

— Ҳаммасини ўзим қилишимни хоҳлайсанми сен?

Аёл ғазаб билан Адамга тикилди, сўнг орқага ўгирилиб сирпанчиқ қиямаликда юқорига, ҳўкизларни қолдирган жойига қараб кетди. Адам қовоғини уйғанича юкларни ерга ёйди. Аёл унинг ёнига чўккалаб ўтириб олганича буюмларни ажратишга тушди. Кундаликлар, патронлар, порох, милтиқ, тўппонча, ун ва қандни — ўзлари олиб ўтишлари мумкин бўлган нарсаларни бир томонга ажратиб, иккита терига ўради. Қолган нарсаларни эса Адам ҳўкизга ортди.

Улар жониворни пастдаги дарёга ҳайдашди. Ҳўкиз тихирлик қилар, лекин ер жуда сирпанчиқ бўлгани туфайли, орқасига қайтиб чиқолмасди. Унинг олдинги оёқлари лойқа сариқ сувда турар, шундай бўлса-да, сўнгги маротаба орқага қайтишга уриниб кўрди, лекин тўсатдан туёқлари остидаги лой ўпирилиб кетди-да, ҳўкиз ўқирганча тезоқар сувга йиқилди.

Элизабет шошилиб Адамга қаради ва унинг ғазабдан кўкариб кетган юпқа лабларини кўрди-да, тескари ўгирилди.

Ҳўкиз тобора қирғоқдан узоқлашар, чирмаб ташланган юк уни дарё тубига тортар, оқим эса чеккага итарарди, фақат орқага буралган шохли калласигина сув устида кўриниб турарди. Ҳўкиз аста-секин нариги қирғоққа яқинлашиб борарди... орада бир неча метргина масофа қолганди... Шунда у тўсатдан бошини кўтарди, даҳшатли бўкириб гирдобнинг кўзга кўринмас исканжасига ғарқ бўлди. Буларнинг ҳаммаси кўз очиб юмгунча рўй берди. Элизабет аввалига ҳатто ҳеч нарсага тушунмади. Ҳўкиз бир амаллаб гирдобдан чиқиб олармикан деган умидда қирғоқ бўйлаб югуришди. Лекин фақат бир мартагина юз метрлар чамаси нарида пастликда каттагина қора нарса кўрингандай бўлди — эҳтимол ҳўкиздир, эҳтимол у эмасдир. Шундан кейин улар ҳеч нарса кўришмади.

Аёл овоз чиқармай йиғлар, катта-катта кўзларидан шашқатор ёш оқар, тирноқларини кафтига ботириб олганди.

— Мен сизни оғохлантирган эдим-а! — деди ичиқоралик билан Адам.

Унинг сўзларидан кейин ичи узилиб кетгандай бўлди.

— Сен айбдорсан! — ўкириб юборди аёл. — Сен мени мажбур қилдинг, сен!

Ўзини йўқотиб қўйган аёл ундан қочиб кетди. Қалин ўсган ҳўл ўтлар устидан узун ички кийимида туртиниб-суртиниб қирғоқ бўйлаб пастга чопарди. Сўнг халақит бермаслиги учун қўйлагининг этагини кўтариб олганча чопишда давом этди. Бир неча бор қоқилиб йиқилди, оёқлари билан гоҳ каламуш, гоҳ илонларнинг инларини босиб олар, бор бўйи йиқиларди. Лекин ҳар сафар ўрнидан туриб ўкраб йиғлаганча яна чопарди, ўпкаси қинидан чиқиб кетай дерди. Ниҳоят силласи қуриб тўхтади. Лойқа сувда ҳўкиздан ном-нишона кўринмасди, ҳатто дарё қайрилиб ёйилиб оқаётган жойда, бу ердан кўриниб турадиган

олис масофада ҳўкиздан дарак берадиган бирор белги тополмасди. Унинг барча юклари, барча буюмлари! Кострюлкалар, товалар, пичоқлар, озиқ-овқатнинг қолган қисми, чойшаблар, кўйлаклари, ҳамма-ҳаммаси...

Аёл сувдан кўз узмай, унинг ёвузона жодуси олдида лол қараб турарди. Ҳозир унинг ваҳимали ўпқонига бир сакрасанг бас, ҳар нарсада унга қарши чиқаётган дунё билан ҳам курашиб ўтирмайсан, Адамдан ўзингни ҳимоя ҳам қилмайсан, ҳеч нарсага интилмайсан, ҳеч нарсани истамайсан, ҳеч нарсага ишонишнинг ҳам ҳожати йўқ. Бир ҳаракатнинг ўзи кифоя — ҳаммаси тамом бўлади, уни чеки-чегараси йўқ денгизга элтади.

Лекин у бу ҳаракатни қилолмасди. Кўрқиб кетаяпман, жуда чарчадим. Энди ҳеч нарса хоҳламайман... Аёл унинг қадам товушларини эшитди, лекин сувдан кўзини узмади. У ёйилиб оқаётган дарёга қараб турар, бошқа ҳеч нарсага кучи етмасди.

— Бўлди, — деди ва аёлнинг қўлини ушлади.

— Қандай билувдинг?

— Хафа бўлманг, етиб оламиз.

Унинг кўз ёшларидан ҳўл бўлган юзлари аламдан буришиб кетди.

— Етиб оламиз?! Нега менинг устимдан куласан? — У қўлини Адамдан тортиб олмоқчи бўлди. — Қўйиб юбор!

— Аввал тинчланинг.

Шунда аёл силласи батамом қуриганини сезди. У Адамга ўзини ташлаб, кўкрагига бошини кўйди, бутун борлиқни унутиб йиғлайверди, йиғлайверди. У эса аёлнинг елкасидан ушлаб зўр бериб тинчлантиришга уринарди.

Ниҳоят, аёл ўзига келди, лекин яна бир неча дақиқа юзини унинг кўкрагига кўйганча турди, сўнг уялиб тескари ўтирилди ва кўз ёшларини артди.

— Кетдик, — деди у, — акс ҳолда яна ёмғирда қолишимиз мумкин.

Яна икки кун бутазорларда, шох-шаббадан ясалган ёмғирдан сал пана қиладиган чайлада кун кўришди. Шамол тинди, энди дарахтларнинг қулашидан кўрқимаса бўларди. Пировард-натихада ёмғир ҳам тинди, осмонда куёш кулиб боқди.

Адам ўрмондан хушхўр, нордон-ширин мева ва барглардан териб келди, аёлнинг таранг тортилган асаблари ўз ҳолига қайтаётганини, буларни истеъмол қилаётганда қандай роҳатланаётганини кўриб хурсанд бўлди. Сўнгра у куён отиб келиб оловда қовурди. Оловга тўхтовсиз қора арча шохларини ташлаб ўчирмай ушлаб турарди. Ҳаво юришиб кетган, улар қолган лаш-лушларини икки тугунга тугишди-да, дарё бўйлаб юқорига, кечув жойига йўл олишди. Бу кечув жойини олдинги дарбадар кезишларида эслаб қолган эди. Кечувга етгач, кичикроқ сол ясашади-да, буюмларини жойлашади, унга Элизабет ҳам ўтириб олади. Адам эса ҳамон тўлиб, айқириб оқаётган дарёдан эҳтиёткорлик билан нариги қирғоққа ўтказди.

Аёл аввал, албатта, ҳўкизини қидириб топмоқчи бўлди. Икки кун мобайнида сув тошқини бўлиб, эндиликда сув дарёга қайтган жойлардаги изларни қараб чиқишди. Сон-саноксиз ҳайвонлар, кийиклар, ҳатто йўлбарс жасадлари кўринди, лекин ҳўкизни ҳам, ўз буюмларини ҳам топиша олмади. Элизабет ахийри ҳўкиз ва буюмларининг йўқолганини тан олишга мажбур бўлди ва яна Адам билан дарёдан нарига, унинг узоқ, сирли денгизи томон кетди.

... Йиғлаб елкамга ёпишган пайтингда сен мендан, қип-қизил қул, сургундаги одамдан тасалли истадинг. Ёхуд олдингда ўша дақиқада ким бўлса ҳам, шунчаки ўткинчи одам бўлса ҳам кучоғига отилармидинг? Сен менинг кўкрагимга бош кўйиб ухлаб қолганинга уйқунгни бузиб юборишдан кўрқиб, қимирлашга ҳам журъат этмай сенга узоқ тикилдим. Сени ўша пайтда уйқу ва ҳорғинлик элитдими ёхуд менинг бағримда бўлганинг учун бемалол ухладингми? Сен аслида мен ҳақимда нима биласан ўзи? Ўзим тўғримда ўзим нима билардим? Мен бутунлай гумону шубҳалар ичида яшайман, нима қилмоғим керак? Олдингда жимгина денгизимгача бориб, сўнг сени одамларингга етказайми, ўртамиздаги аҳд-паймонни бажарайми, бундан бошқа мен учун ҳеч қандай йўл йўққа ўхшайди.

— Капстадда хотининг бўлганмиди? — қўққисдан сўраб қолди бир куни аёл.  
 — Кулларга уйланиш мумкин эмас.  
 — Хотининг бўлмаслиги мумкин, ахир кимдир, қандайдир аёл, қайсики сен уни...  
 — Ҳа, баъзан аёллар билан ётганман, — очикчасига гапирди у аёлга тик қараб.

Аёлнинг юзи қизариб кетди.

— Мен бу ҳақда сўраганим йўқ, — довираб жавоб берди аёл, — сен мени тўғри тушунмадинг.

— Бу ерда тушунадиган нима бор?

Аёл узоқ жим қолди, сўнг ўзини қўлга олиб, ерга қараганча сўради:

— Ҳеч қачон бировни яхши кўрмаганмисан?

— Йўқ. — Улар дим ўйнагандек жим қолишди, сўнгра Адам гапини давом эттирди. — Бир қизни яхши кўрардим. Узоқ вақт эмас. У Явадан эди. Сўнг қизни сотиб юборишди.

— Сотиб юборишди?

— Сиз кулларни сотишларини билмайсизми?

— Эҳтимол, шундай қилишгани сизга яхши бўлгандир? — ўйчан гапирди Элизабет.

У ажабланиб жимгина турди-да, сўнг алам билан сўради:

— Нега менинг устимдан куласиз?

— Мен кулаётганим йўқ, — ғамгин жавоб берди аёл. — Сенинг муҳаббатинг сенинг учун шундайлигича, поклигича қолибди. Бахтингга сен унинг қандай сўниб боришини кўрмабсан.

— Сиз бу ҳақда бирор нарса биласизми?

Лекин аёл ўзини эшитмаганга олди.

— Шундай одамлар борки, улар бир-бирларини сева туриб, пировардида бир-бирларига азоб беришади, — оҳиста сўз қотди аёл.

— Кулгили.

— Эҳтимол, сен ҳақдирсан, ҳақиқатан кулгили. Балки бундай эмасдир. Мен соябонли аравада титраб-қақшаб ётганимда кўпинча севги хиёнатга, сўнгра қотилликка томон ташланган биринчи қадам деб ўйлардим. Биз ўзимизга хиёнат қиламиз ёки бир парчамизни маҳв этамиз. — Яна ҳам секинроқ, аммо эҳтирос билан қўшиб қўйди: — Ахир мен Ларсоннинг қалбини маҳв этмадимми, худди шу сингари у ҳам менинг кўнглимни вайрон қилди. Бечора Эрик Алексис!

— Эҳтимол, сиз уни ҳеч қачон севмагандирсиз?

— Эҳтимол. Лекин севиш, севмасингни қаердан биласан? Олдиндан қандай биласан бунга? Ахир биз ўзимизни мукамал биламизми, бировга ишона оламизми? — Аёл бир дақиқа кўзини юмди. — Ўз эркингдан воз кечиш, бировнинг ўз устингдан ҳокимлигига бўйсунуш, ўзлигингдан бутунлай воз кечиш — мана булар энг даҳшатлидир.

— Лекин биз ўзлигимиздан воз кечмасак-чи?

— Унда ҳеч нарсдан кўрқмасак бўлади. Лекин бу — биз ўз бахтимиздан олдиндан воз кечганимиз бўлади.

... Бу ташвишли оламда; алам, хиёнат ва ёмонлик тўлиб-тошган бу дунёда инсонга шундай одам учрасаки, одам у билан ҳеч қачон айрилмаса, бир дақиқага эмас, абадулабад бир-биридан айрилмаса. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди, бу ноёб бахт, бунинг учун сен зўр қувонч билан ҳаётингни гаровга қўйсанг, барча тўсиқларни енгсанг арзийди. Сен таваккал қилмаслигинг мумкин. Ҳеч ким сени мажбур этмайди. Агар бутун умринг шу учрашувни кутиш билан ўтган бўлса-чи?.. Адам унга тикилиб турарди.

... “Ҳа, ҳа”, аёлнинг “ҳа” дегиси келарди. “Ҳа” дейишга ижозат бер менга. Лекин ичимда озодликка илинжнинг охири зарралари илиниб турибди, ярамдан ҳали ҳам қон сизяпти, мен ҳамон кўрқаман. Ўзимнинг оёғимга болта ургим келмайди, ахир сенинг кимлигингни мен ҳали билмайман-ку...

Мен сени истайман. Эҳтиросимни ҳар дақиқа бўғиб тураман. Сен мен билан бўлишингни хоҳлайман. Лекин мен сени чақиришга журъат этолмайман. Бутун борлигим сенга интилади, аммо айнан шунинг учун ҳам сени ўзимдан нарироққа итараман. Мен фақат эҳтиросимни қондиришнигина истамайман, мен сени истайман. Лекин сени қабул қилишга ҳали тайёр эмасман.

— Капстадда бир дугонам бор эди, — деди Адамнинг орқасидан чангалзордан ўтиб бораётганда Элизабет, — гоят гўзал эди, ошиқлари ниҳоятда кўп эди. Отаси жуда бой савдогар эди. Кунлардан бир кун унинг ҳомиладорлиги маълум бўлиб қолади. Бунга икки йил бўлди. Аввалига у ота-онасига ҳеч нарса айтгиси келмади, лекин уни барибир айтишга мажбур қилишди. Шунда у бўлғувси боласининг отаси қўшниларидан бирининг қули эканлигини эътироф этди. — Элизабет Адамга қарамай гапирди бу гапни. — Уни отасининг иш юритувчиси-га турмушга беришди, ҳабашни эса Роббен оролига умрбодга сургун қилишди.

— Бу гапни нега менга айтдингиз?

— Билмадим. Шунчаки эсимга тушди-да.

Чангалзор тугади, энди улар очиқ жойга — сайхонликка чиқишди.

Чангалзор четига чиқишганда аёл унинг қўлидан ушлаб, қичқириб юборди.

— Кара!

Лекин у аллақачон кўрган эди.

Нарироқдаги тепалик устида томи қорайиб кетган пастдеккина пахса уй кўриниб турарди, унинг деворига йўгон калта труба ағаниб тушган, кичкинагина молхона тош девор билан ўралган, атрофда эса ҳайдалган далалар... бу ерда одамлар яшайди!

...Лекин одамлар ҳеч қаерда кўринмасди. Мен ҳеч нарса тушунмайман. Адамнинг фикрича, эҳтимол шу атрофда кафри<sup>1</sup>лар пайдо бўлишгандир. Улар одатда Фиш-Ривер ҳавзасида яшашса ҳам аҳён-аҳёнда бу ерларда ҳам кўриниб қолишади. Агар шундай бўлса бу ернинг аҳолиси қочиб кетган.

Балки шунчаки бошқа яйловга кетишгандир, эҳтимол яна қайтишар. Уй хароба ҳолига келган, деразаларнинг бирорта кўзида ойна йўқ, уйнинг ичи ўра бўлиб ётибди. Лекин уни одам яшайдиган ҳолатга келтириш унчалик қийин эмас. Уй жуда фақирона ва тор, бор-йўғи икки хонадан иборат. Бу ерда камбағалроқ фермерлар яшашган бўлса керак. Эҳтимол, уй эгаларига бундан бошқа нарса керак бўлмагандир.

Ҳовлидан эски, пачоқланган кастрюлка топиб олдик. Адам уни тузатишга муваффақ бўлди. Шунингдек, ўтхона панжараси ҳам топилди. Далалар ночор аҳволда, ёввойи ўтлар босиб кетган, лекин Адам бир неча қовоқни қидириб топди.

Ҳозирча шу ерда яшаб турибмиз, лекин фермада одамларнинг пайдо бўлишидан умид жуда кам. Пайдо бўлган тақдирда ҳам улардан не наф? Ахир бунақанги бечораҳол фермерлар Капстадга бориша олармиди? Улар менга Адамчалик меҳрибонлик кўрсата олишармиди? Шундай бўлса-да, менга балки кийимларидан беришар? Оилада аёл киши бордир, ахир?

Бу ерда ғалати ҳаёт кечирдик, худди вақт тўхтаб қолгандай. Иккаламиз ҳам денгизга интиламиз, у жудаям яқин қолди. Лекин бизни бу ерда нимадир ушлаб турарди. Нуқул имиллаймиз. Бир-биримиз билан кам гаплашамиз. Гарчи унчалик совуқ бўлмаса-да, Адам кечкурунлари олов ёқадиган ўчоқ ёнида ётаман. У бошқа хонада ухлайди. Бир-биримизга чап берамиз.

Ҳозир бу ерда танҳо ўзим ўтирибман, қандай қилиб бўлса-да, вақт ўтишини истайман. У йўқ, овга кетган. Эрта тонгда чиқиб кетувди. Қарийб беш соат вақт ўтди, ундан дарак йўқ. Эрик Алексис йўқолган кундагидек кўрқаяпман. Уша кунни эсламаслик ва ўйламаслик керак, бўлмаса ақдан озаман. Лаоқал қоронғи тушгунча келсайди.

Кундузи сал нарироққа бориб сайр қилдим. Водийга тушдим. Менинг кўз ўнгимда аянчли бир ҳолат рўй берди. Шовқин-сурон, итларнинг вовуллаши эшитилди. Мен аввалига ферманинг хўжайинлари қайтишаётган бўлса керак

<sup>1</sup> Кафри — қабила номи.

деб ўйладим. Лекин шу онда бутазор орасидан зебра югуриб чиқди, унинг орқасидан бир гала ёввойи итлар қувлашарди. Итлар зебрага етиб олишди. Зебра эса от каби олдинги оёқларини баланд кўтариб кишнар, орқа оёқлари билан итларни тепарди. Лекин итлар ниҳоятда кўп эди. Зебра яна қочди. Чамаси итлар уни анча вақтдан бери қувиб келарди, шунинг учун терлаб сув бўлиб кетганди. Иккита ит зебранинг сағрисиغا ёпишиб, тишлаб торгарди. Лекин у шу ҳолатда ҳам чопарди. Ниҳоят, улар тепалик орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлди-да, шовқин-сурон тинди.

Йўқ, Адам албатта қайтиб келади. Бирор кор-ҳол рўй берган бўлса-чи? Мени титроқ босди. Назаримда у қулаб кетилган бечора зебрага ўхшаб кетди. Илоҳим, у овдан қайтсин. Тезда қоронғи тушади, сен билан яна қанчадан-қанча йўл юришимиз керак. Эй, худойим-ей...

Элизабет титиги чиқиб кетган кўйлагининг ёқасини ушлаганча тик турарди. Ташландиқ уйни қидириб на ип, на нина топа олди, ўзиники эса ҳўкиз билан бирга дарёга чўкиб кетганди. Йиртилиб кетган жойларини боғлаб қўйишга тўғри келади, ёқаси эса энди бундан ортиқ йиртилмас. Эғнида кўк кўйлаги. Қачонлардир у шу кўйлақда Капстадга қайтишни хоҳлаганди, эндиликда эса бу унинг ягона кўйлаги.

Аёл эшик олдига ўқтин-ўқтин чиқиб, эрта тонгда Адам кетган томонга қараб-қараб қўяди. Эҳтимол, у бутунлай қайтиб келмас. Сўнгги кунларда у жуда камгап, ўжар бўлиб қолганди, ҳаво етишмаётгандай сезарди ўзини. Нега шубҳалан-япти ундан? Ахир, Элизабет Адам фақат унинг учунгина бу ерларда қолганини билади-ку. Аёл ўзига ён беришларини истамасди. Шундай бўлса ҳам унга узил-кесил ва қатъий қилиб: “Бу ерда шунча ўтирганимиз етар, кетдик энди”, деб айтаолмаяпти.

Фарибона уйда ўтаётган шу кунлари ҳозиргача яшаган ҳаётларининг бир манзили. Агар ферманинг эгалари қайтиб келишса — Адам уларнинг қайтиб келишларига ишонади, акс ҳолда уйни бу ҳолатда ташлаб кетишмасди — аёл у билан шу ерда хайрлашади. Машаққатли пиёда юришларига чек қўйилади, аёл ўй-хаёллардан, доимий безовталиқдан халос бўлади, ундан эмас, ўзидан қўрқишдан қутулади.

Аёл эшик олдига чиқиб тепалик устидаги хира тортган қуёшга тикилади. Узоқдан қарғалар галаси учиб ўтяпти, уларнинг мудҳиш, бамисоли ўлим олдидаги қичқириқдай эшитиладиган овозлари қулоғига чалинди, чакалакзорда гуррак гуриллайди, гўё сув томчилари томаётгандек нозиккина чириллаш эшитилади. Йиртқишлар ва бошқа ҳайвонлар кўринмайди. Эҳтимол, уларни фермада одамларнинг пайдо бўлганлиги чўчитиб қўйгандир. Ёввойи ва маъсум ўлкадаги ернинг бу кичик парчаси ҳам секин-аста хонакилашиб келаётганди.

Унинг юраги сиқилди. Сон-саноқсиз водийлар, тепаликлар орасида унутилиб кетган лой томли харобгина уй, қип-қизил девор, тупроқ ер, ўчоқ. У эса икки хил дунё остонаси, чегарасида. Қайрилиб уйга кирса, катта дунёнинг даъвати дарҳол енгиб бўлмас кучга айланади. Ташқарига чиқиб, пастга тушса дарҳол ўзини деворлар панасига олиб, уйга кириб ҳимоялангиси келади. Озгинагина ҳайдалган ер, пастаккина уй атрофидаги ёввойи ўлка эндиликда худди ҳайвон ва қушлардек бошпанасиз яшаган пайтларидагидан кўпроқ қўрқитаётган эди уни. Ахир ўшанда уларнинг беркинишга на уйлари, на соябонли аравалари бор эди, фақат кечасига шох-шаббалардан ясаб қўйиладиган фойдасиз деворлари бор эди, холос.

Агар Адам қайтиб келмаса, у бу ерда қолмайди. Ташналик ва очликдан ўлиб кетмасдан, йиртқиш ҳайвонлар бурда-бурда қилиб ташламасдан олдин танҳо бўлса ҳам ўрмонга кириб кетгани ва ўша ерда тентирагани афзал.

Наҳотки, у аравага яқинлашган оқшом аёлга шу қисмат ёзилган бўлса? Уни тунаб, бор буд-шудидан жудо қилиб, сўнг ташлаб кетишими? “Кўрамиз, бу ердан қандай қилиб чиқиб кетаркинсиз, сиз шундай жазога мустаҳиқсиз, ўзим учун сизнинг Капстадингиздан шундай ўч оламан!”

Йўқ, йўқ, бу мумкин эмас. Унда нега гамхўрлик кўрсатди, ҳар куни гулхан ёқди, овқат ва сув келтирди, ёввойи ҳайвонлардан қўриқлади, бўрон турган кечада ёмғирда ўз танасининг ҳарорати билан мени иситди?

Аёл ёқимсиз манзара — чек-поёни йўқ, доимо шамол ўйнаб турадиган кенгликларга разм солди. Тепада ботаётган қуёш нурида қизариб кўринаётган булутлар сузиб юрибди. Лекин уларнинг ҳаракати ғоят секин бўлганлигидан деярли сезилмайди. Булутлар худди бир жойда турганга, ер эса секингина унинг олдидан ўтиб кетаётганга ўхшарди.

Бу фикр уни қўркувга солди. У қоронғи уйга қайтиб ўчоқ олдидаги ғўлага ўтирди. У яқиндагина ёққан олов гуриллаб ёниб, атрофга яхши ёруғлик бермоқда. Ўчоқнинг деворига тасаввур қилишга уринди. Бундай одамларни Ларсон билан қилган саёҳатлари мобайнида жуда кўп учратишганди. Ҳайвон терисидан калта камзул, соябонли шляпалар кийиб олган эркаклар уй олдида ўтирганларича чой ёхуд асал ва бангидевона илдизидан пиширилган готтентот пивосини ичишар, семириб кетган аёллар уйда уймаланишарди. Ҳеч қачон ўчмайдиган ўчоқ ёнида кампир мудрайди, ифлос қўйлакчалар кийган болакайлар ерларда аганаб ётишарди. Товуқлар ерга сочилган донларни териб ейишади, ёхуд бурчакдаги қўполгина ясалган “эшак” тагида тухум очишарди. Уйнинг ёнгинасида озгин, мункиллаб қолган кул икки-ич сигирни боқади, шу ерда қўйлар ҳам думбаларини ликиллатиб юришади, эчкилар маърашади. Жўхоризор ва буғдойзор далалар, мажмағил тоқзорларда гала-гала қушлар.

Қуллар овқатни суянчиқсиз “эшак” ёнидаги стол устига келтириб қўйишади. “Эшак”дан ташқари бир неча шалоқ курси келтирилади. (“Эҳ, буларни биров тузатсайди, савобга қоларди. Қишда синганди, бека ўтирганда. Бека ҳамон оқсоқланиб юради, истисқо касали ҳам бор бечоранинг”). Оила аъзолари қатъиян ёшларига қараб дастурхондан жой олишади. Уй соҳиби тахтадан ясалган столга тирсақларини қўяди, оғзида трубка, бошида шляпа, чап қўлининг олдида чой қўйилган кружка. Стол устида қовоқли жўхори бўтқа, батат<sup>1</sup>, янчилмаган дондан қилинган ва сутга богирилган нон, баъзан эса қотирилган кийик гўшти. Еб-ичилаётганда миқ этилмайди. Сен санчқи ва пичоқ олмадингми, зарари йўқ, қўлинг билан еявер. Хушмуомала мезбонлар меҳмон шарафига махсус келтирилган бочкадан бир қадаҳдан қўйишади. Хонимга ичишни таклиф қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Кеч киради, чўри кампир — тоғорага сув қуяди, хўжайинларининг оёқларидаги қўпол этикларини инқиллаб-синқиллаб ечиб олади ва уй совуни билан унинг оёқларини ювади, сўнг йиртилиб кетган латгада артади. Кейин ўша сувда хонадон соҳибаси ва болалар оёқларини ювишади, охирида меҳмонларга навбат келади. “Йўқ, йўқ, раҳмат, мен ювмайман”. Овқатланиб бўлишгач, Инжил ўқишади. Узоқ давом этган ибодатдан кейин — бу вақт ичида қуллар столларни йиғиштиришиб, идиш-товоқларни ювишади — аёллар ўчоқ яқинидаги бурчакка йиғилишади. Элизабет ҳам улар билан ўтиради, сўнг пичир-пичир бошланади, аёлларнинг касалликлари, болалардаги томоқ яллиғланишини қандай тузатиш, ширин қовоқдан кимнинг қандай пирог тайёрлагани, баку дарахти баргидан қандай қилиб ичкилик тайёрланишигача қолмайди, хизматкорларнинг ишёқмаслигидан шикоят қилишади. Эркаклар ўз ўринларида ўтирганларича вино ичишади, трубка сўришади, жанангдор овозлари билан сигир ва қўйлар, капалак қуртию чигирткалар тўғрисида суҳбатлашишади, кимдир от билан бушменни қандай мажақлаб ташлагани, бошқаси оёғи билан готтентотни қандай тепганини гапириб беради, Апокалипсисни<sup>2</sup> туншунтирмоқчи бўлади.

Ниҳоят, ухлагани туришади. Қуллар ошхонадан паноҳ топишади, оила аъзолари, тиғизроқ бўлса-да, ётоқхонага киришади. Эр-хотин мис суянчиғели кро-

<sup>1</sup> Батат — жануб ўсимлигининг бир тури ва унинг картошка таъмли ширин илдиз меваси (тарж. — Р.И.).

<sup>2</sup> Апокалипсис — насронийларнинг диний китобларидан бири.

ватдан, болалар эса ердан жой олишади, меҳмонларга ҳам шу жойни таклиф этишади. Сиз аравада ётишни афзал кўрасизми? Қайси бири қулай бўлса, марҳамат. Ўзингизни уйингиздагидай ҳис қилинг, бу ерда ҳамма нарса сизнинг хизматингизга тайёр, тортинманг... Эҳ, сизнинг қайлигингиз ҳам шу ердаиди, авф этасиз, туингиз хайрли бўлсин.

Қабиламнинг одамлари...

Элизабет яна ўрнидан туради. Чидаб бўлмайдиган даражада дим, нафаси қайтди, тезроқ ташқарига чиқиш керак. Ҳамон Адамдан дарак йўқ. Куёш ботди, қушлар чуғурлашиб ётиш учун жой талашишади. Олам жуда кенгайиб, бўйига ва чуқурлигига узайиб кетди.

Энди у ҳеч қачон қайтмайди.

Балки бу яхши бўлар. Нега энди мен ҳеч қандай қаршиликсиз, ўз хоҳишим билан сенга тобе бўлай? Ахир бу ҳақорат-ку. Мен аввалги барча йўлларимни бузиб ташладим, мени тизгинлаб, оёқ-қўлимни боғлаб турган ҳар қандай нарсадан қутулдим. — Капстаддан, Эрик Алексис Ларсондан, уруғдошларимдан, боламдан фориг бўлдим, ўтмишим ва келажагимдан озод бўлдим. Мен ўзимни яна асоратга туширишга ҳаққим йўқ — яна ўша асорат кутмоқда мени. Сен бошқача бўлади деб ўйловмидинг? Одам бошқасини учратгандан кейин бир умр ўша билан ажралмаслиги керак деб ўйловмидинг? Биз бор-йўғи инсон эканлигимизни, кўрқувдан, маънавий мажруҳликдан, мунофиқликдан қочиб қутула олмаслигимизни унутдинг, шекилли? Мана, сен ҳам мени ташлаб кетдинг, кўрдингми?

Уйга кириши керак эди, ҳеч киргиси келмасди. Босиб келаётган ғира-шира уни эзар, қачонлардир уйда яшаган одамларнинг бадбўй ҳидлари кўнглини айнитарди. Умидсизлик билан бошини кўтарди. Узоқда елкасига кийик танасини кўтариб дарахтлар орасидан юриб келаётган Адамни кўриб қолди.

Йиғлаб юборай деди, лекин у қулиб қўйлагини тиззасигача кўтариб олганча йигитнинг истиқболига югурди.

— Адам! — қичқирди у. — Адам! Адам!

— Нима бўлди? — сўради у аёл ҳаллослаб етиб келгач.

— Мен шундай ҳаяжонландимки, — деди у оғир нафас олиб, энди у ўзининг ҳалиги кўрқувларидан ўялаётган эди.

— Бирор ҳодиса рўй бердими?

Аёл бошини чайқади, сочлари елкасига тушди.

— Йўқ, мен шунчаки... Сен жуда узоқ қолиб кетдинг... мен ўйладимки...

— Мени қайтмайди деб кўрққансиз. Энди нима қиламан деб ўйлагансиз?

Аёл унинг овозидан шафқатсиз таъна оҳангларини туйди.

— Йўқ, ундай эмас, — деди аёл, — ўзим ҳақимда сира ўйлаганим йўқ. Мен кўрқдим... — Унинг овози титрарди. У эътироф сўзларини айта олмаётган эди, лекин барибир бу сўзларни ушлаб туролмади. — Сендан хавфсирадим. Кўққисдан бирор кор-ҳол рўй бердими, қутилмаганда йиқилиб тушдингми деб кўрқдим.

— Йўқ, мен соппа-соғман. — У яна йўлга тушди, Элизабет билан ёнма-ён қадам ташларди. Чор атрофга деярли қоронғи тушди. Ниҳоят, ферманинг ҳовлиси кўринди. Эшик олдига келиб елкасидаги кийикни ерга ташлади. Елкаси қон эди.

— Бунинг кетидан кўп юришга тўғри келди.

— Энг муҳими, қайтиб келдинг-ку.

У чўккалаб ўтириб белбоғидан пичоғини олди-да, кийикни нимталашга тушди.

Элизабет бир неча дақиқа уни кузатиб турди, сўнг уйга кириб Адам тузатиб берган идишда илиқ сув олиб чиқди.

— Ювиниб оласанми? — таклиф этди.

— Бугунги кун ғоятда узун бўлди, — қутилмаганда гапирди Адам.

— Мен бугун ҳеч қачон тугамаса керак деб ўйловдим. Сен жудаям чарчагандирсан?

— Ҳечқиси йўқ. — Адам ўрнидан туриб, аёлнинг кўзларига тикилди. Аёл ҳалигача сувли қозонни кўтариб турарди.

— Бу ҳаммаси ўйлашдан. Бугун мен жуда кўп ўйладим, — деди у.

— Нима ҳақида ўйладинг?

— Эрталаб кетаётганимда қайтиб келмасликка қарор қилдим. Мен бутунлай кетмоқчи бўлудим.

— Биладан. — Аёл қоронғиликда унинг юзларидаги маънони уқмоқчи бўларди. — Нега бўлмаса қайтиб келдинг?

— Мени сиз қайтардингиз.

— Бундан буёғига бу ерда қолиб бўлмайди, — ишонч ва эҳтирос билан сўзлади Элизабет. — Эртага эрталаб биз денгиз томон йўлга тушамиз. Бу жой бизга яхшилик келтирмайди.

— Сиз агар ҳақиқатан ҳам шунга қарор қилган бўлсангиз, майли.

— Шундай қарорга келдим, — деди секин ва қатъий. — Мен ҳам кун бўйи ўйладим.

Аёл қозонни ерга қўйди. Бир дақиқа тараддуланиб турди. Сўнг ягона кўйлагининг энгидаги нақшли тўрини юлиб олиб илиқ сувда ҳўллади ва Адамнинг қонга беланган елкаларини юва бошлади. У қимирламай, аёл қўлларининг ҳаракатига бўйсуниб турарди.

Атроф тинчиди, ҳатто қушлар ҳам ўз дарахтларига ўрнашиб жим қолди. Ҳаммаёқ қоронғи. Фақат ўчоқдаги шаҳди кетган оловгина қизғиш ранг тартиб, атрофни бир оз ёритиб турарди.

Аёл уни ювиб бўлиб, тўрни сувга ташлади ва йигитга секингина қараб қўйди.

— Кўйлагингни еч, — деди Адам.

Аёл энгил тортиб хўрсинди. У энди кўрқмас эди, кўнгли аллақандай хотиржам — аёл таслим бўлгани йўқ, балки ўз қисматига тан берди.

— Адам... — шивирлади у. “Сен кимсан ўзи?” деб сўрагиси келди ундан. Лекин тунга дадил кириш ва ҳеч қанақа савол бермаслик керак. Сени нималар кутаётганини ўйлаш эмас, ишониш керак.

— Яланғоч бўлиб кел бу ёққа, — қоронғиликдан Адамнинг овози эшитилди.

Оламнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. У ер-бу ерда қаққайиб турган арчагулли дўнг ялангликдан кейин чангалзор келади, унинг орқасидан бокира ўрмон бошланади. Усти оппоқ узун пўпанақлардан бахмалга қоплангандай кўринадиган ўрмонда қора арча, бамбук, африка ёнғоғи, каштан, подокарпус ва қадимги баҳайбат атлас дарахтлари ўсиб ётибди. Кенг ялангликнинг атрофини жуда кўп жарликлар ўраб олган. Уларнинг тагида катта тинч қўлтиқлари, кўпириб турган шаршаралари бўлган дарёлар оқади. Жарликлар шунчалик чуқур ва энсиз, дарёга тушадиган қияликлар қалин дарахтзорлар билан қопланганидан куёш нури ҳеч қачон пастликка етиб бормайди. Бу жарликлар тўппа-тўёри денгизгача боради. Денгизга тепадан ҳам бориш мумкин, лекин у ҳолда сиз тўсатдан жарлик лабидан чиқиб қоласиз ва тагингизда сариқ ва кўк замбуруғлардан атайин қилингандай, шамол ва ёмғирларда ранги кетиб қорамтир-қизғишга айланган сунъий деворларга, горларнинг зимистондай ҳалкумига дуч келасиз, яна ҳам пастроқда тартибсиз ётган баҳайбат тошлар, ердан чиқиб турган дарахт илдизлари, тор пляжлар, майда шағаллар, қумларни учратасиз.

Сиз тўлқинларнинг қояларга урилаётганда чиқарган қудратли наъраларини, тошлар ва гор орасидан оқаяётган сувнинг ёқимли жилдирашини, денгиз бургутининг таҳдидли нидосини, чайкаларнинг қурқурашини эшитасиз.

Денгиз қандай бўлса шундайлигича томоша қиласиз, тўлқин кетма-кет бир-бирини қувиб келаверади, у гоҳ қирғоқнинг тепароғига чиқиб қайтади, гоҳ пастроқда қолади. Худди нафас олаётган кўкракка ўхшайди. Дарахтларнинг учлари шамолда оҳишта у ёқдан бу ёққа бориб келади. Қисқичбақалар денгиздан тушаверишдаги ҳўл қумда кўрқиб кетганидан биланглаб чопишади, куёнлар тошдан-тошга сакраб қочишади, чағалайлар осмонда қанотларини ёзиб парвоз қилишади.

Улар ўз горлари яқинидаги сув кўпириб оқаяётган жойдаги оқ сайхонликда қип-яланғоч ҳолатда ёнма-ён келишарди. Аёлнинг анчадан бери киймай қўйган



кўк кўйлаги гордаги тугунга ўралганча ётарди. Унинг бадани сахий куз офтоби нурлари остида қизғиш кўринарди. Ҳар ҳолда унинг бадани Адамникига қараганда тиникроқ эканлиги аён эди. Унинг қизғиш-кўнғир сочлари елкасига тушиб турар, жажжи кўкракларининг учидаги ясси нозик эмизгичлари қорайиб кўринарди. Аёл кўққисдан сувнинг пастак ерига чопиб кирди-да, Адамга сув сепа бошлади. У аёлга ташланади, Элизабет эса чап бериб қолади. Йигит аёлнинг кетидан қувади. Аёл нарироққа қочиб кетади, узун-узун оёқлари билан энгил югуради, лекин шундай бўлса-да, Адам унга етиб, ушлаб олади, ўзига ўгиради. Иккаласи ҳам қумга ағдарилишади, питирлашади, қиқирлашади. Сув тўлқини уларни босиб қолгандагина чўчиб ўрниларидан туришади, худди бола-лардек кўзларидан ёш чиққунча кулишади.

— Сув ичгим келяпти, — дейди аёл ҳозиргина бўлиб ўтган олишувдан ҳансираб ва кўзларини беркитиб кўйган ҳўл сочларини орқага ташлаб.

— Кўлтиққа боришни истайсанми?

Дарё кўлтиғи тоғ тизмасининг орқа томонида, дарёнинг юқорида эди. Кўлтиқнинг атрофи катта тошлар, қирққулоқ, саго, пўпанаклар билан ўралган, беркиниб турсанг қизил аралаш кўкимтир тўтикушларни ҳам учратса бўлади.

Кўлтиқдаги сув анча муздак, лекин барибир денгиз сувдан иликроқ. Элизабет тошга ётиб олиб сув ичди, сўнг ўтирилиб Адамга қаради.

— Ҳамма ёғинг қум-ку. — Аёл мулойимлик ва ҳафсала билан йигит баданидаги қумларни артиб ташлади. — Севишган одамларнинг ўзига хос белгисини бажарди. Шундан кейин йигит ҳам аёлнинг чиройли, яланғочлигидан уялмай-диган баданидаги қумларни тушириб юборди.

У аёлнинг тошдан-тошга ўтишига ёрдамлашиш учун қўлини берди ва кўққисдан олдиларидан тез ва шарпасиз ўтиб кетаётган кўк илонни кўриб қолди. Шу онда Элизабетни четроққа итариб юбориб у ҳали ўзини ўнгламасданоқ илонни тош билан урди. Бир зарбадаёқ илоннинг кенг, ясси боши мажақланиб, қон оқа бошлади. Иккига ажраб кетган илоннинг тили охириги маротаба секингина қимирлаб қўйди. Улар сеҳрлангандай илоннинг силлиқ кўм-кўк танасига қараб қолишди, тана кулча бўлиб бир жойга йиғилганча тиришиб типирчиларди. Ниҳоят, илоннинг калласидан думигача сўнгги марта тиришди, бу тиришиш худди тўлқиндай бутун танасига ёйилганидан сўнг тинчиди, кўм-кўк кўз тангачаси ҳам хиралашди.

— Нега уни ўлдирдинг? — деди аёл. — Шундай чиройли илонни-я.

— Сени чақиб олганда нима бўларди?

— У чакалакзорга ўтиб кетаётган эди.

— Илон барибир илонлигини қилади.

Улар миқ этмай тошдан-тошга ўтиб ўзларининг чўмиладиган жойларига қайтишарди. Сув бўйидаги қумлик жойдан ўтишаётганда аёл тўхтади ва қўли билан ниманидир кўрсатиб деди:

— Қара.

— Нима экан?

— Бизнинг изларимиз, кўрмаяпсанми ахир?

Адам кўзлари билан сайхонликни қараб чиқди.

— Қани? Ҳеч қанақа из йўқ-ку.

— Ўшани айтаман-да: ҳеч қандай из қолмабди. — Улар кўлтиққа бориб келгунларича шамолнинг йўналиши ўзгарибди, тўлқин уларнинг қумдаги изларини ювиб, ўчириб кетибди. — Гўёки биз бу ерда ҳеч қачон бўлмагандай.

— Балки ҳақиқатан ҳам бўлмагандирмиз, — ҳазиллашиб аёлнинг жаҳлини чиқармоқчи бўлади у.

— Баъзан назаримда мен сени тушимда кўраётгандай бўламан, — жавоб қайтарди у йигитнинг ҳазилига парво қилмай. — Ўзимнинг тушимга ўзим кираётгандай бўламан. Ҳаммаси ақл бовар қилмайдиган даражада гўзал, — наҳот биз уйғоқ бўлсак?

— Кетдик, — чақирди у. — Мен ҳали дарёга матрап ташлашим керак.

Чирмовиқ ўтлар ва новдалардан тўқилган тўр офтобда қуритиб кўйилганди.

— Мен эса мева тераман.

— Яна заҳарли олмаларни териб қўйма...

— Заҳарлисини термайман, — гуноҳкорона гапирди у, — бугун хушёрроқ бўламан.

Аёл ўгирилиб бугдойранг танасини офтобда йилтиратганча яланғоч ҳолида кумдан юриб кетди. Адам унинг орқасидан қараганча:

— Ёввойи! — деб секин қичқириб қўйди.

Аёл бу сўзни эшитиб хахолаб кулганича бир сиқим кум олиб унга отди-да, чошиб кетди. Адам сувнинг паст жойидан юриб қоялар тизмаси томон кетди. Сув кўпайган пайтларда ҳам бу қояларнинг учлари сув сатҳидан чиқиб турарди. Лекин шошилиш керак, тобора сув кўпайяпти. Агар у жудаям юқорига кўтарилгудай бўлса, унинг қайтишини кутишга тўғри келади.

Элизабет бирор соатдан кейин Адам новдалардан тўқиб берган саватчада мева териб келганда у қирғоқда кечки қуёш нурлари устида ухлаб ётганини кўрди. У шунчалик тинч ухлардики, аёл аввалига кўрққанидан чўчиб тушди: бирор кор-ҳол рўй бермадими? Аммо яқинроқ келиб қараб, унинг бир текис нафас олаётганини фаҳмлади, мана, у оёғини ҳам қимирлатди.

Аёл саватни кум устига қўйиб, Адамнинг ёнига чўккалади. У сув қирғоққа уриладиган жой яқинида ёнбоши билан ухлар, мушт қилиб олган қўлида чиғаноқ бор эди.

Бахтнинг кўнгилдаги ўлкаси. Ҳаммаси оддий, шу оддийлиги билан ақл бовар қилмайди. Ҳаммаси олдинда, ҳаммасига эришса бўлади...

У қайириб олган қўлига бошини қўйиб ухларди. Юзи ва мўйлабига кум ёпишган. Аёл кумларни пуфлаб юбориш учун энгашиди ва тўсатдан унинг нафас олишини эшитди. Бу ҳам денгиз сувидай сирли бир нарса. Унинг елкалари, салгина кўтарилиб турган кўкраклар... Адам унинг шарпасини сезиб қимирлаб қўйди, лекин ҳамон бир текис нафас оларди. Қуюқ сочлар, сип-силлиқ қорин. Аёлнинг қўли остида ажойиб ҳаёт пайдо бўлаётганди, у юксалиб, куч олиб бораётганди.

— Алдоқчи, ухламаётган экансан-ку?

— Йўқ, ухляяпман. Туш кўряпман.

— Мен ҳар хил мевалар териб келдим. Қорним жудаям очқаб кетди.

— Мен эса сени егим келяпти.

— Бўлмаса олдимга кела қол.

...Ҳаммаси мана шундай бўлиши мумкин эди. Эҳтимол, шундай бўлгандир ҳам. Лекин табиий ва муқаррар нарса биз учун ҳамма вақт энг қийин туюлади, ўйлади ичида у. Умр бўйи тиззасидан юқорини бирор кимсага кўрсатмай юрган одамнинг яланғоч юриши. Беланчакдаги вақтидан бери ўргатилган, ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлган нарсалардан воз кечиш, бутун ўтмишни уवादаси чиққан кийимдай отиб юбориш, одат бўлиб қолган таъқиқларни назар-писанд қилмаслик...

Қоронғиликда эркакнинг кучоғига отилиши, тизгинлаш қийин бўлган эҳтиросини, вужудидаги шаҳвоний ташналигини қондириш — эри билан яшаган одатий ҳаётида ҳам тасаввур этиш мумкин эмасди. Уят ва шубҳаларни улоқтириб ташлаб, ўзини бутунлай бахшида этиш ва бунинг пишган мевани узишдай осонлиги. Севган одамнинг баданини кечаси, озода ётоқхонада ёхуд ҳаммаёғи беркитилган соябонли арава ичида эмас, севгининг очиқ майдонида, ёруғликда ўз баданинг олдида ҳис этиш, унинг ҳеч қаёққа ғойиб бўлмаслигини билиб туриш. Қара, мен қандай оппоқман. Сен эса қарийб қорасан. Қулдай қорасан. Лекин қуллар бизнинг ҳаётимизга худди мушук ва итлар сингари аралашмайди. Сен энди қул эмассан, эркаксан. Сен менинг севгим, эримсан. Елкангда, орқаларингда қулликнинг даҳшатли аломатлари, тамғаси бор. Қўлларим уларга тегиб кетишдан кўрқади. Ҳар сафар кўзларимни юмаман, тишларим гижирлаб кетади. Сени эркалаётганимда ярангга тегиб кетгандай бўламан. Наҳотки, чандиқларни ҳам севишга ўрганиш мумкин бўлса? Мана, мен уларни бармоқларим билан бирма-бир силаб чиқаяпман, улар бамисоли хаританинг йўлларига ўхшайди. Сен улкан мамлакатсан ва менга қарашлисан. Титраб кетаман, наф-

ратдан эҳтирос туғилади, эҳтирос эса назокатни уйғотади, мен бутун борлигим билан сенда эриб кетаман.

Бундай мўъжиза қандай рўй бериши мумкин? Қаерда, қалбимизнинг қандай сирли сандиқларида уларга куч топилади? Аёлнинг ёдига тушди: у шотут дарахтига чиқиб олиб шоҳлар орасида турибди, ширадор ва мазали тут оғизда эриб кетади. Унинг қўллари ва оёқлари тут ширасидан доғ бўлиб кетган. Аёл чор атрофда бир ўзимман деб ўйлаганди. Йўқ, пастда у бор экан. Орқасидан пойлаб келаётганини сезмабди, қадам товушлари ҳам қулоғига чалинмабди. Тўсатдан тут ширасидан қизариб кетган тиззасини ушлаганини сезди...

Аввалига у уялиб, беркинмоқчи бўлди, беихтиёр тескари ўтирилди. Лекин Адам унинг устидан кулди. Аёлнинг кўк кўйлагини ўғирлаб форга беркитиб кўйган Адам эди. Аёл тобора эркинликка ўрганиб, дадиллашиб борди, ҳатто бу ҳолатидан мақтанадиган ҳам бўлди. Тақиқланган нарсани қилишга ўч боладай ҳаяжон ва қўрқувда ўзини, уни, ўзи тушиб қолган ҳайратомуз янги дунёни тадқиқ этишга бошлади. Шундай бўлса-да, у ҳар дақиқада: “Сен уятни йўқотиб кўйдинг. Бунга қандай журъат этдинг? Унинг барча тақиқланган нарсаларга панжа орасидан қарашига ишониш қийин эди. “Балки мен аҳмоқ ва кулгилидирман, — ўйларди у, — лекин мени кечир. Юрагингни кенг қил. Мен ҳаракат қилипман. Анча нарсаларга ўрганиб қолдим, тўғрими? Мен энди уялмай кўйдим, кўряпсанми? Сабрли бўлишга ваъда бер. Баъзан сени жиловлаб бўлмай қолади. Худди ёш болага ўхшайсан, мендан кўра ҳам уятчанроқсан, қовушмаганроқсан. Шу қовушмаслигинг ҳам мени мафтун этади. Мен сени севаман. Бошқа гап йўқ. Севаман, севаман, вассалом...”

Менга биз бу ерда умр бўйи яшаётганга ўхшаймиз. Баландликда жойлашган фор бизни шамоллардан асрайди. Форнинг ичи қоп-қора, қурум босган. Унинг қоралиги кеча биз ёққан гулхандан эмас, балки жуда кўп гулханларнинг асорати. Бу гулханлар кўп асрлардан бери ёқилади, эҳтимол, кўп минг-йилликлардан бери ёқиб келинар. Қурум кўчган баъзи жойлардан турли ранглар кўзга ташланади — кўнғир-жигарранг, сариқ, кулранг-оқ, қизил. Агар қорачироқ ёруғидан синчиклаб қарасангиз, ўқ-ёй ушлаган ғалати одамларни, ёввойи қорамолларни, туяқушларни, хартумини баланд кўтарган филларни, чопиб кетаётган кийикларни фаҳмлашингиз мумкин. Бу бизнинг уйимиз. Шу жойдан нам мох босган сўқмоқлар бўйлаб орқамиздан из қолдирмай саёҳатга чиқамиз: бориш мумкин бўлмаган жойларгача борамиз. Агар ҳамма вақт шундай бўлган бўлсайди...

Эрта тонгда фордан чиқиб, осилиб турган қоятошнинг кенгроқ чеккасида турганча атрофга қарасанг қаршингда ғоят кенг ва рангсиз олам намоён бўлади. Уйғониб келаётган қушларнинг чуғурлаши, биринчи чағалайларнинг бўғиқ товушлари эшитилади. Шунда тўсатдан, ўзинг ҳам ҳайрон қолган ҳолда: мана бу мен, мана бу эса олам, деб юборгинг келади. Сўнг тўлқинларнинг оҳиста ҳаракатини кузатаркансан, бу оламда, бу кенгликда ўзинг ҳам қандай ҳаракат қилаётганингни ҳис этасан, ҳар ким ўз ҳолича қолиб ҳаракат қилади.

— Кетдик, — Адам унинг қўлини ушлади.

Улар тонгги изгириндан этлари увишиб, исиниш учун қиямаликдан югуртилаб тушишарди. Пастдан тепага қарашди: тоғ чўққилари худди ичидан ёритилаётгандай кўёшнинг илк нурлари билан чароғон эди. Адам уни чўмиладиган жойлари тугайдиган тошлар устидан олиб ўтди, сўнг дара бўйлаб юқорига кўтарилишти. Мазкур дара уларни қачонлардир бу ерларга, денгизга олиб келган эди. Адамнинг қўлида стволи узун, дастаси нақшли тўппонча, порох солинган халтача. Аёлнинг қўлида кечқурунлари гулхан олдида ўтиришганда биргаликда ясашган тузоқ. Уларнинг қуроли дарёга оқиб кетгандан кейин деярли гўшт ейишмаётган эди. Шунинг учун тузоқ ясашти. Қишда ҳайвонларнинг териси ҳам зарур бўларди.

Адам найзани тайёрлашга анча вақт сарфлади. Фор ичидан топиб олган чақмоқтошдан пойнак ясади. Уни ғоят заргарона ва ҳафсала билан йўниб, устара дами даражасигача ўткирлаштирди. Ҳўл томир ва енгил текис даста топиб об-

дон маҳкамлади ва бир неча кун қуритиб қўйди. Энди улар ўрмонга борадиган йўлдаги қуюқ чакалакзорлардан найза ёрдамида ўтишлари мумкин эди. Аёл унинг изидан борар, бамбукзорлар ичидан ўзларига аранг йўл очишар, улар ўтишлари биланоқ орқаларидан йўл ёпилиб қолар, баъзан қўлдан чиқиб кетган қаттиқ ёш новда елкага ёхуд юзга тегиб ачитар, терида қизил из қолдирарди. Паст ўсган тиканли ўсимликлар оёқларни тилади. Адам ўзига ва унга ҳайвонларнинг терисидан тикиб олган бошмоқларни кийиб олишгани учун товонларигина озор чекмас эди. Адам аҳён-аҳёнда тўхтаб, турли мевалардан теради, Элизабетнинг ейиладиган, заҳарли ва шунчаки аччиқ меваларни ажрата олиши ёхуд ажрата олмаслигини текширади.

Охирги тўсиқ-финбо чакалакзорлари. Улар бу тўсиқдан осонгина ўтиб, тўсатдан бошқа дунёга чиқиб қолишади. Ўрмонга офтоб тушмайди, етилмаган ёш дарахтлар йўқ, ҳаммаёқни танасига қулоч етмайдиган асрий дарахтлар эгаллаган, ерда қалин барг қатлами, чириётган илдиз, шоҳ, қирқ-қулоқ ва пўпанаклар. Ҳайратда қоладиган даражада жим-жит. Улар тўхташганда қадам товушлари ҳам тинади. Бундай сукунат янада тантанаворроқ туюлади, қушларнинг чуғурлаши, дарахтдан-дарахтга сакраётган маймунларнинг қимир-қимирлари, она кийикнинг майин маъраши, шундоққина ёнгиналаридан ўтиб кетган хол-хол сариқ танали ва оқ думли охунинг қадам товушлари сукунат бағрига сингиб кетади.

Элизабет бу ернинг ёруғлигига ҳайрон қолди. Ахир қуёш нури шох-шаббалардан ўтиб пастга етиб келмайди-ку. Пастликда тимқоронғилик ҳукм сурмоғи керак эди. Бунинг ўрнига шу қадар ёруғ, шаффофки, худди барглардан ёруғлик чиқиб келаётгандек, бу жойдаги дарахтлар ва ер ёруғликдан пайдо бўлгандек.

Адам ўрмонни зийраклик билан текшириб узунасига ва ёнламасига кесиб ўтган сон-саноксиз сўқмоқлардан кийиклар юрадиган сўқмоқни аниқлади. Сўқмоқ заранг дарахтлари ўсиб ётган қирққулоқ босган ирмоқчага олиб чиқарди. У ҳар бирининг орасини юз метрлар чамасида ташлаб, ўзлари билан олиб келишган тузоқлардан олти ёки еттисини қўйиб, уларни барглар ва илдизлар билан яшириб қўйди.

Элизабет ишонмайроқ ундан сўради: — Ўрмон шунчалик катта бўлсаю нега энди сен кийиклар айти шу ерлардан ўтади деган қарорга келдинг?

— Кўрясанми? Қанча излар бор. Улар бу жойга сув ичгани келишади. Мана эртага қайтаётганимизда кўрасан, — деди у.

— Қанақасига, биз энди қайтамизми? — сўради у ҳафсаласи пир бўлиб.

— Бу ерда нима қиламиз?

Яқин жойдан тўтиқушнинг овози эшитилди. Ҳаммаёқда қўзиқоринлар ўсиб ётибди — қизил, оқ, сариқ. Ер ўзидан лой, намлик, чиришнинг майин хўшбўй ҳидини таратади. Катта-катта ранг-баранг капалаклар учиб юришади, гулдан гулга қўнишади. Барглар орасида нимадир шитирлайди. Сукунат улар билан ўз тилида тиллашади.

— Қандай сокинлик, — дейди Элизабет. — Мен бу ерда яна бир оз қолишни истайман. Юр, ичкарироққа кирайлик. Йигит сўқмоқ йўлдан Элизабетни ичкарироққа бошлаб кетди.

Бир сафар Адам тўхтади-да, унинг қўлини сиқиб қўйди:

— Филлар...

— Қаердан билдинг?

Адам сабр-тоқат билан тушунтира кетди: мана, йўғон, қорамтир дарахт танасига барглар ёпишиб қолибди, синган томирдан шираси оқиб турибди, оёқ остида синган шоҳ, топталган барглар, қирққулоқлар, янги тезак. Сўнг хушёр тортиб бармоқларини лабига теккизиб деди:

— Улар жуда яқинимизда. Унинг изига тушиб ол. — Адам Элизабет сезмаган ерга ботган катта-катта ботиқ изларни кўрсатди. — Агар филнинг изига тушиб олсанг шох-шабба синиб қирсилламайди.

Аёл ҳамон шубҳаланарди. Лекин тўсатдан Адам унинг қўлини ушлаб олади.

Элизабет жойида қотди, олдинга қаради, лекин ҳеч нарса кўрмай бошини қимирлатиб қўйди.

Қасир-қусур қилиб шох синди — гўё ёнларида милтиқ отилгандай бўлди. Бу шунчалик кутилмаганда рўй бердики, аёл қичқириб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди. Фил хартумини кўтарди, дарахтлар орасида қимирламай турган унинг маҳобатли гавдаси кўринди.

— У бир ўзими?

— Йўқ. Ана яна биттаси.

Филнинг қулоғи қимирлади. Кўм-кўк ўрмон фонида унинг узун, ўтқир, оп-поқ тишлари ялтираб кетди. Энди Элизабет ҳам урғочи фил яқинидаги эркак филни кўриб турганди. Сўнг учинчи, тўртинчи, ниҳоят дарахтлар орасида ўтлаб юрган филлар галасини кўришди.

Адам аёлни айланма йўлдан, ҳайвонларнинг нарироғидан ўрмон ичкарисига бошлаб кетди. Элизабет чарчаганлигини айтганда Адам атрофида қирққулоқлар ўсиб ётган қизғиш-қорамтир сувли кўлча топди. Бу ерда ювиниб, чўмилиб олиш мумкин эди. Адам турли мевалар топиб келди, бунақа меваларни Элизабет ҳали ҳеч қачон татиб кўрмаган эди. Қоринлари тўйғач, дам олиш учун ётишдию дарҳол уйқуга кетишди.

Адам ниҳоят уни уйғотганда аёл дарҳол ўрмондаги ёруғлик ўзгариб қолганини сезди. Чамаси, улар ухлашаётган пайтда дунёда қандайдир ҳодиса содир бўлган эди. Кўм-кўк барглар қорайиб, заҳарли тусга кирган, ёруғлик йўқолган, улкан дарахтларнинг таналари худди нимқоронғиликда устиларига бостириб келаётгандай туюларди. Элизабет кўрқув ичида ҳамма ёққа мўлтирар, лекин унга ваҳима солаётган нарса ҳеч қаерда кўринмасди.

Аёл бу қоронғилик қаъридан чиқиб кетишга бўлган бутун ишончини йўқотган бир паллада эрталаб кўришган ирмоқ ёнидан чиқиб қолишганидан ўзида йўқ севиниб кетди. Тузоқларнинг бирига кийик илинибди. У жуда бемаъни, бўйни ва орқа оёғи билан тўрға илинган ҳолатда ётарди. Сиртмоқ қанақасига бундай ғалати тарзда сиқиб қўйганини тасаввур қилиш қийин эди. У аллақачон ўлган, қорамтир-бинафша ранг тили осилган, кўзлари қинидан чиқиб кетганди.

Элизабет кўрқиб юзини тескари ўгирди, у эса кийикни сиртмоқдан бўшатиб, қорнини ёрди, ичак-чавоқларини олиб ташлади. Куюқ шилимшиқ қон Адамнинг кўкраги, қорнидан оқиб туша бошлади.

Улар ғира-шира ўрмондан жимгина юриб боришарди, ниҳоят тиканли ўтлар орасидан очилган энсиз сўқмоққа чиқишди. Сўқмоқ йўл бирмунча ёруғ, осмондаги булутлар сенсиз сузиб юришарди.

Лекин ҳали ўрмон тугамаганди. “Қандай сукунат, тинчлик, — ўйлади Элизабет, — лекин жуда яқин жойларда, қоронғиликда йиртқич ҳайвонлар пусиб ётишгандир”.

Форга келишганда Элизабет Адам пишириб келган гўштдан емади.

...Ўз танангни гўё ўзинга тегишли эканлигига ишонқирамагандай ҳайрат билан боқасан. Ҳар сафар фор яқинига келганингда баданингга шамол тегиши учун тўхтаб қоласан. Мана, сен кўзларингни юмиб юзларингни шўр сув томчиларига тутасан. Сен димоғинга тутун урилишини пойлаб гулхан ёнида ўтиришни хоҳлайсан. Қиргоққа тўлқин бўлиб урилган сув денгизга қайтганда тошлар орасидаги майда қўлтиқчалар орасидан юришни истайсан. Чўккалаб ўтириб олганча майда кумушранг балиқчаларни кузатасан, бамбук новдаси билан сув ўтларини титасан, мен тўсатдан олдинда пайдо бўлиб қолганимда эса хи-жолатдан қизарасан.

Чор атроф сен билан тўлиқ, бой; ҳамма сенинг қиёфанг шаклини қайтарди — тошлар орасидаги узоқ кўрфазлар, қирққулоқнинг кўпчиган пати, ловиянинг очилган кўзоқлари, парвоздаги чайка қиёфаси, ердаги қумтепа, ёввойи қовоқча, шамол эгаётган дарахт, тўлқинларнинг сачраши, денгиз кўпиғи.

Баъзан чап ўртасида жим бўлиб қоласан ва денгизга, узоқ-узоқларга тикиласан. Сен хаёл дарёсига шўнғиган ҳолда чиганоқлар терасан. Улар шунчалик майдаки, одам зўрға илғайди, қумдан сал каттароқ, холос. Лекин улар мукамал шаклга эга, думалоқ, конус шаклида, қизил, кўк, тўқ сариқ; сен уларни кафтингда эҳтиёт қилиб форга олиб келасан, уларга маҳлиё бўлиб териб чиқа-

сан, сўнг эсингдан чиқиб кетади. Сен сувни телбаларча яхши кўрасан, ювинишни, сувни чапиллатиб ўйнашни, чўмилишни ёқтирасан. Сен сувни бағрингга сингдиргинг келади, унга ҳеч тўймайсан. Кўпинча тушингга гапириб чиқасан, тушуниб бўлмайдиган сўзларни айтасан, улар нимани англатади? — куласан, ҳиқиллаб йиғлайсан...

Шунингдек сен кўпинча гордан ёхуд сайхонликдан ғойиб бўлиб қоласан, танҳо ўзинг қоялар орқасига ўтасан, ҳеч ким юрмаган соҳилларда кезасан, жарликлардан юқорига томон борасан, ҳатто ўрмон ичкарасига ҳам кирасан.

— Мен ҳам сен билан бораман.

— Йўқ, сен қол.

— Танҳо ўзинг у ерларга борганингда нима қиласан?

— Нима қиламан? Ҳеч нарса.

— Сен менинг саволимга ҳайрон бўляпсанми? Шунчаки айланаман. Тамоша қиламан, эшитаман.

— Нимани эшитасан?

— Нимани эшитаман? Сукунатни, — маънос жавоб берасан сен.

Яна йўқолиб қолдинг.

Нега танҳо қолишга интилавверасан? Мен билан бўлишни ёқтирмайпсанми? Ёхуд мендан қочаяпсанми? Шубҳаларинг, ташвишларингни яширмоқчимисан? Мендан узоқда бўлганингда нималарни ўйлайсан? Капстад ҳақидами, ўзингга яқин одамлар тўғрисидами, олдинги ҳаётинг хусусидами? Мен буларни суриштира бошласам, сен бошингни қимирлатиб қўясан холос. Каллангга не хаёллар борлигини ҳам ҳамон билмайман.

Сен билан бирга вақтларимда эса нега кўзингни юмасан? Бахтданми? Ёхуд сен мени ўзингдан узоқлаштирмоқчимисан?

Бир куни эрталаб улар қоя ортидаги дарё бўйига келишганда ўлдирилган илонга кўзлари тушди: унинг ялтиллаб турган кўм-кўк тангачалари шилимшиқ парда билан қопланибди, бутун танасига катта-катта кўк чумолилар ёпишиб олишибди. Ундан бадбўй ҳид анқирди. Демак, илоннинг танаси ҳам инсон ва бошқа ҳайвонларнинг танасига ўхшаб кетаркан-да. Демак, биз бир-биримиздан фарқ қилмас эканмиз.

— Сен ўзинг биладиган нарсаларга мени ўргатиб қўймоғинг керак.

Адам сабр-тоқат билан унга ўргата бошлади. Икки таёқча ва арча гўлчаларини ишқалаб олов олдириш, илдизларни топиб асал билан аралаштириб сархуш қиладиган мусаллас олиш, теридан сув ташийдиган меш тикиш йўллари ўргатди, ейиладиган меваларни заҳарлиларидан қандай ажратиш мумкинлигини кўрсатди, қандай ўтлар безгакка даво бўлишини, қонни қандай қилиб ўргумчак ини билан тўхтатиш лозимлигини тушунтирди. Бешиктерватарни кўрганда жим туриш, қимирламаслик зарурлигини, акс ҳолда унинг ибодатига ҳалал бериш мумкинлигигача айтди. Ташналикни қондириш учун қандай илдизмеваларни ейиш зарурлигини кўрсатиб беради. Кўзини юмасдан туш кўриш ва хотиржам дам олиш учун чекиладиган қоришмани қандай тайёрлашни ўргатди. Қушларнинг ҳолатига қараб илоннинг яқиндалигини билиш, асални қаердан қидириш, қандай белгиларга қараб аввалдан ёмғирни аниқлаш, юлдузларга қараб йўл топиш...

Чарм юмшоқ бўлиши учун териға қанда ишлов бериш керак? Ундан қандай қилиб кийим тикилади? Ҳозирча кунлар илиқ, кечалари эса салқин, тез орада эса бизга кийим асқотади.

Эркагини яхши кўрган, унга қувонч бахш этмоқчи бўлган аёл нима қилиши лозимлигини менга ўргат. Мен жуда кўп нарса ўрганишим керак.

Қандай қилса кичкина қисқичбақаларни тутаётганда бармоқларни тишлаб олмайди? Тўрни қандай тўқийсан? Катта денгиз қисқичбақаси билан устрицани қаерда тутса бўлади? Дарё қисқичбақалари қандай тугилади?

— Менга денгиз ҳақида сўзлаб бер.

— Денгиз ҳақида сўзлаш мумкин эмас, уни ҳис қилиш лозим.

— У қандай ҳис қилинади?

Адам аёлга узоқ тикилиб хаёлга чўмиб қолди. Сўнг кулимсиради.

— Агар хоҳласанг сенга ўргатиб қўяман. Кетдик.

У аёлнинг қўлидан тортиб турғизди-да, соҳил томонга бошлади. Бундан чамаси бир ярим соатлар олдин сув кўпая бошлаган эди, сув аста-секин кўтарилиб келяпти. Лекин улар сувнинг паст жойидан тўлқинга қарши юриб боришяпти. Уларнинг биринч ранг ҳўл оёқлари атрофида кўпиклар ўйнайди.

— Қаёққа кетаяпмиз?

У кўрфаздаги кўпинча тўр қўядиган кичкина қояли оролни кўрсатди.

— Сувнинг кўтарилиши бошланди, қайтиб келишга улгурмаймиз-ку, ахир?

— Денгиз сени ҳар томонингдан ўраб олиши керак, акс ҳолда уни ҳис этмайсан.

Улар силлиқ қора қояга тирмашиб юқори кўтарилишди. Тепада бир қанча қоятошлар бўлиб, улар худди зинапояга ўхшаб узунлиги тўрт, эни икки метрлар бўлган чўзиқ майдончага тушарди. Бу ердаги қум қирғоқдагига қараганда майдароқ эди. Майдончадан ўткир тароққа ўхшаш турарди.

Элизабет бу ерда фақат бир мартагина, сув қайтган пайтда бўлган эди. Ҳозир эса юрагига гулғула тушиб қирғоқ томонга қараб турарди.

— Биз қандай қайтамиз жойимизга?

— Сув қайтишини кутамиз.

— Жуда узоқ кутишга тўғри келади-ку.

— Ҳа, узоқ.

Денгиз тўлқинлари қояларга урилганда уларга майда сув зарралари сочиларди.

— Билмадим... — журъатсизгина жавоб берди у.

— Ўзинг денгизни ҳис этишим керак, дединг-ку, ахир. — Адам чордона куриб ўтирди.

— Шунча вақт мобайнида нима иш билан шуғулланамиз?

— Ҳеч нарса.

Элизабет унга вазмин ва эҳтироссиз қаради, уларни қирғоқдан ажратиб турган ва айқираётган сувга тикилди. Денгиз тўлқинлари тобора тепароққа кўтариларди.

— Сен ҳақиқатдан ҳам қайтишни истайсанми? Ҳозир сузиб ўтса бўлади, — деди у. — Лекин тез орада жуда хавфли бўлиб қолади.

Аёл саросима билан юз метрлар наридаги қирғоққа, баланд қизил қояларга қараб қўяди... Тепада ўрмон, пастликда тошлару, оппоқ қум, уларнинг ўрта-роғи — тоғларнинг тик ёнбағрида форнинг қора ёруғи — уларнинг уйи. Денгиз бургути қийқиради.

— Йўқ, мен сен билан қоламан, — бамисоли ҳалокатга маҳкум одамдай гапирди Элизабет ва унинг ёнидаги ўйиқ жойга ўтирди.

Қоятошларнинг силлиқ юзаси чиғаноқ қурамаларига ўхшаб кетган, баъзилар жуда эски, совутлари ва тавақалари уқаланиб кемтик бўлиб қолган. Лекин барибир ичидаги чиғаноқларини олиб бўлмайди, кўлмак тагида майда зулуклар қумда ғалати нақшлар қолдириб судралади. Майда-майда балиқчалар ўзларининг яширин уяларидан чиқишганда офтобда милтиллаб кўринади, сўнг яна сояга яширинади. Ана, қирмизи денгиз юлдузлари, тўқ қизил актиния<sup>1</sup> лар попилтириғини эринибгина тебратишади. Денгиз қисқичбақалари, тўқ кўм-кўк сув ўтлари нариги бурчакда, сояда саккизоёқлиларнинг пайпаслагичлари аста-секин қимирлайди.

Улар жимгина ўтириб кўлмакка тикилишади, сўнг актиниялар билан ўйнашади, ҳаракатчан қумушранг балиқчаларни тутмоқчи бўлишади. Ҳаммаси худди олдингидек. Йўқ, жудаям унчалик эмас. Аввал улар бу ерда сув кўтарилганда келишган эдию аммо денгиз бунчалик айқирмаган, тўлқинлар бунчалик юқори кўтарилмаган эди. Элизабетнинг яланғоч елкасига тўлқиннинг бир бўлаги келиб урилди, у қичқириб ўрнидан туриб кетди.

— Қўрқиб кетдингми? — сўради у кулимсираб.

<sup>1</sup> Актиния — денгиз жонивори.

— Бўлмаса-чи! Тўлқинлар авжига чиқяпти.  
У беихтиёр орқасига, қирғоққа қаради.  
— Энди кеч, — секин гапирди Адам.  
Аёл бошини қимирлатди — кеч.  
Адам ўтирган жойидан туриб унинг ёнига келди.

— Қўрқаяпсанми?  
— Ҳа.  
— Яхши. Қўрқсанг уни яхшироқ ҳис этасан.  
— Нимани ҳис этаман?  
— Нимани? Денгизни-да.

Улар ёнма-ён туришиб, оролдаги қояларнинг бўғзигача кўтарилаётган денгизга қарашди, тўлқин тўғридан-тўғри уларга урилди. Тўлқин шишгандан шишиб, олдинги оёқларини кўтарган улкан отдай, гўё қояни ағдармоқчидай уларнинг устига даҳшат билан ёпирилади. Сўнг гумбурлаб ёнларидан ўтиб кетади, оқ кўпиклар уларнинг устиларига ёпирилади. Қоя тошларнинг ўйдим-чуқур жойларида сувлар ирмоқ бўлиб пастга оқади.

— Бизни бу ердан улоқтириб юбормайдами, нима деб ўйлайсан?  
— Йўқ, унчаликка бормас.  
— Шундай бўлса-чи?.. Адам!  
— Ҳаммаси бўлиши мумкин. Мени бу ердан бирор маротаба улоқтириб ташламаган, лекин денгиз барибир денгиз-да.  
— Қандай журъат этдинг... Мени бу ерга олиб келишга қандай кўнглинг бўлди?  
— Лекин сен билан бирга мен ҳам келдим-ку. Агар сен ўлсанг, мен ҳам ўламан.

— Сен ақдан оздингми? — Аёл ўзини тутолмай қолди. Сен бизнинг чўкиб кетишимизни истайсанми?  
— Албатта, истамайман.  
— Ундай бўлса нега мени... бизни бу ерга...  
— Денгизни ҳис қилишни истайман дединг-ку ахир.  
— Мен бундай хавfli эканлигини билмовдим!  
— Агар хавф-хатар бўлмаса қандай ҳис этасан?  
— Юр, кетдик!  
— Энди кеч. Буни мен сенга айтдим.  
— Сув ҳали яна кўтариладими?  
— Ҳа.  
— Озгинами?  
— Кўрамыз. Яна бир, бир ярим соатларгача кўтарилаверади.  
— Мен бунчалик кўп кутолмайман, чидаш беролмайман.  
— Кутушга тўғри келади. Бошқа иложи йўқ.  
— Адам, мен истамайман... — Аёл азбаройи ҳаяжонланганидан дудуқланиб қолди.

— Тентаклик қилма, — хотиржам гапирди у.  
Аёлни ваҳима босди.  
— Қандай журъат этдинг? — Аёл бақириб муштлари билан унинг озғин суякдор кўкракларига ура бошлади.  
Адам аёлнинг қўлларини ушлаб олди.  
— Қўйвор! — бақирди у.  
— Аввалига тинчлан.  
— Қўйвор, қўйвор мени деяпман!  
Лекин Адам уни қўйиб юбормасди, қўлдан чиқиб кетишига йўл қўймасди. Қаттиқ қаҳр-ғазаб аёлни жазавага келтираётганди, яна бир дақиқа ўтса Адамнинг башарасига туфлаб юборарди.

Яна тўлқин уларнинг бошидан оёғигача кўпик билан урди. Аёл оғзини очиб нафас олди.  
— Эй худойим-ей, Адам!..  
— Мен шу ердаман, ёнингдаман, — ҳамон вазминлик билан далда берарди у.



— Ўлишни истамайман, — шивирлади ҳиқиллаб йиғлаганча.

— Ўлиш ҳақидаги гапни қаердан топдинг?

Аёл унинг кўзларига илтижо билан тикилди. Бу қарашда содир бўлаётган ҳолатни тушунтириб беришини, ёхуд бирор умидли гап айтишини пойлаётганини уқиш мумкин эди. Лекин унинг қатъиятли кўзларидан ҳеч нарса уқмади.

— Мендан нима истайсан? — сўради аёл тушкун ҳолатда.

— Ёт.

Аёл яна сапчиб турмоқчи бўлди, лекин Адам уни ерга энгаштирди. Элизабет қаршилик кўрсатар, типирчиларди, пировард-натихада у тошнинг қиррасига келиб қолди. Адам аёлни маҳкам ушлаб турар, тушиб кетишига йўл қўймасди, қумга ётқизиб ерга босиб турарди. Типирчилайверганидан ахйри дармони кетиб таслим бўлди.

Адам бир неча дақиқа у билан ёнма-ён ўтирди, елкасидан ушлаган ҳолда юзига диққат билан қараб тураверди. Сўнг аёлга мурожаат этди:

— Элизабет...

Адам унинг исмини айтиб жуда кам чақирарди, ҳозир эса бу сўз ўз-ўзидан унинг бутун вужудидан отилиб чиқди.

— Мендан нима истайсан, Адам?

— Денгизга қулоқ сол. Шунинг учун бу ерга келганмиз, — деди у.

Аёл кўзини юмди, кўрқув ҳали тарқамаянди. У сув қаърига кириб кетай деб турган қоя устидаги қум қатлами устида ётаркан, денгизга қулоқ соларди. Унинг наздида тўхтовсиз давом этаётган бўғиқ шовқин унинг бутун танасига, ҳар бир ҳужайрасига сингиб кетаётгандай. У энди денгиз шовқини қаердаю ўзи қаердалигини ажрата олмаётганди. Тўлқинларнинг қудратли ҳайқириви аёлни бутунлай сеҳрлаб қўйганди, Адам унинг ёнида кучоқлаб ётганини ҳам сезмасди. Элизабет тўсатдан жунжикиб, типирчилай бошлади, йигит уни дарҳол ерга босди. Аёлнинг қаеридир оғриди, нима бўлаётганини тушунмай қичқирди. Адам гўё ақлдан озганга ўхшайди, йўқ, у эмас, қандайдир бегона, нотаниш аёл тўлғанади, қичқиради, уни ўзидан итаради, шунда у бирдан Адамни итараётганини эмас, кучоқлаётганини англаб етади, ўзининг чайка чийиллашига ўхшаган чийиллаган овозини ҳам эшитади.

Тўлқиннинг зарбалари борган сари кучаяди, уларга кўпиклар ёпирилади, бутун таналарига сув урилади, лекин аёл энди аъзойи баданни жизиллатадиган совуқни сезмайди, кўрқув ҳам йўқолди. У шу ерда чўкиб кетишига кўниб қолди. Уларнинг чирмашган таналарида ўлим васвасаси ҳукм сурарди.

Кейин, орадан анча вақт ўтгач, аёл аста сузиб денгиздан ҳар томонлама иҳота қилинган қумли оролчага ўтишганда юзининг ёнгинасида унинг:

— Мана, ҳаммаси тамом. Сув қайтиши бошланди.

— Адам...

Адам тирсагида туриб унинг пешонасида ёпишиб қолган ҳўл сочларига қаради.

— Мен Аобман, — дейди у. — Бошқа қабиланинг одамларигина Адам деб аташган. Эсингда қоладими? Аоб.

— Бу исми сенга ким қўйган?

— Ойим.

— Нима маънони билдиради?

— Ҳеч қандай. Шунчаки исм. Менинг исмим.

Аёл қимирламай ётарди.

— Биз ўлмай қолдик, — ниҳоят у сўз қотди гўё ачингандай.

— Йўқ, биз тирикмиз.

— Аоб... — аёл нотаниш сўзни айтишни синаб кўраётгандай секин гапирди.

Лекин энди унда ирода қолмаганди. Аёл унинг исмига ҳам, ўзига ҳам, ёруғликка ҳам, орқага қайтаётган денгизнинг шовқинига қаршилик кўрсата олмади. Уларнинг тепасида чағалайлар уча бошлади. Майли, учаверишсин. Нима бўлса бўлар. Ҳеч нарса беиз ўтмасин. Иккаллари қаттиқ уйқуга кетишди, илгари ҳеч қачон бунақа барвақт ётиб олишмаганди. Тўлқинлар босилиб, унинг билинар-

билинмас эпкинлари қоянинг энг тагида аста-секин мавж уриб турганда уйғонишди, пастга тушиб миқ этмай ўз соҳилларига қайтишди.

Кечқурун гулхан ёнида ўтиришганда ҳар иккаласи баробар бошини кўтаришди, бир вақтнинг ўзида денгиз илгаридай шовулламаётгани, энди унинг шовуллашидан қаҳр-ғазаб оҳанглари туйиш мумкин эди. Улар ғор оғзига чопиб келишди. Ой атрофга ўз нурларини аямай сочар, денгиз йилтилар ва тобора кўтариларди. Кўзлари ой нурига кўниккач, денгиз шишиб, кўпириб келаётганини, қўлтиқ томондан баланд сув қатлами устиларига ҳамла қилаётганини кўришди. Мана, у қояли оролчага етиб келди, қорайиб турган учларигача сув қоплади.

— Йўқ, бу жудаям хавфли, — деди Адам.

Уларнинг кўрфазлари анча орқада қолди. Соҳилни текшириб-ўрганиб ғарб томонга силжишарди: манзара тобора ёввойилашиб борарди. Осилиб турган қорамтир-қизғиш қоятошлар то денгизгача тушар, узоқ-узоқлардаги уларнинг чўққилари эрталабки туман билан қопланганди. Кенг тоғли жойларнинг қаеридадир қадим замонларда чамаси ёруғ пайдо бўлган, шекилли, қоя девори буткул ағдарилиб кетган ва шаршара ҳосил қилган.

— Уша жойда дара бор, биз ундан юқорига кўтариламиз, — таклиф қилди Адам.

Лекин у айна шу ердан кўтарилишга қарор қилди.

— Сен кўргин ўзинг, — ишонтирмоқчи бўлади аёл. Бу ҳақиқий зинапоя. Беш дақиқада тепага чиқиб оламиз. Тошлар жуда мустаҳкам.

— Буни қаердан биласан?

— Мен шу ердан кўтарилишни истайман.

Бу гап, гарчи далил бўла олмаса-да, салмоқдор жаранглари. Аёл узоқ давом этган тобеликдан кейин, қалбида қайта уйғонаётган (майли, буни очиқ қаршилик деб бўлмас, балки) ўжарликни сезиб анча севинди. Сен бу қирғоқни яхши биласан, қаерга борадиган бўлсак, ҳаммавақт йўл бошлаб йўл кўрсатасан, ўзинг билган нарсаларни менга ўргатасан. Лекин мени ўзингга қул қилиб олмагинда, ахир. Менинг ҳам иродам бор. Ёки сен мендаги бу ҳуқуқни маҳрум қилмоқчимисан? Мен сен билан олишиб кўришим керак. Биз шу ердан тепага кўтарилишимизни талаб қиламан.

— Кетдик, — буюради Адам.

— Йўқ. — Аёл шундай деб қоя кулаб тушган харобадаги тошларга ёпишиб юқорига чиқа бошлади.

— Элизабет, қайт!

Лекин у тантанавор қатъият билан тошлардан тошларга ўтиб юқорига кўтариларди. Мана, у анча тепага чиқиб олди, мана, жарлик устига осилиб турган улкан тошнинг тепасига чиқди, унинг четига келиб Адамга қаради. Куёшнинг тонгги нурлари, кулранг қоялар фонида унинг оппоқ бадани қизгимтир кўринарди. Яланғоч юрганидан маст бўлган, хавф-хатарни тўла ҳис этмай тепадан пастга, Адамга гердайиб боқарди. Йигитнинг жаҳлини чиқаришни, ўзбошимчалик қилишни, бўйсунмасликни истарди.

Йигит унинг кетидан секин ва эҳтиёткорлик билан юриб келарди. Устига-устак, қўлида тўппонча бор эди.

— Қайт! — қичқирди у.

— Ҳечам! Ўзинг олдимга чиқ! Бу осонроқ-ку қайтага.

Аёл яна юқорига чиқаверди. Оёғини қоянинг дарз кетган жойига қўйганида сирғалиб кетди-да, қоянинг учли жойи тиззасини тилиб юборди. Лекин энди уни ушлаб бўлмасди. Аёл йигит ҳам ўзининг орқасидан чиқиб келаётганига ишонганди. Элизабет бир дақиқага атрофни кузатиш учун тўхтаганда Адам жуда узоқда, пастликдалигини кўриб ҳафсаласи пир бўлди.

— Адам! — қақирарди у.

У қўли билан имлади — қайт!

Элизабет нариги тошга сакради. Шошилишнинг ҳожати йўқ, барибир Адамни тепада кутишга тўғри келади. Аёл ўз айтганида туриб олди, лекин ҳозир қайсарлиги қимматга тушишини билди, шундай бўлса-да барибир йўлидан қайтгиси келмади.

Энди Элизабет эҳтиёткорликни бутунлай унутиб қўйди, эчкига ўхшаб тошдан-тошга сакрай бошлади. Мана, у сирғаниб кетди, йиқилиб кетмаслик учун қоянинг қиррали жойини ушлаб қолди. Кескин ҳаракатдан оёқ остидаги майда тошлар ўрнидан кўзғолди. Аввалига бу арзимас нарсадай туюлди, сўнг майда тошлар катта тошларни кўзғотди, катта тошлар ҳам бошқа тошларга урилиб, тошлар фонтандек пастга уча бошлади. Шунда пастроқдаги тик қоя аввалига тагигача қимирлади, кейин қўрқувдан бақрайиб қолган унинг кўзлари олдида пастга қулаб тушди, даҳшатли гумбурлаш эшитилди. Аёл қоянинг қиррали жойига ёпишиб турар, унга ҳеч нарса хавф солмасди, лекин пастда ҳамма нарса гумбирлаётган, вайрон бўлаётганди. Тўхтовсиз ёпирилиб келаётган кўчкининг гўё охири кўринмасди.

— Адам! Қоч! — деб қичқирди ақли-хушини йўқотиб Элизабет.

Лекин у пастликда қизғиш чанг булутни кўрди, холос. Сўнг кўчки денгизга тушди, осмонга сув ва кўпиклар кўтарилди.

У ўлди. Элизабет буни аниқ билади. Даҳшатли равишда, маънисиз бир тарзда, унинг ёввойи қайсарлиги, ўз гапини ўтказиш учун бўлмағур қатъийлиги туфайли ўлди. Қандай шайтон уни йўлдан урди? “Чамаси, сиз апокалипсистик башоратларнинг амалга ошишини истайсиз, шекилли”, — деган эди Ларсон Капстадаги ўша уйда. Ота-она иродасига қарши чиқиб, деярли танимайдиган, ўзи учун топишмоқ бўлган одамга турмушга чиқиш, у билан сахрога саёҳатга отланишга нима мажбур этган эди? Қандай шайтон айқириб оқаётган дарёга ҳўкизни зўрлаб туширди? Бу дардисар қайсарликка қачонгача қулоқ солади? Яна қанча одамларнинг умрига зомин бўлади?

Кўллари мушт қилиб, лабларини қон чиққудай тишлаб, эсини йўқотиб пастга қаради. Чанг бир оз босилган. Уйқусида юрган одамдек, тошдан-тошга туша бошлади. Ҳозир бундай юриш аввалгидан ҳам хатарлироқ эканлигини у биларди. Лекин унинг учун ҳозир барибир эди, ҳатто янгидан кўчки бўлишини, танаси шу кўчки тошлари остида қолишини истарди. Деярли ҳеч нарсани кўрмай, оёғида зўрға турганча мажруҳ ва тимдаланган ҳолда, ниҳоят, қизил тик қоя этагига тушди.

Адам кўчки бўлган жойдан узоқда ўтирар, қийшайиб кетган тўппончасини тузатишга уринарди. Унинг юзи бўзарган, карахт эди, Элизабет томонга кўзининг қири билангина қараб кўярди.

Элизабетнинг оёқлари бўшашиб кетди. Ерга ўтириб хиқиллаб йиғлади.

Адам қўлидаги энди ҳеч нарсага яроқсиз бўлиб қолган тўппончани жаҳл билан узоққа улоқтириб унга қаради. Сўнг аёлнинг ёнига келиб кўллари елкаларига қўйди-да, маҳкам қучоқлади ва ўпкаси тўлиб йиғиси босилишини кутди. Бу вақт ичида ўзининг асаблари тинчлигини ҳам пойларди.

— Ҳечқиси йўқ, — ниҳоят гап қотди Адам. Унинг овози титраброқ чиқди, — бўлар иш бўлди. Қил устида турувдик...

— Тирикмисан? — шивирлади аёл.

— Тирикман. Мен кўчкини кўриб қолдим. Дарҳол қоянинг кемтик жойига беркиндим. Фақат тиззаларимни тилиб олдим. — Адам аёлга қонга бўялган оёқларини кўрсатди. — Майли, бўлганча бўлди, булар арзимас нарсалар. Тўппонча эса ёмон бўлди.

— Адам, мен... — аёл азбаройи ҳаяжонланганидан гапира олмай қолди.

— Қисмат билан энди ўйнашма, — деди у. — Бошқа сафаргиси бундай тугамаслиги мумкин.

Ҳеч қачон тинмайдиган шамол ҳамроҳлигида қанчалик узоққа сайр қилмайлик, ҳар сафар муқаррар равишда ғоримизга қайтиб келамиз. У бизни қолган дунёдан пашшахона каби асрайди. Бу ерда, биқик бир манзилда бир-биримизни англаймиз, тадқиқ этамиз, тушунамиз, мен бу ерда баъзан ўзим билан қандай ҳодисалар содир бўлаётганини тушунмайман, ҳатто савол бериб ҳам кўрмайман. Дунёда яшаётганимни, иккаламиз тирик эканимизни ҳис этишнинг ўзи кифоя. Баъзан бунинг ўзи ҳам имкон даражамдан юқорига ўхшайди. Сўнгра мен хотиралар ва умидлар оғушида яшайман, буниси ҳам хатарли. Мен сени фақат ҳозир қандай бўлсанг шундайлигингча биламан. Агар биз бу ердан

кетсак мен ўз билимларимни йўқотиб қўйишим мумкин. Кўряпсанми, мен кетишдан кўрқяпман. Бунинг устида, кечалари тобора совуқ бўлмоқда...

Адам горга кираверишда оёқларини узатиб, орқаси билан қояга суяниб, қамишдан қилинган найчасини секин сўриб ўтирибди. Найчада ёввойи тамаки ва ўт аралашмаси бор. У Элизабетнинг кийик гўштини нимталаётганини, бу ишни азбаройи тиришқоқлик ва қунт билан бажараётганидан қовоқларини уйиб, ҳатто тилини чиқариб турганини ўзи ҳам сезмаётганини қизиқиб, вақтихушлик билан кузатиб турарди. Унинг қўли тирсагигача қон бўлиб кетган, лекин гўштнинг катта бир бўлагини суяқдан ажратиб олишга муваффақ бўлди. Ўргамчик қассоб мамнунлик билан хўрсиниб қўйди.

— Хўш, қалай? — аёл унинг ёнига келиб чўккалади, меҳнатига яраша баҳо олиш учун мағрурланиб сўради.

— Қойил, — деди у қўлига бир бўлак гўштни олиб ҳар томонга айлантриб кўраркан. — Фақат кейинги сафар умуртқа суяги олдидаги гўштни эҳтиёт бўлиб ажрат, бу ерда суякка пай келиб туташади.

— Ҳаракат қиламан.

— Яхши, айтганларимни ўрганиб боряпсан, — У аёлга синчиклаб тикилди ва кутилмаган тезлик билан қўлларини ушлади.

— Нима қиляпсан, қўлларим жуда ифлос.

Адам уни ўпиб қўйди.

— Майли. Оламда қондан тозароқ нарса борми? — У ўз кафтларини очиб қараса — қон. Тантанавор равишда ўзининг қўлларини унинг яланғоч елкаларига қўйди. Аёл бир оз титраб кетди, аммо унинг кўзларига мардонавор қараб тураверди. Адам қўлларини секин-аста аёл кўкракларигача олиб тушди, оппоқ баданда қонли йўллар қолди. Аёл лабини ялаб қўйди, лекин индамади. Йигит қўллари остидаги аёл эмизгичлари таранглашиб келаётганини сезди.

— Нима қиляпсан? Нега?

— Билмадим. Шунчаки.

Аёл йигитнинг юзларига синчиклаб тикилганча уни тушунишга ҳаракат қилди, лекин барибир ҳеч нарса тушунмади.

У тўсатдан қулиб юборди-да, қўлларини олди.

— Бор, ишингни тамомлаб қўй, — деди у.

— Мен жуда чарчадим.

— Йўқ, ишни ташлаб кетиш ярамайди.

Аёл истар-истамас ўрнидан туриб, унинг қўлидаги гўштни олди.

— Бизнинг ошхонамизда ҳаммавақт қуллар... — У гуноҳқорона жим қолди.

Адам аёлга хўмрайиб қараб қўйди, ҳеч нарса демади.

Аёл бошини эгиб гўшт томон кетди ва ишини давом эттирди.

— Бизга ҳақиқатан ҳам шунчалик кўп гўшт керакми? — сўрайди у бир оздан сўнг.

— Нимани кўп деяпсан?

— Сен кийик ва қуёнларни шунчалик кўп олиб келасанки...

— Бизга териси керак бўлади. Гўшти ҳам қишда асқотади.

— Биз шу ерда қишлаймизми?

— Билмадим. — Эътиборсизгина жавоб берди. — Ҳаммаси об-ҳавога боғлиқ.

— Адам...

У аёлга қараб турганча тутун чиқарди.

— Аоб... — ўзини тузатди аёл.

— Нима?

— Шу ерда қола қолайлик.

— Мен сенга ҳаммаси об-ҳавога боғлиқ деб айтдим-ку.

— Йўқ, мен фақат қишлашни айтаётганим йўқ. Кел, умрбод қолайлик шу ерда. Бу ердан кетиб нима қиламиз?

— Ахир, сен Капстадга қайтишни хоҳлаётган эдинг-ку.

— Илгари хоҳлардим. Энди истамайман. Капстад энди бизга керак эмас. — Ва кутилмаган эҳтирос билан қўшиб қўйди: — Мен энди у ёққа бора олмайман, наҳотки сен бунга тушунмасанг? Энди бу сираям мумкин эмас.

Адам унга синчиклаб ва ҳаяжон билан тикилди, лекин жавоб бермади.

Элизабет бидирлаб, энтикиб гапирарди:

— Биз бу ерда шунчалик бахтлимизки. Биз биргамиз. Ҳеч ким керак эмас бизга.

— Ҳаммавақт шундай деб ўйлайсанми?

— Сен ёнимда бўлсанг шундай деб ўйлайман. Бу ерда яхшигина яшаши- миз мумкин. Форни тартибга келтирамиз, кроват ва бошқа мебаллар ясаб ола- миз. Майли, болаларимиз ҳам бўла қолсин. Сен менга ўргатган нарсаларинг- ни уларга ҳам ўргатасан. Кундуз кунлари сен ўғиллар билан ўрмонга борасан, денгизга тўр ташлайсан, мен эса қизлар билан форни саранжом-саришта қила- ман, сават ва бўйра тўқийман, кийим тикаман. Лой топа олсак, мен идиш- товоқ ясашга уриниб кўраман. Қизлар билан сув келтираман, сенга қарайман. Кечалари эса ҳаммамиз гулхан атрофида ёнма-ён ётамиз. Ашула айтамиз, чиганоқ йиғамиз, офтобда товланамиз, чўмиламиз, — аёл мўлжаллаган ишла- рини эҳтирос билан санай кетди. — Илтимос қиламан сендан, шу ерда қолай- лик! Бизга бошқача ҳаётнинг ҳожати йўқ. Шундай жойдан кетиб Капстадга бориш ўта бемаънилик! Кўйлақларимизни ечиб биз аввалги ҳаётимиз билан ҳам умрбодга хайрлашдик.

Адам унинг ёнига келди, ўзининг аллақандай ғалати кулгуси билан кулди.

— Иккаламиз, фақат сену мен, икки ёввойи саҳрода қоламизми?

— Биз бир-биримизни севиб ардоқлаймиз, мен сен ҳақингда ғамхўрлик қиламан, сен эса мен тўғримида қайғурасан.

— Ундай бўлса биз ҳақиқатан ҳам шу ерда қолишимиз мумкин. У ҳолда Капстад ёруғ жаҳонда борлигини бир умрга ёдимиздан чиқариб ташлаймиз.

Адам ҳозир аёлга ғалати қараб қўяётган эди. Унинг устидан куляптими? Фашини келтиряптими? Ёхуд ўзи каби самимий гапиряптими?

Кўкракларидоги қон излари қуришиб, қорайиб кетибди.

Ўлиб ётган илон деярли қуриб қолибди, унинг териси юпқа ялтиллаб турган пўстга айланибди, баъзи жойларидан йиртилибди, қийқиндиларини шамол тор- қилапти. Хира кўкимтир пўст орқасидан умуртқа суяқлари нақшга ўхшаб кўри- нади.

Ташқарида тун, ҳавонинг авзойи бузук, шамол гувиллайди, тўлқин қутур- гандан қутурган, форнинг ичи эса тинч. Улар гулхан ёнида ўтиришибди, кўрша- палаклар бошлари устидан деярли товуш чиқармай у ёқдан бу ёққа учишади, атрофдаги деворларда таниш расмлар, бурчакка саржин тахланган, янги тери- лар қуриштиш учун ёйиб қўйилган, қуриганларига ишлов бериб тахлаб қўйилган, ўзлари билан олиб келишган тугунлар, қишки кийимлари — уни пай ва тери- нинг юмшоқ жойларидан аёлнинг ўзи тиккан, чиганоқ ва қисқичбақалар кол- лекцияси, кийикларнинг шоҳлари, бир қанча қотирилган сон гўштлари, қўлбо- ла саватчада қурилган мевалар, Адамнинг асбоблари, қурооллар. Бу уларнинг уйи. Гулхан ёруғида уларнинг иккиси — Адам ва Элизабет ёнма-ён, биргаликда ўтиришибди.

Аёл кечки овқатга тайёргарлик кўрмоқда, балиқ, Адам ўрмондан териб кел- ган катта-катта гўштдор қўзиқоринларни қовурмоқда. Адам қисқичбақа тута- диган сават тўқимоқда.

Йигит ишдан бошини кўтариб унга мулоимгина қараб қўйди.

— Биласанми, мен нимани хоҳлаяпман? Ўғил туғиб беришингни хоҳлаяп- ман. Денгизга тўр ташлашимда у менга ёрдамлашарди.

— Ҳечам-да! Мен уларни денгизга туширмайман. Чўктириб юборасан уларни.

— Эй худойим-эй. Мен уларни юриб кетишлари биланоқ сузишга ўргата- ман, тюленлардек сузишга чечан бўлишади. Кексайганимизда эса улар бизни боқишади.

— Ўғлимиз сенга ўхшашини хоҳлардим.

— Йўқ, сен аввал менга қиз туғиб берасан, — эътироз билдирди у, — худди ўзингга ўхшаган. У кўз ўнгимда катта бўлади, шунда сени танимаган пайтла-

римда қандай бўлганини кўраман. Сен билан алоқадор ҳамма нарса мен учун муҳим ва қадрли.

Улар анчадан бери бу ўйинни ўйнаб келишади — орзу қилишади, режалар тузишади. Буларнинг ҳаммаси амалга ошишига ишонишади. Лекин аёл кўққисдан унга аланга орасидан қараб сўраб қолди:

— Сен ҳақиқатан биз қачонлардир фарзандли бўламиз деб ўйлайсанми?

— Албатта.

— Нега бунчалик қатъий ишоняпсан?

— Мен эркак, сен аёл бўлсанг.

— Анави сен гаплашиб юрган кул қиз сендан бола кўрганмиди? — Элизабет шундай деб сўрадию бирдан ўрталарида бўлиб ўтган аввалги гапни эслаб қолди.

— Мен қаердан биламан? — У бирдан жим турди-да: — Мен сенга уни сотиб юборишган деб айтгандим-ку, — деди.

— Ҳа, тўғри, эсимдан чиқибди. Кечирасан.

— Нега сўраяпсан?

— Агар биз болалик бўлишимиз мумкинлигини билганимда анча енгил тортган бўлардим!

— Нега болалик бўлмас эканмиз? Сен илгари ҳам ҳомиладор бўлгандинг-ку.

— Бўлганман, лекин бола қорнимда нобуд бўлган эди.

Ўтган давр мобайнида у биринчи маротаба ўз боласи ҳақида сўзлашга жазм этди, илк маротаба ҳеч нарсани унутмаганлигини эслатди.

— У билан қандай ҳодиса рўй берганини ҳамон тез-тез ўйлайман. Ўшанда нима қилишганди уни?

— Барибир эмасми?

— Йўқ, барибир эмас. У менинг болам эди. Бағримдан юлиб олишди. Аллақайси ерга жисимнинг бир бўлагини кўмиб ташлашди. Мен аҳён-аҳёнда... — Аёл асабийлашиб қалтираб кетди-да, журъатсизгина йигитга тикилди. — Бугун кечаси туш кўрдим.

— Қанақа туш?

— Тушимда мени ҳайвоннинг инига кўмишибди. Сўнг ёфингарчилик бошланиб мен худди нўхот ва бугдой сингари ерни тешиб, тепага чиқибман, лекин оёқларим қимирламасмиш, улар оёқ эмас, илдизлар эмиш. Улар жуда чуқурга, ер қаърига кириб кетган эмиш. Мен шохларни қимирлатар эмишман, қичқирармишман, ёрдамга чақирармишман, лекин мени ҳеч ким эшитмасмиш, чунки мен дарахт эмишман. Улкан водийда бир ўзиммишман, атрофимда фақат калхатлар бормиш.

Элизабет тиззаларини йиғиштириб даҳанига олиб келди, бошини тиззаларига қўйиб гужанак бўлиб ўтирди-да, жим қолди.

— Бу туш-ку.

— Болам ўлди. Менга нима бўлади?

— Шунча саволнинг не ҳожати бор?

— Наҳотки, бизнинг барча изтиробларимиз бекор кетса? Бу мумкин эмас, — деди ҳаяжонланиб Элизабет. — Нега изтироб чекамиз? Нима учун? Изтироб чекишнинг маъноси нима? Биз оламга келамиз, яшаймиш, ўламиз — ҳаммаси шуми? Тамомми? Бор-йўғи шугинами? — Аёл кўркув ичида Адамга қаради. — Агар биз шу ерда кексайиб ва... биз билан бирор қор-ҳол рўй берса, кейин ҳеч ким бизнинг изимизни тополмайди. Ҳатто ҳеч ким бизнинг дунёда яшаганимизни ҳам билмайди.

— Бошқаларнинг билишига ҳожат борми ўзи? Биз ҳозир яшаяпмизми, кейин нима бўлиши билан нима ишинг бор?

— Йўқ, мен кейин нима бўлишини билишни истайман!

— Буни қандай биласан? Ва нима зарурати бор сенга? Сен ўзинг айтдинг-ку ахир, бу ерда бахтлиман деб.

— Нега сен тушунмайсан? Бу ерда ўлиб кетсак-чи?

— Эҳтимол. У ҳолда одамлар узоқ йиллардан кейин бизнинг суяқларимизни топиб олишади, — деди у.

Кафтимда чиганоқ турибди. Кичкина, сип-силлик, усти тўқ сариқ, ёнларининг ранги хиралашиб оқ-сарикча ўта бошлаган, ичида айланма тўлқинли чек-касида садаф жилваланади. Чиганоқ чўзиқроқ, шакли кичкина тошбақага ўхшаб кетади. Лекин жуда силлик, юмалоқ, эгилувчан. У бир чўзилиб, бир қисқариб туради. Усти шарга ўхшаб бўртиб туради, ялтироқ ва қаттиқ, бекик дунё, у ерга ҳеч ким киролмайди. Лекин мен уни ағдариб кўраман — заифгиналиги маълум бўлади: тешик ичидан оппоқ тишларини ярқиратиб яланғоч, титраб турган, ҳўл, ҳимоясиз моллюскалар кўринади. Худойим-ей, анчадан бери кўзгуда ўз аксимни кўрмовдим!

Сўнг овчилар пайдо бўлишди. Афтидан, улар филни аввал яралашган. Чунки жуда катта масофадаги ўтлар эзилган, шох-шаббалар синган, қизғиш қонлар ўйилган ерлар, дарахтларнинг барглари ва қирққулоқларнинг учларида қон доғлари қорайиб турарди. Фил силлик дарахтнинг йўғон танаси олдида чап томони билан ётарди. Йиқилишдан олдин унга суяниб қолмоқчи бўлган кўринади. Ёнгинасида қондан қўлмақ ҳосил бўлган, унинг атрофида тезаклар. Боши пачоқланиб дабдаласи чиққан, унда пашшалар ғужғон ўйнашади, хартуми кесилган, тишлари суғуриб олинган. Чамаси, тирноқларини ҳам кесиб олишмоқчи бўлишгану, қўлларидан келмаганми, негадир ташлаб кетишган.

Ўрмон тинч эди. Фақат дарахтларнинг баргларида қушлар париллаб учишар, асаларилар қизғиш — бинафша ранг гуллар устида фингинлашар, шох-шаббалар орасида хуркак маймунлар изғишарди.

Ниҳоят улар чакалакзордан чиқишиб филга шамолнинг қаршисидан яқинлашишга қарор қилишди.

— Нима бўлган унга? — шивирлади Элизабет. — Нега бунчалик дабдаласи чиқиб кетибди?

— Тишларини ўйиб олишибди, кўрмаяпсанми?

— Ким экан улар?.. — Аёл бирдан жим бўлиб қолди. У билан баҳслашмоқчи бўлганлигиданмас, балки у қайтарадиган жавобдан тўсатдан кўрқиб кетди.

Адам қовоғини ўйиб дарахтларни ва ерларни синчиклаб қарай бошлади.

— Юр, кетамиз, — таклиф қилди аёл.

— Қаердан қочиб келган бўлса изидан ўша жойгача бориш мумкин, — таклиф этди у. — Истайсанми?

— Сен-чи?

Худди биринчи кундагидек ўрмон ёруғ эди. Аммо ҳар дақиқада зўр диққат ва эҳтиёткорлик билан юришнинг ўзи ваҳимали, ўрмон сирлари кўрқинчли эди. Қонли излар тугаган жойда уларни нималар кутмоқда? Ўлимнинг яна бир даҳшатли манзарасими ёхуд сукунатми? Улар тобора ўрмоннинг ичкарисига кириб боришарди. Ўрмон эса шу қадар кенг ва катта эдики, унинг боши ҳам, охири ҳам кўринмасди. Ўрмоннинг ўртасига етганини инсон қандай билади?

Чамаси ярим чақиримлар юришгач, яна бир ўлдирилган филни кўришди. У орқа оёқлари билан ирмоқни тўсиб ётарди. Бунинг ҳам калласи дабдала қилинган, тишлари суғуриб олинганди, пахмайган қошлари остидан хира тортган кичкина газабнок кўзлари қараб турарди.

— Нима деб ўйлайсан, бу қачондан бери ётганикин? — шивирлаб сўради аёл.

— Икки-уч кундан бери.

— Лекин ким ўлдирганикин уни?

— Фақат капстадлик овчиларгина бундай ваҳшиёна ўлдиришлари мумкин. — Анчадан бери Элизабет унинг овозида бундай таъна ва алам оҳангларини эшитмаган эди.

— Уни готтентотлар ҳам ўлдиришган бўлиши мумкин! — эътироз билдирди аёл нима учун унинг фикрига қўшилақолмаганига ўзи ҳам тушунмай.

— Мумкин. Фил суякларини кейинчалик Капстада пуллаш учун.

Аёл бошини эгди, лекин бир оздан сўнг яна унга тикилди.

— Ким ўлдиргани муҳим эмас, муҳими уни одамлар ўлдиргани, — қатъий гапирди у. — Бизнинг ёнгинамизда. Биз эса ҳеч нарса эшитмадик.

— Биз ахир пастда, денгиз ёқасидамиз, ўрмондаги ҳодисалар бизга эшитилмайди.

— Икки-уч кун... — ўйчан гапирди аёл, — эҳтимол, улар кетиб қолишгандир.

— Эҳтимол.

— Биз нима қиламиз?

Адам орқасига, келишган томонга қаради, сўнг олдинга, кўм-кўк ўрмон ёришиб турган томонга боқди. Куз япроқлари тўкилиб ётган ўрмоннинг у ер-бу ерида кулаб тушган дарахтлар ётар, улар худди мурдаларга ўхшарди.

— Олдинроққа бориб, қидириб кўриш мумкин.

Аёлнинг қичқиргиси келарди: “Ҳа, олдинга, ичкарига, ўрмоннинг энг сирли жойларигача борамиз. Эҳтимол, биз уни тополмасмиз, лекин биз лаоқал унга яқинлашамиз-ку. Биз жумбоқ борлигини, уни ечиш мумкинлигини билиб олардик”.

Лекин у бу сўзларни айтмади, қўлини кўкрагига олиб келиб ўзига қараб кўйди ва оҳиста деди:

— Мен бу аҳволда, кийимсиз боролмайман, у ерда одамлар бўлса-чи?

Улар орқаларига қайрилишди. Аёл қандайдир ғалати маъюсланиб қолди, қарийб ўзига нафрати кўзиди. Қандайдир жуда муҳим нарса рўй бериши, бир оз сабр-тоқат қилганларида сирни кашф этишлари, тушуниб, ҳис этиб олишлари мумкин эди. Улар эса орқаларига қайтиб, бу нарсадан воз кечишди. Лекин аёл бундан бошқа йўл тутиши мумкинмиди?

Ўрмоннинг чеккароғига чиқишганда иккалалари бирданига тўхтаб қолишди. Қаердадир узоқ-узоқларда, ҳатто қайси томондалигини аниқлаб бўлмайдиган масофадан бўғиқ қасур-қусур эшитилди.

— Нима бу, ўқ овозими? — сўради аёл.

— Эҳтимол, шунчаки шох сингандир.

Эҳтимол, кимдир ўрмонда ўқ отгандир.

Улар ўз хаёлларига гарқ бўлган ҳолда одатда юришадиган йўлдан — қалин чакалакзордан ўтиб дара орқали пастга тушишди. Қачонлардир Адам усти ўпирилиб тушган кўчки тошларни айланиб ўтишиб форга киришганда кеч кирган эди.

Адам дарҳол тўрдан хабар олди. Сув қайтганди. Тўрга бир неча балиқ илинганди, уларни уйга олиб келди.

Ғор ичидан тутун чиқарди, Элизабет гулханни ёқиб юборганди. Лекин Адам форга кириб келганда аёл гулхан олдида кўринмасди. У ғорнинг ичкарасида, нарсалари ўралган тутун олдида турарди. Адам кириб келганини сезиб, дарҳол унга ўгирилиб қаради-да, гуноҳкор одамдек қизариб кетди.

— Мен шунчаки истовдимки...

У ўзининг кўк шойи кўйлагини тахлаб, Адамга қарамасдан жойига кўйди. Сўнг унинг олдида келиб қўлидаги балиқларни олди ва пичоқ билан тозалашга тушди. Пичоқни Адам чақмоқтошдан ясаб берганди. Ниҳоят аёл унга кўз ташлади, Адам эса тик қараб турарди. Аёлнинг юзи оловдай қизариб кетганди.

— Бир кўриб кўймоқчийдим.

— Биладан.

— Мендан жаҳлинг чиқяптими, Адам?

— Нега жаҳлим чиқаркан?

Адам ғорнинг остонасига чиқиб, кўтарилиб келаётган ойга қараб тўхтаб қолди.

Элизабет унинг бағрига отилгиси, дардларига дармон бўлгиси, аламларидан фориг қилгиси, норозилигини ёзиб юборгиси келдию бунинг уддасидан чиқолмади. Ўзининг дард-аламлари ҳаддан зиёд эди. У миқ этмай кечки овқатни тайёрлади. Адам қайтиб келиб одатдагидай унинг қаршисига келиб ўтирди. Улар гулханнинг икки томонида ўтиришиб аҳён-аҳёнда бир-бирларига аланга устидан қараб кўйишарди.

Адам ўзининг балигини охиригача емади, яна ғор оғзига кетди. Элизабет унинг орқасини кесиб ўтадиган қора чандиқларида гулхан шуъласи жилоланишини кўриб турарди. Нимага қараяпсан? Нимага қулоқ солаяпсан? Ҳеч ким



йўқ, фақат ой денгизда акс этиб турар, денгиз эса барча овозларни босиб ҳайқирарди.

— Сен ухлагани ётмайсанми?

— Ҳозир кираман.

Улар юмшоқ пичанга ўтиб устларига юмшоқ терини тортишди. Йигит одатдагидай қўлини аёлнинг кўкрагига қўйди. Аёл уни севгани учун эркалатишига итоат этди, лекин бепарво эди. Шу боисдан Адам уни қўйиб юбориб сал нарироққа сурилди.

— Яқинроқ кел, — шивирлади аёл.

— Ҳозир сенинг хаёлинг паришон. — Унинг овозида маломат ҳам, ранж-алам ҳам йўқ эди, вазмин, оддийгина қилиб гапирди.

— Лекин мен бу ерда, сен билан бўлишни истайман. Мана, мен шу ердаман, кўряпсанми?

— Сен ўрмондаги овчилар тўғрисида ўйлаяпсан.

— Ёлгон! Қаердан билдинг? Нега бундай деяпсан?

— Капстад сени чорлаяпти.

— Йўқ, йўқ. — Аёл қаттиқ-қаттиқ бошини ликиллатди.

— Кўрқма, — деди у Элизабетни кучоқлаб.

— Мени ташлаб кетма.

— Мен сен билан биргаман.

Йигитнинг юраги зирқираб кетди, негалигини ўзи ҳам билолмади. Гўё уларнинг ихчам, саранжом-саришта ғорларига тунги изғирин ёпирилгандай бўлди, ўтмиш ва келажак уларга баробар юз тутгандай бўлди.

— Мени кучоқла, — умидсизланиб шивирлади аёл. — Нима бўлганини тушунмайман. Қаттиқроқ кучоқла. Мендан нари кетма.

У эрта тонгда, кун энди ёришиши билан чиқиб кетди. Бир-бирларига бирор сўз айтишмади. Қаерга, нима учун кетаётганлиги номаълум қолди, кетди — вассалом. Хайрлашиш олдидан йўлга ҳозирлаб қўйган овқат солинган саватни Адамнинг қўлига тутқазди. Ким билади дейсиз, неча кун кезишга тўғри келаркин? У чарм фартуғини белига бойлади, найзани олди, тўппончани ҳимояланиш учун Элизабетга қолдирди.

У айланма илонизи йўл билан кетиб борарди. Аввал биринчи, кейин иккинчи филнинг жасади олдидан ўтди. Иккинчи филнинг изидан кетаверди ва тез орада яна учта ўлдирилган жониворни кўрди. Туш пайти эди. Охирги жасаднинг яқинида лашкаргоҳнинг изларини топди: эзилган ўт-ўланлар, оёқ излари, гулхандан қолган кул. Кулда батамом ўчиб улгурмаган чўғлар бор экан. У беихтиёр бошини кўтарди — шамол турса нима бўлади? Шамол турса ўрмонга ўт кетади. Лекин ҳавода на энгил шабада эсарди, на бирор барг, на бирор ўт қимирларди. У йўлда давом этди. Унинг назарида тўсатдан гўё вақт кейинги бир неча ой мобайнида содир бўлган нарсаларни бутунлай ўчириб ташлагандай туюлди. У бу сахройи биёбонда охири кўринмаган сарсон-саргардонликлардан сўнг яна карвон изига тушиб олди ва бир неча кундан бери ҳеч кимга кўринмай, узоқдан узатиб бормоқда: соябонли аравалар гилдираб бормоқда, ҳўкизлар имиллайди, готтентотлар, икки оқ танли — эркак ва аёл... мана аёл ёлғиз қолди, у кетганларни кутяпти.

Арава иккита экан. Улар ўрмоннинг охирига бориб бурилишди-да, эски из бўйлаб орқага қайтишди. Бу Адам юриб келган йўлга ёндош эди. Бундан чиқадикки, Адам эрталаб карвонни қувлаб етган вақтда, агар тўғри кесиб чиқиладиган бўлса, ғордан бир неча соат яёв юриладиган яқин масофада экан. Икки арава, бир гала — қирқдан кам бўлмаган ҳўкизлар, беш-олти готтентот, икки оқ танли, бири ўрта ёшли, бошқаси жудаям ёш — иккаласи узун соқол қўйган одамлар.

Адам уларга яқинлашмади, итлар сезиб қолишидан кўрқди. Лашкаргоҳнинг шамол эсмайдиган томонидаги буталар орасига яшириниб, деярли ярим кун овчиларни кузатди. Чамаси, бир арава ўлжаларни йиғишга мўлжалланган эди. Ерда боғланган фил суяклари, қуритилган терилар, туяқушларнинг патлари, кийикларнинг шохлари тахланиб ётарди. Лагердаги югур-югурларга қараганда

карвон йўлга отланадиган, эҳтимол эртага эрталабоқ йўлга тушадиган кўри-нарди.

Адам худди Ларсоннинг карвонига етиб олган кунидагидек одамларга сеҳр-ланиб қараб турарди. Лекин ҳозир унинг учун бу учрашув гоят муҳимлигини янада чуқурроқ ҳис этди. Ниҳоят беркинган жойидан чиқиб денгиз сари йўл олганда юраги жуда ғаш эди. Қаршисида ёввойи нилуфарлар, арчагуллар, у ер-бу ерда пастаккина дарахтлар ўсиб ётган бепоён яланглик гавдаланди.

Унинг шубҳалари кейинроқ, тик қоянинг устига чиқиб, рўбарўсида бепоён денгизнинг кўм-кўк манзараси намоён бўлганда тарқай бошлади. Пастликда уни Элизабет кутаётганини, унга ҳаммасини ҳикоя қилиш зарурлигини билар-ди. Гапириб берганда эҳтимол ҳаммасига яқун ясалар. У яқун ҳаммавақт ҳам муқаррар эканлигини алам билан ўйлади. Сен у вақтда сузиб юришинг мум-кин, лекин унинг тўлқинларини сезмаслигинг эҳтимолдан ҳоли эмас. Буни тўлқин суриб кетаётган, охирида қирғоққа улоқтириб ташланган сув ўтлари-нинг ҳолатига ўхшатса бўлади.

Бургут анча тепада ўлжа қидириб учиб юрибди. У фалакда худди жим тур-гандай, чексизликка осиб қўйилган хочдай туюлади, лекин барибир қачонлар-дир у ҳам ерга тошдай қумалайди. Кечагина улар учун жуда узоқ келажакдай, ҳатто ўйлашни ҳам истамаган келажакдай туюлган нарса бугун муқаррар ҳақиқат-га айланай деб турибди. Мана, эрта ҳам келди, бугунги кун ўтмишга ўтиб кет-ди. Дунё эса уларнинг ҳалокатини сезмади. Шамол учуриб юрган қумнинг қис-мати билан унинг нима иши бор?

Кун охирида қолган эди, кечқурун — туннинг эртаси бошланди. Элизабет ҳамон уни гор ичида пойлаб ўтирарди.

Адам кўрганларини унга гапириб бермаслиги, ундан ҳақиқатни яшириши ҳам мумкин эди. У нима деса аёл ишонарди. Масалан, у кўчманчи готтентот-ларни учратганини, улар фил суякларини Капстадга олиб кетишга тайёрланиб туришганини сўзлаб бериши мумкин эди. Ёхуд ўрмонда қароргоҳнинг изини топганини, лекин одамлар ҳеч қаерда йўқлигини айтса ҳам бўларди. Ёки буш-менлар талаб кетган аравани топганини, ҳўкизларни, чамаси, ҳайдаб кетишга-нини, ерда дабдаласи чиққан иккита мурда ётганини, уларни кўмганини, ҳеч қандай озик-овқат қолмаганини айтса нима дерди. Ҳеч нарса кўрмадим дейи-ши ҳам мумкин...

Сен менга ишонасан. Ҳатто алдаётганимни билиб турсанг ҳам менга ишо-насан, чунки иккаламиз ҳам бу ердан кетишни истамаймиз, сен ҳам мен каби бундан кўрқасан.

Майли, аравадаги бу одамлар еримизда юраверишсин, талайверишсин, ўлди-раверишсин, қаердаки бўлишса, ўша ерга ўзларининг ёвуз маданиятларини су-қаверишсин, биз сен билан мана шу ерда, денгиз тепасидаги ўз горимизда қолаверамиз. Ҳеч қандай ғам-ғусса бизга етолмас. Эрталаб турганимизда чаға-лайларнинг чинқириғини эшитиб, биз бир-биримизни янаям қаттиқроқ кучоқ-лаймиз, сен менга бағрингни очасан, мен эса вужуд-вужудингга сингиб кета-ман, биз ёлғизлик нималигини билмаймиз. Кундуз кунлари чиғаноқлар йиға-миз, мен уларни ипга териб белингга боғлаб қўяман, ҳар юрганингда жаранг-журинг қилиб товуш чиқаради. Сен мен билан бирга балиқ тутишасан, тўрни сувдан кўтараётганимда ёрдамлашасан, денгиз тўрни йиртиб юборганда тешикларини тикиб берасан. Биз ўрмонга бориб тузоққа илинган ёввойи қуш, қуён, кийикларни олиб келамиз. Мен ўрмондан сен ҳеч қачон татиб кўрмаган мевалардан териб келаман, сенинг кўзларингдан қувонч ва ўт чақнайди. Кўкрак-ларингни қон билан бўяб қўяман. Мен сени денгиз бўйида, кум устидаги тўлқин-лар бағрида ҳам севаман, орқамни қуёш куйдириб, баданимдан чиқаётган тер-ни қуритаётганини ҳис этаётганимда ҳам яхши кўравераман. Қамиш найчада сенга куй чалиб бераман, сен менинг мусиқамга ашула айтасан, бу қўшиқни ўзинг тўқийсан. Биз бахтли бўламиз, ҳеч ким бизга керак бўлмайди, ишон бун-га, ишон...

Бургут — осмондаги ҳалиги қора нуқта — ердаги ўз ўлжасига отилди. Боши-га қора кун тушган нарса нимайди? Дала сичқоними, бўрсикми, қуёнми? Бур-

гут чангалида ниманидир кўтарган ҳолда, шамол қаршилигини енгиб яна осмонга кўтарилди.

Адам хўрсиниб қўйди ва даранинг қизғиш қояларидан қирғоққа туша бошлади. Қош қорайган эди.

— Уларнинг иккита соябонли аравалари бор экан, — деди Адам Элизабет қирғоқ бўйлаб чопиб келиб унинг бағрига отилганда. — Биттаси ўлжалар билан тўла. Улар йўлга отланишяпти. Тўғри Капстадга боришса керак деб ўйлайман, чунки араваларда бошқа жой йўқ.

— Оқ танлилар атиги иккитами?

— Ҳа, биттасининг ёши қайтган, иккинчиси ёш.

— Кўринишидан қанақа улар? Раҳмдилроқми? Ёки ёвузроқми?

— Оддий овчилар. Капстадлик одамлар. Афт-ангори жуда ифлос. Лекин бундай ифлосликни сув ювиб юборди.

— Қандай деб ўйлайсан, менга ёпишишмасмикин?

— Сен аёлсан, ахир.

— Умид қиламанки, уларнинг жиловини тортиб қўйиш мумкин. Ахир менда тўппонча ҳам бор-ку.

— Ҳа, албатта.

— Аравада Капстадгача қанча вақтда етиб олса бўлади?

— Йўл яқин эмас, бунинг устига тоғлардан ўтилади. Чакалакзорлар ҳам бор йўлда. Икки-уч ойга борар.

Улар ғорга қайтишди.

— Ахир сен мен билан борасан-ку Адам? — сўради у. — Мени кўриқлайсан.

— Агар овчилар сен билан менинг... бунақалигимизни билиб қолишса-чи?

— Улар буни билишмайди.

Адам ғорнинг деворига суяниб афтодаҳол ва тушқунликка тушган бир алфозда ўтирди. Аёл катта чиғаноқда сув ва озгина асал келтирди. Ва яна Адам батафсил гапириб берган нарсалар тўғрисида суриштира кетди.

— Агар улар саҳарда йўлга чиқишадиган бўлса биз уларга ета оламизми?

— Ета оламиз, фақат йўлга эртароқ чиқиш керак.

Сўнгра Элизабет ғорнинг ичкарироғига кириб кетди. Адам у томонга қарамади, лекин қоронғиликда нимадир шитирлаётганини эшитди. Элизабет унинг ёнига қайтиб келганда унинг эғнида аввалги кўк кўйлаги бор эди. Кўйлак унга ёпишмайроқ турар, бунинг устига гижимланган эди. Шундай бўлсада, аёл унга жуда ғалати, ғоят гўзал кўриниб кетди.

— Мен озибман, — деди аёл унинг нигоҳидан негадир уялиб.

— Озсанг ҳам чиниқдинг, — деди у. — Янада гўзалроқ бўлдинг. — Ҳатто Адамнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди — аёл унга шу қадар қадрли эди.

Элизабет ўйчан бир қиёфада кўйлагининг ёнларини силарди.

— Ҳаддан ташқари эзилиб кетибди.

— Биз эртага жуда барвақт турамыз, — деди Адам у томонга қарамай.

Аёл унинг ёнига чўккалади.

— Сенга нима бўлди, Аоб?

— Мени Аоб деб атама, — деди секингина.

— Капстадда сен учун кафилликка ўтаман, — қизғин гапирди аёл. — Эсингдами, ахир мен бунга ваъда берганман, сени афу этишларига эришаман.

— Ҳа, албатта.

— Агар мен бу имкониятни қўлдан чиқарсам... — У нафасини ростлади. — Ҳозир бу нарса аввалгидан, Ларсон аравасини тарк этиб кетишдан ҳам қийинроқ. Ахир бундан бошқа имконият бўлмаслиги мумкин.

— Биладан. Шунинг учун ҳам сенга овчилар тўғрисида гапириб бердим.

Аёл кўзлари ярқ этгандай бўлди.

— Ахир сен менга ҳеч нарса гапирмаслигинг ҳам мумкин эди-ку!

У миқ этмади.

— Эшитаяпсанми? Ҳақиқатни яширишинг мумкин эди. Буни мен ҳеч қачон билмаган бўлардим.

— Йўқ, сен ҳақиқатни билишинг керак.

— Нега менга раҳм қилмадинг? — ҳаяжон билан хитоб қилди аёл. — Нега ҳаммасини ўзинг ҳал этиб қўя қолмадинг? Гапирмаслигинг керак эди буни. Шундай қилсанг яхши бўларди.

— Ҳа, яхши бўларди, — тан олди у — Аввалига яхши бўларди. Кейин-чи? Тўсатдан соғинч туйғуси сенга азоб бера бошласа-чи? Рўй берган ҳолат кейин тасодифан сенга маълум бўлса-ю, билиб қолсанг нима бўларди? Сен учун қандай қилиб мен ҳал қила олардим?

— Лекин нега биз бу ерда қолишимиз мумкин эмас? — сўради аёл.

— Мумкин эмас? Ким айтди, мумкин эмас деб?

— Сен Капстадга кетишни истагандинг! Сен Капстаддан узоқда яшай олмаслигингни, ҳайвон эмаслигингни айтган эдинг.

— Унда мен ёлғиз эдим. Энди ёнимда сен борсан.

— Ахир сенга мен бўлсам басми? Ҳеч қачон ҳеч ким керак бўлмайдими?

— Ким билади. Мен шунга умид қиламан ва ишонаман.

— Эҳ, ахир сен менга буни нега айтдинг-а! — қайтарди у.

— Чунки сен улар билан бир қавмдансан.

— Йўқ, биз ҳар хил қавмданмиз! Мен шу ерда бахтли эдим. Ҳозир ҳам бахтлиман.

— Ўзинг ҳал қил.

— Сен-чи, Адам, сен нима дейсан? Сен нима истайсан? Айт, нима қилай?

— Қачондан бери бошқаларнинг маслаҳатига кирадиган бўлиб қолдинг?

— Адам, менга ёрдам бер! — У йигитнинг қўлини ушлаб, унга ёпишиб олди.

Қаердадир нарида, тун қаърида ўлжалар ортилган соябонли арава турибди. Тонг отиши билан карвон — оқ танли соқол қўйган овчилар, уларнинг ҳўкизлар ва хизматкор готтентотлар Капстадга қараб йўлга отланади.

— Биз готтентотлар маконида яшаётган пайтимизда, касаллик вақтимда... — тўсатдан гапирди аёл... — Нега мени ташлаб кетақолмадинг?

— Сени қандай қилиб ташлаб кетардим?

— Унда сен мени севмасдинг-ку.

— Нега буни бугун эслаб қолдинг? — сўради у.

— Чунки мен сени севаман! — кўзларида ёш билан гапирди у. — Худойим, нима қилиш керак?

— Хафа бўлаверма, — деди Адам. — Ётиш керак. Ахир биз эртароқ туришни хоҳласак, сен яхшилаб дам олишинг керак.

— Нега сен “биз” дединг?

— Мен “Биз эртароқ туришни хоҳласак” дедим.

Аёл ўрнидан туриб кўйлагининг боғичбоғларини ечаётганда тўсатдан тўхтаб қолди.

— Нега ечинаяпсан? — сўради у. — Эҳтимол, яна кийим кийишга кўникиб турганинг маъқулдир.

— Менинг кўйлақда бўлишимни истаяпсанми?

Адам жавоб бермай пичан устига тери тўшади-да, ётди.

— Олдимга кел, — чақирди йигит.

Аёл ҳар қачонгидай унинг ёнига ётди, лекин ҳозир кўйлақда бегонага ўхшаб туюлди.

Адам уни кучоқлади. Агар бу хотима, ҳақиқатан ҳам уларнинг охириг кечаси бўлса, — ўйлади йигит, — тонг отаргача уни севиши, бир дақиқа ҳам ёнидан жилдирмаслиги, унинг танасида ўзининг чандиқларидай мангуга из қолдириши керак. Лекин у бундай қилолмади. Элизабет ундан ҳаддан ташқари узоқ эди.

Адам тун бўйи қимирламай, киприк қоқмай тонг оттирди. Ниҳоят, ғор ичига ёруғлик тушди.

Шунда у аёл томонга сурилиб шивирлади:

— Вақт бўлди.

— Мен ухлаётганим йўқ.

— Нима бало, ҳечам ухламадингми?

— Йўқ. — Аёл ўзининг гижимланиб кетган кўйлагига зўрға туриб ўтирди ва тонги изгириндан сесканиб кетди. — Адам...

— Ҳозир олов ёқаман.

Ҳали жуда эрта бўлганлиги учун, иштаҳа йўқ эди. Адам ёввойи чой баргларида қачонлардир фермадан топиб олган эски қозонда чой дамлади, улар пуфлаб-пуфлаб иссиққина чойдан ичишди.

Сўнгра у ўзи туришни ёқтирадиган ғорнинг олдида чиқиб атрофга разм солди. Денгиз устини қуюқ туман қоплаганди, қуёш нурлари туман орасидан аранг ўзига йўл очаётганди.

Аёл ҳам унинг ёнига келиб турди. Адам қўлини унинг елкасига қўйгандагина яланғочлигини сездди.

— Кўйлагинг қани?

— Менга у керакмас.

— Арава нима бўлади? Қавминг кишилари-чи? Капстадга бориш-чи?

— Мен ҳеч қайқа бормайман. Шу ерда қоламан.

— Сен... Сен яхшилаб ўйладингми?

У бошини қимирлатди.

— Эҳтимол, бундай имконият ҳеч қачон бўлмас.

— Майли. Мен шунга қарор қилдим.

— Сен ақлдан озибсан.

— Ҳа. Биз иккаламиз ҳам ақлдан озганмиз. Шу боисдан ҳам қоламиз. Бу ер бизнинг уйимиз, ватанимиз. — Аёл чор атроф денгизни, чағалайларнинг нолакор чинқириқлари остидаги ёввойи табиатни қўллари билан кўрсатди. — Бундан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ. Биз бу ерда бутунлай қоламиз.

Бу сўзларни у ҳукмдай айтяпти, ўйлади Адам.

Унинг кўз ўнгидан ўрмонга ёйилган филларнинг жасадлари ўтди.

Ўша ёзнинг охирларини улар қандай эшлашади, уларнинг хотираларида нималар муҳрланиб қолган? Қуёш борган сари ўз жамолини кечроқ кўрсатиб, эртароқ ўз уйига кета бошлади, кун тобора қисқарарди, эрталаблари туман анча вақтгача тарқалмас, кунлар шаффоф, очиқ, нурафшон; кабутарлар нолакор кукулашади, қалдирғочлар шимолга учиш учун бир жойга тўпланишади. Кенгликлар янада маҳобатлироқ туолади, дунё гўёки тафти йўқ қуёш нурлари остида кенгайганга ўхшайди, шамол эса жуда олис ўлкалардан келиб йўлда бутун куч-қувватидан маҳрум бўлгандай. Одамнинг мўртлиги, чидамсизлигини англаш юракка гулгула солади. Кечқурунлари гулхан олдида ўтиришганда узоқ жим қолишади.

— Бу кийимнинг қандай тикилганини ойим кўрмагани яхши-да, кўрганда ўзини ташлаб юборарди. Болалигимда тикаётган нарсамдаги қавиқ майда ва текис чиқмаса, ойим менинг тикканларимни сўкиб ташлаб, бошқатдан тикишга мажбур қиларди. Боғда болалар ўйнаб-қулишар, чопишарди, мен эса устимдан қулфланган уйда нарса тикардим. Шунақанги ёмон кўрардимки, нарса тикишни!

— Наҳотки, сен Капстадни ҳеч соғинмасанг?

Аёл бошини кўтарди, унинг юзларида гулхан шуълалари ўйнардди.

— Албатта соғинаман. Баъзан-баъзан...

...Кузги “ким ошди” савдоси, тумонат одам, токзорларнинг хўжайинлари ва ижарачилар... нуфузли меҳмонлар билан Констанцияга қилинадиган сайр, ҳар сафар аравани тўхтатиб қизил ғозларни тамоша қилишлари... Шер қояда тўплардан гумбур-гумбур ўқ узиб турилиши, байроқлар хилпиради, соҳилда оломон гимир-гимир. Онаси пристанда авом халқ билан қўшилиб кетишни таъқиқларди. Лекин унга нима таъқиқланса шуни... эртага кемалар Патрия ва Батавияга жўнаб кетади, хат ёзишга улгурмоқ керак. Клавесин овози янграйди, қандилларга ўрнатилган биллур шамдонлардаги шамлар ёқилади, патнис кўтарган яланғоёқ қуллар ими-жимида иш битиришади, туяқуш патларидан ясалган катта елпиғичларда меҳмонларни елпишади, Якобс амаки боғда отам билан шахмат ўйнайди... ойиси уйда йўқ вақтларида қулларнинг болалари билан ҳовлида тур-

ли ўйинлар ўйнашади, хиринглашади. Наҳотки, ўша дунё ҳамон бор бўлса? Онаси ҳамон қисматдан нолирмикин? Отаси янаям индамасроқ бўлиб қолгандир. Ҳа, шунақадир, балки. Ҳаммалари ҳаётмикин, ишқилиб?

— Сен ҳам Капстадни соғинасан, мен бунга ишонаман, — жигига тегиб гапирди аёл.

...Онаси ва бувисининг Кракатов вулкони оғзидаги қавмлари, гўзал гибискуслар, нилуфарлар, ясмин, долчин дарахти, ғаройиб ҳидли чиннигул, Муҳаммаднинг Мадинага кетиши тўғрисидаги ҳикоялари. Қоқ суяк бўлиб қолган муштумдеккина кампирнинг тақдирга ишонувчанлиги, Христос билан Хейтси-Эй-биб, Оллоҳ иродаси билан хўжайин иродасини фарқлай олмайдиган соддадил онаси...

— Сели онагинам, сен ўғлимни йўлдан оздирасан-ку.

— Тентаккинам, мен унга ёруғ дунё ҳақида ҳикоялар айтиб беряпман. Мен эса дунёни кўп кўрганман.

— Қаердан кўргансан? Кеманинг юк ортиладиган остки қисмиданми?

— Нега кеманинг остки қисмидан бўларкан? Олдин ёшлигимда кўрганман. Мен қаерларда бўлмадим ўзи. Падангада ҳам, Смеросда ҳам, Сурабайда ҳам бўлганман. Мен унда озод эдим.

— Сен ҳозир ҳам озодсан. Хўжайин сени озодликка чиқариб юборди-ку.

— Эй, озодлиги курсин унинг.

— Нима деяпсан, Сели онагинам! Тилинг қандай борди бундай дейишга. У ахир хўжайин-ку.

— Хўжайин? Хўжайин эмас, қул у. Кулларнинг қули. Кулларсиз у ким бўпти? Бир қоп гўшт. Адам, сен менинг гапимни эшит.

— Ўғлимнинг калласини бунақа исёнкор фикрлар билан тўлдирма. Адам, сен бўлсанг онангга ва хўжайинингга қулоқ сол. Тушундингми? Ҳозир бувинг айтган гапларни эсингдан чиқариб юбор.

Мана у дастгоҳ ёнида туриб столнинг оёғини тайёрляпти, ранда остидан жингалак пайраҳалар отилади, димоққа қора арчанинг ҳиди урилади. Мана, у ўтин териш учун тоққа чиқиб, пастликда ястаниб ётган денгизга тикилади... Чердакка майиз ёйилган... Куз, ҳосил йиғиштириб олинган. Усти берк хирмонда ғалла янчиляпти, тоқзорлардан саватларни тўлдириб узум олиб чиқишади, эзилади, устида рақс тушишади, сакрашади. Чарчаган оёқлар остидаги узумлар эзилади, шарбатга ажраб чиқиб пастга қўйилган бочкага оқади. Шарбат оқиб кетгандан кейинги масса бамбукдан тўқилган бўйра орасидан ўтқазилади. Қолган атала катта чан<sup>1</sup> ларга ташланиб анча кун ачитилади. У қайнаб кўпиради. Сунгра виноларни шаҳарга элтишади. Адам бочка устига ўтириб олади, узун қамчин билан тўқ, дангаса ҳўкизларни уриб қўяди, уларнинг ёнида итлар во-вуллашиб, сакрашиб, чопиб боришади. Мана, бандаргоҳга ҳам етиб келинди. Бу ерда кемаларга моллар юкланади. Улар узоқ-узоқларга — Амстердам, Бютензорг, Тексел ва табиийки, Серабанг, Сурабай шаҳарларига сузиб кетади. Бу шаҳарлар тўғрисида бувиси Сели гапириб берган. Дунёнинг барча бурчакларига улар тайёрлаган винолар ташиб кетилади...

— Ҳа, мен зерикаман. Лекин Капстад жуда узоқ. Биз эса бу ерда бахтли-миз, тўғрими?

— Албатта. — Аёлнинг катта-катта кўзлари беихтиёр унга тушади, уялинқираб сўрайди:

— Эҳтимол, сен ҳам афсусланарсан?

— Афсусланаман? Йўқ, йўқ, сен-чи?

— Мен нега афсусланай? Лекин сен охирги вақтда Капстадни кўп гапирадиган бўлиб қолдинг.

— Нимадир ҳақида гаплашиш керак-ку.

— Бу ерга янги келган вақтларимизда сен бу ҳақда бутунлай гапирмасдинг.

— Унда Капстад хаёлимга ҳам келмасди. Ҳамма нарса янги, нотаниш, гўзал эди.

<sup>1</sup> Чан — бир томони очиқ ёғоч бочка (тарж. — Р.И.).

— Эндиликда ўша гўзаллик йўқолдими?

— Нима деяпсан? Ундай эмас. Лекин ҳамма нарса бошқача, ўзгарди. Хаёл суришга, ўй ўйлашга вақт пайдо бўлди.

Уларнинг ҳаётига Капстад худди ўғридай оҳиста бостириб кирди. Совуқ тушиши билан ўтмиш хотираларидан ўзларини тийишлари қийин бўлиб қолди. Уларнинг ўзлари ҳам кейинчалик сувнинг қорамтир юзида оловранг нилуфарлар қотиб қолганини, ўрмон қўзиқоринлари обдон етилиб — сариқ, қизғиш, кўк, оқ, қирмизи ранглар билан жилоланиб турганини илк маротаба қачон фаҳмлаганларини айта олмайдилар. Эрталаблари тувалоқларнинг қичқариши, ўт устида юрган какликларнинг шитирлаши қачон бошланганини эслашлари амри маҳол. Гулхан ёққанларида қачондан бошлаб қаттиқ елимли ўтин палёнларидан чиқаётган тутун денгизнинг изғирин шабадаси ва тўкилаётган дарахт барглари ва пўпанакларнинг ҳиди билан қўшилиб кетганини ҳам айтиб бериша олмасди. Иқлим ўзгариши аста-секин, киши билмас бўлиб рўй берди. Энди улар денгизда бир неча маротабалаб чўмилишмас, қирғоққа фақат эрталаблари югургилаб чиқишарди. Чўмилишнинг характери ҳам ўзгарди. Совуққа аччиқ қилгандай совуқ сувга ўзларини ташлашар, сувда жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишар, оёқ-қўлларини баравар тапиллатишар, кейин зинғиллаганча кумга чопишарди. Мўйна ёпинғичларига ўралиб олганларидан кейингина баданларига иссиқлик югурганини ҳис этишарди. Фақат пешинга боргандагина эгнидагиларни ташлаб шамолдан панароқ хилват жойда қуёшда тобланишарди. Адам аёл танасидаги ёзги қорайиш кетиб, оқара бошлаганини, шунингдек, у ихчам тортганини сезди.

Яна бошқа ўзгаришлар, белгилар ҳам бор эди. Улар энди бир-бирларини аввалгига қараганда ҳам эхтирослироқ севишар, гўё уларнинг бир-бирларига табиий интилишлари сўниб қоладигандай, қўлдан чиқаётган лаззатланиш онларини чўзмоқчидай бир-бирларини ялаб-юлқашарди. Ҳар иккаласи ҳам бир-бирини аяган ҳолда ўз муҳаббатларининг барқарорлигини исботлашга уринишарди.

Бу ўйинни ўйнаш мумкин бўлган вақтгача чўзишга ҳаракат қилишарди. Бирон ноўрин сўз, ҳаракат ҳаммасини барбод қилиши мумкинлигини қўрқинч билан англаб туришарди. Аста-секин шу ўйинга берилиб кетишди, шу ҳаётда яшашга кўникишди. Лекин қиличнинг дамида юргандек бу ҳолатда тойиб кетиш ҳеч гап эмасди.

Сўнг ҳавонинг авзойи бузилди. Адам табиатда не ҳодисалар рўй бераётганини тушунмай қолди. Одатда август ойида бу ўлкаларда ҳаво иссиқ, юмшоқ бўларди, унинг охирларида қаттиқ шамоллар бошланарди, октябрда эса унинг ўрнини жала эгалларди. Лекин бу йили одатдаги тартиб ўзгарди. Осмонни қорамтир булутлар қоплади, совуқ шамол эсди, бир неча кунлаб сурункасига майда ёмғир ёғиб турди. Улар эрталабдан кечгача горда тутун бурқсиб турган гулхан ёнида миқ этмасдан ўтиришарди. Ёхуд баъзан бетўхтов гапиришарди. Бундай пайтлар гап кўпроқ Капстад, унинг узоқ ва орзу-хаёллардаги кунлари тўғрисида кетарди. Энди улар бу шаҳарга илгари денгизга қанчалик интилган бўлсалар, шунчалик гирёна ошиқардилар. Ё бўлмаса катта ёпинғич — чойшаб тагида ётиб ўзларини мажбур қилиб бўлса-да бир-бирларига ёпишардилар, сўнг ухлашга ҳаракат қилишарди. Озгина ухлагандан кейин уйғониб кетишарди — шундоқ ҳам жуда кўп ухлашаётганди.

Ёмғирлар орасидаги бир неча роҳатижон кун уларга олам-олам ҳузур бағишлади. Яна гордан чиқишиб денгиз, яланглик, ўрмонни қайта кашф этгандай бўлишди. Шундай мўъжиза рўй берди: аввалги қувончли дамлари қайтиб келгандай бўлди, келажакка ишончлари яна қайтди, муҳаббатлари янгидан туғилгандай, поклангандай, чиганоқлардан чиққан тошлардай ялтиллаб кетди. Лекин бундай кунлар жуда оз бўлар ва узоқ давом этмасди, яна зерикиш бошланарди. Улар қандайдир ўзгариш муқаррар рўй беришини орзиқиб кутишарди. Улар бу ҳақда гапиришмасди, лекин иккалалари ҳам эртами-кечми бундай ўзгариш рўй беришини билишарди.

Бундай ўзгариш улар тасаввур қилганларидан ҳам кутилмаган тарзда беозоргина рўй берди.

Осмонда оғир қора булутлар сузиб юрарди, лекин шамол бу булутларни ҳайдаб юборар ва қиш яна бир очиқ, қуёшли кунни инъом этар деб умид қилишганди. Эрта тонгда улар ўрмонга қўзиқорин теришга кетишди. Улар ўлиб ётган биринчи филнинг жасади (энди уни жасад деб бўлмас, сиртлонлар, калхатлар, чиябўрилар ғажиб ташлаган ва шамол қуритган суяклар тўдаси) олдига келишганда ёмғир бошланди. Ёмғир аввалига тепадаги баргларни шитирлатиб аста-секин бошланди, сўнг ҳаммаёқ қоронғилашди, жимжитлик чўкиб, намлик кучайди. Кейин ёмғир авж олди. Улкан асрий дарахтларнинг шох-шаббалари остида ивимасликларини билишса-да, совқотиб қолмаслик учун бир-бирларининг бағриларига суқулишиб йиқилиб тушган катта дарахтнинг танасига ўтиришди. Ёмғир хазин оҳангда, охири кўринмайдигандай бўлиб ёғарди, лекин дарё бўйидаги момақалдиروқ маҳалидаги даҳшатли жалага сира ўхшамасди.

— Нима деб ўйлайсан, узоқ ёғармикин? — сўради аёл.

— Ким билади дейсан? Бу йил қиш ғалати, остин-устун. Эрталаб ёмғир бўлмайди деб ўйлагандим.

— Сен қандай ўйлайсан, эҳтимол, биз бекорга...

— Нима бекорга? — дарҳол сўради у.

— Ҳа, йўқ, ҳеч нарса. Форимиз яхши эди, ёмғир ахир тиниб қолар, тўғрими?

— Нима демоқчи эдинг, Элизабет?

— Шунчаки, арзимаган. Ёмғир асабларимга тегяпти. Эътибор берма.

Аёл олдинга лоқайдгина тикилди, лабларининг ёнидан озгина буғ кўтарилди.

— Мазанг бўлмаяптими? — сўради у.

— Йўқ. — Аёл унинг кўзларига қаради. — Қаердан топдинг бу гапни? Энди сен бахтли эмасмисан?

— Мен ҳеч нарсадан шикоят қилаётганим йўқ.

— Мен ҳам.

Яна юракка гулгула солувчи сукунат бошланди. Адам ўзлари ўтирган узун, чамаси юз, балки ундан ҳам ортиқроқ метр келадиган нариги боши ўрмоннинг ичкарасида ётган дарахт танасига тикилди. Тана чириб, уваланиб кетибди, лекин қўпорилиб тушган илдиз ёнидан қўлнинг йўғонлигидай новда ўсиб чиқибди. Бунда мангулик бор, ўйлади у. Бу манзара ойимни жуда хурсанд қилган бўларди.

Жала кечга томон сусайди, ҳамон ёмғир ёғарди, лекин унинг кучи қирқилган эди. Борлиқ қовоғини уйган, маъюс эди. Ёмғир яна авжига олмасдан қайтиш лозим.

Йиқилган дарахтдан юз метрлар нарида ҳўл ўтлар устида дарахтдан йиқилиб тушган каптар уясини кўриб қолишди. Унда учта жажжи-жажжи қалтираб турган қушча бўлиб, зорланиб чийиллашар, сариқ тумшукларини каппа-каппа очиб ётишарди.

Элизабет энгашиб уларни қўлига олди.

— Булар нима бўлади? — сўради аёл.

— Ҳади. — Аёл унинг овозидан таъна оҳанглари уқди. — Ўзлари айбдор — нега тухумини қиш арафасида қўяди?

— Улар жўжа очиб чиқибди.

— Нима бўпти?

— Уларни бу ерда қолдириб бўлмайди, ўлиб қолишади.

— Биз ҳам уларни сақлаб қололмаймиз.

— Йўқ, мен уриниб кўраман.

У эътироз билдириб ўтирмади, ёмғиргача уйга қайтиб олмоқчи эди. Форга етиб келишгунча қоронғи тушди, бир жўжа ўлди.

Иккитасини кафтида кўтариб куфлаб иситиб келди, Адам эса тезда гулхан ёқди. Сўнгра аёл мўйнадан уя ясаб, унга қалтираётган, ҳали ўзларини тутолмаётган жўжачани жойлаб гулханга яқинроққа қўйди.

— Уларга овқат берсанг бўлармиди?



— Нима бераман?

— Куритилган мевалардан бериб кўр-чи. Бошқа ҳеч нарса йўқ-ку.

Лекин қушчалар фақат кўзлариниб бақрайтириб қараб туришар, тумшуқларини ўхшовсиз қимирлатишарди. Аёл чорасиз аҳволда ғорни қараб чиқди. Кутилмаганда хаёлига келиб қолди: у куритилган банандан тишлаб олди-да, чайнай бошлади. Сўнгра чўккалаб ўтирди-да, қушчалардан биттасини кўлига олди. Уни лабига яқин келтириб, тили билан оғзига чайналган нарсадан озгина итариб юборди. Қушчани ҳиқичоқ тутди, бадани қалтиради ва бананни ютиб юборди ва яна оғзини очди. Аёл эринмай шу тарзда иккаласига овқат берди.

Адам бошини қимирлатиб, ўрмондан териб келишган кўзиқоринларни қовурарди. Кўзиқоринлар ҳўл бўлгани учун буғ чиқарди. Ёмғир ҳали ҳам шивирлаб ёғарди, лекин шамол охирги марта эсиб, ҳаммаёқ бирдан жим бўлиб қолди.

Ташқарида қандай аҳволлигини кўриш учун кечаси ғор оғзига чиқди. Қопқора осмонда паға-паға булутлар кезар, шундоққина тепада ой кўриниб турарди. Ойнинг ҳозирги ҳолати худди онаси ёшлигида айтиб берган ва қачонлардир Хейтски — Эйбиб ясаган эски ботинкага ўхшарди. Адам ўгирилиб қараганда Элизабет қушчаларни кўкрагига жойлаб гулхан ёнида ётганини кўрди. У хўрсиниб кўйди-да, аёлнинг олдига борди.

Аёл кечаси бир неча бор туриб қушчаларни овқатлантирди, совқотиб қолмасликлари учун ўради. Барибир эрталаб уйғонишганда қушчалардан бири ўлиб ётарди.

Куёш чиқди, аёл Адамни чувалчанг келтиришга юборди. У чувалчанг келтирганда кўллари билан оғзини очиб турган қушчага тикишга ҳаракат қилди.

— Буниси омон қолади, — қатъий гапирди аёл.

Аёл кечаси бемалолроқ ухлади. Эрталаб эса улар учинчи қушча ҳам ўлиб ётганини кўришди.

— Уларни шўрва қилсак бўлади, — таклиф этди у. — Зиғирчагина-ку барибир гўшт-да.

— Ҳечам-да! — аёлнинг қизгин хитобидан ҳайрон бўлди Адам. — Бу нарса қандай хаёлингга келди? Ахир уларни ўзим боқдим-а.

— Бўлмаса уларни нима қиламиз? — У елкасини қисди.

— Билмадим. Кўмамизми? Эҳтимол...

Аёл оғир хўрсинди ва Адам билан гаплашиш маъносиздай бўлиб қолди, икки гужанак бўлиб қолган вужудни кўтариб ғордан чиқиб кетди. Адам унинг орқасидан юрмади, таскин топмоқчи бўлиб трубкасини тўлдирди-да, чека бошлади. Осмон мусаффолашди, лекин совуқ суяк-суякдан ўтиб кетарди.

Орадан бир неча соат ўтишига қарамай, Элизабетдан дарак йўқ эди, шунда ўрнидан туриб истар-истамас уни қидириб кетди.

У аёлни анча наридан, сув ҳавзаси ёнидан топди. Аёл денгизга орқасини ўгирганча тик қояларга, ер бошланадиган жойларга қараб ўтирарди.

— Нима қилдинг, кўмдингми?

— Ҳа. Ўтир мен билан. Сени соғиндим.

— Нега қайтиб бормадинг?

— Сен келишингни кутдим.

— Бу ер совуқ-ку.

— Ҳа, совуқ. Бироқ қандай кенглик бор бу ерда, одам эркин нафас олади. Ғор димиқиб кетди.

— Ғор сени дилгир қиялпими?

Адам бу саволни бериши билан улар аллақачондан бери тайёрланишаётган дақиқа етиб келганлигини ҳар иккаласи ҳам англаб етишди.

— Ҳа, дилгир қиялпти, — тан олди у. — Нафас ололмаяман. Бунни яшириш ва муғомбирлик қилмоқ фойдасиз. Иккаламиз ҳам нафасимиз қайтиб ўлаемиз, тамом вассалом.

— Хўш, нима қилмоқ керак? — Адам нима кераклигини яхши биларди, лекин ҳукми у чиқариши лозим эди.

— Ҳадеб муғомбирлик қилиш мумкинмас ахир.

— Биз муғомбирлик қилдик деб ўйлайсанми? — Адам унинг ёнига ўтирди ва жавоб кутди. Унинг ҳаёти ҳам шу жавобга боғлиқ эди.

— Мана кўрдинг, улар ўлиб қолишди, — деди бирдан аёл. — Мен уларни иситдим, овқат бердим, ғамхўрлик қилдим, лекин барибир ўлиб қолишди. — Элизабет бошини силкитди. — Ҳаёт уларга шафқат қилмади.

— Шунга ҳам ота гўри — қозихонами? Иккита қип-қизил гўшт қушча ўлса ўлипти-да, кимга ҳам керак эди? — деди унга синовчан қараб.

Аёл тузоқни дарҳол фаҳмлади.

— Биз-чи? — сўради аёл Адамни лол қолдириб очиқчасига, тик қараб. — Биз ҳам ҳеч кимга керак эмасмиз, бизга ҳам бу ерда ўрин йўқ. Ҳаво иссиқ пайтларида биз буни фаҳламадик. Кўзимиз юмилиб қолган эди. Ҳар қалай ўзим кўр бўлиб қолганлигимни биламан.

— Мен эса бу ерда бахтлисан деб ўйлабман.

— Эҳтимол, кўр бўлиб қолганлигим туфайли шундай деб ўйлагандирман. — У бошини силкитди, сочлари юзларини тўсиб қўйди, қўли билан сочларини орқага олиб қўйди. — Кўрдингми, мен эса сени бахтлисан деб ўйлагандим. Ҳар иккаламиз ҳам шунча вақтдан бери ҳақиқатни тан олишдан кўрқиб келдик. Бир-биримизни асраб-авайладик, бу нарса ўзимизни хароб қилишнинг энг ишончли йўли эканлигини англаб етмадик.

— Ҳозир-чи? — эҳтиёткорлик билан сўради Адам.

Аёл алам билан кулди.

— Демак, бизнинг жажжи жаннатимиз мангу эмас экан. У фақат нафас ростлаш манзили, йўлдаги тўхташ бекати экан, холос.

— Сен бу ердан кетишни истаяпсанми?

— Гап фақат истакда эмас, — деди аёл. — Биз бу ердан кетишимиз керак эканлигини мен аниқ биламан. Агар ҳалол бўлиб қолишни истасак кетмоғимиз шарт. Бошқа йўлимиз йўқ. Биз қароримизни орқага суравердик, лекин...

— Ундай бўлса бизнинг йўлга отланишимиз қийин эмас. Бугуноқ жўнашимиз мумкин.

— Кетдик.

— Қаерга борамиз? — сўради Адам.

— Ахир бизнинг йўлимиз битта-ку, тўғрими?

У миқ этмай бошини қимирлатди.

Биз йўлни давом этдирар эканмиз, ҳар сафар уни янгидан бошлаётгандай бўламиз. Денгиз Адамни ўз бағридан итқитиб ташлаб, сўнг яна ўз қаърига тортай деганда аранг омон қолиб, қирғоққа чиқиб олди. Ҳамма ёғи жиққа хўл, қалтираган бир ҳолатда ўғрига ўхшаб жимжит кўчалардаги қопқоронғи уйлар, итлар ҳураётган боғлар олдидан ўтиб таниш, узоқдан кўп тикилган тоққа қараб борарди. Кун бўйи юқорига ўрмалайверди-ўрмалайверди, фақат кечкурунга бориб тоғнинг нариги томони, ферма олдада пайдо бўлди. Кеч кириб катта дарвозалар беркитилиб мустаҳкам танбалар қўйилмагунча бу қамиш томли оппоқ уйга албатта кириб олиши зарур эди.

Кул аёллар ва болалар тоқзорда қушларни ҳайдардилар. Тоқлар орасидан оғир саватларда узум кўтариб келаётган куллар иш кунининг охири яқинлашиб овқат маҳалига озгина вақт қолганлиги ва унда озгина мусаллас беришлари боис бўлса керак, хурсандчиликдан ашула айтардилар. Молхонада сут соғувчилар челақларга сут соғардилар. Ошхонанинг очиқ эшигидан у ерда хизматкорлар уймаланишаётгани, трубадан тутун чиқаётгани кўришиб турарди. Кул қизлар полизнинг нарёғидаги товуқхонадаги тухумларни йиғиштиришар, товуқ ва ўрдақларга дон беришарди. Чўчқахонадаги чўчқалар чийиллашар, айрон ва чўчқаёнғоқ қоришмасини беришларини талаб қиларди.

У ўзининг қайтиб келиши худди шу алпозда кечишини узоқ ойлардан бери тасаввур этган эди. Югурдақлар ҳовли ичида банд, иморатга кираверишдаги

боғ саҳни бўш. Шундай бўлса-да хавф-хатар катта, лекин унинг бошқа чораси йўқ эди.

У оқланган тош тўсиқ ёнидан пусиб бориб дарвоза ёнига чўкка тушди, атрофни охириги маротаба яна кузатиб, ўриндан турди. Юраги худди болга-дек гупиллаб урар, томоғи қуриб қолганди. У кўча эшикни очиб овоз чиқармай айвон томон юрди, шу дамда деярли яланғочлиги эсига тушиб кетди. Ҳозир кимдир: “Эй, сен нима қилиб юрибсан бу ерда?” деса ҳаммаси тамом бўлади.

Мана у айвоннинг даҳлизига яқинлашди, шу вақтда катта эшик олдида ётган қоровул ит оёққа турди ва ириллаб, тишларини кўрсатиб вовуллай бошлади.

Адам тош қотди. Бир дақиқа ит ва Адам бир-бирларига қараб қолишди. Сўнг у секин қалтираётган овози билан итни ёнига чақирди:

— Буль, сенга нима бўлди, мени танимадингми, Буль? Бу ёққа кел, Буль, кела қол, кўппаккинам!

Баҳабат ит унинг олдига келди, яна ҳалигидай тишларини кўрсатиб кўллари, оёқларини ҳидлади. Адамнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди, шундай бўлса ҳам итни аврашда давом этди.

Шунда ит тўсатдан думларини ликиллаб қўйди, оғзини катта очиб кулгандай бўлди.

— Қойил, Буль, ақллигинам! — Адам унинг каттакон калласини эркалаб силади. У тоқатсизликдан энтикар, лекин қачонлардир кўрғончада чоптириб юрган бу итнинг ташланиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилмоғи керак эди.

У эшик тутқичини буради ва катта эшик очилди. Тасодифан даҳлизда бирор одам бўлса-я? У эшикни беркитиб, шу яқиндаги кавакка яширинди. Ичкари қоронғи ва тинч эди, мум ва зиғир ёғининг ҳиди келарди. Бу уйни жуда яхши биларди у. Ўнгдаги эшик меҳмонхонага олиб чиқади. Хўжайиннинг қизлари шу ерда вақт ўтказишни яхши кўришади. Агар ҳозир улар меҳмонхонада бўлишса ё китоб ўқиётган ёки нота варақлаётган бўлишади.

Тўсатдан даҳлизнинг охиридаги эшик очилди. Кўрқувдан аззойи бадани бўшашиб, ҳаво етишмай қолди, у ўйлаб ўтирмай меҳмонхонага ўзини урди. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Уймакорлик билан ишланган қорамтир голланд мебелли, Ҳиндистондан келтирилган қизил локланган ёзув столи, мис безаклар билан жимжимадор қилиб ишланган капстад усталарининг каттакон шкафи. Унга чинни ва кумуш идиш-товоқлар терилган, ерга гиламлар, зебра териси ташланган, боши тўлдирилган шер териси ҳам шу ерда... Адам парда ва девор орасидаги тор оралиққа кириб қаттиқ муздек полга ўтириб олди.

Узоқдан бўғиқ овозлар эшитилди. Итлар эркаланиб вовуллай бошладилар — хўжайин уйга қайтиб келганга ўхшайди. Ҳа, мана туёқларнинг овози келяпти. Сут соғиладиган челақлар тарақ-туруқ қилди, бузоқлар маърашди. Ҳовлида бола йиғлагани эшитилди. Қайсидир уйда юришар, гаплашишарди. Аста-секин овозлар тинди. Кечаси уйга ҳеч ким кирмаслиги учун дераза эшиклари ёпилди, эшиклар маҳкамланди. Сўнгра уйқу олдида ибодат қилишди, стулларни суришиб оятлардан куйлашди.

Адам энди хотиржам бўлди. У уйга кириб олган, фурсат келишини кутаётганди. Ҳаммаёқ зимистон эди, шу туфайли ҳозир фақат қулоқ иш бериши мумкинлигини биларди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин ниҳоят у эшик олдига боришга қарор қилди ва уни секингина оча бошлади, эшик ғижирлаб кетди, у эса жойида қотиб қолди. Қайсидир ётоқхонадан даҳлизга чироқнинг хирагина сарғиш нури ҳамон тушиб турарди. Ниҳоят, бу чироқ ҳам ўчди. Даҳлиздан илиқ зиғир мойи ҳиди келарди. Каравот ғижирлади, яна бир неча дақиқа шивирлашган товушлар, эркак одамнинг йўталгани эшитилди. Кейин қоронғиликдан хўрсинган овозлар келди, сўнгра тинчлик ҳукм сурди.

Лекин у ҳамон кутиб турарди, фақат уйдагиларнинг барчаси қаттиқ уйқуга кетганига ишонч ҳосил қилгач, оёқ учида юриб дераза олдига келди-да, дераза эшигини очди. Темир лўкидон ғирчиллаб кетди. У яна турган жойида қотиб

қолди, лекин ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит эди. Меҳмонхонага ёруғлик тушди, қора мебелнинг шакли кўзга ташлана бошлади.

Охири кўринмайдигандай туюладиган даҳлиздан ошхонага ўтди. Ўчоқдаги олов ҳали ўчмаган, қизғиш ёруғлик бериб турарди. У эшикни ёпиб қўйди, катта, қирғишлаб обдон тозаланган столдан шам олиб чўғдан ёндирди. Мана, эндигина ювилган кийим экан, каттароқ бўлса-да (у оролда анча озган эди) зарари йўқ, бўлаверади. Энди егулик нарсалар олиш керак. Мана бу ерда илгари ўзи хўжайинлик қиладиган калидлар ётарди. Эҳтимол, бу ерда эмасдир, наҳотки у янглишган бўлса? Йўқ, мана бу ерда экан, улар... Энди, қурол, патрон ва порохлар. У ҳаммасини тугунга боғлади, эшикни ҳовли томонга очиб тугун ва қуролни оstonага қўйди.

Сўнгра ошхонадан оташкуракни олиб, шамни ўчирди-да, ички эшикка қайтиб келди. Бир оз кутиб турди, атрофга қулоқ тутди ва эшикни очиқ қолдириб, даҳлизга кирди. У энди тамомила хотиржам ҳаракат қиларди. Қанча вақтлардан бери кутаётган дақиқалар яқинлашмоқда эди. Оғир оташкуракни маҳкам ушлаб турган қафтлари сув бўлиб кетганди.

Халиги чироқ нури шу ердан тушган экан, каравот шу ерда гирчиллаган экан. Аста-секин олдинга қараб юраверди. Уй дим, ҳеч қандай тешикдан ҳаво кирмасди. Капстадликлар деразани очиб ётишдан кўрқижарди.

Каравотнинг мис суянчиғи хира милтилларди. Қайси томонда эри, қайси томонида хотини ётаркин?

Каравотга яқинроқ боришга, ухлаб ётганларнинг нафасини эшитиб кўришга тўғри келади. Адам уларга яқинлашиб энгашиди, кўққисдан тунги столчага туртилиб кетди, ойна жиринглади, қаттиқ хуррак отиб юборишди. У оташкуракни янада қаттиқроқ ушлаб қимирламай кутди.

Ниҳоят, ухловчиларнинг нафаслари яна равланлашди, шунда каравотга бошқа томондан яқинлашди. Қоронғиликда ёстиқ ҳам аранг кўринарди. Бу ёстиқда хўжайиннинг калласи ётарди... Хўжайин, мана сен менинг олдимда ҳеч нарсадан хабаринг бўлмай ухляяпсан. Сен менинг онамни қамчилашга мажбур қилмоқчи бўлган эдинг. Сен жаллодга мени қиздирилган темир билан азоб беришни буюрган эдинг, бегемот терисидан қилинган қамчинда баданларимни дабдала қилган эдинг. Мана мен келдим, хўжайин. Энди мени тўхтатиб бўлсан!

У оташкуракни кўтариб уришга тайёрланди. Бир ҳаракат бўлса тамом, собиқ хўжайиннинг мия косасини ёриб ташлайди. Агар хотини уйғонгудек бўлса, уни ҳам ўлдиради, хоним афандининг нон-тузи учун миннатдорлик тарзида.

Ҳа, бугун менинг навбатим келди. Ахир бунга мени ўзинг тайёрламадингми, хўжайин? “Бу тупроқ — сенинг қисматинг”, деган эдинг ўзинг. Кейинчалик мени бу тупроқдан бадарға қилдинг. Лекин денгиз мени шу тупроқ соҳилига худди пайраҳадай итқитиб ташлади. Мана, мен қайтиб келдим. Энди мени тўхтатиб кўр-чи, хўжайин!..

Адам оташкурак ушлаб турган қўлини кўтариб узоқ турди, сўнг қўлини тушириб ётоқхонадан чиқиб кетди. Азбаройи терлаб кетганидан юзидан шашқатор сув оқар, оёқлари бўшашиб ўзига бўйсунмасди.

У эшикни очиб, тугун ва қуролни кўтариб пиллапояга чиққанда итлар воуллаб у томонга югуриб кела бошлашди. Лекин у секингина Булни чақирди, шунда қолган итлар думларини ликиллатганларича қолаверишди. Бир гала итлар Адамни отхонагача кузатиб боришди. Катакдаги от кишнаб қўйди, туёқларини ерга урди, Адам унинг нўқтасидан ушлаганда эса бошини орқага торта бошлади. Адам уни эркалаб силади, ошхонадан олган қанддан берди. Қоронғида пайпаслаб юганни топди, оғзига сувлиқни тиқиб мустаҳкамлади ва отни дарвоза томонга етаклади.

— Эй, у ерда нима бўлаяпти? — ҳовлидан эркак одамнинг бақиргани эшитилди.

Адам шу заҳотиёқ ўша томонга бурилди. Унинг олдида болалик дўсти Левис турарди.

- Йўлимдан қоч!
- Эй, худойим, Адаммисан? Бу ерга қандай кириб қолдинг?
- Левис унинг қўлига ёпишиб, енгини узиб олишига бир баҳя қолди.
- Эҳ, ҳаромзода, сеними!
- Йўқол!
- Адам, мен ҳозир...

Адам қўндоқни икки қўллаб маҳкам сиқиб турганча Левиснинг калласини мўлжаллади. Левис бир лаҳзада чўккалаб қолди, секин зорланди ва ерга қулади. Адам шу ондаёқ қўлидаги тугунни тушириб юбормаган ҳолда отга минди. От уни панжарадан ташқарига олиб чиқди-да, улар тун қаърига сингиб кетди. Уни ҳар хил шубҳалар қийнар, лекин у тонг отмасдан иложи борича узоқроқ жойга етиб олиши зарурлигини биларди.

\* \* \*

- Мен уни ўлдирганмикинман? Сен нима деб ўйлайсан? — сўради у.
- Мен қаердан биламан?
- Капстадда эҳтимол қотиллик тўғрисида гап бўлгандир. Наҳотки сен бирор нарса эшитмаган бўлсанг?
- Эҳтимол, мен ўша пайтда Амстердамга кетиб қолгандирман. — Аёл оловга яқинроқ жойга ўрнашиб олди.

Шамол тутунли қулбаларининг кираверишига тўсиб қўйилган терини тортқилаб, йиртмоқчи бўлади. Улар денгиздан унча узоқ бўлмаган масофага етиб олишди. Ўрмон оралаб икки ҳафта йўл юриб унча баланд бўлмаган тоғ тизмасига етишди. Шу ерда қаттиқ совуқлар бошланди. Чўққига кўтарилишганда қор ёға бошлади ва уларни шу пастдаккина горга ҳайдаб туширди. Совуқдан тош қотмаслик учун шу ерда қишлашга қарор қилишди, мана энди худди Ноев тепалигидагидек олам кулиб боққан кунларни кутишмоқда.

- Балки эслаб кўрарсан, эслашга ҳаракат қил, — дерди у чекинмай.
- Ҳатто мен Капстадда бўлган тақдиримда ҳам бундай ҳодисалар тез-тез учраб туради, — дейди аёл, — қуллар деярли ҳар куни ўз хўжайинларига қарши исён кўтаришади, ҳатто ўлдиришади. Ахир у ерда камбағал, дайди, маст-аласт, муттаҳам, қип-қизил каторгачилар шу қадар кўпки... Кечаси ҳамма эшик-туйнукларни ёпиб ётамиз. Аҳён-аҳёнда ойимнинг асаб тутқаноғи тутиб қолади. Эсимда, ҳамма ухлагани ётганда мен кўпинча ётоқхонадаги деразани очиб кўярдим. Мен дим ҳавони кўтаролмасдим. Ҳеч нарса бўлмади, деб ўйлардим, агар бирор ҳодиса рўй бергудай бўлса, демак, пешона экан-да. Лекин бунақа пайтларда мени шунақанги кўрқув босардики, дарҳол деразанинг темир эшикларини беркитиб олардим. Биласанми, агар сен оқ танли бўлсанг-у Капстадда яшасанг ҳар дақиқа кўрқув ичида юрасан. Оқларнинг душманлари шу қадар кўпки, уларнинг ҳаммаси кечаси озодликда санғишади.

— Сенинг отанг ўзини хавфсиз ҳис этмаганми? Ахир унинг жуда кўп чала зотли болалари бор эди-ку.

— Эҳтимол, айти шунинг учун ҳам кўрққандир, — пинагини бузмай жавоб берди аёл.

— Ҳа, пировард-натижада унга қарши ўз қизи исён кўтарди.

— Йўқ, — эътироз билдиради у, — мен моҳият эътибори билан унга қарши исён кўтарганим йўқ. Эҳтимол, мени кўғирчоққа айлангиришни истаганларига қарши исён кўтаргандирман. Агар менинг укаларим бўлишганда ҳаётим бутунлай бошқача тарзда кечарди. Ойим менинг қиз бола эканлигимни таъна қилмаган бўларди. Мен ҳаммавақт ўғил бола бўлиш қанчалик бахт-а, деб ўйлардим. Мен эса қиз бола бўлиб туғилганман, инсон учун бундан ортиқроқ жазони ўйлаб топиш қийин. Бу мумкинмас, у мумкинмас. Эҳтиёт бўл, кўйлагингни кир қилиб кўясан! Сочинг тўзғиб кетибди! Қуёш тифида турма, юзинг қорайиб кетади. Ўзингни қандай тутяпсан ўзи? Бунақа тарбиясиз қиз бирор эркакка

манзур бўлармиди? Мана сенга берилган асосий топшириқ: сен эркакларга ёқишинг керак. Сенинг шахсий истакларинг, фикрларинг бир пул, сен учун бошқалар ҳамма нарсани аллақачон ҳал қилишган, сенинг вазифанг эса — бўйсунмоқ.

Адам кинояомуз кулиб қўйди. Сўнг гап қотди:

— Унчалик итоатгўй бўлмаганлар шекилли. Эркакларни хоҳлаганингча ўзинг-га мафтун этгансан.

— Ҳа, албатта, мен уларни мафтун этганман, — алам билан хитоб этди. Уларнинг ҳаммаси гаҳ десам қўлимга қўнишарди. Фақат уларни кўрганда ерга қараб қизаринқираб туриш лозим эди. Белни салгина қийшайтириб юриш, оёқнинг туфлидан юқорироғини кўрсатиш ҳам мумкин эмас. — Унинг елкасига ташланган ёпинғичи очилиб кетди, Унинг кўзи аёлнинг бадани, жажжи кўкраклариди, саналиб қолган қовурғалари, киндигининг чуқурчасига тушди.

Хушфёъллик билан уларнинг қанчасини лақиллатсам бўларди. Шунинг учун уларни кўргани кўзим йўқ эди, лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. — Аёл унга тик қаради. — Ҳа, менинг олдимда ёшлар ҳам, катталар ҳам жилпангланиб юришарди, лекин ҳар қандай аҳволда ҳам мен уларга ўзимга яраша ақлим борлигини кўрсатишим мумкин эмасди. Чунки аёл кишининг фикрлаши, гапини исботлашга ҳаққи йўқ. Бу беодоблик саналади, эркалик куч-қудратини таҳқирлаган ҳисобланади. Инсон вояга етиб ўз эркидан умрбод маҳрумлигига, ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслигига бирдан ақли етиб қолса нима бўлишини тасаввур қилсанми? Одам шундай ҳолатда ақлдан озиб қолиши мумкин, тўғрими?

— Шундай қилиб сен барибир Ларсонга турмушга чиқдинг.

— Ҳа, мен уни бошқалардан ўзгача деб ўйлагандим. Шундай одам, машҳур олим, саёхатчи, Капстаднинг майдакаш хурофотларидан юқори турса керак деб ўйловдим... — Аёл ҳаяжонланиб ёпинғичининг тўзғиган учларини юқорига тортқиларди. — У эса менда фақат бир нарсани топди: “Ҳаддан ташқари талабчанликни”.

— Ҳа, ҳаммамиз ҳам норозилик билдирамиз, исён кўтарамиз, лекин ҳаммаси бекор. — У кинояомуз кулимсиради.

Лекин нега сенинг исёнинг самарасиз яқунланди? Нега энди сен ўша кечаси хўжайинингни ўлдирмадинг?

— Мен шунча йилдан бери шуни ўйлайман.

— Сен уни ҳамон ўз хўжайиним деб ҳисоблаганинг учун кўрққансан.

— Агар у уйғониб қолганда, Левис каби тутмоқчи бўлганда мен ўйламасдан миясининг қатигини чиқариб ташлаган бўлардим. Ахир онамни калталашни буюргандаёқ мен уни ўлдириш учун ташлангандим. — Адам аланга устидан ғорга кираверишга, шамол терини тортқилаётган жойга қаради. — Йўқ, мен заррача кўрқганим йўқ. Аксинча! Умримда биринчи мартаба ҳал қилиш эркинлиги берилганди менга ўша дамда. Мен уни ўлдиришим ҳам, жонини сақлаб қолишим ҳам мумкин эди. Илгарилари ҳаммавақт бошқаларнинг иродасига бўйсунушга мажбур қилишарди. Ичида ғалаён гупуриб турса ҳам бўйсунушга мажбур эдим. Ўша кечаси қўққисдан ҳамма нарсани ўзим ҳал қилишимга тўғри келиб қолди. Ва негадир уни ўлдиргим келмади. Икки йилгача қасос олишнинг бутун тафсилотларини ипидан нинасигача ўйлаб юрган, уни тезроқ амалга оширишни орзу қилиб, шу билан яшаб юрган эдим. Ўша дақиқа ниҳоят етиб келганда эса менга бу нарсанинг кераги йўқлиги маълум бўлиб қолди. Кўрдингми, нақадар оддий. Ўзим ҳам этишим керак эди — ҳал қилдим ҳам. Энди бирор одамга, шу жумладан, ҳатто ўзимга ҳам бирор нарса исботлаб ўтиришга ҳожат қолмагани.

— Ундай бўлса нега сен исёним бекор кетди дейсан? — ажабланиб сўради аёл.

— Чунки энди мен қайтишга қарор қилдим. Демак, мен ҳали ҳақиқий ғалаба қозонган эмасман.

— Адам... — деди аёл. Сўнгра сал секинроқ, мулойимроқ овозда: — Аоб... — деди. — Сен ҳақиқатан фақат мен учун қайтаётганинг йўқ-а? Шу тўғрими?

— Барибир эмасми?

— Жавоб бер, — мажбур қилди аёл. — Мен билишим керак.

— Шунча йилдан бери Капстадни соғиндим ва қайтишни орзу қилардим, — деди Адам.

— Лекин барибир қайтмабсан-ку!

— Эҳтимол, мен ҳозир ҳам қайтмаган бўлардим. — Адам Элизабетнинг кўзига боқди. — Сен туфайли мен энди бу ерда қололмайман.

— Сен, демак барибир мен учун борар экансан-да?

— Сен ўйлайсанки, озодлик ваъда қилганим учун орқамдан кетяпти деб. Йўқ, ундай эмас. Сенсиз менга озодлик йўқлигини билганим учун кетяпман.

Аёл қотирилган гўштни қовуриб, чой ўрнига бир сиқим хушбўй ўтлардан дамлаётган Адамга қараб ўтириб, ўша кечаси ҳам худди ҳозиргидай тикилиб турганлигини ўйлади. Ўшанда ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди, шу боисдан у арава томонга қараб турибдими, йўқми — билолмади. Аёл ўшанда уни олдига чақиргиси, гаплашгиси келди, лекин қўрқарди. Йигитнинг бу ердалиги ҳам уни муҳофаза қиларди, ҳам хатарли эди. Энди-чи? Элизабет уни севган ҳозирги паллада ўзини муҳофаза қилинганроқ ҳис этадими, хавф-хатар бартараф бўлганми?

Элизабет ғор оғзига келиб, терини кўтариб, ташқарига қаради. Майда-майда ҳўл қорлар унинг юзи атрофида эркаланиб ўйнади.

— Бу тоғларда қиш узоқ давом этармикин? — сўради у совуқдан жунжикиб гулхан ёнига қайтаркан.

— Одатда бу ерларда қиш бутунлай бўлмайди. — Адам унга овқат келтирди. — Сабр-бардошли бўлиб кутишга тўғри келади. Яхшиямки, мундайроқ бўлса ҳам бошпанамиз бор.

Ҳақиқатан бу ерда денгиз бўйидаги аввалги ғорга қараганда яхшироқ эди. Баъзан юракни сиқадиغان даражада зерикарли, кунлар ниҳоятда узун, файзсиз, кечанинг охири йўқдай туюларди, ўқтин-ўқтин қаттиқ йўталади. Лекин шунга қарамасдан улар ўзларини енгил сезишади, кўнгилларидаги ғубор кўтарилган, бу ғор бор-йўғи ватанга қайтиш йўлидаги бир бекат деб билишарди. Эртамикечми қиш тугаб йўлни давом эттиришади. Энди улар бир-бирларини алдашмайди, бу ер бизнинг уйимиз деб ялтоқилик қилишмайди, фақатгина вақтинчалик бошпана, қишлаш учун туришибди, холос. Ўтмиш ҳам, истиқбол ҳам уларнинг ёнгинасида яшайди, буларни энди инкор этишга ҳаракат қилишмайди ҳам.

Овқатдан кейин сал ўтгач, аёл гулхан ёнига ўтиб устига теридан қилинган чойшабни тортди. Адам шу кунларда кундузлари қор ёғмаган жойлардан йиққан шифобахш барг ва ўсимликлардан тайёрланган қайнатмани узатди. Ўзи эса пичоқни олиб олов ёнига ўтирди-да суяк ва пайлардан ўқ ёй учун пойнаклар ясай бошлади. Кейинчалик у буларни ўққа мустаҳкамлайди. Ўқнинг ўтмаслашган учини заҳарли илдишларнинг суви ва совуқда қияликдан топган ялаб қолай деган илон заҳаридан тайёрланган куюқ қоришмага тиқиб олади. Адам шу билан фақат бўлажак саёҳатига тайёргарлик кўрибгина қолмай, балки бу машғулоти билан зерикши ва совуқни унутади, ташвишли фикрлардан, касалликдан чалғийди. Аёл жуда ориқлаб кетди, бадани кўкимтир оқ рангга кирди, уни кучоқлаганда нозик бадани остидаги қовурғалари, елка кураклари билиниб турарди.

Тонг олдидаги қоронғиликда улар одатий бўлмаган шовқиндан уйғониб кетиши: ғорга кириладиган йўлни беркитиб турган тери парда ярим очик, у шитирлайди, қандайдир соя унинг ёнидан ўтди. Элизабет Адамга ёпишиб қичқириб юборди. Адам уни ўз танаси билан беркитиб, чала ёнаётган гулханга пайраха ташлади, олов ёниб кетди. Адам аллақачон тайёр эди — қўлида тўппонча ушлаб турарди. Девор ёнида азбаройи қўрқиб кетган катта-катта кўзли кийик боласи дилдираб турарди. Эҳтимол, унинг орқасидан кимдир — йўлбарсми, кутираётган шамолми қувлаган. Жониворнинг оёқлари қалтирайди, жовдираб қўрқинч билан қарайди, қочишни ҳам мўлжаллаб кўрди, лекин унинг йўлини ёнаётган гулхан тўсиб турарди.

Мана шунақа. Элизабет кулади, лекин унинг томоғига кесак тикилиб қолгандай. Унинг хаёлига дарё бўйидаги ўша кечқурунги пайт келди. Ушанда бир кийикча Элизабет чўмилаётганда яланғоч ҳолатда кўрган эди.

— Бечора, биздан паноҳ излаб келибди, — деди Элизабет. — Ухладик бўлмаса.

Лекин Адам анча вақтгача меҳмонга қараб тураверди, сўнг истар-истамас чойшабни устига тортди. Элизабетни яна йўтал тутди, ниҳоят у силласи қуриб, ахийри ухлаб қолганда тонг бўзара бошлади. Адам биринчи бўлиб уйғонди.

Гулхан аллақачон ўчиб қолган, лекин жонивор ҳамон шу ерда эди. У горнинг ичкарасида девор олдида ётар, кўзларини ола-кула қилиб буларга тикиларди. Адам қимирлаши билан кийикча ўрнидан туриб оларди.

Адам Элизабетга қаради. У хотиржам ухларди. У овоз чиқармай ҳассани олди ва горнинг ичкарасидаги жониворга яқинлашди. Ташқарида сукунат ҳукм суради, қор ҳамма товушларни ютиб юборган. Ичкарида эса фақат Элизабетнинг нафас олишигина эшитилади. Адам биринчи, кейин иккинчи оёғини ташлади... кийик боласи қўрққанидан тош қотди. Шунда Адам тўсатдан олдинга сакраб, уни ерга босди, учли шохини ушлаб бошини орқага қайирди ва бир зарб билан бўғзига пичоқ тортди. Нафаси тикилган жониворнинг нолакор чинқириғи эшитилди...

— Адам! — орқадан эшитилди бу овоз.

У жон аччиғида қалтираётган жасадни қаттиқ ушлаб турарди. Ниҳоят, кийикни қўйиб юборди-да, Элизабетга қарамай, бошини гуноҳкорона эгиб танани нимталашга тушди. Сўнг гордан чиқиб, кўлларини қор билан ювди.

Аёл миқ этмасди. Адам қайтиб келаётганини кўриб, аёл унга бир қараб қўйди ва яна кўзини олов ёқишга уринаётган гулханга қадади. Аёлнинг тишлари тикилларди.

— Нега уни ўлдирдинг? — сўради у ниҳоят.

— Гўшт емаганимизга бир ойдан ошди.

— Сен унга хиёнат қилдинг.

— Хиёнат? Биз яшаб қолишимиз керак. Қор ёғяпти. Ким билади бу ерда қанча муддат ўтиришимизни.

Аёл унга хотиржам қаради, сўнг қорғин хўрсиниб бошини қимирлатди.

— Балки, сен ҳақдирсан.

Уни яна йўтал тутди.

— Сен гўшт ейишинг керак, — деди у. — Хомлигича еяверасанми?

Аёл бошини ликиллатди.

— Ундай бўлса, мен ҳозироқ уни оловда пишираман. Сенга бундай совуқлар хатарли.

— Кийик-чи...

— Кийик энди йўқ, гўшт бор, холос.

— Ҳа, албатта.

Лекин Адам кичик бўлак гўштни олов устидан олиб унга узатганда Элизабет кўзларини қисганча тишини тишига қўйиб, гўштни ютмоқчи бўлди.

Аёлнинг итоаткорлиги у кутган ғазабидан кўра кўпроқ ранжитди.

— Сен ҳамма нарсага бошқа кўз билан қарашга ҳаракат қилиб кўр, — деди Адам унинг эътироз билдиришига умид қилиб. Лекин аёл миқ этмасди. — Тасаввур этки, кечаси олдимизга кийик эмас, шер келса балки бизни ўлдирган бўларди.

— Демак, биз бор-йўғи йиртқичлар эканмиз-да? — сўради аёл унга қарамай.

— Йиртқич бўлмасанг яшолмайсан. — Элизабет жавоб бермади. — Бир ҳодиса ҳеч ёдимдан чиқмайди, — давом этди йигит. — Қачонлардир хўжайин билан тоққа чиқиб кетаётгандик — у ўша вақтда менинг хўжайиним эди. Тонг отаротмас йўлга тушдик, у жудаям шошилаётганди. Ҳатто нонушта қилиб олишимга ҳам имкон бермади. У мени қияликдаги ерни тозалашга олиб борган эди. Бу ерни мевазор боғ қилмоқчи эди. Мен белкуракни ушлаб ишлаганим-ишлаган,



у эса атрофни томоша қилганча қараб турибди. Тўсатдан гап қотди: “Эҳ, қандай гўзал-а, Адам, бир қарагин!” Мен эса ишлаб туриб ичимда ўйлайман: “Табиатга сен мафтун бўлавер, қорнинг тўқ, менинг қорним эса сурнай чалапти, гўзалликни томоша қилиш татимайди”.

Аёл унга қараб қўйди, лекин тезда кўзини олди ва йўтала бошлади. Адам унинг олдига келиб кучди. Аёл сесканиб, ғужанак бўлиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ, тезда тузалиб кетасан. Мен сенга яна шифобахш ўтлар те-риб келаман.

Бир оздан кейин Адам пўстинга ўралиб ташқарига чиқди, қорли ғира-шира бағрига сингиб кетди.

Эрик Алексис Ларсон кийикларни ўлдирарди, бирдан аёлнинг хаёлига шу нарса келди, ўлдирганда ҳам йўлида учраган энг чиройли ҳайвонлар, қушларни ўлдирарди. Сўнг уларнинг расмини чизарди, ичига нарса тикарди ёхуд терисини оларди, таъриф-тавсифини батафсил ёзиб, сўнгра Стокгольмга элтарди. У ерда эса ҳар бир келтирилган ҳайвон ёхуд қушга илмий ном қўйишарди. Гўштини одатда готтентотларга бериларди, агар хизматкорларга керак бўлмаса, сиртлон қон изидан экспедиция орқасидан тушмаслиги учун ерга кўмиб ташлашарди.

Кечқурун Адам унга шифобахш ўт-ўланлар, ўзининг ёрилиб кетган товони-ни даволаш учун сутсимон ширали тугунақларни териб келди. Аёл уни кўриб қувонганидан қичқириб юборай деди. Кечаси, гулхан ёнида Элизабет уни эр-қалади. Келақол ёнимга, мени куч. Ўз уямизда ҳайвонлардек ёпишиб ётайлик. Тезда қишдан чиқамиз.

Кунлар, ҳафталар ўтади, тоғларда баҳор нафаси эсиб, қуёш ўз жамолини кўрсата бошлайди. Қуёш камайиб бораётган булутлар орасидан мўралаб музлаган оламга қайта ҳаёт бахш этиб, ерга ҳусн, жило бағишлайди. Адам энди гоҳ уясидан ташқарига чиқишга таваккал қилган қуённи тутиб келади, гоҳ турли мевалар, эса бўладиган барглар, илдизларни ердан кавлаб олиб келади. Унинг йўтали деярли тўхтади. Аёл ҳамон жуда ориқ ва дармонсиз эди, аммо касали тузалганини ҳис этарди. Ерларда қор қолмаган, ер қуримоқда эди. Адам бир куни эрталаб гордан чиқиб тоғ тизмаларига кўз ташлади, қаердандир ғуррак-нинг ғув-ғувлашини эшитиб қолди-да Элизабетни чақирди.

— Қиш тамом бўлди, — деди у. — Энди йўлни давом эттирсак бўлади. Би-чидаш бердик.

*Давоми бор.*



Гулчеҳра НУР

## Иншооллоҳ, бу юрт ажиб юрт бўлар

### ТЎРТЛИКЛАР

**З**аҳмати йўқ тилаклар — гадо,  
Рағбати йўқ билаклар — гадо.  
Бизни қашшоқ ўйламанг, ҳабиб,  
Севолмаган юраклар — гадо.

\* \* \*

Излагаймиз юзлардан навбаҳорлар тусини,  
Ҳидламоққа ташнамиз атиргуллар исини.  
“Ҳаёт ширин”, — деймиз-у яшаётирмиз унинг  
Совуғидан ғужанак, чақинида исиниб...

\* \* \*

Иншооллоҳ, бу юрт ажиб юрт бўлар,  
Манглайи оқ, орқа-олди қут бўлар.  
Оҳ урмоқни бас қилмагил, қаламим,  
Қаламлари бўзлар Ватан бут бўлар...

\* \* \*

Таъб оппоқ, оқ қушни яхши кўради,  
Кўз майин боқишни яхши кўради.  
Дил-чи? У кексадай айтади ҳикмат:  
“Сув эркин оқишни яхши кўради”.

\* \* \*

Кўксингизда буюк оғриқ сақлаб сиз,  
Маломатлар совуғида яхлабсиз.  
Мен — хайрона, мен — вайрона, мен — лолман,  
Ахир қачон сиз “ўзим...” деб оҳлабсиз?!

\* \* \*

“Аралашманг...” сўзини хушлаб,  
Мунгли дилни турар у ушлаб.  
Кун ўтказса керак бу ёғи  
“О, фалак!...” — деб, осмонни муштлаб...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

\* \* \*

Куз. Япроқлар битта бўлмиш ер ила,  
“Улик-тирик меникидир”, — дер ила.  
Мен-чи, шукур, яна тагин биргаман  
Меҳр ила, қуёш ила, шеър ила...

\* \* \*

Дарахти пойига барглар бош урар,  
Анҳор тиниқлигин чандон оширар.  
Ёраб, бу қай фасл, қандай қўналға? —  
Қадам секинлашиб, фикр шоширар.

\* \* \*

Шавқнинг хубоблиги шеърда кўринди,  
Дилнинг рубоблиги шеърда кўринди.  
“Зарофатли, — девдим, — шеър ила дунё”,  
Дунё хароблиги шеърда кўринди.

\* \* \*

Куйим, созим, қаримагил ҳеч,  
Кўпмас, озим, қаримагил ҳеч.  
Ўзим майли... Сўзимда бўлсанг,  
Эҳтиросим, қаримагил ҳеч.

\* \* \*

Тонгда ёзганларим шомда ўчирдим,  
Милт-милт қилиб турган шамда ўчирдим.  
Ногоҳ очилди-ю кул босган кўзлар,  
Қул шеър, қул унвон, шон-да ўчирдим...

\* \* \*

Сўник боқишдайдим, ўт ташлаб кетдилар,  
Қаҳратон қишдайдим, хат ташлаб кетдилар.  
Ойдаи сўзладилар, кундай сўзладилар,  
Кўксимга бир ёруғ юрт ташлаб кетдилар...

\* \* \*

Йўл сўнггида турган пайтим, дейинми,  
Шеър — ўтган умрдан қайтим, дейинми.  
Дўст, рози қилдингиз бир умр мени.  
Рози қилдиммикин, айтинг, дейинми...

\* \* \*

Кўзлардан довдираб, кўзга қайтганман,  
Сўзлардан толиқиб, сўзга қайтганман,  
Оғриниб, робита ипларин узиб,  
Дўст, яна барибир сизга қайтганман...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

\* \* \*

Шеърый далаларим, орқамда қолинг,  
Ширин болаларим, орқамда қолинг.  
Кетсам мен кетайин. Дафтаримдаги  
Маъюс нолаларим, орқамда қолинг.

\* \* \*

Уммон уммон сари толпинар,  
Имон имон сари толпинар.  
Биз — қўш ирмоқ — битта бўлгаймиз,  
Армон армон сари толпинар.

\* \* \*

Кўзлар боқмас бизлар ёққа, азизим,  
Бегоналик қўнмиш боққа, азизим.  
Нима қилсам экан, ўзни англатиб,  
Сизни англамоққа, азизим?!

\* \* \*

На нур ва на нурхона эди,  
На дур ва на дурдона эди.  
Йўқотдилар. Бўлак топилмас  
Кўнгил эди. Бир дона эди...

\* \* \*

“Омон!” — денг. Оқ бўлсин шу она замин.  
Ҳеч ким истиқлолга бўлмасин зомин.  
Хур Ватан ҳурлари аталиб, хушҳол —  
Умргузаронлик қилайлик, омин!

\* \* \*

Алам-андуҳимга моне — сиз!  
Қувончимнинг тани-жони — сиз!  
Ўғлим, қизим — бир жуфт кабутар,  
Фуруримнинг Регистони — сиз!

\* \* \*

На ҳусни баркамол юз керак шу лаҳза,  
На илму урфонда из керак шу лаҳза.  
Туаркан бу кўнгил мунғайиб, ўксиниб,  
Биргина қуёшли сўз керак шу лаҳза...

\* \* \*

Ёлғоннинг қотили — пок сўзлик экан,  
Тўқислик душмани — ноқислик экан.  
Ҳар не яралмишки, бор кушандаси,  
Мени кемиргувчи — ҳақсизлик экан...

\* \* \*

Туғёнларим турганда,  
Гирёнларим турганда,  
Пастни нечун олқишлай? —  
Осмонларим турганда...

\* \* \*

Осмонимда моҳ ёлғиз,  
Юрагимда оҳ ёлғиз.  
Ёлғиз билмангиз мени,  
Кўксимда Оллоҳ ёлғиз.

\* \* \*

Ҳаяжонли сойлар сачради,  
Сурайёлар, ойлар сачради...  
От чоптириб ўтаркан Кибр,  
Уст-бошимга лойлар сачради...

\* \* \*

Қошинг, кўзинг гуноҳинг кўрди,  
Лабинг, юзинг гуноҳинг кўрди...  
“Кўрмади”, — деб бўлар эканми?  
О, минг битта гувоҳинг кўрди...

\* \* \*

Саёз қалб тубида дур бўлмас эмиш.  
Нодон — хато қули. Ҳур бўлмас эмиш.  
Балки зари бўлар, зўри бўлар-у,  
Бетавфиқ юзида нур бўлмас эмиш...

\* \* \*

Ўтни ўтга фидо тутқазди,  
Дардни дарддан жудо тутқазди.  
Сиздай майин, нилуфар қалбни  
Сўраб эдик, Худо тутқазди.

\* \* \*

Харид тиллоларинг мен соф тиларман.  
Ҳарис кўзларингга офтоб тиларман.  
Мени рақибига йўйган рафиқим,  
Сенга ҳам Оллоҳдан инсоф тиларман...

\* \* \*

Йўлда бир кимса-ю, минг фириб борар,  
Чўзилган ҳар шохни синдириб борар.  
Алҳазар, бийлатмай фаришталарни,  
Елкага шайтонни миндириб борар...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

121

\* \* \*

Кимлар мени “эркин” демиш. Учқур бахтга тутқунман,  
Эркинликдай, эътиқоддай тож-у тахтга тутқунман.  
Тутқунлигим рўшноликка, ошноликка, дўстликка,  
Садоқатга, саодатга, муҳаббатга тутқунман..

\* \* \*

Ватанларнинг нурланиши — шеър.  
Миллатларнинг ҳурланиши — шеър.  
Ўқиб-ўқиб, англаганим шу:  
Юракларнинг тирналиши — шеър...

\* \* \*

Тоғлар дара билан тизилди.  
Оқ юз яра билан бузилди.  
Бир-бирига ёндош бахт-у ғам  
Оққа қора билан ёзилди...

\* \* \*

Майлимиз кўчманчи турнадек, Оллоҳ,  
Фараҳли бу дунё — турмадек, Оллоҳ.  
Ё раб, қай бандалар йўлидан юриб,  
Сенинг йўлларингдан юрмадик, Оллоҳ...

\* \* \*

Тақдир севиб сизни, шеърга туширди,  
Учқур қанот ила бирга туширди.  
Яқин турсин, дея, биздай ғарибга,  
Нилий кўкдан яна ерга туширди...

\* \* \*

Энкайганга энкайиб, ерга теккан бошгинанг,  
Тиккайганга тиккайиб, кўкка етган бошгинанг...  
Энкайиб ҳам нур кўрдинг, тиккайиб ҳам нур кўрдинг:  
Заминдан дилдошгинанг, осмонда қуёшгинанг...

\* \* \*

Демас: “Азобларим тўкин эди-ку...”  
Демас: “Юрак-бағрим кукун эди-ку...”  
Айтар, бошга тошлар теккан маҳали:  
“Бундан ҳам ёмони мумкин эди-ку...”

\* \* \*

Боғингиздан мен хас олмасман,  
Созингиздан бир сас олмасман.  
Ростин айтсам, сиз билан бирга  
Бир даврада нафас олмасман...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

122

\* \* \*

Бу офоқда меҳр сардорми?  
 Бу офоқда адолат борми?  
 Билар бўлсанг, жавоб бер, қалам:  
 Шоир кўпми, лаганбардорми?

\* \* \*

Бедард, гирёнман, деб оғиз йиртавер,  
 Хилват, суронман, деб оғиз йиртавер.  
 Тепкилаб-тепкилаб Туронзаминни,  
 Номард, Туронман, деб оғиз йиртавер...

\* \* \*

Тўқлар даврасимас, очлар бизники,  
 Ёйиқ, мотамсаро сочлар бизники.  
 Кимлар бузиб юрса имон деворин,  
 Асабдан тўланар божлар бизники...

\* \* \*

Меҳри осмон эди, ер, дедик.  
 Нури афшон эди, кир, дедик.  
 Фажиб бўлиб, йўқотиб бўлиб,  
 Ёвкур сиртлон, дедик, шер, дедик...

\* \* \*

Бағрим теполмаган ўқлар ўртансин,  
 Ғийбатлар, ҳасадлар, суқлар ўртансин.  
 Мен нега ўртанай, шеърим-ҳабибам?  
 Кўксида Ватани йўқлар ўртансин...

\* \* \*

Юрагимга келиб ўлтирди.  
 Кўзларимга ҳайрат тўлдирди.  
 Ҳай от, дўстга “алвидо” девдим,  
 Мени меҳр ила ўлдирди...

\* \* \*

Тизимга суялдим йиқилганимда,  
 Сўзимга суялдим йиқилганимда.  
 “Қаддин тикладим” деб айтарлар балким,  
 Ўзимга суялдим йиқилганимда...

\* \* \*

Қаймоқ бўлсин учун сутни сузиб бердим,  
 Бир оловни, бир оташни сезиб бердим.  
 Бўзлар бўлсам, боиси бор оғриғимнинг:  
 Жонни жондан ахир сизга узиб бердим...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

\* \* \*

Ажаб, кимсиз? Мажнун севги жунбушлари сизда йўқ,  
 Қўш булутнинг чақмоқ ёқиб, сингишлари сизда йўқ.  
 Қўзларингиз қуёшида, шиддатингиз ўтида  
 Куйиб ғам-у андуҳларнинг, ўнгишлари сизда йўқ.

\* \* \*

Суманбар қор ёғар, малак қор ёғар,  
 “Қиш адо бўлар”, — деб ҳалак қор ёғар.  
 Уялдим осмон қиш бўйи қорсиз,  
 Шитоб, йирик-йирик — лайлакқор ёғар...

\* \* \*

Кўм-кўк туғилган барг хазон кетаркан,  
 Балогардон юрак вайрон кетаркан.  
 Ров келган касаллик кетаркан-у суст,  
 Осон келган давлат осон кетаркан...

\* \* \*

Парвоз орзуларим қушга кўчибди,  
 Ошкор мавзуларим тушга кўчибди.  
 Оламча оғриғим битта тўртлигу  
 Оламча нафратим муштга кўчибди...

## САККИЗЛИКЛАР

Нигоҳимда осуда осмон,  
 Биласизки, завқидан мастман.

Кулоғимда чуғурчуқ қушлар,  
 Биласизки, қўнглимни хушлар.

Димоғимда бинафша ҳиди,  
 Биласизки, мен — завқ муҳити.

Юрагимда бойчибор отлар,  
 Билмагайсиз: соғинчим додлар...

\* \* \*

Сенга эй манзилим, етмай қўймасман,  
 Иншооллох, тавоф этмай қўймасман.

Дутор, танбурларинг эмиш осиглиқ,  
 Хумордан чиққунча чертмай қўймасман.

“Манзил олис... Шаштинг еттайми?..” — дерлар.  
 Йўл — гўр азобларинг ютмай қўймасман.

Ахир унда турар оппоқ қоғозим,  
 Битмай қўймагайман, битмай қўймасман...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

124



\* \* \*

Яхши кўшиқ, тикдингми кўзни  
Эътиборнинг назарларига?!  
Ороланиб, солдингми ўзни  
Манфаатнинг бозорларига?!

Тизза букиб, илтифот тўкиб,  
Сен ўзингча иззат ундирдинг...  
Суйкаланиб, қилпилаб, чўкиб,  
Яхши кўшиқ, мени ўлдирдинг...

\* \* \*

Қанча полапонни ўқ олиб кетди,  
Қанча оташ нидо кўчмади оққа.  
Қанча маъсуд ишонч йўқолиб кетди,  
Қанча маъсум қувонч тушди титроққа.

Дучор изтиробдан ёш тўкиб дув-дув,  
Урилганим қолди оловга-чўққа.  
Шоирлик қисмати ёнмоқ экан-ку,  
Хавас қилганмидим, ваҳ-ваҳ, тамуққа...

\* \* \*

Хушбичим бўлдингизми,  
Сиз ичим бўлдингизми,  
Тўртлик, саккизликларим,  
Эл учун бўлдингизми?..



Н. В. ГОНЧАРЕНКО

**Даҳо аёллар**

**Э**ркаклар даҳоси ҳақида айтилган гапларнинг ҳаммасини аёлларга нисбаган ҳам айтиш мумкин. “Унда аёллар тўғрисида алоҳида ёзиб ўтиришга нима ҳожат бор?” деган савол туғилиши мумкин. Кошки эди, назарияда исботланган ҳар бир нарса реал ҳаётда ҳам рўёбга чиқа қолса — унда юқоридаги савол ўринли бўларди. Бироқ ҳозирча эркаклар аёллар олдидаги қарзларини тўлаб бўлганларича йўқ. Минг йиллар мобайнида аёлларни клубларда, жамоат жойларида, ҳатто уйларда ҳам эркаклар томонига киритишган эмаслар. Ҳамма жойда аёллар ўз ҳаёлотининг кучидан, салоҳияти ва маҳоратидан ҳаддан ташқари тор фаолият майдонида фойдаланишга мажбур бўлганлар. Уларнинг фаолияти пазандалик (бу ҳамиша эмас) ёки чеварлик (бу ҳам ҳамиша эмас) соҳасидан ташқари чиққан эмас. Улар, асосан, хонадонни озода ва саришта тутишда, эркаклар ва болаларни парвариш қилишда фаолият кўрсатганлар.

Эркак киши аёл ҳаётининг моҳиятини ташкил қилган, аёл тақдири эркакка боғлиқ бўлган. Аёлнинг ҳамма эҳтиёжлари эркак билан аёл эркинми ёхуд эркинликдан маҳрумми, бундан қатъий назар, эркакка имкони бор қадар қулайликлар яратиб бериш ва болалар тарбияси соҳасидан ташқари чиқмаслиги керак бўлган. Бу қатъий қоида патриархат замонларидан бери амал қилиб келган.

Ҳеч ким эркакчалик зўр эҳтирос билан аёлни кўкларга кўтармаган, унинг нозик диди-ю, теран туйғулари ва турфа хил қобилиятларини мақтовларга қўмган эмас. Бироқ бу қобилиятларнинг рўёбга чиқишига ҳеч ким эркакчалик тўғаноқ ҳам бўлган эмас. Албатта, ижтимоий шароитни, бола тарбиялаш ташвишларини, турмуш машаққатларини назардан соқит қилиб бўлмайди, чунки ижтимо-

**Озод  
ШАРАФИДДИНОВ**  
таржимаси

Истеъдод, қобилият, салоҳият ва даҳо ҳамиша кўпчиликнинг эътиборини жалб қилиб келган. Истеъдод ёки даҳонинг ўзи нима? У туғма бўладими ёхуд тарбия воситасида пайдо бўладими? Даҳо эгаси фавқулудда одамми ё оддий инсонми? Бу ва буларга ўхшаш саволлар кўпдан бери олимларни қизиқтириб келади. Айниқса, ўтган асрнинг охири чорагида ва XX аср бошларида психологлар бу масалага бағишлаб ўнлаб қизиқарли асарлар эълон қилишди. Н. В. Гончаренконинг “Санъат ва илм-фандаги даҳо” китобида (М. 1991) ана шу асарлардаги бой материаллар асосида бу масалага доир кўпгина қизиқарли мулоҳазалар айтилган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақола мазкур китобдан олинди.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

126

ий шароит ҳамма синфлар ҳаётида ҳам бир хил даражада номаъқул бўлган эмас. Шунга қарамай, деярлик ҳеч қачон аёл киши эркак билан баравар тенгликка эга бўлган эмас. Ҳатто аёлларнинг ижтимоий бўйинтуруқлардан халос бўлиши ҳам эркаклар психологиясини азалий андозалардан халос этаолмади, минг йиллар давомида ҳукм суриб келган анъаналарни бекор қилолмади. Бу анъаналарнинг юки ҳозир ҳам аёл елкасини яғир этишда давом этмоқда.

Шарқда ошқора тарздаги ҳарамлар бўлган. Фарба бундай ҳарамлар яширин шаклларда мавжуд бўлган. Уларнинг мавжудлигини ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам асослашга ҳаракат қилишган.

Афтидан, бугун ҳам даҳолик билан аёл худди ўт билан сув каби сира бири-бирига тўғри келмайдиган нарсалар экани тўғрисида ёзиш бунинг аксини исбот қилиб беришдан кўра осонроқ кўринади. Бунақа асарлар аллақачон кўплаб миқдорда ёзилган. Бунақа асарларда аёллар зиммасига ҳар хил бўлар-бўлмас ёмонликлар юкланаверилади. Бу анъананинг илдишлари қадимий бўлиб, улардан бири мифологик афсоналарга бориб тақалади. “Ҳинд тамаддунида аёллар аҳволи” (1987 й. Деҳли) деган китоб муаллифи А. Эльтенернинг ёзишича, “Маҳабхарата” даёқ юз тилни биладиган одам бошқа ҳеч нарса қилмай, фақат аёлларнинг иллати-ю қусурлари ҳақидаги китобларни ўқиб чиқаман деса, бунинг учун унга юз йиллик умр ҳам кифоя қилмас экан. Аёллар ўзларини ҳимоя қилиш воситаларидан маҳрум бўлишган, чунки бошқариш қуроллари, мафкуравий таъсир воситаларининг ҳаммаси ҳамиша эркаклар қўлида бўлган. Шунинг учун аёллар фақат иш билангина ўзларини оқлашлари мумкин эди. Аёллар оилавий ҳаётда ҳам худди тарихдаги каби ўзларининг вақти-соатлари етиб келишини бардош билан кута билганлар. Ҳозир улар ўз-ўзларини ҳимоя қилмоқдалар. Бироқ аёлларнинг фаросатсизлиги ва маккорлиги ҳақидаги ёлғон-яшиқлар, ғийбат ва бўҳтонлар тоғ-тоғ бўлиб уюлиб кетган. Уларнинг орасидан ўтиб, ҳақиқат нуқталарини топиб олиш жуда қийин.

Асрлар мобайнида даҳолик эркаклар маҳрига тушган ҳодиса деб ҳисоблаб келинган. Гарчи ҳамма замонларнинг шоирлари оғизларидан бол томиб, аёлларни мақтаб келган бўлсалар-да, файласуфлар бу масалада шоирларга зид мавқеда туришган ва аёлларнинг ижодга ноқобил эканликларини исботлашга ҳаракат қилишган. Бу жиҳатдан, айниқса, XIX асрнинг биринчи ярмида Шопенгауэр, кейинчалик Ницше ва Отто Фейнингернинг (айниқса, Вейнингернинг “Жинс ва характер” китобидаги) фикр-мулоҳазалар жуда машҳур бўлиб кетди. Шопенгауэр, аёл кишининг мавжудлигидан мақсад, бола туғишдир, бунинг учун эса даҳолик қобилияти мутлақо шарт эмас, деган фикрни олға сурган. Бунинг исботи учун жуда қисқа бир мулоҳазани келтирган: “Аёллар жуда ўткир истеъдол эгалари бўлишлари мумкин, лекин ҳеч қачон даҳо бўлолмайдилар, чунки улар ҳамиша субъектив бўладилар”<sup>1</sup>. Ҳолбуки, бу мулоҳазанинг ўзи исботталаб мулоҳаза.

Вейнингер ҳам худди шу фикрни айтади-ю, лекин уни бир оз бошқачароқ асослайди: “Даҳолик олий эркакликнинг муайян тури сифатида намоён бўлади, шунинг учун аёл киши даҳо бўлолмайди. Қолаверса, аёл киши бирон-бир даражада даҳони тушуниш қобилиятига ҳам эга бўлолмайди.

О. Вейнингернинг китоби ўтган асрнинг охирида босилиб чиққан ва ўша пайтдаги гимназистлар муҳитида ҳамда олифта мутакаббирлар ўртасида қўлмақўл бўлиб кетган. Бу китобда ўтган аср охиридаги маданий ҳаётда кенг тарқалган тушкунлик руҳи теран акс этган. Бу китобдан олинган ҳикматлар зиёли мешчанлар даврасида анча вақтгача оғиздан тушмай юрган. Ҳикматларнинг бачканалиги ташқи шаклнинг жозибдорлиги билан, далилсизлиги мухтасарлик билан, беҳаёлиги сохта фалсафийлик билан ниқобланган.

Вейнингер кашфиётларидан баъзи намуналар келтирамиз: “Аёл киши — эркакнинг зуваласидир”, “Аёллар ҳеч қандай мавжудликка ва ҳеч қандай моҳиятга эга эмас, улар ҳеч нарсадирлар”; “Аёл эркинлиги учун кураш — фоҳиша-

<sup>1</sup> А. Шопенгауэр. Даҳо тўғрисида, СПб, 1899, 24-с.

лар ҳаракати”; “Аёл латофати — универсал шахвонийликдир” ва ҳ.к. Аёл хотираси фақат ошиқ-маъшуклар, биринчи никоҳ кечаси, болалар, кўғирчоқлар, гуллар ва хушомадлар ҳақидаги турадиган аёлларнинг ҳаммаси эркакбашара бўлади. “Атоқли одамларнинг ҳаммаси ҳамиша фақат фоҳишаларни яхши кўради”. Аёл киши “худди ақлан” заиф ва жиноятга мойил болалар сингари” қонун чиқариш ишларидан четлатилмоқлари жоиз; “Аёл кишида ҳамма нарса жинсий ҳаётга бориб тақалади. Мабодо, улар бу масалага алоқадор бўлмаган бирон иш билан машғул бўлсалар, буни фақат яхши кўрган эркакларининг кўнгли учун қилишади”<sup>1</sup>.

Францияда тахминан худди шу даврда шунга ўхшаш ғояларини Макс Нордау ўзининг “Даҳо ва истъоднинг психо-физиологияси (Спб. 1908 й.) деган китобида ва бошқа асарларида олға сурган эди. Унинг бу асарларини “Брокгауз ва Эфроннинг қомусий луғати” муаллиф ҳаётлигидаёқ “жуда сийқа ва юзаки фикрларга тўла”, “паст дидли авом одамларга мўлжалланган” деб баҳолаган эди.

Мишле аёл кишини Шахс деб ҳисоблайди, Нордау эса “аёл киши шахс эмас, у бир тур, холос” деб унга эътироз билдирди. Ҳатто, у, яъни аёл тур белгиларини пассив тарзда яратар эмиш. Аёллар эркакларга қараганда турфахилликдан анча узоқ — кир ювадиган оқсоч билан малика ўртасида деярли ҳеч қандай тафовут йўқ. Аёл киши сийқаси чиққан нарсаларга кўпроқ талпинади. “Албатта, ўзига хос деб аташ мумкин бўлган аёллар ҳам бор. Бир маслаҳат берсам, қабул қилармикинсиз, муҳтарам ўқувчим? Ўзига хос аёллардан эҳтиёт бўлинг! Ўз тоифасидан ажралиш жараёни аёлларда юз ҳолатдан саксонтасида ғоятда уқубатли кечади”.

Вейнингернинг гапини такрорлаб, Нордау ёзадики, ўзига хос аёллар, асосан, ўртамиёна эркакларни мафтун этади, атоқли эркаклар эса, одатда, оддий аёлларни афзал кўришади. Гёте, Гейне, Гюголар гўё шундай қилишган эмиш. Аммо, Нордаунинг аёл киши тараққиёт душманидир деган фикри учига чиққан бемаъниликдир. Ориятнинг (шухратпарастликнинг эмас) йўқлиги аёлни ўткинчи нарсалар билан кифояланишга мажбур қилади. “Орият ҳаётий қудратнинг кўплиги асосида пайдо бўлади. Бундай ҳаётий қудратга эса аёллар ҳаммавақт ҳам эгаллик қилавермайди. Шунинг учун ҳам аёл мангуликни эмас, ҳозир, шу дақиқада эришадиган ғалабасини орзу қилади”. “Аёл деярлик ҳаммавақт тараққиётга ёмон муносабатда бўлади...”

Фалсафабозлик қилувчи кўпгина сухандонларнинг фикрига қараганда, эркакни аёлга учта нарса — хусн, пазандалик ва севиш санъати боғлаб туради. Эркаклар ана шу учта фазилатдан лоақал биттасига эга бўлмаган аёл йўқ деб ҳисоблашади. Бироқ, кўриниб турибдики, бу мулоҳазаларда аёлнинг заковати тилга олинмайди. Баъзи бир эркаклар бундан чўчишади. Бундай эркаклар ўзларини заковат бобида биронта эркакдан орқада бўлишлари мумкинлигига тан беришади, бироқ аёлларнинг ақлий устунлиги ҳақида гапиришга бутунлай бўйинларини ёр бермайди. Ундан кўра заковатли аёлни “ошна балиқ” деб қоралашни маъқул кўришади.

Тўғри, даҳолик ва даҳолар тўғрисида бизнинг давримизга яқинроқ фурсатларда ёзилган айрим асарларда маълум даражада аёлларга ён босиш бор. Масалан, А. Рейнбаернинг “Даҳолар истъодининг ривожланиш тарихи” деган икки

<sup>1</sup> Вейнингернинг вафотидан сўнг Фердинанд Пробет ва Грета Майзельс-Гесснинг “Аксил-Вейнингер” деган китоби чиқди. Уни бизда таржима қилиб, 1909 йилда эълон қилишди. Бир олим “Жинс ва характер” китобини “Йигирма икки яшар даҳонинг қимматли васияти” деб атаган экан (Вейнингер 1903 йилда 23 ёшида Венада аввал Бетховен истиқомат қилган уйни ижарага олиб, шу ерда ўз жонига қасд қилган). Юқоридаги китобда бу олимнинг фикрига зид ўлароқ, Вейнингернинг китоби ишонарли тарзда қаттиқ танқид қилинган. Муаллифлар Вейнингернинг жаъмики бемаъни ва сохта мулоҳазаларини фактлар асосида рад этадилар ва бу ҳодисаларни мутлақо бошқача тарзда ижтимоий-тарихий омиллар билан талқин қиладилар. Яхлит олганда Г. Гесс Вейнингернинг китобини бачкана, сийқа ва ҳаддан зиёд тарзда сўқирлик билан ёзилган асар дея баҳолайди.

жилдли катта асариди “аёллар орасиди шундай даҳо маликалар ва қироличалар бўлганки, уларди даҳолик туйғуси эркаклардагига қараганда юксакроқ бўлган” деган гап бор. Муаллифнинг фикрига кўра, рассомликда аёллар шакл бобида жуда юксак чўққиларга кўтарилиши мумкин экан, аммо тасвирланаётган нарсанинг моҳиятини англаб етишда эса анча-мунча қийинчиликларга рўпара келишади. Улар миниатюралар чизишни яхши кўришади. Улар болалар ва аёлларни тасвирлашда кўпроқ муваффақиятга эришишади, эркакларни тасвирлашда эса уларнинг ютуғи камроқ. Аммо яхлит олганда “даҳо иқтидорли аёллар Кичик нарсади каттадилар ва Катта нарсади кичикдилар”. Реймбаернинг хулосаси бундай: аёллар ҳозир ҳам, келажакда ҳам истеъдодли ва даҳо эркаклар онасининг шуҳратига, улуғ инсоннинг маҳбубаси ва тарбиячиси деган шарафга қаноат қилсалар, анча-мунча оқилона иш қилган бўлардилар.

Даҳолар ҳақидаги жаҳон адабиётида қуйидагича мулоҳазаларни ҳам учратиш мумкин. Жолининг фикрича, аёллар долғали жамоатчилик фаолияти учун, юксак ақлий жасоратлар учун яратилмаган. Бинобарин, чиндан ҳам улуғ инсон деган номга муносиб улуғ инсонни барпо этиш учун табиатнинг қудрати етмай қолган чоқларда у мардона ва ғайратли сифатларни тежаш йўли билан осонгина ажойиб бир аёлни барпо этиб қўяқолиши мумкин. Бундай тежаш сира ҳам улуғ шахс учун зарарли оқибатларга олиб келмайди. Бу фикр аёлларга таскин бериш мақсадида айтилгани кўриниб турибди. Сиёсат ишларига қатнашмаслик, аёлни сиёсатдан четлаштириш ёхуд сиёсий фаолиятга ноқобиллик бир хил нарсалар эмас. Бу масалада Бернард Шоу киноя билан бир фикр айтган. У ўзи шахсан танимайдиган, ўқимишли уй бекаси бўлса-да, оддий бир аёлга мактуб ёзиб шундай деган: “Сиз мутлақо адолатли тарзда аёлларнинг сиёсий фаолиятга ноқобиллигини таъкидлабсиз. Лекин бу мулоҳаза бундан ҳам ортиқроқ даражада эркакларга тааллуқлидир. Ахир, аёлларнинг энг ашаддий бекорчи хўжалари ҳам меҳнат қилади — улар болаларини парвариш қилади ва хўжалик ишлари билан шуғулланади. Ҳолбуки, “скво”лари (америка ҳиндиларининг тилида аёл киши шундай деб аталади — Муҳаррир) томонидан рўзгор ташвишларидан холи қилиб қўйилган эркаклар ўзлари учун ёхуд бошқа бирор одам учун мустақил қарорлар қабул қилишни хаёлларига ҳам келтирмай, бутунлай бекорчиликка, фиску фасодга, маишатга берилдилар. Аёллар донорқдир”.

Лекин дунё ўзгарди, у билан бирга аёлларга муносабат ҳам ўзгарди. Аёллар жамоатчилик фаолияти соҳасида, санъат (авваллари) ва илм (кейинроқ) соҳаларида тобора кенгроқ ўринни эгаллаб бормоқдалар. Баъзи бир мамлакатларда аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли деган ижтимоий мақомга эга бўлишди. Психологлар, педагогларнинг аёлларнинг табиати, роли ва муваффақиятли масалаларига бағишланган тадқиқотлари бошқача характер касб этмоқда.

Аммо аёлнинг уйдан аудиторияга, лабораторияга, сиёсатга, бир сўз билан айтганда, жамоатчилик фаолиятига ва ижодга “кетиши” учун қоралаш ҳамда у яратган нарсаларнинг ҳаммасини ёмонотлиқ қилиш анъанаси бизнинг давримизда ҳам давом этмоқда. Бунда эркакнинг ҳаётига шоду-хуррамлик ва тароват олиб кирадиган соҳибжамол ва вафодор дўстдан ажралиб қолишдан ҳадиксираш, покиза ва лаофатли сифатлар соҳибасини эркаксифат бўлиб қолишдан эҳтиёт қилиш истаги яққол сезилади.

Аёлларнинг эркаклашиш фактлари тўғрисида таассуф билдирувчи эркаклар уларнинг шу аҳволга тушишига кўпинча эркаклар айбдор эмасми экани тўғрисида, аёлларнинг қўлига ўроқни топшириб, энди унинг ёнига болгани ҳам кўшиб тутқазиб қўйида юрганлар эркаклар эмасми экани ҳақида ўйлаб кўришса бўлар эди. Бу ҳолни қурилиш майдончаларида, йўл қурилишида тез-тез кузатиш мумкин.

Аммо “раҳбарлик учун туғилган” уста қурилиш майдонида аёлнинг қўлига оғир ломни тутқазар экан, аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини ёқлаб ҳайқирувчи айрим зиёлилар баъзан эскича ҳаришлар исканжасидан чиқиб кетолмайдилар. Бунда улар эски ақидалар унутилиб кетган-у, менинг тилимда у янгича

оҳанг касб этади деб ўйлашадими ёхуд эркаклик ғайратлари ошиб-тошиб кетганидан шундай қилишадими — маълум эмас. Афтидан, шоир Юрий Кузнецов ҳам аёлларни мақтаб, кўкларга кўтаравериш анъанасидан зерикканми, ҳар қалай, у ҳам бизга аввалдан таниш эски йўлга қадам қўйибди. “Аёллар истеъдоди, айниқса, хонандалиқда, хореографияда ва тиббиётда жуда ёрқин ифодасини топган.

Тўғри, ҳали ҳеч қайси аёл Орфейдан ошириб ширин куйлаган эмас ёки ҳеч қайси аёл бошқа одам қиёфасига киришда Протейдан ўтиб кетгани йўқ, лекин аёллар туғма хушбичимликлари вазидан рақсда эркаклардан ўтиб кетишди. Қолган санъатларда уларнинг истеъдоди унчалик улкан эмас. Улар ижодкор эмаслар, улар ижрочилар. Аёллар биронта ҳам улуғ асар яратгани йўқ. Биронта ҳам аёл — аёл қалбининг дунёсини очиб берган эмас, улар учун буни эркаклар амалга оширган. Шунинг учун ҳам аёллар ҳақидаги энг яхши асарлар, энг юксак ва энг теран лавҳалар эркаклар томонидан ёзилган.

Аёллар шеърятга аёл кайфиятининг турфа рангларини олиб киришган... лекин уларнинг шеърларида умуминсоний ёки лоақал миллий оҳанглар жаранглаган эмас”.

Шундан кейин муаллиф ёзадики, эркак билан аёл санъатда бир-бирини тўлдирмайди, санъатда аёл ва эркак ўртасида тенглик ва тенг ҳуқуқлилиқ йўқ, “тилга кирган аёл”, барибир, дунёга ҳеч гап айтолмайди. Бу гапларнинг далили учун шеърлардан олинган айрим сатрлар келтирилади.

Самоларда мен худони кўргайман... Бу — Лермонтов. Эркак киши шунақа самога қарайди.

У ҳоқсуяк титроқ қўли-ла  
Яна тегди менинг тиззамга.

Бу — Ахматова. Аёл киши бу томонга қарайди.

Аммо айрим сатрларни ажратиб олиш йўли билан истаган нарсани исбот қилса бўлади. Лермонтов шеърларидан яна ўнлаб шундай сатрлар топиш мумкинки, улар шоирнинг шоира қараган томонга қараганидан далолат беради. Ахматовада шундай сатрлар борки, улар шоиранинг самоларга нигоҳ ташлашга қобиллигини, интиҳосизликни эркак шоирлардан тузукроқ ва ҳатто теранроқ ҳис қилишга қобил эканини кўрсатади.

Муаллиф Цветаеванинг эҳтирос ва илинж ҳақидаги мисраларини келтиради-да, “ана, кўрдингизми, аёл киши нимани истайди” деб писанда қилмоқчидай бўлади. Ҳолбуки, шоирадан кўплаб бошқа шеърларни ҳам топиш мумкинки, дард ва эҳтирос билан ёзилган бу шеърларда камолотга етган эркакка хос доноликнинг муҳри бор.

Биринчи жаҳон уруши қизиб турган кезларда М. Цветаева ёзган эди: Қўйинг; ҳар кимнинг ўзича муҳокама юритишга ҳақи борлиги тўғрисида ортиқ тортишиб ўтирмайлик.

Эркак кишининг аёлни таҳқирлаб айтган фикр-мулоҳазаларининг кўпчилиги ўзига ортиқча бино қўйган ва ўзини аёлнинг ҳомийси деб ишонган одамлар томонидан айтилган: нима дейсанки, аёллар эркаклардан бошқача фикрлайди (аёл мантиқи деб аталмиш нарса бор), ҳис қилишлари ҳам ўзгача, ҳодисалар ва буюмларда эркаклардан кўра бошқачароқ нарсаларни кўрадилар, бир хил вазиятларда ўзларини эркаклардан бошқачароқ тутадилар, муҳим нарсани иккинчи даражали нарсадан ажратолмайди ва ҳ.к. Ақлли аёллар баҳслашиб ўтирмай, бунга оддийгина қилиб, “биз, ахир, аёлмиз-да”, деб жавоб бериб қўяқоладилар. Жинсларнинг тенгсизлигини ва бундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатларни биологик омиллар билан изоҳлашга интилиш ҳамон жуда кенг тарқалган ҳодисадир. Бунга, айниқса, Фрейд таълимоти кенг йўл очиб берди. Фан жинсларнинг ўзаро муносабатларини тушунтиришда биологик омилларнинг аҳамиятини инкор қилмаган ҳолда бу муносабатларнинг шаклланишида ижтимоий-

маданий шароитнинг ҳал қилувчи роль ўйнашини аллақачон ишонарли тарзда кўрсатиб берган.

Инсоният тамаддуни ривожлана боргани сари уларнинг аҳамияти ҳам орта боради. Бу хулосалар яхши маълум ва биз энди баъзи бир хорижий олимларнинг ана шу муаммоларга бағишланган тадқиқотларига ўтамиз.

Асосан аёллар томонидан ёзилган “Эллар аро аёллар ҳақида тадқиқот” (Нью-Йорк, 1986) деган китобда ғарб дунёсида аёлнинг ҳозирги тобёе ҳолатини эркакларнинг кўпроқ даражада фаоллиги, ўзаро кўпроқ боғлангани билан, аёллар эса айни чоқда бир-бирлари билан унчалик иноқ эмаслиги билан, шунингдек, бола туғиш ва уни тарбия қилиш билан боғлиқ равишда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдан анча узоқлашиши каби омиллар билан изоҳлашга интилиш маҳдуд ва бир томонлама иш экани кўрсатиб берилган. Жинслар аро алоқаларнинг ривожда ижтимоий-маданий омилларнинг ҳал қилувчи роли ҳақидаги ғояни исботлаш борасида, айниқса, таниқли америка антропологи Маргарет Мид “Эркак ва аёл”, “Жинс ва темперамент” деган ишларида кўп хизмат қилган. У бир тадқиқотида Самоа оролларида истиқомат қилувчи аёллар ҳақидаги жуда катта материал ёрдамида аёллар образи ва феъли-атворининг шаклланишида биологик жиҳат муайян роль ўйнаса-да, асосан, маданият ҳал қилувчи роль ўйнашини очиб берган.

Биз бу тўғрида гапираётган эканмиз, бунинг сабаби шундаки, баъзи бир олимлар биологияни жалб қилиш билан табиатнинг ўзи аёл кишига жойни қуйироқдан белгилаб қўйган, эркак кишини тўрға чиқариб қўйган, даҳо аёллар ҳақидаги ҳар қандай гаплар афсона, холос, бу афсоналарга ҳатто аёлларнинг ўзи ҳам ишонмайди, деб исбот қилишга уринишади.

Баъзи бир соҳаларда аёллар гўёки эркакларчалик юксак марраларни эгаллай олмайди (буни далиллаш учун сон-саноксиз тестларни мисол келтиришади) деган гапларга асосий эътироз шундай бўлиши мумкин: бундай соҳаларда эркаклар юзлаб ва балки минглаб йиллар вақтдан ютишган — улар илм-фан, санъат, сиёсат ва кашфиётчилик билан аёллардан кўра анча олдин шуғуллана бошлаганлар. Гарчи Макомдаги черковлар йиғини аёлда жон ва ақл борлигини тан олган бўлса ҳам, унинг жойини рўзгор қилишда деб белгилаб қўйган эди. Ҳатто улуг француз инқилоби давридаги Конвент ўша йилларда ўз-ўзидан пайдо бўла бошлаган аёллар клубларини тақиқлаб қўйган эди. Галина Серебрякова А. Коллонтайнинг “Учоқбоши, оила ва черков — мана шу машҳур учбурчакни жамият биз аёлларнинг фаолият кўрсатадиган асосий майдони деб белгилаб қўйган эди. Бу сеҳрли боши берк тор кўчада қанчадан-қанча истъёодлар, таллантлар, қобилиятлар нобуд бўлиб кетмади, дейсиз”.

Софья Ковалевскаяни Россия академиясининг муҳбир-аъзоси қилиб сайламоқ учун аввал аёлларнинг академияга аъзо қилиб сайланиш ҳуқуқлари тўғрисида қарор қабул қилишга тўғри келган. Нобель мукофоти лауреати бўлмиш бир француз олими аёл кишини илмий-тадқиқот институтига ишга олишдан бош тортар экан, аёлнинг ўзига бундай деган: “Болангиз кўкйўтал бўлиб қолса, бактериялар сизни кутиб ўтиради деб ўйлайсизми?” Афтидан, илм-фан борасида Францияда аёлларга муносабатда жуда кам нарса ўзгарган кўринади. Юз йил муқаддамроқ ёш Жорж Санд бир атоқли ёзувчидан ҳомийлик излаган экан. Ўшанда адиб Жорж Сандга деган экан: “Мен сиз билан очиқчасига гаплашиб қўяқолай. Аёл киши асар ёзмоғи керак эмас. Гапимга ишонаверинг, сиз китоб яратманг, сиз фарзанд яратинг”.

Инсониятнинг иккинчи ярими — аёл жинсининг ижодий имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланмоқ учун шунга ўхшаш ғовларни йўқотмоқ зарур, қадриятларга эскича қараш тартибини янгиламоқ керак. Буларнинг бари зарур. Бироқ булар учун аёлларнинг ўзи кураш олиб борса яхши эмас. Илм-фан бобида аёл киши эркакнинг тақдирига кўрсатган таъсирдан кўра эркак киши аёл тақдирига кўпроқ таъсир кўрсатган. Олимлар ўртасидаги соҳибжамол аёлни оғзидан бол томиб мактамайдиган эркаклар кам бўлади, айни чоқда, бундай эркаклар гўзал аёллар орасидаги салоҳиятли олимани пайқамайди эмас, пайқайди-ю, лекин уни алоҳида тилга олиб, бошига кўтармайди. Лекин ҳозир гап

бу тўғрида эмас. Ижоднинг ўзинигина эмас, ижод учун шароитни ҳам тенг иккига тақсим қилиш керак. Тақсимлаганда ҳам шундай тақсимлаш керакки, аёл киши аёллигича қолсин, унинг оналиги инобатга олинсин, тенгҳуқуқликни номигагина юзаки тушуниб, ижтимоий ишлаб чиқариш юкининг тенг ярмини унинг зиммасига юклаб қўйиш керак эмас. Касб-корларини аёлларники ва эркекларники деб ажратиш фақат жинсларнинг жисмоний имкониятларини назарда тутиб амалга оширилиши мумкин. Бироқ ижод касб-кор эмас, қобилият билан боғлиқ нарса.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ижод соҳасида аёллар нафақат рағбатлантиришга, балки ундан ҳам ортиқроқ даражада эътироф ва мададга эҳтиёж сезадилар. Бир қатор ҳолларда таъкидланишича, илмий ходималарга давлат хизматчилари мақоми берилган мамлакатларда аёлларнинг аҳволи анча-мунча яхши эмиш. АҚШда уларнинг аҳволи ночорроқ экан, чунки у ерда “аёллар ижодий қобилиятдан маҳрум” деган сабаб билан уларни хусусий илмий-тадқиқот муассасаларига деярли яқинлаштирмас эканлар. Аёлларда ижодий қобилият бўлмагандан кейин, “уларда даҳо учқуни” ҳам бўлмайди-да, албатта, АҚШда табиатшунослик ва техник фанлар соҳасида фалсафа доктори илмий даражасини олганлар орасида аёллар эркекларга қараганда 4 марта камроқ. Улар, асосан, ўқитувчилардир. VIII Халқаро социологик конгрессда (Канада — 1974) америка социологларидан бири қизиқарли маъруза қилди. Унинг маърузаси “Америка аёллари академияда” (АҚШнинг илмий муассасаларида аёлларнинг ўрни ва роли тўғрисида) деб аталарди. Маърузачининг айтишича, академия “эркаклар худудидир”, у ерда фақат анъанавий эркекча хулқ-атвор кўринишлари қадрланади ва тақдирланади. Масалан, рақобат, фаоллик, мансабга интилиш каби. Ва аксинча, академия дунёсида хулқ-атворининг аёлларга хос анъанавий кўринишлари — ҳамкорлик, ҳамкасаба ва талабаларни қўллаб-қувватлаш, қандай мақомга эга эканликларидан қатъий назар, одамларнинг ҳаммасига қизиқиш кабилар қадрланмайди. Буларнинг бари аёл кишини эркек билан тенгсиз аҳволга солиб қўяди. Бундан ташқари, олима аёлнинг болалар тарбияси, ота-онасининг ташвишини чекиш, рўзғор ишлари, сартарошга вақт сарфлаш каби нарсаларга боғлиқ фаолият билан бандлиги илмда унинг эркеклар билан баравар суръатда олдинга силжишига халақит беради ва шунинг учун уларнинг кўпчилиги илмий мансаблар пиллапоясининг қуйи поғоналарида қолиб кетишади. Маърузачи академия дунёсидаги турли-туман гуруҳлар томонидан олиб борилган тадқиқотларга таяниб, аёллар йўлларидаги ғовларни енгиб ўтмоқ учун қуйидагича йўл тутишга мажбур бўлишади деган хулосага келади: уларнинг баъзилари ўзларидаги аёлларга хос феълу атвор белгиларини йўқотишга ҳаркат қилишади, бошқа бировлари эса ўз жозибаларини ишга солишади. Жувонлар илм дунёсининг юлдузи бўлиб олган эркеклар билан ҳамкорлик қилишга рози бўлишади, улар ўйнаш мақомини оладилар, ҳар хил аёллар ташкилотларини тузишади, фавқулодда аёллар даражасига кўтарилади.

Маърузачи академик дунёда аёлларнинг бемалол кун кўриши осон эмас, деган хулосага келади ва шунинг учун ҳам аёллар елкаларидаги қўшалок юкни — олималик ҳамда аёллик юкини енгиллатмоқ учун борган сари фаолроқ бирлашишга мажбур бўлишади.

Айниқса, олимларнинг турмуш ўртоғи бўлмиш аёлларнинг қисмати оғир. Баъзи бир америка олимлари бу аёллар ҳақидаги тадқиқотларини Ньютоннинг маълум иборасини бир оз ўзгартириб, “Рафиқаларининг елкасига минган олимлар” деб номлашган. Аёлларнинг ҳамма даражаларда ва айниқса, олий даражаларда тан олинishi жуда мушкул. Шундай маълумотлар ҳам борки, баъзи эркеклар Нобел мукофотини ўзларидан аввал аёллар томонидан қилинган кашфиётлар учун (масалан, пульсарларни кашф этиш) олган.

Ҳатто Шўролар мамлакатаида ҳам илмий мансаблар пирамидасида аёлларнинг ўрни пастдан юқорига қараб камайиб боради. С. Кутельнинг маълумотларига кўра, 70-йилларнинг бошида илмий ходимлар орасида фан доктори даражасига эга бўлган эркеклар 3,9 фоизни, аёллар эса 0,9 фоизни ташкил қилганлар. Академиянинг маълумотномалари бўйича аниқлаш мумкинки, мамлакат



Фанлар Академиясининг таркибида 914 академик ва мухбир-аъзо орасида атиги 13 тагина аёл бор, Украина Фанлар академиясида эса 346 та академик ва мухбир-аъзо таркибида бор-йўғи 9 та аёл бўлган.

Эркаклар ва аёллар шахсиятининг ўзига хос хислатлари тўғрисида эски психологик тасаввурлар мавжуд. Уларнинг кўп қисми болаликдан синдириб келинади. Бундай тасаввурларга кўра, эркакларга хос ва улардан қутиладиган хусусиятлар — “мустақиллик, тиришқоқлик, тортишиш руҳи, мулоҳазакорликка мойиллик, янгилликка интилиш, эмоционал босиқлик”, аёлларга хос хусусият эса пассивлик, тиришқоқликнинг йўқлиги, мусобақалашишдан ўзини олиб қочиш, садоқат, ҳисчанлик, интуиция ва таъсирчанликдир. Эркаклар ва аёллар хислатларининг бундай таснифини биз “Ижод концепцияси” (1986) деган китобдан олдик. Баъзи бир олимлар уларни туғма хислатлар деб ҳисоблашди, баъзилари эса анъаналар ва тарбия йўли билан синдириладиган хислатлар дейишади.

Аёл киши баъзан ўзидаги “жозоба қудратига путур етказмаслик” учун ва эркакларнинг кўзида мафтункор бўлиб қолмоқ учун ўзидаги ижодий мусобақалашиш руҳини босишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида ундаги интилишлар ўзгариб, эрига муҳаббати ва оналик туйғуси кучаяди. Бу хулоса маълум даражада фрейдизи таъсирида вужудга келган бўлиб, у айрим ҳолларни ўзида ифодалайди-ю, умумий тамойилни ифодамайди. Аммо “аёллар фақат рўзғор ишларигагина мойилдурлар деган хулоса фан ва санъатни жуда кўп истеъдод эгаларидан маҳрум этиши” тўғрисида. Чунки аёллар ҳатто илм-фан билан шуғулланганлари тақдирида ҳам уларни иккиланиш туйғуси тарк этмайди, чунки улар ўзларини тўлалигича оилага ва фарзандларига бахш этмайди.

Баъзи бир тадқиқотчилар чиқарган хулосаларга кўра, “илмнинг эркакларга хос белгилари деган нарса бир ниқоб, холос”, билиш бобидаги эркакча услуб, туйғуларни назорат қилишга ва жиловлашга интилиш илмий иш юритиш учун сира қўл келмайди. Илм-фан умуминсоний соҳа, у ҳамма учун баббаравар очиқ, илм-фан билан қобилияти бор ҳар бир одам шуғулланиши мумкин. Аёллар кўшимча тарзда ҳар хил эскирган анъаналар ва тўсиқларни енгиб ўтмоқлари керак, чунки болалик йилларидан бошлаб, “ижод эркакларнинг иши” деб уларнинг қулоғига куйиб келишган.

Энди тестларга мурожаат қилайлик. Уларнинг кўрсаткичларига керагидан ортиқ баҳо бермай кўрайлик-чи, улар аёлларга қандай ўринни раво кўрган эканлар? Тестларга ишонч кўпроқ бўлсин учун шуни эслатамизки, бизда бўлгани каби хорижда ҳам тестларни эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўтказишади. Яна бир ҳолатни эслатамиз. Қобилиятларни аниқлаш бўйича тестлар кенг қўлланадиган бўлгандан анча аввал анъанага, афкори оммага кўра файласуфлар ва ёзувчилар эркак билан аёл ўртасида қобилиятни тажриба асосида ёхуд тўғридан-тўғри чамалаб тақсимлаб қўяқолардилар. Бундай қарашлардаги энг муҳим жиҳатни лўнда ва ихчам қилиб ифодалаб берган одам Эдв. Фитцджеральд (1809—1883) бўлса ажаб эмас: “Аёл даҳоси унинг дидидадир”. Шу фикрнинг ўзини анча батафсилроқ тарзда немис романтизмнинг назариячиси Йозеф Геррес бундай ифодалаган: “Аёл туйғуси шундай бир омилдирки, у орқали ўтган бир тола нур кўплаб майда-майда тола нурларга айланиб кетади; эркак ҳаёлотни шундай омилдирки, у руҳ нурларини битта қилиб жамлайди, у ёндирувчи шишадир, шунинг учун таҳлилий дид аёл ўзлигини намоён қилиши мумкин бўлган соҳадир, эркак кишининг эса синтез қилувчи, ҳамма нарсани бир-бирига боғловчи руҳдир. Шунинг учун улар биргаликда барпо этадиган ҳамма нарсада эркакка ижод, аёлга эса билиш ва энг яхши нарсаларни асраб қолиш муносибдир. Ҳозирча аёллар мода ва этикет бобидагина ўзлари учун олий ҳакам бўлиш ҳуқуқини талаб қилиб олдилар, қолбуки санъатга тааллуқли ҳамма нарсада улар бемустасно шундай ҳуқуққа эга бўлмоқлари керак”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Немис романтиклари эстетикаси. М. 1987. 182-б.

Чиндан ҳам ўтмишда илм-фандан кўра санъат соҳасида истеъдодли аёллар кўпроқ бўлган. Буни изоҳласа бўлади. Санъатда лоақал нопрофессионал ижодга имкон берадиган соҳаларда (хонандалик ёхуд амалий санъатда) ўзини намоён қилиш анча осон. Илм шундай соҳаки, у, асосан, профессионал тайёргарликни талаб қилади. Ўтмишда эса бу иш аёлларга нисбатан кўп ҳам рағбатлан-тирилган эмас. Ижтимоий маданий омиллар асосида роллар тақсимоли шунақа аҳволга етиб бордики, уни табиатнинг ўзи ато қилган табиий бир ҳол деб қарай бошладилар.

Шундай қилиб, аёл кишини даҳо деб тан олишган бўлсалар, буни, асосан, ҳис-туйғу бобида ва ҳаммадан аввал севги-муҳаббатда ҳамда уни ифодалай билиш қобилиятида кўрганлар. Тўғри, Жорж Санд “мен ўз туйғуларимни ифодалашни билмайман” деб тез-тез такрорлаб турган. Аммо кўпчиликнинг фикрига қараганда у эркакча характерга эга бўлган. Айтганча, А. Дюма бошқача фикрда бўлган: У В. Соллогубга шундай деган экан: “Истеъдодли аёл, бунга гап йўқ, лекин характери, одатларига, қарашларига кўра нақд хотин кишининг ўзи!” Аёлларнинг лирик шеърят бобидаги гўё бениҳоя ўткир салоҳиятга эгалиги ҳам шу билан изоҳланади. Қаердаки туйғулар, эҳтирослар, ўзгалар қиёфасига кира олиш, ўзини аслидан кўра бошқача кўрсата олиш ва ҳоказолар ҳал қилувчи роль ўйнаса, ўша жойда аёл киши гўёки ҳамиша биринчи эмиш. Шунинг учун ҳам сиёсий ва дипломатия соҳасида аёллар баъзан ўзларининг артистлик қобилиятларига, ўзгалар қиёфасига кира олиш уқувларига кўра, бу қобилиятларини фиску фасод санъати билан, хоинлик ва мунофиқликка мойиллик билан тўлдириб улугворликка эриша оладилар. Аёллар сарбаландлик қиладиган соҳалар миқдорини жаҳон адабиётида аёллар ҳақида айтилган кўпдан-кўп мулоҳазаларни рўқач қилиб кўпайтириш мумкин. Лекин ҳар нима қилганда ҳам заковат деган “эркаклар ҳудуди” дахлсиз қолаверади, чунки Шопенгауэр, Гейне, Ницше ва бошқа бир қатор файласуфлар ҳамда ёзувчиларнинг фикрига кўра, энг заковатли аёл тугаган жойда энг бепарос эркак бошланади. Буларнинг бари энгил-елпи гаплар, лекин шундоқ бўлса-да, улар билан танишиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди, чунки ўтмиш адабиёти уларга тўлиб-тошиб ётипти. Ҳозирги адабиёт ҳам улардан холи эмас. Улар билан қисқача танишгандан кейин илмий маълумотларга мурожаат қиламиз.

Жон Гопкинс (АҚШ) университетининг психологлари ўн мингдан ортиқроқ юқори синф ўқувчиларини тадқиқ қилганлар. Уларга “тилга оид ва математик майллар”ни аниқлайдиган тестлар таклиф қилинган. Тилга оид тестлар натижасида жинслар орасида ҳеч қандай тафовут кўзга ташланмаган. Математик тестлар оқибатида эса “математик қобилият бобида ўғил болаларнинг устунлигини кўрсатувчи жуда катта фарқ” аниқланган. Математик тестни ўтказганда текширилган болалардан 27 фоизи 600 балдан ортиқроқ балл йиққан. Математика борасида қобилиятли қизлардан анча-мунчаси аниқланган бўлса-да, уларнинг биронтаси бу қадар кўп балл тўплай олмаган.

Тестлар натижаси кескин баҳсларга сабаб бўлди. Эркакларнинг математика соҳасидаги қобилияти юқорироқ бўлади деган хулосага математикадан дарс берадиган иккита аёл ўқитувчи (улар ҳам АҚШ дан) қарши чиқишган. Улар тестларни ўтказишда ижтимоий ва маданий муҳит кўрсатадиган таъсир эътибордан соқит қилинган деган далилни келтиришган. Агар мактабда болалар барабар шароитга эга бўлсалар-да, мактабга қадар уларга муҳитнинг таъсири ҳар хил бўлган (ўйинчоқлар танлашда, уй вазифаларни бажаришда болаларга кўмаклашишда ота-оналарнинг феъли-атворида ва ҳоказолар). Бундан ташқари, ўтказилган тест туғма қобилиятларнинг эмас, “Ташқаридан қабул қилинган малакалар”нинг ўлчови бўлган, шунинг учун у математика бобида эришилажак ютуқларни аввалдан айтиб беришга хизмат қилолмайди.

Аёлларнинг илм-фанга келишга ҳалақит берувчи сабаблар сифатида ота-оналар ва педагоглар болаларга эркаклар ҳамда аёлларнинг алоҳида жинсий роллари ҳақидаги, эркаклар ва аёлларнинг хос касби-корлари тўғрисидаги анъ-

анавий тушунчаларни сингдиришади. Инсон томонидан ўзлаштириб олинадиган “Маданий кўрсатмалар” болагидан бошлаб унда шаклландиган қадриятлар тизимига таъсир кўрсатди ва бавосита тарзда унинг қандай касб-корни танлашига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ҳозирги замон ҳорижий тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, салоҳиятли болалар ўртасида ўғил болалар билан қизлар нисбати 111га 110ни ташкил қилади. Бундай нисбат, умуман олганда, уларнинг салоҳиятининг тенглигидан дарак беради. Айтганча, тестларнинг кўрсатишича, 3—5та энг истъдоддилар ўртасида қизлар кўпроқ экан.

Аёллар назарий тадқиқотчилардан кўра кўпроқ амалий тадқиқотчиларга қизиқадилар. Бундан ташқари, хизматда улар эркакларга қараганда кўпроқ ҳолларда куйи мавқеларни эгаллаган бўлади, бу эса уларга ўз асарларини эълон қилишда қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Рухшунос олим Айзенк эркакларда кўриш — фазовий қобилият аёлларниқига қараганда бирмунча юқорироқ деб ҳисоблайди. Улар “Фазовий мазмунга эга бўлган кўзга кўринадиган ахборотни қабул қилиш, таққослаш ва улардан фойдаланишда аёллардан устунлик қилади. Хотирада сақлаб қолиш қобилиятига қараганда, шунингдек, тил бобидаги салоҳиятда эса аёллар эркаклардан бирмунча устун туради. Улар тилнинг амалий грамматикасини тезроқ ўзлаштиради, уларнинг лугат бойлиги кўпроқ, бегона тилларда тезроқ гапира бошлайдилар. Буларнинг борини муаллиф тажрибалар орқали исботлаб берган. У жуда қатъий равишда аёллар билан эркаклар муштарак заковатга ва ақлий қобилиятларга эга деган хулосага келади: у ёки бу жинснинг иккинчиси устидан устунлиги тўғрисида гапирмоқ учун ҳеч қандай асос йўқ.

Аёл ва эркак ўртасидаги ижодий истъдод борасидаги тафовутлар ҳақида гапирган тадқиқотчилардан бири, бастакорликда, рассомликда, табиий фанларда эркакларнинг ҳукмрон мавқега эга эканини эътироф этган ҳолда, бадиий адабиётни бу рўйхатдан соқит қилиш тўғрисида фикр билдиради. Бироқ бу анъана билан боғлиқми ёки ижодий истъдод бобидаги тафовут сабабидан шундайми — айтиш қийин.

Аммо аёл ва эркакнинг “интеллектуал тенглиги” тарафдорлари ҳам шуни таъкидлайдиларки, эркакларда кўриш билан боғлиқ ҳаёлот ва тасаввур қобилияти кучлироқ ифодаланган ва шу сабабдан улар математик қобилият бобида устунликка эга.

Аёлларнинг техник тизилмалар билан камроқ шуғулланиши изоҳланганда ҳам уларнинг фазовий ҳаёлот бобидаги заифликларини рўкач қилишади. Шу туфайли ҳам аёллардан кўпроқ олима, сиёсий арбоб ва адибалар чиқар эмиш. Аммо ихтирочи аёлларни ҳеч ким эшитмаган эмиш. Эҳтимолки, улар ҳеч қачон бўлмагандир ҳам. Аёлларнинг интеллектуал маҳдудлиги ҳақида гапирини ёқтирадиганлар уларнинг ихтирочиликка ноқобиллигини пеш қилдилар. Бироқ бу фикрни рад этувчи кўплаб фактлар мавжуд. Марта Косто (АҚШ) уч рангли тунги йўл сигнализацияни ихтиро этган. Унинг патентини ҳукумат 20 минг долларга сотиб олган. У ўз ихтиросини Оврупа мамлакатларидан бештасида патентлаштирган. 1635 йилда Буюк Британияда Сара Жероин деган бир аёлга патент берилган. У тўнқаларни юпқа қилиб тиладиган машина ихтиро этган экан. 1845 йилда Сара Матер ўзи ихтиро этган “лампалик сув ости телескопи”га патент олган. Бу ихтиро катта кемаларнинг тагини уларни махсус қуруқ доираларга олиб кирмай туриб кўздан кечиришга имкон берган. Аёлларнинг ихтиролари амалий қимматга эгалиги билан ажралиб турган ва катта даромад берган. 1871 йилда Маргарет Найт қоғоз халталар тайёрлайдиган машина учун патент олиб, хусусий фабрикасини очган. 1876 йилда Чикагодаги кўргазмада аёллар томонидан қилинган ихтиролардан 79 таси намоён қилинган эди. Улардан 28 таси ишлаб чиқаришда тадбиқ этилган учи ўткир қилинган винт ғояси бир қизалоқнинг миясига келган эди — бу ғоя патент эгасига катта бойлик келтирди. Аёллар томонидан қилинган ихтиролар ичида яна ҳам ажойиблари бор. Масалан, бир машина ўйлаб топилган, у

ҳар уч секундда тайёр тақани чиқариб турган ва ўн миллионлаб долларни тежаб қолган.

АҚШ Сенатининг кичик комиссияси маълумотларига кўра аёллар лицензияларидан келадиган ўртача йиллик даромад эркакларнинг лицензияларидан келадиган даромаддан анча юқори бўлган. Аёллар ихтироларининг кўлами жуда кенг. Улар қулоғи тешик игнани ихтиро қилишди — бу игнага кўзи заиф одамлар ҳам осонгина ип тақа оладилар.

Фрейд аёллар башарият тамаддунига жуда кам қимматли нарса қўшаолди ва фақат бир технологияни — каштачилик ва тўқувчилик технологиясинигина ихтиро этди деб ҳисоблайди. Бироқ юқорида келтирилган мисоллар Фрейднинг бу фикрига қўшилмаслик учун етарли асос бўлаолади.

Хуллас, фактлар аёллар заковатига эркакларнинг ишончсизлик билан қарашини фош қилади.

Олимлар масаласига келсак, улар борган сари кўпроқ бир тўхтама келиш-япти. Олимларнинг аниқлашича, одам миясининг ўнг томони чап мия ярим шарига қараганда кўпроқ даражада туйғулар ва ижодий қобилиятларни бошқариб турар экан. “Миядоменанти” деб номланган илмий фараз бор экан-у, унга мувофиқ миянинг ўнг ярим шари кўпроқ ривож топган бўлармиш. Олимлар буни исботловчи залворли далиллар йўқ деган хулосага келяпти.

Агар жиддий гапирадиган бўлсак, бу фактларнинг баъзи бирлари эркакларнинг аҳволи анча вой эканидан далолат беради.

“Хорижда” (1987) журналида “Натижа Эйнштейнникидан яхши” деган сарлавҳа билан бир кичик мақола эълон қилинган эди. Унда қуйидаги гаплар айтилган! “39 ёшли Мерилин Мах (онаси италян, отаси немис) “абсолют” жаҳон рекорди ўрнатди. Мерилин “заковат бўйича тест” деб аталмиш синовдан ўтди ва 230 очко йиғди — дунёда маълум натижалар ичида бу энг юқориси. Альберт Эйнштейннинг кўрсаткичи атиги 173 очкога тенг бўлган. Мерилин Мах ҳақида шуниси маълумки, у китоб ёзади, иккита боласи бор, эридан ажралган. Ўзининг эътироф этишича, “бирор янги одамга боғланиб” қолишдан қўрқади.

Галина Серебрякова денгиз соҳилида сайр қилиб юриб Н. К. Крупская билан гаплашган бир гапини эслайди. “Мен ундан нима учун инсоният тарихида эркакларга тенг келадиган даҳо аёллар йўқ деб сўрадим. Мен мисолларни қалаштириб ташладим. Тасвирий санъатда, мусиқа ва адабиётда Бетховен ва Чайковский, Леонардо да Винчи ва Репин, Шекспир ва Толстойга тенг келадиган аёллар номи йўқ. Биз Виже Лебрен, Кауфман, Башкирцева каби атоқли рассом аёлларнинг, Жорж Санд, Войнич каби адибаларнинг номларини тилга олдик, лекин булар юксак истеъдод эгалари эдилар-у, даҳо аёллар эмас эди. Ҳатто пазандалик бобида ҳам улоқни эркаклар олиб қўйишганди.

— Бу тўғри, — деб жавоб берди менга Надежда Константиновна бир оз ўйланиб. — Луврда бир Гобелен эътиборимни тортганини эслайман. Гарчи Гобеленларни, асосан, аёллар тўқиган бўлса ҳам, энг нодир намуналарини эркаклар яратганлар. Аммо бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Аёл киши қайси синфга мансублигидан қатъий назар, матриархатдан кейин ҳақиқий эркинликнинг нима эканини билган эмас. У нима билан машғул бўлмасин, нима иш қилмасин, ҳаммасида қулликнинг меҳри аён сезилиб турган. Келажакда ҳаммаси бутунлай бошқача бўлади, албатта. Ҳатто ҳозир ҳам аёлларимизни таниб бўлмай қолган. Ҳеч шубҳа йўқки, улар илм-фан ва санъатнинг ҳамма соҳаларида зўр муваффақиятларга эришажаклар ва уларнинг орасидан анча-мунча даҳолар етишиб чиқажак”.

Америка олими У. Бауэрманнинг даҳолар рўйхати берилган китобидаги 1000 та тарихий сиймодан 29 таси аёллар. Касби-корларига кўра улар қуйидагича тасниф қилинадилар: давлат арбоблари — 4 (Елизавета Англиская. Жанна д’Арк ва б.қ.), адибалар — 15 (Мари Севинье, Анна де Сталь, Жорж Санд, Шарлотта Горонте, Джейн Остин ва бошқалар); диний арбоблар — 4, актриса ва раққосалар — 2.

Бу рўйхатда муаллиф фақат Фарбий Оврупо ва АҚШнинг атоқли арбоблари билангина чекланган. Бу аёлларга ҳам тааллуқли — Шарқий Оврупо, Осиё ва Африканинг таниқли адибалари, олималари, жамоат арбоблари рўйхатга кирмай қолган. Ҳолбуки, Хитойда қадимда ва ўрта асрларда жуда кўп аёллар ижод қилганки, уларнинг ҳуснихат ва рассомлик бобида маҳоратлари жуда юксак бўлган. Улардан бири Куан Та Ошанг (1262—1319) бўлиб, ундан тасвирий санъат ҳақида рисола қолган. Чээн Шу (1660—1736) профессионал рассом бўлган, у кўпгина донгдор усталарга устозлик қилган. Ўз санъати билан тирикчилигини ўтказар экан, бу аёл иккита боласини боқиб катта қилган. Хитой қомусларидан бирида турли соҳаларда фаолият кўрсатиб, донг таратган 40 мингта ажойиб аёлнинг номи тилга олинган. Бундай мисолларни ҳар бир маданий мамлакат тарихидан кўплаб келтириш мумкин. Улар шундан далолат берадики, муайян чеклашларга қарамай, аёллар маданият ривожига жуда катта ҳисса қўшишган.

Осиёда одатда аёллар маълумот ололган эмаслар. Ҳиндистонда қадим замонлардан бери уларни оталари ва акалари ўқитиб келган.

Маърифатлилик истеъдоднинг шаклланиши учун зарур шартдир. Агар аёллар шундай имкониятга эга бўлиб, маърифатли ва ўқиниши бўлсалар, бунинг самараси дарҳол кўринақолади. Тахмин қилмоқ мумкинки, баравар шарт-шароитлар бўлса, аёл истеъдоди тезроқ ривож топиши ва эркакниқига нисбатан тўлароқ бўлиши мумкин, ёки жуда нари борганда ундан кам бўлмайди. Герцен ёзган эди: “Умуман олганда, аёл кишининг камол топиши турган-битгани жумбоқ. Бир қарасанг ҳеч вақо йўқдай, уларнинг фикри-зикри серҳашам либослару, рақсларда, гийбат қозонини қайнатишади, роман китоблар ўқишади, кўзларини сузишади, ёшларини оқизишади, кейин тўсатдан, мустаҳкам ирода, пишиб ётган фикр, бениҳоя катта заковат намоеён бўлади”.

Аёлларнинг маълумот олиши яхшиланиши билан, илм ва фаннинг турли соҳаларида ижодга йўлнинг кенгроқ очилиши билан аёллар ижодининг кўлами ақл бовар қилмайдиган суръатлар билан кенгая боради. Агар ўтган асрда санъат бобида аёллар адабиёт, театр ва қисман рассомлик соҳасидагина фаолият кўрсатган бўлсалар, ҳозирги пайтда аёлларга санъатнинг ҳамма жанрлари ва турлари бўйсунди. Худди шу фикрни илмга нисбатан ҳам айтса бўлади. Шуниси ҳам борки, бу даврда аёллар ижоди беқиёс даражада ривожланди ва унинг тематик кўлами ғоятда кенгайди. Агар XIX аср адибаларини, асосан, “аёллар масаласи”, муҳаббат мавзуи ва унга яқин муаммолар қизиқтирган бўлса, бугунги кунда Г. Серебрякова, М. Юрсенар (Француз академияси аъзолигига мушарраф бўлган якка-ю ёлғиз аёл), А. Мердок, И. Грекова ва бошқа ёрқин истеъдодли адибаларнинг романлари билан танишсак, амин бўламизки, уларнинг ҳеч қайсиси на мавзуининг муҳимлиги, на қўйилган масаланинг ўткирлиги, на уларни ҳал қилишнинг кераклиги жиҳатидан биронта эркак ёзувчилар яратган асарлардан заррача қолишмайди.

Буларнинг бари аёллар даҳолигини аниқлашда меёрни ошириб ҳам, камайтириб ҳам юбормаслик керак деган фикрни айтмоқ учун асос беради. Улуғ аёллар уларнинг истеъдодини баҳолашда садақага муҳтож эмас. Улар сон жиҳатидан эркаклардан оз — бунинг сабаблари ҳақида юқорида гапирдик, лекин улар мавжуд.

А. Моруанинг “Жорж Санд” китобида машҳур француз адибаси бир неча марта “даҳо” деб аталган. Белинский уни “Давримизнинг Жанна д’Арки” деб атаган эди. И. С. Тургенев унга “бизнинг муқаддас аёлларимиздан бири” деб баҳо берган. Бу таърифларнинг ҳаммаси ҳақиқатга тўғри келади. Ўз романларида воқеъликни қамраб олишнинг кўлами жиҳатидан, адабиётга қўйилган ижтимоий проблемаларнинг янгиллиги ва ўткирлиги жиҳатидан, бадиий таҳсилнинг теранлиги ва нафислигига, ижодининг ўз замондошларига таъсир кучига кўра Жорж Санд шак-шубҳасиз, XIX асрдаги улуғ ёзувчиларнинг биринчи қаторидан ўрин олади. Чернишевский ёзган эди: “Жорж Санд Байрон замонларидан бери ўтган ҳар қандай шоирга қараганда адабий ва ижтимоий тараққиётга кўпроқ таъсир кўрсатгандир”.

Жорж Санднинг бадиий меросида кўп нарсa бугунги китобхонни ўзига жалб қилмай қўйган. А. Моруанинг ёзишича, Жорж Санднинг кўпгина романлари унинг мактубларидан ва иқтидоридан бўшроқ. Бироқ булар унинг адабий маданият соҳасида қилган хизматларини камсита олмайди. Унинг хизматларини, истеъдодининг кўламини баҳолаш эканмиз, ундан мерос бўлиб қолган кўпдан-кўп мактубларни ҳам назарда тутмоқ лозим. Бу мероснинг кўп қисми китобхонларга унинг бадиий асарларига қараганда камроқ таниш. Ҳолбуки уларда бир қатор масалалар жуда зўр маҳорат билан таҳлил қилинган, айрим тарихий шахсларга жуда ёрқин таърифлар берилган. Шунингдек, Жорж Санд жуда кенг кўламда жамоатчилик фаолияти билан ҳам шуғулланган, бу фаолият, айниқса, 1848 йил инқилоби даврида жуда авж олган. У хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигини эҳтирос билан ҳимоя қилиб чиққан. Хуллас, Жорж Санднинг даҳолиги ҳақида хулоса чиқармоқ учун уни тор адабиётшунослик меърлари билангина ёхуд фақат романларининг бадиий фазилатлари билангина баҳолаш тўғри бўлмайди. Дюманинг ўғли, бир оз муболага билан бўлса-да, Жорж Санд тўғрисида шундай деб ёзган эди: “У Монтен янглиғ фикрлайди, унинг ҳаёлати Оссианниқига ўхшайди, у Жан-Жакка ўхшаб ёзади, Леонардо унинг ибораларининг сувратини чизади, Моцарт уларни музикада ифодалайди. Жорж Санд олдиларидан ўтиб қолса, де Севинье хоним унинг қўлларини ўпади, де Сталь хоним эса тиз чўқади”.

Инқилобдан кейинги қирғин барот шароитида Жорж Санд ўлимга ҳукм қилинган инқилобчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун, беморларни турмалардан халос этмоқ учун, қўзғолон иштирокчиларининг сургун ва бадарга қилишганини бекор қилиш учун кураш олиб борди. Унинг бениҳоя жасур ва толмас фаолиятини баҳолаш экан, А. Моруа ёзади: “Бу оғир даврда Жорж Санднинг бутун феълу атевори жуда гўзал, муносиб ва олижаноб эди”. Жорж Санднинг ўзи Луи Наполеонга мактубни ҳамма нарсадан кўз юмиб туриб давлатни бошқариб бўлмаслигини, сиёсатда, шак-шубҳасиз, улуг ишлар қилинаётганини, лекин фақат қалбгина мўъжизалар яратиши мумкинлигини ёзган эди. “Сиз хатти-ҳаракатларни таъқиб остига олишингиз мумкин, лекин этиқодларни таъқиб қилолмайсиз. Фикр эркин бўлмоғи керак”. Аёллардан даҳо санъаткор деб атаса арзигулик жуда ажойиб актрисалар силсиласи етишиб чиққан. Малибарн, Дузе, Ермолова, Запковецкая, Мария Каллас шулар жумласидандир. Уларнинг ҳаммасини санаб тугатиб бўлмайди. Ўзганинг қиёфасига кира олиш бобидаги зўр қобилият, инсон психологиясини ниҳоятда теран билиш, даврни теран ва нозик идрок қилиш уларнинг театр санъати ривожига қўшган катта ҳиссасини таъминлаган омиллардир.

Илим-фан соҳасида даҳо даражасига яқинлашган аёллардан бири атоқли математик ва публицист Софья Ковалевская бўлган эди. У Россияда фанлар академиясининг муҳбир аъзоси бўлган биринчи аёл эди. Шунингдек, физик Мария Складовская — Кюри ҳам даҳо аёллар қаторидан ўрин олишга ҳақли Софья Ковалевская қисқа умр кўрди. У ижод учун ғоятда ноқулай шароитларда иш олиб борган эди. Шу туфайли унинг истеъдоди тўлалигича очилмай қолди. “Ҳаракатсиз нуқта теварагида қаттиқ жисмининг айланиши тўғрисидаги масала” деган иши учун у Француз фанлар академиясининг, яна бошқа мураккаб бир масалани очгани учун Швеция фанлар академиясининг мукофотини олган эди. Жаҳон илмига салмоқли ҳисса қўшган аёллардан яна бири М. Складовская — Кюридир. У радий билан полонийни кашф этди, радиация ҳодисасини ўрганди ва физика ҳамда химиядаги баъзи бир янги йўналишларга асос солди. У жаҳондаги кўпгина академияларнинг аъзоси қилиб сайланди. Украин адибаси Леся Украинка ҳам (1871—1913), шак-шубҳасиз, ижодий даҳога эга эди. Унинг билимларининг теранлиги ва қизиқиш доирасининг кенглиги кишини лол қолдиради. У жаҳон тарихи ва адабиётини жуда яхши билар эди. Сингиллари учун у “Шарқ халқларининг қадимий тарихи”ни ёзиб берган. Италиян, поляк ва немис адабиётлари ҳақидаги унинг мақолаларида жуда нозик кузатишлар ва теран мулоҳазалар мавжуд. Леся Украинка ижтимоий тараққиётнинг

назарий масалаларини ҳам беш қўлдай биларди. У пионинони маҳорат билан чалар, рассомлик билан шуғулланар ва ўнта ажнабий тилни биларди. Буларнинг бари унинг қизиқиш доираси нечоғли кенглигини кўрсатади. Лекин энг муҳими — унинг ижодининг новаторлик характерида эди. Ўзининг шеърляти ва драмаларида (“Тош ҳукмдор”, “Кассандра”, “Ўрмонда”) у жаҳон адабиётида мангу образлар деб ном олган образларга янги талқин берди; эркинлик ва ҳокимият, бурч ва эътиқод, санъаткор ва жамиятнинг ўзаро муносабати каби бир қатор ижтимоий, маънавий-фалсафий ва психологик муаммоларни бутунлай ўзига хос тарзда янги талқинларда ёритди. Гояларнинг фалсафий теранлиги ва юксак бадиий савия бу асарларни жаҳон шеърляти ва драматургиясининг энг юксак мавафқиятлари қаторига қўяди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Анна Ахматова ҳам шеърӣ санъат бо-бида даҳо қудратга эга бўлган. Бу қудрат унга на фақат шон-шуҳрат келтирди, балки уни шавқатсиз синовларга ҳам рўпара қилди.

Жуда оғир ҳаёт йўлларида Ахматова ўз иқтидорини авайлаб-асраб ўта олди ва жаҳонга унинг янгидан-янги, кутилмаган ва ажойиб қирраларини намойиш қилди.

Ахматованинг “Марсия” ва яна баъзи бир бошқа асарлари эълон қилингунга қадар, уни, асосан, муҳаббат ижрочиси деб ҳисоблашган ва унга XX аср Сафоси деган унвонни мутлақо асосли равишда раво кўришган. Албатта, муҳаббат ҳақида жуда кўп истеъдодли шоирлар ёзган, аммо А. Ахматова сиймосида биз, М. Цветаеванинг ибораси билан айтганда, аёл қиёфасидаги Шоирнинг намоеън бўлишини кўрамыз. Бунда гап, албатта, унинг севги-муҳаббат тўғрисида юракдан чиқариб ва аёл тили билан куйлаганидагина эмас. Ахир барча бошқа шоирлар ҳам шундай қилишган. Гарчи Лариса Рейснор ва Твардовский айтишганки, авваллари муҳаббат ҳақида эркак одам ҳикоя қиларди, энди — Анна Ахматова майдонга чиққандан кейин муҳаббат ҳақида тўла ҳуқуқ билан бақувват овозда Аёл ҳам куйлайдиган бўлди. Уларнинг фикрича, Ахматованинг кашфиёти ана шунда! “Чиндан ҳам, — деб ёзади А. Павловский, — Ахматованинг ўзи лутф қилганидек, у “аёлларни гапиришга ўргатди”. У “аёллар лирикаси”ни эмас, аёллар айтадиган лирикани барпо этди. Бу иккови эса, айнан бир нарсаси эмас”.

А. Ахматованинг жаҳон шеърлятига қўшган иккинчи ва эҳтимолки, энг улуг ҳиссаси шундаки, у лирик поэзиянинг мазмунини ғоятда бойитди ва кенгайтди, унга янги фикрлар, образлар, лексика, инсон туйғуларининг энг нафис, энг инжа қирраларини бахшида этди. Ахматова шеърлятини фақатгина қалб шеърляти деб аташ тўғри эмас, у улғвор ва ғоятда мураккаб бир даврда яшган, кўпни кўрган, кўп ўйлаган, кўп жафолар чеккан замондошимизнинг лирик қундалигидир, деганида А. Твардовский ҳақ эди.

Ахматова ўзининг поэтик услубини яратди. Бу услуб ёрқин ва бетакрор индивидуалликка эга, унда ҳикматларга хос мухтасарлик бор, ҳар сатри, ҳар жумласи заргарона маҳорат билан ишланган. Агар биз энг юксак шоирлар қаторига салмоқли эстетик кашфиётлар қилган ва давр руҳини юксак шоирона баркамоллик билан ифодалай олган ижодкорни қўядиган бўлсак, А. Ахматова улар қаторида олдинги ўринни эгаллайдиган шоира. Сабабки, унинг ижоди аёл даҳоси эркакларнинг қаричи билан ўлчаб бўлмайдиган мустақил қимматга эга эканини намойиш этади.

Деярлик бутун дунё руҳшунослари бир муштарак фикрга эга — диний ақидалар томонидан сиқиб, ҳаракатсиз, қотиб туришга маҳқум этилмаган инсоний салоҳиятларнинг ҳаммасини ривожлантириш, мукаммаллаштириш мумкин ва уларни муайян йўналишга солса бўлади. “Аёлларники” деб ҳисобланган қобилиятларни эркакларга юқтириш ва уларда шакллантириш мумкин, “эркакларники” деб ҳисобланадиганларини эса аёлларга сингдириш ва уларда ўстириш мумкин. Лекин буларнинг бари жинслар ўртасидаги тафовутни ҳас-пўшлашга олиб келмаган тақдирдагина муайян маънога эга бўлади. Бугун жаҳондаги кўп мамлакатларнинг матбуоти, айни ана шунга қарши эҳтирос билан бош кўтар-

моқда. Аёл киши эркакни тўлдирмоғи ва бинобарин, бойитмоғи керак ва аксинча. Фейербах ҳақ: “Фақат эркак билан аёл биргаликдагина ҳақиқий инсонни ташкил қилади”.

Инсоннинг жамики қобилиятини ривожлантириш ва ижод ҳамда турлар шакллариининг хилма-хиллигини таъминлаш нуқтаназаридан аёл кишининг кучини фақат Жаботинскийгина кўтараоладиган штангани кўтаришга йўналтириш инсофданми? Мақсадга мувофиқми? Оқилона ишми? Ахир, спортнинг бадний гимнастика деб аталадиган жуда чиройли ва ёқимли тури бор-ку! Агар аёл киши металлургия соҳасида эркаклар эришган муваффақиятларга етиша олмаётган бўлса, қўйинг, улар ўз иқтидорининг бойлигини архитектурада, шеърда, балетда ва яна бошқа кўпгина соҳаларда намоён этсин. Аммо аёлларни чўян қуйиш ишига ёки ер остида бўладиган ишларга (уларнинг ўзлари рози — бу ишларда кўп ҳақ тўлашади деган баҳона билан) жалб қилинса, биз аёлларнинг фаолият майдонини фақат расмангина кенгайтирган бўламиз, аслида эса уларнинг истеъдодларининг ўсишига тўғаноқ қўйган бўламиз. Шундай қилсак, биз аёлни эркак кишига тобеъ қилиб берган бўламиз, чунки у ерларда объектив шароитнинг тақозосига кўра эркак киши аёлнинг устидан кўмондонлик қилади. Нафис овозли одамдан йўғон овозда ашула айтишни талаб қилсак, биз йўғон овозга ҳам эга бўлмаймиз, нафис овоздан ҳам маҳрум бўламиз.

Даҳо эркаклар билан аёлларнинг қобилиятлари ўртасида муштарак жиҳатлар кўп. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Чунки уларнинг иккови ҳам инсон зотига мансуб. Бироқ уларни ажратиш турувчи фарқлардан кўз юмиш керак эмас — бу уларнинг бойлиги, уларнинг ҳусни-таровати, уларни бир-бирига жалб қилиб турадиган манба. Шоир от билан нозик кийикни бир аравага қўшиб бўлмайди деган экан. Чиндан ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришда шоирнинг бу ўзларини қўллаш мумкин бўлган жойлар кўп.

Шунақа ижтимоий шароит яратмоқ керак-ки, ҳозир эришилган ғалабаларни сақлаб қолиш учун “оддий аёл” бўлишдек гўзал санъатни қурбон қилиш керак бўлмасин. Шекспирнинг Анжело деган қаҳрамони айтган. “О, аёллар, аёл бўлинглар! Ортигига кучанманг зинҳор, акс ҳолда жозиба кетар. Борингиз ҳам бўлади бекор!” деган сўзларида жуда катта маъно бор.

Жинсларнинг тенг ҳуқуқлиги ҳақидаги саволга шоир А. Вознесенский шундай жавоб берган: “Сен — аёлсан, сенинг ҳақлигинг шунда!” деган машҳур ибора бор. Шу маънода “тенг ҳуқуқлилиқ” истилоҳи жуда ҳам аниқ деб айтолмайман. Ахир Осмон билан Ер тенг эмас-ку? Руҳ билан Жисм тенг бўла оладими? Булар ҳар хил олам. Дунёнинг дуализми ана шу зиддиятда мужассам. Уларни ҳаспўшлаш бемаънилиқдир.

Аёл ва эркакнинг феълу атворидаги, ақл-заковатидаги тафовутлар, уларнинг турлича қиёфаларидаги ўзига хос хислатлар ҳар иккала жинснинг ривожига самарали таъсир кўрсатганидек, уларнинг ижодида ҳам баракали из қолдиради.

Бу тўғрида, шунингдек, АҚШнинг бадний ривожидида аёллар ижодининг роли, санъат, бутун маданиятнинг мазмуни, шакли, йўналишига бу ижоднинг самарали таъсири ҳақида қизиқарли фикрлар Элсонфа Ленц ва Барбара Мейергофнинг “Америкада феминизация. Аёллар кадриятлари ижтимоий ва хусусий турмушимизни қандай ўзгартирмоқда” (1985) деган китобида айтилган. Улар ёзди: “Аёллар санъатга қувноқлик ва динамизмни олиб киришди. Бу эса маънавиятнинг кўтарилишича, қайта туғилиш туйғусининг ўсишига туртки бўлди. Бу нафақат жамоа бўлиб яратиладиган профессионал санъатда, балки маданиятнинг ҳамма соҳаларида аён кўринади”. “Санъат — санъат учун” деган самарасиз чақирикларга зид ўлароқ “аёллар санъатга инсоний қиёфа бахш этишди, бу эса янада теранроқ ва маърифийроқ образларнинг яратилишига ёрдам беради”.

Муаллифларнинг фикрича, “аёллар маданияти” учун хос бўлган (бу атаман юқоридаги китоб муаллифлари таклиф қилишган — Н. Г.) мазмун, шакл, қиммат ва бошқа нарсаларнинг жаъми “санъатдаги мавҳумият ва солипсизм



билан бемалол беллаша олади”. “Аёллар таъсири санъатга эркак билан аёл ўртасидаги жарлик устига қурилган кўприқдир. Айни чоқда, у инсон ҳаёти билан санъат ўртасидаги жарлик устига қурилган кўприқ ҳам”.

Бу мулоҳазаларда муайян даражада муболаға бор: ғарб санъатидаги ҳамма кемтикларим фақат аёллар таъсири билангина тузатиб бўлмайди, маданиятда ва ижтимоий ҳаётда бошқа кескин ўзгаришлар ҳам бўлмоғи керак. Лекин шу мулоҳазани айтиш билан бирга тан олмоқ керакки, бу муаллифларнинг фикрларида яхлит олганда катта маъно бор.

Аёл тўғрисида жамиятнинг илҳомбаш кучи сифатида жуда кўп чиройли ва олижаноб сўзлар айтилган. Аёл кишининг иштирокининг ўзи ҳар қандай эркаклар улфатчилигига олижаноблик бахш этади, дейишади. П. В. Анненков Тургеневнинг тез-тез бир иборани такрорлаб турганини эслайди: “Агар меҳрибон ва доно бир аёлнинг иштироки бўлмаса, эркаклар давраси ғилдираги мойланмаган шалақ аравага ўхшаб қолади — унинг бир хил тарзда такрорланаверадиган жири-ғижри қулоқларни қоматга келтиради”.

Шундай қилиб, шак-шубҳасиз, бир ҳақиқат аён бўлади: аёллар кўпгина ижтимоий ва маънавий кишанлардан халос бўла борганлари сари фаолиятнинг турли соҳаларида истеъдодли аёлларнинг миқдори жуда тез суръатлар билан ўсиб боради. Кўпгина аёллар тез-тез даҳолик даражасига эришиб туришади. Бу рад қилиб бўлмадиган тарзда бир ҳақиқатни исбот қилади бу ўринда, демак, эркакларнинг устиворлиги баҳам топган. Аммо ҳали олдинда жуда олис ривожланиш йўли турипти. Минглаб йиллар мобайнида шакланган нарсани бир неча йил мобайнида йўққа чиқариб бўлмайди. Бизда жинсларнинг тенглиги масаласида баъзан масала бундай қўйилади: жамият аёл кишининг майллари қай томонга — меҳнат жамоасигами ёхуд оилага йўлламоғи керак? Бу ерда тортишиб ўтирадиган нарсанинг ўзи йўқ. Жамият аёл кишининг эркинлигини таъминлаши керак. Шунда аёл соҳалардан бирини иккинчисига қурбон қилиб юбормаслиги учун ва биринчи навбатда ўзини қурбон қилиб юбормаслиги учун қайси бирини танласа тўғри бўлишини ўзи ҳал қилади. Борди-ю жамиятни эркаклар фақат эркаклар учун барпо этган бўлса ва аёлларни фақат мажлисининг қайдномасини ёзиб ўтириш учунгина ҳайъатга чиқариб қўйилса, бунақа жамиятда аёлнинг эркинлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Бизнинг давримиз инсониятнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти ривожига аёллар ижодининг роли тобора ортиб бораётгани билан ажралиб туради. Шу пайтга қадар, — деб ёзади тадқиқотчи аёллардан бир, — аёллар фақат шахсий таъсир кўрсатиб келишган эди, энди улар ижтимоий таъсир кўрсатмоқдалар.

Афина акрополини аёллар қурган эмас, “Дон Кихот”ни, “Секстин мадоннаси”ни аёл ёзган эмас, Квант механикасини ва нисбийлик назариясини аёл киши яратмаган. Бу тўғри. Лекин қийнаш қуроладини ҳам аёл яратган эмас, қул савдосини у жорий қилган эмас, инквизицияни ихтиро этган эмас, ақл бовар қилмайдиган қотиллик қуроладини ва бизнинг цивилизациямизнинг қадрини туширадиган яна бошқа кўпгина нарсаларни аёл яратмаган.

Кенг тарих кўламида олиб қаралса, аёллар ичида ижоди инсоният тарихидаги кўпгина жараёнларга машъум тус бериб турадиган аксилгуманистик ибтидодан маҳрум. Тўғри, аёллар ижодининг чегаралари торроқ, соҳалари ҳам озроқ бўлган. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳол аёлларнинг ўзига боғлиқ бўлган эмас. Уларнинг ижоди ҳаёт қувончларини тасдиқлашга, уларни қўллаб-қувватлашга, гўзалликни мадҳ этишга қаратилган. Унинг энг жозибадор томони ҳам ана шунда. Биз унинг бу хислатини ҳали билиб, ўрганиб, баҳолай ололганимизча йўқ, шекилли.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, даҳо аёллар орқа-олдиларига қарамай аёлларни мақтаб кўчларга кўтарган эмас. Улар “эркаклар” дунёсидан ўзларига ўрин талаб қилар эканлар, эркакшоода аёллар қиёфасига киришга интилган эмаслар, лекин эркакча турмушнинг баъзи бир нишонларини қабул қилган-

лари рост (масалан, шим кийиш). Шахс сифатида улар аёллик латофатини сақлаб қолишган, жамият аъзолари сифатида оила асосларининг қатъиятли ҳимоячилари бўлишган, жинслар ўртасидаги муносабатни қуруқ шаҳвониятдан иборат қилиб қўйишмаган, балки ҳамиша муҳаббат ва руҳий яқинлик тарафдорлари бўлишган.

Шак-шубҳа йўқки, аёллар эркакларга қараганда ўзгаларнинг дардларига ҳамдардроқ бўлишган, уларда меҳр-шавқат ҳамда ҳамдардлик хислати ўткирроқ бўлган. Қадимги юнонларда адолатли судловни ифодаловчи илоҳа Немезида аёл киши экани бежиз эмас. Инсониятнинг иккинчи улуг қадрияти эркинликни ҳам замондошларимиз аёл қиёфасида тасвирлашади. Фақат таажжубланадиган жойи шундаки, реал ҳаётдаги аёлларни эркаклар бошларига кўтарсалар ҳам, улар ҳали тўлалигича озодликка эришган эмаслар. Кўпинча аёллар учун жуда машаққатли бўлган оғир меҳнат уларнинг қисматига тушгани эркаклар учун ижод бобида жуда кенг имкониятлар яратган. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Шуниси ҳам борки, худди шу ҳолат даҳоларнинг пайдо бўлиши учун қулайлик яратган. Энди навбат эркакларга. Аёлларга тенг ҳуқуқ бериш бугунги кунда эркаклардан ўз-ўзларини қурбон қилишни талаб қилмайди. Ҳозирги замон цивилизацияси тенг эркинликни ҳеч қайси жинснинг ҳақ-ҳуқуқларини камситмаган ҳолда таъминлай олади. Келажакда кўп замонлар мобайнида мубоҳаса қилиниб, чайнаб келинган, аслида эса моҳиятдан маъносиз бўлган масала — “ким қобилиятлироқ, ким донороқ, ким истеъдодлироқ?” деган масала кун тартибидан олиб ташланади.

Жамият ҳаётига эркакнинг устивор таъсири ва унинг оқибатлари билан инсоният таниш, буни синаб кўриш ва амалда билиш учун унга бир эмас, бир неча минг йиллар ато қилинди. Инсониятнинг ўз тақдирига жинсларнинг баравар таъсири билан танишмоғи энди содир бўлажак.



Тунжер БОЙҚАРО

## Заки Валидий Тўғон

Биринчи бўлим: ҲАЁТИ

### 1. ОИЛАСИ, БОЛАЛИГИ, ТАҲСИЛИ

**З**аки Валидий Тўғон<sup>1</sup> 1890 йилнинг 10 декабрида ҳозирги Россия Федерацияси таркибидаги Бошқурт элида (биз Бошқирдистон деймиз — таржимон) Истарлитомоқ вилоятида Кузан овулида туғилган. Миллий анъанавий усулга кўра, наслу насаби Йурмоти уруғидан. Элчиктемир “тармоғи”дан, Телтим авлодидан ва Сўкли-Қой қабиласидандир. Кузан овулига XIX аср ўрталаридан эътиборан татар, мишарга мусулмон чувашлар ҳам келиб ўрнаша бошлаган, аммо овулнинг асил ўзаги, саноғи 30—40 хонадондан ошмаган Сўкли — Қой ва Унғут номли икки қабиладан иборат эди. Қой ҳам, Унғут ҳам тарихларда из қолдирган Шарқ қабилаларидан бўлиб, Қотой, Солжуйит, Тобин, Кираш ва бошқа қабилалар каби мўғул даврида (XIII асрдан кейин) ҳукмрон ҳарбий ун-сур сифатида келиб, бошқуртларга аралашган бўлсалар керак. Ҳар қалай Сўкли-

<sup>1</sup> Сўнгги йилларда Заки Валидий Тўғон номи жуда кўп тилга олинаяпти. Лекин кенг ўқувчилар оммаси бу олимнинг ҳаёти ва фаолиятини яхши билмайди. Шунинг учун 1989 йилда Туркияда “Турк буюклари” туркумида чоп этилган Тунжер Бойқаронинг “Заки Валидий Тўғон” китобидан олинган бир бобни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

*Туркчадан  
МИРАЗИЗ  
АЪЗАМ  
таржимаси*

Заки Валидий Тўғоннинг номини илк бора қачон эшитганимни эслаёлмайман. Ҳар ҳолда амакимдан эшитган бўлсам керак. Уларникида туркчиликка оид журналлар кўп бўларди. Аввалига узоқ вақт бу номга аҳамият бермадим. Фақат 1958 ва 1959 йиллари ёз таътилларида Измир Миллий кутубхонасида унинг бир талай китобларини учратдим. Аммо бу китоблар ҳам зехнимда чуқур из қолдиргани йўқ.

1960 йил охирларида, биз борган жой Тарих куллийетининг биносида эди, бўлимга кириб, Заки Валидий Тўғоннинг шу ерда дарс беришини эшитиб қолдим. Ичимда катта қизиқиш уйғониб, дарсида ўзини кўргим келди. Янглишмасам, биринчи дарс эди ва мен талабаларга қўшилиб ўтирдим. Нимчали либос кийган, пастак бўйликкина бир киши кирди; очиқ юзли эди, менга ўта зиёли бўлиб кўринди. Маърузасида тушунар-сиз калималарнинг кўплиги одамни эсанкиратди. “Тарихда усул” дарсининг бошланиши эди. Бир оз вақт ўтди ва тингловчилардан бири: “Кечирасиз; бу тарихшуносликка кириш эмасми?” деб сўради. Заки Валидий домла, саволни бошқача тушунди. “Ҳа, деди, тарихшуносликка кириш, яъни қаблатта-

Қой ва Унғутлар орасидаги ривоятларга кўра, эски ватанлари Урол тоғларининг шарқидаги Эр Қарағай деган жой эмиш.

Заки Валидийнинг аждодлари XVII асрдан бери шу овулда яшаганлиги маълум. Кузанўғли оиласидан Кузанчолнинг невараси Эштўғоннинг фарзанди Чуроқ Кузанўғли 1757 йилда ёзган туркча бир ариза остида тамға ва исм мавжуд. Шу кишининг невараларидан Валид Кузанўғли XIX аср ўрталарида овулдаги энг катта меҳмонхона соҳиби эди. Унинг икки ўғли — Мулла Вали ва Мулла Аҳмадшо бўлган (Аҳмадшо аслида Аҳмадшоҳ), кейингисини “Иҳмад Закки”, “Мулла Оға” дейишарди. Демак, у ўзига бобосидан Валидий деган тахаллусни танлаган, Тўғон эса “Эштўғон”дан, Заки эса “Аҳмад Закки”дан олингандир.

Заки Валидийнинг онаси Уммул-Ҳаёт “Муаллима” деб тилга олинарди. Она томонидан бобоси Сотлиқўғли Кофий (1900 йилда вафот этган) Кўпроқ Қозон билан муомала юритувчи муҳитдан чиққан эди. У ҳам мадраса соҳиби бўлиб, қизини ўқитган, форсчани яхши эгаллашига шароит яратиб берган эди. Заки Валидийнинг тоғаси Сотлиқўғли Ҳабиб Нажжор, унга энг кўп таъсир қилганлардан биридир. Бу ҳол “ўғил — тоғага тортар” деган турк халқ мақолини ёдга солади.

Заки Валидий кўп болали оила фарзандидир. Уч қиз ва беш ўғил эдилар, Ҳаммалари комил инсонлар бўлишди. Бу жиҳатдан онаси кўп болали турк аёли сифатида намунали хотиндир.

Заки Валидийнинг ўзи билган қадим аждодлари ўқиш-ёзишни билмайдиган, чорвачилик билан кун кечирадиган кишилар эди. Шу сабабли бўлса керак, отаси ва Заки Валидийнинг ўзи ҳам ҳайвонлар билан боғлиқ ҳаётни яхши кўрардилар. Отаси Мулла Аҳмадшонинг деҳқончилиги шудгорга уруғ сочишдан нарига ўтмас эди. Заки Валидий “экин экишга тоқатим йўқ эди, моллар учун ўт ўриш, гарам бичиш менга кўпроқ завқ берарди”, деб ёзади “Хотиралар”ида.

Заки Валидийнинг отаси атрофидагиларга қараганда дунёдан кўпроқ хабардор, Гаспиралининг “Таржумон” газетасини ўқирди. Айни чоғда у “Ҳижоз саёҳатномаси” ва “Сотлиқўғлининг ҳаёти” номли босилмаган икки асарнинг муаллифидир. Эски дoston ва ривоятларни ҳам яхши биларди. Лекин бу борада катта амакиси Вали Мулла чинакам шуҳрат қозонган эди. Шажара ва дostonларни яхши билган Вали Мулла, Заки Валидийнинг қулоғида ўтмиш садосини янграган сиймодир. Отаси Аҳмадшо мулла бўлиши билан бирга, асрларча давом этиб келаётган турк одатларига, яъни ясога ҳурмат билан қарар, ҳатто баъзида уни шариятдан устун кўрадиган бир васфга эга эди.

Заки Валидийнинг тоғаси Сотлиқўғли Ҳабиб Нажжор, қозонлик Шаҳобиддин Маржоний (1883 йилда вафот этган)нинг илғор талабаларидан эди. Тарих билан бажонидил машғул бўларди; ҳатто, “Тарихи Жавдат”ни (12 жилд) бир неча марта бошидан охиригача ўқиганди. Туркча босилган “Мифтоҳ ут-тавоҳир” номли асари ҳам бор. Араб тилига доир нашр этилган асарлар муаллифи бўлмиш тоғаси Заки Валидийни тарихчилик йўлига етаклаган эди.

рих ҳам тарихнинг бир бўлаги деб, шу мавзуда сўзлай бошлади. Йигит довдиради ва индамай ўтирди. У ҳам менга ўхшаб дарсга шунчаки кирганлардан эди.

1961 йилда тарихчи бўлишга аҳд қилган ва 1962 йилда тарих куллийетида киргандим. Афсус, у йиллари Тўғоннинг дарси йўқ эди. 1963-64 йиллари, кейинчалик у вафот этган йили ҳам унинг дарсларига қатнадим. Шу куллийет аспиранти сифатида у билан кўп бирга бўлдим. У ҳаётимда катта таассурот қолдирди. Бу асарда унга ҳурматим ва миннатдорлик туйғуларини ифода этишни хоҳладим.

*Борнова, 5 июн 1988 й.*

*Тунжер БОЙҚАРО,  
Тарих фанлари доктори, профессор*

Заки Валидийнинг болалиги табиат қўйнида ўтди. Отасининг тўрт бинодан иборат мадрасаси унинг илк таҳсил кўрган еридир. Лекин онаси ёнидаги ҳаётини ҳам таҳсил ҳисоблаш керак. Бу борада Заки Валидийнинг толеи баланд эди. Отасининг мадрасасида арабча, онасидан форсча ўрганар, яна хусусий муаллимлардан русча ҳам дарс ола бошлаган эди. Отасининг мадрасасида 150—200 га яқин талаба бўларди. Бу болалар асосан тоғ қишлоқларидан келишарди. Зийрак Заки Валидий болалигидаёқ улардан кўплаб этнографик маълумотларни ўрганиб, билимини бойитган эди.

Отаси Заки Валидийнинг яқин атрофдаги билимдон кишилардан дарс олишига алоҳида эътибор берарди. Масалан, Кузандан 4 чақирим узоқликдаги Вужа овулида яшовчи Хизир Мулладан хандаса ҳамда “Улуғбек усули ҳайъати” мавзуида сабоқ олдириди. Ўқитувчисининг ўлимидан кейин Заки Валидий янги қурилган жомеларнинг қирларини Улуғбек усули билан аниқлаб берган эди.

Заки Валидий “Хотиралар”ида оиласига доир маданий ришталар тўғрисида етарлича тўхталган. Унга кўра оиласи бир томондан Доғистон маданиятига, иккинчи томондан Бухоро ва Хива маданиятига туташган эди. Буларга яна она томонидан Қозон маданияти ҳам қўшилганди. Заки Валидий, етуклик арафаларида ўзига Муллақул Девона деган бир киши ҳам таъсир кўрсатганини қайд этади. Ўтмиш асрлар маданиятини ташиб юривчи Муллақул тасаввуф руҳида тарбияланган хур фикрли дарвеш эди. Заки Валидий ундан гўзал шеърлар, форсча китобларнинг номлари, ҳикматли йўл-йўриқлар ўрганганини ёзади. Масалан, “келган меҳмонни очиқ юз билан кутиб олсанг, Оллоҳ сенга саноксиз неъматлар ато этади”, дер экан у.

Отасининг мадрасасида олган маълумоти Заки Валидий учун илк таҳсил бўлган эди. 1902 йилда яна-да муҳимроқ, яъни, “ўрта таҳсил” олиш учун тоғаси Ҳабиб Нажжорнинг Утақдаги мадрасасига кетди. Етти биноли бу мадрасада 300 тача талаба ўқирди. Таҳсил 6-7 ой давом этарди. Заки Валидий бу ерда араб тили ва адабиётини ўрганди. Тоғасининг таъсири, мадрасада олган таълими, бу пайтларда унинг уйида турганлиги Заки Валидий ҳаётини маълум изга солди.

Отаси, ора-чора кўз оғриғи безовта қилган кезларда ва кейинроқ ҳажга отланганда, мадрасага бошчилик қилишни “Сен ҳам ўғлим, ҳам халифамсан”, деб Заки Валидийга қолдирган эди. 1906—1908 йиллари Заки Валидий мадрасада бир қатор янгиликлар жорий этди: Мадрасанинг ҳар гўшасига кутубхоналар қурдириб, бир талай китоблар тўплади; ер курраси (катта глобус) тайёрлатиб, талабаларга унинг атрофида дарс берди; ўзи ислом оламидаги вазиятни ўргана бошлади. Энг муҳими, яшаётган муҳити ўзига торлик қилаётганини (илм етишмаётганини) англади. Яқиндагина бу ерда араб тилидан дарс берган, эндиликда Байрутдаги американ коллежида ўқиётган Ниёз Мақсудов эса, Заки Валидийни у ерга чақираётган эди. Шундай қилиб, 1908 йил баҳорида у “Кузан ва Утақ овуллариغا сиғмайман” деган фикрга келган эди.

Отаси, ўғлининг кайфиятини сезиб қолиб, тезлик билан уйлантириб қўймоқчи бўлди. Шундоқ ҳам ўн саккизга кирган, хотин, бола-чақали бўладиган ёшга келган эди. Лекин, агар уйланса, шу муҳитда қолиб кетиши муқаррар эди. У бунга қатъиян қарши чиқди; айни чоғда ота-онасига тиқ боришни ҳам истамасди; бир қатор дўстлари ва яқинларига маслаҳат солди. Ва олдин онасининг қаршилигини синдириб, розилигини олди. Энди фақатгина отасини кўндириш қолганди. Аммо кўпчилик кетавериш мумкин деб айтарди. Хулласи калом, 1908 йили 29 июнда овулидан яширинчи қочган Заки Валидий ҳаётида янги давр бошланди.

Заки Валидийнинг бормоқчи бўлган жойлари орасида Байрутдан бошқа, Истанбул ҳам бор эди. Аммо у ўз муҳитидан кўп-да узоқлаша олмади. Елкасида кичик қопчиғи билан, ёнида ортиқча пули бўлмаган бир ҳолда Оренбурггача келди. У ердан Астраханга ўтиб, номларини эшитган-билган кишилар билан суҳбатлашди. Кейин бир кема юклари орасида ярим қочоқ бир ҳолда Қозонга йўл олди. Аммо у ерга етиб боролмай, бир жойда 15 кун ишлаб пул топди. Қозонга келиши биланоқ номи ўзини ҳайратга солган Шаҳобиддин Маржоний

мадрасасига борди. Афсуски, унинг жойи ўзгарганди. Қосимия мадрасасида қолаверди. Бу мадрасадаги дарслардан фақатгина риёзиёт билан боғланганини ҳикоя қилади.

Заки Валидий, Қозонда хусусий дарслар ҳам олди. Чунки биринчи йил ёзги таътилда уйига бориб, отаси билан ярашиб олган ва шу туфайли пулдан сиқилиши барҳам топган эди. Лекин 1908–1909 йил қишини Қозонда кўп оғир шартшароитлар ичида ўтказди. Аммо кўп ўқиди, вақтдан унумли фойдаланди. Хусусий дарс муаллими Емельянов, Заки Валидийни “Ғайрирус муаллим мактаби” имтиҳонига тайёрлаётган эди. Муаллими уни Николай Ашмарин ва Н.Ф.Катанов билан таништирди. Уларнинг ёрдами билан Заки Валидий Қозондаги рус шарқшунослари жамиятига кирганди.

1909 йил кузида отаси ҳам унга оқ йўл тиловчилар орасида эди. Моддий аҳволи ҳам яхшиланган эди. Заки Валидий бир кемада Астраханга етиб олди. Кейинроқ яна бир кема билан Қозонга қайтаркан, кема дарғаси у ўқиётган китобларга қизиқиб қолди ва ўртада юзага келган дўстлик Заки Валидийнинг ижтимоий фикрлари камол топишида катта таъсир кўрсатди.

1909–10 ўқув йилида Заки Валидий Қосимия мадрасасидаги “Турк тарихи” ва “Араб адабиёти тарихи” курсларига ўқитувчиликка тайин этилди. Талабалар учун “Турк тарихи”ни ёза бошлади. Қосимиядаги муаллимлиги тўрт йил давом этди. 1911 йил охирларида чиққан, лекин ички муқовада 1912 йил кўрсатилган асари — “Турк ва татар тарихи” унинг кенг давраларда танилишига имкон яратди. Бу орада Қозон университетидаги Шарқ тиллари дарсларига (проф. Н.Катанов ва В.Богородицкий кўмагида) қатнади. Лекин бу филологик таҳсилани анча кейин, 1930 йилларда Венада охирига етказди. Яна бу даврларда машҳур тарихчи В.Бартольд (1869–1930) билан ҳам танишди ва узоқ йиллар — у билан дўст бўлиб қолди.

Унинг “Турк ва татар тарихи” номли асари кўп муҳокама бўлди. Проф. Н.Ф.Катанов ва Юсуф Акчуранинг табриклаб ёзган мақолалари чиқди. Шундан сўнг у Қозон университетининг Тарих ва Археология жамиятига аъзо қилиб сайланди. Бу жамият Заки Валидийни 1913 йилда Туркистоннинг Фарғона вилоятига илмий сафарга юборди. 1914 йилда эса Петербургдаги Русия Фанлар Академияси ва Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ байналмилал тадқиқот маркази томонидан Бухоро Амирлигига юборилди. Жуда унумли ўтган саёхатлар натижаларига оид рапорти Петербург Чор археологик жамияти, Қозон ва Тошкент археологик жамиятлари мажмуаларида нашр этилди.

Заки Валидийнинг саёхат асносида ёзган асарларидан бири “Қутадғу билик”-нинг янги бир нусхаси ҳақида эди. Заки Валидий бу нусхани қандай топганини “Хотиралар”ида очиқ-равшан ҳикоя қилганди. “Қутадғу билик” устида ишлаган Рашид Раҳмати Арат, қозонлик бўлганидан, нима учундир нусха топилишида Заки Валидийнинг хизмати тўғрисида ҳеч нима демайди.

Заки Валидийнинг Қозондаги ҳаёти давомида профессор Н.Ф.Катанов билан алоқалари муҳим рол ўйнаган. Катанов Заки Валидийга кўп жиҳатдан таъсир ўтказган, 1912 йили Катанов таваллудининг 50 йиллиги нишонланган эди. Шу муносабат билан унинг уйида катта зиёфат берилганди. Заки Валидий бу йиғинга қатнашгани тўғрисида ўз “Хотиралар”ида шундай деб ёзади:

“Таом ва ичкиликлар мўл, хусусан, профессорнинг ўзи ҳам кўп ичганди. Кечки вақт меҳмонлар тарқаларкан, менга: “Сен бир оз қол”, деди. Ҳамма кетгач, кутубхонасида мен билан ёлғиз қолиб, узоқ гапирди. “Шарқ турклари ва мўғуллардан ориентализм (шарқшунослик) йўлига ҳозиргача уч киши — Доржи Банзаров, Чўқон Валихонов ва мен (Катанов) дахлдор бўлгандик. Биз ҳаммамиз рус маданиятига бутун борлигимиз билан ўзимизни бердик. Мен шомонийликдан чиқиб, насроний бўлдим, уларга хизмат қиламан. Доржий ила Чўқон 35 ёшга ҳам бормай ароқ балосидан ўлдилар. Чунки рус оғаларимиз уларга ва менга шундан бошқа ҳеч нима ўргатмадилар. Энди сен тўртинчимизсан. Бу муҳитдан ўзингни ҳимоя қил. Менинг муҳитим Исломият каби кучли маданиятга мансуб эмасди. Бизнинг борлигимиз қолмади. Рус муҳитига ҳам ётлигимизча қолдик. Сен кучли маданий муҳитга мансублигининг қадрига ет”.

Катановнинг хотини бир кун “ё мени дейсан, ё кутубхонангни!” деб сиқиш-тирган. Шунда Катанов кутубхонани сақлаб қолиш учун елиб-югура бошлайди. Бундан хабар топган Заки Валидий, Юсуф Акчурага мактуб йўллаб, “кутубхонани Туркия сотиб олсайди”, деб хоҳиш билдиради. Натижада кутубхона Авқоф Мудирлиги йўли билан Туркияга сотилади. Урушдан салгина олдинги бу савдо чоғида Заки Валидий, Москва ва Петербург китобчаларидан Катановнинг сотилган китобларини қайтариб олиб, кутубхонанинг кам-кўстини тўлатган ҳолда Истанбулга жўнатди. Бу кутубхона Истанбул университети қошидаги Туркиёт Институти асосини ташкил этади.

1912—13 йилдан эътиборан Заки Валидий “Манас” достонига қизиқиб қолди ва дoston устида иш бошлади. Айни чоғда Ибн Холдун ижоди билан ҳам машғул бўлди. Бу йилларда ёзган ва ислом олами теократияси (ўзини илоҳий ҳисоблаган ёки илоҳларнинг вакили деб билганлар идораси)нинг бенафлигига оид мақоласи ҳам ижобий, ҳам салбий чиқишларга сабабчи бўлди. Ҳатто Отатуркнинг ўзи ҳам “Билги” мажмуасида бу мақолани ўқиган экан. 1914 йилда Биринчи Жаҳон уруши бошланганди. Заки Валидий ҳам сафарбарлик ёшига дохил эди. Дўстлари уни бундан сақлаб қолиш учун ҳаракат қила бошладилар. Бу орада кўпдан бери ҳозирлик кўриб юрган “Ғайрирус мактабларида рус тили муаллимлиги”га имтиҳон ҳам топширганди. Аскарга олинган, лекин унга ўхшаш “муаллим”ларнинг ҳарбий хизматдан ҳоли қилинганликлари тўғрисида қонун ҳам чиққанди. Шунда Заки Валидий кўпдан бери даъват қилаётган Уфага бориб, у ердаги Усмония мадрасасида турк тарихидан муаллимлик қила бошлади. Фақат турк тарихидан эмас, шунинг билан бирга турк қавмларининг адабиёт тарихидан ҳам дарс берарди.

## 2. 1916—1922 ЙИЛЛАРДАГИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ

Заки Валидий Уфада муаллимлик қиларкан, янги бир вазиятга дуч келди. Чор Мажлисида (Думада) Қозон татарларининг 5, Озарбойжоннинг — 1 ноиблари бор эди. Лекин бу вакилларнинг халқ ила алоқалари йўқлиги ҳаммага аён эди. Буни бартараф қилиш учун бир шуъба очиб, у ерга турли жойлардан вакиллар юбориш, улар орқали ноибларни халқ билан яқинлаштириш керак, деган қарорга келинди. Ана шунда Русия Мажлиси — Думадаги мусулмон ноиблар гуруҳида (фракциясида) ишлаб, аъзоларга ёрдам бериш учун Уфадан Заки Валидий вакил қилиб сайланди. Шу тариқа Заки Валидийнинг то ўлгунча таъқибга гирифтор этган сиёсий ҳаёти бошланган эди. У 1915 йилнинг охирида Петербургда эди.

Заки Валидий 1916 йил давомида, ҳам барча мусулмон халқларнинг вакиллари билан учрашди, ҳам Русиянинг ички сиёсий қурилишини ўрганди. У Русиядаги олий табақанинг тамбаллигини ўз кўзи билан кўрди. Орадан кўп ўтмай 1917 йил феврал инқилоби юз берди. Заки Валидий бу воқеа миллат учун хайрли бўлишини тилаган эди.

Инқилобнинг муваффақияти Русияда янги бир давр бошланаётганидан дарақ берарди. Бу янги даврда Русиядаги мусулмонларнинг аҳволи нима бўларкин? Чор тузумига хос зулмлар битармикин? Русиядаги бошқа миллатлар, ма-салан, туркий халқлар ҳам бу янги даврдан наф кўрармиканлар? Русияда 1917 ва 1918 йилларда юз берган, юзага келган ва тугаган ўзгаришларнинг асл сабабларини аниқ ўрганиш айрим омилларга кўра қийин кечмоқда. Чунки бир ёндан қозонликлар гуруҳи, иккинчи ёқдан бошқалари — турли-туман гуруҳбозлар ўз фикрлари ва қилган ишларини тўғри ва ҳақли кўрсатишга уриниб, ҳар хил янглиш маълумотлар тарқатганлар. Биз 1930 йиллардан бери ёзган-чизганлари ўртада бўлган Заки Валидийнинг мақолалари орқали воқеалар қандай кечганини кузата оламиз, холос. Заки Валидий қуйидаги асарларини халққа тақдим этган:

1. Ўн етти Кумости шаҳри ва садри Мақсудий Бей. Истанбул — 1934.

2. Бугунги Туркистон ва яқин мозийси. Миср, 1929-1940. Кейинги лотин имлосидаги нашри: Бугунги Турк эли (Туркистон) ва яқин тарихи. Истанбул, 1942-1947.

3. Турк эли харитаси ва унга оид изоҳлар. Истанбул — 1943.

4. Хотиралар. Истанбул — 1969.

Бу китобларда ёзилишича, феврал инқилобидан кейинги даврда, Чорликка қайтишни кўмсовчи озчиликни ҳисобга олмаганда, туркий халқлар асосан икки тўдага бўлинишганди:

а) Янги Русия ягона давлат бўлишини ва мусулмонлар бу давлат бирлиги ичида яшашларини, ҳуқуқлари аввалгиси каби давом этишини истовчилар; илгарилари мусулмон бирлигида Қозон таъсири (мавқеи) кучли бўлганлиги учун бу фикрни қозонликлар олға сураётган эдилар;

б) Турк эллари мухтор ҳокимиятга эришувини ва янги Русия конфедерация бўлишини хоҳловчилар; бу фикр тарафдорлари маълум бир ҳудуднинг мухториятини истардилар — Заки Валидий шулар жумласидан эди.

Урол тоғларида жойлашган Бошқурт ўлкаси Қозоғистон ва Қозон оралигида эди. Қозонликлар бошқуртларнинг ўзлари билан бирга бўлишини истардилар. Заки Валидий эса, бошқуртларнинг тақдири Ўрта Осиё ҳамда бошқа турк элларидадан айри бўлолмаслигини кўрар ва уларнинг мухторияти Қозон билан эмас, кўпроқ Қозоғистон ва Туркистон билан бирликда бўлиши кераклигини тушунар эди. Ана шу нарса туфайли қозонликлар учун Заки Валидий, қозон-бошқурт бирлигини бузувчи инсон сифатида кўринарди.

Заки Валидий юқорида номи келтирилган асарларида воқеани ҳар тарафлама ўртага қўяди. 1917 йил май ойида Москвада йиғилган Русия мусулмонларининг умумий Конгрессида маълум бир ҳудудда туркий аҳоли кўпчилигига асосланган мухторият қарори чиқди. Мухторият ғоясига қарши чиққанлар қозонликлар бўлиб, уларнинг йўлбошчиси Садри Мақсудий эди. Аҳволдан тегишли хулоса чиқарган Заки Валидий 18 майда Оренбургга келиб. Бошқурт Марказ Шўросини ташкил этди. Бошқуртлар Қозон атрофидаги маънавий бирлик ўрнига ҳудудга асосланган мухторият идорасини устун қўйгандилар.

1917 йили Октябр инқилоби содир бўлиб, болшевиклар Русиядаги барча ўзгаришларга ўзгача тус бера бошладилар. Бошқуртлар 1917 йил 29 ноябрда миллий Бошқурт ҳукуматини туздилар. Заки Валидий бу ҳукуматда Ҳарбий ва Ички Ишлар Вазири эди. Шу куни Қрим, Туркистон, Озарбойжон ва Қозоғистон жумҳуриятлари ҳам тузилди.

Бошқурдистоннинг учинчи қурултойи 1917 йил охирлари ва 1918 йил бошларида тўпланди. Заки Валидий ўша вазифасида эди. Лекин 18 январда Советлар Оренбургни босиб олдилар. Заки Валидий 3 феврал куни кечаси қамоққа олинди. Қамоқхонада “Нўғойларнинг тарихи” асарини тугаллашга бел боғлади. Апрель ойининг бошида қозоқлар ва бошқуртлар бирлашиб Оренбургни қайта қўлга олишганда, Заки Валидий 4 апрел куни қамоқхонадан қочди. Баҳор ойлари давомида бошқуртлар орасида партизан ташкилоти тузиш билан машғул бўлди.

27 май 1918 йилда Чех асирларининг исёни туфайли бошқуртлар ўлкасидаги Советлар идораси йиқилди. Заки Валидий чехларнинг қуроли ёрдами билан бошқурт ҳарбий бирликларини туза бошлади. 7 июнда Бошқуртистон миллий ҳукумати янгидан иш бошлади. Дастлабки кунларда ишлар хамирдан қил суғургандек осон кечди. Ҳукумат сўнграқ Оренбургга келди. 1918 йил охирларида Советлар билан ўртадаги жанг шиддатли тус ола бошлади. Иккинчи томонда эса, оқгвардиячи рус генераллари бошқурт армиясини пароканда қилиб, Заки Валидий ва унинг сафдошларини қамоққа олишга ҳаракат қилаётган эдилар.

1919 йил бошларида Бошқуртистон ҳукуматининг аҳволи оғирлашди. Совет ҳукумати, бошқуртлар билан музокаралар олиб бориб, мухтор жумҳуриятлар демократик идора тарзида яшашларига ҳамда қуроли кучлари сақланиб қолишига имкон берилади, деб ваъда қилди. Вазият эса таҳликали эди: ҳам қизил гвардия, ҳам оқ гвардия кучлари билан икки жабҳада жанг олиб боришнинг иложи йўқ эди. 1918 йил охирларида бошланган музокаралар якуни шу бўлди-



ки, 1919 йил 18 февралда Совет идораси билан шартнома имзоланди. Советлар, ўзлари учун муҳим бир ташвиқот фурсатини қўлга киритган, бошқуртларга кейинроқ йўқ қилинажак баъзи имконларни берган эдилар.

Заки Валидий Тўғон “Хотиралар”нинг IV бўлимини “Советлар билан 15 ой ҳамкорлик” деб номлаган. 18 февралдан бошланган бу ҳамкорлик бир талай моддий ва маънавий изтиробларни етаклаб келди. Лекин Заки Валидий бунга қарши тузукроқ бир чора тополмаганди.

Заки Валидий бу 15 ойлик даврда Ленин бошчилигидаги Совет идорасининг раҳбар сиймолари — Сталин, Троцкий ва бошқалари билан неча бора суҳбатлашди. Ленин билан бир неча марта, Сталин ва Троцкий билан ундан ҳам кўпроқ ҳамсуҳбат бўлди. Бу кунларни “Хотиралар” ида жуда батафсил ва очиқ ҳикоя қилади. Советлар, аҳволлари яхшилангани сайин, бошқуртлар билан тузилган шартноманинг моддаларидан узоқлаша борардилар. Заки Валидий, кутганлари амалга ошмагандан кейин, курашни Туркистонга ўтказиш тўғрисида ўйлай бошлайди. Шу сабабга кўра, 1920 йил бошларидан эътиборан, яширинча кетиш ҳозирлигини кўради. Ленин идорасининг бошқурт ўрдусини тарқалиб, бошқа ҳарбий кучларга қўшиш тўғрисидаги фармони, Заки Валидий ҳаракатини тезлаштирди. Ниҳоят, узоқларда таҳсил олиш учун қишлоғидан қочганидай, 1920 йил 29 июн кuni яширинча Туркистонга қараб йўл олди.

\* \* \*

Заки Валидийнинг Туркистондаги саъй-ҳаракатлари 1920—22 йиллар орасида уч йил давом этади. У ўзини ҳеч кимга танитмасликка астойдил ҳаракат қилиб, саёҳат этаркан, гоҳо-гоҳо ёнида хоними ҳам кўришиб қоларди. Олдин Бокуга борди. У ерда тўпланган Шарқ Миллатлари конгрессида фаоллик кўрсатди. Лекин сўнграқ Туркманистонга ва у ердан Хива-Хоразмга ўтди. Ёнида энг яқин дўсти Абдулқодир Инон ҳам бор эди.

Заки Валидийнинг Туркистондаги кураши фикр жиҳатидан ҳам, амалда ҳам қуролли ҳаракатга асосланади. У русларга қарши жанг қилаётган ва шу сабабли “босмачи” деб номланган ҳаракатга қўшилди. Ундан ташқари “Туркистон Миллий Бирлиги”нинг асосчиси ва иш юритувчиси бўлди. Айни чоғда илмий ишларини ҳам давом эттирди, тарихий жойларни бориб кўришга ҳам вақт топа олди.

Заки Валидийнинг Туркистондаги ҳаёти тинимсиз саёҳатлар билан ўтди. Гоҳ Бухоро, Тошкент ва Самарқанд каби шаҳарларда қолар, гоҳ қўлига қурол олиб курашга қатнашарди. Туркистон Миллий Бирлигининг турли ерлардаги йиғинларини таъминлар, Бирликни кучайтириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Анвар пошшонинг 1921 йил охирида Туркистонга келиши курашга янги миқёслар киритадиган куч билан кўринарди. Лекин айрим омадсизликлар курашни сусайтирди. Заки Валидий бир неча марта Анвар пошшо билан учрашиб, вазиятни тушунтиришга уринди. Аммо Анвар пошшо Туркистонга “шаҳид” бўлиш учун келганди: у босмачилик ҳаракатига қўшилганида кутилган натижа юзага чиқмади; 1922 йилнинг августда шаҳид бўлди.

Қуролли кураш орқали Туркистон Миллий Бирлигининг абадий яшаб кетишини истаган Заки Валидий, аҳвол кундан-кунга ёмонлашаётганини кўриб турарди. Чунки Польша жабҳасидан қутулган советлар, Туркистонга ёпирилиб куч ташладилар. Туркистон масаласини сақлаб қолиш учун, курашни Оврупода давом эттириш ҳам бир йўл эди.

### 3. ИЗЛАНИШ ЙИЛЛАРИ: 1923—1925. ЭРОН, АФФОНИСТОН, ҲИНДИСТОН ВА ОВРУПО

Заки Валидий орқада моддий-маънавий бир уюм хотира қолдириб, 1923 йили 21 февралда Машҳадга қараб йўл олди. У ерга 12 мартда етиб борди. Хуросонда 7 ҳафта турмоқчи эдилар. Машҳадда 5 ҳафта қолди. Бу орада Равза

кутубхонасини бошдан-оёқ тадқиқ этди. Бу пайтгача бирон шарқшунос келмаган бу китоб уйида жуда муҳим ёзма асарларини кашф этди. Булардан Ибн Фазланнинг “Саёҳатнома”си Заки Валидий учун илм йўлида кенг уфқлар очди.

Заки Валидий энди Афғонистонни мўлжалга олиб, 20 апрелда Машҳадни тарк этди, 26 апрелда Ҳиротга келди. Афғонистонда беш ой қолди. Ҳирот ва Кобул кутубхоналарида тадқиқотлар қилди.

1923 йил 24 июнда Кобулдан автомобилда Ҳиндистонга келди. Ҳиндистонда ҳоким бўлган инглизларнинг руслар билан алоқаси қандайлиги ва ўзига қай тарзда муносабатда бўлажаклари номаълумлиги сабабли, баъзи яширин ҳужжатларини Туркиянинг бу ердаги элчиси, Мадина қаҳрамони Фахриддин пошшога қолдирди. У кейинроқ буларни Заки Валидийга келтириб беради. Ҳақиқатан ҳам Ҳиндистондаги инглиз идораси Заки Валидийни яхши қарши олмади. Лекин у имкон доирасида халқ билан ва Бомбайдаги Ҳинд муҳолифат кўмитаси билан алоқада бўлди. Заки Валидий кейинчалик, 1964 йилда, Ҳиндистонга борганида катта ҳурмат ва эътибор кўрди.

Заки Валидий 1 ноябр куни Бомбайдан кема билан йўлга чиқди. Ҳижоз соҳилларидан Қизилденгизга ўтаётганда Пайғамбар яшаган жойларга кўзлари ёш ила тўлиб боқаркан, она элининг саодати учун дуо ўқиди. 24 ноябрда Измирга, уч кун кейин Истанбулга келди. Лекин визаси йўқлиги сабабли шаҳарга киришига изн берилмади. Мушкуллик тезроқ ҳал бўлавермагач, яна Измир йўли билан Оврупога қараб кетдилар.

## ОВРУПОДА ЎН САККИЗ ОЙ

Заки Валидий ва Абдулқодир олдин Марсел йўли билан Парижга келдилар. Русия туркларининг масалалар билан келган бошқа турк йўлбошчилари билан алоқа боғладилар, шунингдек, илм доираларига ҳам кирдилар. П. Пеллиот ва у орқали С. А. Стейн билан танишди. Г. Ферранд ва Кошғарийнинг асари устида бирга ишлаш орзусида бўлган Ж. Дени билан ҳам яқин алоқа ўрнатдилар. Яна М. Блокхет ва Ж. Кастане билан гаплашди. Парижда танишган олимлардан В. Минорский ва М. Муҳаммадхон Қазвинийни ҳам кўрсатиш мумкин. Қазвиний орқали Сир Д. Росс билан танишди. 1924 йил февралда Берлинга кетдилар. У ерда ҳам миллий-сиёсий масалалар ва илм соҳаси билан машғул бўлдилар. Заки Валидий Берлинда танишган кишилар орасида Э. Захау, Т. Нолдеке, Ж. Мордтманн, Ф. В. К. Мюллер, вон Ле Ког билан Ж. Мартквартни алоҳида зикр этади. Орада бир муддат Пруссия Давлат кутубхонасида шарқ бўлими мудири профессор Вайл таклифи билан қўлёзмалар каталоги учун ишлади.

Заки Валидий келажакдаги ҳаётини тартибга солиш йўлида ҳам бир қарорга келиши зарур эди. Бирга илмий иш қилишга таклиф қилаётганлар кўп эди. Айниқса, Англия олимларининг даъватлари жуда муҳимга ўхшаб кўринарди. Берлинда 23 ноябрда Туркистон Миллий Бирлиги конгрессини ўтказдилар. Бу орада у турли маърузалар ҳам ўқиди.

1925 йил март ойи бошларида бир вақт Маориф Вакили бўлиб ишлаган доктор Ризо Нур Берлинга келган ва Заки Валидий билан учрашишни истаётганди. Туркиядаги илм доиралари Заки Валидийнинг у ерга келишини хоҳлашаётган эмиш. Доктор Ризо Нур уларнинг фикрини айтди; 15 мартни оз эмас, кўп эмас, уч соат гаплашдилар, у Заки Валидийнинг қатъиян Туркияга келиши лозимлигини уқдирди. Туркия Жумҳуриятининг Берлиндаги элчиси Камолиддин Соми пошшо билан таништирди. Натижада Заки Валидий “Хотиралар”ида: “Менинг Оврупони қолдириб Туркияга бориш тўғрисида бир қарорга келишимга ана шу суҳбатлар сабабчи бўлди”, — деб ёзади. Апрель ойида Заки Валидийга Маориф Ваколоти “Таъриф ва таржима ҳайъатига аъзо қилиб тайинлаганлиги” тўғрисида ҳужжат ҳам тайёрлаб берилди. Иккиланиб турган Заки Валидий охири Туркияга боришга қатъий қарор қилди.

#### 4. 1925—1932. ТУРКИЯДАГИ ДАСТЛАБКИ ПАЙТЛАРИ

##### а) ТУРКИЯГА КЕЛИШИ

Заки Валидий ва орқадoshi Фатхулқодир (Абдулқодир Инон) 12 май сешанба кuni Берлиндан чиқиб кетдилар. Прагадан ўтаркан, 1918 йилги истиқлол курашига ёрдами теккан чех дўстларини ҳам зиёрат қилмай кетолмадилар. 14 майда Будапештга келган кунлари, шу ерда таҳсил олаётган Хусайн Номик ўрқундан турли йўл-йўриқлар олдилар. “Туркияда албатта Кўпрулузодага диққат қилинг”, деди у. Заки Валидий бу гапдан бир оз ҳайратга тушиб, сал-пал эътироз билдирди. Лекин Хусайн Номик, Заки Валидийга севгиси ва ҳурмати-ни ҳеч қачон пасайтиргани йўқ. Эҳтимолки, айнан шунинг учун у ҳам 1944 йилда қамалгандир.

18 майда Букрешга, 19 майда Кўстанжага келгандилар. Бу ерда нўғойларга тааллуқли бир қанча ривоятларни тўпладилар. Кейин кемага миниб, 1925 йил 20 май чоршанба кuni эрталаб Истанбулга етиб борадилар. Бу вақт визалар муҳлати битган эди, энди кафолат кераклигидан шаҳарга кириш тушликкача чўзилди.

Ҳар қандай одам бир ерга борганида ниманидар соғинади. Заки Валидий кутубхонани соғинарди. Тушлиқдан кейин олти марта трамвайдан трамвайга миниб, Фотиҳ Жомеъи кутубхонасига борди. Бу унинг аввало олимлигини кўрсатувчи бир белгисидир. Ҳар қалай бу ерга келган дастлабки кунларида фақат кутубхоналарида айланиб юрди.

Заки Валидий 1925 йил 20 майдан 1970 йил 26 июлгача Туркияда яшади. Тўғри, Туркия Жумҳурияти фуқаролигини олиши учун 14 кун кетди, яъни 3 июнда Туркия ватандoshi бўлди. 45 йилу 1 ойу 23 кунлик ҳаётини шу мамлакатнинг ватандoshi ўлароқ ўтказди. Бошқача айтганда, саксон йиллик умрининг кўпроқ қисми Туркия жумҳуриятининг бир сиймоси сифатида ўтди. Лекин амалда Туркияда ўтган даври бундан бир мунча озроқдир. Чунончи, 1932-39 йиллар орасида, баъзи қисқа муддатли келишларини ҳисобга олмаганда, чет элларда — Австрия ва Олмонияда ҳам яшаган эди.

##### б) АНҚАРАДАГИ ИЛК КУНЛАРИ: В.БАРТОЛЬДНИНГ КЕЛИШИ

Заки Валидий, расман Анқарада Маориф ваколати Таълиф ва таржима ҳайъатида вазидали эди. Фақат Истанбулда оз вақт қолди, баъзи кишилар билан алоқа боғлади. Кунларининг кўп қисмини кутубхоналарда ўтказарди. 1925 йил 29 майда илк бора “Ўрта Осиё тарихига асосий чизгилар” мавзуда маъруза қилди. Уша даврнинг энг кўзга кўринган зиёлилари Муаллим Жавдат ва Фаридбейлар билан танишди. Фарид унда чуқур таъсир қолдирганди. Ҳар қалай Заки Валидий ўлкага келгандан кейин танишгани уч илм кишисидан бири сифатида уни зикр этади; бошқалари Фуот Кўпрулузода ила Боязид умумий Кутубхонасининг мудирини Исмоил Соиббей эди. Айниқса, Исмоил Соиббей уни ҳайратга солганди, чунки у “ал-Берунийнинг қўлёзмасини узокроқдан кўрсатар-кўрсатмас дарҳол ўқиганди”, деб ёзади.

1 июнда Заки Валидий Анқарага келган ва меҳмонхонада яшарди. Чунки ҳали фуқаролик ҳужжатлари битмаган эди. Эртаси кuni Ҳамдуллоҳ Субҳи (Тагривер)ни зиёрат қилди. 3 июнда Заки Валидий ҳамда Ҳамид Зубайр Туркия жумҳурияти фуқароси бўлганликлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Шундан кейин у Ҳожи Халил маҳалласидан бир уй топди.

Заки Валидий, Таълиф ва таржима ҳайъатига аъзолик пайтида раҳбариятга Турк илмий-тадқиқот муассасалари (институтлар) ҳақида лойиҳалар ёзиб тақдим этганди. Улар эътиборсиз қолди. Бўш вақтларида “Туркистоннинг тарихий жўғрофияси” устида ишларди. 1925 йилнинг 31 июлида Қурбон Байрами баҳонасида Туркия Жумҳурбошқони Ғози Мустафо Камол пошшонини зиёрат қилди. У “Хотиралар”ига ана шу зиёрат билан нуқта қўйгандир.

Лекин кейинги даврларига оид маълумотларга бой қайд дафтарлари куллиёти ҳам бор.

Заки Валидий учун муҳим бир воқеа, атоқли олим В.Бартольднинг Истанбул Туркиёт Институти томонидан ўлкамизга даъват қилинишидир. Бартольд Туркиёт Институтида маърузалар ўқишга келганида унга Заки Валидий ҳамроҳ бўлган ва таржимонлик қилганди.

Истанбул Дорилфунуни Адабиёт факултети, эҳтимолки, Бартольд тавсияси билан ва балки декан Кўпрулузода М.Фуод кўрсатмаси билан Заки Валидийни турк тарихи муаллими сифатида ишга даъват қилди. Хат Кўпрулузода имзоси билан Заки Валидийга етиб ҳам келди. Заки Валидий Истанбулга келишга азму қарор қилди, лекин у пайтларда унинг қўлида бошқа имкон ҳам бор эди: Онадўли Темир йўллари идораси мажлис аъзолигига таклиф қилаётган эди; маоши кўп, иши оз эди бунисининг. Аммо Заки Валидий, нияти ўргатиш бўлганидан, Истанбул Дорилфунунини танлади. Хужжатлаштириш ишлари 1926 йилнинг охири ва 1927 йил бошларида давом этган бўлса керак. Чунки Истанбул Университетида иш бошлаган вақти 26 январ 1927 йилдир. Шу ҳолда Анқарадаги вазифасида ҳам бир ярим йилча ишлаган кўринади.

Заки Валидий ҳали расман Истанбулга келмасидан олдин Саматяда бир уй тутганди. Бу уйга оид бир талай хотиралар ёзиб қолдирган.

Заки Валидий 1927-28 ўқув йилида мударрисликни бошлади. Берган дарслари тошбосма ва литография ҳолида терилгандир. Буларда турк тарихи тадқиқотлари қайси йўлдан бориши кераклигини кўрсатган. У, бундан олдинги ойларда вақт топди дегунча Истанбул кутубхоналарида ишлаган бўлса, энди фаллиқка “бўридай ташланганди”. Ўтадиган дарслари ва келажакдаги ишлари низомини ҳам тузиб олган эди. Ҳар қалай, 1946 йилда нашр қилган “Умумий турк тарихига кириш” асарининг сўзбошисида, “бу китобнинг қораламаси 1927—28 ўқув йилида битган эди”, деб ёзади.

Афсуски, Заки Валидийнинг мазкур асари ҳали-ҳануз босилиб чиққани йўқ. Нашрга тайёрлаган ал-Берунийга доир асари ҳам 1928 йилда терила бошлаган эди. Аммо ўша йили янги турк ҳарфларининг қабул қилиниши бу ишни тўхта-тиб қўйди ва асар ярами нашр этилганча қолиб кетди.

1930 йилда, Отатурк давлат эътиборини тарихий тадқиқотларга қаратди. Университет ўқитувчиларига махсус саволлар билан мурожаат қилинди. Турк Тарихи Тадқиқ Жамиятини тузиш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Заки Валидийнинг жавоблари юқори идораларда қизиқиш уйғотган шекилли, ўзи бу жамиятни қуриш жараёнига жалб этилди. Аммо кейинчалик бу ерда Туркия ташқарисидан келган қозонлик туркларнинг таъсири ортиб борди ва Заки Валидий бу ишдан четлатилди.

Отатуркнинг Миллий тарих тадқиқотларига алоҳида эътибор билан қарарди. Ҳар қалай 1930 йили Истанбул университетига ташриф буюрганида Кўпрулузода ва Заки Валидий билан бу мавзуда суҳбатлашгандилар. Заки Валидий, турк тарихининг ва айниқса Ўрта Осиё турклари тарихининг эҳтиёжи бўлмиш тадқиқотчилар тайёрлаш учун, юрт ташқарисига ташвиқий стипендия билан талабалар юбориш масаласида Отатуркка мурожаат қилган, у эса бу масалани Маориф Ваколатига ҳавола қилганди. Лекин вакил Обиндинбей: “Маорифга тааллуқли масалада нега тўғридан-тўғри Отатуркка арз қилдингиз!” деб Заки Валидийга нотўғри муносабатда бўлган эди. Шу туфайли ўша йилларда хорижга талабалар йўллаш имкони топилмаганди. Кейинча ҳам бу ишга рағбат кўринмади.

Миллий тарих масалаларига чин кўнгилдан яхши муносабатда бўлган Отатурк, Усмонли давридаги тарихга қарашлар ўзгарган бўлса ҳам, ҳамон баъзи салбий хотиралар таъсиридан қутулолмаган эди. Юнонларнинг Онадўлига ҳақ даъво қилишларига қарши, улардан олдин ҳам Онадўли катта маданий қадриятларга эга бўлганлиги борасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватларди. Шунингдек, Усмонли даврига салбий қаралгани учун, тарихий тадқиқотларда салжуқийлар ва улардан ҳам қадимий Ўрта Осиё даврига кўпроқ аҳамият бериларди.

## ТУРКИЯДА БИРИНЧИ ТУРК ТАРИХИ КОНГРЕССИ ВА ЗАКИ ВАЛИДИЙ

Турк Тарихи Тадқиқ Жамияти, 1932 йилнинг июлида Анқарада кенг миқёс-ли тарих конгресси ўтказди. Конгрессга Отатурк ҳомий эди ва у очилишда анжуманни табриклаганди. Истанбул Дорилфунуни, янги тарих тезислари ҳақида салбий фикрда эди. Анқарага жўнатилган икки олим — Кўпрулузода М.Фуод ва Заки Валидийдан нималардир кутишарди. Конгресс 2 июл шанба куни иш бошлади. Истанбул Дорилфунунидан Турк тарихи муаллими Заки Валидийбей 3 июл якшанба куни сўзга чиқди. Олдиндан юборган мақола ва рапортларига қараб, у бугун нима ҳақда сўзлашини билиш қийин эди. Ҳар қалай тарих тезис-ларининг таниқли муаллифларидан бири, тиббиёт доктори Рашид Ғолибнинг маърузаси тугаганда раёсат бошлиғи Юсуф Акчурра: “Танаффусдан кейин до-рилфунуннинг турк тарихи муаллими Заки Валидийбек ўз кузатишларини — мутолааларини баён этади ва доктор Рашид Ғолиббей унга жавоб қайтаради”, деган эди.

Заки Валидий Ўрта Осиёдаги қурғоқчилик масаласига доир олган маълумотларини хулосалаб, бу нарса сўз мавзуи бўлмаслигини билдирди. Унга Рашид Ғолиб жавоб берди. Бунга Заки Валидий узундан-узоқ далиллар билан жавоб қайтарди. Кейин яна Рашид Ғолиб чиқди ва нутқини якунларкан, сўзларига ашаддий тус берди:

“Орқадoshлар, ачиниб эътироф этаманки, мен Заки Валидийбейнинг мин-бари олдида талаба бўлмаганимга кўпдан-кўп шуқур қиламан. Биз авлодлари-мизни мамлакатнинг эртанги катта ишларига ҳозирлаётган бир пайтимизда, бошлари узра титраб кузатаётганимиз бу наслларни асил манбадан ва асосдан маҳрум қилиб, оддий ҳисоб-китоб ва мантиқ асосларидан бебаҳра айлаб, узун саволлар билан йўлдан тойдирилишига, муҳокамалар кемтиклигига асло тоқат қилиб тура олмаймиз. Туркия Жумҳурияти Дорилфунунининг минбари бу қадар заиф маълумот ва бу қадар хаста усуллар билан ишғол этиладиган аҳамиятсиз мартаба эмас.”

Рашид Ғолибдан кейин, эски сиёсий рақиби Садри Мақсудийбей сўз олиб, Заки Валидий танқидларига ўша андозада айб қўйди:

“Заки Валидийнинг бундай мунтазам тарзда ҳурматсизлик билан янглиш манбаъ кўрсатиши муаллимлик номусига қай даражада тўғри келиши ва илмий жиддийлик билан қай даражада мувофиқлиги ҳақида ҳукм чиқаришни конгресс қатнашчиларига ҳавола қиламан.”

Бу нутқ ҳам гулдурос олқишлар билан кутиб олингандан кейин, баҳсга М.Шамсиддин (Гунолтой) аралашади. У ҳам қурғоқчилик бўлганини қайд қилиб, сўзларини якунларкан, Заки Валидий билан Садри Мақсудийбей орасидаги бир воқеани эслатади. Шамсиддин Гунолтой эшитган воқеа (табиийки, Садри Мақсудийдан эшитган) гўё шундай бўлган экан: Чоризм йиқилгандан кейин “Русиядаги рус бўлмаган миллатлар ўз миллий борлиқларини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилганлар, турклар ҳам аввал Москвада, сўнгра Уфада конференция ўтказганлар, битта турк давлати қуриш ташаббуси билан кўтарилганлар. Лекин Заки Валидийбей Уфа конференциясида турк номи остида бир давлат ташкил этиш фикрига биринчи бўлиб қарши чиққан, бошқуртларни турк жамоасидан айирганди (“Уят! Уят!” садолари). Заки Валидийбей миллий бирлик туйғуси ва турк лаҳжаси асосида ягона бир давлат барпо этилишига, бутун турк оламида умумий ҳудуд ва тил бирлигига қараб ҳаракат қилишига қарши туриб ва муҳолифлик қилиб Русия туркларининг лаҳжалари айри-айри, ҳудудлари айри-айри, борлиқлари айри-айри бўлишига, татарлар, бошқуртлар, ўзбеклар, озарийлар каби бир қанча парчаларга бўлинишларига сабабчи бўлганди.

Ажабо, Заки Валидийбек ўшанда ўйнаган ролини бу конгрессда ҳам ўйна-моқчимиз? Лекин амин бўлсинларки, бу конгресс атрофига йиғилганларнинг димоқларидан миллият оташи уфурмоқда. Бу оташ қаршисида ҳар қандай ури-ниш, ҳар қандай қарши ташаббус эриб кетишга маҳқумдир”. (Гулдурос ва узоқ олқишлар).

Уста сиёсатчиларнинг бу ва бунга ўхшаш сўзлари ўтирганларга ҳақиқатан катта таъсир ўтказган бўлса керак. 1917-18 йил воқеаларни олдинроқ Заки Валидий асарларидан келтирган эдик; ҳар қалай Садри Мақсудий, Қозоннинг кузатган ва амалга оширмақчи бўлган вазифасини дарҳол “турк” номига ўтириб, Шамсиддин Гунолтой воситаси билан у кунга мослаб тақдим этганди. Тақдир ва сиёсат ўйинларини қарангки, 1944 йилда айнан Заки Валидий “Туркларни бирлаштириш учун ҳаракат қилган”ликда айбланиб, қамоққа олинади. Заки Валидийни чинакамига хафа қилган жиҳат, бу ҳужумларга Отатуркнинг қарши чиқмаганлигидир.

Конгрессда, Заки Валидийнинг фикрларига асослангани учун, Бартольд ҳақида ҳам салбий гаплар айтилганди. Бир ўқитувчи “Бартольд “оддий бир турк душмани” деб ҳайқирди, Рашид Ғолиб эса, бу зотни Жамият даъват этиб, маърузалар ўқиттиргани, асарини эълон қилгани тўғри бўлмади, маъносида таассуф билдирди. “Конгресс китоби”нинг энг ғариб жиҳати Заки Валидий номини Конгресс иштирокчилари рўйхатидан тушириб қолдирганидир.

Биринчи турк тарихи конгресси сиёсат шамолига қараб ишлайдиган тарихчилар билан фикрий ва виждоний салобати бўлган тарихчилар орасида маҳак тоши (олтиннинг қалбакисини ўлчашда ишлатиладиган тош) бўлганди. Отатурк ҳам шу фикрда деган ва ё қурғоқчилик масаласида Отатуркка таъсир ўтказганлар кейинги йилларда, яъни Отатуркнинг ўлимидан кейин бу мавзуга ҳеч яқин йўламадилар. Юқорида ҳам ишора қилганимиздай, Кўпрулузодадан ҳам илмий танқидлар кутилди. Лекин у, сиёсатга аниқлик кирса керак, деган умидда бу мавзуга муносабат билдирмайди. Ҳатто ўзини баҳсга жалб қилмоқчи бўлганларга ҳам муросали жумлалар билан имкон бермайди. Истанбулга қайтишда нега бундай қилганини сўрашганда: “Нима қиламан аралашиб, фақир киши панада” деб жавоб берганини ривоят қиладилар. Чунки Заки Валидий, бу салбий муносабатлар авжига чиқиб, “жоҳиллик”да айбланиши биланоқ, 1932 йил 8 июлда телеграф билан Истанбул Дорилфунунига истеъфосини билдирди. Кўп ўтмай ўзини докторантурага қабул қилган Вена университетига кетди. Вена университетиди докторлик ишини ёқлаб келса, балки ўлкамиздаги бу тарихчилар уни жоҳил ҳисоблашмас...

Хуллас, Заки Валидий биринчи турк тарихи конгрессида ўзгача бир имтиҳон берди. Қаршисидаги моҳир сиёсатчи нотиклар, у куннинг ўткинчи ҳукмларини қабул қилиб, уни синдирмоқчи бўлдилар. Лекин замон Заки Валидийни ҳақли чиқарди. Ҳатто Ниёзий Беркес, Заки Валидийни, ўлкадан Отатуркнинг тарих тушунчасини йўқ қилган, “тоғдан келиб, боғдагини қувган” кимса ўлароқ таърифлайди. Агарда ўша давр тарихчилари Отатуркка тарихий ҳақиқатни сўйлаганларида, таъбини очмоқчи бўлиб “тилёғлама”лик қилмаганларида, Буюк Отатурк албатта тез орада ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетадиган тезисларни англаган бўларди.

## 5. 1932—1939: ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ОВРУПОДАГИ ТАҲСИЛИ ВА МУАЛЛИМЛИГИ

Заки Валидий Вена университетига докторантурага қабул қилингани ҳолда, илгари чала қолган таҳсилини ҳам битказиб қўйишга киришди. Туркиянинг 1930 йиллардаги шароитларига кўра, ўқитувчилардан фақатгина ихтисоси суриштирилар, улар лицей билимига эга бўлсалар-да, бунга ҳеч ким ғинг демасди. Кўп мударрислар, яъни ординатор-профессорлар шу аҳволда эди. Заки Валидий Русияда лицей савиясидаги имтиҳонлар берган бўлишига қарамай, юксак таҳсилли ҳисобланмас ва докторлиги чала деб билинарди. Венада у, ҳам университет таҳсилини тамомлади ҳамда дарҳол докторлигини охирига етказди. Докторлик диссертацияси Машҳад кутубхонасида учратган китоби — Ибн Фазлоннинг турк ўлкаларига саёҳати ҳақида ҳикоя қилувчи “Саёҳатнома”си эди.

Заки Валидий, 1935 йилнинг 7 июнида “доктор” бўлди. Унинг докторлик дипломида проф. А. Ҳолд-Фернек, проф. Д.Кролик ва проф. Ж.Шульцнинг

имзолари бор эди. Лекин ўзи бу ерда А.Допц, В.Коппес, Сеиф ва Гейдернинг дарсларидан кўп нарса ўрганганини, кўпроқ фойда кўрганини айтади. Унга энг кўп таъсир ўтказган олимлардан бири иқтисод тарихчиси А.Допц эди. Докторлик унвонини олгандан кейин дарҳол проф. Р.Кахле билан бирга Бонн Университетига ишга таклиф қилинди. У ерда “Ўрта Осиё тарихи ва исломият” соҳасида мударрислик қилди.

Заки Валидий, Бонн Университетида ишлаш учун Вазирлар Маҳкамасидан рухсат олганди. Чунки Туркия фуқароси бўлгани учун шундай қилиши шарт эди. Шунингдек, шу йили чиққан “Фамилия тўғрисидаги Қонун” га кўра “Тўғон” фамилиясини танлади. Лекин Туркиядаги дўстлари бу ишни хийла кеч ҳужжатлаштирдилар.

Заки Валидийга 1938 йил 19 сентябрда бирор олий олмон билим юртида “расмий амали бўлмаган мударрис сифатида” “ҳонорар-профессор” (гонорарга ишлайдиган профессор) рутбаси берилди. Шундан кейин у Готтинген Университетида ишлашда давом этди. Бу вақт ичида Ибн Фазлон ҳақидаги китоби ҳам босилиб чиқди. Ал-Беруний ҳақидаги асарини эса инглизлар нашр қилиш учун олишди.

## 6. ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТЎҒОН ЯНА ТУРКИЯДА ВА 1944 ЙИЛ ВОҚЕАСИ

### а) ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ТУРКИЯГА КЕЛИШИ

Туркия Жумҳуриятининг асосчиси Отатуркнинг 1938 йил 10 ноябрда юз берган ўлими, икки яқин орқадош — Заки Валидий билан Абдулқодир Инонни турлича қайғуга солди. Заки Валидийнинг рақиблари, то ўлимига қадар Отатурк Заки Валидийни севмагани тўғрисида гап тарқатганлари учун, энди Заки Валидийни Туркияга қайтармасликка ортиқ баҳона қолмаган эди. Аслида Отатурк уни севмаганлиги тўғрисидаги ривоят шубҳалидир. Бошқа бир киши Абдулқодир Инонни эса Отатурк жуда яхши кўрарди. Энди Отатуркнинг ўлимидан кейин Абдулқодир Инон ҳимоясиз қолганди.

Янги юртбоши Исмат Инону, Отатуркдан кейин ўлкада янги тартиб, тенглик даврини бошлатмоқчи эди. Шу мақсадда Отатурк давридаги эркисизлик ва дағалликларни бир ёнга суриб, ўз атрофига бутун жамоани яқдил қилиб тўпламоқчи эди. Бу истаги қайнлашиб келаётган иккинчи жаҳон урушида ўлканинг куч-қудратини ва эмин-омонлигини сақлаш учун ҳам керакли эди. Ана шундай бир пайтда Отатурк даврида четда қолган Козим Қорабакир, А.Аднан Одивор каби ҳарбий сиёсатчилар янгитдан унинг атрофига йиғилдилар. Шунда 1938 йил охири ва 1939 йил бошларининг бу муҳитини дўстлари Заки Валидийга етказдилар. У даврда, А.Инон таъбири билан айтганда, “янги туйғулар бор эди”.

Оврупода яқинлашиб келаётган уруш, хилма-хил нотинч воқеалар туфайли кўнгли безовта бўлиб юрган Заки Валидий, келаётган хабарлардан таъсирланиб, яна ўлкага қайтишни ўйлаб орзиқа бошлайди ва 1939 йил 1 майда юртбоши Исмат Инону, Турк армияси бош штабининг кўмондони, маршал Фавзи Чақмоққа, шунингдек, даврнинг бошқа масъул кишиси, Маориф Вакили Ҳасан Али Южелга расмий арзи хол ёзиб юборди.

Заки Валидийнинг бу аризаси расмий равишда кўриб чиқилгач, ниҳоят у Истанбул университети Адабиёт факультетида турк тарихи профессорлигига тайин этилган. Унинг ишга киришган куни 1939 йил 1 сентябрдир. Ўзи эса, уруш бошланган куни Олмониядан чиқиб кетганини ҳикоя қилади.

Заки Валидийнинг янгидан вазифага келиши кўп жиҳатдан муҳим аҳамиятга моликдир. Овруподаги Олмония устунлиги ва бу устунлик узоқ давом этиши эҳтимоли бу йилларда хийла кучли эди. Олмон субъекти ва унга қарши бораётган Совет Иттифоқининг заифлик қилиш эҳтимоли, бу йилларда Исмат Иноннинг сеҳнида ҳар эҳтимолга қарши Заки Валидийдан ҳам фойдаланиш мумкинлигини кўрсатарди.

Заки Валидий Истанбулга келиб ўз вазифасига киришди. Ишга тайинлаш юқоридан бўлганлиги сабабли, декан Ҳ.Унгунсу етакчилигидаги Адабиёт факультети унга қарши нафасини чиқармас, айниқса, Заки Валидийга топширилган фан соҳасига қарши ҳеч нарса қилолмасдилар. Уни ўз вақтида “жаҳолат” да айблаганлар эндиликда бир бурчакка тикилгандай эдилар. Заки Валидий дарсларга чўмган, янгидан-янги таълифларини эълон қилар ва “Ислом қомуси”га тинмай мақолалар ёзарди.

Заки Валидий Тўғон ҳаётида шу кунларда юз берган ўзгаришлардан бири шуки, у янгидан уйланди. 1940 йил 12 апрелда нўғойлардан Умар Унғор оғанинг қизи, Букреш Университетида тарих бўлимини тугатиб, Истанбулга диссертация ёқлаш учун келган Назмия хоним у билан никоҳдан ўтди. Хотини, бундан буён унга барча ижодий ишларида ёрдамчи бўлади. Икки фарзанд кўрадилар, қизининг отини Эсонбека, ўғлини Субудай қўядилар.

Бу йиллардаги илмий ишлари орасида “Алишер Навоийнинг ҳаёти ва асарлари” муҳим ўрин тутди. Шунингдек, “Тарих методологияси” ва “Умумий турк тарихига кириш” китоблари ҳам босила бошлайди. Бундан сал олдин Мисрда араб ҳарфлари билан турк тилида чиқа бошлаган “Бугунги Туркистон ва яқин мозийси” асари ҳам 1940 йилда Фавзи Чақмоқ кўмагида поёнига етказилганди. Адабиёт факультети нашрлари қаторида 1942 йилда бу асарнинг бир оз қисқартирилган турк ҳарфли нашри ҳам битди. Лекин бу фаолиятларнинг охири 1944 йилга тўғри келганлигидан, катта бир ижобий натижага эришиш мумкин бўлмади.

## б) 1944 ЙИЛ ВОҚЕАСИ

1944 йил бошларида узоқ йиллар турк армиясида Бош Штабга кўмондонлик қилган маршал Фавзи Чақмоқ нафақага чиқди. Унинг ўрнига келган Козим Ўрбой, шон-шуҳратли ҳарбийлардан бўлишига қарамай, Исмаил Инонунинг бирон сўзига ҳам эътироз билдиролмас эди. Юқорида айтганимиздай, Миллий Таълим Вазирлигида совет тарафдорларига кўрсатилган илтифот ҳам танқидга учраётганди. Ҳар қалай Ҳ.Ниҳол Отсизнинг бош вакил (вазир) Шукри Саражўғлига ёзган очиқ хатларда бу ҳол баён этилган. Бу хатлар туфайли бошланган судлашув иши 1944 йил 3 майда Анқарада кўрилиши керак эди. Ўша кун Анқара ёшларининг коммунистик фаолиятларга қарши уюштирган намоийши чакана намоийш бўлмаган эди. Бу ҳодиса Анқарада қаттиқ ҳаяжон уйғотди. Ва ҳар хил гумонлар пайдо бўлишига сабаб бўлди.

а) Розиликсиз нафақага чиқарилган Фавзи Пошо баъзи ҳаракатларга киришган бўлиши мумкин;

б) Олмония тарафдорлари, советлар билан орамизни бузиш учун бу намоийшни уюштирган бўлиши мумкин;

в) очикдан-очик ҳукуматга қарши қўзғолон ва яширин ҳаракат юзага келган бўлиши мумкин.

Шу кунга қадар ёзилган ва айтилган гаплар, 1944 йил 3 май воқеаси билан Исмаил Инонунинг 1944 йил 19 май нутқи орасида ўтган вақтда юқоридаги гумонлардан учинчиси билан биринчиси Чанқога (Ҳукумат идораси жойлашган ер)ни ларзага солганини кўрсатади. Ҳ.Н.Отсизнинг фикри ҳам шундай эди. “Ирқчилик ва Турончилик” номи билан тилга олинадиган бу ҳаракат ҳукуматни йиқитишга қаратилган ҳаракат эди, деб баҳоланди. Чунки ҳар ким ҳам яхши биладикки, ўлкада фақат маршал Фавзи Чақмоққина бундай тўнтаришни мўътабар-муқаддас деб ўйлаши мумкин. У эса бундай қабиҳ ниятни амалга оширишда Заки Валидий Тўғон ва бошқа туркчилардан ёрдам олганлигини исботлаб ўтирмаса ҳам бўлади. Яна бир тахминга кўра, советларнинг Туркияга қарши ҳаракатига имкон ва фурсат бермаслик учун бу воқеадан баҳона сифатида фойдаланилган, холос.

Натижада, кўпроқ Анқара ҳокими Н. Тонгўғли, Миллий Таълим Вазирини Ҳасан А. Южел ва Ф. Р. Отойнинг таъсири билан Ҳукумат доираларида кенг бир “Миллиятчилар гуруҳи”ни қамаш истаги кучайди. Гуруҳни “миллиятчиликда айб-



лаш” жуда муҳим кўринарди. Лекин ҳужжатлардан маълум бўляптики, ўша даврдаги Жумҳурият Халқ Фирқасининг масъул котиби Мамдуҳ Шавкат Эсондол, оммавий қамашларга қаттиқ қаршилик қилган экан.

Заки Валидий Тўғон, 1944 йил 15 майда, ўз таъбири билан айтганда, “Турончилик номидан Туркияда советларга қарши ҳаракатда бўлган”ликда айблаб қамоққа олинди. Айблов “Туркиянинг қўшнилари билан муносабатларини ва ички тартибларни бузган” маъносида бўлди. Натижада 1-сонли қамал ҳолати судига кўра, “ҳукуматни ағдаришга уриниш” деган хулоса билан ўн йил ҳибсга маҳкум этилди. Лекин ҳарбий кассацион суд раиси, армия генерали Али Фуод Эрдан бу қарорни асосиз деб топди ва дарҳол айбланувчиларни озодликка чиқаришни талаб қилди. Шундан кейин тергов натижалари 2-сонли қамал ҳолати судида кўриладиган бўлди. Ниҳоят, Заки Валидий Тўғон 1945 йил октябр ойида озодликка чиқарилди. У 15 ой ҳибсхонада қолганди.

Бу вақт ичида Заки Валидий Тўғонни энг кўп қийнаган воқеа, имзо намунаси оламиз деб, бўш қоғозга имзо қўйдириб, унга истаган гапларини ёзганлари ва маҳдид остига олганлари бўлди. Бундан бошқа, икки кун оч қолганини ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай моддий тазйиқ кўрмаганди.

2-сонли судда 1947 йил 31 мартда зўрлик билан бўйнига айб қўйишга уринган “ҳукумат тўнтариши айблови” ҳеч қандай далил ва асосга таянмаганлиги эълон қилинди ва оқлов ҳукми чиқарилди. Қарорномада Русия ва Туркиядаги фаолияти ва илмий ишлари тақдирланган ва илова қилинган эди. Қарор ўқилиши томонланганда ҳарбий суд бошлиғи “янглиш кўргазмалар (туҳматлар) натижа-сида уч йилдан бери чеккан азоблари”ни таассуф билан қайд қилиб ўтди. Қарор сал кейинроқ Ҳарбий Суд томонидан ҳам тасдиқланди.

“Ирқчилик ва Турончилик” деб ном олган 1944 йил ҳодисаси оқлов билан якун топган бўлишига қарамай, Исмаат Инонунинг 19 май нутқидаги сўзлари, қатъий ҳукмдай, ундан кейинги йилларда ҳам ҳали кучини йўқотмаган эди. Бу жиҳатдан 1950 йилдаги ҳокимият ўзгариши Заки Валидий учун ҳақиқий оқлов бўлди.

Заки Валидий Тўғон университетдаги вазифасига 1948 йил 27 июлдагина қайта олди. Бу орада озгина моддий йўқотишлари ҳам бўлдики, буларни 1951 йилдаги “Очиқ мақсад”идан кузатиш мумкин. 4 йил 8 ой давом этган ҳибс ва суд даври ҳаётида кўп оғир кунларни бошидан кечирганди. Бор деб ўйлаган бой дўстларидан етарли ёрдам келмади, обрў-эътиборлари ва топган пуллари-нинг манбаи номаълум бўлган кишиларнинг ёрдамини қабул қилишга эса ички ғурури, виждони йўл қўймасди. Ҳибсхонада тартиб берилган “умумий турк тарихига кириш” номли асарини, дўстлари ва “Ҳақ нашриёти”нинг кўмаги билан бостирди (1946). Кейинги ойларида тирикчилигига шу асари далда бўлди.

Тирикчилик машаққатлари ҳақида шу йилларда турли ерларга маълум қилди. Лекин сезиларли бир мадад кўрмади. Ҳамдуллоҳ Субҳи Тангриовар орқали Исмаат Инонугача аҳволини билдирди. Инону “Бюллетен”да мақолалар ёзиб қалам ҳақи билан яшасин, деб жавоб берган. Шунда “Бюллетен”га баъзи мақолаларини юборди, лекин улардан фақат биттагинаси — “Ибн ал-Фоқиҳнинг туркларга оид хабарлари” эълон қилинди.

Заки Валидийнинг янгидан вазифасига қайтган вақти 1948 йил — Туркиянинг янги тарихига оид Бурилиш нуқтасидир. Жумҳуриятнинг 25 йиллиги нишонланган 1948 йил кўп жиҳатлари билан 1950 йилга тайёргарликка ўхшайди. Айни шу пайтда эски талабаси таҳсин Бонгўғли Маориф Вакили бўлганда ҳар тарафлама роҳат-фароғатда яшай бошлади. Олам унинг даврида — Истанбул университети, Ислом Тадқиқотлари Институтларига бир талай кадрлар етказиб берган эди.

## 7. 1948—1970. ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТЎҒОННИНГ БАХТИЁРЛИК ДАВРИ

1932 йилги Тарих Конгресси воқеаси ва 1944 йилги ирқчилик-турончилик ҳодисалари илм кишиси Заки Валидий учун кутилмаган воқеалар эди. Булар унинг илм йўлидаги ғайратларига гов бўлди. Шундан сўнг 1948 йилда янгидан

Университетга қайтиши билан ижодининг энг самарали даври бошланди. 1932 йилдаги каби “жоҳил” ёки 1944 йилдаги каби “сиёсий ҳаракатлар иштирокчиси” бўлиш хавфи барҳам топганди.

Заки Валидий бу янги даврда аввало “Тарихда усул” асарининг нашри билан машғул бўлди. 1950 йил май ойида босмадан чиққан бу асар сўзбошиси 1950 йил 15 майдаги ҳукумат ўзгариши вақтида ёзилган ва бу жиҳати билан ҳам тарихчилар назарида катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинганди. “Тарихда усул” китоби унинг тарихга қарашини ва гоёвий тамойилларини очиқ тарзда ўртага қўяди. Бундай муҳим дастурий манба чиққанидан бери талай вақт ўтганига қарамай, то ҳозиргача янги нашрига эга эмасмиз.

Заки Валидийнинг 1948-70 йиллар орасидаги 22 йиллик энг маҳсулдор даврини, баъзи жиҳатлардан кўриб чиқайлик.

### а) ЯНГИ ИНСТИТУТ ВА ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ҚУРИШГА УРИНИШЛАРИ: ИСЛОМ ТАДҚИҚЛАРИ ИНСТИТУТИ, УМУМТУРК ВА ОСИЁ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ

Заки Валидий Тўғон Туркияга иккинчи бор келган пайтидаёқ, аниқроғи 26.XI. 1939 йилда Адабиёт факультети деканатига 8 бет бир “Тарих институти лойиҳаси”ни тақдим этганди. Бир нусхаси Маориф Ваколатига юборилган бу лойиҳада энг олдин қўлга олиниши лозим бўлган 300 тача диссертация саналганди. Лекин у пайтдаги декан (проф. Ҳ.Ўнгунсу) таклифга лоқайд қараган, орадан йиллар ўтса-да, Олимлар Ҳайъати бу масалани кун тартибига олмаганди. Маориф Ваколати маслаҳатчиси Эҳсон Сунгунинг институтни торроқ бичимда ташкил этиш тўғрисидаги кўмакчи таклифи ҳам (у умумтурк тарихи институти куришни таклиф қилганди) ўша декан томонидан кун тартибига қўйилмади.

1948 йили Университетга янгидан қайтган Заки Валидий Умумтурк ва Осие тарихи институти, Ислом тадқиқлари институти ва Рус филологияси институти тузиш таклифларини яна факультет деканатига тақдим этди. Умумтурк тарихи институти лойиҳаси Олимлар Ҳайъатида кўриб чиқиларкан, эски декан “бу ҳукумат ичида ҳукумат куриш демакдир” деб йиғилишдан чиқиб кетди. Ҳайъат эса охир-оқибатда бу институтнинг низомномасини қабул қилган, лекин сенат (олий мажлис)га кеч юборилган, у ерда эса янги сенатгача йилларча қўлга олинмаганди. Сенат, ниҳоят 1957 йил 3 январдаги йиғилишида тарих бўлими учун кенг тармоқли бир институт зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиб, киритилган таклифни факультетга қайтарди. Заки Валидий “Хотиралар”-ида: “...икки сенат аъзоси, тарихчи, профессор орқадошим ҳам бу ишга қарши эди” деб ёзади. Лекин 1950 йиллардан бошлаб Ректорлар бу институтни ташкил этиш ишига бош қўшгандилар.

Заки Валидий таклиф этган Ислом тадқиқотлари институти эса қабул қилинди. 1953 йилдан бошлаб Заки Валидий Тўғон бу институт мудирлигини олиб борди.

Заки Валидий Тўғон, институтда тадқиқ олиб бориш билан бирга дарс бериладиган бир курс очиш ташаббусида ҳам бўлди. У, бу курсда ишлашга проф. Муҳаммад Ҳамидуллоҳни чақирмоқчи эди. 1953 йил 26 майда факультет илмий кенгаши “Ислом илмлари ва маданияти курси”ни ташкил этиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиб, сенатга тақдим этди.

Заки Валидий Тўғоннинг тарих тадқиқларини мужассамлаштириш йўлидаги уринишлари муваффақиятсизликка учради. Марказлашган илмий-тадқиқот институти катта самара беражигини ҳамма билар эди, аммо у нега муваффақиятсизликка учраганини билиш ҳам гоё муҳимдир. Бу масалада унинг ўзи ҳам мулоҳазаларини баён этган. Лекин биз асосан қуйидаги жиҳатларини диққатдан қочирмаслик керак эди, деган фикрдамиз:

1. Бу ишга тарих илмини менсимайдиган, тадқиқот кадрини билмайдиган, “қуним ўтса бўлди” деб юрадиган кишиларгина қарши чиқаётганига эътибор бериш керак эди. Ана шунда кўпроқ ҳаракат қилиш вожиб бўлар эди ва асар ёзувчилар, иш қилувчилар олдинга ўтишарди. Бу нарса инобатга олинмаган ҳолларда ҳар доим замон билан келишувчан, нуфузли ва мансабдор кишиларга ёқишини ўйлаб, олдинга ўтиб, керакли жойларни эгаллаб оладиган кишилар кўпайиб ва кучайиб кетади. Бундай аҳвол фақатгина қирқинчи ва эллигинчи йиллардагина эмас, қисман озайган бўлса-да, ҳозир ҳам бор.

2. Заки Валидий Тўғоннинг юртимизда иш битказиш усулларини билмаслиги, керагида кичик амалдорнинг ҳам таъсиридан фойдаланмаслиги, ишлар юришмаётганини ўзидан кўриши... Заки Валидий иш битириш усулларини эндигина ўрганган, муваффақиятларга эриша бошлаганда умри вафо қилмади, кўп имконлари зое кетди.

3. Тарих институти ходимлари — бир қатор олимлар ўзларига рақиб бир муассаса бўлишига қараб турмасликлари табиий эди. Ҳар қалай Истанбул Университети тарих ўқитувчиларининг кўпчилиги Тарих Институти аъзоси эдилар. Яна Заки Валидийни мўғулларга кўпроқ аҳамият берадиган олим деб билардилар, “ваҳший қавмлар” билан туркларни қон-қариндош кўришни истамаганларнинг муҳолифлиги ҳам бор эди.

4. Заки Валидийда ҳеч бир тарихчида бўлмаган дунё шухрати бор эди; юртдан ташқарида, айниқса, шухрати катта эди. Ўлка ичида эса унинг ихтиёрига яна институт маоши ва идора имкони катта бўлган бир муассасани беришни истамасдилар.

Натижада шундай институт қурилмади ва бундан фақат турк илмигина зиён кўрди. Лекин бу институт қурилган тақдирда ҳам Заки Валидий орзу қилган асосларда ишлаши гумон эди. Аммо, нима бўлганда ҳам яккам-дуккам илмий ишлар ўрнида катта институтнинг илмий ишлари дунёга келиши турган гап эди.

Заки Валидийнинг 1957 йилда асос солган Турк Шарқиёт Тўғараги ҳам шундай қисматга дучор бўлганди.

## 6) 1951. XXII ШАРҚШУНОСЛАР КОНГРЕССИ

Заки Валидий Тўғоннинг номини бутун жаҳонга ҳис қилдирган, уни даврнинг энг буюк турк тарихчиси сифатида танитган ҳодиса — бу Халқаро XXII Шарқшунослар Конгрессида раислик қилганидир. I Шарқшунослар Конгресси 1873 йилда Парижда ўтказилган ва у дунёнинг, шарқ ўлкалари илмлари (тил, адабиёт, маданият, тарих ва ҳ.к.) билан шуғулланган олимларини бир жойга тўплаган энг нуфузли халқаро анжумани эди. XXI Шарқшунослар Конгресси ҳам Парижда ўтган ва навбатдаги конгрессни Туркияда ўтказишга қарор қилинган эди.

Баъзи бир кишилар, 1932 йилги тарих конгрессидаги ҳодисалардан кейин Туркияда бу қадар кенг ва катта анжуман ўтказилса, муваффақият қозонмаса керак, деган шубҳада эдилар.

1950 йилги ҳукумат ўзгариши, айниқса, шарқшунослик оламида танилган олим, проф. Фуод Кўпрулуни янги ҳукумат таркибида Ташқи Ишлар Вазири бўлганлиги, Конгресс учун ижобий ишорат ҳисобланарди. Ҳар қалай, Истанбул университети ректори, проф. Ў.Ж.Сарч, Заки Валидий Тўғонни Конгресс Раиси сифатида танланганини билдирди. Заки Валидий ҳам бир қатор кўмиталар тузди.

Халқаро XXII Шарқшунослар Конгресси 1951 йил 15 сентябрда Истанбул университети фан факультетининг мажлислар залида Тартиб ва Ижроия Қўмита бошлиғи ва Конгресс Раиси проф. доктор Заки Валидий Тўғоннинг кириш нутқи билан иш бошлади. Бундай конгрессга раислик қилиши ўтмишдаги 1932 ва 1944 йилларнинг аччиқ ҳодисаларини ювиб юборди. Кейинроқ Туркия Ҳукумати номидан Ташқи Ишлар Вазири проф. Фуол Кўпрулу нутқ сўзлаб, меҳ-

монларни қутлади. 38 мамлакатдан 524 киши аъзо сифатида қатнашган конгресс 15 секция ҳолида иш юритди.

Конгрессга қабул қилинган маърузалар (илмий ишлар) саноғи 358 та эди, шундан 274 тасини ўқиш имкони бўлди. 27 маъруза кейинроқ “Конгресс Кито-би”га киритилди. 56 таси киритилмади.

Энг муҳими, Конгресс “Турк тил ва маданият тарихига доир қўл китоби (Grundriss) ни яратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Кейинчалик бошқа ном билан “Фундамент” сифатида танилган бу асарни тузиш учун тўққиз кишилиқ кўмита сайланди. Раис проф. Ж. Дени, котиб ЮНЕСКО вакили проф. Ҳ. Шел бўлиб, проф. З. В. Тўғон, проф. Ф. Из ва проф. Ш. Олтунтоғ аъзо бўлдилар. Лекин кейинги аъзолар фаолиятга кўп аралашмадилар.

### в) “ФУНДАМЕНТ” МАСАЛАСИ

Заки Валидий Тўғон 1951 йилги шарқшунослар Конгрессида “Турк тили ва маданият тамал (фундамент) китоби”ни нашр эттириш тўғрисида қарор чиқартирганда, турклик тадқиқотчилари бу ишга катта қизиқиш билан қатнашсалар керак, деб ўйлаганди. Чунки бундай китоб орқали ҳар ерда сочилиб ётган мақолалар ва турли тўпламларда беэтибор ётган маълумотлар бир мақсад атрофида жамланиб, бир тамални вужудга келтириши керак эди. Шу сабабли у, нашрни тайёрлашга катта меҳр ва хоҳиш билан киришганди.

Натижада биринчи жилд “Турк тили тамал китоби” (“Philologiae Turcica Fundamenta”) номи остида 1959 йилда нашрдан чиқди. Бу жилдда турк тили ва унинг турли лаҳжалари билан алоқадор тадқиқотлар бир ерга жойланганди. Лекин “Фундамент” идорасида (бу нашрни тайёрлаш учун тузилган халқаро идорада) олдин Ж. Дени, сал кейинроқ Дания олими К. Грунбехнинг бевақт ўлими муносабати билан баъзи ўзгаришлар юз берди. Туркиядан ўта сўл фаолиятлари туфайли Анқара Университетидан ҳайдалган Партав Н. Бўратой, кўми-тага илгари тўпловчи бўлиб ишга кирган, ҳар қалай биринчи жилднинг мундарижасини тузиб берган эди. Жилла вақт ўтгач, проф. Ж. Денининг доценти бўлган олим Л. Базин идорани ёрдамчи ўлароқ қўлга олди. Бу зот француз компартияси билан алоқадор эди. Шу туфайли “Фундамент”дан жой олган мақолалар устида ишлашга киришганди.

“Фундамент”нинг иккинчи жилди Турк адабиётига бағишланган эди. Лекин бу жилдда “Қозоқ адабиёти” қисмини ёзган проф. Заки Валидий Тўғоннинг мақоласи қаттиқ ўзгартирилди. А.Баттол Тоймаснинг “Қозон турклари адабиёти” мақоласи ҳам, бир сўз билан айтганда, цензурага учради. Бу ишни қилганлар Базин ва Бўратав иккиси бўлиб, шубҳасизки, улар советларнинг нуқтаи назарига мувофиқ иш тутаётган эдилар. Заки Валидий бундай аҳвол юз бериши мумкинлигини олдиндан ҳам билган, шунинг учун Бўратавнинг бу ишга қўйилмаслигини хоҳлаганди. Лекин сўзлари инobatга олинмади.

“Фундамент”нинг учинчи жилди тарихга бағишланган бўлиб, унинг қорала-ма мундарижасини ҳам проф. Заки Валидий, бошқа маслакдошлари билан бир-галикда тайёрлаган эди. Лекин бу жилд ҳам Заки Валидий гуруҳи тайёрлаган ҳолда эмас, проф. Базин тайёрлаган бичимда қабул этилди. Шунда З. В. Тўғон “Фундамент” кўмитасидан истеъфо қилиб, аҳволни шарҳловчи мақолалар ёзди. Шу орада “Қозоқ турк адабиёти” номли мақола у тайёрлаган ҳолда чиқмаганини маълум қилди ва мақоланинг аслини алоҳида нашр эттирди.

Заки Валидийни “Фундамент” идорасидан кетишга мажбур этган энг муҳим масала, турк маданиятига салбий муносабатда эканликлари эди. Бир қатор Фарб олимлари “Турк адабиёти” деган тушунчани тан олмаётгандилар. “Фундамент” идораси ҳам маданият билан алоқадор бу баҳслардан ўзини четга олаётганди. Лекин ҳозирги илмда маданият ҳар нарсадан олдинда келарди. Бунинг устига “маданият” сўзи олмончада “цивилизация” деган кенг маънони англатарди.

Заки Валидийнинг кураши жуда ҳам нафсиз кетгани йўқ. “Фундамент” раҳбариятининг мақолаларга аралашини илм-фан оламида қаттиқ танқидга учра-

ди ва нашр ишлари тўхтаб қолди. Орадан йиллар ўтганига қарамай, режалари 1960 йилда тасдиқланган “Тарих” жилди чиқмади. Лекин турк тарихи билан алоқадор тамал китоб турк нуқтаи назарида эмас, бошқача қарашлар таъсирида чиқиш эҳтимоли Заки Валидий Тўғонни янги ғайрат-ташаббусларга бошлади. Бу эса ҳаётининг сўнгги паллаларини ҳам буткул банд этган “Турк маданияти қўл китоби”нинг ёзилишидир.

### г) ТУРК МАДАНИЯТИ ҚЎЛ КИТОБИ

“Фундамент” масаласида тортишув пайтлари 1962 йилда Анқарада ҳукуматнинг кўрсатмаси ва ёрдами билан Турк Маданияти тадқиқ Институтини тузилганди. Лекин бу институт ҳам Заки Валидийнинг эски сиёсий рақиблари — қозонлик олимлар Р. Р. Арат, А. Темир кабиларнинг таъсирида бўлганлигидан Заки Валидийни ўзига аъзо қилиб олмади. Лекин унинг назарида кейинчалик қилиниши мумкин бўлган баъзи ишлар бу ерда янада маҳсулликроқ ва таъсирлироқ бичимда кўрилиши мумкин эди.

“Фундамент” масаласи туркчилик учун хавотирли ҳолга келиб қолганди, Заки Валидий Тўғон масалани Деҳлида йиғилган XXVI Халқаро Шарқшунослар Конгрессида кўтарди. Катта халқаро обрўси ва нуфузи билан турк маданиятининг фақат филологиясини эмас, бошқа барча соҳаларини ҳам қамраб олган 10 жилдлик “Турк маданияти қўл китоби”ни чиқаришга қарор қилинди. Буни тайёрлаш ва эълон қилиш учун Туркия, Оврупо, Америка ва Осиё олимларидан ташкил топган халқаро кўмита тузилди ва унинг маркази қилиб Истанбул белгиланди. Бу кўмита аъзолари қуйидагилар эди: проф. А.Азиз (Карочи), проф. Жзегледи (Будапешт), доктор Амал Эсинхоним (Истанбул), проф. Холоси-Кун (Нью-Йорк), проф. Ҳ. Инолчиқ (Анқара), проф. К. Жаҳн (Утрехт), проф. Масао Мори (Токио) ва проф. З. В. Тўғон.

Ҳайъат проф. З. В. Тўғонни таҳририят раиси этиб сайлади ва ҳар жилд учун бир ношир-эдитор танлади. Мўлжал ва масъуллар шундай эди:

I жилд: Турк маданиятига кириш — проф. З. В. Тўғон.

II жилд: Санъат тарихи — проф. Р. Эттингхайсен.

III жилд: Иқтисодий ҳаёт — проф. С. Улгенэр.

IV жилд: Ижтимоий ҳаёт — проф. З. Ф. Финдикўғли.

V жилд: Ҳуқуқ — проф. Ҳ. Инолчиқ.

VI жилд: Этнография — профессорлар И. Расони, А. Инон, Ҳ. З. Қўшой.

VII жилд: Илмий ҳаёт — проф. Ҳ. Дилғон.

VIII жилд: Адабиёт — проф. Ф. Из.

IX жилд: Турклар тарафидан қабул қилинган динлар — проф. О. Турон.

X жилд: Дунё адабиётида турклар — проф. З. В. Тўғон.

“Турк маданияти қўл китоби” билан доктор Амал Эсинхоним чин ихлос билан машғул бўлганди. Аммо Туркия Миллий Таълим Вазирлиги Конгресс Кўмитасининг нашрларини Вазирлик босмаҳонасида босилишини таъмин этишдан бўлак ҳеч қандай ёрдам беролмаганди. Ҳолбуки, идоровий ва бошқа хизматлар учун бир миқдор пул ҳам керак эди.

“Турк маданияти қўл китоби” мундарижалари Заки Валидий ва унинг яқин ёрдамчилари А. Эсинхоним, З. Ф. Финдикўғли ва Ҳ. Инолчиқлар томонидан жуда тез тайёрланди. Айниқса, кириш жилдининг муфассал бир режаси билан кимларга ёздирилиши ҳам ўртага қўйилдики, 1967 йилдаги бу нашр, Заки Валидий ташаббусининг нақадар буюклигини ва мукамал бўлганлигини кўрсатади.

“Турк маданияти қўл китоби”нинг нашри Заки Валидий ўлимигача чекланган ҳолда қолди. Унинг вафотидан кейин Амал Эсинхоним, ўзи ҳам машғул бўлган санъат тарихи билан алоқадор қисмларни алоҳида жилдлар ҳолида бостирди, холос.

Доктор Амал Эсинхоним, 1987 йилда вафот этгач, “Турк маданияти қўл китоби” билан алоқадор ишлар буткул тўхтади, дейиш ҳам мумкин.

## д) СЎНГГИ ЙИЛЛАРДАГИ ҲАЁТИДАН АҲАМИЯТГА МОЛИЙ ЧИЗГИЛАР

1. Туркистондан кетишга мажбур бўлган ва Афғонистон, Покистон ва Арабистонда тарқалиб кетган қозоқ туркларининг Туркияга келтирилиши учун Заки Валидий узоқ ва жиддий кураш олиб борди. Халқаро ва ички обрў-эътибори ва нуфузи туфайли бу соҳадаги уринишлари зое кетмади. Бу турклар ўлкамизга келтирилиб, Солиҳли, Кўнё ва Аданага жойлаштирилдилар.

2. З. В. Тўғон 1951 йилдан кейин дунёнинг тўрт тарафида маърузалар ўқиди, тадқиқотлар қилди. Булар орасида 1957 йили Америкада, 1958 йили Покистонда олиб борган тадқиқотлари жуда муҳимдир. Тағин 1954 йили Англияда ҳам қолиб, талай ишлар қилганди.

3. Заки Валидий 1955 йилда 65 ёшга кирган ва энди нафақа ҳаётига ўтиши мумкин эди. Лекин Туркиядаги иш фаолияти 25 йилга етмаганди. Айниқса, 1944—48-йилларда бўш юрганлиги унинг нафақадорликка ўтишига йўл бермасди. У Туркия Буюк миллат мажлисига ҳам мурожаат қилиб кўрди, лекин 44—48-йиллар ораси учун бирор чора излаб тополмади. 1960 йили 70 ёшида ҳам нафақага чиқмоқчи бўлди, аммо яна 25 йиллик иш стажи йиғолмади, етмаётган бир йил учун ёшига ўзгариш киритишга уринди. Агар шундай қилса таваллуди 1891 йил бўлар, 1961 йили ҳам ишласа, стажи 25 йилга чиқар эди. Лекин 1960 йили 27 май воқеаси муносабати билан университетлар қонуни янгилангани учун, Заки Валидий ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, ишлашда давом этганди.

4. Заки Валидий, ҳаётининг сўнгги йилларида қариллик касали идрор (сийдик туголмаслик) дан шикоят қилгувчи эди. 1970 йил 15 апрелда жинсий аъзо безини операция қилдирди. Аввалига натижа яхши бўлди, ҳатто “Ўғуз достони ҳақида” ги ишини давом эттира олди. Аммо сал вақт ўтгач, хасталиги такрорланди. Америкадаги иккала фарзанди Туркияга учиб келишди. Аммо бирдан хасталик кучайиб, янги жарроҳлик аралашувига ҳам имқони бермади ва 1970 йили 26 июл куни эрталаб соат олтиларда вафот этди. “Ўғуз достони” деярли битганди ва мен устозим вафотидан кейин уни батамом тугаллаб нашр эттирдим.

Жанозаси 2 кун кейин, 1970 йил 28 июл куни Боязид жомеъида ўқилди, сўнг Истанбул университети марказий биносига келтирилди. Деканат бошлиғи, проф. Иброҳим Қафасўғли, сўнгра талабаси ва ассистенти ўлароқ Тунжэр Бойқаро видо нутқи сўзладилар. Қоғозга туширилган матним бўлса ҳам, уни ўқий олмадим, чиқишим экспромт ҳолида бўлди. Кейин устозни Қорачааҳмад қабристонига қўйдик.

Устозимнинг ҳикоя қилишича, олис турк элларида келган бир олим бор экан, Истанбулда вафот этибди ва Қорачааҳмадга дафн қилинибди. Устоз бир кун ўша зотнинг қабрини Қорачааҳмадда роса излабдилар, аммо тополмабдилар. Бироқ энди ўзи ҳам ўша ерда ётибди. Оллоҳ раҳмат қилсин.



Василий БЕЛОВ

## Она-Ерга муҳаббат

*Тўрачилик ва атроф-муҳит. Хужжатларни таҳлил этиш чоғидаги мулоҳазалар*

**У**чинчи минг йилликнинг бошланишига бир юз ўттиз саккиз ой қолди. Бу озми ё кўпми? Бу саволни кўнгилга урмайдиган бошқа биронта савол билан алмаштиргинг, ё ҳеч бўлмаганда “бу яхшими ё ёмонми?” деб қўя қолгинг келади. Хоҳ “олтин” ё “кумуш” тўй бўлсин, хоҳ шунга ўхшаган бирон нарса бўлсин, ҳар қандай сана шахсан менинг ҳамиша энсамни қотиради. Эски замонларда русларда “олтин” ё “кумуш” тўй ҳам, туғилган кун ҳам нишонланмагани бежиз эмас экан, шекилли-да. Ҳозирги пайтда айниқса “олтин” ва “кумуш” тўй саналарисиз кунимиз ўтмайдиган бўлиб қолган.

Буни қарангки, футуралогия ҳам сана услубини четлаб ўтолмаган экан. Мисол учун 60-йилларнинг бошларини бир эслаб кўринг-а, Москванинг жуда кўп жойларида “совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизмда...” каби ҳаётга чорловчи шиорлар жар солиб турар эди. Режалар эса нафақат бешйилликлар, балки йиллар билан аниқ-таниқ белгилаб чиқилган бўларди.

Шуни дангал айта оламанки, озиқ-овқат масаласида москваликлар учун ўшанда ҳақиқатан ҳам ҳаётга умид билан қарашга асос бор эди. Бизнинг талабалар ётоқхонаси жойлашган Бутир кўрғонидаги озиқ-овқат дўконларида аъло сифатли колбасаларнинг беш-олти нави, ажойиб сельд, оловда дудланган треска ва хилма-хил пишлоқлар сотиларди. Эллик тўққизинчи йилда Москвада увилдириқ ва қизил балиқ сотиб олиш мумкин эди. Бунинг устига нархлари ҳам унча қиммат эмасди. Ўз кўзинг билан кўргангдан кейин гапирасан-да, киши!

Ҳа, дарҳақиқат, ҳаётга умид билан қарашга асос бор эди. Айниқса имтиёзларга эга бўлган москваликларда! Бироқ юртдошларим вологдаликлар ҳақида бундай деёлмайман. Беш йиллик талабалик ҳаётим давомида мен Москвадан уйга қайтишда ўзим ва қариндошларим учун Вологда сари ёғи ташидим. Ҳали ҳам ташияпман.

**Амир  
ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси**

Василий Белов ҳозирги замон рус ёзувчиси. Қишлоқ ҳақидаги асарлари билан шуҳрат қозонган. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақола қисқартириб босилмоқда. Мақола, гарчи бир неча йиллар аввал ёзилган бўлса-да, ер тўғрисида, деҳқон меҳнатининг моҳияти, қишлоқ ишлаб чиқаришининг ривожиди бюрократиянинг тўсиқ бўлаётгани ҳақидаги фикрлар бугун ҳам эскиргани йўқ. Синчков ўзбек китобхони ундан ўзи учун анча-мунча фойдали жиҳатларни топар деган умидда чоп этилган.

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

163

Бундай тартиб нечоғли ҳаққонийлиги устида бош қотиришни давлат режасида (Госпланда) ишловчи москваликларга қўйиб берайлик, сабаби вологдаликлар бу масалани аллақачон хаёлларида ҳал этиб қўйишган. Қўшниларимиз: ярославликлар, вятскликлар, новгородликлар, у ёғини сўрасангиз, рязанлик ва тверликларнинг ҳам фикрлари бир жойдан чиққан. Бу барча қадимий ва сержаранг атамалар ўзга шаҳарлик харидорларни айрим москваликларнинг дарғазаб нигоҳларидан сақлаб қололмайди. Вақтини пойтахт сайрига сарфлаган, нархи йўлкира ҳақи миқдорида оширилган ўз маҳсулоти учун икки-уч баравар пул тўлаган харидорнинг кўнглидан нималар кечишини тасаввур этиш қийин эмас. Бироқ масалага кенгроқ қарайлик. Ўз мамлакатимизнинг, ўз давлатимизнинг фуқароси ўлароқ биз фин тухуми ва қаймоғини, куба картошқасини, голландия сариеғини, юпқа учун канада уни ва котлет учун аргентина гўштини сотиб олаётганимизда айнан ўша аламини, ўша хокисорликни ҳис этмаймизми? Бошқаларни билмадим-у, аммо мен бундай ҳолатда юрагимда ҳеч қандай фахр туйғусини ҳис этмайман.

Айтиш мумкинки, жуда ғаройиб, англаб бўлмайдиган нарсалар содир бўляпти. Улкан қишлоқ хўжалиги ва ер-сувларига, дон-дун етиштириш бўйича минг йилдан кўпроқ тажрибага, қудратли илмий асосга ва тараққий этган саноатига эга бўлган буюк мамлакат ўз-ўзини озиқ-овқат билан таъминлашга қодир бўлмасая? Бундан ортиқ бемаънигарчилик бўлиши мумкинми? Бўлмаса ўзи гап ни-мада?

Бу саволга ҳатто камёб “Московские новости” ҳам жавоб беришни истамайди. Албатта, ахборот тақчиллиги бунга яхши баҳона. Бироқ ҳақиқий журналист учун бундай баҳона ўз касбини яхши билмаслигига иқроор бўлишдан бошқа нарса эмас. Ҳозирги вақтда кўпчилик одамлар колхозга тўппонча ўқталиб киритишганини “Очилган кўриқ”дан ўқиб билишади. Бироқ ёш китобхонларимизнинг катта қисми бу колхозларнинг колхозгача бўлганидан беҳабар. Мана шу колхозгача колхозлар ҳақида тарихчиларимиз ё шунчаки бирров тилга олиб ўтадилар ёки бутунлай оғиз очмай қўя қоладилар. Қизиқ-да, нега шундай қилишганимиз? Нима учун ўттиз еттинчи йилдаги отишлар ҳақида миридан-сирига-ча гапиришади-ю, йигирма тўққизинчи йилнинг охиридан бошланган отишлар ҳақида лом-мим дейишмайди? Бу ҳақда маълумотлар исталганча топилади, ҳатто ўша пайтдаги газеталарда ҳам бор.

Кенг халқ оммаси, масалани коллективлаштиришнинг ташқаридан қараганда мутлақо ғаройиб туюладиган бир жиҳатидан беҳабар эди. Бундай колхозлар бир вақтнинг ўзида ҳам тузилар, ҳам барбод топар эди. Биргина кучларнинг ўзи колхозга ҳайдаб кирар ва шу билан бир вақтда уларнинг колхозга киришига йўл қўймас эди. Минглаб деҳқон оилалари аросатда қолиб кетганди. Якка хўжалик бўлиб қолиш мумкин эмасди-ю, колхозга киришга ҳам рухсат беришмасди. Сенинг кимга ҳам керагинг бор, сен ўзи ким бўлибсан... Тутуруқ-сизликми? Афсуски, шундай эди, “Правда Севера” газетаси 1929 йил 6 октябрда чиққан 114- сонида ТАСС ихборотини ёритганди: “Саратов 5. Камишинск округ кўмитаси қарорига биноан “Красний мелиоратор” деган сохта колхозни текширган ҳайъатнинг барча ҳужжатлари айбдорларни жавобгарликка тортиш учун прокуратурага оширилди. Раис Панасенко бошчилигида колхоздан 23 киши ҳайдалди.

Бу бор-йўғи биттагина ҳолат эди. 1928 йилдан буён бундай ҳолатлардан озмунча бўлганми?

Газеталардан олинган айрим кўчирмаларга қараб қишлоқ хўжалигимиз тарихи ҳақида озми-кўпми холисона тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлади. Таассуфки, бу тарих тажриба ўтказишнинг бир сийқа саҳифасидай бўлиб кўзга ташланади.

Бир куни, бундай йигирма йил аввал балиқ овлагани Кубенск кўлига боргандим. Эсимда, илк баҳордаги тип-тиниқ осмон, очиқ март ҳавоси кўм-кўк арчазорлар ҳошияси билан қуршалган кўкиштоб қорли далалар. Никольск қишлоғига олиб борувчи тупроқ йўл ҳалигача кўз ўнгимда турибди. Қор эриши



бошланганидан дарак берган дастлабки эрувгарчилик сувларининг ҳиди димоққа уради. У ҳозиргина тутиб олинган балиқ ҳидига ўхшаб кетади. Вологдага балиқсиз қайтмаслигимга ишончим комил эди. Гап балиқда ҳам эмасди! Янги балиқ шўрвасидан кўра ҳаваскор балиқчилар билан эмас, балки ҳақиқий балиқчилар билан баҳорги улфатчиликка интиқ эдим.

Хлорсиз сувдан дамланган бир пиёла чой ичишни мўлжаллаб бешта — бординки олтита хонадондан иборат қишлоқча қаршисида тўхтадим. Машинани ўчириб қўйдим-да, биринчи хонадонга яқинлашдим. Уй эшиги берк эди — одам зоти кўринмасди, иккинчи хонадонга ўтдим — қулф. Учинчи кулбанинг эшигига қулф урилмаган бўлса ҳам дераза ойналари уриб синдирилган. Қишлоқ абгор ва ташландиқ ҳолда эди, аммо мен бунга ишонгим келмасди, мен энг охирги, четдаги уйга чопдим. Йўқ, бу уй ҳам ҳувиллаб ётарди. Дарвозаси очиқ эди, даҳлизда оташкураклар, темирўчоқ ва яна аллампалолар тартибсиз сочилиб ётарди. Мен ичкарига кирдим. Чап бурчакда ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилиб ташланган эди. Туристлар иконаларни ана шу тариқа ўмаришади. Хайриятки, печ бутун қолибди. Меҳмонхона бўлмадаги жавон эшиклари ланг очиқ, тоқчасида қандайдир идиш турибди. Бўлма ичида... солиқ мажбуриятлари ва тўлов қоғозлари ер билан битта бўлиб ётарди. Мен ердан қандайдир ҳарбий кишининг сувратини олдим, ҳалиги қоғозлардан шартта бир ҳовучини чангалладим-да, чўнтагимга тикдим ва келган йўлимдан машинамага қайтдим. Моторни ўт олдириб, қизигунча узоқ ўтирдим.

Аллақачонлар ўтмишга айланган ҳодисалар кўпинча қайта такрорланади, таъбир жоиз бўлса, ҳужжатли асосда тасдиқ этилади.

Биринчи тракторни кўришга қандай югурганимни эслайман. Колхозга киришни ташвиқ қилиш учун деярли ягона баҳона бўлган ўша тракторни. Хулласи калом, трактор ёрдамида қишлоқ ҳўжалигидаги барча муаммоларни бирйўла узил-кесил ҳал этиш кўзда тутилганди.

Бизлар ерни “она” деб, “она-ер” деб, “ризқимизни бутун қилувчи валинеъ-мат” деб алқаймиз, шаънига мадҳиялар ўқиймиз, шарафлаймиз. Лекин булар бари қуруқ гап, холос. Аслида биз унга ўта ахлоқсизларча муносабатда бўляп-миз, шафқатсизлик қиляпмиз, унинг жонли мавжудот эканини аллақачон унутиб юборганмиз. Барча тирик хилқат каби у бизнинг меҳримизга ташна. Бироқ биз ундан бегоналашиб кетганмиз. Меҳру мурувват кўрсатиш ўрнига биз ердан нафрат қилишга, унга лоқайд қарашга ўрганиб қолганмиз. Эндиликда одамзот унга нафақат ичига захарли ўғитлар солиб оғуламоқда, балки жисмоний жиҳатдан майиб қилишга қасд этгандай топтамоқда, бурғуламоқда, кавлаб ташламоқда, гусеницалар билан абжағини чиқармоқда, яъни уни том маънода жароҳатлаб, жисман майиб ва мажруҳ қилмоқда.

Ҳеч бўлмаганда замонавий карьер нима эканини биламизми? Бу ҳатто миллион йилда ҳам тузатиб бўлмайдиган улкан жароҳат. Шахталар-чи? Ахлатхоналар ва сув бостирилган майдонлар-чи? Газ қузури ётқизувчилар, электр симлари тортувчилар, нефт қазувчилар, ўрмон кесувчилар — буларнинг замин дарду алами билан неча пуллик ишлари бор? Бутун башариятни боқиб турган нозиккина, юпқагина ҳосилдор қатлам улар учун нима деган гап бўлибди! Ўн километрли хандақни тайёр қилиб қўйган ва Марсга учишга шай бўлиб турган шоввозларнинг хаёлига бундай нарсалар келармиди! Баъзи олимлар сунъий ақл яратиш борасида жиддий сафсата сотмоқда. Аммо режалари пишгунча улар бир қултум тоза сувсиз, бир тишлам нонсиз қолиб кетишларини ўйлармиканлар? Техник қулайликларни тараққий топтириш билан очлик аломатларини йўқотиб бўлмайди. Ҳозир ер юзида 4 миллиард гектар саҳро мавжуд. Инсон ёрдамида саҳро минутига 4 гектар тезлик билан кенгаймоқда. 2000 йилга келиб саҳро майдони 20 фоизга ошади. 50-60 йиллар атрофида ўрмон қуруқликнинг 30 фоизини ташкил ётарди. 1965 йилнинг ўзига келибоқ у 22 фоизгача камайди! Африка ва Жанубий Америка, Россиянинг Шимоли-Ғарби ва Сибир ўрмонлари шафқатсизларча ва шиддатли равишда кесилаётир. Атмосферадаги кислороднинг катта қисмини Ер ўрмонлари тўлдириб туради. Ўрмонлар йўқ бўлиб кетгач, ерликлар нима билан нафас оладилар?

Одамларга керак бўладиган озиқ-овқатларнинг деярли барчасини юпқа чиринди қатлам етиштириб беради. Чиринди — бу эҳтимолки, бутун коинотдаги энг ҳайратомуз ҳодиса бўлса, ажаб эмас. Бироқ ҳозирги замон технологияси табиатнинг мана шу ўта нозик мўъжизасига нисбатан нақадар нафқатсизларча муносабатда бўлмоқда! Ер сайёрасига чиринди қатлами бор-йўғи бир озгина пуркаб қўйилган, холос — у ана шу даражада юпқа ва нозик. Билмадим, уни қўзгатилаётган чанг бўронлари ва сунъий денгизу дарёлар ўз комига тортиб кетганидан кейин биз нима еб тирикчилик қиларканмиз! Океан йўсинлари билан тирикчилик ўтказишга бизлар на жисмоний жиҳатдан ва на техник жиҳатдан тайёрмиз.

...Аёл қаҳрамоним Фоминична бева бўлиб қолгач, бир парча ерини оёқяланг ҳайдайди. Карха лақабли от ҳам шудгорда оёқяланг юрганини ҳисобга олсак, “С-100”, “С-80” номли ҳозирги темир отларнинг туёқларига қанақанги бошмоқлар кийгазиб қўйилганлиги эътиборга молик. Отда шудгор қилишнинг бир хусусиятли жойи шундаки, от омовч изининг чуқурчасидан юрган. Деҳқон ҳам чуқурчадан юрган, фақат у иккинчи издан юрган. От юрган биринчи чуқурча омовч ағдарган юмшоқ тупроқ тагида қолиб кетаверган. От ҳам, деҳқон ҳам мана шу юмшоқ тупроқни босмаган, ариқча тагидан, қаттиқ ердан юрган. Ҳозир эса биз шудгорли ерни юмшатишдан кўра кўпроқ зичламоқдамиз. Филдираклар ва зилдай темир тишлар бир йилда неча марта лаб ерни шиббалагани-шиббалаган.

Улкан машина ишқибозларининг бу билан уч пуллик ишлари йўқ... Италида мен шундай манзарани кўрдим: фермер ерни отда ҳайдаяпти, бизнинг “Беларус”га ўхшаган яп-янги трактор эса уйи олдида турибди. Балки трактор носоздир? Ёки соляркани тежаётгандир? Нима бўлганда ҳам бизнинг улкан машина ихтирочиларимиз ғарбий европа фермерлари етиштирган донни сотиб олишни афзал билишади.

Бизнинг қишлоқ хўжалик техникамиз қудратли ва мураккаб бўлган сайин дон етиштирувчи деҳқонларимиз ердан шунчалик бегоналашиб кетмоқдалар. Ҳа, ер инсондан аллақачон бегоналашган, чунки ҳосил етиштиришнинг ягона туркуми кўпдан-кўп жараёнларга бўлиниб кетган. Ишнинг муваффақияти учун зарур бўлган инсон ва ер ўртасидаги ўзаро муносабатлар аллақачон ишдан чиқиб бўлган. Бегоналашув ҳаётнинг бошқа, ишлаб чиқаришдан холи жиҳатларига ҳам дахл қилган. Ватандан бегоналашув, уйдан, оиладан бегоналашув... Ердан бегоналашув, турар-жойдан бегоналашув ила мустаҳкамланган. Қишлоқ жойда яшовчи одамлар ўзига уй қуриш удумини ташлаб юборишган. Жуда кўп жойлардаги турар-жойлар энди деҳқонники бўлмай қолган. Энди уни бир жойда муқим тутиб турадиган нарса нима бўлиши мумкин? Одамларнинг кўчиб юришлари қишлоқ хўжалиги бошига битган бало бўлди! (Биргина қишлоқ хўжалиги учунмикан?) Бегоналашув маъмурий жиҳатга, раҳбарлик тизимига ўтган. Яхши эслайман, унча катта бўлмаган, тўқсигина колхозларнинг раислари колхоз йиғинларида шолғомдай қизаришарди. Халқ раҳбарият хулқининг авра-астарини ағдариб ташларди-ю, бироқ нима қилса яхши бўлиши ҳақида маслаҳат бергандек обдон тузларди, ундоқ қил, бундоқ қил дерди, ўргатарди. Ҳозирги раҳбарлар машина ва кабинетга миҳланиб, ҳаётдан ажралиб қолган. У муовини, телефон ва жонсиз қоғозлар ёрдамида раҳбарлик қиладди. Мартабалари ортган сайин бундай бегоналашув даҳшатли равишда кучайиб бораверади. Бу бегоналашув охир-оқибатда аҳволнинг ноаниқлигига, мавҳумлигига, хатоларга олиб келмоқда. Бегоналашув — замонавийлик белгиси. Аммо бундай бегоналашувнинг барча кўринишлари ер билан бегоналашувдан бошланади...

Менинг аёл қаҳрамоним Александра Фоминична учта боласи билан тинчлик замонда бева қолади, лекин тушқунликка берилмайди. Болаларини оёққа турғзади, ҳатто набира боқишга ҳам жазм этади. Менинг онам ҳам эрта бева қолган, ўттиз саккиз ёшида, лекин бу уруш пайтида бўлган, беш болани ўстирган.

Ҳамма даврларда миллионлаб рус, украин, белорус беваларига нима ёрдам берган? Улуғ Ватан уруши йилларига назар ташларканман, ҳаёлимдан ҳозир шундай ўй кечади: бизлар асрлардан бери ер билан барқарор ва бевосита алоқадор бўлганимиз шарофати ила жон сақлаб қолдик. Эсимда, ҳаммом олдидаги томорқада онам эккан арпага кунда бориб қарар эдим. Оппоқ ёз тунларида у кунлаб эмас, соатлаб етилаётгандай эди. Каттакон қарам япроғида пишган арпа таъми ҳамон оғзимдан кетгани йўқ. Ер кўз ўнгимда ажойиб мўъжизалар кўрсатарди: бор-йўғи қирқ шимол кунда бир бўлак бурушиқ картошка қирқ-мини бўридай оч бўлган бизнинг нафсимиз қондиришга қодир 10—12 оппоқ ёки пуштиранг бўлиқ туғунакларга айлангирган. Агар отам 1935—1938 йилларда ўзи дурадгорлик қилгани бориб турадиган Москвага оиламизни кўчириб олиб кетганда бизлар, эҳтимол, тирик қолмасдик. Унинг иккилангани бежиз эмасди. Шаҳарда бизларнинг, бизлар бўлмасак, бошқаларнинг тирик қолиши амри маҳол эди. Чунки ҳалиги арпа экилмаган, ҳалиги картошка қирқимлари ерга қадалмаган бўларди-да. Ердан ажратмай туриб инсонни очликдан ўлдириш учун озмунча иблисона тadbирлар ишлатиш керак бўлмайди.

Қоғоз кучи инсонга нисбатан бешафқат. Бегоналашув ҳужжатдан бошлади, руҳий лоқайдликни ҳужжатлар билан мамнун ниқоблашади. Нопок виждон дам-бадам қоғозга яширинади. “Қоғозсиз — ўлик жонман, қоғоз билан инсонман” деган ибора бор халқда. Қанақа инсон? Қоғозли инсон-да. Разведкага кетаётган жангчилардан барча ҳужжатлар, барча қоғозлар олиб қўйиларди. Бу билан инсон гўё майда-чуйда мажбуриятлардан халос топган, ўз виждони билан юзма-юз қолгандек бўлган. Худди шундайин, агар халақит берилмаса, деҳқон ҳеч бир қоғозсиз ўзининг ҳар доим бободехқонлик бурчини адо этаверади.

Қоғозлар гарамини титкилайману, аммо керагини тополмайман. Тўғриси айтганда, кўпчилигимиз қоғозлар асирлигида яшашни яхши кўраимиз. Тиббиёт “машғал”лари билан олиб борган ёзишмаларим ҳақида яна бир қарра сўзлаб беришга жуда-жуда орзумандман! Тўғри, академик Н. Н. Блохин менинг шахсий мактубимга жавоб қайтармади, бироқ илмий котибдан жавоб келди. У эса мени руҳий касалликлар институтига коптокдек улоқтириб юборди, бу институт билан эса биз тил топиша олмадик. Бутун жаҳон ташкилоти алкоғолни гиёҳвандлик моддаси деб айтса, Сербский номидаги институт “йўқ, ундай эмас” дейди. Алкоғол мавзуига оид ҳужжатлар учта семиз жилдга ҳам сифмайди. Семизликдан улар ҳали биронга ҳам маъмурият эшигидан ўтолган эмас... Энди яна бир алоҳида жилд очишга тўғри келяпти. Ҳамшира Александра Ивановна “Қизиқарли зоология”дан қуйидаги кўчирмани олиб келди: “Чумоли уясида ломехуза кўнғизининг пайдо бўлиши бу аҳил оиладаги барча муносабатларни издан чиқармоқда. Кўнғизлар чумолиларни еб ташламоқда ва тухумларини чумоли гумбакларига қўймоқда. Кўнғиз қуртлари жуда ҳам мечкай бўлиб, чумоли уруғларини еб ташляпти, бироқ эгалар бунга чидаб келишяпти, чунки ломехуза орқа панжаларини кўтаради-да, ҳўл мўйларини чиқариб қўяди, чумолилар эса очкўзлик билан мўйларни ялай бошлади. Мўйлардаги намлик таркибида гиёҳвандлик моддаси мавжуд, бунга мазахўрак бўлиб қолган чумолилар ўзини ҳам, маконини ҳам маҳжум этаяпти. Улар ишни бугунлай нутишган, улар учун энди ҳўл мўйлардан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас. Тез орада кўпчилик чумолилар ҳатто ўз уясида ҳам қимирлашга мажолсиз бўлиб қолади. Емишга тўймаган қуртлардан мажруҳ чумолилар дунёга келади ва шу тариқа чумоли зоти аста-секин қирилиб битади. Ўз “қора” ишини қилиб бўлган кўнғиз эса қўшни чумоли уясига кўчиб ўтади”.

Ана кўнғиз-мана кўнғиз! — жилдни жаҳл билан жавоннинг тўрроғига суриб қўяман. Шунга қарамай, “Қизиқарли зоология”дан хафа бўлиш керак эмас. Болалагимда бир неча мавсум колхоз асарлари хўжалигида ишлаганман. Эсимда, ёз охирида асарилар эркак асариларни уяларидан ҳайдаб чиқарар эди. Ўшанда мана шу семиз ва ҳимоясиз текинхўр асариларга ичим ачиганди. Энди мен уларни жамиятнинг сонсиз қатламларидан бирига қиёс қиламан, барибир нимагадир уларга ҳам, буларга ҳам ачиниш кетаман. Қизиқ, нима учун

мана шу ачиниш альтуризм деган қарши туйғуни уйғотмайдигина эмас, балки ахлоқий ва жисмоний заифлик деб қабул қилинади? Ҳаттоки кишини англаб бўлмас бир янги сурбетлик сари ундайди? Мен асалари оиласининг хатти-ҳаракатлари туфайли бунёд топган қуйидан юқорига бўйсинувга асосланувчи бо-тартиб қондасини ҳам, талотўпли бошбошдоқликни ҳам ёқтирмайман. Бироқ 18 миллион амалдор, менингча, унисига ҳам, бунисига ҳам алоқадор эмас. Улар ўзи билан ўзи овора. Мен аввалгидек амалдордан қўрқаман. Бошимдан кечирган қарийб барча мусибатлар девонхона, ҳужжат билан, яъни қоғозбозлик билан боғлиқ бўлган. Ҳеч бўлмаса қишлоқ советида менинг туғилган кунимни қайд этишмагандан бошлай қолай (ҳозиргача бунинг сабабини билолганим йўқ). Туғилган йилим колхоз хўжалик китобида ҳам чалкаш экан, мен уни икки марта тўғрилаб қўйдим: қирқ тўққизинчи йилда тиббий ўрик чоғида ва саксон иккинчи йили милиция ва халқ суди ёрдамида. Эсимда, иккинчи синфдалик чоғимда давомат жадвалимни йўқотиб қўйганимда, шунақанги қўрққан эдимки, қўяверасиз. Бу воқеа узоқ йиллар тушимга кириб юрди. Қўрқоқликми бу? Хулоса чиқаришга шошилмаймиз. 30-йиллар бошидаги қишлоқ ҳаётида “нусха” ёки ҳатто “нусхадан нусха” деган тушунча жуда узоқ бўлиб кетганди. Ҳужжатнинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам ўлдириш, очдан ўлдириш учун Соловкига равона этиши мумкин эди. Биз болалар ҳам бу даҳшатли ҳақиқатни билиб қолган эдик. Дарсларда ҳужжат тузишни бекорга ўқитишмасди-да. Яхши эслайман, бизни қишлоқ муаллимимиз Николай Ефимович Мартьянов ҳужжатлардан намуна кўчиришга мажбур этар эди.

Еттинчи ё олтинчи синфда биз Некрасовнинг “Маҳкама олдидидаги ўйлар” шеърини ёд олганимиз эсимда. “Мана, маҳкама. Байрам кунларида бутун шаҳар аҳли телбанамо бир тусда эшик олдига қўрқа-писа яқинлашарди”. Н. А. - Некрасов телбанамо бир тусда деб хушомадгўйликни айтган. Бироқ қудратли амалдор қошида турган ҳужжатсиз қишлоқ боласининг қўрқувини телбанамо бир тусда деб айтиш мумкинми? Икки марта қирқ олтинчи ва қирқ еттинчи йилда мен ўқишга киришга уриниб кўрганман. Ригада, Вологдада, Устюгда. Ҳар гал мени йиқитишарди. Колхоздан ФЗОга қочиб ўтган қирқ тўққизинчи йилдагина паспорт олганман. Лекин қишлоқ теварагидан нарёқда эса амалдор дегани итнинг боласидан кўп эди...

Ҳалол одамлар уларнинг ҳалолликларини билмайдилар, улар учун бу одатдаги ҳолат ҳисобланади, яхшилар уларнинг яхши эканига шубҳа ҳам қилишмайди. Камтарлар ўзларининг камтарликларини билмаганликлари учун ҳам камтардир, ҳаммадан муҳими, билишга интилмайдилар ҳам. Лекин амалдор, тўғрироғи, бюрократ, доим ўзининг амалдор эканини эслаб тургани учун ҳам амалдор. Бюрократ, яъни тўрачининг биринчи белгиси — кибру ҳаводир. У ўзидан қуйроқ амалдорни оёғининг учи билан кўрсатса, ўзидан юқорироқ амалдорнинг товонини ялайди.

Деҳқон ўз ҳаётида ҳаммадан ҳам қоғозли одамдан, яъни амалдордан қўрқади. У тунги ўғри ё қароқчидан ҳам бунчалик қўрқмаса керак! Бирон-бир қоғозга қўл қўйиш унинг учун жонини гаровга қўйиш билан барабар. Шикоят қилишни эса ўз бошига янги бало сотиб олиш деб билади. Шемякин суди қандай тугаганини эсланг-а! Яна бир нарсани эслайлик: Тайёрлов вазирлигининг молия вакили очган бир дала сумкаси қаҳрамон дилида нечоғли тушкун кайфият тугдирмаганди (мен ҳам бир гал шундай туйғуни бошдан ўтказган эдим).

Йигирма тўққизинчи йилнинг охирида мамлакатимиз ғаллакорлари қувғинди, чорасиз ва гангиган бир ҳолатга тушиб қолганди.

Вульгар-социологик тафаккур бандалари бугунги кунларгача ҳам деҳқон психологияси ҳақидаги сохта, аниқроғи, ёлгон уйдирмадан иборат тасаввурдан қутилмаган. “Қулоқ” деганда газета рассомининг кўз олдига мойланган этик ва йўл-йўл шим, эғнига жилет ва хол-хол қўйлак кийган, сочи гардиш қилиб олинган, бошига картуз қўндирган киши гавдаси келади. 30-йилларда барча катталикдаги ҳарфларда териб ёзилган ушбу сўз газета саҳифаларидан тушмасди, у барча олти келишиқда барабар тусланиб садо берарди. Тургеневнинг Хор ва Калинич образлари адабиётдан бутунлай ўчириб юборилганди. Улар ўрнини

ўғри Челкаш ва товламачи Гаврила эгаллаганди. Кўп ўтмай ҳатто дирижёр ва опера хонандалари ҳам Сусанин қизидан кўра Макбетнинг лесковлик хоними-ни афзал кўриб қолишганди. “Сенинг дон сочувчинг ва паноҳкоринг” бирдан-нига бир бўлак кўмир учун қотилга, қўпоровчига айланганди. Некрасовнинг миттвойи тезгина Павлик Морозов билан алмаштирилганди. Тақдир ўйини ҳам шунчалик бўладими?

Адабиёт билан иқтисодиёт ўртасидаги масофа у қадар узоқ эмас. Инқилобдан жунбушга келган қизиққон одамлар “ерга ҳукмронлик” қилишдан бир йўла халос топишни ўйлаб чиқаришди. Хуллас, бунга эришишди деса ҳам бўлади. Ер билан боғлиқ ахлоқий қадриятлар алданиб қолган эди. Сотқинлик жуда тез содир бўлганди (худди Лисенко Вавиловни сотгандаги шиддаткорлик билан). Қишлоқ хўжалигида минг йиллик халқ тажрибаси зудлик билан ўз ўрнини ҳаяжонланган машғалбардорликка, жоҳил олимбозликка, бошбошдоқликка ва тўраларча буйруқбозликка бўшатиб берди. Бироқ қуёшни бир маромда нур сочиб туришдан ким қайтаролган? Минг йил аввалгидек булутдан ёмғир ёғаверади, шамол ҳам истаган томонга эсаверади. Қуёш нурининг яшил хлорофил заррачаларига айланишдек мўъжизот сири деҳқон номусини сақлаб қолаверади. Бироқ ерга нисбатан эъзозли муносабат, яъниким сайёрадаги ҳарир пардадек юпқа чиринди қатламига, сувнинг табиий айланишига, ҳаётнинг одамлар учун табиий ва шу боисдан ҳам хавфсиз ҳисобланган ҳаракатига нисбатан меҳру ҳурмати шам каби лип этиб ўчади-қўяди.

Замин деҳқоннинг ўзи каби ҳимоясиз, бечора бўлиб қолди. Биз ўзимизга ҳаддан ортиқ ишонган ҳолда табиий тобелик исканжасидан қутулиб чиқишга қасд қилдик, қаердаки табиийликни сунъийлик билан алмаштириш мумкин бўлса, шу нарсага маҳкам ёпишиб олдик... Техник тараққиёт борасидаги тезкор муваффақиятлар табиатга нисбатан муносабатдаги худбинликни дам сайин кучайтира бошлади: энергия билан қуролланиш, концентрация, кимёвийлаштириш ва ҳ. к. лар авж олгандан олаверди. Бироқ йил бир юз олтмиш беш кунлигича қолаверди, қуёш ҳам керагидан ортиқча ёрита олмади (ёки бунга ҳақи йўқмиди?) Ёки оқсилга айланиш жараёнини қисқартириш, табиий йўналишни тезлаштириш мумкинмиди? Эҳтимол мумкиндир, лекин унда бунақа оқсил юзага келмасди-да... Айтишларича кимдир, қачондир сунъий увилдириқ ихтиро қилгани учун Давлат мукофотига сазовор бўлган эмиш. Унда ўзи ясаган увилдириқни ўзи еб қўя қолсин-да, барака топсин. Лекин бошқаларнинг иштаҳасини қитиқлаб нима қилади?

Модомики, деҳқон ишларининг қуёш айланишига мувофиқ келувчи йил фаслларини қисқартириш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган эса-да, бу ишларнинг технологиясини қисқартиришди. Бу ишга эринмаган банда борки, барчаси бош қўшди. Урҳо-урлик, бўлҳо-бўллик усули ишлаб чиқилди. Масалан, йигирма саккизинчи йилда тўсатдан барча газеталар деҳқонларни ем-хашакни силослаштиришга бир ёқадан бош чиқариб ўргата кетишди. Коллективлаштириш бошланиши билан Шолохов гўзал қилиб тасвирлаган кўриқ ерларни очиш кампанияси гуркираб кетди. Бундай кампаниялардан қанчаси бўлмади, дейсиз! Ўрта ёшдаги ўқувчиларда маккажўхори даври ҳақидаги, қуёнлар ва тувакларда торф чиритиш ҳақидаги, бегона ўтларни юлиш ва ҳ.к.лар ҳақидаги хотиралар, менимча, ҳали ўчмаган бўлса керак. Агар... агар Москва озиқ-овқат дўконларда энг чекка фин қишлоғи дўконларида сотиладиган маҳсулотларнинг локал ярмиси билан савдо қилганидан ҳам бу “бўлҳо-бўлчиликлар” жуда нари борганда “Крокодил” муаллифлари учун ажабтовур мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин эди (кўзи билан кўрган одамнинг гапида ёлғон бўлмайди).

Колхозларга раҳбарлик қилган одам қишлоқ хўжалигида алифни калтак деёлмайдиган даражада эди. Масалан, сут ва гўнг, дон ва гўнг кўпгина янгилик-парастлар онгида антогонистик, бир-бирини инкор қилувчи тушунчалар эди.

30-йилларнинг комсомоли ва партия фахрийси, Грезовец фуқароси С. В. Проничев менга бир латифанамо воқеани сўзлаб берганди. У Шолоховнинг матроси Давидов билан бир вақтда қишлоққа юборилган колхоз раиси ҳақида эди. Семён Давидов ҳарқалай ер ҳайдашни билар эди. Буниси эса деразадан гўнг

уюмини кўради-да, жаҳли чиқади ва гўнгни ифлос нарса, маданиятсизлик белгиси деб атайди. Айни ўша пайтларда фермаларда тозалик учун кураш кетаётган бўлиб, бу гўнгга қарши курашга айланиб кетганди. Марказлаштирилган тартибда зудлик билан тўшамани йўқотишади. Ерга тахта ётқизилган молхоналар қуриш бошланди, “гўнгни йўқотиш” ибораси эса ҳалигача ўз кучини сақлаб турибди. Лекин халқ азал-азалдан қорамол гўнгни нима учун тун олтини деб атайди? Ўқувчиларга бир нарсани эслатиб қўймоқчиман: Россия шимолидаги (нафақат шимолдаги) деҳқонларнинг қадимда мулки ва бойлиги омборидаги дон ёки чўнтагидаги пули билан эмас, оғилдаги гўнгни қанчалигига қараб ўлчанар экан! Ҳар йили далага олиб чиқиладиган гўнгли аравалар миқдорига қараб деҳқон оиласининг иқтисодий қуввати ҳақида сўз юритилар экан. Қорамолни гўшт, сут, тери ва шох хомашёси етказишдан кўра кўпроқ гўнг олиш учун сақлар экан. Бирон сабаб билан гўнгсиз қолган хонадон соҳиби пул топиб, пулига гўнг сотиб оларкан.

Бу борада халқ орасида юрган кўплаб мақолларни эслатиб ўтирмайман. Ерга обдон гўнг ташлашган. Чунки нафақат одамлар ҳаёти, балки барча уй ҳайвонлари тақдири ҳам гўнгга боғлиқ бўлган, қуёш ва ёмғир суви воситасида органик моддаларнинг доимий айланиш жараёни барқарор бўлган. Инсон табиий жараёнларга дахл қилмаган, у ўзи эҳтиёткорлик билан унга мослашган. Лекин тўсатдан гўнг йўқотилсин шиори чиқиб, ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборди.

Чет элларга қилган сафарларимда фермаларни бориб кўриш имкони бўлмаганда ҳам доим бу нарса уларда қандай эканлигини билишга қизиқардим. ГФР, Швеция, Англия, Югославия, Венгрия, Финляндия, Франция — ҳамма жойда гўнгни ташлаб юбормай, авайлаб сақлашаркан. Фақат бизлар гўнгни йўқотишга қасд қилганмиз ва дарёларимизни гўнг билан булгаётимиз. Сут етиштиришда қорамолни тўшамасиз сақлашга асосланган, ўз навбатида мажмуа деб аталувчи улкан молхона иншоотлари қуриш йўли билан илгари сурилган гўнгсиз технология натижаси ана шундай. Бу мажмуалар кимнинг миясидан чиққан? Ҳукуматга ким тавсия этган? Энди уни кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан. Шоир айтганидек, “кўза синдирган азиз...”

“Деҳқон мамлакати” деганда ҳозир қандайдир зарарли ва қолоқ шарса тушунилади, унга қарши санаоти тараққий этган давлат тўғрисидаги гапларни айтишади. Бироқ бу қарама-қаршиликдан кўпроқ сунъийлик анқийди...

20-йилларнинг охирида Сталинга Украина ва Россия қишлоқларини кўчириш ҳақидаги фикрни тикиштира бошлашади. Қулоқларни битириш ҳаракати айрим сабаблар билан ўртаҳолларни битириш, гоҳида эса қашшоқларни битириш ҳаракати бўлиб қайта туғилди. Аниқроғи, ирқчилик унсурларидан холи бўлмаган бу фожиани деҳқонларни битириш ҳаракати деб атаган маъқул бўларди.

1930 йил январида бошланган қулоқларни битириш ҳаракати Донда троцкийчилар ўтказган казакларни битириш ҳаракатига монанд равишда то 1937 ва ҳатто 1941 йилгача давом этди, бу ҳақда ҳурматли тарихчиларимиз эса сукут сақлаб келаётгилар.

Уруш (ўз ҳолича, албатта) деҳқонларни битириш жараёни чуқурлаштириб юборди, бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг троцкийча усуллари бемалол яшаб, амал қилиниб келмоқда эди. Улар нафақат уруш пайтида, балки урушдан кейин ҳам давом этди.

Бу гапларимни масъулият билан айтмоқдаман. Мен уларни ҳужжатлар билан тасдиқлашим мумкин, бундан ташқари, кўзи билан кўрганларни топиб бера оламан. Мен ўзим ҳам кўзим билан кўрганман-да! Ўқишга кириш орзуйим ушалмай юрган ўн беш яшарлик ўсмирлигимда тўсатдан “4-беш йиллик” колхозимизга мени ҳисобчи қилиб қўйишди. (Колхозда ҳисобчи бўлиш ўша вақтларда раисдан кейин иккинчи раҳбар шахс ҳисобланарди.) Шундай қилиб десангиз, ҳисобчи бўлиб қолдим, бироқ паспортсиз ҳисобчи эдим. Мен эса ўқишни давом эттиришни ва тўла ҳуқуқли, яъни паспортли бўлишни хоҳлардим. Нафақат урушдан кейинги очарчилик ва қаҳатчилик, балки бундан ҳам кўра кўпроқ

мана шу икки ҳолат мени жонажон қишлоғимни тарк этишга мажбур қилди. (Урушдан кейинги дастлабки йилларда шаҳардаги қаҳатчилик қишлоқдагидан кам эмасди.) Ўзининг иккинчи навли эканлигини ҳис қилишгани сабабидан ҳам миллионлаб тенгқурларим шаҳарлар ва посёлкаларга кетиб қолишганди. Деҳқон бўлиш умуман шармандалик ҳисобланса, колхозчи бўлиш истиқболсиз деган гап эди.

1949 йил, мен йиллик колхоз ҳисоботини тузаяпман. Бутун уруш давомида колхоз юзлаб пуд галла етиштирди ва давлатга сотди. Ҳаммасини, бир дона ҳам қолдирмай олиб кетишарди! Меҳнат кунига уч-тўрт тийиндан пул ва 100—120—200 граммдан дон беришарди. Дон қаёқда, учинчи нав, яъни совурилгандан кейин қолган чош. Колхозчи энди нима қилиши керак? Нима қилиши аниқ. Ё кетиши, ё ўғирлик қилиши керак. Кимнинг қўлидан нима иш келишига қараб худди шундай қила бошлашди ҳам. Кетганлар қайтиб келмас эди. Ўғриларни қамоққа тикар эдилар, казакларни битириш, шу билан деҳқонларни битириш жадал одимлар билан олға қараб бормоқда эди.

Илгари эслатиб ўтганим бир киши ҳақидаги гап жуда қизиқ.

20—30-йиллар атрофида якка даҳқон хўжаликлари бошидан кечирган воқеалар кўпол қилиб айтганда, 50-йилларда яна такрорланди, бироқ бу гал колхозчиларнинг ўзлари томонидан. Ўша пайтдаги шимол колхозларини йириклаштиришнинг колхозларни “коллективлаштириш” деб айтиш мумкин.

Яхши эслаيمان, тарихий ва жуғрофий жиҳатдан уюшган ва урушдан омон-эсон чиққан ўнлаб қишлоқ хўжалиги ширкатларидан бизнинг жойларда биргина, ҳа, биттагина колхоз қилишди! Бу чети билан нариги четининг ораси нақ эллик километр келарди. Шунда нималар бошланганини айтган билан тугамайди. Кўп ўтмай бўлиниш тўғрисида кўрсатма келди. Бироқ йириклаштириш ҳали оёққа туриб улгурмаган собиқ заиф колхозларнинг тинкасини қуришиб улгурганди. Бу улкан йириклаштирув тагидан зил кетганда бизнинг томондаги халқ ўзи яшаб келган қадрдон гўшасини ҳе йўқ-бе йўқ ташлаб кета бошлади.

Йириклаштиришнинг истиқболсиз деган нарсага ўхшаб қолишига бир баҳа қолганди. Минглаб қишлоқларнинг истиқболи йўқ деб эълон қилиниши мамлакатни олдиндан белгилаб қўйилган, пухта ўйланган жиноятга бошламоқда эди. Истиқболсизлик ҳақидаги тавсияни ким тасдиқлади? Ким унинг амал қилишига руҳсат берди?

Расмиятчи — бу мужмал мажбуриятга эга бўлган амалдор дегани. У ўзининг ишсизлигини афсонавий жамоатчилик зарурати билан оқламоқчи бўлади. У ўзига ишни ўзи ўйлаб топади. Бироқ расмиятчининг энг кенг тарқалган турини ўзларини чин дилдан фойдали ва зарур деб ҳисоблайдиган одамлар ташкил этади. У ўзининг ҳеч нимага арзимаслигини, жамият учун фойдасизлигини англаган ва барибир бамайлихотир иш ҳақини оладиган амалдор сурбетга айланади. Гоҳида у ўзини ҳимоя қилиш учун янгича усуллар ихтиро қилади, унинг теран ақлу заковати энди жамиятга эмас, ўз шахсиятига хизмат қила бошлайди. У отдан тушса ҳам эгардан тушмай туриб олади. Тўғрироғи, идорадаги курсисидан айрилишни хоҳламайди.

Расмиятчи ўзига муовин бўлишни ўлғудай истади, бироқ муовин ҳам ўз муовини бўлишни хоҳламайди, дейсизми. Муовиннинг ўз муовини бўлиши зарур, ҳеч бўлмаганда бир ёрдамчи керак-ку. Ёрдамчига эса котиба қиз керак.

Бу тизимда жавобгар айбдорни қидириб топиши учун, ҳаммани бир-бир ўчириб чиқиш лозим бўлади, бутун амалдорлик нарвонининг бошидан-оёғига-ча кўтарилиб чиқиш ва пастга тушиш керак. Хуллас, боши-кети йўқ бир нарса-да!

Расмиятчи ташкилот — жамоавий маъсулиятсизликдир, у ҳар бир аъзони ҳимоя қилиш кафолатини олади. Ботқоқ жойдаги замбуруққа ўхшаб уни бир қарашда оддий кўз билан кўриб бўлмайди, у мустақил ва ҳеч кимга боғлиқ эмас. Бундай тизимда ҳалол амалдор бўлиши мумкинми? Бўлиши мумкин! Ле-

кин у жуда тез қайта туғилади. Акс ҳолда тизим уни бегона этдай ўзидан узиб ташлайди.

Бошбошдоқлик давлатнинг ҳалокати билан бирдек экани барчага аён. Давлат мулақо амалдорларсиз яшай олмайди. Муаммо шундаки, дейлик, бизнинг мамлакатда амалдорлар қанча бўлиши керак? 8 миллионми ёки 18? Балки 19 ҳам оздир? Ёки 2—3 миллиони билан ҳам ишласа бўлаверадими? Бу ўринда яна сифат ва миқдорнинг ўзаро аёвсиз ва азалий муносабати юзага қалқиб чиқади<sup>1</sup>. Халқ сайлаган ақлли, жонини фидо этишга тайёр қобил амалдор ўзининг масъулияти оғир ишига шерик қилиш учун муовин қидириб юрмайди. Амалдор қанча кўп бўлса, улар ўзини шунчалик боқибегам тутишади, қанча оз бўлса, тепадан ва пастдан туриб назорат қилиш ўнғай бўлади.

Девонхона ва кабинетлардан туриб оламга расмий, амалдор-тўраларча муносабатда бўлиш жисмоний меҳнат соҳасига ҳам, бевосита дастгоҳларга, тракторларга ва сут соғиш аппаратларига ҳам кенг ёйилди. Мана бир неча мисоллар. Ҳайдовчи кабинада ўтирибди, зерикаяпти ва юкловчилар ўз ишини қилиб бўлишларини кутаяпти. У юклаши шарт эмас, чунки унга йўл варақасига қараб ҳақ тўлашади. Фермага келган сут соғувчи аёллар сут соғмаймиз деб туриб олишади, чунки тунги қоровул, яъни молбоқар, ичиб ухлаб қолибди ва лотоқдаги суоқликни чиқариб ташламабди. Ўзи ферма мудури, ўзи транспорт учун масъул бўлган сут қабул қилувчи эса қувурдаги тешикни тузатиш учун осмакалидни қўлига олмайди, у район марказига қўнғироқ қилади. Шу тариқа арзиманор носозликни деб колхозга олтмиш километр наридаги созовчи гуруҳ йўлга чиқади, чунки ферма марказлашган техник хизматига бириктирилган.

Йўқ, бундай марказлашувда, бундай чегараланувда, ишни бундай ташкил этишда бизда ҳеч қачон ишсизлик бўлмайди! Францияга қилган бир сафаримни эслайман. Парижда маданият министрлигида барча ташкилий-сайёҳлик расмиятчиликларини беш минут ичида ҳал қилишди. Бизга ҳомийлик қилган ходима бир варақча бир йўла уч кишини жойлаб қўя қолди: гидни, таржимонни ва ... ҳайдовчини. Бизда, Москвада шундай қилиб бўлармикан? Билмадим, балки қайта қурилиб бўлганимиздан кейин мумкин бўлар.

Қишлоқ хўжалигида она ерга ўз ўғиллари эмас, ўғай ўғиллари хизмат қилганида тўраларча хўжасизлик айниқса хавфлидир. Бири ўлда-жўлда шудгорлаб кетади-да, бири наридан-бери дон сочади. Учинчиси, балки, виждонан тупроғини яхшилаб юмшатиб берар. Тўртинчиси келади-да, кимёвий ўғитларни апилтапил ташлайди. Бешинчисига ҳосил ўриш насиб этади. Аммо нимани ўради? Олтинчиси хомчўт қилади, муллажиринларни ҳисоблайди. Еттинчиси ҳаммасига, шу жумладан, ўзига ҳам пул тўлайди. Ер эса битта-ку! У шўрликни кимлар кўпормайди, кимлар эзгиламайди, кимлар топтамайди, кимлар заҳарламайди, ҳали қарасанг ағдар-тўнтар қилаяпти, ҳали қарасанг бурғулаб ўяяпти, ахлатларга кўмиб ташлаяпти.

Бир гал қишлоққа ўрмондаги тор изли поездда қайтаётган эдим. Ҳайдовчи бирдан тормоз берди. Кўз олдимизда йўлга бир тулки чиқиб қолди, у бир жойда туриб чир айланар эди. Унинг нимадандир қаттиқ азоб чекиб қийналаётгани кўриниб турарди. Охири ғужанак бўлиб ётиб олди-да, қимир этмай қолди. Биз тушдик. Тулки ўлиб ётарди. “Заҳарланган қуённи ебди,” — деди ҳайдовчи. “Қуён нимадан заҳарланган?” — сўрадим мен. Ҳайдовчи осмонга қараб бош ирғаб қўйди-да, йўлида давом этди, мен эса ўрмон ичидан равона бўлдим. Қишлоққа етти километр бор эди. Йўлди борарканман, бир вақтлар мана шу йўналишдан Шукшин билан бирга кетганимизни, ҳамма нарса тўғрисида овозимизни баралла қўйиб гаплашганимизни эсладим (айиқ ва буғудан бошқа ҳеч ким овозимизни эшитмасди). Ҳозир эса ўрмондан ёлғиз ўзим кетиб бораётиман... Далагача бир километр чамаси қолганда мен самолётнинг гувиллаган овозини эшитдим, юрагимни ваҳима чулғади. У ўрмон устидан пастлаб учиб ўтди-да,

<sup>1</sup> Халқда “қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади” деган нақл бор.



кейин кўздан йўқолди. Қишлоқда менга ўрмонга бормаслигимни, ҳамма мо-рошқалар, черникалар, клюквалар заҳарланганини айтишди... Бир ойдан сўнг, Вологдага қайтгач, мен ўзимизнинг бирлашган авиаотрядга бордим. Сўрадим: “Ўрмонга нима сепаяпсизлар?” “Бутилов эфирини”. “Ахир бу заҳар-ку?” “Нима қипти? Бизда кимёвий ишлов беришга ўрмон хўжалиги билан шартнома бор”.

Авиаторлар бир неча йил барча жонли ва жонсиз мавжудотни заҳарлашди. Одамлар шикоят қилишди, аллақайларгадир ёзишди. Маҳаллий матбуот ара-лашди — самолётлар учиш ва сепишни тўхтатмади! Шундай ҳол ҳам бўлганди: заҳар солинган тайёр бочкалар ўқ билан илма-тешик қилиб ташланганди. За-ҳарли суюқликни чиқариб ташлаш учун кимдир бочкани ўққа тутганди.

Ниҳоят область ижроия кўмитаси кимёвий ишлов беришлар тўхтатилсин деган қарор қабул қилди. Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз? Республика ўрмон хўжа-лиги вазирлиги Вологдага газабнок мактуб йўллайди ва ишловларни янгилаш-ни талаб этади. Эмишки, бу услуб ишлаб чиқилган, тавсия этилган ва текш-рилган!

Идоравий сафсатабозлик ва ўзбошимчалик ҳар доим “илмий” ишловларга таянади. Фақат шундан кейингина ўз навбатида бегоналашув ва марказлашувга асосланган тезкор механизм ишга туширилади. Совет ҳокимитининг маҳаллий органлари “бош”, “марказий” ва ҳ.к. атамалардан бутунлай гангиб қолган. Ҳамма нарса марказлаштирилган, демакки, бегоналашган.

Бундай марказлаштиришнинг чек-чегараси бормикин? Йўқ. Ҳар ҳолда агар қайта қуриш даври бу қадар кечикиб келмаганида “фойдаланилмаган захира-лар” оламга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янги воқеа-ҳодисаларни тақдим этар эди. Шунинг учун севинишга ҳали эрта.

Расмиятчи истиқбол деса кўзини чирт юмиб олади, у ўйлашни ва ўзининг улкан ютуқлари оқибати учун жавоб беришни истамайди. Уни қистовга олиш-ганда эса жавобгарликни бошқасига, оралиқ бюрократга ағдаради. Ҳамма бало шундаки, у ўзини-ўзи назорат қилади, у ўз хатти-ҳаракатларида эркин. Чап бериш учун эса у ҳар доим имкон топа олади... Мана, бир мисол: муайян йилда ҳар бир оилани квартира билан таъминлаш вазифаси қўйилган. Бироқ бу вазифани икки йўл билан ҳал этиш мумкин: турар-жой бинолари қуриш ёки... ўй-ланиш сонини қисқартириш йўли билан. Иккинчи усул енгилроқ, оддийроқ, ишончлироқ!

Олдин айтиб ўтганимдек, к о н ц е н т р а ц и я деб аталадиган нарса ҳам кўплаб қишлоқ хўжалик ҳайбаракаллагчилиги ҳаракати сирасига киради. Айнан шу кон-центрация истиқболсизликнинг ўзига айланди-қўйди. Госплан раҳбарлари ка-бинетларидан тиқштирилган бу матоҳ гигантомания, яъни улканлаштириш шайдоларининг жонажон ва севимли фарзандлари эди (бунинг дадажониси ким бўлганини айтиш қийин). Давлат қурилиши зудлик билан чорва иншоот-ларининг ҳайратомуз ва ҳаддан ташқари қимматбаҳо лойиҳаларини тасдиқла-ди. Такрор айтаман, эсимда қолган барча йиллар давомида (1935 йилдан эъти-боран) Тимонихада битта ҳам уй қад кўтармади. Аммо учта молхонасарой, ик-кита кенг-ковул отхона ва иккита бузоқхона тикланди. Сув иситгич ва бошқа ёрдамчи уйлар бу ҳисобга кирмайди.

Бундай тажриба (ростданам қизиг-а?) ҳозир ҳам давом этапти: биз аввал чорва мажмуаси курамиз, яъни ҳайвонларга турар-жой, ундан кейингина одам-лар яшайдиган уй тўғрисида бош қотира бошлаймиз. (Йўл қурилишида ҳам айнан шунақа: аввал иншоот, сўнг унга олиб борадиган йўл.) Ахир йўлсиз ин-шоотни қандай қуриб бўлади? Бутун ўрмон саноати ўн-йигирма йиллаб худди шу қоида асосида ишни доим нулдан бошлар эди.

Бироқ чорва мажмуаси ўзи нима дегани? Гўнгсиз чорвани орзу қилган рас-миятчига шундай туюлганки, гўё ҳаш-паш дегунча 600 бош сигирга сут ферма-си қуриб ташлайди, сут соғишни, емиш беришни, гўнгни чиқариб ташлашни машиналаштиради — бўлди, шу билан иш хамирдан қил суғургандек осон би-

тади. Курилишни бошлаб юборишади ҳам. Кучайтирилган ишлаб чиқариш концентрацияси, ихтисослаштирилиши, шаҳарлаштирилиши — бу ёғини нима десангиз ҳам бўлаверади, — албатта, давлатга бир тийинга ҳам тушмайди...

Қишлоқ ҳўжалигида содир бўлган ажойиботлар ҳақида ўйларканман, бир рус эртагидаги гап эсимга тушади. Бир сурбет, ёвуз зот билан тўқнаш келиб қолган эртақ қаҳрамони тилсимни фош этишга жазм этади ва сирли калид билан айни ўша кириш ман этилган уй эшигини очади. Очиб, нимани кўрибди денг — қараса иккита “жонивормиш”: битта от ва битта шер. Иккаласи ҳам занжирда эмиш. От бир парча гўштни тишлаб турганмиш, шернинг оғзида эса бир тутама пичан. Бу сирнинг тагига етган қаҳрамон кўп ҳам уриниб ўтирмабди, у бор-йўғи англашилмовчиликни бартараф этибди, холос: пичанни отга, гўштни шерга қайтарибди. “Жониворлар” насибаларига етишишибди-ю, ҳеч қандай ёрдам-пордамсиз ўзлари занжирдан халос бўлишибди. Уларнинг эртақ қаҳрамонига сидқидилдан хизмат қилишларини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади...

Газеталарнинг хабар беришича, сўнгги йилларда аҳолини қишлоқдан шаҳарга кўчириб ўтказиш салкам 20 фоизга қисқарган. Менимча, бу қисқарувнинг сабаби шундаки, кетадиган одамнинг ўзи қолмаган. Қишлоқларнинг одамсиз ҳувиллаб қолиши Россиянинг кўплаб қишлоқларида давом этаётир.

Ўнлаб йил қишлоқ на фақат иқтисодий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам тенгҳуқуқли эмас эди. Клуб мудирлари ёшларнинг рақс тушишларига рухсат беришмаганини ўз кўзим билан кўрганман. Клуб аъзоси бўлган қиз баян ёки гармонни танлаб оларди-да, радиони варанглатиб қўйиб кўярди. “Диско” сўзи дилни қитиқловчи қандайдир мулозамат туйғуси билан талаффуз этиларди. Халқ эндиликда томошабинга ва бадиий ҳаваскорга бўлиниб қолган. Жадвал бўйича, бунинг устига кўтаринки руҳда кўшиқ айтиб, рақс тушишни ҳар ким ҳам орзу қилавермасди<sup>1</sup>. Клуб ва бадиий ҳаваскорлик ҳар доим оз сонли султ (томошабин, қатновчи) одамларни англатарди. Оммавий сайиллар бенишон йўқолди. Бу ерда ҳам бюрократнинг кўли ўз ишини қилди. Асрий халқ маданияти бўғиб қўйилди. Ёшгина қиз бундай аҳволда қаёққа ҳам интилсин? Албатта, қайси йўл билан бўлмасин, академик хорлар жаранглайдиган ва улкан томошалар намойиш этиладиган шаҳарга-да. У ерда, қиз тасаввур этганидек, ҳамма нарса анча яхшироқ, кўтаринкироқ, гўзалроқ. Бу ерда эса ферма, суюқ фракция, каллайи саҳарлаб туриш. Йўқ, сотувчи, фабрикада тикувчи бўлса бўлсин-у, лекин уйда қолмасин...

Натижада бўйдоқ соғувчиларимиз ёлғизликдан ичишади, сигирлар соғувсиз қолиб кетади, шаҳар дўконларида эса сутга навбатда турувчилар қатори узайгандан узаяди. Афсуски, айниқса шаҳарлик ёзувчилар, журналистлар, режиссёрлар, муҳаррирлар бригадиримиздан кўра камроқ ҳаяжонланадилар.

Оммавий ахборот воситаларининг халқ ахлоқига таъсири қанақа? Кинематографистларимиз, телевидение, радиомуҳаррирларимиз, “Мелодия” фирмаси ҳамда концерт-эстрада фаолияти, оммавий физкультура ва туристик тадбирларнинг ташкилотчилари нимага даъват этишади? Ялпи “ҳиссий-бадиий” ахборот шундайки, у ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний иштиёқини сусайтиришгина эмас, балки бутунлай сўндиришга қодир. Шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам. Эфир фаҳш, мусиқий-спорт, эстрада-цирк ғала-ғовурлари билан тўлибтошиб кетган. Сохта қаҳрамонларнинг дунёқарашлари ва мезонларини ўсмирлар ўша заҳоти ўзлаштириб олишади. Ҳеч бўлмаганда қишлоқ қизалоғи нима ҳақда орзу қила бошлайди? Қандай қилиб актриса, геолог, цирк раққосаси, жуда бўлмаганда пазанда бўлишни орзу қилади.

Ҳозир барча оммавий ахборот воситалари дам олишни ўргатишга берилиб кетган. Бўш вақт муаммоси бирданига бош масалага айланган. (Росмана маданий кишида бундай муаммонинг ўзи бўлмайди. Аксинча, унинг ҳар доим вақти

<sup>1</sup> Область ёшлар газетасининг хабар беришича, саксон тўртинчи-саксон бешинчи йиллари клуб муассасаларига минг одамдан бор-йўғи 6 киши (0,6 фоиз) қатнарди. Бегоналашув бу ерда ҳам яққол кўриниб турибди.

етишмайди.) Кўнгилочарлик — бизнинг, айниқса ленинград телевидениесининг бош муаммоси. Ҳар қандай йўл билан, ҳатто гоҳо ўта бузуқлик воситалари билан кўнгилочарлик қилинади. Ўтган йилнинг 20 ноябрида, масалан, Ленинград “Очиқ эшик” телекўрсатувида “ярмарка”даги талабаларни намойиш этди. Шаҳар ташқарисиди, ўрмонда талабалар аҳиллик билан бадиий хуррак деган томошани кўрсатди (айрим ҳайвонлар, масалан, отлар қочирилаётган вақтда қандай хириллайди, шунга тақлид қилишди). Эсимда, қишлоқда бунга энг беадаб, жирканч қилиқ деб қараларди. Бу ерда эса... Ленинград талабалари уни “хор” бўлиб, — яъни, жўрликда гавдалантирадилар, ТВ эса уни Москва ва бутун Шимоли-Ғарбга намойиш этади.

Радио ҳам кўпинча нуқул бўлмағур нарсаларни чиқаради. Русча, грузинча ёки эстонча кўшиқни эшитиш учун таҳририятга махсус хат билан мурожаат қилиш керак бўлади... Театр-чи? У бир неча йилдан бери қайта қурилмоқда, бироқ ҳеч қайта қурилолмапти. Лоақал ўзимизнинг Вологда ЁТТ репертуарини олиб кўрайлик, “Калтакесак” пьесаси — тош асри. “Ёввойи”, “Уй алвасти-си”, ниҳоят “Эҳтиёт бўл, чўчқалар!” (тагин гап қишлоқ хўжалиги ҳақида бора-япти деб хомтама бўлмай кўя қолинг), “Буратино аҳмоқлар мамлакатида” ва ҳ.к. Сарлавҳасининг ўзиданоқ вологдалик “ётт”чилар болаларни нима билан сийлашаётганини билиб олиш қийин эмас. Бошқа жойларда ҳам аҳвол шу ал-фозда. Мана шу барча театр ва концерт репертуарлари тагин ўша юқорида тузилади ва марказлаштирилган ҳолда тарқатилади! Меҳнат мавзуси бўш вақт мавзуси билан бўғиб қўйилган. Замонавий ўсмирнинг ахлоқий қадрият жадвали ўйин-кулгиларнинг давлат зарурияти белгиси остида тузилади. Кўпчилик ёш йигит ва қизлар учун спорт, туризм, бадиий ҳаваскорлик, саёҳатлар биринчи ўринда туради. Меҳнат ва оила — энг охирида...

Бизнинг файласуфларимиз, санъатшуносларимиз, танқидчиларимиз-чи? Наҳотки, улар ҳам ленинградликлар хириллаши ортидан “қайта қурилаётган” бўлишса? Ҳуқуқ фанлари доктори Софья Келина шундай ёзади: “Масалан, фоҳишабозлик учун жиноий жавобгарликка тортилиш дегани нимани англатади?.. Ахлоқсизликни суд қилиб бўладими?.. Биз ҳам фоҳишабозлик учун жиноий жавобгарлик моддаси киритишни тавсия этмоқчи эмасмиз... Гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилганлик учун ҳам жиноий жавобгарликка тортиш керак эмас... Биз бесоқолбозлик учун жавобгарлик ҳақидаги моддани бекор қилишни тавсия этамиз” (“Московские новости”, 1987, № 34).

Юртдошларимнинг бу муаммолар билан қанчалик иши бор? Келинларининг она қишлоғига қайтишини ҳисобга олиш ҳозирги аҳволда, минг афсуски, куёвларимизга жуда-жуда оғир. Келинсиз эса куёвларимиз жуда тез ичкиликка берилиб кеташади, Тимониҳадаги фермани ҳам ёпишга тўғри келади. Шуни деб “Родина” колхозининг бутун чорак бригадаси менинг Тимониҳам билан биргаликда йўқ бўлиб кетади. Гарчи бошқа пайтда бегона луқма томоқдан ўтма-са-да, биз яна эрталаблари чет эл сариёғи сурилган чет эл булкасини тамадди қилишга мажбур бўламиз...

Русда ҳалигача энг азиз меҳмонга нон-туз тутиш одати бор. “Еганингиз ош бўлсин!” дейишади уйга кираётиб, агар оила дастурхон тепасида ўтирган бўлса. Нон ва туз ҳар доим табаррук тушунча бўлиб келган. Болалари буханка нонни футбол қилиб тешиб юрган халққа нима бўлди? Тузни ҳовучлаб оёқ остига сепамиз. У ҳозирча шина ҳамда бошмоқларимиз тагчармини кемираётибди, бироқ бир вақтлар айтишганидек, “оёқдан тўзиётирмиз”. Шаҳар ювиндихоналарида тоғ-тоғ бўлиб ётган батон ва қотган булкалар, тонналаб чала еб ташланган гарнирлар... Ҳолбуки, Ғарбнинг энг бой мамлакатларида ташлаб юборилган нонни камдан-кам ҳолларда кўриш мумкин. Шаҳарларимизда қарға-қузғунларнинг бу қадар кўпайиб кетганлиги бежиз эмас-да. Бошқариб бўлмайдиган бу парранда зоти ўрмонларда урчийди, аммо шаҳарларда қорин тўйдиради.

Қишлоқда ҳам нонни кўплаб увол қилишади. Бир куни биринчи синфда мен билан бирга ўқиган ҳамқишлоқ бир аёл тенгдошим ярим қопча думалоқ

нон сотиб олди. “Нима қиласан бунча нонни, — дедим, — қотиб қолади-ку”. “Бузоғимга! Ивитиб бераман, битта қўймай ейди”.

Қўшни қишлоқдаги момолар гуруч сотиб олишади, ўзларигамас, товуклари-га. Олтмиш километр наридаги район марказидан келтирилган иссиқ нонни дўкондан қоплаб олишади. Қишда чанага ортиб кетишади. Қўй ва сигирларини боқиш учун ўн беш-йигирматалаб олишади. Тагин ҳар йили катта-катта майдонларда пичанлар ўрилмай қолган бир аҳволда шундай қилишади. Ўтлоқ-зор ва ўрмонзорлар йилдан-йилга ўроқ тегмай, чирмовуқ остида қолиб кетаяпти. Қўшнилари ҳайрон бўлишади: нима гап ўзи? Сигир яна бола ташлаб қўйди. Нариги ҳовлидаги сигир қисир қолди, гўштга топширишга тўғри келади. Сигир чўчка эмаслиги, уни нон билан эмас, сомон ва хашак билан боқиш кераклиги беканинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Баҳорда бир кило пичаннинг нархи бир кило нондан ҳам қимматлашиб кетади. Агар ўтни ўришга рухсат беришмаса, молини нон билан боқаётган кампирлар ва нафақахўрларни маломат қилишдан тийилиб турамиз. Биргина сигирнинг ўзини боқиш учун камида 40 боғ пичан ўриш лозим. Пичан қўлда ўрилади, чунки сайёҳлик, ов ва ВИА буюмларини зўр бериб ишлаб чиқараётган саноатнинг кичик қишлоқ хўжалиги механизацияси билан шугулланишга ҳалигача вақти йўқ. Чех ва гэдээр (ГДР) ўриш машиналари ҳам қиммат, ҳам олиб келиш қийин. Шу боис Даниил Заточник замонларида қандай ўришган бўлса, шундай ўришга тўғри келади. Ҳатто шаҳарлик куёвлари ёрдамида бўлса ҳам ногирон ёки нафақахўр 40 боғ пичанни ўриб олармикан? “Ўриб олади!” — кескин ҳитоб қилишади идорадагилар. Областдаги шахсий сигирлар боши ҳар йили икки мингга камайиб бораяпти, ҳозирги амалдор учун сигир илгаригидек жамоатники ва шахсийга бўлинади, сигирлар миқдори қисқариб бораверади, раҳбарлар сони ортаверади...

Қачонлардир менинг ватанимда ҳозирги Азла қишлоқ совети ҳудудларида 3 мингдан ортиқ одам яшаган, уларга бор-йўғи уч киши раҳбарлик қилган: урядник, каттот ва бўлис оқсоқоли Кузьма Иванович. Ҳозир худди шу ҳудудда атиги 200 одам истиқомат қилади. Бошлиқлар эса... Санаб саноғига етолмайсан. Тракторчиларимиз ярми ҳазил — ярми чин қилиб шундай дейишади: “Идорадаги ўриндиқларнинг барчаси банд, энди дераза раҳларида ҳам ўтиришибди. Ўтириб, бир-бирига соққа отишяпти. Соққаси нимадан дерсиз? Конфет қоғозидан-да”.

Район марказидаги идоралар янада тигиз. Уларнинг аниқ саноғини бошлиқларни пичан ўримига юборишаётганда район газетаси чоп этадиган ташкилотлар рўйхатидан билиб олиш мумкин. Бир кун мен 30 та турли хил идораларни санаб чиқдим. Бошлиқларга хос бўлган шижоатнинг аҳволи шу бўлдими? Эсимизда, ҳар бир шундай идора область марказида ўзининг кўплаб бошлиғига эга. Куз оқшоми Вологда марказига бир чиқиб кўринг-а — атрофдаги иморатларнинг маъюслиги ва сокинлигидан ҳайратга тушасиз. Деразалари қоп-қоронғи, чунки чор-атрофи бошдан-оёқ идора. Бутун-бутун идора маҳаллалари, чунки уларнинг бари марказга тўпланган. Шаҳарнинг марказдан узоқроқ жойларида ҳам идоралар тўлиб-тошиб ётибди, лекин у ерларда турар-жой бинолари кўпроқ бўлганидан ҳаёт кувноқроқ кечади. Мана шу ташкилотларнинг барчаси ўзининг марказий ва республика органларига, бош бошқармаларига, вазирликларига эга. Бу идораларда озмунча одам тирикчилик қиладимми?

Мени хоҳ демагог денг, хоҳ ретроград денг, аммо барибир кадрлар етишмайдиган минглаб фермаларни ва абадий бўйдоқлик ҳаёти хавф солиб турган минглаб қишлоқ йигитларини эсламасдан туролмайман, Соф шаҳарча, аксар ҳолатда хийла шубҳали кадрятлар ташвиқоти ва марказлаштириш балоси айниқса ёш аёлларни ўзига кучлироқ тортади. Улар орқасидан бошқалари йўл олади. Бригададан чиқиб марказий кўрғонга, марказий кўрғондан қаергадир район марказига, ундан ҳам тузукроғи область марказига кўчиб ўтишади, бу ердан Ленинградга ва Москвага кўчиб ўтиш энди чўт бўлмай қолади. Орқага ҳаракат йўқ ва яқин орада, эҳтимол, бўлмайди ҳам.

Тўрачиликнинг асосий қонуни ҳам бор: ҳеч бир давлат хизматчиси хизмат пиллапоясидан пастга қараб интилмайди, ҳар ким битта зина юқорига кўтарилишни хоҳлайди. Ўз-ўзини қайта ишлаб чиқаришга ва ўз-ўзини таъминлашга қодир бу тик чизиқ шаклида марказлашган маъмурий-тўрачилик тизими ҳайратланарли даражада яшовчан ва серуруғдир! Менинг бир аёл танишим Вологдада иқтисодчи бўлиб ишлар эди. У бир куни Москвада уларнинг бош бошқармасини ёпиб қўйишганини сўзлаб берганди. Ёпишга-ку ёпишибди, лекин ўша заҳоти шунинг ёнгинасидан янги муассаса очишибди ва ходимларнинг кўпчилиги бетўхтов ўша ёққа кўчиб ўтибди. Бу жамоани қисқартиришнинг иложи йўқ, улардан биронтаси ҳам колхозни-ку кўяверинг, заводга ҳам кириб ишлашни хоҳламайди. Идоралар кўпайиш хусусиятига эга, улар уруғланади. Улар уруғланаётган медузадай бўлиниб кетаверади. Улар яшовчан ва бир куни юзага келгач, йўқ бўлиб кетолмайди, бироқ қайта гавдаланади, қайта шаклланади, янги-янги номлар олади.

Олимларга шундай саволимиз бор: саноат-иқтисодиёт тараққиётида чегара борми? Ҳар йили Ер сайёрамыз қаъридан турли экскаваторлар ёрдамида биз ўзимиз яратмаган жонли ер жинсидан нақ 20 миллиард тоннани ўйиб оламиз. 20 миллиард тоннадан яратган матоҳимиз атиги 2(!) фозини ташкил этади, холос. Қолганини ташлаб юборамиз<sup>1</sup>. Айтишларича, сўқир табиатда ҳеч қачон ҳеч қанақанги чиқинди бўлмаган, билим билан қуролланган инсонда 98 фоз чиқинди бўлар экан. Агар тараққиёти шунақа бўлса, таназзули қанақа бўларкин?

Инсоният дапқир-дапқир табиатга панд бериш пайида бўлади. Нимагадир эришади ҳам, бироқ йўқотиши ҳам талайгина. 20-йилларнинг илмий ва ижтимоий-сиёсий журналлари “ёшариш” мавзуини жиддий тарзда зўр бериб ишлаб чиқар эди. Урф бутунлай фанга тесқари бўлиб кетгандай туюлади, лекин бунақа эмас, шекилли! М. Булгаков бу борада ўзининг “Касофат тухумлар” ва “Ит юрак” асарларида ачитиб гапирган, аммо Лепешинская бошчилик қилган “ёшариш” орзудан зудлик билан назарияга айланди. Назария эса ўша заҳоти табиат билан ҳамкорлик қила бошлади... Академик Лисенко иссиқ эмас, совуқ ёрдамида уруғларни баҳорикорлаштириш тажрибасини ўтказди. Яна кўплаб ҳаёлий лойиҳалар мавжуд эди. Улканлаштириш жазаваси нафақат илмий-техникавий маънода, балки ижтимоий-иқтисодий маънода ҳам тантана қилар эди.

Албатта, уруғшуносларимиз асосан вазн ва ҳажм, яъни миқдорга зўр бериш йўлидан бордилар. Сифат сукут сақларди. Диалектика қонунига зид ўлароқ у ҳозир ҳам чурқ этмаяпти. Миқдор ҳазрати олийлари на фақат бизда, ҳатто Фарбда ҳам қутурмоқда. Фарбий Европа нонининг таъми ва ҳиди кўнгилдагидай эмаслигидан ёқа ушламаган ким бор? Кўриниши чиройли, пўрсилдоқ, оппоқ. Чайнасанг-чи? Резинадай ҳеч қанақа таъми йўқ. Аслида таъми бор, истаганча топилади. Биргина ГФРнинг ўзида ноннинг 200 нави ёпилади. Мен, албатта, барча навлардан тотиб кўрганам йўқ. Фарбнинг ҳаммабоп, ортиқча имтиёзга эга бўлмаган навларидан умумий хулоса чиқариб айтаяпман бу гапларни. Агар Англияда ҳосилдорлик гектаридан 70 центнергача етиб борган бўлса, таъм ва ҳиднинг бахридан ўтиш керак эканми? Франция ва Германияда ҳосилдорлик камроқ, бироқ у ерда ҳам дон етиштириш технологияси минерал ўғитларсиз, бошқача қилиб айтганда, кимёвий моддаларсиз бўлмас экан. Бутун дунё “кимёлашяпти”. Дон хўжалигини кимёдан халос этиш учун фермерлик ҳаракати Европада эндигина бошланяпти. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ у кенг жамоат-

<sup>1</sup> Чиқиндисиз, экологик жиҳатдан соф маҳсулот фақат қишлоқ хўжалигидагина олиниши мумкин, у ҳам булса уй шароитида, кимёвий моддалар ишлатмасдан. Бу ҳақда ўтган асрдаёқ Н. Федоров айтиб ўтганди: “Санитария жиҳатдан шаҳарлар фақат чуруқ нарсалар ишлаб чиқаради, кейин эса уларни ўсимлик озиқ-овқатга айлантиради, бинобарин, шаҳарларнинг алоҳида тирикчилиги, ҳаёт жараёни устидан чириш жараёни устун келиши керак... Шаҳарларнинг кўпайиши баробарида санитария ва ишлаб чиқариш масалалари яна ҳам ўткирроқ шакл касб этмоғи, яна ҳам хатарлироқ бўла бормоғи керак.

чилик томонидан қўллаб-қувватланаётир. Минерал ўғитларсиз, гербицидларсиз ва бошқа кимёвий моддаларсиз ҳосил етиштириш вазифасини қўйган фермерларга осон бўлмаётгани ўз-ўзидан аён. Лекин келажак уларнинг тарафида. Яна бир газета иқтибоси:

### “КИМЁСИЗЛИК ХОСИЯТИ

Инглиз қишлоқ хўжалик экспертларининг башорат қилишларича, кейинги бир неча йил ичида сунъий ўғит ва кимёвий моддалардан фойдаланмасдан озик-овқат экинлари етиштириш янада ортади. Фақат органик ўғит истеъмол қилувчи ширкат фермерлари миқдори масалан, ҳалитданоқ кескин ошиб кетди. Бу ширкатга кириш учун икки йил мобайнида ҳеч қанақа кимёвий модда қўлланмаслиги зарур, яъни анчагина тажриба тўплаш керак. Бир вақтнинг ўзиде фақат органик ўғитлар кўплаб етиштирилган дон маҳсулотлари қимматлашиб бораверади, буғдой учун одатдагидан 30 фоиз, сули учун 40—50 фоиз кўп тўланади”.

Бу мақолани “Советская Россия”да, “Интеркуррьер”да эмас, биринчи устунда бериш, майда ҳарфларда эмас, йирик ҳарфларда териш керак эди.

Ноннинг кимёвий таркиби (биз уни ғарбий европаликларга қараганда кўпроқ еймиз) тиббиёт ходимларини ташвишга солиб қўйяпти. Заҳарланган ерда заҳарланмаган бошоқ, заҳарланмаган илдизли мева ўсиши мумкин эмас! Еримиз эса ҳозирнинг ўзидаёқ гербицид ва бошқа тур заҳарлар билан тўйиниб бўлганлиги сир эмас. Бу ҳақда менга академик Терентий Семёновий Мальцев айтган эди. Немис профессори Лотар Финке ҳам таъкидлагандики, “агар кимёвий моддалар солиш тўхтатилганда ҳам тупроқларда салбий омиллар аккумуляцияси давом этаверади” (Совет ва Ғарбий Германия экологлари ва ёзувчиларининг Дортмунд учрашувидаги маъруза).

Содда қилиб айтганда, ҳатто тупроққа кимёвий моддаларнинг бир қарра ташланиши ҳам узоқ муддатли салбий жараён пайдо этади. Академик Т. С. Мальцев сўзига қараганда, шудгор ерларни заҳар ва кимёвий моддалардан қутқариш учун жиддий маблағ ажратиш зарур бўлади. Лекин бизда ҳатто бундай технологиянинг ўзи йўқ! Энг асосийси эса, қишлоқ хўжалигида кимёдан истифода этиш тобора авж олмоқда. Бир вақтнинг ўзида биз дарё ва қўлларга гўнларни олиб бориб тўкмоқдамиз, уни ерга қайтариш ўрнига биз ТЭЦларимиз қозонларини ассигнациялар билан, аниқроғи, торф билан қиздирмоқдамиз. Ҳатто чаласавод агротехника ҳам шу нарса аёнки, торф аралаштирилган гўнг жуда осон, бамисоли йўл-йўлакай ернинг бутун ҳосилдорлик қувватини қайта тиклашга қодир.

Бир куни Юрий Александрович Прилежаев (Белозер район қўмитасининг собиқ котиби) менга “Либих бочкаси”ни чизиб берганди. Бу бочка ернинг кимёвий озикланиши маъносини жўн ва рамзий қилиб тушунтириб боради. Бочканинг ҳар бир тахтаси кимёвий унсур билан белгиланган: натрий, бор, азот, темир, калий ва ҳ.к. (тахталар қанча кўп бўлса, шунча яхши). “Шунақа, — тушунтиради Юрий Александрович, — дейлик, бочка кимёвий ўғитлар билан лиммо-лим тўлдириб қўйилган. Аммо агар унда биргина унсур ҳам кам бўлса (масалан, бор ёки фосфор), бочканинг энг қуйи чизигидан озгина баландда жойлашган бутун аралашма фойдасиз бўлиб қолади. Ҳосил яхши бўлмайди”.

Бу тупроққа солинувчи ўғитларнинг кимёвий таркибини аниқ ҳисоб-китоб қилиш учун ҳар бир агрономимиз, ҳар бир тракторчи ва сеялкачимиз қанақанги академик бўлиши кераклигини айтиб турибди. Шунда ҳам участкалар, дала-лар ва районлар бўйича тупроқнинг кимёвий таркибини билиш лозим бўлади.

Кимёвий ўғитлардан амалда қандай фойдаланилаётгани барчага маълум. Улкан кимёвий корхоналар қурилишига сарфланаётган миллиардлар қоплан-

маётир, уларнинг маҳсулотлари ерни, ҳавони, сувни ва овқатимизни янада кўпроқ заҳарламоқда. Баҳор тошқинлари ўғитларни қандай ювиб кетганини, нитрофоскали қопчиқларни лойга ўтириб қолган автомобил гилдираклари остига қандай ташлашганини кўрганман...

Жон сақлаб қолишни хоҳлаган инсоният эртами, кечми асрлар синовидан ўтган, табиий, деҳқонча, чегараланган ва шу боисдан ҳам безарар жараёнга қайтишга мажбур бўлади: ер — моллар учун дон ва емиш — гўнг — ер. Европа “яшиллар ҳаракати” иштирокчилари бунга аминдирлар.

Сирасини айтганда, “яшиллар ҳаракати” бизнинг мамлакатимизда ҳам амал қила бошлаган. Бундоқ олиб қараганда Ғарбда ҳам, бизда ҳам бу ҳаракат тарафдорларига тақдир енгил йўлни асраб қўймаган экан. Улар икки барабар мардонавор бўлмоқлари шарт, чунки халос бўлиш учун вақт ҳаддан ташқари оз қолганди...

Ер сайёрасида ҳар куни биоиндикаторлардан биттаси йўқ бўлиб кетар экан, ҳайвонот олами турларини шундай аташаркан. Табиат икки томондан қамалга олинаётир, инсон фаолияти қуриб бормоқда ва чиқиндига айланмоқда. Юқорида эслатиб ўтилган профессор Лотор Финке яқинлашиб келаётган иқтисодий ҳалокат тўғрисида гапира туриб, нисбатан янги дефицит — қонунларнинг ижро этилишидаги дефицитни эсга олади. Унинг сўзларига қараганда, ГФР ҳокимияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунларнинг ижро этилишига панжа орасидан қарар экан. Бизда озмунча яхши қонунлар қабул қилинганми?

Дортмунд учрашувида шундай асосий умумий фикр баён этилди: гомосапиенс тури жонли табиатнинг бошқа барча турлари билан қарама-қарши қилиб қўйилган. “Иқтисод фалсафаси ҳозирча фаровонлик фалсафасига таянади, — дейди яна профессор Финке. — Лекин атроф-муҳит муҳофазаси инсоният учун зарур эмасми?”

Иркутскда бўлиб ўтган совет-япон илмий анжуманида япон ёзувчиси Хироси Нама БМТ маърузаси ҳақида эслатди. Маърузада айтиладики, “2000 йилда йўқолиб кетиш даҳшати жонли мавжудот турларининг учдан бири устига соя ташлайди”. БМТ Кўмитаси сайёрамиздаги ҳаёт учун ўрмонлар мутлақо қимматли аҳамият касб этишини таъкидлади. Иркутскда сув ҳақида нима дейилгани хусусида яхшиси ҳозирча сукут сақламоқ керак, бунинг учун алоҳида ва пухта мақола ёзиш лозим бўлади...

Бироқ ўйлаш учун бизда вақт йўқ. Радиациянинг безарар миқдори бўлмайди. Сувчилар бир неча йил ичидаёқ улкан Орол денгизини ҳўплаб-ҳўплаб қуриштиди. Байкал кўлини ҳўплаб қуриштиш қийинроқ, аммо бир ҳафта ичида заҳарлаш мумкин. Шексна яқинда ундан ҳам қисқа муддатда заҳарланди. Вологдадаги ичак ва бошқа касалликлар ҳисоботи ичимлик суви манбаларига саноат ва қишлоқ ҳўжалиги чиқиндилари ташланиши ҳисоботи маълум бўлгани каби, жамотчиликдан пинҳон қолмоқда. Биз истеъмол қиладиган картошка, сабзавот, меваларнинг кимёвий таркиби ҳам бизга маълум эмас. Борзорга ёки сабзавот дўконига кирган кишилар олмаларни чақмоқлаб кўриб сотиб олишлари бежиз эмас-да. Лекин бу умуман соддаликка киради, чунки қуртлар, гўмбақлар ва вируслар кимёвий моддаларга осон мослашади, сувакларга эса ҳатто радиация ҳам таъсир қилмас экан. Балки кўнғиз ва гўмбақлар тажрибасини ўзлаштириб олсакмикан-а? Озиқ-овқат ишлаб чиқаришда кимёнинг ўзидан воз кечиб қўя қолганимиз яхшимасмикан? Мева, илдизмева ва бошоқлар каби неъматларимизни биологик жиҳатдан ҳимоя қилишга қайтсак қандай бўларкин?

Бу барча ташвишли хитобларни мутахассис-режаловчилар обивателларнинг саросимали қичқириқлари деб аташади. Кўпгина масъулиятсиз олимлар режаловчилар ва ҳўжалик раҳбарларнинг бундай фикрларини маъқуллаб чиқмоқдалар.

Виждонли олимлар унчалик кўп қолгани йўқ. Нима десангиз деяверингу бизда ишлар илмий ишлаб чиқаришнинг ўзига қараб олиб борилмаётир, балки ишчи ўринлар ишлаб чиқаришга зўр берилаётир. Мамлакатда юзлаб бўлмас-

да, ҳар ҳолда ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари барпо этилган. Академиклар, профессорлар, номзодлар, катта илмий ходимлар ва лаборантлар адади олти хонали сонлар билан ўлчанади. Аммо бу улкан қўшиннинг сифатини нима билан ўлчаसा бўлади?

Баъзи журналистлар Чернобил фожиасини ҳам зилзила тарзидаги табиий офат деб пеш қиладилар. Ахир, дўстлар, электростанция ўз қўлимиз билан яратилгандан кейин, қанақасига у табиий офат бўларкан? Кимдир уни ўйлаб топган, чизмалар берган, қурган-ку. Ахир кимдир бу фожаия учун жавоб бериши керак эди-қу! Радиодан берилган бир репортажда бу ҳодисанинг фойдалилиги ҳақида гапирилганига нима дейсиз? Репортёр бу ишда кўплаб партия ходимлари қандай тобланганликларини энтикиб сўзлаганди. Бу ўринда Грибоедовнинг Скалозубини эсламай бўладими? Москва ҳақида гапираётиб у шундай дейди: “Менинг ўйлашимча, Ёнғин унинг безанишига имкон туғдирди”.

Биз кўпинча оқибатларини тугатишга пул сарфлаб ва шу билан сабабларни янада кўпроқ мустаҳкамлаб яшашга моҳир бўлиб қолганмиз. Бунга мисоллар истаганча топилади. Яна ўша болалар фонди яратилишини олайлик. Болаларга қарши бир нима дейишга кимнинг тили айланади? Аммо болалар уйи ва ота-оналари тирик етимлар — бу мусибатлар сабаби эмас, балки оқибати-ку! Ташландиқ болаларга давлатнинг инсонпарварларча муносабатини кўриб туриб кўзини сузган оначалар билан нўхтасини узган отачалар йўқолиб кетмаептигина эмас, қайтага тобора кўпайиб бораёпти-ку. Ёки: ёвузликка қарши курашнинг савобли баҳонаси остида биз алмисоқдан қолган ЛТПлар қуряпмиз, бунга халқ пулларини сарфляяпмиз. Аммо бу ҳам жиноятлар сонини қисқартириш учун қамоқхоналар миқдорини кўпайтиришнинг ўзи-ку.

Инглизларда бир гап бор: ёмон нарсалар сотиб олгани биз унақа бой эмасмиз. Биз-чи? Бироқ наҳотки, хом ашёни сотиб, нафақат чет элнинг писка ва колготкасини, гоҳо унчалик илғор бўлмаган технологиясини, эскирган жиҳозларини ва НАТОнинг туриб қолган сариеғларини сотиб олиш учун шу қадар бой бўлсак?

Олтмиш йилдирки, биз ёғоч сотяпмиз. Нефть ва газни сотяпмиз. Кола ва бошқа жойларнинг фойдали қазилмаларини четга чиқаряпмиз. Чет эл валюта-си кетидан тушиб, биз ҳамма нарсани ҳайдаб соляпмиз: мўйна, Сибирь панталари, женьшень; Вологда брусникаси ва клюкваси, Каспий ва Узоқ шарқ увилдириғи, осетра ва қизил балиқ. Ўзимизга ҳеч нарсани қолдирмаяпмиз. (Шу нарсалар билан савдо қилган одам ўла қолса ҳам тушликни увулдириқсиз ўтказмайди). Икрасини ҳам худо олсин, бизга оддий кўй гўшти ҳам бўлаверарди! Аммо Вологдада кўй гўшти ҳам йўқ, ҳолбуки биргина Кумзеранинг ўзида Романов қўйларининг кўпминглик отарлари мавжуд.

Ҳа, давлат режаси ходимлари чет эл учун табиатнинг тафсиқ неъматларини аяб ўтирмайдилар, бошқа табиий бойликлар ҳам уларга чўт эмас. Шартнома-лар қамчиси остида улар қачон қараманг кон саноятимизни ҳайдашгани-ҳайдашган: бўла қол, бўла қол! Кўпроқ ёғоч ва газ, кўпроқ мўйна! Саноят ҳам қизганиб ўтирмайди. Режадан ташқари мўйна, режадан ташқари балиқ, режадан ташқари ёғоч. Улар мамлакатимиз учун қандай аҳамиятга молйк эди? Ҳар ойда режадан ташқари ярим кило қон толширишга қарор қилган донорни кўз ўнгимизга келтирайлик...

Тимонихани уч томондан қуршаб олган, кенг кўлам билан ёйилган ўрмон санюати хўжалиги ақл бовар қилмас шиддат билан қадрдон ўрмонларимизни чет эл ва ватанимиз санюати билан ямлаб ташламоқда. Бир вақтнинг ўзида рубллар ва червонлар сонсиз тракторчилар, чокерчилар, кранчилар, омоччилар чўнтагига ҳазм бўлиб кетмоқда. Улар аллақачон шудгорлашнинг пири бўлиб олишган. Ялтироқ япон курткалари кийган шимол ва украин ғаллакорларининг авлодлари ўрмонларни кесишгани-кесишган. Коми республикасида болгар дарахт кесувчиларининг бутун бир давлати бирпо этилган. Узоқ Шарқда... Лекин ҳадеб шикоят қилавериш ҳам жонимга тегиб кетди. Танқиднинг гашга тегувчи оҳангидан бошқача оҳангга қандай қилиб ўтсам бўларкин? Йиғилишларда айтилганидек, ишчан оҳангга ўтсам дейман.



Шу сатрларни ёзаётиб мен бирдан соатга қарадим. Аллақачон тонг отган эди, бироқ дераза пардаси ёпиқ бўлиб, ўткир стол чироғи ёниб турибди. Мен, албатта, чироқни ўчираман, лекин буни сал эртaroқ қилсам ҳам бўларди-ку. Бир ёки бир ярим соат чироқ бекорга ёнгани қолди. Ташқарида офтоб. Пушкинча — қишки офтоб. Бироқ кучли чироқлар куни билан ўчмайди. Олиб келган пичани учун тракторчини чойга чақиришганда дизел трактор бир бурчакда соатлаб тариллаб турганини неча бор кўрганман. Куппа-кундузи чироқлар кўп-кўп ёнади, электромоторлар айланади, компрессорлар тар-тар қилади, газ машъалалар порлайди! Двигателни вақтида ўчириб қўйиш ўрнига биз янги Чернобллар, янги Чебоксари ГЭСлари қургани шошамиз. Шу билан қимматбаҳо ери-мизни чиқиндиларга ботирамиз. Нидерландия майдони 36,9 минг кв. кмни ташкил этади. Биргина Куйбишев сув омборининг майдони 6450 квадрат километр. Биргина Куйбишев сув омбори остида фермалари қарийб барча НАТО иттифоқчиларини пишлоқ ва сарийғ билан таъминлаб турувчи Нидерландиянинг олтидан бир қисми ётибди.

Техника тараққиёти билан боғлиқ жирканч давра юзага келади. Табиатда ҳамма нарса ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини биз энди-энди англаяпмиз, шунда ҳам ҳаммамиз эмас. Бизга ҳали ҳам табиат бойлиги битмас-туганмасдек кўринади. У ҳар қандай қилигимизни кўтара олишига ва ҳар қандай жароҳатимизни ўзи билиб даволашига ҳали ҳам ишонамиз. Қанчалик гаройиб енгилтаклик, қанчалик масъулиятсиз дунёқараш, худди ёш боланинг ўзгинасимиз! Сурбетларча иборада ифода этилмиш шоҳона хитоб ундан ҳам даҳшатли: “Людовик XIV ҳозир тирик бўлганда у фахрланган бўларди: дунёга нисбатан бундай муносабатнинг яшовчанлиги у ўйлагандан кўра анча серқирра, кўпёқлама экан. Дабдабали Версал кошоналари, албатта, ҳозирги вазиrларнинг кабинетларидан кўра улугвороқдир, лекин улар деярли иситилмаган, фаранг қироли ўзининг шахсий исиниши учун ҳар қандай ҳозирги Париж фаррошидан камроқ калория сарфлаган. (Шуни ҳам айтиш керакки, Версал саройида ҳожатхона муаммоси анча жўн ва ибтидий тарзда ҳал этилган. Шу маънода қирол ва маркизлар ҳозирги бизнинг чорва мажмуаларидаги сигирга қараганда табиатга кўпроқ яқин бўлганлар.)

Хуллас, “биздан кейин сув босмайдами” ёки яна ҳам қадронроқ “кўрсатганига шукр” иборалари, ё бўлмаса илмий-романтик оҳангдаги: “Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмаймиз, буни ундан олиш —вазифамиздир” деганга ўхшаш эътирофлар. Қолаверса, ўрмон кесиш, балиқ овлаш, мўйна тайёрлаш бўйича режани ортиғи билан адо этишга чорловчи бутунлай қувноқ шiorлар. Фақат биз энди шу нарсани англамоғимиз керакки, табиатдан режали тарзда юлиб олиш — бу уни режали тарзда жазога маҳкум этиш, режали тарзда ўлдир-иш демакдир. Олимларнинг тасдиқлашича, инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг бир қисми экан. Хўш, унда “режали тарзда ўз жонига қасд қилиш” деган мантикий хулоса келиб чиқмайдами? Унда бу нима — режалаштиришдаги хатоми ёки хатоларни режалаштириши?

Гарбда, истеъмом жамиятида, гўёки бозор хўжалигининг бошбошдоқлиги ҳукм сурмоқда экан, бундай ўз жонига қасд қилиш ҳам, демак, режали тарзда содир бўлмоқда. У ерда табиатни ҳар жиҳатдан ўйлаб-жўйлаб талон-торож этилмоқда, ўзларини ўзлари янада оқилона ва режали тарзда ўғирлашмоқда. Ўғирликлар масофалар узоқлиги билан хаспўшланган, масалан, мебель АҚШда ишлаб чиқарилади, ёғочни эса Амазонкадан келтиришади, буқачаларни Европада боқишади-да, емни Африкадан келтиришади.

Айтишларича, америкаликлар ўз нефть конларини қора кунга асраб ёпиб қўйишганмиш. Бироқ араб нефти айнан шу сайёра бағридан тортиб олинмай-дими? Техник тараққиёт жазавасига берилган истеъмом жамияти, афсуски, нима қилаётганини ўзи ҳам билмайди. Фаранг клерки “ягуар”да эмас. Йўқ, “Ситроли” тамаддихонада ўтириб олиб, ўзининг учига чиққан исрофгар эканига шубҳа қилмайди. Бунинг устига, у Людовикнинг ўзидан ҳам учарроқ, нимага деганда Людовик, маълумки, доим отда юрган.

Одамларнинг қулайлик ортидан куйиб-пишиб ва бош-кўзларига қарамай югуришлари энергиянинг даҳшатли суръатда исроф бўлишига олиб келмоқда. Қулайлик дардида биз ер жисмини аёвсиз қийноқларга солмоқдамиз, газ, нефть ва кўмирга қўшиб, захирасини биз кесиб ташлаётган ўрмонлар тўлдиришга улгурмаётган атмосфера кислородини ёқиб юбораяпмиз. Бироқ бизга, ернинг қизиқувчан халқларига, тобора мураккаблашиб бораётган қулайликлар ортидан югуриш камлик қилаётганга ўхшайди. Биз яна ҳарбий ўйинлар ўйлаб топаяпмиз, ер атрофи фазосини ифлослантиришга киришиб кетганмиз... Булар барчасини биргаликда цивилизация — башариятнинг маданий тараққиёти деб от ҳам қўйиб олганмиз. Ўз ҳалокатимиз томон боришимизни прогресс — тараққиёт деймиз. Бизни огоҳлантирмоқчи, ҳовуримизни босмоқчи бўлганларни ретроградлар, жаҳолатпарастлар, нодонлар деб маломат қиламиз.

Албатта, ҳаётда ретроградлар ҳам, жаҳолатпарастлар ҳам, нодонлар ҳам йўқ дейишга ҳечам журъат этолмайман. Денгизу дарёларни буриб юборувчилар билан тинкани қуритувчи, давомли қоғоз уруши бошланганига ўн йил бўлибди: бу йиллар ичида мен чинакам чақимчига айланиб қолган бўлсам, эҳтимол... менинг Министрлар Советига юборган биринчи қоғозим сарғайиб кетган. Йиллар сувдек оқмоқда, тўғрироғи, аллақачонларга учиб кетмоқда. Ўша бош министр қачонлардан бери Кремль деворида ётибди, унинг хатига қилган қайд ва хулосаларини кўриб бамисоли кечаги дейсиз. Устида: “Ҳужжатли ҳикоя учун. Усть-Кубенск районида 1975 йил 25 мартда ташландиқ қишлоқдаги вайрона уй ичидан териб олинди”, деган ёзуви бор пакет ҳам сарғайиб, қовжираб кетган. Бу конверт солиқ мажбуриятлари ва квитанцияларига лиммо-лим. Шу ернинг ўзида ҳарбий учувчининг сурати бор. Фотосуратдаги кишининг қоқ манглайига резина пошна изи тушган.

Лекин мен бунга эмас, бошқа конвертни қидираётган эдим. Ҳа, мана у, бусбун... Мен уни кўлимда ушлаб турибман, бироқ нимагадир очмайман, қайтиб жойига қўяман. Ҳеч нарса бежиз кетмайди. Қачон бўлмасин, бу қоғозлар асқотади. Сенга ким халақит берапти? — яна ўзимга-ўзим гапираман, — ол-да, оч! Очаймикан?

Майли, ҳозирча тура турсин-чи...



Марио ПЬЮЗО

## Мафия сардори

Романдан боблар

### Иккинчи боб

**Х**ейген пайшанба куни эрталаб шаҳарга, ўзининг адвокатлик идорасига жўнаб кетди. У беҳуда кетган вақт ўрнини қоплаши, қоғозларни тартибга келтириши лозим. У Виргилий Солоццо билан жума куни бўладиган учрашувга тайёрланаркан, масалани тўла аниқлаштириб олишни режалаштирганди. Бу учрашув шу даражада муҳим эдики, улар олган маълумотларга қараганда Солоццо Корлеонелар оиласига қиладиган таклифни муҳокама қилиш учун Хейген Дондан уни бир оқшом бўшатиб қўйишни сўради. Ҳа, ҳар бир ишда аниқлик бўлиши, энг кичкина майда-чуйдалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги, бутун ўй-фикрини Дон билан бўладиган кенгашга қаратиши учун ҳеч нарса халақит бермаслиги керак.

Сешанба куни кечкурун Калифорниядан қайтиб келган Хейген Вольц билан олиб борган музокаралари қандай тугаганлигини айтиб берганда Дон таажжубланмади. У фақат ҳеч нарсани, ҳатто майда-чуйда нарсаларни ҳам қолдирмасдан тўла, батафсил айтиб беришни талаб қилди. Чиройли қизча ва унинг онаси ҳақида гапирганда нафратланиб пешонасини тириштирди. Сўнгра эшитилар-эшитилмас қилиб “intamita” деб тўнғиллади. У бу сўзни бирор нарсадан ўта қаттиқ жиркангандагина тилга оларди. Сўхбат охирида у Хейгенга шундай савол берди:

— Бу одамнинг ишонган қалъаси ҳақиқатан ҳам шунчалик мустаҳкамми?

Хейген саволнинг маъносини илғаб олиш учун бир неча дақиқа жим қолди. Дон нуқтаи назари жиҳатидан бошқа одамлардан шу даражада фарқ қилардики, ҳатто унинг сўзларидан ҳам бошқача маъно кутиш мумкин эди. Узоқ йиллар мобайнида Хейген бунга ишонч ҳосил қилганди. Вольцда характер борми? Ирода кучи борми? Бор, албатта, лекин Дон буни сўраётгани йўқ. Бошқа бировлар дўқ-пўписа, дағдаға қилишларига йўл қўймасликка жасорати етадимми? Студияда иш тўхтаб қолиши ва кўкларга кўтариб мақтаган артисти нашавандликда фош этилгач юз берадиган жанжал туфайли бўладиган катта зарарларга, кўз юмишга қатъияти етадимми? Кўринишидан етади. Лекин Дон буни ҳам кўзда тутаётгани йўқ. Ниҳоят Хейген тўғри жавоб топгандай бўлди: Жек Вольц борбудидан воз кечиб, қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун қасос олиш юзасидан принцип жиҳатидан таваккалига иш тута оладими?

Хейген жилмайиб қўйди. У ҳар доим ҳам Доннинг саволига ҳазил билан жавоб беравермасди, аммо ҳозир ўзини тутолмади.

— Сициалиялик эмасми демоқчисиз, шундайми? — Дон мамнун бош ирғади. Бу кинояни тўғри илғаб олганлигига берилган баҳо ва жавоб маъқул бўлганлиги белгиси эди. — Йўқ, — деди Хейген.

Давоми. Боши ўтган сонда.

Тамом. Дон кўп бош қотириб ўтирмади. Чоршанба куни ланчдан кейиноқ Хейгенни чақириб, зарур кўрсатмалар берди. Куннинг қолган қисмини Хейген хурсандчиликка монанд бир кайфиятда ўтказди. Дон масалани ҳал қилганлигига, Вольц эртага эрталабоқ кўнғироқ қилиб, янги фильмдаги бош ролни Жонни Фонтейн уйнайди, деб айтишига заррача шубҳа қилмади.

Телефон жиринглади — йўқ, у эмас. Америго Бонасеранинг овози. Миннатдорчилигининг чеки йўқ эди. У Хейгендан мурдашуй ўла ўлгунча Доннинг дўсти эканлигини, ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёрлигини унга бир оғиз айтиб қўйишни илтимос қилди. Америго Бонасера “Чўқинтирган ота” учун ҳаётини қурбон қилишга тайёр, худо ҳайрини берсин. Хейген ҳаммасини Донга айтиб қўйишга ваъда берди.

“Дейли ньюс” газетаси Жерри Вагнер ва Кевин Мунаннинг калтаклаиб дабдаласи чиққан пайтдаги суратини ўртадаги кўш саҳифада босиб чиқарди. Тажрибали суратчи йўлакда бир халта гўшт бўлиб ётган йигитларда одам афти қолмаганлигини аниқ тасвирга туширганди. “Дейли ньюс” уларнинг ҳар иккаласи қандайдир бахтли тасодиф туфайлигина тирик қолганлиги, лекин одам бўлиб кетишлари учун касалхонада неча ой ётишлари, неча марта пластик операция қилинишлари тўғрисида ёзганди. Хейген ён дафтарчасига “Клеменцага айтиш керак, йўлини қилиб Поли Гаттони тақдирлаб қўйсин” деб ёзиб қўйди. Кўринишидан, вазифасини яхши биларди.

Иш кўпайгандан кўпайди. Донга қарашли қурилиш фирмаси, чет элдан зайтун мойи келтириб сотувчи компания: кўчмас мулк билан савдо қилувчи компания келтирган фойда тўғрисидаги ҳисоботларни жамлаш учун Хейген уч соат қоғоз титиб ўтирди. Ҳозиргача савдо ишлари бир нави бўлиб турганди. Лекин уруш тугади, энди ҳар уч қорхонадан бири катта даромад келтирадиган бўлиши керак. Котиба қиз кириб Калифорниядан кўнғироқ қилишаётганини айтганда Хейген Жонни Фонтейнни ҳам, унинг мухлисларини ҳам эсдан чиқара бошлаган эди. Бутун вужуди жимирлаб кетган Хейген телефон трубкасини кўтарди.

— Хейген эшитяпти.

Телефондаги қаҳру-ғазаб, чексиз нафрат тўла овозни таниб бўлмасди.

— Ярамас аблаҳ, — деб бидирларди Вольц. — Ҳаммангни турмага тикаман. Сўнгги тийинимгача сарфлаб бўлса ҳам ҳаммангни қамоқхонада чиритаман. Ўша лаънати Жонни Фонтейннингни тукқан онаси ҳам танимайдиган тасқара қилиб қўяман. Эшитялсанми, ўлаксахўр италян?

Хейген юмшоққина қилиб:

— Мен ярим немис, ярим ирландияликман, — деди.

Узоқ жимлик чўқди, кейин телефондан “шилқ” этган овоз эшитилди. — Вольц трубкани қўйганди. Вольц дон Корлеоне ҳақида бир оғиз ҳам ёмон гап айтмади. Бу Хейгеннинг истейдоди эътироф этилганлигининг далили эди.

Жек Вольц доим ёлғиз тунарди. Унинг каравотига ўн киши бемалол сиғиши, ётоқхонасида эса бутун бир бал саҳнасини суратга олиш мумкин эди. Шунга қарамасдан биринчи хотини ўлгандан буён, мана ўн йил бўляптики, ёлғиз ётарди. Лекин бу аёллар билан унинг иши йўқ эди, деган гап эмасди. Ёши бир жойга бориб қолганига қарамай ҳали кўнғилхушликни яхши кўрарди. Бироқ энди ёш-ёш қизчаларгина унинг эҳтиросини уйғота олар, унинг куч-қувватию, ҳафсаласи икки соатга етарди, холос.

Бу пайшанба куни у нима учундир эрта уйғонди. Ташқарида тонг ёришаётганди, лекин кенг ётоқхонада ҳали худди ўтлоқ устидаги туман сингари хира парда сузиб юрарди. Пастда, кенг каравотнинг оёқ томонида қандайдир таниш бир нарса кўзга ташланди. Вольц унинг нималигини аниқроқ кўриш учун тирсақларига суяниб гавдасини сал кўтарди. Кўзига кўринган нарса отнинг калласига ўхшарди. Вольц уйқутираб стол устидаги чироқни ёқди.

Кўрган нараси тўсатдан хуруж қилган касалик каби уни довдиратиб қўйди. Кимдир босқон билан калласига туширгандай бўлди. Юраги уришдан тўхтаб қолди, кейин беҳад тез ура бошлади. — Вольц гулдор гиламча устига йиқилди.

Ўша машҳур Хартумнинг қонга беланган қопқора ипакдай калласи каравотнинг суянчигига боғлаб қўйилганди. Калланинг қон томирлари оппоқ ипдай

диккайиб турарди. Отнинг тумшугида кўпик қотиб, олтин олма сингари йил-тиллаб турган кўзларига қон тўлиб қолганди. Вольц ҳайвонларга хос даҳшатга тушганидан, ўзиникига ўхшамаган, бегона овоз билан хизматкорларини чақира бошлади. Ўша даҳшат талвасасида Хейгенга кўнғироқ қилиб, уни бўралаб сўкди, дагдага қилди. Вольц шундай талвасага тушдики, ўзини йўқотиб қўйган бош хизматкор унинг шахсий врачини, киностудиядан ёрдамчисини чақирди. Улар етиб келишганда Вольц ўзини тутиб олганди.

У жуда қаттиқ изтироб чекди. Баҳоси олти юз минг доллар бўлган отни сўйиб, калласини олиш учун қанчалик ваҳший одам бўлиш керак? Бирор марта ҳам огоҳлангиришмаса-я! Бу ваҳшийликнинг олдини олиш учун бирор марта келишув йўлини таклиф этишмаса-я! Бу ваҳшийлик ҳар қандай одам ва ҳар қандай бойлик, қадр-қимматни мутлақо менсимаслик, ўзининг шахсий хоҳиш-иродасидан бошқа қонун-қонидани, ўзидан бошқа ҳеч қанақа худони тан олмаслик эди. Бу ваҳшийлик жиноятга қўл урган одамнинг ўта шафқатсизлигини кўрсатиб турарди. Бунинг устига у шу қадар кучли, шу қадар тадбиркорки, ҳар қандай соқчилик унга тўсиқ бўлолмайди. Чунки бу пайтга келиб, айғирга аввал ухлатадиган дори беришгани, кейин болта билан шошилмасдан калласини кесишгани аниқланди. Қоровуллар ҳеч нарса ни сезмадик, ҳеч нарса эшитмадик деб қайта-қайта қасам ичишарди. Вольц бунга ишонмади. Бари беҳуда гап, лекин уларни тилга киритиш мумкин. Қоровулларни сотиб олишган, улар билан ким ҳисоб-китоб қилганлигини аниқлаш мумкин.

Вольц анчагина ақлли, бироқ ўзига беҳад ишонадиган одам эди. Куч-қудратда дон Корлеонедан устун тураман, деб ўйлаб хато қилганди. Бу ўй-фикр хато эканлигига ишонтириш учун далил-исбот керак эди. Бу гап унинг кўзи мошдай очилиб, ҳамма нарса ни ақл тарозисидан бирма-бир ўтказди. Қанчалик бой-бадавлат, Қўшма Штатлар президенти олдига бемалол кира оладиган одам бўлмасин, ФБР директори билан ошна бўлмасин, касби-кори Италиядан зайтун мойи келтириб сотишдан иборат бўлган, ҳеч ким танимайдиган бир кимса уни ўлдиртириб юбориши мумкин экан. Жонни Фонтейнга ўша ролини бермагани учун ҳам ҳар балога учраши мумкин. Бу ақл бовар қилмайдиган нарса. Одамларнинг бундай йўл тутишига ҳаққи йўқ. Агар одамлар шундай йўл тутишадиган бўлса, демак, бу дунёда нимадир издан чиққан. Бу ақлсизлик, тентаклик. Бу сен ўз пулингдан, сенга қарашли бўлган корхоналардан, сенга бериб қўйилган ҳукмронликдан хоҳлаганингча фойдалана олмайсан, демакдир. Бу ҳар қандай коммунизмдан юз карра даҳшатлироқдир.

Врач унга тинчлантирадиган дори берди. Вольцнинг асаблари ўрнига тушгач, ўй-фикрларини бир жойга тўплаб бошлади. Ҳаммасидан кўра ўша Корлеоне деган кимса овозаси дунёга кетган, баҳоси олти юз минг доллар бўлган отини осонгина ўлдириб кетгани уни қаттиқ эсанкиратиб қўйди. Олти юз минг-а! Ҳазилакам гапми? Бу ҳали бошланиши, холос. Вольцни қалтироқ босди. У ҳаёти ҳақида ўйланиб қолди. Бой, бадавлат. Дунёдаги энг жозибали, дилбар аёлларни ҳам у шундоққина кўрсаткич бармоғи билан имлаб чақириб, рози қилишга ваъда берса, хизматига тайёр туришади. Қироллар ва қироличалар унинг шарафига қабул маросими ўтказишади. Шоҳона яшаш учун унда пул ҳам, бойлик ҳам бор. Арзимаган нарса ни деб шундай ҳаётни қурбон қилиш аҳмоқлик бўларди. Эҳ, ўша лаънати Корлеонега қўли етганда эди! Қизиқ. Қонунда от ўлдирганга қанақа жазо бериларкин? У ғайритабиий равишда хоҳолаб кулиб юборди, врач ва хизматкорлар чўчиб унга қарашди. Бирдан унинг калласига бошқа фикр келди. Ахир қандайдир бир сурбет журъат этиб, уни бадном қилганлиги бутун Калифорнияга ёйилиб, шарманда бўлиш хавфи туғилганди-да! Бу фикр, шунингдек, балки улар ҳали мени ўлдиришмас, балки уларнинг бундан ҳам кўрқинчлироқ, бундан ҳам даҳшатлироқ мақсадлари бордир, деган фикр ҳамма нарса ни ҳал қилди.

Вольц буйруқ бера бошлади. У ҳамма яқин таниш-билишларини ишга солди. Доктор ва хизматчилардан агар оғзидан гуллаб қўйса бир умр Вольцнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлиши билан кўрқитиб, сир сақлаш тўғрисида қасам ичирди. Матбуотга Хартум лақабли машҳур йўрға касалик қурбони бўлганлиги,

Европадан олиб келинаётганда айғирни бу касалликдан сақлаб қолиша олмаганлиги тўғрисида хабар берилди. Отнинг жасади Вольц мулкида кўмиб ташланди.

Орадан олти соат ўтгач, фильмни суратга олувчи режиссёр Жонни Фонтейнга кўнғироқ қилиб, душанбадан иш бошлаши кераклигини айтди.

Ўш куни кечқурун Хейгенни дон Корлеоненинг олдига келишдан мақсади уни эртага Виргилий Солоццо билан бўладиган ўта муҳим учрашувга тайёрлаш эди. Дон Корлеоне катта ўели Сонни Корлеонени ҳам чақиртирганди. У эринчоқлик билан виски хўплаб ўтирарди. Ҳорфинликдан Соннининг юзлари сўлишиб, кўзлари киртайиб қолганди. Кечаларини келинчакнинг дугонаси билан ўтказса керак, ўйлади Хейген. Энди шу етмай турганди.

— Керакли нарсаларнинг ҳаммасини пухта ўрганиб чиқдингми? — сўради дон Корлеоне.

Хейген турли ёзувлар билан тўла папкасини очди. Унда энг муҳим нарсаларни эрдан чиқармаслик учун фақат Хейгеннинг ўзигина тушунадиган қилиб ёзилган ёзувлар бор эди. Бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

— Солоццо биздан ёрдам сўраб келади, — деди Хейген. — У қонундан ҳимояланиш учун Корлеонелар оилавий концернидан энг камида миллион доллар сўрайди. Бу бизни у режалаштираётган ишда иштирок этишимизни таъминлайди. Лекин қай даражада иштирок этамиз, буниси ҳали номаълум. Солоццо томонидан Таттальялар оиласи турипти. Улар ҳам бу ишда ўз улушлари билан иштирок этишмоқчи. Кўзланаётган иш эса гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилишдан иборат. Солоццонинг Туркия билан алоқаси бор. Бу мамлакатда кўкнори етиштирилади. Солоццо у ердан молни Сицилияга олиб ўтади. Бу осон иш. Сицилияда кўкноридан қорадори тайёрланади. Гарчи Сицилияда қорадори тайёрлаш мутлақо хавфсиз бўлса ҳам, эҳтиёткорлик учун фақат морфий тайёрлаш ҳам мумкин. Яккаю ягона қийинчилик тайёр молни мамлакатга олиб келиш ва тарқатишдан иборат. Иш бошлаш учун Солоццонинг маблағи камлик қилади. Ахир миллион доллар кўчада ётмайди-да!

Хейген дон Корлеоненинг пешонаси тиришганини кўриб қолди. — У иш юзасидан бўладиган суҳбатларда ҳиссиётга берилишни ёқтирмасди. Том Хейген шошилиб гапира бошлади.

— Солоццога Турк деб лақаб қўйишган. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчиси у Туркияда узоқ яшаганлигидир. Миш-мишларга қараганда у ерда хотини ва болалари ҳам бор эмиш. Иккинчи сабаби, айтишларига қараганда ҳуда-беҳудага пичоққа қўл югуртирармиш. Ҳар ҳолда ёшлигида кўпроқ шундай қиларкан. Ўшанда ҳам фақат иш манфаатлари талаб қилганда ҳамда иззат-нафсига тегишганда пичоққа қўл югуртираркан. Мияси яхши ишлайди, бировга ялинмайди. Икки марта қамоқда ўтириб чиққан — бир марта Италияда, бир марта Штатларда қамалган. Наркотик моддалар билан савдо қиладиган одам сифатида маъмурларга яхши таниш. Бирор кор-ҳол юз берадиган бўлса, бу томони бизга яхши. Чайқовчиларнинг каттаси деб ҳисобланиши, бунинг устига қамалиб чиққанлиги туфайли судда гувоҳ сифатида қатнаша олмайди. Бу ерда, Америкада ҳам хотини ва уч боласи бор. Яхши оила бошлиғи ҳисобланади. Оила аъзолари ҳеч муҳтожлик сезмасдан яшаётганига ишончи комил бўлса, қамоқда ҳар қанча ўтираверади, сотқинлик қилмайди.

Дон Корлеоне сигарасини бурқситиб тутатди-да, сўради:

— Сантино, сен нима дейсан?

Хейген Соннининг нима дейишини олдиндан биларди. Югурдак бола бўлиб юравериш унинг жонига текканди. Мустақил тарзда Солоццо таклиф қилаётган ишга ўхшаш йирикроқ юмуш билан шуғулланишни хоҳларди.

Сонни вискидан бир хўплади.

— Оқ кукун — кони фойда, — деди у. — Лекин хавфли томони ҳам бор. Йигирма йилни елкага олиб кетавериш ҳам мумкин. Мен бу ишда бевосита иштирок этишдан четда турадиган, фақат маблағ билан таъминлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини зиммамизга оладиган бўлсак, бу ёмон гоя эмас, деб ўйлайман.

Хейген уни маъқуллаб қараб қўйди. Яхши гапирди. Бу ишнинг яққол кўри-  
ниб турган фойдали томонини таъкидлади — унинг ҳолатида бу энг тўғри йўл  
эди.

Дон Корлеоне яна сигарасини бурқситди.

— Сенинг фикринг қандай, Том?

Хейген ошқора гапиришга шайланди. У дон Корлеоне Солоцонинг такли-  
фига рад жавоби беришини тушунганди. Энг ёмони шундаки, ўйлади Хейген,  
унинг хотирасида сақланиб қолган дон Корлеоне ҳамма нарсани олдиндан кўра  
билмаган камдан-кам ҳоллардан бири эди. У ҳозир келажакни кўра олмаёт-  
ганди.

— Қани, бошла, Том, — дон Корлеоне унга далда берди. — Ҳатто сицилия-  
лик *consigliogi* ҳам ҳар доим хўжайиннинг фикрига қўшилаверишмайди.

Уччаласи кулишди.

— Сиз таклифни қабул қилишингиз керак, деб ўйлайман, — деди Хейген. —  
Бунинг сабаби аниқ. Энг муҳими, наркотик моддалар ҳар қандай бошқа ишга  
қараганда кўпроқ фойда келтириши кўриниб турипти. Агар биз рад этсак, бу  
таклифни бошқалар, масалан, Таттальялар оиласи қабул қилишлари мумкин.  
Унда улар оладиган даромад туфайли сиёсатга ҳам, полиция аппаратига ҳам  
кучлироқ таъсир кўрсатадиган бўлишади. Кейинчалик бизга тенглаша бошлай-  
дилар, биз ҳозир эга бўлиб турган ҳамма нарсаларни қўлга ола бошлайдилар.  
Худди дунё сиёсатида бўлганидек, бир мамлакатда қурол-яроғ бўлса, демак,  
иккинчи бошқа мамлакат ҳам қуроллана бошлайди. Агар Таттальяларнинг мо-  
лявий аҳволи мустаҳкамланиб борса, улар биз учун хавфли бўлиб қоладилар.  
Ҳозир қиморхоналар ва касаба уюшмалари бизнинг қўлимизда, бугунги кунда  
асосий куч-қудратимиз ҳам шунда. Лекин келажақда наркотиклар билан шу-  
ғулланганлар ютади. Мен таклифни қабул қилиш керак, деб ҳисоблайман, акс  
ҳолда қўлимиздаги ҳамма нарсани бой беришимиз мумкин. Ҳозир эмас, лекин  
ўн йилдан кейин сўзсиз бой берамиз.

Бу гаплар дон Корлеонега таъсир этгандай бўлди. У яна сигарасини бурқси-  
тиб тортиб ва секин:

— Бу, албатта, энг муҳим нарса, — деди.

У чуқур хўрсинди ва ўрнидан турди.

— Хўп, эртага ўша гайридин билан учрашувимиз соат нечада бўлади?

— Эрталаб соат ўнда, — жавоб берди Хейген. Унинг қалбида умид илинжи  
пайдо бўлди. Эҳтимол, Дон бу ишга журъат этар.

— Суҳбатда иккалангиз ҳам қатнашасизлар, — деди Дон.

У қаддини ростлаб, ўглининг қўлига туртди.

— Сантино, ҳеч бўлмаса бугун яхшилаб тўйиб ухлаб олгин. Қара, озиб нақ  
шайтоннинг ўзига ўхшаб қолибсан.

Отасининг бу гапидан руҳланган Сонни Хейген журъат этолмаган саволни  
берди:

— Падари бузруквор, таклифга нима деб жавоб берамиз?

Дон Корлеоне кулиб қўйди.

— Бу таклифнинг тафсилотларини, қанақа фойда-зарар келтиришини бил-  
масдан туриб қандай жавоб бераман? Бундан ташқари сизларнинг гапларин-  
гизнинг ҳам яхшилаб мағзини чақиб кўришим керак. Устига-устак, мен шоши-  
либ иш қиладиганлардан эмасман.

“Турк” Солоццо ўрта бўйли, бақувват, буғдойранг одам эди. Хунук қора  
кўзлари, узун қирра бурни билан ҳақиқатан ҳам туркларга ўхшаб кетарди, қадр-  
қимматини биларди.

Сонни Корлеоне уни эшик олдида кутиб олди-да, Хейген ва Дон ўтирган  
хонага бошлаб кирди. Люка Бразини ҳисобламаганда кўриниши бундан кўрқинч-  
лироқ махлуқни умримда учратмаганман, ўйлади Хейген.

Ҳаммаси самимий қўл олишиб кўришишди. Агар Дон бу одамнинг ишонч  
қалъаси мустаҳкамми, деб сўраса ҳам, мустаҳкам, деб жавоб берардим, хаёли-  
дан ўтказди Хейген. Бугун Доннинг кайфияти жуда яхши бўлишига қарамас-  
дан, ҳатто у ҳам куч-қудратда ўзини Солоццодан ожизроқ сезарди. Дон ўта  
содда эди, у қишлоқларча оддий саломлашди.

Солоццо дарҳол мақсадга кўчди. Гап наркотиклар ҳақида борди. Ҳамма иш кўнгилдагидай. Туркиядаги кўкнорифурушлар ҳар йили мунтазам тарзда маълум миқдордаги хомашё билан таъминлаб туришади. Францияда морфий, Сицилияда эса героин ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Франция ва Сицилияга мол олиб ўтиш анча осон. ФБРни сотиб олиш мумкин эмаслиги туфайли, дон Корлеоне ҳам, Солоццо ҳам Қўшма Штатларга келтириладиган наркотик моддаларни сотишдан келадиган даромаднинг беш фоизи йўқолишини яхши билишарди. Шунга қарамасдан катта даромад олиш имконияти бор, амалда эса деярли хавф-хатар йўқ.

— Нима учун энди хусусан менга мурожаат қиляпсиз? — сўради мулойимлик билан Дон. — Бундай шарафга муяссар бўлганлигимнинг сабаби нима?

Солоццонинг бугдой ранг юзида ҳатто битта тук ҳам ўзгармади.

— Менга икки миллион доллар нақд пул керак, — деди у. — Яна бир муҳим нарса, юқори лавозимларда обрў-эътиборли оғайнилари бор одам керак. Гоҳида менга қарашли одамларнинг баъзи бирлари қўлга тушиб қолади. Бу сўзсиз, бўладиган воқеа. Уларнинг ўтмиши тозалигига мен кафолат берман. Демак, мантиқан олиб қараганда, судда улар энгил жазо билан қутулиб кетишлари мумкин. Менга қўлга тушганлар қамоқхонада бир-икки йилдан ортиқ ўтирмайдиган бўлишлари керак. Ана шунда улар сир сақлашади. Агар улар ўн-йигирма йилга ҳукм қилинса, нима бўлишини ким билади? Ҳар хил одамлар бор. Оғзидан гуллаб қўйиши мумкин, уларга қараганда кераклироқ, одамларнинг бошига бало-қазо ёғдириши мумкин. Биз учун қонун ҳимоясида бўлиш биринчи даражали зарурат. Дон Корлеоне, мен сизнинг судьялардан жуда кўп ошна-оғайниларингиз бор, деб эшитдим.

Дон Корлеоне бу мақтовга эътибор бермади.

— Биз оладиган улуш қанча бўлади? — сўради у.

Солоццонинг кўзлари чақнаб кетди.

— Эллик фоиз, — деди у. Бир оз тургандан кейин секин кўшиб қўйди. — Биринчи йили уч ёки тўрт миллион бўлади. Кейин улушингиз кўпайиб боради.

Дон Корлеоне дўстона деди:

— Сизни жиддий одам, деб эшитиб, учрашишга розилик бергандим. Ҳозир эса таклифингизни рад этишга мажбурман, лекин сабабини тушунтириб берман. Сизлар кўзлаган иш келтирадиган фойда катта, лекин хавф-хатари ҳам катта. Сиз билан ҳамкорлик қилгудек бўлсам, бошқа ишларимни зарба остига қўйган бўламан. Тўғри, муҳим сиёсий лавозимларда жуда кўп дўстларим бор, лекин улар қиморхоналар ўрнига наркотиклар билан шуғулланаётганимдан хабар топсалар, менга нисбатан муносабатларини кескин ўзгартирадилар. Қиморбозликни улар шунчаки ишқибозликка ўхшаган зарарсиз нарса деб ҳисоблайдилар. Наркотик моддалар савдоси эса уларнинг назарида жуда ифлос иш. Йўқ, йўқ, эътироз билдирманг. Мен эмас, улар шундай деб ҳисоблашади. Қандай йўл билан пул топиш ҳар кимнинг ўз иши. Мен сизнинг таклифингизнинг ўта хавфлигини айтмоқчиман, холос. Мана, ўн йилдирки, оила аъзоларим тинч, беташвиш яшашмоқда. Очкўзлик қилиб уларнинг ҳаётини хавф остига қўёлмайман.

Солоццо Хейген ва Сонни томонга қараб, ёрдам умид қилиб қўяётганлигидан у норози бўлаётганини сезиш мумкин эди.

— Сиз икки миллион пулингизнинг ташвишини қиляпсизми? — сўради у.

Дон Корлеоне қуруққина кулиб қўйди.

— Йўқ, — деди у.

Солоццо яна бир уриниб кўрди.

— Капиталингизнинг тўла сақланишига Таттальялар оиласи ҳам кафолат беради.

Шу чоқ Сонни кўпол хатога йўл қўйди.

— Яъни Таттальялар капитализмнинг сақланишини таъминлайди ва бунинг учун ҳақ талаб қилмайди демоқчисиз, шундайми? — қизиқиб сўради у.

Хейгеннинг вужуди музлаб кетди. У дон Корлеоне совуқ, газабли нигоҳини ўғлига қадаганини кўриб қолди. Сонни қўрққанидан бирданига талмовсираб қолди. Солоццонинг кўзлари яна чақнади, бу сафар унинг кўзларида мамнуни-



ят бор эди. У Корлеоне қалъасидаги нозик жойни топган эди. Дон Корлеоне яна гапира бошлади. Шунда қабул маросими тугаганлиги аниқ бўлиб қолди.

— Ёшларга ҳамма нарса камлик қилади. Устига-устига, ҳозирги ёшлар яхши тарбия кўришмаган. Катталарнинг гапини бўладилар. Дахли бўлмаган ишларга бурнини суқадилар. Мен фарзандларимни яхши кўраман. Уларни сал эркалатиб юборганимни кўриб турибсиз. Шундай қилиб, синьор Солоццо, менинг “йўқ” деганим охирги қатъий сўзимдир. Шунга қарамасдан ҳамма ишларингизда сизга шахсан омад тилайман. Мен бир-биримизга халақит бермаган ҳолда ўз ишимиз билан шуғулланаверишимиз мумкин, деб ўйлайман. Илтимосингизни рад қилганимдан афсусдаман.

Солоццо таъзим қилиб дон Корлеоненинг қўлини қисди. Хейген уни машинага кузатиб қўйди. Солоццо Хейген билан хайрлашганда унинг қиёфасидан ҳеч қандай маънони уқиб бўлмасди.

Хейген хонага қайтиб кирди. Дон Корлеоне ундан сўради:

— Бу одам ҳақида қандай фикрдасан?

— У сицилиялик, — жавоб берди Хейген вазминлик билан.

Дон Корлеоне ўйчан бош силкиди. Кейин ўғли томон ўгирилиб, юмшоқлик билан шундай деди:

— Сантино, режларингни, ўй-фикрларингни ҳеч қачон нотаниш одамга айтма. Бегона одамларга сирингни берма. Анови қиз билан ҳаддан ортиқча ўралашиб қолганлигинг туфайли ҳам миянг яхши ишламаяпти. Бас қил, иш билан шуғуллан. Энди эса бор.

Отасининг таъна-дашноидан Соннининг аввал таажжубланганлигини, кейин нафратланганлигини Хейген кўриб турарди. Наҳотки, Сонни Дон унинг янги саргузаштларидан беҳабар деб ўйласа? Наҳотки, ҳозир қандай жиддий хатога йўл қўйганлигини тушунмаган бўлса.

Шундай бўлган ҳолда Хейген дон Сантино Корлеоне оиласида бўлишни хоҳламасди.

Дон Корлеоне Соннининг чиқиб кетишини кутиб турди. Кейин чарм қопланган креслога чўкди. Хейген қадаҳга ичкилик қуйиб унга узатди. Дон Корлеоне бошини кўтариб, унинг кўзларига қаради.

— Менга Люка Бразини чақириб бер, — деди у.

Орадан уч ой ўтди. Хотини ва болаларига рождество байрами совғалари харид қилиш учун Хейген шаҳардаги идорасида ишни эртaroқ тугатишга шошилаётганди. Телефон кўнғироғи унинг хаёлини бўлди. Жонни Фонтейн қувончини ифодалашга сўз тополмасди. Фильмни суратга олиш тугалланипти. Кўриқдан ҳам ўтипти. Катта шов-шув кўтарилибди. Рождество байрамига дон Корлеонега мисли кўрилмаган ажойиб совға тайёрлаб қўйганмиш. Шахсан ўзи олиб борармиш. Ҳали иш тўла тугамаганмиш, Голливуддан жилишнинг иложи йўқмиш. Хейген бу гапларни чала-чулпа эшитди. Жонни Фонтейннинг сеҳрли сўзлари ҳеч қачон унга таъсир этмаганди. Шунга қарамасдан у совғага қизиқиб қолди.

— Қанақа совға? — сўради.

Жонни Фонтейн қиқирлаб кулди.

— Айтмайман! Қанақа совғалигини олдиндан айтиб қўйсам, қизиги қолмайди.

Хейгеннинг диққати ошди ва мулойимлик билан гапни калта қилди.

Яна телефон жиринглади. Хейген қоғозларни бир четга қўйди. Ҳаммасининг падарига лаънат. Бўлди, ишни тугатаман. Уйга кетаман. Лекин барибир трубкани олди. Кўнғироқ қилаётган Майкл Корлеоне эди. Хейгеннинг ранжишидан асар ҳам қолмади. У Майклни яхши кўрарди.

— Том, — деди Майкл Корлеоне, — эртага Кей билан бораман. Байрамгача отам билан гаплашиб оладиган муҳим гап бор. Эртага кечқурун отам уйда бўладими?

— Ташвишланмай келавер, уйда бўлади, — деб жавоб берди Хейген. — Рождество байрамида ҳеч ёққа бормайди. Яна нима гаплар бор?

Майклдан бирор нарсани сўраб билиш дон Корлеонедан сўраб билишдан осон эмасди.

— Бошқа гап йўқ, — деди у. — Байрамда кўришамиз, ҳамма тўпланадими?

— Ҳамма тўпланади, — жавоб берди Хейген. Майкл трубкани илди. Қизик, бир оғиз ортиқча гап айтмайди-я!

Хейген бир оз кечикиб қолишини, лекин кечки овқат пайтида албатта уйда бўлишини хотинига айтиб қўйишни котибага тайинлади. У кўчага чиқиб, шошилиб магазин томон юрди. Шу пайт кимдир олдидан чиқиб, йўлини тўсди. Хейген ҳайратга тушди. Унинг олдида Солоццо турарди.

— Қўрқманг, сизга айтадиган икки оғиз гапим бор, холос, — деди Солоццо секин ва Хейгеннинг қўлтиғидан олди. Йўл четида турган машинанинг эшиги очилди. Солоццо кескин қилиб:

— Биз гаплашиб олишимиз керак, ўтиринг, — деди.

Хейген қўлини тортди. У ҳали ҳеч қандай хавф-хатарни сезмаган, фақат уни йўлдан қолдиришаётганидан ранжиганди.

— Шошиб турибман, — деди у.

Унинг орқасида шарпа пайдо бўлди. Бирдан Хейгеннинг тиззалари қалтираб кетди.

— Машинага ўтир, — деди Солоццо мулоким овозда. — Агар сени ўлдириш ниятим бўлганда аллақачон нариги дунёда юрган бўлардинг. Ҳа, ишонавер.

Ишонавер? Солоццога-я? Хейген машинага кирди.

Майкл Корлеоне Хейгенга ёлғон гапирганди. У Нью-Йоркдан, Хейген идорасидан тўрт қадам наридан, “Пенсильвания” меҳмонхонасидан кўнғироқ қилганди. Майкл телефон трубкасини қўйганда Кей Адамс чекаётган сигаретасини ўчирди.

— Аммо ёлғонни ҳам қойиллатиб ташлайсан-да, Майк!

Майкл каравотга, унинг ёнига ўтирди.

— Сени деб ёлғон гапиришга мажбурман, жонгинам. Агар бизникилар шу ердалигимизни билиб қолишса, дарҳол уйга боришга тўғри келади. Унда ресторанда овқатланиш, театрға тушиш, бирга тунаш ҳақида гап-сўз ҳам бўлмайди. Тўйимиз бўлмагунча отамга кўринишни хаёлингга ҳам келтирма.

У Кейни аста кучоқлади, нозик лабларидан ўпди. Кей кўзларини юмди. Бахт дегани шу бўлса керак, ўйлади Майкл. Тинч океандаги лаънати оролларда қон кечиби, лойга ботиб жанг қилганда у Кей Адамсдек гўзал, хитча бел, бадани сутдай оппоқ қизни учратишни орзу қилганди. Кей кўзларини очиб, унинг бошини бағрига босди.

Улар рожество байрамида шов-шувсиз, ими-жимиди уйланишга, дўстларидан икки кишини гувоҳликка олиб никоҳдан ўтишга қарор қилишганди. Лекин Майкл албатта, отасининг олдидан бир карра ўтиб қўйишни лозим деб топди. Отаси албатта қаршилиқ қилмайди. Фақат ундан сир тутишмаса бўлгани. Кей ота-онаси қаршилиқ қилмаслигига шубҳаланарди. Яхшиси, тўйгача уларнинг билмай турганлари маъқул.

— Ота-онам, албатта, мени ҳомиладор бўлса керак, — деб ўйлашади, — деди Кей.

— Бизникилар бундай деб ўйлашмайдими? — жилмайди Майкл.

Майклнинг оиласидан бирмунча узоқроқ туришга тўғри келишлари ҳақида иккаласи ҳам лом-мим дейишмади. Тўғри, Майкл унингсиз ҳам қариндош-уруғларидан узоқлашиб кетганди. Лекин ҳар ҳолда айбдорлик туйғуси ҳар иккисини ҳам бир оз қийнарди. Ўқишлар тугагунга қадар шанба ва якшанба кунларигина учрашиб туришга, таътилни бирга ўтказишга тўғри келади. Бахтли оилавий турмушнинг нимаси ёмон...

Театрға тушиб, “От ўйин” спектаклини томоша қилишди.

Спектакль тугагач, кўчага чиқишди. Салқин тушиб совуқ бўлиб қолганди. Кей Майклнинг пинжиги кирди.

— Уйланганимиздан кейин сен ҳам мени дўппослаб калтаклайсан, кейин анови қўшиқда қуйланганидек, менга совға қилиб юлдузни ўғирлаб келасан, шундайми?

Майкл кулиб юборди.

— Мен математикадан дарс бераман... — Кейин сўради. — Хоҳлайсанми, меҳмонхонага боришдан олдин тамадди қилиб оламиз?

Кей рад қилди, лекин Майклнинг овқатлангиси бор эди. Бўпти, хонага бутерброд келтиришга буюртма беради.

Вестибюлда Майкл Кейни туртиб, дўкон томонни кўрсатди.

— Мен хонанинг калитини олгунча, сен газета сотиб ол.

Майкл навбатга турди — урушдан кейин меҳмонхоналарда хизматкорлар етишмасди. Ниҳоят калитни олиб, шошилиб уёқ-буёққа қаради. Кей дўкон ёнида қўлида газета билан турарди. Майкл унинг ёнига келди. Кей бошини кўтарди. Унинг кўзи тўла ёш эди, Кей йиғларди.

— Майк, — деди у. — Оҳ, Майк!

Майкл унинг қўлидан газетани юлиб олди. У отасининг кўприк устида қонга ботиб ётган суратини кўрди. Укаси Фредди отасининг ёнида, йўлакда йиғлаб ўтирарди. Майклнинг бутун вужуди музлаб кетди. Унинг қиёфасида ғам-андух ҳам, даҳшат ҳам йўқ эди, фақат чексиз қаҳр-ғазаб бор эди.

— Сен хонага чиқавер, — деди у Кейга.

Бироқ лифтга қадар Кейни қўлтиқлаб боришга тўғри келди. Иккаласи бирга жим юқорига кўтарилишди. Хонага киргач, Майкл каравотга ўтириб газетани ёзди ва сарлавҳага кўз югуртирди:

**ВИТО КОРЛЕОНЕГА ЎҚ УЗИШДИ.**

**ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН РЭКЕТЧИЛАР САРДОРИ ҚАТТИҚ ЯРАЛАНГАН.**

**ВРАЧЛАР ПОЛИЦИЯНИНГ КУЧАЙТИРИЛГАН СОҚЧИЛИГИ ОСТИДА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛМОҚДАЛАР.**

**ҚОНЛИ ХУНРЕЗЛИК БЎЛИШ ЭҲТИМОЛИ БОР.**

Бирдан Майклнинг тиззалари қалтираб кетди.

— Хайрият, тирик экан. Аблаҳлар отамни ўлдириша олмапти, — деди у.

Кейин хабарни қайта ўқиб чиқди. Соат бешда отишган. Демак, Кей иккаласи тўшақда кўнгилхушлик қилиб ётишган пайтда, бирга овқатланишган, театрда ўтиришган пайтларда ажал отасининг орқасидан соядек эргашиб юрган. Майклнинг тишлари гижирлаб кетди.

— Касалхонага борамизми? — сўради Кей.

Майкл бош чайқади.

— Аввал уйга кўнғироқ қилиб кўрай. Отамга ҳеч нарсадан тап тортмайдиган аблаҳлар ўқ узишган. Агар улар отамнинг тирик қолганлигини билишса, ҳар қандай разилликка қўл уришлари мумкин. Улардан ҳар нарсани кутса бўлади.

Уйдаги ҳар икки телефон ҳам банд эди. Майкл йигирма минутлардан кейин кўнғироқ қилолди, холос. Трубкани Сонни олди.

— Лаббай.

— Сонни, бу менман, — деди Майкл.

Сонни енгил нафас олди.

— Ўх, лаънати, бу ерда биз сенинг ташвишингни қилиб, қўрқиб ўтирибмиз. Қаерларда юрибсан? Шаҳарчангга одам юбордик, хабар олиб кел, деб.

— Отамнинг аҳволи қандай? — сўради Майкл. — Қаттиқ жароҳатланганми?

— Жуда қаттиқ, беш марта ўқ теккан. Лекин бўш келмаяпти. — Соннининг овозида гурурланиш туйғуси пайдо бўлди. — Врачлар тузалиб кетади, дейишяпти. Менга қара, ҳозир бандман, сен билан гаплашолмайман. Ҳозир қаердасан?

— Нью-Йоркдаман, — жавоб берди Майкл. — Менинг келишимни Том айтмадимми?

Сонни тутилиб қолди.

— Томни ушлаб кетишипти, сендан нега ташвишланганимни энди тушунгандирсан? Хотини шу ерда ўтирипти. Ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ. Полиция ҳам билмайди. Ҳозирча шундай бўлгани маъқул. У аблаҳлар қандай ишга қўл уришганини жуда яхши билишган. Дарҳол уйга етиб келиб, оғзинга талқон солиб ўтирасан, тушундингми?

— Тушундим! — деди Майкл. — Бу кимларнинг иши эканлиги маълумми?

— Албатта-да,— жавоб берди Сонни. — Шошилмай тур, Люка Брази келсин, таъзирини беради уларнинг.

— Бир соатдан кейин такси билан етиб бораман, — деди Майкл.

У телефон трубкасини илди. Мана уч соатдирки, газета сотилапти. Балки радиодан ҳам эшиттиришгандир. Наҳотки, Люканинг ҳеч нарсадан хабари бўлма-са? Люка Брази қаёққа гумдон бўлдийкин? Хейген ҳозир шу ҳақда ўйлаётганди. Бу савол Сонни Корлеонени ҳам ташвишга солаётганди.

Дон Корлеоне соат ўн беш минут кам бешда зайтун мойи билан савдо қилувчи компания бошқарувчиси тақдим этган ҳисоб-китоб қоғозларини кўздан кечириб бўлди. Пиджагини кийиб, газета ўқиб ўтирган Фреддининг бошига чертиб қўйди.

— Гаттога айт, машинани келтирсин, — деди. — Ишни тугатдим. Уйга кетамиз.

Фредди норози оҳангда тўнғиллади.

— Машинани ўзим келтираман. Поли касал, кўнғироқ қилди, шамоллаб қолганмиш.

Дон Корлеоне ўйчан деди:

— Шу ойнинг ўзида учинчи марта шундай бўляпти. Бақувватроқ ҳайдовчи топишга тўғри келади, шекилли. Томга айтиб қўй.

Фред эътироз билдирди.

— Йўк, Поли ишга ярайди. Ахир ҳар бир одам ҳам касал бўлиши мумкин. Машинани келтириш ҳам иш бўптими.

У чиқди. Дон Корлеоне деразадан ўғли тўққизинчи авеньюдан ўтиб, автомобиллар турадиган жой томон бораётганини кўрди. Дон Хейгенга кўнғироқ қилиш учун бир оз ушланиб қолди. Хейгеннинг идорасидан ҳеч ким жавоб бермади. Кейин уйга кўнғироқ қилди. Уйда ҳам ҳеч ким телефонни кўтармади. Қизиқ. Дон яна деразадан қаради. Машина йўлақда турарди. Фредди машина қанотига суянган ҳолда қўл қовуштириб, магазинларга байрамолди савдосига келган одамларни томоша қиларди. Дон Пиджагининг тугмасини қадади. Бошқарувчи унга пальтосини узатди, у раҳмат деб минғирлади ва зинапоядан пастга туша бошлади. Идора иккинчи қаватда эди.

Қиш бўлганлиги сабабли тез қош қорая бошлади. Йўлақдан отаси чиқиб келаётганини кўрган Фредди машинани айланиб ўтиб, рулга ўтирди. Дон Корлеоне машина эшигини очмоқчи бўлди, лекин фикридан қайтиб, бурчаклаги мева-чева сотиладиган бозорча томон юрди. Яқиндан бери бу унга одат бўлиб қолганди. Қиш пайтида пештахталарда товланиб турган меваларни, сап-сарик шафтолиларни, апельсинларни кўриб завқланарди. Мевафуруш уни хушмуомалалик билан қарши олди. Дон Корлеоне мевага қўл тегизмас, бармоқлари билан кўрсатарди. Мевафуруш фақат бир марта эътироз билдирди: Дон танлаган шафтолининг бир ёни сал заҳаланган эди. Дон Корлеоне мева тўла қоғоз халтани олди, пулини тўлади, қайтимини олди ва машина томон юрди. Бурчакда, унинг қаршисида икки кимса пайдо бўлди. Дон Корлеоне яшин тезлигида вазиятни тушунди.

Нотаниш кимсалар қора пальто кийишиб, қора шляпаларини кўзигача тушириб олишганди — уларни таниб олиш қийин эди. Лекин улар ҳисобдан янглишган эдилар. Дон Корлеоне чаққон ҳаракат қиларди. У қўлидаги қоғоз халтани улоқтирди-да, ўзининг оғирлигига мос бўлмаган чаққонлик билан машина томон югураркан:

— Фредо! Фредо! — деб бақирди.

Фақат шундагина нотаниш икки кимса унга қараб автоматдан ўқ узишди. Биринчи ўқ дон Корлеоненинг орқасига тегди. Икки кураги ўртасига кимдир болга билан қаттиқ ургандай бўлди, шунга қарамасдан бор куч-қувватини тўплаб, машина томон шошилди. Яна икки ўқ думбасига тегди. Дон йўл ўртасида йиқилди. Қувиб келаётган икки кимса оёқлари остида сочилиб ётган мевалар устидан сакраб ўтиб, тугатиб қўя қолиш учун Донга яқинлаша бошладилар. Лекин орадан беш секунд ҳам ўтмаган эдики, отасининг чинқиригини эшитган Фредерико машинадан отилиб чиқди. Нотаниш кимсалар йиқилиб ётган Дон-

га қараб яна шоша-пиша икки марта ўқ узишди. Бир ўқ Доннинг қўлига тегди, суягига ўтмади, иккинчиси ўнг сонига тегди. Жароҳатлар енгил бўлишига қарамасдан, кўп қон кетди, Дон қонга беланиб ётарди. У ҳушидан кетди.

Фредди отаси уни болаликдаги исмини айтиб чақираётганини, дастлабки икки ўқ овозини эшитди. Машинадан сакраб тушдию, тахтадай қотиб қолди, ҳатто автоматини елкасидан олишни ҳам унутди. Қотиллар уни отиб ўлдиришлари мумкин эди. Лекин уларнинг асаблари дош бермади. Бурчақдан ўтиб ғойиб бўлдилар. Фредди қонга беланиб ётган отаси билан бир ўзи қолди. Ўткинчилар йўлақларга яшириндилар, кимдир ерга ётди, бошқалар кўрқиб бир жойга тўпланиб олдилар.

Фредди қўлига қурол олмади. У қарахт бўлиб қолганга ўхшарди. Фредди қон тўпланган кўлмакчага мукка тушиб ётган отасига маъносиз тикилиб турарди. Кўлмакча унга худди қора кўлга ўхшаб кўринарди. У қоқшол теккан одамдай серрайиб туриб қолди. Аста-секин яширинган жойларидан одамлар чиқа бошладилар, шов-шув кўтарилди. Фредди пастга сурилиб кетаётганлигини кўрган аллаким уни тортиб йўлак чеккасига ўтқазиб қўйди. Дон Корлеоне олдига оломон тўпланди. Одамлар тўпланиб турган жойга сиренасини чинқиратиб биринчи полиция машинаси келгандагина оломон тарқалди. Полиция кетидан “Дейли ньюс” газетасининг радио қурилмаси ўрнатилган машинаси етиб келди. Ундан суратчи сакраб тушди-да, қонга беланиб ётган дон Корлеонени суратга ола бошлади. “Тез ёрдам” машинаси пайдо бўлди. Суратчи ўтириб олиб, хўнграб йиғлаётган Фреддини суратга олишга киришди. У юзига, қалин лабларига, семиз бурнига кўз ёшини суртаётганини кўриш ачинарли ва кулгили эди. Оломон ичига фуқаро кийимидаги хуфиялар келиб қўшилди. Аллақандай бир хуфия Фреддининг олдига чўккалаб ўтириб олиб, унга саволлар берарди. Фредди ҳамон ўзига келолмасди. Хуфия унинг чўнтагига қўл солиб, ҳамёнини олди. Ҳайдовчилик гувоҳномасига кўз югуртирдию, шеригига қараб хуштак чалди. Дарҳол фуқароча кийим кийган полициячилар Фреддини оломондан ажратиб қўйишди. Биринчи хуфия унинг елкасидан автоматни олди. Фреддини турғизишиб, ҳеч қанақа белгиси бўлмаган машинага туртиб киритишди. Суратчи ҳамон ҳамма нарса ва ҳамма одамларнинг суратини оларди.

Суиқасд қилингандан кейин ўтган ярим соат вақт мобайнида Сонни Корлеоненинг телефони тўрт марта жиринглади. Биринчи бўлиб кўнғироқ қилган одам хуфия Жон Филипс эди. У Корлеонелар хонадонидан мояна олиб турарди. Воқеа содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келган машинадаги хуфиялар орасида у ҳам бор эди.

— Мени танияпсизми? — сўради у.

— Албатта, — жавоб берди Сонни. Хотини телефонга чақирган пайтда у мудраб ўтирганди.

Филипс бидирлаб шуларни айтди:

— Отангизни кимдир идораси ёнида отиб кетипти. Ўн беш минут бўлди. Отангиз тирик, лекин қаттиқ яраланган. Укангиз Фредди ҳозир Челсида, полиция бўлимида. Жавоб беришгач, унга врач чақиринг. Ҳар эҳтимолга қарши агар мистер Корлеоне маълумот бера олар, деб касалхонага кетяпман. Сизни хабардор қилиб тураман.

Соннинг хотини Сандро эрининг юзи оқариб, кўзлари шишадек совуқ ялтираганини кўриб:

— Тинчликми, нима бўпти? — деб сўради пичирлаб.

Сонни ундан нари сурилди ва телефонни тўсиб ўтириб олди.

— Тириклиги аниқми?

— Аниқ. Кўп қон йўқотган. Шунга қарамасдан тузук. Бундан ёмонроқ бўлиши ҳам мумкин эди.

— Раҳмат, — деди Сонни. — Эртага эрталаб соат саккизда уйда кутиб туринг. Мендан минг доллар олиб бориб беришади.

У икки қўли билан столга таяниб туриб қолди. Ҳеч қасқа чиқмасликка ўзини мажбур қилди. Соннининг энг нозик жойи — жаҳли чиққанда ўзини тута билмаслиги эди. Бунини ўзи ҳам яхши биларди. Ҳозир ўзини тута билмаслик

ҳалокатга дучор бўлиш билан баробар эди. Энг аввал Том Хейген билан боғланиш керак. Трубкага қўл узатишга улгурмаганди, яна телефон жиринглади. Бу гал қўнғироқ қилган “Дейли ньюс” репортёри эди. У исми-шарифини айтиб улгурмасданок, Сонни трубкани улоқтириб ташлади.

Кейин Хейгеннинг номерини терди. Трубкани хотини олди.

— Том уйдами? — сўради Сонни.

— Йўқ. Йигирма минутлардан кейин бўлади. Кечки овқатга келишини кутяпман.

— Менга қўнғироқ қилсин, — деди Сонни.

У вазиятга тўғри баҳо беришга, унинг ўрнида бўлганда отаси қандай йўл тутишини тасаввур этишга ҳаракат қилди. Суиқасд Солоццонинг иши эканлигига заррача ҳам шубҳа йўқ эди, лекин бирор кимсанинг катта мададига таянмаса Солоццо ҳеч қачон Дондек одамга қўл кўтаришга журъат этолмасди. У ўйининг охирига етмаганди ҳамки, телефон учинчи марта жиринглади. Трубкадан юмшоқ, нозик овоз сўради:

— Бу Сантино Корлеонеми?

— Ҳа, менман, — жавоб берди Сонни.

— Том Хейген бизнинг қўлимизда, — деди қўнғироқ қилган одам. — Уч соатдан кейин қўйиб юборамиз. У бизнинг таклифларимизни сенга етказди. Ҳозирча шошилма. Ортиқча қўнғилсизликнинг кераги йўқ. Бўлар иш бўлди. Ўйлаб иш қил. Қизиқсон одамлигингни ҳамма билади. Ўзингни бос.

Телефондаги одамнинг овозида пичинг бор эди. Қўнғироқ қилган Солоццонинг ўзи бўлса керак, лекин аниқ айтиш қийин эди. Сонни атайин қайғули овоз билан:

— Яхши, кутаман, — деди.

Солоццо телефон трубкасини қўйди. Сонни катта олтин соатига кўз ташлади-да, оқ клеёнкага телефонда гаплашган вақтини ёзиб қўйди.

У фамгин стол ёнидаги ўтиргичга ўзини ташлади.

— Нима гап, Сонни? — сўради хотини.

— Отамни отиб қўйишипти, — жавоб берди у.

Хотинининг юзидаги ваҳимани кўриб дағалроқ овозда қўшиб қўйди.

— Йиғлама, отам тирик экан. Ташвиш қилма, бошқа ҳеч нарса бўлмайди.

У Хейген ҳақида гапириб ўтирмади. Телефон тўртинчи марта жиринглади. Бу Клеменца эди. Трубкадан бақалоқнинг хириллаган овози эшитилди.

— Отанг билан бўлган воқеани эшитдингми? — сўради у.

— Эшитдим, — деди Сонни. — Лекин отам тирик.

Узоқ жимликдан сўнг Клеменца энтикиб нафас олди.

— Хайрият-е, худога шукур, минг қатла шукур.

Дарҳол шошиб сўради:

— Аниқ биласанми? Ўша ернинг ўзида, кўчада ўлипти, деб эшитдим.

— Аниқ, тирик, — деди Сонни. У Клеменцанинг ҳар бир сўзини бутун вужудини қулоқ қилиб тинглади. Клеменца ҳақиқатан ҳам ташвишлангандай туюларди, лекин айна пайтда хизмат тақозоси ундан яхшигина артист бўлишни ҳам талаб қиларди-да!

— Энди сен иш бошлашинг керак, Сонни, — деди Клеменца. — Менга қанақа хизмат бор?

— Дарҳол буёққа кел, — буюрди Сонни. — Поли Гаттони ҳам олиб кел.

— Бошқа гап йўқми? — сўради Клеменца. — Балки йигитларни касалхонага ва сенинг олдинга жўнатиш керакдир?

— Йўқ, Поли Гатто билан етиб кел.

Орага жимлик чўкди. Клеменца баъзи бир нарсаларни тушуна бошлади. Сонни овозига табиий тус берди.

— Дарвоқе, Поли қаерларда юрипти? Лаънати нима иш қиляпти?

Трубкадаги бўғиқ овоз жим қолди. Клеменца анчадан кейин жавоб берди.

— Соғлигининг мазаси йўқ, шамоллаб қопти. Уйда ётипти. Қиш ичи оғриб чиқди.

Сонни дарров хушёр тортиди.

— Кейинги ойларда неча марта ишга чиқмади?

— Уч-тўрт марта, — деди Клеменца. — Ҳар гал ўрнига бошқа одам юборишни Фреддига таклиф қилдим, у керакмас деди. Ташвишланишга ўрин йўқ эди, ўзинг биласан, ўн йилдан бери бинойидек ишлаб келаётганди.

— Тўғри, — деди Сонни. — Иккалангизни отамнинг уйида кутаман. Полисиз келма. Йўл-йўлакай учраб, олиб кел. Касалми, соғми, бунинг аҳамияти йўқ. Тушундингми?

Клеменцанинг жавобини кутмасданоқ трубкани қўйди.

Хотини унсиз йиғларди. Сонни у томонга қаради-да, бўғиқ овоз билан:

— Ўзимизникилар сўрашса, отамнинг уйига, унинг шахсий телефони орқали қўнғироқ қилишсин. Бегона одамлар сўрашса, билмайман, деб айт. Томнинг хотини қўнғироқ қилса, эринг ишда бир оз ушланиб қолармиш, деб қўй, — деди.

Бир оздан кейин:

— Бирор гап бўлса қўнғироқ қил, лекин ҳуда-беҳудага қўнғироқ қилма. Кейин йиғини тўхтат, — деб қўшиб қўйди.

У уйдан чиқди.

Атрофга қоронғилик чўккан, декабрь шамоли ачитиб эсарди. Сонни ўзини зулмат қўйнига урди. Хиёбон атрофига ярим ҳалқа шаклида қурилган саккиз уйнинг ҳаммаси дон Корлеонега қарашли эди. Кираверишдаги икки уйда Доннинг ишончли одамлари оила аъзолари билан яшашарди, биринчи қаватдаги уйлар бўйдоқларга берилган бўлиб, улар ҳам Донга қарашли одамлар эди. Қолган олти уйдан бирида том Хейген, яна бирида Сонни, учинчи оддийгина чоғроқ уйда дон Корлеоненинг ўзи яшарди. Қолган уч уй Доннинг хизматни тугаллаган, аммо зарурат туғилиб қолганда эшитиб қолсаёқ ёрдамга етиб келадиган дўстларига бепул берилганди. Боғ ичидаги бир парчагина бу ер ҳақиқатан ҳам қалъа сингари мустаҳкам эди.

Саккиз уйнинг ҳар бири устидаги прожекторлар атрофни кундузгидек ёритиб турар, бу ерда бирор кимсанинг писиб, яшириниб олиши мумкин эмасди. Сонни бошқа томонидан кирди ва ўзининг калити билан уйнинг эшигини очди.

— Ойи, қаердасиз? — чақирди у.

Онаси ошхонадан чиқиб келди. Димоққа қовурилаётган қалампирнинг иштаҳани қитиқловчи ҳиди урилди. Сонни онасининг қўлидан ушлаб, стулга ўтказди.

— Менга ҳозир қўнғироқ қилишди, — деди у. — Сиз ташвишланманг. Отам касалхонага тушиб қопти. Яраланган. Кийининг, отамнинг олдига борасиз. Ҳозир машина келади. Хўпми, ойижон?

Онаси унинг юзига тик қаради.

— Отангни отиб қўйишиптими? — сўради онаси итальян тилида.

Сонни ҳа дегандай бош қимирлатди. Онаси бир дақиқа тақводорлик билан бош эгди-да, ошхонага қайтиб кириб кетди. У онаси газни ўчириб, овқат пийлаётган товани плита устидан олиб қўйиб, ошхонадан чиқиб, пиллапоядан отасининг ётоқхонасига кўтарилгунга қадар қараб турди. Кейин бурчакдаги катта хонага — отасининг иш хонасига ўтди, махсус тайёрланган стол тортмасини очиб, телефон апаратини чиқарди. Бу дон Корлеоненинг номаълум адрес бўйича номаълум одам номига расмийлаштирилган махфий телефони эди. Сонни дастлаб Люка Бразига қўнғироқ қилди. Ҳеч ким жавоб бермади. Кейин Бруклинда яшайдиган, дон Корлеонега бениҳоя содиқ бўлган иккинчи сапоresime Тессюга қўнғироқ қилди. Унга бўлган воқеани айтиб, ишончли одамлардан элликтасини танлаш тўғрисида кўрсатма берди. Бу одамларнинг бир қисмини касалхонани кўриқлашга жўнатиш кераклигини, бир қисмини бу ерга, Ланг-Бичга юбориш заруригини, иш борлигини айтди.

— Клеменцаям ўйиндан чиқдимми? — сўради Тессю.

— Ҳозирча Клеменцанинг одамларидан фойдаланмоқчи эмасман, — жавоб берди Сонни.

Тессю гап нимадалигини тушунди, бир оз жим тургандан кейин:

— Мени кечиргин-у, Сонни, аммо сенга отанг айтадиган гапни айтмоқчиман. Қизиққонлик қилма, оғир бўл. Мен Клеменцанинг сотқинлик қилишига ишонмайман.

— Начора, раҳмат, — деди Сонни. — Бунга мен ҳам ишонмайман, ammo энг аввало ўзимизга хушёр бўлишимиз керак, тўғрими?

— Тўғри, — маъқуллади Тессо.

— Яна бир гап, — деди Сонни. — Хабаринг бор, Майкл Хановерда, дорил-фунунда. Бостондаги одамларимиздан биронтасини жўнат. Уни бу ерга олиб келсин. Тўполонлар босилгунча биз билан бирга туради. Қўнғироқ қилиб, огоҳ-лантириб қўяман. Ҳар эҳтимолга қарши. Ҳозирги шароитда ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Маъқул, — деди Тессо. — Ҳозир топшириқларингни бажариб қўйиб, етиб бораман. Йигитларимни танийсанми?

— Таниб оламан. — Сонни шундай деб трубкани қўйди.

У девор ичига жойлаштирилган кичкина сейфни очди. Тери муқовали аль-фавитли кўк китобчани қўлига олди. Истаган нарсасини топгунча уни варақлади. “Рей Фаррел. Рождество байрамига 5000”. Бу сўзлар ёнида телефон рақамлари ёзилганди. Сонни рақамларни териб сўради:

— Бу Фаррелми?

— Ҳа, мен, — деган овоз эшитилди трубкадан.

— Мен Сантино Корлеонеман, — деди Сонни. — Сизга шошилинич бир илтимос бор. Иккита телефонни текшириб берсангиз. Кейинги уч ой мобайнида бу телефонлардан қайси телефонларга қўнғироқ бўлган ва бу телефонларга кимлар қўнғироқ қилган.

У Фаррелга Поли Гатто ва Клеменцанинг уй телефонларини айтди.

— Бу жуда муҳим. Агар бугун билиб берсангиз, Рождество байрамини яна ҳам қўнғилроқ ўтказишингиз мумкин бўлади.

Энди бошни қотириб ўйлаш керак, бироқ аввал Люка Бразига яна бир марта қўнғироқ қилиш лозим эди. Яна ҳеч ким жавоб бермади. Бу Соннининг шубҳасини оширди. У шубҳали хаёлларни калласидан қувди. Люка бу хабарни эшитиши биланоқ етиб келади. Сонни креслога ўзини ташлади. Бир соатдан кейин уйга одам сизмай кетади. Уларнинг ҳар бирига топшириқ бериш керак. У ҳозир ниҳоят ўйлаб қўриш учун вақт топилгандагина даҳшатли воқеа юз берганини бутун вужуди билан ҳис этди. Бу ўн йил мобайнида дон Корлеоне оиласига ва унинг салтанатига нисбатан биринчи қарши чиқиш эди. Бу Солоцонинг иши эканлиги аниқ эди, лекин Нью-Йоркдаги энг йирик беш зодагонлар оиласидан ҳеч бўлмаганда биттасининг ёрдамига таянмаса, Солоццо бу ишга ҳеч қачон журъат этолмасди. Бу Таттальялар оиласи бўлса керак. Демак, ё уруш бўлади, ёки Солоцонинг таклифларини қабул қилган ҳолда тўла таслим бўлиш керак. Сонни ғамгин кулиб қўйди. Турк ҳамма нарсани мукамал ҳисобга олганди, бироқ омад ундан юз ўгирди. Дон тирик қолди, демак уруш бўлади. Корлеонелар оиласининг куч-қудрати ва алоқалари, бунинг устига, уларнинг ихтиёрида Люка Бразидек хуфия борлиги ҳисобга олинса, уруш қандай тугагини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Сонни яна шубҳага, ташвишга тушиб қолди. Люка Брази қаёққа гойиб бўлдийкин?

## Учинчи боб

Хейгенни ҳам қўшиб ҳисоблаганда машинада беш киши бор эди. Уни орқага, кўчада тўсатдан орқасида пайдо бўлган икки киши ўртасига ўтказишди. Солоццо олдинда ўтирарди. Хейгеннинг ўнг томонида ўтирган кимса унга қараб шляпасини кўзигача бостириб қўйди. Хейген ҳеч нарсани кўрмай қолди.

Анча узоқ, йигирма минутлар чамаси йўл юришди. Машинадан тушишганда Хейген қаерга келиб қолишганини аниқлай олмади — қоронғи тушиб қолганди. Уни ярим ертўлага олиб киришиб, стулга ўтқазиб қўйишди. Солоццо рўпарасидаги стол орқасига ўтирди. Унинг бугдой ранг юзида бургутга хос қандайдир ваҳшиёна ифода бор эди.

— Сен қўрқмасанг ҳам бўлади, — деди у. — Сен Корлеонелар оиласининг мияси эканлигингни, ишни бошқалар қилишини биламан. Мен уларга ҳам, менга ҳам ёрдам беришингни истайман.



Хейген сигарета тутатди, унинг қўллари қалтирарди. Кимдир бир шиша ароқ келтирди. Қаҳва ичиладиган косачага ароқдан қуйиб, унга узатди. Хейген ютоқиб косачани бўшатди. Титроғи босилди, оёқларига ҳам мадор киргандай бўлди.

— Хўжайининг нариги дунёга равона бўлди, — деди Солоццо ва жим бўлиб қолди. — Хейгеннинг кўзлари ёшланганди. Солоццо давом этди. — Уни кўчада, шундоққина идорасининг олдида отиб ўлдиришди. Менга хабар беришлари биланоқ сенинг олдинга жўнадим. Сонни билан битим тузишимизга ёрдам берсанг.

Хейген жим ўтирарди. Доннинг ўлимини эшитиб, чуқур қайғуга тушганидан ўзи хайратда эди. Ўлим ва кўрқиш ҳис-туйғуси аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Солоццо давом этди.

— Сонни менинг таклифимни қабул қилган бўларди. Тўғрими? Сен ҳам яхши биласан, бу шуғулланса арзийдиган иш. Келажак наркотик моддалар билан савдо қилувчиларники. Икки йилдан кейин ҳаммамиз бойиб кетамиз. Бу ишнинг таги олтин. Дон ҳаётдан орқада қолган одам эди, унинг даври ўтганди. Буни ўзи ҳам сезмай қолди. Куйикиб нима қиласан, фойдаси йўқ, ўлган одамни тирилтириб бўлмайди. Мен яна битим тузишга тайёрман, сен эса Соннини рози бўлишга кўндирасан.

— Бу беҳуда иш, — деди Хейген. — Сонни охирги қони қолгунча қасос олади.

Солоццо унинг гапини бўлди.

— Дастлабки пайтларда қизиққонлик қилиб, шундай дейди. Ақлини жойига келтириб қўйиш керак. Мени Таттальялар ва улар тарафидаги ҳамма одамлар қўллаб-қувватлайдилар. Нью-Йоркдаги бошқа корчалон оилалар эса очиқ урушни бартараф этиш учун ҳамма ишни қиладилар. Чунки уруш бўлса одамлар ўлади, иш ўлда-жўлда қолиб кетади. Агар Сонни билан бир битимга келиша олсак, Америкада биронта оилавий синдикат, ҳатто Доннинг энг қадрдон эски дўстлари ҳам бизга халақит беролмайди.

Хейген тирноқларига тикилиб жим ўтирарди. Солоццо тилёғламалик билан давом этди.

— Энди Дон илгаригидек абжир, сезгир Дон эмасди. Илгари уни гафлатда қолдириб бўлмасди. Сени ўзига *consigliori* қилиб тайинлагани учун ҳам бошқа оилалар унга ишонмай қўйишди. Ахир сицилиялик эмассан-да, ҳатто италиялик ҳам эмассан. Агар иш урушга бориб тақаладиган бўлса, Корлеонелар оиласи тамом бўлди, деявер. Бундан ҳамма ютқазади, шу жумладан мен ҳам. Корлеонеларнинг сиёсатдонлар билан алоқаси мен учун пулдан кўра муҳимроқ. Сонни билан, *sororegimes* билан гаплашиб кўр, қон тўкилишининг олдини олишга ёрдам бер.

Хейген косачани узатди, унга яна ароқ қуйиб беришди.

— Уриниб кўраман, — деди Хейген. — Тўғри, Соннини кўндириш қийин. Люка Бразини эса Сонни ҳам тўхтатиб қололмайди. Сизлар Люкадан эҳтиёт бўлишинглар керак. Агар сизлардан воситачи бўлиб борадиган бўлсам, мен ҳам ундан эҳтиёт бўлишим керак.

— Люкани менга қўйиб бер, — деди Солоццо бепарво. — Сен Сонни ва Доннинг қолган ўғиллари билан шуғуллан. Менга қара, уларга айтиб қўй, бугун менинг йигитларим Фреддини ҳам отаси билан қўшмозор қилишлари мумкин эди, мен рухсат бермадим. Муносабатларни беҳуда чигаллаштиришнинг нима кераги бор? Айтиб қўй, Фредди тирик қолганлиги учун мендан бир умр қарздор.

Хейген ниҳоят ўзини тутиб олди. Фақат эндигина Солоццо уни ўлдирмоқчи эмаслигини тушунди. Ўлим ваҳимаси чекинди. Хейген аллақандай енгиллик ҳис қилди ва уялганидан қизариб кетди. Солоццо масҳараомуз илжайиш билан унга қараб турарди.

Қандай йўл тутса тўғри бўларкин? Агар Солоцзонинг воситачиси бўлишдан бош тортса ўлдириб юборишлари мумкин. Нега бош тортади? У Солоцзонинг таклифини батафсил баён этади, холос. Бу ҳар қандай *consigliogin*нинг вазифасига киради. Агар жиддий ўйлаб кўриладиган бўлса, Солоццо унчалик ҳам ноҳаққа ўхшамайди. Таттальялар ва Корлеонелар ўртасида хунрезлик бўлиши-

га ҳар қандай вазиятда ҳам йўл қўймаслик керак. Корлеонелар оиласи Донни охирги йўлга кузатиб, ҳамма нарсани унутишса ва бир битимга келишса яхши бўларди. Вақти келиб Солоццо билан ҳисоб-китоб қилиб олиш мумкин.

Хейген бошини кўтарди — Солоццо унинг ўй-фикрларини ўқиб турганга ўхшарди. У кулиб қўйди. Шу пайт Хейгеннинг миясида чақмоқ чарақлаган-дек бўлди. Люка Брази қаерда, нега Солоццо бепарво кулимсираб ўтирипти? Люка буларга сотилган бўлса-я! Хейген дон Корлеоне Солоццонинг таклифини рад этган куни Люка Бразини ҳузурига чақирганини эслади. Улар ўртасида қандай суҳбат бўлиб ўтганини ҳеч ким билмади. Ҳозир ўша гапларни эслайдиган пайтми? Ҳозир фақат бу қашқирлар қўлидан соғ-омон чиқиб, Корлеонелар оиласининг Ланг-Бичдаги мустақкам кўрғонига кириб олиш тўғрисида ўйлаш керак.

— Қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, — деди у Солоццога. — Гапларингиз тўғри деб ўйлайман. Бундай вазиятда дон Корлеоненинг ўзи бизга фотиҳа берган бўларди.

Солоццо мамнун бўлгандай бош қимирлатди.

— Жуда соз, — суҳбатга яқун ясади у. — Қон тўкилишини ёқтирмайман. Мен корчалон одамман, қон тўкилиши эса қимматга тушади.

Телефон жиринглади, Хейгеннинг орқасида ўтирганлардан бири трубкани олди. Бир оз жим тургач, қисқа қилиб:

— Хўп, айтиб қўяман, — деди.

У Солоццонинг олдига келиб, унинг қулоғига алланималар деб пичирлади. Туркнинг юзи докадай оқариб, кўзлари чақнаб кетди. Хейгеннинг Бутун танасида чумоли ўрмалаб юргандай бўлди. Солоццо бир нарсаларни ўйлагандай унга қаради. Бирдан Хейгенни қўйиб юбормасликларини тушуниб қолди. Нимадир юз берди, у билан ўлимнинг ораси яна икки қадам бўлиб қолди.

— Чол ўлмапти. Бу сицилиялик тўнғизнинг танаси бешта ўқ билан илма-тешик бўлса ҳам ўлмапти, тирик қопти.

Солоццо тақдирга тан бергандай елкасини қисди.

— Омадимиз келмади, — деди у Хейгенга. — Сенинг ҳам, менинг ҳам. Омад биздан юз ўгирди.

## Тўртинчи боб

Майкл Корлеоне отасининг Лонг-Бичдаги уйига яқинлашаркан, боққа кираверишдаги тор йўлакка кўндалангига оғир занжир тортиб қўйилганини кўрди. Саккиз прожектор ярим ҳалқа шаклидаги майдончани ёритиб турарди. Қайрилма йўл четида ўнга яқин машина қатор тизиб қўйилганди.

Занжирга ўтириб олган икки киши ўзаро суҳбатлашаётганди. Майкл уларни танимади.

— Қимсан? — сўради улардан бири бруклинча талаффуз билан.

Майкл ўзини таништирди. Биринчи уйдан бир киши чиқиб, унга тикилиб қаради.

— Доннинг ўғли, — деди у. — Мен кузатиб қўяман.

Майкл унинг орқасидан юрди: уй эшиги олдида уларни яна икки киши тўхтатди. Текшириб кўргач, ўтказиб юборишди.

Уй одамлар билан тўла эди. Майкл улардан биронтасини ҳам танимади. Меҳмонхонада Том Хейгеннинг хотини Тереза диванда қимирламасдан сигара тортарди. Унинг олдида, столчанинг устида виски қуйилган стакан турарди. Диваннинг нариги чеккасида тунд Клеменца ястаниб ўтирарди, сарогесименинг юзидан ҳеч нарсани аниқлаб бўлмасди, лекин пешонасини майда тер қоплаган, бармоқлари орасидаги чайналган сигара тупукдан қорайиб кетганди.

Клеменца Майклга ҳамдардлик билдириб, қўлини қисаркан:

— Онанг касалхонада, отангнинг ёнида. Отанг тузук, ҳаммаси ўтиб кетади, — деди.

Поли Гатто ҳам келиб ундан ҳол-аҳвол сўради. Майкл унга синчковлик билан тикилди. У Поли отасининг шахсий соқчиси эканлигини биларди, лекин

унга ҳали ҳеч ким Поли бугун шамоллаб қолганлиги туфайли ишга чиқмаганлигини айтмаганди. Полининг озғин буғдойранг юзидаги безовталиқ ифодаси Майклининг эътиборини тортди. У Гаттони ўз ишига пишиқ, ишончли, гапнинг мағзини дарҳол илғаб оладиган одам деб эшитганди. Бугун эса лапашанглик қилипти... Майкл уйда яна қандайдир одамлар тимирскиланиб юришганини кўрди, лекин уларни танимади. Улар Клеменцанинг одамлари эмасди. Майкл ҳамма нарсани қиёслаб кўриб, Клеменца ва Гаттодан шубҳаланишаётганини тушунди. Поли суиқасд юз берган жойда бўлган деб ўйлаган Майкл унинг юзидаги майда тиришларга синчиклаб тикилди.

— Фредди тузукми? — сўради у.

Клеменца жавоб берди.

— Укол қилишди, ҳозир ухлапти.

Майкл Хейгеннинг хотини олдига келиб эгилди-да, бетидан ўпиб қўйди. Азалдан уларнинг бир-бирига майллари бор эди.

— Томдан ташвишланма, — деб пичирлади Майкл Терезанинг кулоғига. — Ҳаммаси кўнгилдагидай бўлади. Сонни билан гаплашдингми?

Тереза бир дақиқа унинг пинжига кирди, кейин бош чайқади. Нозик, чиройли бу аёл италиялик эмас, кўпроқ америкаликларга ўхшарди. Ҳозир у жуда-жуда кўрқиб кетганди. Майкл уни қўлларидан тортиб, дивандан турғазди-да, отасининг ишхонасига етаклади.

Сонни ёзув столи орқасида бир қўлида сариқ дафтарча, иккинчи қўлида қалам билан ўтирарди. Унинг олдида фақат сароғегиме Тессо бор эди, холос. Майкл уни таниди ва уйдагилар кимнинг одамлари эканлигини, ҳовлидаги янги соқчилар қаердан пайдо бўлиб қолишганини дарҳол тушунди. Тессо ҳам дафтарча ва қалам ушлаб олганди.

Хонага кирганларни кўриб, Сонни ўрнидан турди ва Хейгеннинг хотинини секин кучоқлади.

— Кўрқма, Тереза, — деди. — Том тинч. Улар шунчаки Том орқали ўз таклифларини жўнатишмоқчи, демак уни қўйиб юборишади. Томнинг бу ишга дахли йўқ — у бизнинг адвокатимиз, холос. Уни хафа қилишнинг фойдаси йўқ.

У Терезани бўш қўйди-да, Майклни ўзига тортиб, юзидан ўпиб қўйди. Бундан ўта таажжубланган Майкл акасини итариб юбориб илжайди:

— Бир умр дўппослаб келдинг, энди бўлса бемаврид эрқалатасан.

Болаликда улар доим бир-бири билан уришиб ўйнашарди.

Сонни елка қисди.

— Биласанми, Хановерда йўқлигингни эшитиб, беҳад ташвишландик. Сени ўлдириб кетишса, менинг парвойимга ҳам келмайди-я, лекин ойимизга нима дейман. Отам тўғрисидаги гапни минг бир изтироб билан айтганим ҳам етар.

— Ойим тузукми?

— Жуда яхши, — деди Сонни. — Бундай воқеага биринчи марта дуч келаётгани йўқ. Мен ҳам. Сен ҳеч нарсага ақлинг етмайдиган кичкина бола пайтингда бундай воқеалар кўп бўлган. Кейин тинч яшай бошлаганмиз. — У жим қолди, кейин қўшиб қўйди. — Ойим касалхонада, отамнинг ёнида. Врачлар отамни тузалиб кетади дейишяпти.

— Балки биз ҳам бориб келармиз? — сўради Майкл.

Сонни бош чайқади.

— Ҳамма иш бир ёқлик бўлмагунча уйдан чиқиш йўқ.

Телефон жиринглади. Сонни трубкани олиб, бутун вужудини қулоқ қилиб тинглади. Майкл беихтиёр столга яқинлашиб, сариқ дафтарчага қаради. Унга саккиз кишининг исми-шарифи ёзилганди. Солоццо, Филипп, Татталья ва Жон Таттальялар биринчилар қаторида туришарди. Майклининг устига қайноқ сув қуйилгандай бўлди. Демак, у кирганда Сонни ва Тессо гумдон қилиниши керак бўлган одамларнинг рўйхатини тузишаётган экан-да!

Сонни трубкани қўйди.

— Меҳмонхонада кутиб туринглар, майлими? — деди Тереза билан Майклга. — Тессо иккаламиз баъзи бир нарсаларни ҳал қилиб олишимиз керак.

Хейгеннинг хотини йиғламсираб сўради:

— Ҳозир Том тўғрисида қўнғироқ қилишмадимми?

Тереза кўрққанидан қалтирарди. Сонни унинг елкасига қўл ташлади-да, эшик томон етаклади.

— Унга ҳеч нарса бўлмайди, мен сўз бераман, — деди у. — Меҳмонхонада кутиб тур. Бирор хабар бўлса, дарров чиқиб айтаман.

Сонни унинг орқасидан эшикни ёпди. Майкл энди тери қопланган катта креслога ўтириб олганди. Сонни унга тез ўтқир қараш қилди-да, столга келиб ўтирди.

— Менга қара, Майк, — деди у. — Бу ерда қолсанг шундай нарсаларни эшитасанки, кейин хафа бўлиб юрасан.

Майкл сигара тутатди.

— Балки керак бўлиб қоларман.

— Э, йўқ, — эътироз билдирди Сонни. — Сени бу ишларга аралаштирсам, отам мени бир умр кечирмайди.

Майкл сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Менга қара, тўнка, у менинг ҳам отам бўлади. Ахир мен ҳам ёрдам бера оламан-ку! Бунинг учун албатта кимнидир отиш керакми? Мен бошқа йўл билан ёрдам берман. Мен билан ёш боладай гаплашишни йиғиштир. Мен уруш кўрганман. Яраланганман. Эсингдан чиқдимми? Одамларни, японларни ўлдирганман. Нимадан кўрқасан? Ҳушидан кетиб қолади, деб кўрқаясанми?

— Балки ҳозир “Кўлингни кўтар!” деб буйруқ ҳам берарсан? — кулди Сонни. — Бўпти, қолсанг қол, телефонга қараб турасан. — У Тессинга ўғирилди. — Ҳозир бизга ўта зарур бўлган маълумотни айтишди. — Сонни Майклга қаради. — Кимдир отамни уларга рўпара қилиб қўйган. Балки Клеменцадир, балки Поли Гаттодир. — Нима учундир у худди шу бугун ўчакишгандай касал бўлиб қолди. Уларни отамга рўпара қилиб қўйган одамнинг кимлигини мен аллақачон билиб олдим. Қани, кўрайлик-чи, сенинг миянг қанақа ишларкин, ахир сен маълумотли одамсан. Айт-чи, бизни Солоццога сотгай одам ким?

Майкл жойига ўтирди-да, кресло суянчигига ўзини ташлади. Шошилмасдан билган нарсаларининг ҳаммасини хаёлидан бирма-бир ўтказа бошлади. Корлеонелар салтанатида Клеменца *consigliogi* лавозимида эди. Клеменцанинг миллионер бўлиб қолишига дон Корлеоне ёрдам берган, йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери Клеменца Доннинг яқин дўсти. Ташкилотдаги муҳим бўғинлардан бири унинг қўлида. Ҳўш, Клеменца Донга сотқинлик қилиб нима ютиши мумкин? Пулми? У жуда бой, аммо очкўзлик, бойиган сари янада бойроқ бўлишга интилиш одамларга хос нарса-ку! Ҳокимиятми? Ёки эски дилсиёҳликлар учун, етарли қадрланмаганлиги учун ўч олмоқчи бўлганми? Ёки лавозимига Хейген тайинлангани билан келиша олмадимми? Ё иш нуқтаи назаридан қараб, Солоццо устун чиқади, деб ўйладимикин? Йўқ, Клеменца сотқин бўлиши мумкин эмас. Шу пайт Майкл Клеменца ўлишини истамаётганлиги учун ҳам шундай ўйларга бораётганлигини тушуниб қолди. Майкл болалик пайтида бақалоқ Клеменца унга совғалар олиб келарди, отаси банд бўлса у билан сайр қиларди. Йўқ, Клеменца эмас.

Айни пайтда Солоццо Корлеонелар томонидан худди Клеменцага ўхшаган одамни оғдириб олишга уринган бўлиши ҳам мумкин.

Поли Гатто. У ҳали бойлик орттириб улгургани йўқ. Яхши ходимлар қаторида тез ўсяпти, лекин ҳамма нарсага эришгунча кўп йиллар ўтиши керак. Поли ёш, демак, ҳокимиятга интилади. Ҳа, Поли сотқинлик қилгани ишончлироқ... Майкл у билан бирга мактабга, олтинчи синфга борган чоғларини эследию, кошкийди Поли бўлмаса, деб қолди.

У бошини чайқаб:

— Униси ҳам эмас, буниси ҳам, — деди.

Соннига сотқиннинг кимлиги аниқлиги учун ҳам шундай деди. Агар Майклга ҳукм чиқаришга тўғри келганда эди, у Поли Гаттони айбдор деб топарди. Сонни кулиб қўйди.

— Ўзингни бос, — деди у. — Клеменцанинг ҳамма иши жойида. Сотқин Поли.

Майкл Тесссионинг енгил нафас олганини, кўнгли ўрнига тушганини сезиб қолди. У ўзи сароғегите бўлганлиги учун ҳам қуролдош дўсти сифатида Клеменцанинг ташвишини қилаётганди. Бундан ташқари энг юқори поғонада хиёнат юз бермаган экан, демак аҳвол унчалик жиддий эмас.

— Эртага йигитларга жавоб берворсам бўлаверадими? — сўради Тесссио.

— Индинга жавоб берасан, — деди Сонни. — Унғача Поли ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмаслиги керак. Ҳозир эса узр, мен укам билан шахсий ишларимиз ҳақида оға-иниларча гаплашиб олмоқчиман. Меҳмонхонада кутиб тур, хўпми? Рўйхатни кейин тугатамиз. Камчилигини Клеменца билан тўлғазасизлар.

— Тушунарли, — деди Тесссио. У хонадан чиқди.

— Сотқин Поли эканлигини қаёқдан билдинг? — сўради Майкл.

— Телефон компаниясида одамларимиз бор, — тушунтирди Сонни. — Полининг кимлар билан гаплашганини текширттирдик. Клеменцанинг телефони ҳам текширттирдик. Шу ойнинг ўзида Поли уч марта касал бўлиб ишга чиқмади. Шу кунлари унга отамнинг идораси қаршисидаги автомат-телефондан кўнғироқ қилишган. Бугун ҳам кўнғироқ қилишипти. Поли ишдами ёки унинг ўрнига бошқа одам ишляаптими, деб текширишган. Эҳтимол бошқа бирор сабаблар билан кўнғироқ қилишгандир. Энди бунинг аҳамияти йўқ, — Сонни жунжикиб кетди. — Худого шукурки, сотқин Поли бўлиб чиқди. Клеменцасиз аҳволимиз мушкул бўларди.

— Демак, уруш бўлади, шунақами? — сўради Майкл ишонқирамай.

— Аввал Том қайтиб келсин, — деди Сонни унга қараркан газаб билан. — Ҳа, агар отам қаршилиқ қилмаса уруш бўлади.

— Нега энди отам фикрини айтишини кутмаслигимиз керак? — сўради Майкл.

Сонни унга шубҳа билан қараб қўйди.

— Медалларни қанақа хизматларинг учун олгансан? Ахир биз душманларимизга нишон бўлиб турибмиз-ку! Жанг қилиш керак. Фақат Томни қўйиб юборишмайди, деб қўрқаман.

— Нега? — таажубланди Майкл.

Сонни шошмасдан тушунтирди.

— Улар отамни ўлган деб ўйлашганди. Томни ушлаб кетишдан мақсадлари эса энди улар мен билан битим тузиш учун Томни воситачи қилиб, ундан менга битим шартларини бериб юборишдан иборат эди. Отам тирик бўлгандан кейин мен уларнинг шартларига кўнмаслигимни тушунишади. Демак, Том ҳам уларга керак эмас. Уни қўйиб юборишлари ҳам, ўлдиришлари ҳам мумкин — буни Солоццо ҳал қилади. Агар ўлдиришса, қўрқитиш учун, биз билан ҳазиллашмаётганлигини кўрсатиш учун ўлдиришади.

— Нега энди сен билан шартнома тузиш мумкинлигига Солоццонинг ишончи комил?

Бирдан Соннининг жаҳли чиқди, аммо дарров жавоб бермади.

— Бир неча ой илгари Солоццо уйимизга келиб, наркотик моддалар билан савдо қилишни йўлга қўйишга қўшилишимизни таклиф қилди. Отам унинг таклифини рад этди. Суҳбат пайтида мен бир ножўя гап айтиб қўйдим. У мени битим тузишга қарши эмаскан, деб ўйлади. Мен ана шу тарзда хатога йўл қўйдим. Ахир отам менга оила ичидаги қарама-қаршиликларни дунёда ҳеч бир одам билмаслиги керак, деб қайта-қайта тушунтирганди-да! Солоццо ўйлаганки, агар оила бошлиғини ўртадан олиб ташласа, мен унинг компаниясига қўшиламан. Отамиз бўлмаса оиламиз ҳозиргидан энг камида икки марта кучсиз бўлиб қолади. Мен унингсиз ҳам оилавий ишни қўлда сақлаб қолиш мақсадида ҳаёт учун эмас, ўлим учун кураш олиб боришга мажбур бўлардим. Келажак наркотиклар билан савдо қилувчилар қўлида. Биз бир битимга келишган бўлардик. Солоццо шахсий манфаатларини ўйлаб отамни ўлдиришни буюрмаган, у бунга ишнинг кўзини биладиган одам сифатида қўл урган. Мен ҳам иш манфаатлари юзаси-

дан у билан ҳамкорлик қилган бўлардим. Албатта, у мени ишга яқинлаштирмасди, ҳар эҳтимолга қарши четроқда ушлаб турарди. Агар мен унинг шартларини қабул қилсам, икки йилдан кейин фақат ўч олиш мақсадида у билан уруш қилишимга бошқа оилалар йўл қўймасликларини яхши биларди. Устига-устак, Таттальялар оиласи у томонда.

— Агар улар отамни отиб ўлдириб қўйишганда нима бўларди? — сўради Майкл.

— Солоццони барибир ўлдираман, — лўнда қилиб жавоб берди Сонни. — Ҳеч нарса мени бу йўлдан қайтара олмайди. Майли, Нью-Йоркдаги беш улкан оиланинг ҳаммаси менга қарши чиқишсин. Ҳамма Таттальяларни битта қолдирмасдан тигдан ўтказаман. Ҳаммамиз бирга қурбон бўлсак ҳам майлига.

— Отам бошқача йўл тутган бўларди, — деди секин Майкл.

Сонни жаҳли чиқиб бақирди:

— Биламан, лекин отамдек бўлишимга ҳали узоқ. Фақат сенга шуни айтиб қўяйки, яқин масофада жанг қилишда мендан зўрини топиш қийин. Буни отам ҳам билади. Тессо ва Клеменца ҳам билади. Солоццо ҳам билади. Биринчи марта одам ўлдирганимда ўн тўққиз ёшда эдим. Оиламиз уруш олиб бораётганда мен отамнинг ёрдамчиси эдим. Бунақа ишларга кўникиб кетганман. Шундай бўлгач, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Бунинг устига ҳамма кучлар бизнинг қўлимизда. Эҳ, агар Люка билан алоқа боғлай олганимизда эди!

— У ҳақиқатан ҳам кучлими? — қизиқиб сўради Майкл. — Унга шунчалик кўп нарса боғлиқми?

Сонни бош қимирлатди.

— Ёлғиз унинг ўзи бутун бир армияга тенг. Уни уччала Таттальяларга қарши қўймоқчиман. Виргилий Солоццо билан ўзим шуғулланаман.

Меҳмонхонадан аёл кишининг чинқиргани эшитилди. Жин урсин, ўйлади Майкл, ахир бу Томнинг хотини-ку! У эшикка отилди. Диван олдида одамлар тўпланиб турарди. Том Хейген хижолат тортиб, Терезани кучоқлаб олганди. Тереза хўнграб йиғларди. Эрини кўриб, қувонганидан чинқирганига Майкл тушунди. Том Хейген хотинининг қўлини олиб, уни диванга ўтқазди. Майклга хўмрайиб қараб, кулимсиради:

— Сени кўрганимдан хурсандман, Майк, жуда хурсандман, — деди-да, йиғлаб ўтирган хотинига қарамасдан ишхонага кириб кетди. У шунча йил Корлеонелар оиласида бекорга яшамаган, ўйлади Майкл, ажойиб бир ғурур билан. Қанчалик таажжубланарли бўлмасин, Дон унга ҳам, шунингдек Соннига ҳам ўз таъсирини ўтказипти.

## Бешинчи боб

Саҳар соат тўртга яқин Сонни, Майкл, Том Хейген, Клеменца ва Тессо дон Корлеоненинг хонасига тўпландилар. Тереза Хейгенни уйига чиқиб кетишга кўндирдилар. Тессо одамларига Поли Гаттодан кўз узмасдан кузатиб туришни топширди. Буни хаёлига ҳам келтирмаган Поли Гатто ҳамон меҳмонхонада кутиб ўтирарди.

Том Хейген тўпланганларга Солоццонинг шартларини айтди. Доннинг ўлмаётганини эшитгандан кейин Солоццо Томни ўлдирмоқчи бўлганлигини айтиб берди. Хейген кулимсиради.

— Ҳатто Олий суд олдида ҳам бугун бу лаънати Турк олдидагидек ўлиб-тирилиб сайрамаган бўлардим. Дон тирик қолганлигига қарамасдан оиланинг у билан шартнома тузишига кўндиришга ваъда бердим. Мен сени, Сонни, бу масалада бемалол кўғирчоқ қилиб ўйнатаман, дедим. Болаликдан бери дўстлигимизни айтиб бердим. Кўнглинга келмасину, сен оила бошлиғи ўрнини эгаллашга қарши эмаслигингни ҳам шаъма қилиб ўтдим. Парвардигори олам, ўзинг кечир, осий бандангни.

У айбдордек Соннига қараб кулиб қўйди. Сонни ҳаммасини тушунаман деган маънода кафти очик қўлини юқори кўтарди.

Телефон олдидаги креслога ястаниб ўтириб олган Майкл уларнинг ҳар иккисини ҳам кузатиб турарди. Хейген хонага кирганда Сонни дарҳол ўрнидан турди-да, уни кучоқлаб қарши олди. Кўп жиҳатдан унга нисбатан Том Хейген акасига қадронроқ эканлигига ғайрилиги келди.

— Энди ишга киришайлик, — деди буйруқ оҳангида Сонни. — Ҳаракат режасини ишлаб чиқишимиз керак. Тессио билан биргаликда баъзи бир нарсаларни белгилаб қўйдик. Тессио, рўйхатни Клеменцага узатвор.

— Агар биз қарор қабул қиладиган бўлсак, Фреддини ҳам йиғилишга чақириш керак, — деди Майкл.

— Фреддисиз иш қилишга тўғри келади, — ғамгин жавоб берди Сонни. — Врач унинг қаттиқ ҳаяжонланганини ва унга тинчлик, осудалик кераклигини айтди. Отамнинг жароҳатланганини кўриб, қўрқиб кетган бўлса керак. Отам унинг учун доим худо билан тенг эди-да. Биз Майкл иккимиз бошқачароқмиз.

— Бўлди, Фреддини қўйинглар, — деди Хейген бидирлаб. — Унга тегмангллар, умуман бу ишнинг унга дахли бўлмаслиги керак. Кулоқ сол Сонни, ҳамма ишимиз кўнгилдагидек тугамагунча кўча-қўйда қорангни кўрсатмайсан. Бу ер мутлақо хавф-хатарсиз жой. Шу ердан ҳеч қаёққа жиммайсан. Солоццога кўз-кулоқ бўлиб туриш керак, уни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Ўз ишида у устаси фаранглardan. Касалхонада соқчилар борми?

Сонни бош ирғади.

— Полиция дарвоза олдига соқчилар қўйди. Менинг йигитларим эса отамдан кўз узмай ўтиришипти. Хўш, Том, рўйхатга нима дейсан?

Хейген рўйхатни ўқиркан, қовоғини солди.

— Сонни, сен эҳтиросга берилиб кетяпсан. Аттанг, Дон бошқача йўл тутган бўларди. Ахир тушунсанг-чи, ҳозир энг муҳими Солоццо. Ўшани гумдон қилсанг, қолган ишлар ўрнига тушиб кетади. Анови Таттальяларнинг сенга нима кераги бор?

Сонни ҳар икки сарофесимега қаради. Тессио елка қисди.

— Тўғри, бу осон иш эмас.

Клеменца сукут сақлади. Бу Тессио фикрини маъқуллаш ифодаси эди.

Сонни Клеменцага:

— Бир нарса аниқ. Полини гумдон қилиш керак, — деди. — Бу борада баҳслашиб ўтиришнинг зарурати бўлмаса керак. Майли, биринчиси Поли бўлсин.

Бақалоқ сарофесиме бош қимирлатди.

— Люкага нима бўлди? — сўради Хейген. — Менимча, Солоццо ундан мутлақо хавфсирамаяпти. Шунинг учун мен Люкадан ташвишланяпман. Агар Люка бизни сотиб қўйган бўлса, ишимиз пачава. Энг аввало шуни аниқлашимиз керак. Ким у билан боғлана олди?

— Ҳеч ким, — жавоб берди Сонни. — Кечқурун жуда кўп марта кўнғироқ қилдим.

— Майк, жавоб беришгунча кўнғироқ қил. Ҳар ўн беш минутда кўнғироқ қилавер, — деди Хейген.

— Менга қара, Том, — деди шошиб Сонни. — Ахир сен маслаҳатчисан. Шундай бўлгач, маслаҳат бер. Биз нима қилайлик? Сенингча қандай йўл тугасак, тўғри бўлади?

Хейген ўзига виски қўйди.

— Отанг тузалиб чиқиб, ҳамма ишни қўлга олгунга қадар Солоццо билан музокара олиб борамиз. Иложи қолмаган тақдирда ҳатто, битим тузишимиз ҳам мумкин. Дон тузалиб чиққандан кейин ҳамма нарсани ўзи ҳал қилиб, жой-жойига қўйиб олади. Биз оила аъзолари эса у тутган йўлни маъқуллаймиз.

Соннининг жаҳли чиқди.

— Демак, сенингча, мен Солоццога бас келолмайман, шунақами?

Том Хейген унинг кўзларига тик қаради.

— Бас келасан. Корлеонелар оиласи кучли. Клеменца ва Тессио сингари кучли одамларинг бор. Бироқ, агар масала урушга бориб тақалгудек бўлса, улар-

нинг ҳар бири минглаб одам тўплай олади. Унда бутун Шарқий соҳилда хунрезлик бошланади. Қолган оилаларнинг ҳаммаси айбни Корлеонеларга тўнкайди. Ўзимизга душман орттириб оламиз. Отанг бундай пайтларда бошқача йўл тутишни ўргатган.

— Агар отам тирик қолмаса-чи, унда қандай маслаҳат берасан, маслаҳатчи? — деди Сонни.

Хейген оғир-босиқлик билан жавоб берди.

— Билаган, сен менинг фикримга қўшилмайсан. У ҳолда Солоцонинг таклифини қабул қилиб, наркотиклар билан савдо қилишни бошлаб юборганинг маъқул. Отангнинг алоқаларисиз, унинг шахсий таъсирисиз Корлеонелар оиласининг куч-қудрати икки барабар камаяди. Ақалли узоқ давом этадиган қирғинбаротлик урушининг олдини олиш учун ҳам Нью-Йоркнинг бошқа оилавий синдикалари Солоццо ва Таттальяни қўллаб-қувватлайдилар. Агар отанг ўлиб қолгудек бўлса, сен Солоцонинг шартларига рози бўл. Кейин бир гап бўлар.

Ҳазабдан Соннининг юзи докадай оқариб кетди.

— Сенга айтишга осон-да, а? Сенинг отангни отишмаган-да!

Хейген шошиб, ғурур билан деди:

— Мен ҳам унга худди сенга ёки Майклга ўхшаган ўғилман, балки ўғилдан ҳам яқинроқдирман. Сен билан мен ҳозир маслаҳатчи сифатида гаплашдим. Агар сени шахсий фикрим қизиқтираётган бўлса, билиб қўй: уларнинг ҳаммасини бирма-бир шу қўлларим билан бўғиб ўлдирган бўлардим.

Сонни хижолат бўлиб:

— Кечир, Том, ўзимни тутолмай қолдим, — деди.

Аслида у ўзини тутолмай қолмаганди. Қариндош қариндош экан-да, начора, нима ҳам қила олардинг.

Сонни ғамгин ўйлаиб қолди. Ҳамма ноқулай вазиятда унинг нима дейишини кутарди. Мана, ниҳоят Сонни оғир хўрсинди-да, секин гапира бошлади:

— Майли, отам тузалиб чиққунча кутиб тураман. Лекин сен ҳам, Том, шу ерда ўтирасан, бехуда таваккалчиликнинг кераги йўқ. Сен ҳам Майк, гарчи Солоццо бутун оила аъзоларимизни пичоқлаб ўлдиришга аҳд қилмаган бўлса-да, эҳтиёт бўл. Тессо, одамларинг тайёр туришин. Шаҳарда бўлаётган воқеалардан ўз вақтида хабардор бўлишин. Клеменца Гаттони гўмдон қилганиндан кейин, одамларингнинг бир қисмини касалхонага, Тессо йигитларининг ўрнига жўнатасан. Тессо, ҳар эҳтимолга қарши сенинг йигитларинг ҳам ҳозирча касалхонада туратуришин. Том, эртага эрталабданоқ телефон, ёки воситачи орқали Солоццо ва Таттальялар билан музокарани бошлайвер. Майк, эртага Клеменца йигитларидан икки нафарини олиб Люканикига бор, уни кут ёки қаерга қўйиб бўлганлигини билиб кел. Агар юз берган воқеадан хабардор бўлса, эҳтимол Солоцонинг бўғзидан олгандир. Турк унга қанчалик катта бойлик ваъда қилмасин, Люка Доннинг юзига оёқ босишига ишонмайман.

— Бу ишга Майклни аралаштириш зарурмикин? — сўради шубҳа билан Хейген.

— Сен ҳақсан, — деди Сонни. — Майк, ҳамма топшириқ бекор қилинади. Телефон олдида ўтир, бу мен учун муҳим.

Майкл индамади. У ноқулай вазиятга тушиб, ҳатто хижолат бўлиб қолди. Тессо ва Клеменца уни назар-писанд қилишмаётганини яширишиб, бепарвар ўтиришарди. Майкл трубкани қўлига олиб, Люка Брази телефони рақамларини терди. Трубкани қулоғига босиб, узун-узун ту-тулаган овозни эшита бошлади.

## Олтинчи боб

Питер Клеменца тун бўйи босинқираб чиқди, яхши ухлай олмади. Эрта туриб ўзи нонушта тайёрлади. Чўмилганда кийиладиган эски халат ва кигиз шип-пакда хона бўйлаб уёқ-буёққа юраркан, олдинда турган иш режаларини пишитди. Кеча Сонни аниқ кўрсатма берди. Поли Гатто зудлик билан гўмдон қилиниши керак. Демак, бугун топшириқ адо этилиши зарур.



Клеменца ташвишда эди. У ўзи тавсия қилган Поли сотқин чиқиб қолганидан хижолат бўлаётганди. Полининг сотқинлик қилиши Клеменцага зарар етказмасди. Устига-устак, Полининг ҳаёти ҳаммага маълум бўлиб, бу унинг фойдасига хизмат қиларди. У сицилияликлар оиласида туғилган, Корлеонелар билан қўшни яшаган, унинг болалари билан бирга ўсган, Доннинг ўғилларидан бири билан мактабда бирга ўқиган эди. Синовдан ўтказишди — у ишга яроқли эканлигини исботлади. Поли қотиллар қаторига қўшилди. Корлеонелар оиласи унга яхшигина маош белгилади. У Ист-Сайддаги тотализатордан ҳамда касабаси уюшмасидан тушадиган даромаддан улуш олиб турадиган бўлди. Клеменца Поли Гатто Корлеонелар оиласида ўрнатилган қаттиқ тартиб-интизомга қарши бориб, ҳаётини хавф-хатар остига қўйган ҳолда ўғирлик қилиб қўшимча даромад топади, деб шубҳаланарди. Айни пайтда бу Клеменцанинг кўз олдида унинг кадр-қимматини оширарди ҳам. Буйруқни менсимаслик дадиллик ва жасурлик далили ҳисобланарди. Албатта, ёшларнинг чойчақасига кўп пул керак. Бунинг ҳаммаси табиий ҳол. Лекин Поли Гатто сотқинлик қилади деб ким ўйлабди дейсиз.

Йўқ, бугун эрталабданоқ Клеменцани ташвишлантирган нарса бошқа эди. Поли Гаттони гумдон қилиш кунда-кунорада бўлиб турган одатдаги ишлардан бири, холос. Лекин ўрнига ким шахсий соқчи бўлади? Оддий югурдак учун бу лавозим мансаб пиллапоясидан катта кўтарилиш бўлади. Бу ишга жиддий ўйлаб ёндошиш керак. Лапашанг ва ношуд одам бўлмаслиги керак. Ишончли, қўлга тушиб қолса тилини тия оладиган, бир сўз билан айтганда, Сицилиянинг омега қонун-қоидасига қаттиқ амал қиладиган одам керак. Яна бир масала. Янги лавозим учун қанча пул тўласа тўғри бўларкин? Тўс-тўполон бошланганда олов чизигида энг аввало шахсий соқчи бўлади. Клеменца яхши ишлаётган оддий югурдакларга кўпроқ ҳақ тўлаш кераклиги тўғрисида Донга бир неча марта айтганди. Лекин Дон лом-мим демади. Поли пулдан қийналмаганда маккор Туркнинг тузоғига илинмаган бўларди.

Ниҳоят Клеменца Рокко Лампонега тўхталди. Корлеонелар оиласида Рокко яқиндан бери хизмат қилаётганди. Шунга қарамасдан бирмунча кўтарилишга эришганди. У Африкада жанг қилган, жароҳатланиб, 1943 йилда қайтиб келганди. Лампоне ўшанда қаттиқ оқсоқланиб юрарди. Бироқ Клеменца барибир уни қабул қилганди. Клеменца унинг соғлом фикрлашини қадрларди. Лампоне унча катта бўлмаган муддат ёки йирик жарима билан қутилиб кетиш имкони бўлган жойда ўзини ўтга уришнинг, жиддий кўнгилсизликларга дучор бўлишнинг кераги йўқлигини яхши тушунади. Тўланадиган жарима эса қўлга киришиладиган бойликка қиёслаганда денгиздан томчи, холос. Керагидан ортиқча ошириб юбориш ўрнига сал-пал кўрқитиб қўйиш яхшироқ натижа беришини у яхши биларди. Рокко шов-шувсиз иш қиларди. Аслида айни шу нарса талаб қилинади.

Худди ходим танлашда мураккаб вазифани ҳал қилган ҳалол маъмурият бошлиғидай Клеменцанинг кўнгли ўрнига тушди. Шундай қилиб, у ёрдамчиликка Рокко Лампонени олади. Клеменца топшириқни адо этишда фақат ёш, тажрибаси йўқ Роккога унинг биринчи жиноий ишида ёрдамлашиш учунгина эмас, шунингдек, Поли Гаттодан қасд олиш мақсадида қатнашмоқчи эди. Поли унинг васийлигида эди. Клеменца муносиброқ ва ишончлироқ одамларни қолдириб, Полини шахсий соқчиликка кўтарди. Унинг биринчи қотиллик қилишига ёрдамлашди, мансаб поғонасидан кўтарилишида ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Поли фақат Корлеонелар оиласигагина эмас, шунингдек, ўзининг ҳомийси Питер Клеменцага ҳам хиёнат қилганди. Нонкўрлик қилганлиги учун у жазоланиши керак.

Бошқа ишлар пухта режалаштириб қўйилганди. Соат учда Поли Гатто одатдагидай ўз машинасида Клеменцага учрайди. Клеменца телефонга келиб, Рокко Лампонега кўнғироқ қилди. Кимлигини айтмади. Қисқа қилиб:

— Бугун соат иккидан кеч қолмай меникита кел. Иш бор, — деди.

Жавоб ҳам қисқа бўлди.

— Хўп.

Клеменца трубкани қўйди. У sarogegime Тессининг дон Корлеонининг уйидаги йигитларини алмаштириш тўғрисида ўз одамларини хабардор қилиб қўйганди. Битта ташвиш камроқ бўлгани яхши. Унинг йигитлари чаққон, ҳамма ишни ўзлари уддалашади.

Ҳозирча машинасини ювиб турсамикин. Машина юваётганинда калланга ажойиб фикрлар келади. У отаси Италияда доим ҳўтикларини чўтка билан ювиб, тозалашдан завқланганлигини эслади.

Клеменца машинасини иссиқ гаражда ювди. У совуқни жинидан ёмон кўради. Поли билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. У каламуш сингари хушёр, хавф-хатарни дарҳол сезади. Биринчидан, нима учун Рокко бирга кетаётганлигини у ишонадиган қилиб тушунтириш керак. Иккинчидан, қаерга, нима учун бориш кераклигини шундай пухта режалаштириш лозимки, Поли заррача шубҳаланмасин.

Дарвоқе, тўғриси айтганда, бунинг зарурати ҳам йўқ. Полига ортиқча мулозимат қилиб ўтирмасдан, уни осонгина саранжом қилиш ҳам мумкин. Лекин Клеменца хамирдан қил суғургандек иш битирарди, бу борада ҳеч қачон эринчоқлик қилмаганди. Устига-устак, агар хавф-хатар мавжуд бўлса ҳам, уни бар-тараф этиш керак. Ҳар нарса бўлиши мумкин, чунки ҳаёт ва ўлим тўғрисида гап кетяпти.

Питер Клеменца мовийранг машинасини юваркан, хатти-ҳаракатларини, имо-ишораларини ўзича пишигарди. У Поли билан худди бирор гуноҳ қилиб қўйган одамдай дағал муомала қилади. Бу ҳайвонларга хос сезгига эга бўлган, ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган, Поли Гаттони чалғитади ёки ҳеч бўлмаганда ўзига бўлган ишончдан маҳрум қилади. Ортиқча хушмуомалаликдан ҳам у шубҳаланади. Албатта, меёрдан ошириб юбормаслик керак. Хаёли паршон, бир оз асабийлашган, ташвишли хўжайин ролини ҳам ўйнаш мумкин... Энди Лампонега келсак, у Полини шубҳага солса-чи? Бунинг устига Рокко орқага ўтирса. Сен руль бошқариб борсанг, орқангда Лампоне ўтирган бўлса, демак қаршилиқ кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўласан. Клеменца машинасини кўзни оладиган қилиб ялтилатиб тозалади. Мураккаб масала. Жуда мураккаб. Яна бирор кимсани жалб этсамикин? Йўқ, жалб этмагани маъқул. Клеменца лўнда фикрларди. Иштирокчилардан бири Клеменцага қарши кўрсатма берадиган вазият юз бериб қолиши ҳам мумкин. Агар гувоҳ битта бўлса, кўрсатмалар тенглашади. Агар яна бир одам бўлса, икки кишининг гувоҳлиги босиб кетади. Йўқ, яхшиси, ҳаммаси режалаштирилгандай бўлавергани маъқул.

Афсусланадиган жойи шундаки, жиноятнинг изини йўқотиш мумкин эмас. Ўликни топишади. Агар у бутунлай йўқотиб юборилганда яхши бўларди. Одамда ўликлар океанга ёки оила дўстларига қарашли бўлган Нью-Жерси ботқоқликларига чўктириб юбориларди, баъзида эса янада мураккаброқ йўллар билан йўқ қилиб ташланарди. Лекин бу сафар бошқа сотқинларга ибрат қилиб кўрсатиш, айни пайтда душманга Корлеонелар оиласида аҳмоқлар ва лапашанглар улар ўйлаган даражада кўп эмаслигини яна бир марта исботлаш мақсадида очиқ дарс ўтказишга қарор қилишди. Айғоқчиси бунчалик тез фош этилганини кўрган Солоццо аламдан куйикиб ўлади. Корлеонелар оиласи қисман бўлса ҳам бой берилган обрў-этиборини тиклаб олиши керак. Донга ўқ узишга журъат этишиб, уларни масҳара қилишди.

Клеменца нафасини ростлади. Машина худди катта пўлат тухумга ўхшаб ялтиларди. У бўлса ҳалигача ишончли сабаб ўйлаб тополмади. Ниҳоят калласига бир фикр келиб қолди. Рокко Лампонининг иштирокини, у нима учун унинг Поли билан бирга боришини, ими-жимиди, шов-шувсиз ҳаракат қилиш кераклигининг сабабини содда ва лўнда қилиб тушунтиради.

У Полига агар бирор қор-ҳол рўй берадиган бўлса, оила аъзолари яширинадиган жой — “тўшакхона” излашга боришларини айтади.

Оилавий синдикатлар ўртасидаги урушлар кескинлашиб кетган пайтларда қарши томонлар биноларни ижарага олиб, “солдатлар” ерга тўшалган тўшак-

лар устида думалаб ётадиган штаб қароргоҳини ташкил этишарди. Бу қариндош-уруғларни омон сақлаб қолиш учун қилинмасди, ҳеч ким ҳеч қачон олишувга дахли бўлмаган аёллар ва болаларга қўл кўтаришга журъат этолмаган. Бундай қилиш ҳар икки томон учун ҳам хавфли эди. Шунчаки соғлом фикр душман кўзидан ёки урушга аралашиб қолгудек бўлса, полициядан узоқроқ бўлиш учун яширинишни тақозо этарди.

Одатда бундай жойни ишончли сарогесим излаб топар, тўшакларни ҳам у келтирарди. Хужумга ўтилганда эса ана шу ердан шаҳарга жўналарди. Бундай топшириқни адо этиш учун биринчи бўлиб Клеменцани юборишарди. Бу табиий ҳол ҳисобланарди. Бундай жойни жиҳозлаш, кўчиб боришга ёрдамлашиш учун Гатто ва Лампонени жалб этиши ҳам табиий ҳол ҳисобланарди. Бундан ташқари — Клеменца кулиб қўйди — нафси наҳанг Поли дарҳол бундай қимматли маълумотлар учун Солоццо қанча пул тўлашини ҳисоблай бошлади.

Рокко Лампоне барвақтроқ келди. Клеменца вазифани яхшилаб тушунтирди. Лампоне ҳайрон бўлиб, айна пайтда миннатдорчилик билдириб унга қаради — бу мансаб поғонасида сезиларли кўтарилиш эди, унга оилага хизмат қилиш имконияти берилганди. Рокко эҳтиром билан Клеменцага миннатдорчилик билдирди. Клеменца ёрдамчини тўғри танлаганлиги учун ўзидан яна бир бор мамнун бўлди. Лампоненинг елкасига уриб қўйди.

— Эртадан фақат нон пулигина эмас, балки мой пул ҳам ола бошлайсан. Бу ҳақда кейин бафуржа гаплашамиз. Хабаринг бор, ҳозир Донникида бундан муҳимроқ ташвишлар бор.

Лампоне, тушунаман, деган маънода қўлини кўтарди — албатта, кутиб туради, ишга яраша ҳақ олишига шубҳа қилмайди.

Клеменца устахонасига кириб, сейфни очди. Ундан тўппонча олиб Лампонега берди.

— Ма, ол, — деди. — Ҳеч ким танимайди. Кейин машинага, Полининг ёнига ташлаб қўясан. Ишни тугатганимиздан кейин хотининг ва бола-чақаларингни олиб, Флоридага жўна. Ёнингдан пул сарфлаб турасан. Кейин тўлаб беришадди. Куёшда қорайиб, дам ол. Керак бўлиб қолсанг қаердан топишни билишим учун Корлеонеларнинг Майами-Бичдаги меҳмонхонасига туш.

Клеменцанинг хотини эшикни чертиб кириб, Поли Гатто келганини айтди. Уй олдида унинг машинаси турарди. Гараждан олдин Клеменца, унинг кетидан Лампоне чиқди. Сарогесиме олдинги ўриндиққа, Гаттонинг ёнига ястаниб ўтирди-да, Полининг саломига бир нималар деб гўлдираб жавоб берди. Тирноқ остидан кир қидиргандай Гатто кечикиб келмадими, деб соатига қаради.

Полининг чўзинчоқ юзи ҳушёр тортиб, қотиб қолди. Нима гаплигини англаб олишга уринди. Лампоне орқа ўриндиққа ўтирганди, Полининг пешонаси тиришди.

— Четроққа ўтир, Рокко. Шунчалик баҳайбатсанки, ойнада сендан бошқа нарса кўринмай қолди.

Лампоне бу илтимосда ғайритабиий ҳеч нарса йўқдай дарҳол сурилиб, Клеменцанинг орқасидаги ўриндиққа ўтирди.

Клеменца норози оҳангда Гаттога шундай деди:

— Сонни тентак кўрқиб, талвасага тушиб қолди. “Тўшакхона” ташвишини қияпти. Уэст-сайддан жой топишни буюрди. Поли, у кўрсатма бергандан кейин Рокко билан бирга кўрпа-тўшак ва озиқ-овқатларни ташиб келтириб, ҳамма нарсани тахт қилиб қўясизлар. Кўз остингга олиб юрган бирор жой йўқми?

Клеменцанинг ўйлагани тўғри чиқди — очкўзлик устун келди. Поли қармоққа илинди — у бу маълумотларни Солоццога қанчага пуллаш ҳақида бош қотира бошлади, ўзининг хавфсизлиги тўғрисида ўйлашни хаёлига ҳам келтирмади. Дарвоқе, Лампоне ўзига ажратилган ролни аъло даражада ўйнамоқда. У пинагини бузмасдан ойнадан ташқарини томоша қилиб келяпти. Клеменца уни танлагани учун яна ўзидан мамнун бўлди.

Гатто елкасини қисди.

— Ўйлаб кўриш керак.

— Ҳйла, лекин машинани ҳам тезлат, — деб тўнғиллади Клеменца. — Мен Нью-Йоркка эртага эмас, бугун етиб боришим керак.

Шаҳарга эрта тушадиган қиш оқшоми чўкканда кириб келишди. Ҳаммаси жим бўлиб қолишди. Клеменца машинани Вашингтон-Хайтс райони томон буришни буюрди. Бир неча квартирани кўрган бўлишди. Кейин Полига машинани Артур-авенюга қўйиб, уни ўша жойда кутиб туришни тайинлади. Рокко Лампонени ҳам машинада қолдирди, ўзи эса Вера Марио ресторанига кириб кетди. Енгилроқ овқат — сўқим гўшт ва салат буюрди, таниш-билишлар билан бир-икки оғиз гаплашди. Бир соатдан кейин қайтиб келиб машинага ўтирди. Гатто ва Лампоне кутиб ўтиришганди.

— Иблислар, — тўнғиллади Клеменца. — Лонг-Бичга қайтиб кел, деб чақиришяпти. Шошилиш иш чиқиб қолганмиш. Сонни “тўшакхоналаринг” туриб турар, деяпти. Рокко, сен шаҳарда яшайсан-ку, етказиб қўяйликми?

Рокко хотиржам жавоб берди.

Машинани сизнинг уйингиз олдида қолдириб келганман. Эртага эрталаб хотинимга машина керак бўлади.

— Ундай бўлса бирга қайтамиз, бошқа иложимиз йўқ.

Жим кетишди. Шаҳардан чиқишгандан кейин Клеменца тўсатдан:

— Поли, тўхталик. Иш чиқиб қолди, — деди.

Гатто таажжубланмади: у бақалоқ сароғесиме билан биринчи марта йўлга чиқаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам унинг нозик жойларини яхши билади. Машина тош йўлдан чиқиб, ботқоқликка олиб борадиган тупроқ йўлга кириб тўхтади. Клеменца машинадан тушиб, чакалакзорга кирди. У заҳартангдан бўшаниб, қайтиб келди. Машина эшигини очаркан, тош йўл томон қаради. Йўлда биронта чироқ кўринмасди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди.

— Бошла, — деди Клеменца.

Машина ичида ўқ овози янгради. Поли Гатто худди олдинга сакрагандек, кўкраги билан рулга суяниб қолди, кейин аста ўтиргичга сирғалиб тушди. Қон сачрамаслиги учун Клеменца шошилиб ўзини орқага олди.

Рокко Лампоне машинадан тушди ва тўппончани ботқоқликка улоқтирди. Сўнгра шошиб шу атрофда яшириб қўйилган машина томон юришди. Унга ўтиришди. Лампоне ўтиргич остини тимирскилаб калитни топди ва машинани ўт олди. Клеменцани уйига етказиб қўйгач, бошқа йўл билан Нью-Йорк орқали Манахаттанга, уйига жўнаб кетди.

*Давоми бор*

